

435 2
31
2.67



ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ

ДАРЛИК

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ФИЛИАЛИ**

ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ

ДАРСЛИК

ТОШКЕНТ – 2013

УДК: 314.1 (075)
КБК 65.9 (5У)
И60

И60 Инсон тараққиёти. Дарслик. и.ф.д., проф. Қ.Х. Абдурахмонов таҳрири остида. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013, 476 бет.

Мазкур дарсликда инсонни тараққиёти концепциясининг назарияси ва асослари, унинг таркибий қисмлари, мазкур концепциянинг иқти-содий ўсиш ва иқтисодий ривожланиш моделлари билан ўзаро боғлиқлиги, Инсон тараққиёти индексини ҳисоблаш услубиёти, инсон тараққиётининг демографик ва экологик омиллари, ушбу соҳадаги миллий мақсадларни амалга оширишда давлатнинг роли, Ўзбекистон Республикасида инсон тараққиёти аҳолининг таҳлили баён этилган.

Дарсликда БМТ Ривожланиш дастурининг глобал ва минтақавий маърузаларида, Ўзбекистон Республикасининг Миллий маърузаларида баён этилган услубий ишланмаларидан фойдаланилган.

Ушбу дарслик олий ўқув юрларининг талабалари ва ўқитувчилари, инсон тараққиёти муаммолари билан қизиқадиган мутахассислар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

Рахимова Д.Н. – и.ф.д., проф. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси;
Сандов А.Х. – ю.ф.д., проф. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмитаси раиси;
Худойбердиев З.Я. – и.ф.д., проф. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-хунар таълими маркази директорининг ўринбосари.

Муаллифлар жамоаси:

и.ф.д., проф. Абдурахмонов Қ.Х., и.ф.д., проф. Бекмуродов А.Ш.,
и.ф.д., проф. Холмўминов Ш.Р., и.ф.д., проф. Умурзаков Б.Х.,
и.ф.д., проф. Зокирова Н.Қ., и.ф.н., доц. Шоюсупова Н.Т.,
и.ф.н., доц. Арабов Н.У., и.ф.н., доц. Холмуродов С.Э.,
и.ф.н. Абдурахмонова Г.Қ., и.ф.н. Жабборова Ш.Г.
кат.ўқит. Шакаров З.Г.

Дарслик Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали қарорига асосан (2012 йил 27 декабрь) чоп этилди.

ISBN 978-9943-10-794-6

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2013.

КИРИШ

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг етакчи давлатлари тараққиёти учун sanoat ривожланишидан кейинги босқич хос бўлиб, бу босқичда иқтисодий ўсиш омилларининг роли ва ўрни ўзгармоқда. Анъанавий ҳисобланган уч омилга: меҳнат, ер, ва капиталга фан-техника таррақиёти омили ҳам қўшилди. Ахборот ва билимлар эса энг муҳим ресурсларга айланди. Инновацион иқтисодиёт бевосита ана шу асосда шаклланиб, ушбу иқтисодиётда инсон ва унинг салоҳияти ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилаётган ислохотлар инсон тараққиёти мақсадига йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов алоҳида таъкидлаб ўтганидек, бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз - “барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш”¹ дир.

Ўзбек халқининг буюк мутафаккирлари инсоннинг жамиятдаги ўрни, унинг улкан салоҳиятига юқори баҳо бериб, инсон ҳар тарафлама камол топишининг аҳамиятини уқтирганлар. Жумладан, Алишер Навоий инсон ўз тафаккури билан ҳар қандай вазифани ҳал эта олишини таъкидлаган:

*Деди: Ҳар ишқи қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Улум ичра манго то бўлди мадҳал,
Топилмас мушқуле мен қилмаган ҳал”²*

Абу Али ибн Сино: “инсон бошқаларнинг эҳтиёжларини қондириши сабаблигина инсон бўлади, бошқалар ҳам шундай йўл тутади. Биров экин экади, бошқа одам нон ёнади, учинчиси кийим тикади, тўртинчиси игна ясади ва ҳамма бир-бирининг эҳтиёжини қондириши учун тўпланади”³ деб кўрсатган.

¹ Каримов И.А. Мустақилликда демократик ислохотларни янги ҳуқуқий асосда ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Халқ сўзи, 2011 йил 13 ноябрь.

² Қаран: Ўзбекча-русча афоризмлар луғати. – Т.: «Ўқитувчи», 1976. Б.123.

³ Қирин: Рахимов С.Р. Психолого-педагогические взгляды Абу Али ибн Сины. – Т.: «Ўқитувчи», 1979. -С.120.

Узоқ вақт давомида иқтисодий тафаккур моддий бойлик ортириш соҳасида рўй бераётган жараёнлар таъсирида эди. Моддий омилларга универсал ва ҳал қилувчи восита сифатида қараларди.

Иқтисодий ўсиш мамлакат умумий бойлигини кўпайтиришга, давлатнинг қашшоқлик, очлик, бошқа ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир. Худди шунинг учун иқтисодий ўсишнинг юқори даражаси жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда иқтисодий сиёсатнинг энг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Моддий бойлик жамиятда ва инсон ҳаётида улкан роль ўйнайди. Даромадлар ортишига моддий ва маънавий қониқиш ҳосил қилинадиган нуфузли ишда банд бўлиш каби инсон имкониятларини кенгайтирадиган асосий восита сифатида қаралиши мумкин. Бундан ташқари даромад солиқлар ва бошқа тушумлар манбаи бўлиб, улар аҳолининг ночор қатламлари ижтимоий муҳофаза қилинишини кафолатлаш, ижтимоий дастурларни амалга ошириш, яъни моддий неъматларни қайта тақсимлашни амалга ошириш учун зарурдир.

Ресурсларни адолатли равишда тақсимлаш жамият барча азолари учун неъматларни танлаш имкониятларини кенгайтиради, шунингдек, турмуш сифатини ошириш негизини ярагади. Даромадлар ва инсон турмуши ўртасидаги боғлиқлик солиқ-бюджет ва ижтимоий сиёсат чораларини қамраб оладиган давлат стратегияси ёрдамида шакллантирилиши керак.

Шу билан бирга ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) миқдори билан ўлчанадиган даромаднинг ўзи инсон тараққиётининг яққо ягона мезони бўла олмайди.

Жаҳон амалиётидан фақат ЯИМ ортишининг ўзи таълим даражаси юксалиши, одамлар саломатлиги мустаҳкамланиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига олиб келмаслигига доир кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ҳатто даромадларининг ўртача кўрсаткичлари деярли бир хил бўлган мамлакатларда турмуш сифати кўрсаткичлари бир-биридан жиддий равишда фарқ қилиши мумкин.

Инсон тараққиёти концепциясида анъанавий макроиқтисодий кўрсаткичлар, шу жумладан, ЯИМ ҳажми ва жон бошига ўртача даромад ижтимоий ресурсларни тақсимлашда ёки мамлакатларни ривожлантириш даражаси бўйича таснифлашда универсал мезон вазифасини ўта олмайди. Тобора кўпроқ миқдорда товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш турмуш даражасини ошириш

ҳамда бошқа умуммиллий вазифаларни энг оқилона ҳал этиш воситаси эканлиги тўғрисидаги тасаввурлар муайян даражада бир ёқлама ёндошувдир. Бундай қарашлар ноиқтисодий ҳисобланган кўпгина бошқа ривожлантириш мезонларига етарли даражада баҳо бермасликка сабаб бўлади. Иқтисодий ўсиш суръатлари расмий жиҳатдан юқори бўлганда ҳам одамларнинг турмуш даражаси нисбатан паст бўлиши мумкин. Бунинг акси – иқтисодий ўсишдаги натижалар салмоқли бўлмаганда ҳам турмуш даражасининг нисбатан юқорилиги ҳам кузатилади.

Жамиятда саноат ривожланиши босқичдан аввал иқтисодий ўсишни таъминлашда табиий ва меҳнат ресурсларига, саноат ривожланиши босқичида моддий ресурсларга устуворлик берилган бўлса, саноат ривожланишидан кейинги ҳозирги босқичда интеллектуал ва ахборот ресурсларининг роли биринчи ўринга чиқмоқда. Жаҳоннинг етакчи мамлакатлари тараққиёти янги – билимлар, инновациялар, глобал ахборот тизимлари, янги технологиялар ва венчур бизнеси иқтисодиётини шакллантиришга олиб келди.

Инновацион иқтисодиётнинг асосини ҳозирги давр жамиятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳал қилувчи кучи ҳисобланган инсон капитали ташкил этади. Яъни инсон тафаккури ишлаб чиқариш тизимининг шунчаки муайян унсури бўлиб қолмасдан, балки бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланди. Даставвал инсон тараққиёти тушунчасининг таркибий қисмлари у қадар кўп бўлмасдан, тарбия, таълим, билим, саломатликни қамраб оларди. Шу билан бирга узоқ вақт давомида инсон тараққиётига иқтисодий ўсиш назарияси нуқтан назаридан таррақий этишнинг ижтимоий, яъни харажатли омили сифатида қараларди. Тарбия, таълимга инвестициялар ношлаб чиқариш харажатлари ҳисобланарди. XX аср иккинчи ярмидан бошлаб инсон капитали ва таълимга нисбатан муносабат аста-секин тубдан ўзгара бошлади.

Ижтимоий ривожланишда инсонга фақат маънавий соҳадагина эмас, балки такрор ҳосил қилиш алоқаларида ҳам марказий ўрин ажратила бошланди. Зеро, бевосита инсон авлоддан авлодга мерос бўлиб қоладиган билимларни эгаллаш ва улардан самарали фойдаланиш қобилиятига эгадир. “Инсон капитали” иқтисодий категориясида ўз ифодасини топган бу ғоя жаҳон БМТ экспертлари томонидан инсон салоҳиятининг инсон тараққиёти динамикасига таъсирини аниқлайдиган моделлар ёрдамида ишлаб чиқилган янги “Инсониятни барқарор ривожлантириш” назариялари, “Миллий

бойлик концепцияси” каби ижтимоий тафаккур негизини ташкил этади.

Инсон капиталини ривожлантириш устуворлиги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам, барқарор иқтисодиётлар ва модернизацияни амалга ошираётган тизимлар учун ҳам универсал хусусиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу жаҳоннинг етакчи олимлари ва халқаро ташкилотларнинг экспертлари томонидан амалга оширилган жуда кўп тадқиқотларда ўз тасдиғини топган.

Инсон тараққиёти – одамларнинг узоқ ва соғлом, муносиб турмуш кечиришлари, маълумотли бўлишлари учун зарур воситалардан фойдаланишлари имкониятларини кенгайтиришдир. Аммо бу имкониятларни одамларнинг ўзлари танлайдилар. Тараққиёт жараёни инсонга унинг эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқ равишда ўзини ривожлантириш учун қулай шароитларни яратишга хизмат қилиши керак.

Инсон тараққиёти тушунчаси унинг қобилияти ва имкониятларини шунчаки шакллантиришга қараганда анча кенгрокдир. У, шунингдек, бу имкониятлардан меҳнат жараёнида, дам олиш ва ижтимоий фаолиятда фойдаланишни ҳам назарда тутати. Имкониятларни шакллантириш ва уларни ишга солиш ўртасида мутаносиблик бўлмас экан, инсон салоҳиятидан фойдаланилмай қолинади.

Инсон тараққиётининг асосий мезони умр кўриш давомийлиги, саводхонлик даражаси ва ресурслардан фойдаланиш имкониятини ифода этадиган Инсон тараққиёти индекси дир. Давлатнинг фаровонлиги фақат даромад даражасига эмас, балки бу даромаддан қандай фойдаланишга ҳам боғлиқ дир. Даромадлар мўмай бўлишининг ўзи инсон тараққиётини кафолатламайди. Шундай экан, инсон тараққиётининг икки хусусияти – имкониятларни шакллантириш ва улардан фойдаланишни фарқлаш керак. Инсон барқарор тараққиёти фақат иқтисодий ўсишни таъминлабгина қолмасдан, унинг натижаларини адолатли тақсимлашни ҳам назарда тутати. Бундай тараққиёти аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига биринчи даражали аҳамият берилишини, улар имкониятларини кенгайтиришни, уларнинг ўз турмушларига таъсир кўрсатадиган қарорларни қабул қилишда иштирок этишларини таъминлашни назарда тутати. Бундай тараққиёт инсон манфаатларини кўзлайди, иш жойларни кўпайтиришга, жамият фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тараққий этган давлатларда инсонга ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасига харажатлар моддий жамғармалар миқдорига қараганда юқорироқ бўлмоқда. Ишлаб чиқаришга инвестициялар киритиш қанчалик муҳим бўлмасин, инсон тараққиётига сармояларга тобора кўпроқ устуворлик берилмоқда. Яъни мазкур мамлакатларда такрор ҳосил қилиш жараёнидаги энг жиддий ўзгаришлар моддий ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида содир бўлмоқда.

Инсон тараққиёти концепцияси ниҳоятда кўп қиррали, унинг инсон ва жамият ҳаётининг турли томонларида қўлланилиши имкониятлари кенг. БМТ Ривожланиш дастурининг ҳар йилги инсон тараққиёти тўғрисидаги маърузалари ва турли мамлакатларнинг миллий маърузалари худди шундан далолат беради.

БМТ Ривожланиш дастурининг 1990 йилдаги бундай биринчи маърузасида инсон тараққиёти назарияси ва уни ўлчаш индикаторлари чуқур ишлаб чиқилиши билан бир қаторда урбанизация муаммоларига бағишланган қисм ҳам мавжуд эди. Ана шундан кейинги маърузалар мавзулари ҳаётини эҳтиёжлар, одамлар ҳавфсизлигининг турли мезонлари, ҳарбий харажатларни қисқартириш ҳисобига ижтимоий ривожланиш имкониятлари, ҳамкорликнинг янги йўналишлари, қашшоқлик билан кураш, иш билан бандликка глобаллашувнинг таъсири, истеъмол моделлари, инсон тараққиёти билан барқарор экологик ривожланиш мезонлари ўртасидаги боғлиқлик каби кўпгина масалаларни қамраб олган.

Шу тариқа ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичи инсонни фақат ижтимоий ҳаётнинг анъанавий маънавий соҳасидагина эмас, такрор ҳосил қилиш жараёнида ҳам инсонга марказий ўринни ажратади. Бунда инсон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бирламчи ва пировард мақсади эканлиги эътироф этилади. Яъни тараққиётининг инсоний ёки ижтимоий мезони доминанта бўлиб, моддий-ашёвий салоҳият эса бу тараққиётнинг шартли деб белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришганидан сўнг ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлгач, халқаро ҳамжамиятга қўшилишидан келиб чиқадиган мажбуриятларни зиммасига олди. Мамлакатимиз инсон тараққиёти концепциясини БМТнинг бошқа аъзолари ҳам шундай қилганликлари учунгина эмас, балки мазкур концепциянинг ғоялари ва қондалари ўзбек халқининг кўп асрлик ҳаётини мақсадларига мос эканлиги учун қабул қилди.

XX асрнинг 90-йиллари биринчи ярмида Ўзбекистон Республикаси бўйича маълумотлар ҳам БМТнинг Ривожланиш дастури томонидан тузуладиган жаҳон (глобал) ва минтақавий маърузаларига киритила бошланди. Ўзбекистоннинг инсон тараққиёти тўғрисидаги биринчи маърузаси эса 1995 йилда тайёрланган эди. Бу билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг у ёки бу устувор соҳасидаги масалалар халқаро ва миллий экспертлар томонидан таҳлил қилиниши ва баҳоланишига, шунингдек, бу кўрсаткичларни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга асос солинди.

Ўзбекистонда инсон тараққиёти соҳасида эришилган таррақийёт аниқ-равшандир. Айниқса, иқтисодий соҳада юқори натижаларга эришилди. Миллий маърузаларда келтирилган маълумотларга кўра, мамлакатда сўнгги 10 йилликда аҳоли жон бошга тўғри келадиган ЯИМнинг ўсиши инсон тараққиёти умумий индекси ўсишидан уч баравар юқори бўлди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ялли ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 маротаба ўсди, ўртача иш ҳақи 14 маротаба ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харажатлари 5 баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ билан таъминлаш 83,5 фоизга етди, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайди. Ушбу даврда, яъни қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди. Бугун мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Ўзбекистонда таълимга харажатлар ЯИМнинг 10,0-12,0 % ни ташкил этади, ҳолбуки жаҳон амалиётида бу кўрсаткич 3,0-5,0 % дан ортмайди. Мамлакатда ноёб Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур амалга оширилмоқда, 2009 йилдан эътиборан 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди.

Инсон тараққиёти соҳасида эришилган натижалар иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ислоҳ этишнинг тўғри танланган ва муваффақиятли амалга оширилаётган “Ўзбек модели”нинг самараси эканлиги шубҳасиздир.

БИРИНЧИ ҚИСМ ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ МЕЗОНЛАРИ

1-БОБ. ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯЛАРИ

1.1. Ижтимоий ривожланиш назариясининг методологик асослари

Ижтимоий ривожланишнинг бутун тарихи давомида “жамият” категориясига турли концептуал ёндошувларни кузатиш мумкин. Ижтимоий, фалсафий, иқтисодий назариялар ушбу тушунчанинг турли талқинларини тақлиф этади. Масалан, атомистик назария “жамият”га шахслар ва улар ўртасидаги муносабатларнинг жамланмаси сифатида қарайди: “Охир-оқибат бутун жамиятни шахслараро ҳиссиётлар ёки кўрсатмаларнинг нозик тўри сифатида тасаввур этиш мумкин. Ҳар бир муайян шахсга унинг ўзи томонидан тўқилган тўрнинг марказидан жой олиб, айрим одамлар билан бевосита, бутун жаҳон билан эса билвосита боғлиқ ҳолида эканлиги сифатида қаралиши мумкин”.¹

М.Вебер² таълимотига кўра, жамият – шахслар жамланмаси бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз мақсадларига эришишга интилади³.

Умуман олганда, *жамият* – одамларнинг жамоа фаолиятига асосланган мураккаб, кенг кўламли, кўп жиҳатдан очик тизимдир. Жамиятнинг моҳияти – ижтимоий организм – ижтимоий институт асосидаги тизимдир.

Ижтимоий институт – ўзини такрор ҳосил қилиш ва ривожлантиришни таъминлаш мақсадида жамоа фаолиятида иштирок этаётган одамларнинг барқарор уюшмаси бўлиб, у жамиятни такрор ҳосил қилиш ва ривожлантириш учун зарур бўлган қадриятларни яратади.

¹ Социология: Основы общей теории. – М.: 1996. – С.102

² Максимилиан Карл Эмиль Вебер (Max Weber, 1864-1920) — немец социолог, тарихчиси ва иқтисодчиси. Иқтисодиёт соҳасидаги асосий асари: Миллат ва миллий иқтисодий сиёсат.: (*Der Nationalismus und die Volkswirtschaftspolitik*)

³ Қаранг: Фролов С.С. Основы социологии. – М.: 1997. С.14

Қадриятлар – одамлар эҳтиёжларини қондирадиган нарсалардир. Улар, эҳтиёжлар каби, моддий, маънавий ва ижтимоий бўлади.

Тарихан бирламчи – ижтимоий институт – уруғ, оила бўлиб, унда турмуш кечириш ва функцияларни ривожлантириш учун барча зарур ҳаракатлар амалга оширилади. Бу функцияларни алоҳида ижтимоий институтлар бажара бошлагач, улардан кичик ижтимоий тизимлар ва ижтимоий ҳаётнинг соҳалари ташкил топади. Моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш соҳалари мавжуддир.

Моддий неъматлар (қадриятлар) ишлаб чиқариш соҳасини шунингдек, “моддий ишлаб чиқариш” ёки “иқтисодиёт” (тор маънода) деб аташ қабул қилинган. Кенг маънода эса *иқтисодиёт* – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги иқтисодий муносабатларнинг жамланмасидир.

Маънавий неъматлар (қадриятлар) ишлаб чиқариш соҳаси икки соҳадан: фан соҳаси ва санъат соҳасидан иборатдир. *Фан соҳаси* объектив билимлар эгалланишини таъминлайди. Бу соҳа фаннинг уч гуруҳига: фалсафа, табиий ва ижтимоий фанларга бўлинади.

Санъат соҳаси воқеликни бадий асарлар шаклида субъектив тасаввур этишини таъминлайди.

Жамият тизим сифатида амал қилиши давомида ривожланиш жараёнлари кечади. Тарихий ривожланиш жараёнида ҳар бир муайян жамият фақат миқдор жиҳатидан эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам ўзгариб, амал қилишини, турмуш тарзини ўзгартиради. У жамиятнинг бир туридан ривожланганроқ бошқа турига ўтади.

Асосий ижтимоий институтларнинг амал этиши бевосита ишлаб чиқарувчиларни фаолиятга рағбатлантириш орқали белгиланади. Бу пировард натижада жамият амал қилиши ва унинг тузилишини белгилайди. Ўз навбатида, бу жамиятнинг ижтимоий турини ажратиб кўрсатиш учун асос яратади.

Иқтисодий тафаккурнинг тарихи кўхна дунёнинг ёзма манбаларидан бошланади. Қадимий Мисрда суғориш тизими атрофида шакллантирилган, муайян даражада режалик иқтисодиёт мавжуд бўлган. Сурия ва Бобил тузумлари пул институтларини юқори мукамаллик даражасига кўтарганлар, улар кредит ва банк ишидан хабардор бўлганлар. Қадимий Хитойда деҳқончилик, тижорат ва молия масалалари билан мунтазам шуғулланишган.

Хитойликлар пулни тартибга солиш ва товар айланмаси устидан назорат қилиш усулларини ишлаб чиққанлар, бу эса маълум таҳлилни талаб этган.

Милоддан аввалги V-IV асрларда қадимий юнон мутафаккирлари Ксенофон, Платон, Аристотель асарларида иқтисодий масалалар илк бор илмий таҳлил қилинган. Улар мурракаб иқтисодий масалаларни кўйибгина қолмасдан, бу саволларга ўз жавобларини берганлар. Кўхна юнонликлар “иқтисод” (“тежаш”) сўзи асосида “иқтисодиёт” атамасини муомалага киритганлар. Ўша давр олимлари иқтисодиёт дейилганда ўз хўжалигини бойитишга ёрдам берадиган фанни тушунганлар. Улар, меҳнат тақсимооти ғоясини илгари сурганлар, шунингдек, турли товарларни бир-бирларига таққослаш асосида умумий мезонни қабул қилиш мумкинлигини тушуниб етганлар. Оддий товар муомаласи билан пулнинг капитал сифатида муомаласи ўртасидаги тафовут ҳам аниқланган.

Кўхна давр иқтисодий тафаккурининг энг машхур вакилларида бири кўхна юнонлик файласуф Платоннинг “Давлат” ва “Қонунлар” асарларида иқтисодий масалалар кўриб чиқилган. Бу асарларнинг биринчисида мукамал давлат тузилиши баён этилган бўлса, иккинчисидаги давлат анча ҳаётийроқ тасаввур қилинган. Платоннинг фикрича, идеал давлат – шаҳар-давлатдир. Унда унча кўп бўлмаган ва имконияти борича муҳим яшайдиган аҳоли бўлиши керак бўлган. Ҳудди шунингдек, аҳоли каби унинг бойлиги ҳам муқим бўлиши керак бўлган.

Мазкур давлатда барча иқтисодий ва ноиқтисодий фаолият қатъий тартибга солинган. Аскарлар, деҳқонлар, ҳунармандлар ва бошқа фаолият билан шуғулланадиганларнинг ўз доимий тоифалари бўлган, эркаклар ва аёлларга бир хил қаралган. Ана шундай тоифалардан бири – қўриқчилар ёки ҳукмдорлар ҳамма билан биргаликда яшаши ва уларнинг шахсий мулки ёки оиласи бўлмаган. Ҳудди шу тоифа вакилларида давлатни бошқариш ишониб топширилган.

“Иқтисодий ўсиш” ва “иқтисодий ривожланиш” тушунчалар кўпинча бир маънода талқин этилади, ҳолбуки улар ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд. *Иқтисодий ўсиш* (аҳоли жон бошига миллий маҳсулот ёки даромаднинг кўпайиши) жамланма тақлиф кўпайишини акс эттиради. *Иқтисодий ривожланиш* эса шунчаки товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг кўпайишига

қараганда кенгроқ маънога эгадир. Иқтисодий ўсишдаги жон бошига даромад кўрсаткичига қўшимча равишда иқтисодий ривожланишда иқтисодиётдаги сифат ва таркибий ўзгаришлар ҳам назарда тутилади.

Жамиятни иқтисодий ривожлантириш иқтисодий ўсиш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, аҳоли турмушининг шароитлари ва сифатини такомиллаштириш каби тушунчаларни қамраб оладиган кенг қўламли жараён дир. Иқтисодий ривожлантиришнинг турли – АҚШ, Германия, Хитой, Жанубий-Шарқий Осиё, Япония, Ўзбекистон ва бошқа моделлари мавжуд. Уларнинг турлилиги ва миллий хусусиятларга эгаллигига қарамадан мазкур жараённи акс эттирадиган умумий қонуниятлар ва мезонлар мавжуд дир.

Умуман олганда, жамиятни иқтисодий ривожлантириш зиддиятли ва ўлчаш мураккаб бўлган жараён ҳисобланади. Бу жараёнда иқтисодиётда ўсиш ва пасайиш, миқдор ва сифат ўзгаришлари ижобий ва салбий тенденциялар кузатилади.

XX асрда ҳам кўпгина назарийчилар ривожлантириш жараёнини ҳар бир мамлакат босиб ўтиши керак бўлган иқтисодий ўсишнинг қатор босқичлари сифатида таърифлаган. Улар ишлаб чиқариш жамланма ҳажмининг кўпайиши (масалан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши) аҳоли умумий фаровонлигини оширади, деб ҳисоблаган. Бунинг асосида ишлаб чиқариш даромад келтиради, даромаднинг ортиши эса моддий ёки иқтисодий фаровонликни яхшилади деган фикр ётарди.

Бу У.У. Ростоннинг¹ “Иқтисодий ўсиш босқичлари” (1961 йил) китобида ўзининг яққол ифодасини топган. Мазкур муаллифнинг концепциясига кўра, жамиятнинг иқтисодий ўсиш асосида бир босқичдан иккинчисига тарихий ўтишида қуйидаги принципиал фарқлар мавжуд:

- иқтисодиётнинг тармоқ таркиби;
- техника тараққиётининг даражаси;
- жамғарманинг миллий даромаддаги салмоғи (жамғарма нормаси);
- истеъмол таркиби ва даражаси.

¹ Уолт Уитмен Ростон (Walt Whitman Rostow, 1916-2003) — америкалик иқтисодчи, саноат ривожланишидан кейинги босқич жамияти назариясини ишлаб чиққан. Асосий асари: “Иқтисодий ўсиш жараёни” (“The Process of Economic Growth”, 1960).

У.У.Ростон ривожланишнинг 5-та асосий босқичларини ажратиб кўрсатган (1.1-жадвал):

1. *Анъанавий жамият*. Бу қўл меҳнат қуролига асосланган ибтидоий ва турғун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, иерархик ижтимоий тузилма, ер эгаларининг ҳукмронлиги, фан ва техника даражаси Ньютондан аввалги даврга хос бўлган жамият дир. Мазкур босқичда ишлаб чиқариш қучларини ривожлантириш имкониятлари чекланганлиги, бир тарафдан, иқтисодий ўсиш суръатларининг пастлиги, иккинчи томондан, туғилиш даражасининг юқорилиги сабабли даромадлар камайган. Шундан сўнг аҳоли сони ва даромадлар миқдори барқарорлашадиган хусусиятлар пайдо бўлган. Мазкур босқичда миллий маҳсулотни такрор ҳосил қилишни кенгайтириш учун амалда шарт-шароит бўлмаган.

2. *Ўтиш жамияти ёки “парвозга тайёргарлик”*. Мазкур босқич иқтисодий ўсиш суръатларини кескин оширишга замин яратган. Бу пайтда ишлаб чиқаришда янги технологиялар қўлланила бошланган, капитал қуйилмалар кўпайган, “тадбиркорларнинг янги тоифаси” пайдо бўлган, марказлашган давлат таркиб топган. Ушбу босқичда ишлаб чиқаришга фан ютуқлари жорий этилиши натижасида иқтисодий юксалиш тезлашган, коммуникациялар ва халқаро савдо ривожланган, қишлоқ хўжалиги ва кон саноатига инвестициялар киритиш кўпайган.

1.1-жадвал

У.У.Ростоннинг иқтисодий ривожланиши босқичлари¹

Кўрсаткичлар	Иқтисодий ривожланишнинг асосий турлари				
	Анъанавий жамият	Ўтиш Жамияти	“Парвоз”	“Етуқлик”	“Юқори даражадаги оммавий истеъмол даври”
Амал этиш даври (йил)	1770-1830	1830-1880	1880-1930	1930-1980	1980 йилдан
Ишлаб	Тўқимачи-	Буг	Электр	Ички	Микро-

¹ Hess P., Ross C. Economic Development: Theories, Evidence and Policies. - Philadelphia etc., 1997. P 98

чиқариш-нинг хал қилувчи омиллари	лик машина-лари	двигатели	двигатели, пўлат	ёниш двигатели, нефть	электроника
Етакчи тармоқлар	Тўқимачилик саноати	Машина-созлик, кўмир саноати	Электротехника, пўлат ишлаб чиқариш	Автомобилсозлик, нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш	Электрон саноати, дастурий таъминот
Етакчи давлатлар	Буюк Британия, Франция	Буюк Британия, Франция	Германия, Буюк Британия	АҚШ, Ғарбий Европа, Япония	Япония, АҚШ, Ғарбий Европа

3. "Парвоз". Бу капитал жамғарилиши салмоғининг ортиши (капитал қўйилмалар миқдори миллий даромаднинг 5,0 % дан 10,0% гача ортади) ва жадал иқтисодий ўсиш (айниқса, саноатда), ишлаб чиқариш усулларида туб ўзгаришлар содир бўладиган саноат инқилоби босқичидир. Бевосита ана шу, узоқ муддат давом этмайдиган, лекин ниҳоятда жўшқин бўладиган босқич саноат ривожланишидан аввалги даврдан саноат ривожланиши жамиятига ўтишда хал қилувчи роль ўйнайди.

4. "Етуклик". Ушбу босқич саноатнинг жадал ривожланиши, капитал қўйилмалар даражаси янада кўпайиши (миллий даромаднинг 20,0 % гача), фан ва техника ютуқларини кенг жорий этилиши, шаҳар аҳолиси салмоғи аҳоли умумий сонининг 60,0-90,0% гача етиши, малакали меҳнат улушининг ортиши хусусиятларига эгадир.

5. "Юқори даражадаги оммавий истеъмол даври". Мазкур босқичда жамиятда аввалги босқичлардагидек ишлаб чиқариш эмас, балки истеъмол асосий муаммо бўлади. Шу сабабли хизмат кўрсатиш ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш

иқтисодиётнинг асосий тармоқларига айланади, янги ўрта синф ҳамда "умумий фаровонлик давлати" шаклланади¹.

У.У. Ростоу ўзининг 1971 йилда нашр этилган "Сиёсат ва ўсиш босқичлари" янги асарига бу беш босқичга олтинчи – "турмуш сифатини излаш" босқичини ҳам қўшган. Ушбу босқичда инсоннинг маънавий камол топиши биринчи даражали аҳамият касб этади. У.У. Ростоунинг ҳисоблашича, ривожланишнинг бу босқичлари жаҳондаги барча мамлакатлар учун бир хил бўлишига қарамадан, уларни босиб ўтиш ҳар бир давлат учун ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Тараққиётда орқада қолган мамлакатлар илғор давлатлар тажрибасини ўзлаштириш ва уларни қувиб етиш, ҳатто улардан ўзиб кетиш имкониятларига эга бўладилар. Масалан, АҚШда "парвоз" босқичи Буюк Британияга нисбатан ярим аср кейин бошланган бўлса ҳам Америка "юқори даражадаги оммавий истеъмол даври"га Буюк Британиядан бир неча ўн йил илгари етиб келди.

Ёки XX асрнинг иккинчи ярмида Осиё энг жадал ривожланаётган минтақага айланди. Ушбу даврда Япония, кейин Хитой ҳамда Жанубий-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари иқтисодий ривожланишда юқори натижаларга эришдилар. Ушбу давлатларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари ривожланган мамлакатларнинг кўрсаткичларидан икки маротаба ортди. Натижада тараққий этган давлатларнинг жаҳон иқтисодиётидаги улуши 63,0 % дан 52,0 % гача пасайган бўлса, ривожланаётган мамлакатларнинг улуши 21,7 % дан 31,4 % га етди.

Ўсиш босқичлари назарияси инсоният тараққиёти тарихий жараёнларини асослашда олға қараб қўйилган жиддий қадам бўлишига қарамадан, у қатор камчиликлардан ҳоли эмас. Бу камчиликларнинг энг асосийси - мазкур концепцияда ривожланиш аввалгидек ўсишнинг юқори суръатлари билан айнанлаштирилишидир. Бунда чуқур ижтимоий институционал ўзгаришлар сояда қолиб, инвестициялар ҳажмининг нисбати ва ялпи миллий маҳсулот ўсишининг суръатлари биринчи ўринга кўтарилган.

XX асрнинг 70-йилларида иқтисодий назария янги классик йўналишининг тарафдорлари иқтисодий ўсишнинг маълум бўлган

¹ Rostow W.W. The Process of Economic Growth. 2 ed. - Oxford, 1930. P.319.

тизимларига ўзларининг модернизация концепциясини қарши қўйдилар. Маълумки, янги классик назарияда иқтисодийни модернизациялаш учун ресурсларни аграр сектордан саноат ишлаб чиқаришига қайта тақсимлаш зарурлиги асосланган. Бунда, биринчидан, жамғариш муаммосини (яъни, жамғармаларни жалб этиш ва уларни инвестицияларга айлантириш) муаммоси, иккинчидан, иш билан бандлик (яъни иш кучини меҳнат таклифи юқори бўлган соҳадан меҳнат таклифи кам соҳаларга қайта тақсимлаш) муаммосини ҳал этиш талаб этиларди. Шу сабабли модернизацияга, энг аввало, моддий ва меҳнат ресурсларини қайта тақсимлаш, секторлар ўртасида айирбошлаш (меҳнат унумдорлиги паст бўлган секторларни қисқартириб, меҳнат унумдорлиги юқори бўлган секторларни кенгайтириш) воситаси сифатида қаралар эди¹.

Турли мамлакатлардаги тарихий ва жўғрофий шарт-шароитларнинг ва ривожланиш даражасининг, моддий ва молиявий ресурсларнинг турли эканлиги бу давлатларнинг иқтисодий ривожланиши даражасини ягона бир иқтисодий кўрсаткич билан баҳолаш имконини бермайди. Шунинг учун мазкур кўрсаткичларнинг бутун бир тизими мавжуд бўлиб, улар орасида, энг аввало, қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

- реал ЯИМнинг умумий ҳажми;
- аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий маҳсулот;
- иқтисодийнинг тармоқ таркиби;
- аҳоли жон бошига асосий турдаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши;
- аҳолининг турмуш даражаси ва турмуш сифати;
- иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) - миллий мансублиги ва ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланилишидан катъи назар давлат ҳудудида истеъмол, экспорт ва жамғариш учун иқтисодийнинг барча соҳаларида йил давомида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ва хизматлар (яъни, бевосита истеъмол учун мўлжалланган) бозор қийматини ифода этадиган энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлардан биридир. Биринчи бор бу кўрсаткич 1934 йилда Саймон Кузнец томонидан таклиф этилган.

¹Fell A., Paauw D. Analysis of the Open Dualistic Economy. An Application to the Philippine. - Washington, 1996.P.46.

Номинал (мутлақ) ЯИМ – мазкур йилнинг жорий нархларида ифода этилади.

Реал (инфляция ҳисобга олинган ҳолдаги) ЯИМ – аввалги ёки ҳар қандай бошқа база йили нархларида ифода этилади. Реал ЯИМда ЯИМ нинг ўсиши нархнинг қимматлашиши билан эмас, балки ишлаб чиқаришнинг реал ўсиши орқали изоҳланади.

Мамлакатнинг ЯИМ ҳам миллий валютада, ҳам аниқроқ халқаро таққослаш учун харид қобиляти паритетида (ХҚП) ифода этилиши мумкин.

Харид қобилятининг паритети – бу турли мамлакатлар икки ёки бир неча пул бирликларининг нисбати бўлиб, мазкур нисбат муайян товарлар ва хизматлар тўпламига нисбатан харид қобилятини аниқлаш учун ўрнатилади. Харид қобилятининг паритети назарияси Густав Кассель¹ томонидан ишлаб чиқилган. Унга мувофиқ валюталар курсларининг табиий баҳоси харид қобиляти паритетига мосдир.

Масалан, агар А валютаси курсининг Б валютасига нисбатан паритети юқори бўлса товарларни Б мамлакатида харид қилиш ва уларни А мамлакатига экспорт қилиш манфаатлидир. Бу А мамлакатида товарлар таклифини, Б мамлакатида эса товарлар талабини, Б мамлакатини валютасига талабни ва А мамлакатига нисбатан валюта таклифини кўпайтиради. Натижада валюталар курслари паритет нисбатига қайтади.

Мисол: Айтайлик, Ўзбекистонда товар бирлигининг нархи 4000 сўм, АҚШда – 2 доллар бўлса, бунда сўмнинг долларга нисбатан курси 1 АҚШ долларига 2000 сўмни ташкил этиши керак. Агар валюта курси 1 доллар учун 1750 сўм бўлса, товарни Россияда харид қилиш (4000 сўм), АҚШда эса сотиш (2 доллар) фойдалидир. Чунки 2 долларни жорий курс бўйича 3500 сўмга алмаштириш, бундай ҳар бир битимда товар бирлигига 500 сўмни ташкил этадиган даромад олиш имкониятини беради. Тегишли равишда АҚШда товар нархи арзонлашади, Ўзбекистонда товар нархи қимматлашади, долларнинг сўмга нисбатан курси эса пасаяди. Натижада нархлар ва курсларнинг янги даражасида мутаносибликка эришилади.

¹ Карл Густав Кассель (Carl Gustav Cassel, 1866-1945) — швед иқтисодчиси, Стокгольм мактабининг вакили. Асосий асарлари: "Социал иқтисодий назарияси" ("Theoretische Sozialökonomie", 1918), "Иқтисодий фикрнинг фундаментал гоялари" ("Fundamental Thoughts in Economics", 1925).

Харид қобилиятининг паритети моделининг амал этиши фақат товар ва пулларнинг эркин ҳаракат қилиши шароитларидagina имконияти борлиги ҳисобга олинadиган бўлса, амалиётда валюта курслари паритетдан жиддий равишда оғиши мумкин (бож тўловлари, экспорт ва импорт чекловлари, транспорт чикимлари қанчалик юқори бўлса валюталарнинг номинал курси билан уларнинг паритети миқдори ўртасидаги фарқ шунчалик катта бўлади). Бунда биржада у ёки бу валютага талаб, яна бошқа кўпгина омиллар ҳам ҳисобга олинishi керак.

ЯИМ куйидаги усулларда ҳисоблаб чиқилади:

даромадлар бўйича: ЯИМ = Миллий даромад + амортизация + билвосита солиқлар – субсидиялар – хориждан соф омиллик даромад.

Мазкур формула даромадлар бўйича ЯИМни БМТнинг миллий ҳисоб варақлари тизимида ифодалайди;

харажатлар бўйича: ЯИМ = Пировард истеъмол + Капиталнинг ялпи жамғарилиши (фирмага инвестициялар: дастгоҳлар, жиҳозлар, захиралар харид қилиш, ишлаб чиқариш жойи) + Давлат харажатлари + Экспорт – импорт.

Пировард истеъмол куйидаги институционал секторлар томонидан ишлаб чиқарилган шахслар ёки жамиятнинг пировард эҳтиёжларини қондириш харажатларини қамраб олади:

- уй хўжалиги сектори;
- давлат ҳокимияти органларининг сектори;
- уй хўжаликларига хизмат кўрсатадиган хусусий нотижорат ташкилотларининг сектори.

Ҳозирги вақтда ЯИМ ҳажми мамлакат ҳудудида яратилган кўшимча қиймат жамланмаси сифатида (бунда ҳам ишлаб чиқариш, ҳам хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўшимча қиймат назарда тутилади) ҳисоблаб чиқилади. Кўшимча қиймат корхона даромадлари билан моддий харажатлар ўртасидаги тафовут сифатида баҳоланади ва маҳсулот (хизмат) ҳисобидан тўланадиган билвосита солиқлар ҳисобга олинмайди. Натижада ЯИМнинг умумий ҳажми ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида қайд этилган кўшимча қиймат йиғиндисидан фарқ қилади. Чунки

бунда соф билвосита солиқлар (бизнесга давлат томонидан ажратиладиган субсидиялар айириб ташланган билвосита солиқлар) кўшимча қиймат йиғиндисидан чиқариб ташланган бўлади.

ЯИМ кўрсаткичи мамлакат иқтисодиётига инвестициялар киритиш мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан бу давлатдаги жорий вазиятни акс эттиради.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – мамлакатда йил давомида ишлаб чиқарилган пировард (тайёр) маҳсулотнинг бозор нархларидаги қийматини ифода этадиган, энг кенг тарқалган умумлашма макроиктисодий кўрсаткичларидан биридир. ЯММга муайян давлатга тегишли ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланилган ҳолда ҳам шу мамлакатда, ҳам чет элларда яратилган маҳсулот қиймати киритилади.

Аҳоли жон бошига ЯИМ ва ЯММ иқтисодий ривожланиш даражасининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади. *Аҳоли жон бошига ЯИМ* иқтисодий ривожланиш даражасини кўрсатади. Шу билан бирга мазкур кўрсаткичда ишлаб чиқаришнинг тармоқ таркиби, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифати, маҳсулот бирлигига материаллар ва энергия сарфининг самарадорлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ЯИМ, шу жумладан, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми иқтисодиёт ривожланганлигининг энг мақбул кўрсаткичи ҳисобланмайди. Чунки мазкур индикатор турмуш сифатини яхшилаш ёки барқарорлаштириш учун фақат даромадлар ва харажатлар ҳажмини ҳисобга олади. Лекин ушбу кўрсаткичлар ёрдамида аҳоли жон бошига даромадлар ёки харажатларнинг тақсимланишини аниқлашнинг имконияти йўқ.

Мамлакатнинг миллий даромади амортизация тўловлари (асосий фондларнинг ейилиши) ва билвосита солиқлар айириб ташланган ҳолдаги ялпи миллий маҳсулотга тенгдир. Миллий даромадни иккинчи бир усулда - иш ҳақи, саноат ва савдо фойдаси, киритилган капитал учун фоиз ва ер рентаси сифатидаги бир йиллик барча даромадлар йиғиндиси сифатида аниқлаш мумкин.

Миллий даромад мамлакат иқтисодий ривожланишининг энг муҳим умумлашма кўрсаткичларидан биридир. Миллий ҳисобварақлар тизимида 1993 йилга қадар ялпи миллий даромад

ялпи миллий маҳсулот деб номланиб келган. Ялпи миллий даромад асосий воситаларининг ейилиши айириб ташланса, *соф миллий даромад* (илгари бу соф миллий маҳсулот деб аталарди) ҳосил бўлади. Миллий даромаднинг ялпи ички маҳсулотдан асосий фарқи шундан иборатки, миллий даромад – бу даромадлар кўрсаткичи бўлиб, иқтисодиёт барча секторлари бирламчи даромадларининг йиғиндисини ифода этади. Ялпи қўшимча қиймат ва ялпи ички маҳсулотга эса ишлаб чиқариш кўрсаткичлари сифатида қаралади.

“Ялпи миллий даромад” ва “соф миллий даромад” атамалари маҳсулот ишлаб чиқариш билан эмас, балки даромадлар категорияси билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар моҳиятини тўлароқ ифода этади. Одатда иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда олинган ва хорижга берилган бирламчи даромадларнинг сальдоси ижобий, ривожланаётган мамлакатларда эса салбий бўлади. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда ялпи миллий даромад ялпи ички маҳсулотга қараганда ортиқроқ, ривожланаётган мамлакатларда эса камроқ бўлади. Бойроқ бўлган ривожланган мамлакатлар молиявий ва моддий ресурсларни тақдим этиш орқали ривожланаётган мамлакатларда улардан фойдаланганлиги ҳисобига даромад топиши туфайли шундай бўлади.

Аҳолининг *турмуш даражаси* ва *турмуш сифати* кўрсаткичлари мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожланишининг даражасини акс эттиради.

Аҳоли турмуш даражаси дейилганда, одамларнинг зарур моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлиги, улар истеъмоли ва эҳтиёжлари қондирилганлиги даражаси тушунилади. Турмуш даражаси:

- тор маънода – аҳолининг истеъмоли эҳтиёжлари қондирилганлиги, истеъмолининг топилган даромад ва килинган харажат орқали қондирилиши;

- кенг маънода – инсон тараққиёти даражаси (саломатлик, эҳтиёжларни қондириш имкониятлари) ва унинг яшаш шарт-шароитлари (агроф-муҳит, хавфсизлик) англонади.

Одатда аҳоли турмуш даражаси қуйидагича таснифланади:

- *фаровонлик* (инсон баркамол ривожланишини таъминловчи неъматлардан тўлиқ фойдаланиш имконияти);

- *нормал даража* (инсон жисмоний ва интеллектуал қобилиятларини такрор ҳосил қилишни таъминловчи илмий асосланган оқилона истеъмоли даражаси);

- *камбағаллик* (иш кучини такрор ҳосил қилиш учун моддий неъматлардан уларнинг қуйи чегараси доирасида фойдаланиш имконияти);

- *қашшоқлик* (моддий неъматлардан биологик мезонлар асосида минимал даражада фойдаланиш).

Иқтисодий адабиётларда аҳоли турмуш даражаси инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш даражаси сифатида талкин этилади. Жумладан, В.Н.Салин, Е.П.Шпаковская: “Аҳоли турмуш даражаси - бу инсон ҳаёти фаолиятининг, энг аввало, реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қиррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим тавсифи ҳисобланади”¹, деб кўрсатадилар.

Турмуш даражасини белгилашда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти концепцияси, швед ва француз моделлари фаркланади (1.2-жадвал).

Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари қаторида асосий озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг қондирилиши ва уларнинг истеъмоли, турар жойларнинг умумий майдони, уларнинг муҳандислик ва коммуникация тиизмлари, табиий газ, тоза ичимлик сув билан таъминланганлиги, хоналарнинг ўртача катталиги, оилаларнинг маданий-маиший ва ҳўжалик буюмлари билан таъминланганлиги, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми, таркиби ва сифати ҳам киради.

1.2-жадвал

Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари²

БМТ концепцияси	Швед модели	Француз модели
1. Сихат-саломатлик.	1. Меҳнат ва меҳнат шароити.	1. Аҳоли сони ва таркиби, меҳнат ресурслари ва меҳнат шароити.
2. Озиқ-овқат истеъмоли.	2. Иқтисодий имкониятлар.	2. Даромадлар тақсимланиши ва
3. Таълим.	3. Сиёсий	
4. Иш билан	имкониятлар	

¹ Салин В.Н., Шпаковская Е.П. Социально-экономическая статистика: Учебник.-М: «Юрист». 2001. –С.339.

² Джуманова Р.Ф. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва уни ошириш йўллари// Иқтисод фанлари номзоди олинч учун дисс. автореферати. –Т. 2008 – Б.11

бандлик ва меҳнат шaroитлари. 5. Уй-жой шaroити. 6. Ижтимоий таъминот. 7. Кийим-кечак. 8. Дам олиш ва бўш вақт. 9. Инсон ҳуқуқлари.	4. Мақтаб таълими. 5. Соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш. 6. Ижтимоий имкониятлар. 7. Уй-жой. 8. Истеъмол. 9. Бўш вақт ва уни ўтказиш.	улардан фойдаланиш. 3. Фаолият кўрсатиш шaroитлари. 4. Турмуш даражасининг ижтимоий жиҳатлари.
--	--	--

Аҳоли турмуш даражасининг маънавий эҳтиёжларни қондирилиши бўйича кўрсаткичлари аҳолининг саводхонлиги, наشر этилаётган адабиётлар, даврий наشرлар ҳажми, фуқароларнинг телевизор, ахборот воситалари ва компьютерлар билан таъминланганлиги, мақтаб ёшигача (0-6 ёш) бўлган болаларнинг мақтаб-гача тарбия таълим муассасалари билан қамраб олиниши, мақтаб ёшидаги болаларнинг мақтаблар билан таъминланганлиги, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлири, уларда таҳсил олаётганлар сони ва қабул миқдорини акс эттиради.

Аҳоли турмуш даражасининг ижтимоий эҳтиёжлар қондирилишини ҳисобга оладиган кўрсаткичларига эса ишлаб чиқаришда иш вақти йўқотилиши (бир ходимга ўрта ҳисобда), ходимлар меҳнат шaroити ўзгариши, шикастланиш (бир иш куни ва бундан кўпроқ муддатга шикастланганлар, меҳнат қобилиятини йўқотганлар, шикастланиши ўлим билан тугаган ҳолатлар сони), спорт-соғломлаштириш, маданият-истироҳат масканлари, пенсиялар, нафақалар, ўртача ва энг иш ҳақи миқдорлари, ишсизлар сони, атроф-муҳит, жиноятчиликнинг аҳволи, аҳолининг пул даромадлари ҳамда харажатлари ва ҳоказолар киради.

Аҳолининг турмуш даражаси инсоннинг юқорида қайд қилинган асосий эҳтиёжларининг қондирилиши индикаторлари асосида аниқланади (1.1-расм).



1.1-расм. Аҳоли турмуш даражасининг индикаторлари

Аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифати миқдор ва сифат кўрсаткичларига ажратилиши мумкин. Турмуш даражаси ва турмуш сифатининг интеграл кўрсаткичи сифатида турли даврларда қуйидагиларни қўллаш таклиф этилган эди:

- аҳоли жон бошига миллий даромад;
- уй хўжаликларидagi умумий харажатларда овқатланиш учун чиқимларнинг улуши;
- ўлимнинг нисбий коэффициентини (у 50 ёш ва ундан бўлган шахслар ўлимнинг умумий ўлимлар сонига нисбати сифатида аниқланган);
- аҳоли умр кўришининг ўртача давомийлиги;
- бўш вақт кўрсаткичи.

Аҳолининг турмуш сифатини акс эттирадиган кўрсаткичларнинг халқаро тизими 1978 йилда БМТ томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, кўрсаткичларнинг қуйидаги 12 та асосий гуруҳларини қамраб олган:

- аҳолининг демографик хусусиятлари (туғилиш, ўлим, касалланиш, умр кўриш давомийлиги ва ҳоказолар);

- турмушнинг санитария-гигиена шароитлари;

- озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиниши;

- турар-жой шароитлари ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари (автомобиль, телевизор, музлаткич ва ҳоказолар) билан таъминланганлик;

- таълим ва маданият;

- иш билан бандлик ва меҳнат шароитлари;

- аҳолининг даромадлари ва харажатлари;

- турмуш кечириш қиймати ва истеъмол нархлари;

- транспорт воситалари;

- дам олишни ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт;

- ижтимоий таъминот;

- инсон эркинлиги.

БМТ Статистика комиссияси томонидан юқорида қайд этилган гуруҳлардан ташқари турмуш сифатини баҳолаш учун зарур бўлган, лекин БМТ экспертлари фикрича, уларнинг асосий хусусиятларини ақс эттирмайдиган, умумий бўлим ажратиб кўрсатилган. Бу бўлимга қуйидаги кўрсаткичлар киритилган:

- миллий даромад, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ва у ўсишининг ўртача йиллик коэффициенти;

- ижтимоий хизмат ҳажми ва турлари;

- аҳолининг шахсий истеъмоли учун харажатлари, уларнинг таркиби ва ўртача йиллик ўсиш коэффициенти, аҳолининг зичлиги;

- аҳолига транспорт хизмати кўрсатилиши;

- алоқа воситалари, матбуот ва ҳоказоларнинг амал этиши.

Иқтисодий ривожлантиришнинг ижтимоий мезонлари шу қадар муҳим аҳамият касб этмоқдаки, улар кўпгина сиёсий тузилмалар дастурий мақсадлари ҳамда иқтисодий ривожланиш миллий моделларининг ажралмас қисмига айланди. Янги тенденциялар таъсирида давлатларнинг ижтимоий сиёсатида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Бу эса ўз навбатида *“ижтимоий давлат”*, *“умумий фаровонлик давлати”* моделлари тўғрисида хулосалар чиқаришга хизмат қилди. Кўпгина давлатлар сиёсатидаги бундай ўзгариш кўп жиҳатдан инсон омили, инсон билимлари, ахборот ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ўйнаётган ниҳоятда муҳим роли билан изоҳланади.

“Ижтимоий давлат” сиёсати давр талабига жавоб бўлди ва ижтимоий соҳада туб ўзгаришларни бошлаб берди. Шу мақсадда аҳоли турмуш даражасини ошириш дастурлари ишлаб чиқилди. Улар таълим, соғлиқни сақлаш, турар жой қурилиши, ижтимоий таъминот давлат тизимларини яратиш, энг кам иш ҳақи миқдорини тартибга солиш ва ҳоказоларни назарда тутди. Ушбу ўзгаришлар шу қадар жиддий эдики, тадқиқотчилар бозор капиталистик ҳўжалигининг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиши тўғрисида фикр билдира бошладилар.

1.2. Иқтисодий ўсиш ва унинг кўрсаткичлари

Иқтисодий ўсиш дейилганда ялпи ички маҳсулотнинг ижобий динамикаси асосида миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг узоқ муддат давомида ўзгариши тушунилади. Иқтисодий ўсишга ва унинг суръатларига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- *жисмоний капитал (ёки оддий капитал)* – товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун фойдаланиладиган машина-ускуналар, бино ва иншоотлар заҳирасидир. Жисмоний капитал ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси эканлигини таъкидлаш лозим. Жисмоний капитал қанчалик муқаммал ва замонавий бўлса, унинг ёрдамида шунча кўп товарлар (шу жумладан, инвестициявий, яъни янги машина-ускуналар) ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш мумкин;

- *инсон капитали* – бу ходим таълим олиш (мактаб, коллеж, лицей, институт, университет, касбий тайёргалик ва малака ошириш курслари) ҳамда меҳнат фаолияти жараёнида эгаллайдиган билимлар ва меҳнат кўникмаларидир. Инсон капитали жисмоний капитал каби ишлаб чиқариш жараёнларининг натижаси бўлиб, у ҳам жамиятнинг янги товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш имкониятларини оширади;

- *табiiй ресурслар* – бу табиат томонидан таъминланадиган ер, сув ва фойдали қазилмалар каби омиллардир. Табiiй ресурслар такрор ҳосил қилинадиган ва такрор ҳосил қилинмайдиганларга бўлинади. *Такрор ҳосил қилинадиган ресурсларга* ўрмонларни (кесилган дарахталар ўрнига янгиларини ўтказиш мумкин) мисол бўла олади. *Такрор ҳосил қилинмайдиган ресурсларга* табiiй шароитларда уларни ҳосил қилиш учун минглаб ва ҳатто

миллионлаб йиллар талаб қилинадиган нефть, кўмир, темир рудаси ва ҳоказолар киради.

Табиий ресурсларнинг захиралари иқтисодий тараққий этишнинг жуда муҳим хусусияти бўлишига қарамасдан уларнинг мавжудлиги юқори ўсиш суръатлари ва иқтисодиётнинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган асосий омил эмас.

Иқтисодий ўсишни ЯИМнинг реал ҳажми ёки миллий даромад ўсиши суръатлари ёки бу кўрсаткичларнинг аҳоли жон бошига ҳисобланганда ўсиши суръатлари билан ўлчанадиган, иқтисодиётнинг муайян давридаги ривожланиши сифатида ифодалаш мумкин. Бунда ўсиш суръатини юқорида қайд қилинган биринчи усули мамлакат иқтисодий салоҳияти кенгайиши суръатларини баҳолашда, иккинчиси аҳоли фаровонлиги динамикасини таҳлил этишда ёки турли мамлакатлар ва минтақаларда турмуш даражасини таққослашда қўлланилади. Ҳозирги вақтда иқтисодий ўсишнинг юқорида қайд этилган иккинчи усулига устунлик берилади, яъни бунда миллий иқтисодиётда реал миллий даромад кўпайиши суръатлари аҳоли ўсиши суръатларидан юқори бўлган ривожланиш назарда тутилади.

Иқтисодий ўсиш кўпгина омилларига боғлиқдир. Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиш воситалари бўйича улар бевосита ва билвосита омилларга ажратилади (1.2 - расм).

Бевосита омилларга тақлиф омиллари киради. Улар қуйидагилардан иборат:

- меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати;
- табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
- асосий капиталнинг ҳажми;
- технология ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши;
- жамиятда тадбиркорлик қобилиятининг ривожлантириш даражаси.


Билвосита омилларга қуйидаги талаб омиллари киради:

- истеъмол, инвестиция ва давлат харажатларининг ўсиши;
- экспорт ҳажмининг ортиши.

Тақсимлаш омиллари эса қуйидагилардан иборатдир:

- бозор монополлашиши даражасини камайтириш;
- иқтисодиётда солиқ муҳити;
- кредит-банк тизимининг самарадорлиги;
- иқтисодиётда ишлаб чиқариш ресурсларини қайта тақсимлаш имкониятлари;

◆ даромадларни тақсимлашнинг амалдаги тизими.



1.2-расм. Иқтисодий ўсиш хусусиятлари

Бу омилларнинг иқтисодиётга таъсир этиш даражаси иқтисодий ўсиш турини белгилайди. Иқтисодий ўсишнинг иккита асосий тури мавжуддир:

1. *Экстенсив* – бунда иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш омилларининг миқдор жиҳатидан кўпайтирилиши ҳисобига

таъминланади. Яъни жамият табиий, меҳнат ва инвестиция ресурсларидан кўпроқ фойдаланади ва шу ҳисобга миллий маҳсулотнинг ўсиши таъминланади.

2. *Интенсив* – бунда иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш ва улардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади. Интенсив иқтисодий ўсишда миллий маҳсулот янги техника ва технологияларни жорий этиш, иш кучи малакасини ошириш, меҳнатни самаралироқ ташкил этиш, ресурсларни иқтисодий тармоқлари ўртасида мақбулроқ қайта тақсимлаш ва ҳоказолар ҳисобига кўпайтирилади.


Амалиётда экстенсив ёки интенсив иқтисодий ўсишни “соф” ҳолида учратиш қийин. Бунда одатда қайси (интенсив ёки экстенсив) омиллар устуворлигига қараб, кўпроқ интенсив ёки кўпроқ экстенсив иқтисодий ўсиш фарқланади.

Иқтисодий фани шакллана бошланишидан иқтисодий ўсиш муаммоси ушбу фан диққат марказида турибди. Мазкур муаммони ҳал этиш аҳоли сони мунтазам кўпайиб бораётган шароитларда уларнинг турмуш даражасини оширишни таъминлайдиган иқтисодий ривожланиш омилларини излашни англатади.

Ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш тарихини тадқиқ этиш учун 1971 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган америкалик машҳур иқтисодчи Саймон Кузнец¹ иқтисодий ўсишга: “Хўжаликнинг аҳоли тобора кўпроқ ва хилма-хил эҳтиёжларини тобора самаралироқ технологиялар ёрдамида ва уларга мос тушадиган институционал ва мафкуравий ўзгаришлар ёрдамида таъминлайдиган қобилятининг узоқ муддатли ортиши” деган таъриф берган. С. Кузнецнинг фикрига кўра, иқтисодий ўсишнинг учта асосий белгиси бор:

- миллий маҳсулотнинг доимий ўсиши натижасида эҳтиёжларнинг тобора кўпроқ ҳажмини қондириш имконияти;
- ўсишнинг асоси, унинг етарли бўлмаса ҳам зарур бўлган шарт сифатидаги техника тараққиёти;
- ўсиш салоҳиятини тўлароқ амалга ошириш учун зарур бўлган институционал, ҳаракат ва мафкуравий ўзгаришлар (1.3 - расм).

¹ Саймон Смит Кузнец 1901 йил 30 апрель, Пивск, Россия —1985 йил 8 июль, Кембридж, АКШ — “иқтисодий ўсишни тадқиқ этишни эмпирик асослагани учун” 1971 йилги иқтисодий бўйича Нобель мукофотининг лауреати. Асосий асарлари: “Аҳолининг қайта тақсимланиши ва иқтисодий ўсиш: Қўшма Штатлар, 1870-1950 йиллар”, уч томда. (“Population Redistribution and Economic Growth: United States, 1870—1950”); “Миллатларнинг иқтисодий ўсиши: жамланма ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш таркиби” (“Economic Growth of Nations: Total Output and Production Structure”, 1971), “Аҳоли, капитал ва иқтисодий ўсиш” (“Population, Capital and Growth”, 1973).



1.3-расм. С.Кузнецнинг иқтисодий ўсиш модели

Маълумки, инсоннинг эҳтиёжлари чексиздир: одам бир эҳтиёжини қондириши билан иккинчиси пайдо бўлади ва бу узлуксиз давом этади. Ушбу масаладаги муаммонинг моҳияти шундан иборатки, эҳтиёжларнинг миқдор жиҳатидан чексиз ортиб бориши ва сифат жиҳатидан янгиланиб туриши иқтисодий имкониятлар чекланганлигига тўқнаш келади. Эҳтиёжларни фақат моддий неъматлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқалигина кўпайтириш мумкин.

Мазкур масалада жаҳон аҳолиси муттасил ортиб бораётганлигини ёдда тутиш керак. Ер юзиде аҳоли сони 1 миллиардга етиши учун (бу 1850 йилда содир бўлган) 10 минг йил керак бўлди. Жаҳон аҳолисининг сони 2 миллиардга етиши учун яна 80 йил (1930 йил) керак бўлди. Бу сонни икки мартага кўпайтириш (4 миллиардга етказиш) учун эса атиги 45 йил (1975 йил) кифоя қилди. 2011 йилда дунё аҳолиси сони 7 миллиард кишидан ортди. 2050 йилда эса курраи заминимизда 8,9 миллиард одам яшаши прогноз қилинмоқда.

XIX аср ўрталаридан бошланган аҳоли сонининг бу суръатларда ўсиши одамларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондирадиган жамланма маҳсулот илдамроқ ўсишини тақозо этганлиги тушунарлидир.

Америкалик иқтисодчилар иқтисодий ўсиш тарихини 500-йилдан бошлаб тадқиқ этар эканлар, диққатга сазовор ҳулосаларга келдилар. Сўнгги 1500 йил давомида аҳолининг ўсиши билан жон бошига маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўртасида муайян боғлиқлик бўлган тўрт давр аниқ кўзга ташланади. Олимларнинг таҳлиллари аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш 1000 йил (500-1500 йиллар) давомида кўпаймаган ва ана шу давр мобайнида аҳолининг йиллик ўртача кўпайиши суръати 0,1 % ни тақсир этган. Мазкур кўрсаткичларнинг бир мунча ўсиши кейинги уч юз йил (1820 йилгача) даврида аниқланган, лекин бунда ўсиш суръати жуда паст бўлган. Ўсишда кескин сакраш замонавий капитализм

босқичида (1820-1980 йилларда) содир бўлган. Бунда аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ўсишининг суръатлари йилига 1,6 % ни ташкил этгани холда, аҳоли сони йилига тахминан 1,0 % га кўпайган.

Юзаки қараганда аҳолисининг сони кўп бўлган ва улкан бўш иш кучи заҳирасига эга давлатлар иқтисодий ўсишда юқори суръатларга эришиш имкониятларига эга. Амалда эса аҳолиси кўп бўлган аксарият мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари жуда паст, аксарият ҳолларда аҳолининг табиий ўсиши суръатларидан кам. Гап шундаки, иқтисодий ўсиш фақат натура-ашёвийгина эмас, балки молиявий хусусиятга ҳам эгадир. Ишлаб чиқаришда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш учун янги иш жойлари ташкил этиш талаб этилади, бунинг учун эса инвестициялар киритилиши зарур. Инвестицияларнинг мавжуд бўлиши капитал жамғарилиши билан боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, бугунги ва эртанги истеъмол миқдори ўртасида танлашга, яъни келажакда кўпроқ истеъмол қилиш учун ҳозир нимадандир ўзини чеклаш зарурати билан боғлиқдир.

Шундай қилиб, иқтисодий ўсиш капитал ортиши билан иш кучи кўпайиши ўртасидаги нисбатга, яъни капитал билан қуролланишдаги ўзгаришга боғлиқдир. Агар капитал аҳоли кўпайишига нисбатан тезроқ ортадиган бўлса, ҳар бир ходимнинг капитал билан қуролланиши ишлаб чиқариш самарадорлиги ва жон бошига даромаднинг асоси сифатида кўпайиб боради. Аксинча, аҳолининг кўпайиши капитал ортишидан илдамроқ бўлса, меҳнат фаолиятига киришаётган иш кучи камроқ капитал билан таъминланган бўлади. Бунинг оқибатида меҳнат унумдорлиги камайиши ҳамда миллий маҳсулот ўсишининг суръатлари пасайиши мумкин. Яъни иқтисодиётнинг ўсиш қобиляти манбаи жамғармалар бўлган капитал жамғарилиши суръатларига боғлиқдир.

Жамғармалар – одамлар келажакдаги харидлари, келажакдаги эҳтиёжларини қондириш учун жамғариладиган пул даромадларининг бир қисмидир. Улар мавжуд даромад билан истеъмол харажатлари ўртасидаги фарқдир. Жамғармалар, ўз навбатида, даромад даражаси ва истеъмол даражасига боғлиқдир.

Истеъмол – эҳтиёжларни қондириш мақсадида маҳсулотлар, буюмлар, неъматлар, товарлар, хизматлардан фойдаланиш, уларни истеъмол қилишдир.

Шунинг учун иқтисодий ўсиш назарияларида капитал жамғарилиши юксак даражасини таъминлайдиган жамғармаларнинг энг мақбул даражаси тадқиқ қилинади. У барқарор ва мутаносиб ўсишни таъминлайди.

Одатда иқтисодий ўсишнинг қуйидаги назариялари фарқланади:

- иқтисодий ўсишнинг янги кейнсча назариялари;
- иқтисодий ўсишнинг янги классик назариялари;
- иқтисодий ўсишнинг эмпирик назариялари;
- эндоген ўсишнинг янги назариялари (1.4 - расм).

Иқтисодий ўсишнинг янги кейнсча, бир омилли модели инглиз иқтисодчиси Рой Харрод ва америкалик иқтисодчи Евсей Домар.¹ томонидан таклиф этилган. Уни одатда *Харрод-Домар модели* деб аташади. Бу моделда капитал иқтисодий ўсишнинг ягона омилли сифатида ҳисобга олинади. Мазкур омил гўёки ўзида барча бошқа омиллар амал қилишини синтез қилади. Бунда барча омиллар иштирок этиши, талабнинг ортиши таклифнинг ортишига тенглиги назарда тутилади.

Модель муаллифларининг ҳисоблашича, меҳнат умумдорлиги ортган ҳолатларда капитал сифмининг коэффиценти, яъни капиталнинг маҳсулот ишлаб чиқаришга нисбати жиддий равишда ўзгармайди. Тегишли равишда “капитал-меҳнат” нисбати ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг меҳнат сарфларига нисбати ортади. Шунинг учун бир омилли моделнинг кўрсаткичи – “капитал-маҳсулот ишлаб чиқариш” нисбати амалда аввалгидек қолади.

Харрод-Домар модели узок муддатли даврда иқтисодий ўсиш муаммоларини қараб чиқишда ёрдамчи восита вазифасини ўтайди. Ушбу модель иқтисодий ўсишни содда ва яққол шаклда намоён этиб, ўзаро боғлиқликни унинг динамикасида тасаввур этишга ёрдам беради. Бу моделнинг формуласи қуйидагичадир:

¹ Домар Евсей Дейвид (*Evsey Domar*, 1914—1997) — америкалик иқтисодчи, янги кейнсчилик иқтисодий мактабининг вақили. Асосий асари: “Иқтисодий ўсиш назариялари очерки” (1957).



1.4-расм. Иқтисодий ўсиш назариялари

$$G = S \cdot C,$$

бунда: G - иқтисодий ўсиш суръати;

C - "капитал-маҳсулот ишлаб чиқариш нисбати" (капитал сигими коэффициент);

S - миллий даромаддаги жамғармалар улуши.

Соф жамғармаларининг миқдори (S) қанчалик катта бўлса, инвестициялар миқдори, демак, ўсиш суръати ҳам шу даражада юқори бўлади. Капитал сигими (S - капиталнинг ишлаб

чиқарилаётган маҳсулот миқдорига нисбати) қанча катта бўлса, иқтисодий ўсиш суръати шунча паст бўлади.

Асосий иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда истикболда кутилаётган иқтисодий ўсиш суръатларини прогноз қилиш мумкин. Амалдаги ўсиш суръатлари прогнозлардан фаркланади, албатта. Лекин прогноз қилинаётган даврда миллий даромаддаги жамғармалар улуши (S) ва капитал сигимининг коэффициенти (C) сақланиб қолса, бу тафовут у қадар катта бўлмайди. Иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлганда, капитал сигимининг коэффициенти бу ўсишни янада жадаллаштиради. Ўсиш суръатлари пасаётганда эса талаб этилаётган суръатларни сақлаб туриш учун инвестициялар етишмайди.

Иқтисодий ўсишнинг янги классик илк назариялари 1950-1960 йилларнинг чегарасида пайдо бўлди. Ҷша даврда иқтисодий ўсиш суръатларини фойдаланилмаётган қувватлар ҳисобига эмас, балки янги техникаларни жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ҳисобига жадаллаштириш муаммоси биринчи ўринга кўтарилди. Бу йўналиш вакиллари (америкалик иқтисодчи Роберт Солоу ва инглиз иқтисодчиси Жейм Смит ва бошқалар) назариясининг методологик асосини ишлаб чиқариш омилларининг классик назарияси ташкил этади. Маълумки, бу назарияда меҳнат, капитал ва ер ижтимоий маҳсулотни ҳосил қилишнинг мустақил омиллари сифатида талкин этилади. Шу билан бирга, янги классик назарияда ишлаб чиқариш омиллари эгалари томонидан олинаётган даромадлар бу омилларнинг энг кўп миқдордаги маҳсулотлари томонидан белгиланиши ғояси илгари сурилган энг юксак унумдорлик назариясига ҳам таянади.

Мазкур назария биринчи мартда Р. Солоу¹ томонидан "Иқтисодий ўсиш назариясига ҳисса" (1956 йил) мақоласида баён этилган, сўнг унинг "Техника тараққиёти ва агрегатли ишлаб чиқариш функцияси" асарида (1957 йил) ривожлантирилган эди. Ана шу тадқиқотлар учун бу муаллифга 1987 йилда иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофоти берилган.

Р. Солоу технологияни сифат жиҳатидан такомиллаштириш, шунингдек, ходимларнинг малакасини ошириш дастгоҳлар ва

¹ Роберт Мертон Солоу (Robert Merton Solow, 1924 йил 23 августда Нью-Йорк, АКШда туғилган) - "Иқтисодий ўсиш соҳасидаги фундаментал тадқиқотлари учун" 1987 йилги Нобель мукофоти лауреати. Асосий асарлари: "Иш билан тўла бандлик сисмати" ("Policy of Full Employment", 1962), "Ресурслар иқтисодиёти ва иқтисоднёт ресурслари" ("The Economic of Resources and the Resources of Economic", 1974).

фабрикалар сонини кўпайтиришга қараганда анча самаралироқ эканлигини асослайди. Унинг фикрича, асосий воситаларни илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини ривожлантиришга йўналтириш самарали иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Мазкур назарияда иқтисодий ўсишнинг уч манбаси — инвестициялар, иш кучи миқдори ва техника тараққиётининг ўзаро боғлиқлиги исботланади. Бунда жамғарма нормаси ҳал қилувчи омилдир. Жамғарманинг юқорироқ нормаси капиталнинг каттароқ захирасини, яъни инвестициялар ортишини, демак, ишлаб чиқаришнинг юқорироқ даражасини таъминлайди.

Нобель мукофотининг лауреати Р. Солоу “меҳнатни капитал билан алмаштириш” тушунчасидан фойдаланар экан, агар жамғарма нормаси етарли даражада юқори бўлса, капитал сифими ортади, яъни ҳар бир ходимга тўғри келадиган реал капитал ҳажми кўпайишини кўрсатади. Бироқ жамғарма нормаси паст бўлса, капитал қимматроққа тушади, натижада ишлаб чиқариш омиллари нархи билан белгиланадиган капитал сифими пасаяди. Мавжуд бўлган технология узок вақт давомида ўзгармай турганда (яъни техника тараққиёти содир бўлмаса), капитал, меҳнат ва ишлаб чиқариш ҳажми бир хил ўсиш нормасига эга бўлади. Мазкур асосда жамғарилган даромад улуши ортишининг ўзи иқтисодий ўсиш суръатлари мунтазам ортиб бориши манбаси бўла олмаслиги исботланади.

Жамғарма нормаси юқорироқ бўлган иқтисодиёт аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда реал иш ҳақи миқдори юқорироқ бўлишига хизмат қилиши шубҳасиздир. Аммо техника тараққиёти содир бўлмаса, жамғарма нормаси ортишига қарамасдан ўсиш суръати бир даражада сақланиб қолади ва у меҳнат таклифининг ўсишига тенг бўлади. Америкалик олим бундан келиб чиққан ҳолда узок вақт давомида кўриб чиқилган иқтисодий ўсиш суръатлари капитал қуйилмалар ўсиши суръатларига боғлиқ эмас деган хулоса чиқарди. Унинг ҳисоблашича, технологик ривожланиш иқтисодий ўсишни бевосита таъминлайдиган асосий омилдир.

Р. Солоунинг назариясида техника тараққиёти аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад билан ўлчанадиган турмуш даражаси муттасил ўсиб боришининг ягона шarti ҳисобланади. Бундан ташқари у капитал билан қуроллангаликнинг энг мақбул даражасини белгилайдиган “жамғарманинг олтин қондаси”

формуласини таклиф этади. Кенг миқёсли иқтисодий ўсиш жамғарманинг турли нормаларига мос тушиши мумкин, лекин истеъмолнинг энг юқори даражасини таъминлайдиган иқтисодий ўсиш энг мақбул норма ҳисобланади. Анъанавий ёндошувлардан фарқли равишда энг юқори даражадаги истеъмол капиталнинг энг юқори миқдори билан эмас, балки унинг мақбуллиги ва маҳсулот бирлигига капитал самараси (энг юқори меҳнат унумдорлиги) ҳисобланган иқтисодий самарадорлик билан белгиланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, иқтисодчи олим техника тараққиётини барқарор ўсишнинг ягона асоси сифатида ажратиб кўрсатади. У 1909-1949 йилларда АҚШда ЯИМ ўсиши умумий миқдорининг 80,0 % дан кўпрогини техника тараққиёти, яъни меҳнат ва капитал сарфи эмас, балки интенсив омиллар таъминлаганлигини аниқлаган.

Иқтисодий ўсишнинг замонавий назариялари шаклланишига иқтисодий ўсишга турли омилларнинг таъсирини ўрганишга йўналтирилган эмпирик тадқиқотлар улкан ҳисса кўшди. Бу соҳада изланишлар олиб борган энг йирик тадқиқотчилардан бири Э.Денисондир.¹ Олим кенг статистика маълумотларини таҳлил этиш асосида меҳнатдан ва капиталдан фойдаланиш кўламларининг кенгайиши ҳамда техника соҳасидаги янгиликлар XX асрда АҚШ да ҳосил қилинган миллий маҳсулот кўпайишининг фақат ярминигина таъминлаганлигини исботлаган.

Э.Денисоннинг ҳисоб-китобларига қараганда, 1948-1969 йилларда Ғарбий Европа мамлакатлари иқтисодиёти ўсишининг учдан икки қисми меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига бўлган. Айни пайтда Европа мамлакатлари ва АҚШда миллий даромадни оширишда таълимнинг улуши 12,0 % дан 29,0 % гача кўпайган.

Америкалик иқтисодчи инсон омили таъсирини ўлчаш учун фақат иш кучи миқдоринигина эмас, балки меҳнат унумдорлигининг ходимнинг ёши ва жинси, маълумоти ва касбий тайёргарлик даражасига боғлиқлигини ҳам ҳисобга олган.

Э.Денисоннинг фикрига кўра, меҳнат унумдорлигининг иқтисодий ўсишга таъсири қуйидаги жараёнлар натижасида рўй беради:

¹Эдвард Денисон (Edward F. Denison, 1915-1992) — америкалик иқтисодчи. Асосий асарлари: “АҚШда 1929 йилдан 1969 йилгача иқтисодий ўсишнинг таҳлили” (“Accounting for United States Economic Growth, 1929-69, 1974”), “АҚШда 70-йилларда паст иқтисодий ўсишнинг таҳлили” (“Accounting for Slower Economic Growth: The United States in the 1970’s; 1979”).

● технологик билимларнинг кенгайishi ёки ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш;

● “бой берилганни қоплаш”, яъни тараққий этган давлатлар томонидан қолоқ мамлакатларга амалий билимларни тақдим этиш. Бу қолоқ мамлакатларга ривожланган давлатларнинг энг мақбул иқтисодий ўсиш даражасига яқинлашиш имконини беради;

● ишлаб чиқаришнинг жисмоний омилларини жойлаштиришни яхшилаш ҳамда уларни энг юқори самара берадиган тармоқ ва минтакаларда қўллаш;

● иқтисодиёт қўламлари кенгайтириш, аynи пайтда ишлаб чиқаришни ихтисослашни ривожлантириш ва миллий бозорларни ривожлантириш.

Ҳозирги давр эмпирик тадқиқотларида эса иқтисодий ўсишнинг қуйидаги омиллари ажратиб кўрсатилади:

● инсон капитали сифатини яхшилаш;

● давлат институтлари самарадорлигини ошириш;

● қулай инвестиция муҳитини яратиш;

● макроиқтисодий тартибга солишнинг мослашувчан стратегиясини қўллаш;

● иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш (давлатга қаршли бўлмаган мулкнинг ЯИМдаги улуши, иқтисодиётнинг очиқлиги ва либераллаштирилиши индикаторлари);

● ресурсларни бозор механизмлари ёрдамида оқилона тақсимлаш.

Эндоген ўсиш назариясида (америкалик иқтисодчилар П.Ромер, Р.Лукас ва бошқалар) узок муддатли даврда технологик тараққиёт иқтисодий ўсишнинг ягона сабаби ҳисобланмайди. Ушбу мактаб вакиллари технологик тараққиёт ва инсон капиталига инвестициялар киритишга асосланган ишлаб чиқариш-техника энг муҳим янгиликларининг эндоген хусусиятлари тўғрисидаги гипотезани ишлаб чиққан. Улар иқтисодий ўсиш даражаси қуйидаги омилларга боғлиқлигини тасдиқлаган:

● инсон капиталининг сифати, инсон тараққиёти (таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳоказоларга) инвестициялар;

● мукамал бўлмаган рақобат шароитларида интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

● фан ва технологиялар ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

● қулай инвестиция муҳитини яратиш ва янги технологияларни ўзлаштириш.

П.Ромернинг¹ фикрича, “бугунги истеъмол билан эртага қилинадиган истеъмолни кенгайтириш учун фойдаланилиши мумкин бўлган билимлар ўртасида айирбошлаш мавжуд”. У мазкур ғояни ўтмишдаги истеъмолдан “билим” яратадиган “тадқиқотлар технологияси” сифатида ифода этади. Бошқача қилиб айтганда, П.Ромернинг назариясида иқтисодий ўсишнинг суръатлари янги билимларни эгаллаш соҳасида марказлашган инсон капитали миқдорига бевосита боғлиқдир. Амалда бу илмий тадқиқотлар соҳаси иқтисодиётта биргина амалий ғоялар ва ишланмалар билангина таъсир кўрсатмаслигини англатади.

Бундай тадқиқотлар мавжудлигининг ўзи иқтисодий ўсиш учун зарур (лекин етарли бўлмаган) шартдир, чунки бу инсон капитали жамғарилишини таъминлайди. Ушбу назарияга мувофиқ, жамғарилган инсон капитали ҳажми катта бўлган мамлакатлар иқтисодий ўсишда юқорироқ суръатларга эришади. Демак, эркин халқаро савдонинг ривожлантирилиши ҳам ўсиш суръатларини оширишга ёрдам беради, чунки маҳсулотлар билан айирбошлаш иқтисодий тизим чегараларини кенгайтиради ва шу тариқа инсон капитали жамланмаси қўлайишига хизмат қилади.

Р. Лукас²нинг назариясига кўра, инсон капиталини жамғариш муайян ресурсларни талаб этадиган ҳамда муқобил чикимлар сабаби бўлган фаол иқтисодий жараёндир. Олимнинг ҳисоблашича, одамлар вақтдан фойдаланишнинг икки йўлидан бирини танлашлари мумкин, яъни жорий ишлаб чиқаришда иштирок этиш ёки инсон капиталини жамғариш. Моҳият жиҳатидан бу икки муқобил йўл ўртасида вақтни тақсимлаш иқтисодий ўсиш суръатларини белгилайди. Масалан, товарлар ишлаб чиқиш учун сарф қилинаётган вақтнинг камайиши жорий маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтиради, бироқ аynи пайтда инсонга капитал қуйилмалар жадаллашади ва шу тариқа маҳсулот ишлаб чиқариш

¹ Пол Майкл Ромер (Paul Michael Romer, 1955 йилда туғилган) — америкалик иқтисодчи. Асосий асарлари: “Янги товарлар, эски назариялар ва савдо чекловларининг фаровонликка чикимлари” (“New Goods, Old Theory, and the Welfare Costs of Trade Restrictions”, 1994), “Фан, иқтисодий ўсиш ва иқтисодий сиёсат” (“Science, Economic Growth and Public Policy”, 1996).

² Роберт Эмерсон Лукас, (Robert Emerson Lucas, Jr., 1937 йил 15 сентябрда, Яқима, АҚШда туғилган) — макроиқтисодий таҳлил асослашувчиси ва иқтисодий таҳлил нуқтаи назарида қирқдан ўзгаришлари учун 1995 йилги Нобель мукофоти лауреати. Асосий асарлари: “Пул кутимиши ва бетарафлиги” (“Expectations and the Neutrality of Money”, “Амалий цикл назарияси усуллари ва муаммолари” (“Methods and Problems in Business Cycle Theory”), “Амалий цикл назарияси бунча тадқиқотлар” (“Studies in Business-Cycle Theory”).

кўпаяди. Шундай қилиб, эндоген ўсиш назариясининг хусусияти таълим ва инсон капитали омилини ишлаб чиқариш функциясига кўшишдан иборатдир.

1.3. Иқтисодий ўсиш назарияларида инсон омили ролининг эволюцияси

Иқтисодиёт фанида меҳнат инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолияти деб талқин этилади. Меҳнат қобилияти бўлмаса, меҳнат фаолиятини амалга ошириб бўлмайди. Меҳнат қобилияти ҳам фақат меҳнат жараёнида амалга ошади. Иш кучи меҳнатга қобилиятни англатади, меҳнат эса меҳнат фаолиятида иштирок этаётган иш кучи қобилиятидир.

Иқтисодий ўсишда инсон омилининг ролини тадқиқ этиш ўз тарихига эга. Францияда XVIII асрдаёқ *физиократлар мактаби* шакллланган бўлиб, унинг вакиллари фермерларни ҳимоя қилган. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ўша даврда Францияда ҳукм сураётган оғир иқтисодий инкироздан чиқишнинг асосий воситаси деб ҳисоблаган.

Физиократлар “соф маҳсулот” яратадиган меҳнатгина самарали деб ҳисоблаган. Самарали меҳнат белгиларини биринчи бўлиб аниқлаган, мазкур назариянинг асосчиси бўлган Ф. Кенэ¹ “амалда ер ва сувдан бошқа ҳеч нарса даромад келтириши мумкин эмас”² деб ҳисоблаган. У жамиятни уч синфга: ишлаб чиқарувчилар, мулк эгалари ва самарасиз кимсаларга бўлган. Ф. Кенэнинг ҳисоблашича:

- ишлаб чиқарувчилар – қишлоқ хўжалигида бевосита банд бўлган ерга ишлов берадиган шахслардир;
- мулк эгалари – бу қироллар, ер эгалари, черков, яъни ерга эгалик қиладиганлар;
- самарасиз кимсалар – қолган ҳамма шахслар, шу жумладан, ишчилар, капиталистлар, савдогарлар.

Физиократия тарафдорлари “соф маҳсулот” манбаи, яъни ишлаб чиқариш чиқимлари айириб ташлангандан қолгани ер, аниқроқ айтганда – табиат кучларидир. Дехқонлар ердан унга сарф қилган меҳнатларига караганда кўпроқ нарса олади. Ишчилар эса

ер, табиатдан олинган нарсани қайта ишлайди ва ўзлари қанча истеъмол қилса, худди шунча яратади.

Иқтисодий назариянинг классик мактабини яратган А. Смит¹ бойликни кўпайтиришни манбаи – моддий неъматларни ишлаб чиқариш соҳасидаги ижтимоий фойдали меҳнат деб ҳисоблаган. Шунинг учун у самарали меҳнатни қуйидагича таърифлаган: “Жамиятнинг айрим ҳурматли табақалари меҳнати уй хизматкорларининг хизмати каби бирор қиймат яратмайди ҳамда узоқ муддат фойдаланилиши, сотилиши мумкин бўлган предмет ёки товар сифатида намоён бўлмайди, сарф қилинган бу меҳнатга предметлар ёки товарлар олиб бўлмайди. Масалан, шоҳ ва унинг барча суд амалдорлари ва зобитлари, бутун армия ва флот самара келтирмайдиган шахслардан иборат”².

Ж.С.Милль³ буржуа жамиятини мулкий тенгсизликни чегаралаш орқали ислоҳ этишни, яъни ёлланма меҳнат ишлатиладиган корхоналардан капитали ишчилар қўлида бўлган кооператив ишлаб чиқариш уюшмаларига ўтишни таклиф этган. “Ходимнинг ўзига мен бойлик сифатида қарамайман, – деб ёзган у. – Лекин у томондан меҳнат туфайли эгалланган қобилиятларни тўла асос билан бу тонфага киритиш мумкин. Мамлакат ишчиларининг маҳорати, куч-ғайрати ва қатъияти худди асбоб-усқуналар ва дастгоҳлар каби давлат бойлиги ҳисобланади”⁴.

Иқтисодий назариянинг классик мактаби вакили Д. Рикардо⁵ уч ижтимоий синфни ажратиб кўрсатган: улар – ер эгалари, капитал эгалари ва ишчилардир. Унинг фикрича, бу синфлар вакиллари ўз даромадларини тегишли равишда рента, фойда ва иш ҳақи сифатида олади. Олимнинг фикрига кўра, қийматнинг ягона манбаи ёки баҳоси ишлаб чиқаришда банд бўлган ходим меҳнатидир⁶.

Юқоридагилардан иқтисодий назариянинг классик мактаби вакиллари бозор тизими ресурсларидан, шу жумладан, иш кучи

¹ Адам Смит (Adam Smith, 1723-1790) — шотланд иқтисодчиси, замонавий иқтисодий назария асосчиларидан бири. Иқтисодиёт соҳасидаги асосий асари: “Халқлар бойлигининг моҳияти ва сабаблари хусусидаги таъкилотлар” (1776).

² Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: «Соцэкгиз», 1962. - С.245.

³ Жон Стюарт Милль (John Stuart Mill, 1806-1873) — машҳур инглиз мутафаккири ва иқтисодчиси. Иқтисодиёт соҳасидаги асосий асари: “Essays on some unsettled Questions in Political Economy” (1844).

⁴ Милль Дж. С. Основы политической экономии. Т.1. – М.: «Прогресс», 1980. - С.89.

⁵ Давид Рикардо (David Ricardo, 1772-1823) — инглиз иқтисодчиси, сиёсий иқтисодиёт классиги. Асосий асари: “Сиёсий иқтисод ва солиқча тортиш принциплари” (1817).

⁶ Рикардо Д. Начало политической экономии и податного обложения / Антология экономической классики. Т.1. – М., 1993. - С.409.

¹ Франсуа Кенэ (François Quesnay, 1694-1774) — машҳур француз иқтисодчиси, физиократлар мактабининг асосчиси.

² Кенэ Ф. Избранные экономические сочинения. – М.: «Соцэкгиз», 1969. - С.533.

ресурсларидан ҳам тўла фойдаланишни таъминлашга қодир деган хулосага келган.

П.Друкер¹ “иш билимлари” атамасини муомалага киритар экан, кейинчалик “билимлар жамияти”да базис иқтисодий ресурс капитал, табиий ресурслар ёки иш кучи эмас, балки билимлар деб тасдиқлаган. У “билимлар ҳал қилувчи иқтисодий ресурс ва доминанта бўлиб, эҳтимол тутилган рақобат устунлигининг ягона манбаига айланди”² деб кўрсатган.

XIX асрнинг охирида классик назариянинг издошлари уларнинг қарашларини ривожлантириб, иқтисодий назариянинг янги классик йўналишни шакллантирди. Кембриж университетининг профессори А. Маршалл бу мактаб асосчиси ҳисобланади. У бутун талабни пировард натижада тартибга солишни истъомол талаби бажаради ва бундай тартибга солиш бозор томонидан автомат тарзда амалга оширилади, деб ҳисоблаган. А. Маршалл³ иш кучи сифатига алоҳида эътибор берган. “Таълим ном-нишонсиз ўлиб кетиши мумкин бўлган кўплар учун ўзларининг салоҳиятларини намоеъ қилиш имконини беради, - деб қайд этган А. Маршалл. – Саноатда битта ихтиродан фойдаланишдан олинган иқтисодий фойда бутун шаҳарда таълимга харажатларни қоплаш учун етарлидир, зеро Бессемернинг асосий ихтироси каби янги ғоя ишлаб чиқариш қувватларини юз минг одам меҳнати ҳисобига яратиладиган даражада оширишни таъминлайди”⁴.

Иқтисодиёт фанида моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг икки таркибий қисми – моддий ресурслар (хомашё, асбоб-ускуналар ва ҳоказолар) ҳамда меҳнат ресурслари (муаяйн меҳнатни бажаришга қодир, билими, малака ва тажрибаси бор бўлган ходим) фарқланади. С.Фишер, Р.Дорнбуш, Р.Шмалензи капитал ва ер ресурсларини моддий бойликлар, ишлаб чиқаришнинг ашёвий омиллари, деб ҳисоблашади⁵. К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брюларнинг фикрига кўра эса, иқтисодий ресурслар

моддий ва инсон ресурсларидан иборатдир. Моддий ресурслар – ер ва капитал, инсон ресурслари – меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятидир¹(1.5-расм).

Меҳнат жараёни учта асосий хусусиятга эгадир:

• инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолияти, яъни меҳнатнинг ўзи;

• меҳнат йўналтирилган меҳнат предмети;

• инсон меҳнат предметиға таъсир кўрсатишда фойдаланадиган меҳнат воситаси.

Аmmo меҳнат фаолиятининг асосий шarti – иш кучи мавжудлигидир. Шу сабабли: “Меҳнат иқтисодиёти иш кучини қайта ҳосил қилиш – унинг ҳосил қилиниши (тайёрлаш, таълим бериш, малакасини ошириш ва ҳоказолар), тақсимлаш, айир-бошлаш ва истъомол қилиш содир бўладиган, шунингдек, ходим, меҳнат воситалари ва предметлари ўзаро муносабатда бўлиш шароитлари ва жараёнлари таъминланадиган ижтимоий ташкиллантирилган динамик тизимидир”².

Ҳозирги пайтда “иш кучи” категорияси тушунчаси шакллантирилган. Бу инсон меҳнат фаолияти жараёнида фойдаланадиган жисмоний ва маънавий қобилиятларининг жамланмасидир³.

Б.М. Генкин иш кучига муфассалроқ таъриф берган: “Иш кучи дейилганда инсоннинг меҳнатга қобилияти, яъни ишлаб чиқаришда фойдаланалиши мумкин бўлган унинг жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини тушуниш қабул қилинган. Амалда иш кучи, қоида бўйича, соғлиқ, таълим ва касб маҳорати кўрсаткичларида ифода этилади”⁴.

Айни пайтда иш кучини аниқлашга бошқа ёндошувлар ҳам мавжуд. Жумладан, Р.Ж. Эринбергер ва Р.С. Смит ушбу тушунчани меҳнатга лаёқатли аҳоли нуқтаи назаридан ёндашадилар: “Иш кучи” тушунчаси 16 ёшдан катта бўлган ҳамда ишга эга ёки фаол иш қидираётган ёхуд ишдан бўшагандан сўнг яна уни хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат қилинишини кутаётган ходимлар тушунилади”⁵.

¹ Питер Фердинанд Друкер (Peter Ferdinand Drucker, 1909-2005) — Австрияда туғилган америкалик иқтисодчи, XX аср менежментининг энг машҳур назариячиларидан бири, глобал бозор назарияси ва “ақборот ходими” концепцияси, 39 та асар муаллифи.

² Drucker P. F. Post-Capitalist Society. — Oxford Butterworth: Heinemann, 1993. - P. 271

³ Альфред Маршалл (1842—1924) — инглиз иқтисодчиси, кембриж мактаби вакили, иқтисодиёт фанида янги классик йўналишни асосчидаридан бири. Асосий асарлари: “The pure theory of foreign trade and the pure theory of domestic values. - L., 1879”, “Иқтисодиёт фани принциплари” (“Principles of Economics”, 1890-1891), “Саноат иқтисодиёти унсурлари” (Elements of the Economics of Industry, 1892), “Саноат ва савдо” (Industry and Trade, 1919), Денгиз, кредит и торговля (Money, Credit and Commerce, 1922).

⁴ Маршалл А. Принципы экономической науки. - М.: «Прогресс», 1993. - С.294.

⁵ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика/ Пер. с англ. со 2-го изд. - М.: Дело ЛТД. 1995. - С.323.


¹ Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: Принципы, проблемы и политика. В 2 т/ Пер. с англ. 2-е изд. Т.1. - М.: «Республика», 1992. - С.37.

² Экономика труда: социально-трудовые отношения Учебник. - М.: «Экзамен», 2006. - С.9.

³ Абдурахманов К.Х., Шарифуллина Т.А. Экономика и социология труда: учебное пособие. - М.: Российская экономическая академия, 2002. - С.6.

⁴ Генкин Б.М. Экономика и социология труда: учебник для вузов / 5-е издание, дополненное. - М.: Норма, 2005. - С.79.

⁵ Эринбергер Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда: теория и государственная политика. - М., 1996. - С.34.



1.5-расм. Ишлаб чиқариш омиллари

Иш кучи атамаси асосан қуйидаги тушунчаларни қамраб олади:

- инсоннинг неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда фойдаланиладиган жисмоний ва маънавий қобилиятлари жамланмаси;
- “иқтисодий фаол аҳоли” категориясининг синоними бўлган аҳолининг иш билан банд ёки иш қидираётган қисми;
- умуман олганда, ходимлар ёки хўжалик юритувчи субъектнинг персонали.

Инсоннинг меҳнат функциялари билан инсон қобилиятлари сифати йўналиши даражаси ва ривожланиш кўлами ўртасида яқин алоқадорлик мавжуд.

Иш кучини (меҳнат қобилиятини) шакллантириш жараёни ёки ходимни меҳнатга тайёрлаш жараёни мактабда бошланиб, коллеж, лицей, олий ўқув юртлири, малака ошириш курслари, тажриба алмашишлар ва ҳоказоларда давом этади.


Иш кучини тақсимлаш ва айирбошлаш жараёни, одатда, биринчидан, меҳнат бозорида меҳнат муносабатларининг уч субъекти – ходим, иш берувчи ва давлат иштирокида меҳнат бозорида, иккинчидан, бевосита корхонада (ёллаш, ходимлар иш ўрни алмашиши, ишдан бўшатиш ва ҳоказолар) содир бўлади.

Иш кучини истеъмол қилиш (ундан фойдаланиш) бевосита иш жойида ижтимоий фойдали, муайян маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишдан иборат меҳнат жараёнида содир бўлади. Ходим меҳнат фаолиятига киришиши учун унга тегишли шарт-шароитлар тайёрланиши: иш жойи жиҳозланиши, ходимнинг меҳнати ва унинг муҳофазаси ташкил этилиши, меҳнат рағбатлантирилиши, ходим ижтимоий ҳимоя қилиниши ва ҳоказолар зарур.

Инсон ўзида талаб, таклиф ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларни шакллантирадиган эҳтиёжлари мавжудлиги сабабли иқтисодий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади (1.6-расм).

Инсонга иқтисодий ҳаётнинг субъекти сифатидаги тасаввурлар ривожланишининг узок давом этган жараёни натижасида қуйидаги қатор тушунчалар пайдо бўлди:

- иш кучи – меҳнат жараёнида самарали фойдаланиши мумкин бўлган қобилиятлар ва сифатлар згаси;
- меҳнат ресурслари – бутун жамиятнинг меҳнатга қобилияти жамланмаси;
- меҳнат салоҳияти – барча сифат хусусиятлари жамланмаси сифатида қараладиган иш кучи;
- инсон омили – сифат хусусиятлари жамланмаси сифатида қараладиган амал этаётган иш кучи;
- инсон капитали – инсон томонидан неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиладиган қобилият ва сифатлар захирасининг жамланмаси (1.2 - жадвал).



1.6-расм. Инсоннинг иқтисодий ҳаётдаги ўрни

Ҳозирги давр tadқиқотчилари “иш кучи” атамасини инсон товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатишдан иборат меҳнат жараёнида у томондан фойдаланиладиган ўз жисмоний ва маънавий салоҳияти сифатида талкин этадилар. Бошқача қилиб айтганда иш кучи шахснинг меҳнат қилиш ва нъёматлар яратиш лаёқатидир¹.

А. Смит бу таснифга қўшимча равишда “иқтисодий одам” атамасини ҳам киритган. Унинг фикрига кўра, “иқтисодий одам” ўз шахсий манфаати ва мақсадини кўзлаб, турмушини яхшилашга интилади. Шу боисдан, инсон бозор иқтисодиётида ишлаб чиқариладиган маҳсулотининг қиймати юқори бўлган ва кўп фойда келтирадиган фаолият турини, соҳасини танлашга ҳаракат қилади.

¹ Экономика труда (социально-трудовые отношения) // Под ред. Абдурахманова К.Х., Волгина Н.А. и Одегова Ю.Г. –М.: «Экзаме», 2006. –С. 33-34.

Фақатгина “кўзга кўринмас кўл”, яъни эркин рақобат, бозор қонунларига ўз мақсадларини кўзлаб фаолият юритувчиларни тартибга солинган тизимга бирлаштиради. Шу боисдан “иқтисодий одам” ўз манфаатини кўзлагани ҳолда жамият манфаати учун ҳам меҳнат қилади¹.

XX аср бошларида иш кучини такрор ҳосил қилиш жараёни кўрсаткичларини баҳолаш мақсадида “меҳнат ресурслари” атамаси муомалага киритилди.

1.3-жадвал
Иқтисодий ривожланиш турли босқичларида инсон ресурслари баҳоланиши²

Категория	Қўлланиш даври	Иқтисодиёт субъекти тўғрисидаги тасаввур	Амалга киритилиши сабаблари
Иш кучи	XIX аср - ҳозирги давр	Инсон - меҳнат жараёнида самарали фойдаланиш имконияти бўлган қобилият ва сифатлар соҳиб сифатида	Ишлаб чиқаришда шахс омилини ҳисобга олиш зарурати
Меҳнат ресурслари	XX асрнинг 20-йиллари - ҳозирги давр	Инсон – ташқи бошқарувнинг нофаол объекти, режа-ҳисоб бирлиги сифатида	Иқтисодиётни марказлаштирган ҳолда бошқариш шароитида иш кучини такрор ҳосил қилиш жараёни кўрсаткичларини ҳисобга олиш зарурати
Меҳнат	XX асрнинг	Инсон – меҳнат	Шахсий омил

¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.: «Наука», 1993. – С. 330-335.

² Одегов Ю.Г. Управление персоналом в структурно-логических схемах.-М.: «Академический проект», 2005. –С.348.

салоҳияти	70-80-йиллари - ҳозирги давр	соҳасида ўз эҳтиёж ва манфаатларига эга субъект сифатида	имкониятларини фаоллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш зарурати
Инсон омили	XX аср 80-йилларининг охири – 90-йилларининг бошлари – ҳозирги давр	Инсон – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи, унинг самарадорлигини ошириш воситаси	Ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар, шахсий омил самарадорлигини ошириш зарурати
Инсон капитали	XX аср 90-йилларининг бошлари – ҳозирги давр	Инсон – энг самарали капитал киритишнинг объекти, бу капитал билим ва маҳоратни оширишга хизмат қилиб, келгусида энг юқори самара келтириши мақсадини кўзлаш	Инсон салоҳиятини ҳамда инсонга инвестицияларнинг иқтисодий хусусиятини эътироф этиш

Бугунги кунда *меҳнат ресурслари* дейилганда одатда меҳнатга лаёқатли аҳоли тушунилади. Иқтисодчи олимлар П.Э. Шлендер ва Ю.П.Кокинларнинг фикрича: “меҳнат ресурслари категорияси “аҳоли” ва “жамланма иш кучи” иқтисодий категориялари оралигида жойлашган бўлиб, уларни ўзида мужассамлаштирган. Меҳнат ресурслари – аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисми бўлиб, улар жисмоний ва интеллектуал қобилиятлари орқали моддий бойлик ишлаб чиқаради ва хизматлар кўрсатади”¹.

Н.А.Волгин, Ю.Г.Одеговлар эса: “Меҳнат ресурслари – жамиятнинг ва бутун ижтимоий фаол аҳолининг меҳнатга бўлган ялли қобилиятларини акс эттиради. Жамиятнинг ва минтақанинг

¹ Экономика труда: Учебник / под ред. П.Э. Шлендера и Ю.П.Кокина. –М.: «Юристъ». 2002. - С.75.

меҳнат ресурслари демографик, тармоқлараро кўрсаткичлар ва касб-малака тузилмаси орқали тавсифланади”¹, деб ҳисоблашади.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг услубиётига мувофиқ меҳнат ресурслари меҳнатга лаёқатли ёшда бўлган меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан ташқари ёшда (пенсионерлар ва ўсмирлар) меҳнат қилаётган шахсларнинг йиғиндисидир².

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 106-сон қарорида³ “Меҳнат ресурслари - меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишлаётган шахслар” эканлиги кўрсатилган.

Меҳнатга лаёқатли ёш - аҳолининг меҳнатга лаёқатли давридир. Ўзбекистон Республикасидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ бу эрақлар учун 44 йилни (16 ёшдан 60 ёшгача), аёллар учун эса 39 йилни (16 ёшдан 55 ёшгача) ташкил этади. I ва II гуруҳ ногиронлар ҳамда имтиёзли пенсия олувчилар бундан истиснодир⁴.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳудудлар бўйича ҳисоблаб чиқиш методикаси” бўйича меҳнат ресурслари сони меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони ва меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишловчилар сони йиғиндиси сифатида қуйидагича аниқланади:

$$MP = MJA + IU\P,$$

бунда: MP – меҳнат ресурслари;

MJA – меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли;

IU\P – ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.

MJA сони меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эрақлар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-

¹ Экономика труда (социально-трудовые отношения): Учебник / Под ред. Н.А.Волгина, Ю.Г.Одегова. –М.: «Экзамен», 2006. -С.35.

² Утинова С.С. Методологические подходы к анализу проблем занятости и рынка труда // -М.: Ж.Вопросы статистики. 2003. № 7. - С. 34.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 майдаги “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 106-сон қарори // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).

⁴ Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонучилиги бўйича ишловчилик ҳужжатлар тўплами. –Т.: «Ўзбекистон». 2006. Б 30.

қизлар) сонидан меҳнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, имтиёзли шартларда пенсия олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар сонини чиқариб ташлаш йўли билан аниқланади:

$$МЛА = Э_{(16-60)} + X_{(16-55)} - Ноғ - Пи,$$

бунда: $Э_{(16-60)}$ - 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар;

$X_{(16-55)}$ - 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган хотин-қизлар;

Ноғ - меҳнатга лаёқатли ёшдаги I ва II гуруҳ ногиронлари;

Пи - имтиёзли шартларда пенсия олаётган меҳнатга лаёқатли ёшдаги пенсионерлар.

Меҳнат муносабатларида ҳозирги вақтда *иқтисодий фаол аҳоли* тушунчаси ҳам мавжуддир. С.Уилсоннинг кўрсатишича, “иқтисодий фаол аҳоли” тушунчаси халқаро меҳнат статистикаси атамашунослигига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурдаги Статистика комиссиясининг 14-сессияси тавсиясига мувофиқ 1966 йилда киритилган¹. Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида статистика органлари бу атамани 1993 йилдан эътиборан фаол қўллашга киришдилар.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти услубиётига мувофиқ иқтисодий фаол аҳоли иқтисодий фаоллигини белгилаш учун ўрнатилган ёшда (15-72 ёш) бўлган, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун иш кучи таклиф этилишини таъминлайдиган аҳоли қисмидир. Иқтисодий фаол аҳоли иқтисодий фаолиятининг барча соҳаларида иш билан банд бўлганлар ва ишсизларни қамраб олади.

Россиялик иқтисодчи олим Б.Ц. Уралнис иқтисодий фаол аҳоли таркибига аниқлик киритади. У ижтимоий ишлаб чиқаришда, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида ёлланма шахс сифатида иштирок этаётганлар, меҳнат фаолиятида ёрдам кўрсатаётганлар ва ҳоказолар, ёки мазкур вақтда иш билан банд бўлмасдан иш қидираётганлар ва ишлашни хоҳловчиларни иқтисодий фаол аҳоли, деб ҳисоблайди².

Халқаро Меҳнат Ташкилоти таснифига кўра, статистика органлари иқтисодий фаол аҳолини уч гуруҳга ажратади:

- иш билан бандлар ва ишсизлар;
- иш кучини таклиф этаётганлар;
- иш билан банд бўлмаган ҳолда иш қидирмаётганлар ва ишлашга тайёр бўлмаганлар.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти аҳоли иқтисодий фаоллигини белгилаш учун ўрнатилган ёшда бўлган, иш билан банд бўлмаганлар, лекин иш қидирмаётганлар ва ишлашга тайёр бўлмаганларни *иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли* таркибига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 106-сон қарорига кўра: “Иқтисодий фаол аҳоли - меҳнат билан банд бўлган фуқаролар ва ишсизлар. Иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли - меҳнат билан банд ва ишсиз деб ҳисобланмайдиган шахслар, шу жумладан:

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ҳамда иш ҳақиға ёки меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар;
- ишламаётган учинчи гуруҳ ногиронлари;
- уй бекалари ҳамда болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ишламаётган аёллар;
- кўчар ва кўчмас мулкдан даромад олаётган ишламаётган шахслар;
- ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар” дир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги Қарорига асосан, қуйидагилар *иш билан бандлар* ҳисобланади:

а) ёлланиб ишлаётган, шу жумладан, ишларни тўлиқ бўлмаган иш вақти мобайнида ёки уйда иш ҳақи олиб бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан, вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

б) касаллик, таътил, қайта тайёргарлик, малака ошириш, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб туриши туфайли, шунингдек, конун ҳужжатларига мувофиқ вақтинчалик ишда бўлмаган ходим учун иш жойи сакланиб қоладиган бошқа ҳолларда иш жойида вақтинчалик бўлмаган фуқаролар;

в) ўзини мустақил равишда иш билан таъминловчи фуқаролар, тадбиркорлар, шу жумладан, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, кооперативлар

¹ Wilson S. Economical outlooks and research of labor market. -NY.: Economics. 1995. -P.25.

² Народонаселение стран мира. Справочник // Под ред. проф. Уралниса Б.Ц. -М.: «Статистика», 1978, -С.293.

аъзолари, фермерлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлариди меҳнат билан банд бўлганлар, бевосита қорамол ўстирувчилар, чорвачилик ва бошқа кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва сотувчилар, кўрсатиб ўтилган фуқаролар тоифаларининг ишлаб чиқаришда қатнашадиган оила аъзолари;

г) Куролли Кучларда, Миллий хавфсизлик ҳамда ички ишлар органлари ва кўшинларида хизматни, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётганлар;

д) қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар.

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида *ишсизлар* мақоми куйидагича белгиланган: “16 ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақиға (меҳнат даромадиға) эға бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатта олинган, меҳнат қилишға, касбға тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишға, малакасини оширишға тайёр меҳнатға қобилиятли шахслар ишсизлар, деб эътироф этилади”¹. Яъни мамлакатнинг амалдаги қонунчилигига кўра ишсиз шахс:

- меҳнатға лаёқатли ёшдан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эға бўладиган давргача ёшдаги;

- ишға ва иш ҳақи(меҳнат даромади)ға эға бўлмаган;

- иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатға олинган;

- меҳнат қилишға, касбға тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишға, малакасини оширишға тайёр фуқаролардир.

Ишға жойлаштиришға муҳтож шахслар (ишсизлар) сони меҳнат ресурслари сонидан меҳнат билан бандлар сонини ва иқтисодий фаол бўлмаганлар сонини чиқариб ташлаган ҳолда куйидагича аниқланади:

$$MM = MPA - B - ИФА,$$

бунда: ММ – ишға жойлаштиришға муҳтож банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар);

МР – меҳнат ресурслари;

Б – бандлар;

ИФА – иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли¹.

Инсон омили, инсон капитали тушунчалари иқтисодиётда инсонға ресурс сифатида эмас, балки ишлаб чиқаришнинг асосий субъекти деб қаралиши билан боғлиқдир. Мазкур концепция кўп жихатдан япон менежменти етакчилари К.Мацусита ва А.Морита² номлари билан боғлиқдир.

Иқтисодиёт фанида *инсон капитали* дейилганда инсоннинг интеллектуал, жисмоний ва маънавий салоҳияти, яъни билими, малакаси, саломатлиги ва бошқа хусусиятлари жамланмаси тушунилади. Жумладан, Б.М.Генкин: “Инсон капитали инсон қобилиятлари йиғиндиси бўлиб, инсоннинг, унинг оиласи, ишлаб турган қорхонаси ҳамда жамиятнинг даромад манбаи ҳисобланади”³ таърифини берган.

Россиялик олим И.А.Кокаревнинг фикрича: “Инсон капитали – бу тирик инсонлар эмас, балки уларнинг ишлаб чиқариш қобилиятлари, билимлари ва укувларидир”⁴.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Ҳ.П. Абулқосимов “меҳнат ресурслари”, “меҳнат салоҳияти” ва “инсон ресурслари” тушунчаларини фарқлаш кераклигини кўрсатади. Яъни: “Меҳнат ресурслари – бу меҳнат қилиш қобилиятиға эға бўлган аҳолини ифодалайди... *Меҳнат салоҳияти* – меҳнат ёшигача ва ундан катта ёшда бўлган жисмоний ва соғлом аҳоли тоифасини ифодалаш учун ишлатилади. Меҳнат ресурслари ва меҳнат салоҳияти биргаликда инсон ресурсларини ифодалайди. Инсон ресурслари деганда мамлакат аҳолисининг фойдали меҳнат фаолияти қоритиш учун зарур бўлган жисмоний ва ақлий соғлом ҳамда касбий билимға эға бўлган қисми тушунилади”⁵.

Д.Н.Раҳимова эса меҳнат салоҳиятининг сифат кўрсаткичлари алоҳида аҳамиятға эға эканлигини уқтиради⁶.

Меҳнат салоҳиятининг сифат кўрсаткичлари куйидагича аниқланиши мумкин:

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 июлдаги “Ишға жойлаштиришға муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобға олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сон қарори. // <http://www.lex.uz>

² Морита А. Сделано в Японии: История фирмы «Сония». –М.: «Прогресс», 1990. – С.408.

³ Генкин Б.М. Экономика и социология труда: Учебник для вузов. Изд. 3-е изм. и доп. –М.: НОРМА-ИНФРА, 2001. – С.66.

⁴ Кокарев И.А. Управление персоналом в рамках концепции человеческого капитала. –М. 2006.–С.66.

⁵ Иқтисодий-иқтисодий жараёнларни бошқариш/Абулқосимов Ҳ.П. ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси.–Т.: «Ғ.Ғулом номидаги напред-матбас ижодий уйи», 2007. – Б. 236-237.

⁶ Раҳимова Д.Н. Трудовой потенциал Узбекистана в условиях переходной экономики: проблемы развития и эффективного использования. –Т.: ТашГУ, 1998. –С.21.

¹ “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. // <http://www.lex.uz>

$$F(c) = c (c_1 + c_2 + c_3 + c_4 + c_5 + c_6 + c_7 + c_8 \dots c_n),$$

бунда: $F(c)$ - меҳнат салоҳиятининг сифат кўрсаткичлари;

c_1 - иш кучининг жисмоний ҳолати ва саломатлиги;

c_2 - таълим ва хабардорлик даражаси;

c_3 - малака ва касб маҳорати;

c_4 - тадбиркорлик қобилияти;

c_5 - ҳаётий тажриба ва кўникмалар;

c_6 - эътиқод ва тафаккур;

c_7 - ахлоқий сифатлар;

c_8 - маънавий етуқлик.

Меҳнат салоҳияти таркибини шакллантирадиган бирлик ходим малакасининг кўрсаткичларидир (1.7-расм). Ҳар бир алоҳида ходимнинг асосий малака кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:

- тайёргарлик даражаси;
- ижодий қобилияти.


Меҳнат салоҳиятининг асосий сифат кўрсаткичи – ходимнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигидир. Мазкур сифат кўрсаткичларига ўзгараётган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, ишлаб чиқаришда рўй бераётган инновация жараёнлари таъсир кўрсатади. Ушбу ўзгаришлар жамланмасини уларнинг ишлаб чиқариш, институционал ва ахборот таркибий қисмлари бирлиги сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Бунда ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар техника тараққиётининг бевосита таъсири остида содир бўлади ва, энг аввало, ишлаб чиқариш воситаларининг ўзгаришида, шунингдек, тегишли равишда иш кучи сифатига талабларнинг ўзгаришида намоён бўлади.

Институционал ўзгаришлар ходим мақоми ўзгаришлари жамланмасини акс эттиради. Улар ҳам иш кучини такрор ҳосил қилиш тизимида ўзгартиришларини талаб этади.

Ахборот ўзгаришлари эса иқтисодиёт ҳамда иш кучи сифатидаги ўзгаришлар билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш тизимининг асосини ташкил этади. Ўзгаришларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги алоқадорлик қуйидагича ҳам талқин этилиши мумкин:

биринчидан, фан-техника тараққиётидаги ўзгаришлар унсурлари;



1.7.-расм. Ходим меҳнат салоҳиятининг малака кўрсаткичлари

иккинчидан, меҳнатнинг капитал билан қуролланганлигининг ходимлар малакаси даражасига таъсири;

учинчидан, ахборот манбалари ва оқимлари жамланмаси. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ҳам, иш кучини такрор ҳосил қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Иқтисодиётда ишлаб чиқариш таркибий қисмининг таъсири фойдаланилаётган меҳнат воситалари ва предметларининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, ўз вақтида иш кучи сифатини оширишни таъминлаш заруратини туғдиради. Иқтисодиёт институционал таркибий қисмининг таъсири ишлаб чиқаришнинг

бошқариш ташкилий тузилмалари ҳамда меҳнатни ташкил этишнинг тегишли шаклларини такомиллаштиришни талаб қилади. Бу ўзгаришларнинг даражаси инновацион таъсир даражаси, шунингдек, мавжуд бошқарув, меҳнатни ташкил этиш тизими ҳамда хўжалик юрутувчи субъект ташкилий маданиятига боғлиқ равишда жиддий тарзда фарқланиши мумкин.

Иқтисодиёт ахборот таркибий қисмининг таъсири ахборотнинг янги манбалари билан боғлиқдир. С.А.Дятлов таъкидлаб ўтганидек, “Одамларнинг иқтисодий фаолияти моҳият жиҳатидан, энг аввало, ахборот фаолиятидир. Одамлар иқтисодий фаолияти-нинг маҳсулотлари ва натижалари – улар товарлар, хизматлар, янги технологиялар, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари ёки янги тайёрланган мутахассислар бўлсин – буларнинг ҳаммаси муайян илмий билимларни, яъни маълум даражада қайта ишланган, қайд қилинган ҳамда жамият интеграл ишлаб чиқариш кучларида кодификация қилинган ахборотдир”¹.

XXI асда жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг тенденциялари ишлаб чиқарувчи кучлар тараққий этишининг янги босқичи - механизациялашган йирик машина ишлаб чиқариши устунлик қилган саноат ривожланиши босқичидан хизматлар, фан, таълим ва ҳоказолар устунлик қиладиган саноат ишлаб чиқаришидан кейинги босқичга ўтиш бошланганидан далолат беради. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш ўз аҳамиятини сақлаб қолиши шубҳасиздир. Лекин унинг иқтисодий самарадорлиги юқори малакали ходимлар, янги билимлар, технологияларга боғлиқ бўлади.

Шунинг учун инсон, унинг салоҳияти саноат ривожланишидан кейинги жамиятнинг энг қимматли, табиий ёки тўпланган бойликдан анча муҳимроқ ресурсга айланди. Бевосита инсон омили иқтисодий ривожланиш суръатларини белгилаб беради.

Назорат учун саволлар

1. У.Ростоунинг жамият ривожланиши асосий босқичлари хусусиятларини айтиб беринг.

2. ЯИМ қандай ҳисоблаб чиқилади?

3. 1978 йилда БМТ томонидан ишлаб чиқилган аҳолининг турмуш сифатини акс эттирадиган халқаро кўрсаткичлар тизими нималарни қамраб олган?

4. С.Кузнец томонидан кўрсатилган иқтисодий ўсишнинг асосий белгилари моҳиятини тушунтириб беринг.

5. Иқтисодий ҳаёт субъекти тўғрисидаги тасавурларининг эволюцияси нима билан боғлиқ?

¹ Дятлов А. Экономика образования в условиях переходного периода. – СПб, 1995. - С.81.

2-БОБ. ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ КОНЦЕПЦИЯСИ

2.1. Иқтисодий ўсиш ва инсон тараққиёти

Юқорида қайд қилинганидек, иқтисодий ўсиш ялпи ички маҳсулот ижобий динамикаси асосида миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг узок муддатли ўзгаришидир. Миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг барқарор ўсиши эса иқтисодиёт тармоқлари ривожланганлиги даражасига боғлиқдир.

Жаҳон мамлакатлари ўз ривожланиш даражаси бўйича одатда қуйидаги босқичларда деб ҳисобланади:

- *иқтисодий ривожланишнинг саноат ривожланишидан олдинги босқичида.* Бу босқичда иқтисодий ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи иқтисодиётнинг аграр сектори ҳисобланади;

- *иқтисодий ривожланишнинг саноат ривожланиши босқичида.* Бу босқич асосини саноат ишлаб чиқариш ва фан-техника тараққиёти ташкил этади;

- *иқтисодий ривожланишнинг саноат ривожланишидан кейинги босқичида.* Бу босқичда юқори фан сизими эга тармоқлар, шу жумладан, ахборот технологиялари биринчи даражали аҳамият касб этади.

Саноати ривожланган жамият назариясига кўра, бошланғич босқичда саноат секторининг ўсиши асосан оммавий ишлаб чиқариш ҳисобига таъминланади. Фан-техника тараққиёти юқори технологияли тармоқларни ривожлантиришни рағбатлантиради, ишлаб чиқаришнинг механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилиши ходимлар малакасига талабни оширади. Меҳнат жараёнлари механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилиши натижасида мазкур тармоқдан бўшатилаётган ходимлар хизмат соҳасига ўтадилар ва жамият босқичма-босқич саноат ривожланишидан кейинги ҳолатга ўтади.

Саноати ривожланган жамиятда иқтисодий ўсиш ва инсон тараққиёти хусусиятига саноатдаги таркибий ўзгаришлар таъсир кўрсатади. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг тажрибаси

саноатни ривожлантириш таркибий ўзгаришларнинг уч босқичи орқали рўй беришидан далолат беради:

1. *Меҳнат сарфи юқори бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш.* Ушбу жараён, бир тарафдан, иш хақи даражаси паст бўлишини назарда тутаяди, бу ўз навбатида оилаларнинг даромадига ва инсон тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Иккинчи томондан, иш жойлари сонининг кўпайтирилиши иш билан бандликни рағбатлантиради. Бу аҳоли сони барқарор юқори даражада кўпайиб борадиган ҳамда фан ва технология етарли даражада ривожланмаган кўпгина ривожланаётган мамлакатлар учун хосдир. Айни пайтда кўп меҳнат сарфи талаб қиладиган тармоқларнинг устуворлиги инсон тараққиёти даражасини мутаносиб тақсимлаш муаммосини ҳал этишга ёрдам беради.

2. *Капитал сизими юқори бўлган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш* иш хақи ва даромад даражаси юқорироқ бўлишини таъминлайди, бу эса инсон тараққиёти имкониятларини кенгайтиради. Айни пайтда бундай ривожланишда ушбу ишлаб чиқаришлардаги капиталнинг улуши иш кучи салмоғидан юқори бўлади. Бу эса иш билан бандликка салбий таъсир кўрсатади.

3. *Фан сизими юқори бўлган ишлаб чиқариш* юқори капитал сизими хусусиятига эгадир. Юқори меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик инсон тараққиёти салоҳиятини сезиларли даражада оширишни таъминлайди.

Ўзбекистонда маъмурий-буйруқбозлик тузумидан бозор иқтисодиётига ўтишда Президент И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган, "Ўзбек модели" номини олган ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур моделнинг принциплари қуйидагилардан иборатдир:

- *иқтисодиётни мафқурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш;*

- *давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши;*

- *қонун устуворлигини таъминлаш;*

- *кучли ижтимоий сиёсат юритиш;*

- *ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш.*


Мамлакатда бу илмий асосланган, пухта ишлаб чиқилган ва собитқадамлик билан изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ишлаб чиқариш оммавий равишда пасайиб кетиши, ички

ва ташқи давлат қарзи ҳаддан ташқари ортиши, аҳолининг турмуш даражаси кескин камайишига йўл қўйилмади.

1997-2003 йилларда мамлакат иқтисодиёти йилига 3,8 % – 5,2% ўсиш даражасида ривожланиб борди. 2004 йилдан бошлаб қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши натижасида Ўзбекистонда йилига 7,0 % – 9,0% даражасида барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиши суръатлари 2008 йилда 9,0%, 2009 йилда - 8,1%, 2010 йилда эса 8,5%, 2011 йилда 8,3 % ни ташкил этди.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда қўлга киритилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг баҳолаш миссияси баёнотида жумладан, бундай дейилади: “Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 % ни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир”.

2011 йилда 2000 йилга нисбатан миллий ялпи ички маҳсулот ҳажми икки маротаба (харид қобилияти паритети бўйича ушбу даврда ЯИМ нинг ўсиши 2,6 ортди), аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 маротаба кўпайди. 2000-2011-йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.



2.1-расм. Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсишининг динамикаси (% ҳисобида)¹

Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳити жиддий равишда яхшиланганлиги, иқтисодий ўсиш юқори суръатлари барқарор хусусиятга эга эканлигини инвестициявий фаоллик кўрсаткичлари яққол исботлаб турибди. Хусусан, 1990 - 2000 йилларда ўзлаштирилган капитал қўйилмаларнинг ҳажми 3,8 баробарга ортди, 2010 йилда эса мамлакат иқтисодиётида ўзлаштирилган капитал қўйилмаларнинг ҳажми 9,7 млрд АҚШ долларига тенг бўлди. Бу кўрсаткич 1990 йилга нисбатан 11,6 ортди.

Мамлакатда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10,8 млрд. АҚШ долларидан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 % га етди.

2011 йилнинг ўзида иқтисодиётнинг реал секторига 2,9 млрд. АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 % тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш қулай инвестиция муҳитига боғлиқдир. Инвестиция муҳити қулай бўлишини қўйидаги асосий омиллар белгилайди:

- хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича давлат сиёсати ҳамда бу масалада мавжуд имтиёзлар;
- ресурс-хомашёлар (асосий турдаги табиий ресурслар билан таъминланганлик даражаси);
- ишлаб чиқариш (мамлакатдаги хўжалик фаолияти натижаларининг жамланмаси);
- истеъмол (аҳолининг жамланма харид қобилияти);
- инфратузилма (мамлакатнинг жўғрофий жойлашиши, инфратузилмаларнинг ривожланганлиги даражаси); - малакали иш кучи мавжудлиги ҳамда ўртача иш ҳақи даражаси;
- иқтисодий конъюнктура;
- ички бозорнинг ривожланганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари;
- кредит тизими, солиққа тортиш даражаси;
- интеллектуал салоҳият (аҳолининг таълим даражаси);
- институционал (фан-техника ютуқлари жорий этилишининг даражаси).

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика хизматаси маълумотлари // <http://www.stat.uz>

Чет эл инвестициялари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турли шакл ва усулларда амалга оширилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси юридик ва (ёки) жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банклар, сугурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг низом жамғармалари ва бошқа мулкида ҳиссадорлик асосида иштирок этиш;

- тўлалиги чет эл сармоядорларига тегишли бўладиган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, банклар, сугурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш;

- Ўзбекистон Республикаси резидентларининг мулки, акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари, шу жумладан, қарз мажбуриятларини сотиб олиш;

- интеллектуал мулк ҳуқуқига, шу жумладан, муаллифлик ҳуқуқига, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, sanoat намуналари, фирма номлари ва ноу-хауга, шунингдек, ишонч (гудвилл)га инвестиция киритиш;

- концессияларни, шу жумладан, табиат ресурсларини разведка қилиш, ишлаб чиқиш, казиб олиш ёхуд фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш;

- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари мулкига эгалик қилиш, турар-жой биноларини улар жойлашган ер участкалари билан, шунингдек, ердан (шу жумладан, ижара асосида) ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш.

Ўзбекистон Республикасида инвестициялар киритиш шакллари бўйича бирон-бир чеклашлар мавжуд эмас. Чет эл сармоядорлари мамлакат ҳудудида амалдаги қонунчиликка мувофиқ равишда ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналарни ташкил эта оладилар.

Бугунги кунда чет эл сармоядорларига инвестиция киритишнинг қуйидаги шакллари таклиф этилади:

- қўшма корхона ташкил этиш;

- 100 % чет эл капиталига эга корхоналар ташкил этиш;

- хусусийлаштирилаётган корхоналар акциялари бир қисми ёки тўла пакетини сотиб олиш.

Қуйидаги шартларга жавоб берадиган янги ташкил этилаётган корхоналар чет эл инвестициялари киритилган корхоналар деб эътироф этилади:

- корхона низом фонди камида 150,0 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдор;

- корхона таъсисчиларидан бири чет эл юридик шахси бўлган корхона;

- чет эл инвестицияларнинг улуши корхона низом фондининг камида 30,0 % ни ташкил этадиган корхона.

Бундан ташқари, агар чет эл инвестициялари киритилган корхона ўз даромадларининг 60,0 % дан кўпроғини ишлаб чиқарган маҳсулотини сотиш ёки кўрсатган хизматидан олса, бу корхоналар чет эл инвестициялари киритилган ишлаб чиқариш корхоналари деб ҳисобланади. Бундай корхоналарга қўшимча солиқ, бож имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар ҳамда рағбатлантириш омиллари берилади.

Мамлакатдаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари тушунчаси қуйидагиларни мужассамлаштирган:

- хорижий сармоядорлар томонидан моддий ва номоддий неъматларни ҳамда уларга ҳуқуқни, шу жумладан, интеллектуал мулкка ҳуқуқни киритиш;

- чет эл сармоядорлари томонидан ҳар қандай чет эл инвестицияларидан олинган даромадни тадбиркорлик объектлари ва фаолиятнинг бошқа турларига киритиш.

Шу билан бир қаторда жами инвестицияларнинг 73,0 % дан ортиғи мамлакатнинг ички манбалари ҳисобидан – корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга жами инвестицияларнинг 73,5 % дан ортиғи йўналтирилмоқда. Замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга инвестицияларнинг 45,3 % сарф қилинмоқда.

Иқтисодий ўсиш кўп жихатдан иқтисодиётга солиқ юқини камайтиришга қаратилган изчил сиёсат самарасидир. Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган, биринчи навбатда, солиқ юқини камайтиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. 2011 йилда солиқ юқи, 1991 йил

билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 2 мартаба камайиб, 41,2 % дан 22,0 % гача тушди.



2.2-расм. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялар миқдори (млн.АҚШ доллари ҳисобида)

2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 7,0 % дан 6,0 % га камайтирилиши хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятининг кенгайишига хизмат қилди. Бунинг натижасида бўшаб қолган қарийб 80,3 млрд. сўм маблағни биринчи навбатда ишлаб чиқаришни технологик янгилаш ва замонавий техникани жорий этишга йўналтириш имкони пайдо бўлди. 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6,0 % дан 5,0 % га туширилиши режалаштирилган.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дасталабки йиллардан бошлаб саноатни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишга киришилди. Иқтисодиёт тармоқларини индустриалаштириш, модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, саноатнинг янги тармоқлари – автомобиль, нефть, газ, кимё, темир йўл машинасозлиги ва бошқаларнинг яратилиши саноат маҳсулотлари

ишлаб чиқариш умумий ҳажми ҳамда саноатнинг ЯИМдаги улушини кўпайтиришни таъминлади (2.1 - жадвал).

2.1-жадвал
Ўзбекистон Республикасининг саноат тармоқларида 1990-2010 йилларда ўсиш суръатлари (1990 йил = 100,0 %)¹

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Саноат - жами	100,0	123,6	3 баробар
Ёнилги	100,0	127,3	2,2 баробар
Қора металлургия	100,0	58,8	1,5 баробар
Рангли металлургия	100,0	107,4	113,4 %
Кимё ва нефть-кимё	100,0	97,5	2,8 баробар
Машинасозлик ва металлга ишлов бериш	100,0	142,2	11,5 баробар
Ўрмон, ёғочга ишлов бериш ва целлюлоза-коғоз	100,0	2,5 баробар	13,5 баробар
Қурилиш материаллари	100,0	58,4	1,3 баробар
Ёнгил	100,0	159,2	3,8 баробар
Озиқ-овқат	100,0	150,0	5,7 баробар
Бошқа тармоқлар	100,0	162,6	5,4 баробар

Мамлакат иқтисодиётида юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини 2000 йилда саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ички маҳсулотни шакллантиришдаги улуши 14,2 % и ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 % га етганида яққол кўриш мумкин. Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70,0 % ни юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди.

Ўзбекистон учун янги ҳисобланган автомобилсозлик айниқса, юқори суръатларда ривожланмоқда. Фақат 2000-2010 йилларда мамлакатда ёнгил автомобиллар ишлаб чиқариш 7,1 мартабага, автобуслар – 2,6, юк автомобиллари – 10 мартабага ортди. Умуман олганда мустақиллик йилларида республикада машинасозлик ва


¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // <http://www.stat.uz>.

металлга ишлов бериш махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,5 маротабага кўпайди.

Давлат макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадларида иқтисодиётнинг базовий тармоқлари: нефть, газ, олтин казиб олиш, рангли металлургия, кимё ва нефть–кимё саноатини жадал ривожлантириш чораларини кўрди. Натижада Ўзбекистон саноатининг тармоқ таркибида чуқур ўзгаришлар рўй берди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида ҳам Ўзбекистонда экспорт ҳажми ортиб бормоқда. 2011 йилда экспорт махсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 % га кўпайди ва 15,0 млрд. АҚШ доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси 4,5 млрд. АҚШ долларидан ошди. Экспорт таркибида тайёр махсулотлар улуши 60,0 % ни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 46,0 % эди. Мамлакат ташқи савдосининг ижобий сальдоси эса 1,8 маротабага ортиб 4,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этди (2.3-расм). Тегишли равишда мамлакатнинг олтин – валюта захиралари кўпайди.

2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатнинг умумий ташқи қарзи ялпи ички махсулотнинг 17,5 % дан, экспорт ҳажмига нисбатан эса 53,7 % дан ошмайди. Бу халқаро мезонлар бўйича “Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат” деб ҳисобланади.



2.3-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг ижобий сальдоси (экспорт ҳажмининг импорт ҳажмига нисбатан ортиқлиги, млн.АҚШ доллари ҳисобида)¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // <http://www.stat.uz>.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.


2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган катламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Иқтисодиётнинг барқарор юқори суръатларда ўсиши, иш хақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорининг мунтазам равишда қайта кўриб чиқилиши аҳоли даромадлари кўпайиши, турмуш сифати яхшиланишини таъминламоқда. Бу аҳоли турмуш даражасининг жон бошига кўрсаткичлари жиддий равишда ортанлигида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсатни изчил амалга ошириш 1990 йилдагига нисбатан энг кам иш хақи миқдорини 2,6 мартага, энг кам пенсия миқдорини эса 5,9 мартага кўпайтирилишини таъминлади.

Аҳоли фаровонлигининг энг муҳим умумлашма кўрсаткичи онла истеъмол бюджетининг ҳажми ва таркиби ҳисобланади. У оилалар жамланма даромадларининг ҳажми ва таркибига боглиқдир.

Ўзбекистон аҳолисининг жамланма даромадлари кейинги 20 йил ичида 8,6 мартага кўпайди (2.4-расм).




2.4-расм. Ўзбекистон аҳолиси жамланма даромадларининг ортиши динамикаси (1990 йил = 1)

Жамланма даромадаларининг таркибида ушбу даврда мулкдан, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан иборат даромадларнинг янги моддалари пайдо бўлди. Масалан, 1990 йилда

мулкдан, тадбиркорлик фаолиятдан, маҳсулот сотиш ва хизматлар кўрсатишдан олинган даромадларнинг салмоғи умумий даромадларнинг 10,6 % ни ташкил этган бўлса 2010 йилда мазкур кўрсаткич 47,0 % га етди.

Даромадларнинг бу янги турлари катта ижобий аҳамиятга эгадир. Чунки аҳоли тадбиркорлик фаоллигининг ортиши оилалар жамланма даромадлари жадал ва барқарор ўсиши учун бозор рағбатларини яратади, шунингдек, боқимандаликни, даромадлардаги текислик даражасини камайтиради.

Аҳоли даромадларининг ортиши ўрта синфнинг шаклланиши ва унинг аҳоли умумий сонига салмоғи кўпайишига хизмат қилади. Агар 1990 йилда Ўзбекистонда ўртача даромадга эга аҳолининг улуши, эксперт баҳоланишга кўра, жами аҳолининг тахминан 18,0 % ни ташкил этган бўлса, 2000 йилда уй хўжаликларини текшириш натижалари бўйича бу 24,0 % га етганлиги аниқланди. 2011 йилда эса барча уй хўжаликларининг 60 % мамлакат бўйича ўрта даражадан паст бўлмаган барқарор пул даромадларга эга бўлган.



2.5-расм. Мамлакат бўйича ўрта даражадан паст бўлмаган барқарор пул даромадларга эга бўлган уй хўжаликлари салмоғининг ортиши (жами уй хўжаликларига нисбатан % ҳисобида)

Аҳоли жамланма даромадларининг ортиши фуқаролар жамғармалари ҳажми доимий равишда кўпайиб бораётганлигида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Айниқса, 2000-2010 йилларда аҳоли жамғармалари ҳажми юкори суръатларда ўсиб, бу даврда мазкур кўрсаткич 28,6 мартага кўпайди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши жараёнида аҳолининг жамланма харажатлари таркибида янги модда – тадбиркорлик фаолиятига сарфлар пайдо бўлди. Уларнинг салмоғи ҳозирги вақтда жами харажатларнинг 8,5 % ни ташкил этади. Моҳият жиҳатидан бу уй хўжаликларининг хусусий мулк асосида ўз даромадларини шакллантириш ва кўпайтириб бориш имкониятини берадиган асосий капиталнинг энг самарали шаклидир.

2.2. Инсон капитали назариясининг шаклланиши ва ривожланиши

Жаҳон иқтисодиёти фанининг тарихи XX аср бошига қадар ишлаб чиқариш жараёнида жисмоний капитал – ишлаб чиқариш воситалари, моддий ресурслар ва хоказолар асосий роль ўйнаганлигидан далолат беради. Чунки бу даврда технологияга кўшимча ресурслардан бири сифатида фойдаланиладиган табиий кучга эга иш кучининг бўлиши кифоя қиларди. Ходимларни ўқитиш ва уларни бир-бири билан алмаштириш осон эди.

Бирок XX асрнинг ўрталарида рўй берган объектив жараёнлар вазиятни тубдан ўзгартирди. Фан-техниканинг жадал ривожланиши билимлар, кўникмалар, маҳорат, инсон қобилиятини биринчи ўринга кўтарди. Бевосита инсон иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди.

Бу ижтимоий муносабатлар тубдан ўзгараётганидан далолат берарди. Инсон омилининг кучайишига жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар ҳам таъсир кўрсатарди. Ходимлар ўз меҳнатлари натижаларини тақсимлашда, мулкда, фойдала иштирок этиш тизими орқали корхоналарни бошқаришда иштирок эта бошлади, кооператив корхоналарнинг сони ва уларнинг самарадорлиги ҳам ортди.

Натижада иқтисодиёт фанида “инсон капитали” категорияси шакллана бошлади. Унинг пайдо бўлиши иқтисодиёт ва у билан турдош фанларнинг иқтисодиёт ва ҳаёт талабларига жавоблари бўлди. Жамият ва иқтисодиёт ривожланишининг суръатлари ва сифатида инсон ва у томонидан тўпланган интеллектуал салоҳиятни чуқур тадқиқ этиш ҳаётий заруратга айланди.

Инсон капитали концепцияси XVII асрда пайдо бўлган деб ҳисобланади. Уни биринчилардан бўлиб 1676 йилда Вильям Петти¹ урушда қуроолларни йўқотишни инсон ҳаётини йўқотиш билан таққослаш асосида қўллади.

В. Петти бойлик ва унинг манбалари таркибига ер ва у келтирадиган рента, капитал ва ундан олинadиган фойда (фоиз) билан бир қаторда одамларнинг меҳнати, малакаси ва соғлигига боғлиқ равишда, у ёки бу турдаги даромад келтиришини кўрсатган. Олимнинг фикрига кўра, инсон капиталининг миқдори ходимнинг бутун умри давомидаги иш ҳақи капиталлашиши билан баҳоланади².

Яна бир аср ўтгандан сўнг Адам Смит ва классик иқтисодий назариянинг бошқа вакиллари ҳам инсон капитали концепциясини эътироф этди. Адам Смит 1776 йилда ўзининг “Халқлар бойлигининг моҳияти ва сабаблари хусусидаги тадқиқотлар” асарида халқларнинг бойлиги асосан ишчилар сони ва улар кўникмасининг сифати билан белгиланишини кўрсатган.

Бундан яна юз йил ўтгандан сўнг Альфред Маршалл ҳам инсон капиталига узоқ муддатли инвестициялар самараси ва бу жараёнда инсоннинг ролини таҳлил этди.

Ҳақиқатан ҳам жаҳоннинг тараққий этган давлатлари иқтисодиёти ўсиши тўғрисидаги статистика маълумотлари ўсишнинг классик омилларига асосланган ҳисоб-китоблардаги кўрсаткичлардан анча юқори эканлигини кўрсатди. Иқтисодиёт ривожланиши ва ўсиши жараёнларини таҳлил этиш инсон капиталини замонавий иқтисодиёт ва жамиятни ривожлантирадиган асосий ишлаб чиқариш ва ижтимоий омилга айланганидан далолат беради.

Маълумки, капиталнинг қомусий талқини – *капитал* (французча, инглизча «*capital*») ва латинча «*capitalis*» сўзларидан — «бош, асосий») “даромад келтиришга қодир бўлган ёки одамлар томонидан товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун яратилган ресурслар”³ дир.

¹ Вильям Петти (William Petty, 1623—1687) — инглиз иқтисодчиси. Англида классик саноий иқтисод асосчиларидан бири. Асосий асари: “Солиқлар ва йиллар тўғрисида трактат” (“Treatise of taxes and contributions”, 1662).

² Петти В. Экономические и статистические работы / Петти В. Том I. — М.: «Сологиз», 1940. — С. 156.

³ Экономическая энциклопедия / Гл. ред. Абалкин Л.И. — М.: 1999. — С. 271.

“Капитал” атамаси одатда келгусида ишлаб чиқаришда фойдаланилиши мўлжалланаётган меҳнат маҳсулотларига нисбатан ишлатилади. Капитални яратиш жараёни инвестиция киритиш деб аталади. Инвестиция киритиш дастлаб харажатлар қилиш, кейинчалик бу харажатларнинг қопланишини назарда тутди.

Дастлабки пайтда инсон капитали деганда одамларнинг меҳнатга бўлган қобилияти — таълим ва касб кўникмаларига инвестициялар жамланмаси тушунилган. Кейинчалик инсон капитали тушунчаси жиддий равишда кенгайди. Жаҳон банки экспертлари томонидан амалга оширилган энг сўнгги ҳисоб-китобларда инсон капиталига истеъмол харажатлари — оиланинг овқатланиши, кийим-кечаги, турар жойи, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, маданиятга ва ҳоказоларга сарфлар, шунингдек, давлатнинг бу мақсадлар учун харажатлари киритилган.

Юқорида қайд этилганларни умумлаштирадиган бўлсак, инсон капитали *тор маънода* — бу инсоннинг интеллекти, соғлиғи, билими, сифатли ва унумли меҳнати ҳамда унинг турмуш сифатидир.

Кенг маънода инсон капитали — бу иқтисодий ривожланишнинг интенсив ишлаб чиқариш омили, жамият ва оилани ривожлантириш, меҳнат ресурсларининг билимли қисми, интеллектуал ва бошқарув меҳнати, яшаш ва иш жойи муҳитидир. Улар инсон капиталини ривожлантиришнинг ишлаб чиқариш омили сифатида самарали ва оқилона амал қилишини таъминлаши керак.

Инсон капитали назариясига мувофиқ одамлар ўзларига инвестиция киритиб, имкониятларини кенгайтиришлари, давлат эса инсон капиталини бойитиш учун маблағ сарфлаб, миллий даромадни кўпайтириши мумкин. Бундай инвестицияларнинг самарадорлиги сарф қилинган маблағларнинг меҳнат унумдорлиги ортиши ва иш ҳақи кўпайиши орқали қопланишида ўз ифодасини топади.

Умуман, кенг маънода капитал дейилганда тўпланadиган, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ва даромад келтирадиган ижтимоий бойликнинг барча унсурлари назарда тutilади. Бу Т.Шульц¹ фикрига кўра, капитални: инсон капитали ва ашёвий капиталга изчил тақсимлаш имконини беради¹.

¹ Теодор Уильям Шульц (Theodore William Schultz, 1902 йил 30 апрель, Арлингтон — 1998 йил 26 февраль, Ивастон, АҚШ) — америкалик иқтисодчи, “ривожланаётган мамлакатлардаги иқтисодий ривожланиш

Инсон капитали концепциясига тўлиқроқ аниқлик киритиш учун жисмоний ва инсон капитали ўртасидаги фарқни ажратиш талаб этилади. Капиталнинг бу икки тури муайян даражада, айниқса, келажакда фойда олиш учун бутун маблағ сарфлаш масаласида ўзаро ўхшашдир. Шу билан бирга инсон капитали ўзига хос ноёб белгиларга эгадир. Жисмоний капиталдан фарқли равишда инсон капитали бевосита одамнинг ўзи билан боғлиқдир. Эркин жамиятда инсон капиталининг эгаси фақат шу инсоннинг ўзи бўлиши мумкин.

Капиталнинг бу шакли ҳам, масалан, унинг эгаси бетоб бўлса кадрсизланиши, вафот этса бутунлай йўқотилиши мумкин. Мазкур ҳолат инсон капиталига инвестиция киритиш жисмоний капиталга инвестиция киритишга қараганда кўпроқ таваккалчиликни талаб этишидан далолат беради.

Инсон капиталини бошқаларга бера олмаслик ҳам унинг эгасига боғлиқлигини кўрсатади. Инсон ўз эътиқоди, мойиллиги, ҳаётий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда ўз капиталдан турли самарадорлик билан фойдаланиши мумкин. Амалиётда аҳолида мавжуд бўлган инсон капитали заҳираси билан унинг меҳнат бозорда фойдаланилаётгани ўртасида катта тафовут бўлиши мумкин.

Ашёвий капитал бойликнинг бевосита моддий шаклига – бинолар ва иншоотлар, ер ва бошқа табиий ресурслар, дастгоҳлар, моддий–товар бойликлари заҳираларига эгадир. Ашёвий бўлмаган капитал ўз моддий шаклига эга бўлмасдан, жисмоний капиталда мужассамлашади ва ушбу капитал сифати ёки самарадорлигини ошириши мумкин. Капитал жамланмасининг бу икки қисми ўз навбатида инсонларда мужассамлашмаган капитал ва инсон капиталига бўлинади.

Одамларда мужассамлашган ашёвий капитал инсонни шакллантириш учун зарур бўлган, яъни болаларни тарбиялашга чиқимлардир. Иқтисодчи Ж. Кендрик ноашёвий инсон капитали қаторига умумий таълим ва махсус тайёргарлик учун, соғлиқни сақлаш ва иш кучи ҳаракатланишига харажатларни киритади.

муаммолари тадқиқотлари учун” 1979 йилги Нобель мукофоти лауреати. Асосий асарлари: “Жаҳон учун озиқ-овқат” (“Food for the World”, 1945); “Аънавий аграр соҳасининг трансформацияси” (“Transforming Traditional Agriculture”, 1964).

¹ Shultz T. Human Capital, family planning and their effects on population growth // American Economic Review. - 1994. - May. P.45.

Инсонда мужассамлашмаган ноашёвий капиталга илмий тадқиқотлар ва ишланмалар киради¹.

Инсон капитали назариясини шакллантириш, уни ривожлантириш, илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилишига Т.Шульц улкан ҳисса қўшган. У биринчилардан бўлиб инсон капитали тушунчасига ишлаб чиқарувчи омил сифатида қараган. Олим саноат ривожланиши ва саноат ривожланишидан кейинги иқтисодиётда инсон капиталининг асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатидаги ролини англаб етиш учун кўп иш қилди.

Т. Шульц ўзининг “Аънавий аграр соҳасининг трансформацияси” асарида қишлоқ хўжалигидаги технологияларнинг ролига алоҳида эътибор қаратган. Унинг фикрига кўра, бу технологияларнинг даражаси, энг аввало, фермерлар эгаллаган билимларга боғлиқдир. Фермерлар билими даражасининг пастлиги ҳосилдорлик ўсиши ва қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ортиши йўлидаги асосий тўсиқлардан биридир.

Т.Шульцнинг ҳисоблашича, инсонга инвестиция киритишнинг асосий натижалари одамларда меҳнат қобилиятининг ортиши, уларнинг жамиятда самарали бунёдкорлик фаолиятини амалга ошириши, саломат бўлиши ва ҳоказоларда ўз ифодасини топади. У инсон капитали жамланиш ва такрор ҳосил қилинишга қодир деб ҳисоблаган. Олимнинг баҳолашича, жамиятда ишлаб чиқарилаётган жамланма маҳсулот умумий ҳажмининг тўртдан уч қисми инсон капиталини тўплашга сарфланмоқда. Ҳолбуки, XX асрдаги такрор ҳосил қилишга доир кўпчилик назарияларда бу кўрсаткич тўртдан бир қисми ташкил этади, деб кўрсатилар эди.

Инсон капитали назариячиларидан Г. Беккер² инсон капитали тушунчасини биринчи бўлиб микродаражада қўллаш бошлади. У корхонадаги инсон капиталини инсон кўникмалари, билим ва маҳоратининг жамланмаси деб белгилаган. Бунда у ходимларни махсус ўқитиш, уларда махсус билим ва кўникмалар ҳосил қилишга алоҳида аҳамият берган.

¹ Кендрик Дж. Совоқушмий капитал США и его функционирование. – М.: «Прогресс», 1976. - С.113.

² Гэри Стэнли Беккер (Gary Stanley Becker, 1930 йил 2 декабрда туғилган) — америкалик иқтисодчи, “микроиқтисодий таҳлил соҳасини инсоннинг қатор хусусиятларига қўллаш учун” 1992 йилги Нобель мукофоти лауреати. Асосий асарлари: “Камситишнинг иқтисодий назарияси” (“The Economics of Discrimination”, 1957), “Инсон капитали” (“Human Capital”, 1964), “Иқтисодий назария” (“Economic Theory, 1971”).

Г.Беккернинг ҳисоблашича, ходимларнинг махсус тайёргарлиги фирманинг рақобат устуворлигини шакллантиради. Бу бозорларда маҳсулотларнинг маълум ва машҳур бўлиши, пировард натижада фирманинг нуфузи, ноу-хауси ва савдо белгисида ўз ифодасини топади. Ходимларни махсус тайёрлашдан, энг аввало, фирма ва компанияларнинг ўзлари манфаатдор, шунинг учун улар буни ўзлари молиялаштирадilar.

Америкалик иқтисодчи олий таълимдан олинadиган қўшимча даромадни қуйидаги тарзда белгилagan: коллежни тугаллаганлар ишлаб топган даромаддан ўрта маълумотга эга ходимларники айрилади. Таълимга чиқимлар ҳам таълим олиш учун бевосита харажатлар, ҳам муқобил чиқимлар – ўқиш даврида бой берилган даромадлардир. Унинг ҳисоблаб чиқишича, таълимга инвестициялар йилига тахминан 12,0 – 14,0 % миқдорида фойда келтиради.


Мазкур тадқиқотларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, Г.Беккер инсон капиталига инвестициялар рентабеллигининг миқдорини аниқлади ва уни АҚШ даги кўпгина фирмаларнинг рентабеллиги билан таққослади. Хусусий таълим муассасалари сонининг кўпайиши, қисқа муддатли семинарлар ва махсус курслар ташкил этадиган консалтинг фирмалари фаолиятининг кенгайиши натижасида таълим фаолиятининг хусусий сектордаги рентабеллик даражаси тижорат фаолиятининг бошқа турлари рентабеллиги даражасидан 10,0 – 15,0 % ортиқ эканлигини кўрсатди¹.

Жамланма ишлаб чиқариш таркибида алоҳида инсон капитали категориясини ажратиб кўрсатиш уни аниқроқ таркибий таҳлил қилиш имконини беради (2.8-расм).

Америкалик иқтисодчи И. Бен-Поратнинг таснифлашига кўра, инсон капитали қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

1) инсон капиталини яратишда иштирок этаётган одамларнинг сифат хусусиятлари ва қобилияти;

2) бозорда таклиф этилаётган ҳамда бошқа ашёлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга киритилган капитал қисми².



2.6-расм. Инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш

Г. Беккер томонидан, “махсус инсон капитали” тушунчаси ҳам муомалага киритилган. Бу категория “умумий инсон капиталидан” фарқи равишда махсус тайёрғалик натижасида эгалланган ҳамда фақат ўзининг корхонаси учун ишлаб чиқаришда манфаат келтирадиган билимлар ва кўникмалар жамланмасидир.

С. Фишер: “Инсон капитали инсонда мужассамлашган даромад келтириш қобилияти мезонидир. Инсон капитали туғма қобилият

¹ Беккер Г. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории / Пер. с англ., сост., науч. ред., послес. Капелюшников Р.И. – М.: ГУ ВШЭ, 2003. – С.121.

² Ben-Porath. The Production of Human Capital and the Life Cycle of Earnings. – N.Y.: -L, 1970. – P.49.

ва истеъдод, шунингдек, олинган таълим ва малакадан иборат”¹ деб кўрсатган.

Айрим олимлар инсон капитали таркибига унинг эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш имкони нуқтаи назаридан ёндошадилар. Жумладан О.Нордхог қуйидигиларни таъкидлайди: “Таҳлил этиш нуқтаи назаридан, бир тарафдан, ходимларнинг соғлиги ва малакасини, иккинчи томондан, уларнинг мотивацияси ва фирмага содиқлигини фарқлаш фойдалидир. Дастлабки икки унсур алоҳида бир ходимнинг топшириқни бажариш, яъни меҳнат қилиш бўйича асосий қобилиятини ташкил этади. Инсон капиталининг кейинги икки унсури эса мазкур ходим ўз малакасига кўра, ишда қандай фаолият олиб боришини ақс эттиради. Қобилият ва хоҳиш биргалликда мазкур ходимнинг меҳнатга қобилиятини шакллантиради”².

И.В. Ильинский инсон капитали таълим капитали, соғлиқ капитали ва маданият капиталидан иборат деб ҳисоблайди³.

Инсон капитали таркибини кенгроқ таҳлил этиш учун функциявий ёндошув принципини ҳисобга олиш лозим. Функциявий ёндошувнинг методологик принципи ходисани фақат унинг ички таркиби бўйича эмас, балки унинг функциявий мақсади, пировард фойдаланиш мақсади нуқтаи назаридан кўриб чиқишни талаб этади.

Россиялик иқтисодчи С.А. Дятлов ушбу принцип бўйича инсон капитали инвестициялар натижасида шакллантирилган ва инсон томонидан жамланган соғлиқ, билимлар, кўникмалар, қобилият, мотивациянинг муайян захирасидир деган фикрни билдиради. Бу заҳира ижтимоий ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида мақсадга мувофиқ фойдаланар экан, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради, бу билан мазкур инсоннинг иш ҳақи (даромади) кўпайишига таъсир кўрсатади⁴.

¹ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономическая теория. — М.: «Юнити», 2002. - С. 21.

² Nordhaug O. Human Capital in Organizations: Competence, Training and Learning. – Oslo: Scandinavian University Press, 1993. - P.52.

³ Ильинский И.В. Инвестиции в будущее: образование в инвестиционном воспроизводстве. —СПб.: СПбУЭФ, 1996. - С. 127.

⁴ Дятлов С.А. Теория человеческого капитала: Учебное пособие. — СПб.: СПбУЭФ, 1996. - С.72.

В.Т.Смирнов ва И.В.Скоблякова эса инсон капиталини алоҳида инсон, алоҳида корхона ёки корхоналар гуруҳи даражасида баҳолаш лозимлигини кўрсатади¹.

Инсон капиталини таҳлил этиш ва улар турларига ёндошувларни умумлаштириш бу иқтисодий категорияни 2.7-расмда ақс эттирилганидек тасаввур этиш имконини беради:

1. *Маданий-ахлоқий капитал*. Ходимнинг обрўси, фирманинг нуфузи ишлаб чиқариш кўрсаткичлари каби жуда муҳимдир. Масъулият, ҳалоллик, ваъданинг устидан чиқиш амалий муносабатларда ниҳоятда кадрланади. Социология фани доирасида маданий-ахлоқий капитал интеллектуал қобилият, билим, маҳорат, кўникмалар, ахлоқий сифатлар, малака жамланмасини ифода этади.

2. *Саломатлик (биофизик) капитали*. Жисмоний куч, чидамлик, ишчанлик, меҳнат фаолиятининг давомийлиги ҳар бир инсон учун ҳар қандай ишлаб чиқариш фаолиятида жуда муҳимдир. Саломатлик капитали инсон капиталининг ажралмас қисми бўлиб, унга инвестициялар киритиш ходимлар касалланишининг камайиши ҳисобига меҳнат қобилиятини сақлаб қолишда ўз ифодасини топади.


3. *Меҳнат капитали*. Меҳнат қанчалик мураккаб бўлса, ходимнинг малакаси, билими, тажрибаси ва масъулиятига талаб ҳам шу қадар юқори бўлади. Малакали меҳнат оддий меҳнатга қараганда самаралироқдир, шунинг учун унга юқорироқ ҳақ тўланиши керак. Корхоналарда меҳнат капитали малакали ходимларнинг меҳнатида мужассам бўлиб, уларнинг салмоғи қўлланиётган технологияга боғлиқдир.

4. *Таълим капитали*. У тажриба, меҳнат кўникмалари ва энг муҳими билим тўпланиши натижасида бутун ҳаёт давомида шаклланиб боради. Таълим малакали ходимларни такрор ҳосил қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

5. *Интеллектуал капитал*. Интеллектуал фаолиятнинг маҳсулоти муаллифнинг мутлақ мулки сифатида муаллифлик ҳуқуқи билан патентланади ва мустаҳкамланади. Бу капиталдан иқтисодиётда қандай фойдаланиш йўналишларини ва шаклларини белгилаш ҳуқуқи муаллифга тегишлидир. Интеллектуал мулк объектлари хўжалик айланмасига корхоналарнинг моддий активлари сифатида

¹ Смирнов В.Т., Скоблякова И.В. Классификация и виды человеческого капитала в инновационной экономике. —СПб.: «Проспект», 2001. - С.2003.

жалб этилади ҳамда уларнинг, шунингдек, ушбу актив эгаларининг даромадларини кўпайтиради.



2.7-расм. Инсон капиталининг таснифи

6. *Ташкилий-тадбиркорлик капитали.* Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ёки корхона персоналани бошқариш учун ташкилотчилик қобилияти, юксак масъулият, ишбиларморлик, янгиликка интилиш, тежамкорлик, ирода, оқилона таваккалчилик қилиш талаб қилинади. Ана шу капитал – ноу-хау, тижорат сирларига эга бўлиш уларни ташкилий-тадбиркорлик капиталига айлантириш имконини беради. Ишбилармонлик даражаси хусусий ва назорат қилинадиган капитал миқдоридан ўз ифодасини топади. Бу эса кичик, ўрта ва йирик бизнесни ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Юқорида қайд қилинган инсон капиталининг турлари мазкур иқтисодий категориянинг *ажратиб берилмайдиган* турларига тааллуқлидир.

Ажратиб берилмайдиган инсон капитали турларига эса қуйидагилар киради:

- *ижтимоий-маданий инсон капитали.* Бу капитал ходимлар маданий сифатлари ва қобилиятларининг интеграциялашиши ва кооперациялашишини, ижтимоий тақрор ҳосил қилиш таркибидан доимий ахборот, илмий, таълим, технологик оқимлар мавжуд бўлишини акс эттиради;

- *социал капитал.* Социал нормалар, ишонч ва ҳоказолар унинг унсурлари ҳисобланади. Социал капитал ҳар бир иқтисодий субъект у ёки бу тарзда ижтимоий муносабатлар тизимига интеграция қилинганлигини билан боғлиқдир. Инсон капиталининг ушбу тури қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир:

биринчидан, бу ҳаммаша ташкиллаштирилган ўзаро муносабатлар маҳсулидир, шунинг учун шахсий эмас, балки ижтимоий шаклга эгадир;

иккинчидан, социал капитал ташкилий-ижтимоий тизим амал қилишининг унсури сифатида хусусий мулк бўлиши мумкин эмас, яъни ижтимоий неъмат ҳисобланади.

А.И.Мерко социал капитал ахборот, ғоялар, ишонч, кооперация, хиссий қўллаб-қувватлаш ва ташкилий даражанинг бошқа унсурларини қамраб олган деб ҳисоблайди. Бундан келиб чиққан ҳолда у ижтимоий капиталнинг икки даражасини ажратиб кўрсатади¹.

1. Таркибий капитал – бу хўжалик юритувчи субъектнинг бозори ўзгариб борадиган конъюнктурасига мослашган ҳамда буни корхона учун манфаатли йўналишга қаратган ҳолда ўз ташкилий тузилмасини бошқариш қобилиятидир².

Ҳозирги давр иқтисодиётида фирмалар иш кўрадиган рақобат муҳити инновациялар таъсири остида мутассил ўзгариб туради. Бундай ўзгаришларнинг юқори суръати корхона муваффақиятга эришиши мумкин бўлган шароитларни мураккаблаштиради. Ана шундай шароитлардан бири - корхонада салмоқли даражада таркибий капитал мавжуд бўлишидир.

2. Ташкилий капитал. Моҳият жиҳатидан бу хўжалик юритишнинг тизимга солиш малакаси ҳамда ташкилий имкониятлардир. Ташкилий капитал қуйидагиларни қамраб олади:

¹ Мерко А.И. Социально-ответственный бизнес-взаимосвязь государственной и корпоративной политики в глобализирующемся мире. Монография – М.: 2009. – С.180.

² Костюк В.Н. Теория эволюции и социальноэкономические процессы. – М.: УРСС, 2004. – С.126.

инновациялар капитали – уларга муҳофаза қилган тижорат ҳуқуқлари, интеллектуал мулк ҳамда бошқа номоддий активлар ва фирманинг янгиликларга қодирлигини таъминлайдиган кадрлар кирди;

жараёнлар капитали – уларга, масалан, ишлаб чиқариш, маҳсулотни сотиш, маҳсулот сотишдан сўнг сервис хизмати кўрсатиш тизимларини, яъни улар натижасида маҳсулот қийматини шакллантирадиган капитални киритиш мумкин.

Шу билан биргаликда *мижозлар капитали (бренд-капитал)* ҳам фарқланади. Мижозлар капиталига эга бўлган корхона фаолиятини маҳсулот ёки хизматдан фойдаланувчини “истеъмол қийматини биргаликда яратиш ва такомиллаштиришга жалб этиш” корхонаси деб аташ мумкин. Бунда харидор корхона томонидан яратилган барча маҳсулотлар ва хизматларнинг олий ҳаками вазифасини бажаради¹.

Инсон капиталининг юқорида қайд қилинган таркиби мазкур иқтисодий категория инсоннинг ўзи серқирра эканлиги билан изоҳланади. Ишлаб чиқариш капитали доирасидаги ашёвий ва инсон капитали яхлитлиги ва ажралмаслигига қарамасдан инсон капитали тобора мавқеи ортиб, етакчи роль ўйнамоқда. Бевосита инсон капитали истеъмол қилинаётган жисмоний капиталнинг товарлардаги қийматини сақлаб туради ҳамда иш кучи қийматини қоплайдиган ва капитал эгаларига фойда келтирадиган янги қиймат яратади.

Профессор Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича, “Инсон капиталининг аҳамияти табиий ресурслар, моддий бойлик ва воситаларга қараганда юқорирокдир”². Шунинг учун инсон капитали иқтисодий ўсиш ва самарадорликнинг асосий омилidir. Инсон капиталининг иқтисодий категорияси сифатидаги тушунчаси жаҳон ахборот ҳамжамияти ва “билимлар иқтисодиёти” ривожланиши билан биргаликда мунтазам равишда кенгайиб бормоқда. Ҳозирги даврда инсон капитали интеллектуал ва бошқарув меҳнатини, яшаш ва меҳнат фаолияти муҳитини қамраб оладиган иқтисодиётни, жамият ва онлани ривожлантиришнинг интенсив ишлаб чиқариш омилidir. Бу инсон капиталини

ривожлантиришнинг ишлаб чиқарувчи омили сифатида самарали ва оқилона амал қилишини таъминлайди¹.

Инсон капитали назариясига мувофиқ, инсон капиталининг тўпланиши турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Уларнинг энг асосийлари таълим олиш ҳамда касбий тайёргарлик давомида қобилиятларни ривожлантириш асосида капитални тўплашдир. Одатда бу катордан оиладаги тарбия ҳам ўрин олади.

Шу билан бирга капитални тўплашнинг бошқа шакллари ҳам мавжуддир. Ўз соғлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш (инвестиция киритиш), миграция, иқтисодиёт, меҳнат бозори амал қилиши тўғрисида ахборот олиш ҳамда инсоннинг интеллектуал ва жисмоний қобилиятларини ривожлантиришни, бу қобилиятлардан фойдаланиш меҳнат самарадорлигини ошириш имкониятини таъминлайдиган бошқа шакллар шулар жумласидандир.

Инсон капиталининг шаклланиши манбаларидан (давлат, оила, хусусий шахслар ва бошқалар) қатъи назар ундан фойдаланиш ва бевосита даромад олиш инсоннинг ўзи томонидан назорат қилинади.

Алоҳида шахснинг инсон капитали унинг саломатлиги, соғлиги, қобилияти, билими ва кўникмаларидан иборатдир. “Инсоннинг қиймати” унинг ҳаёти босқичларида ортиб боради, бу қийматдан меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида фойдаланилади, айти пайтда шахсий капитал даромадларини кўпайтиради ва инсонни ўз қобилиятини янада оширишга шахсий инвестициялар киритишга рағбатлантиради.

Корхонанинг инсон капиталида ҳозирги вақтда савдо белгиси, персонал ва янги технологиялар сифатидаги номоддий активлар алоҳида роль ўйнайди. Бу капиталга, шунингдек, шахсий инсон капитали активларини (лицензиялар, патентлар, муаллифлик гувоҳномалари), фирманинг номоддий активларини (товар белгилари) ташкилий капитал, таркибий, капитал, бренд-капитал ва ижтимоий капитални киритиш мумкин.

Миллий инсон капитали ижтимоий, сиёсий капитални, миллий интеллектуал устуворликларни, миллий рақобат устунликларини ва миллатнинг табиий салоҳиятини қамраб олади. Миллий инсон капитали ҳар бир ривожланаётган мамлакат миллий бойлигининг

¹ Эдвинсон Л., Мэллоу М. Интеллектуальный капитал. Определение истинной стоимости компании. – М.: «Академия», 1999. – С. 442.

² Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. –Т.: «Меҳнат», 2009. – Б.182.

¹ Корчагин Ю. А. Инвестиционная стратегия. — Ростов-на-Дону: «Феникс», 2006. - С. 17.

ярмидан кўпроғини, жаҳоннинг таракқий этган давлатларида эса 70,0-80,0 % дан ортиғини ташкил этади.

Ўрни келганда инсон капитали назариясида ҳам амалий, ҳам назарий даражада қатор баҳсли масалалар мавжудлигини ҳам кўрсатиш лозим. Назарияга кўра, ҳар бир шахс инсон капиталига киритилган инвестициялар келгусида иш ҳақи ортиши ҳисобига қопланишини тўғри баҳолайди деб ҳисобланади. Аммо бунда муайян кўникма ва касбларга эга бўлганда, иш ҳақи миқдорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жуда кўпгина иқтисодий ва ҳатто сиёсий омиллар ҳисобга олинмайди.

Иккинчи муаммо инсон капитали назариясининг эмпирик аҳамияти билан боғлиқдир. Айрим тадқиқотчилар таълим соҳаси каби инсон капиталига харажатлар одамлар иш ҳақи миқдори ўзгаришига таъсир кўрсатиши мумкинлигини исботлаган. Агар мотивация каби омиллар ҳисобга олинмайдиган бўлса, инсон капиталига инвестициялар киритилишининг келгусида ўзини қоплашига ортиқча баҳо бериб юборилиши мумкин.

Одатда фақат ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида киритиладиган инвестициялар шаклидаги жисмоний капиталдан фарқли равишда инсон капиталига инвестициялар қисман самарасиз фойдаланилиши мумкин. Шунинг учун бу харажатларнинг ҳаммасини инвестицияларга киритиб ҳам бўлмайди. Масалан, тарих, тасвирий санъат ва адабиёт билан шуғулланадиган талабаларнинг кўпчилиги бунга ўз меҳнати самарадорлигини ошириш мақсадида қилмайди. Бу каби масалалар инсон капиталига киритилган маблағларнинг қиймати ва уларнинг қопланишини ҳисоблаб чиқишни мураккаблаштиради.

Шу билан бир қаторда ҳар қандай инвестициялар бозори каби инсон капитали бозори ҳам камчиликлардан холи эмас:

- иш кучининг нисбатан эркин ҳаракатланиши иш берувчиларни иш кучини ривожлантиришга маблағ сарфлашга ингилишларини камайтиради;

- айниқса, ёшлар ўртасида таълимнинг қиммати тўғрисидаги ахборот етишмаслиги инсон капиталига етарли бўлмаган даражада ёки нотўғри инвестиция киритилишига олиб келади;

- аҳолининг каттагина қисмида ўзига инвестиция киритиш учун маблағ етишмайди.

Инсон капиталига инвестициялар бозорининг бу ва айрим бошқа камчиликлари сабабли бозор механизмлари ўз-ўзидан бунга

энг мақбул тарзда тартибга солиди, деган фикрга олиб келмаслиги керак. Шунинг учун ҳам давлатнинг инсон капиталига инвестициялар киритишда бевосита иштирок этиши ниҳоятда муҳимдир.

Бундай ёндошувнинг алоҳида муҳимлигини Жаҳон банкнинг тадқиқотлари исботлаб турибди. Жаҳон банки экспертлари 192 мамлакатда амалга оширган тадқиқотлари натижасида куйидаги хулосаларга келган:

- иқтисодий ўсиш умумий миқдорининг 64,0% дан кўпроғи инсон капитали билан боғлиқдир;

- мамлакатнинг табиий ресурслари иқтисодий ўсиш умумий миқдорининг фақат 20,0% гача бўлган қисмини таъминлайди;

- ўтиш иқтисодиётига эга давлатларда мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти иқтисодий ўсиш умумий миқдорининг фақат 16,0 % ни таъминлайди.

Ушбу далиллар ҳозирги давр жамиятида инсон капиталининг роли ва аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

2.3. “Халқларнинг ҳақиқий бойлиги - одамлар”

“Халқларнинг ҳақиқий бойлиги – одамлар. Ривожланишнинг асосий мақсади одамларга узоқ, соғлом ва ижодкорона турмуш кечириш имкониятларини берадиган шарт-шароитларни яратишдир. Бу оддий ҳақиқат бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ хомашё товарлари ва пул бойлигини тўплашдан кундалик манфаатдорлигидан бунга ёддан чиқаради” – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1990 йилги Инсонни ривожлантириш маърузаси шундай бошланган эди.

Аслида бу янгилик эмас. Кўҳна давлардаёқ Аристотель пировард мақсад одамларнинг “ажойиб турмуш тарзи”ни таъминлашдан иборат деб таъкидлаган эди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “инсонга ҳос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг овгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига” қиёслар экан, “жамият аъзоларининг ўз салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун уларга биринчи галда тенг

¹ Каранг. Человеческое развитие: новое измерение социально-экономического прогресса. - М.: 2000. -С. 23.

имконият ва эркинлик муҳитини, ҳам қонуний, ҳам амалий шарт-шароитларни яратиб бериш зарур”¹ деб алоҳида уқтирган.

Ўзбек мутафаккирлари меҳнат муносиб баҳоланиши, меҳнат кишиси эъзозга лойиқлигини уқтирганлар. Чунончи, Юсуф Хос Ҳожиб: “Хизмат аҳли ўз меҳнати натижасидан умидвор туради... Хизматига лойиқ тақдир кўрган ходимнинг боши кўкка етади”², деб ёзади.

Буюк Алишер Навоий ғазалларида меҳнат кишисининг ижтимоий аҳамияти куйидагича баён этилган:

Халқ аро яхшироқ дединг, кимдур?

Эшитиб, айла шубҳа, рафъ андин,

Яхшироқ бил ани улу ароким

*Етса кўпроқ улуска нафъ андин*³.

Амир Темур ҳам ўз салтанатида меҳнат аҳли, касб-кор эгалари ҳурмати ўрнига қўйилишига алоҳида эътибор берган: “Агар касбу ҳунар ва маърифат аҳлларидан бўлсалар, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа билагида кучи бор фақир-мискинлар эса ўз аҳвали ва касбу корига қараб иш тутсинлар”⁴.

Халқларнинг асосий бойлиги – инсон тараққиёти жараёни кўп жихатдан унинг ижтимоий имкониятлари ва неъматларини белгилайдиган, турмуш кечиришни таъминлайдиган, жамиятдаги ўзаро муносабатларни тартибга соладиган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига боғлиқдир. Шунинг учун инсон ҳуқуқлари масаласи ҳамиша ўткир муаммо бўлиб келган, бу ҳуқуқларга эга бўлиш, улар доирасини кенгайтириш, инсоннинг жамиятдаги мавқеини аниқ белгилаб қўйиш учун синфий курашлар олиб борилган.

Ижтимоий тараққиётнинг дастлабки босқичларида турли синфий ва табақавий тузилмалар ўртасида инсон ҳуқуқларининг нооқилона тақсимланиши, шахс ҳатто бу ҳуқуқлардан маҳрум қилиниши (қуллар учун) муқаррар бўлган.

Лекин жамият тараққиётнинг навбатдаги босқичларида инсон ҳуқуқлари янги сифат хусусиятларига эга бўлиб борган, бу ҳуқуқлар жамиятнинг тобора кўпроқ аъзолари учун қафолатланган.

Бошқача қилиб айтганда, жамият ривожланишининг ҳар бир босқичи инсон ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлиш, улар доирасини кенгайтиришда олға қўйилган қадам бўлган.

Тарих инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш учун доимий куч-ғайрат талаб қилинганлигидан далолат беради. Авлодларнинг ҳар бири тарихнинг бу даъватлари учун ўз жавобини бериши, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларидек олий қадриятни астойдил ҳимоя қилиши зарур бўлган.

Инсон эркинлигининг илк фалсафий-ҳуқуқий концепцияси Эпикур¹ асарларида ўз ифодасини топган. Кўҳна юнон мутафаккирининг фикрича, инсон эркинлиги ўз турмуш тарзини оқилона танлаш учун масъулиятдир. Инсон эркинлиги соҳаси – инсоннинг ўзи учун масъулияти соҳасидир. Шахс ўз эркинлигига бу “ўзига боғлиқлигини” ва “бирор жанобга тегишли эмаслигини” англаш орқалигина эришиши мумкин².

Кўҳна юнон мутафаккирнинг табиий-ҳуқуқий ғоялари қадимги Римда ривожлантирилди. Маълумки юнон файласуфларининг ҳисоблашларича, қулчиликни бу жамиятнинг умумий қонунарига зид бўлганлиги учун оқлаб бўлмайди. Сенеканинг³ табиий-ҳуқуқий концепциясида “тақдир қонуни” инсонга хос бўлган барча хусусиятлар, шу жумладан, давлат ва қонулар ҳам бўйсунтирилган табиий ҳуқуқ родини ўйнайди. Сенека таъкидлаганидек, Коинот ўз табиий ҳуқуқларига эга бўлган табиий давлатдир. Бу қонуларни тан олиш шарт.

Рим ҳуқуқшунослари томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқ субъекти, одамларнинг ҳуқуқий мақомлари, табиий ҳуқуқ бўйича шахснинг эркинлиги, ҳуқуқнинг хусусий ва оммавий ҳуқуққа бўлиниши, адолатли ва адолатсиз ҳуқуқ ва ҳоказолар тўғрисидаги қоидалари катта аҳамиятга эгадир.

Фома Аквинский⁴ қадимий табиий-ҳуқуқий ғоялар асосида давлатнинг мақсади жамият аъзолари учун умумий эзгулик яратиш, улар муносиб турмуш кечиришларига зарур шароитларни таъминлашдир деб кўрсатган.

¹ Ислом Каримов. Юксак маънавият – сингилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – Б.67-68.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.: 1990. – Б.63

³ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Т.: 1983. – Б.21.

⁴ Темур тузуқлари. –Т.: «Шарқ». 2005. – Б.8.

¹ Эпикур (милоддан аввалги 342/341-271/270йиллар) – кўҳна юнон файласуфи, эпикуризм ва “файласуфлар боғи”нинг асосчиси.

² Материалисти Дженей Грешин. – М., 1955. – С. 219.

³ Луций Анней Сенека (Lucius Annaeus Seneca, милоддан аввалги 4.-65 йиллар) – рим файласуфи, шоир ва давлат арбоби, фалсафада стоицизм йўналишининг энг буюк намояндalarидан бири.

⁴ Фома Аквинский (лотинча Thomas Aquinas, тахминан 1225-1278) – файласуф ва диншунос, фалсафада диний оқим асосчиси.

Барча одамлар тенглиги тўғрисидаги қадимги замонларларда шаклланган гоа Янги давр мутаффакирлари асарларида янада ривожлантирилди. Б.Спиноза, Ш.Монтескье, Т.Жефферсон, И.Кант ва бошқаларнинг асарларида инсон ҳуқуқларининг янги оқилона назарияси ўз ифодасини топди. Шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари янги концепциясини, шахс билан давлат ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш асосланган мазкур назария янги дунёқарашни шакллантиришга катта ҳисса қўшди¹.

Давлатнинг келиб чиқиши ва унинг ҳуқуқий фаолияти манбаси сифатидаги ижтимоий шартнома концепцияси мазкур жараённинг муҳим унсурига айланди. Б. Спиноза² табиий-ҳуқуқий қарашлар ва давлатнинг шартномавий концепциясини ривожлантирар экан, “давлатнинг мақсади -амалда эркинликдир”³ деган хулоса чиқарган.

Франциянинг 1789 йилдаги Декларациясида эълон қилинган инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари умумжаҳон эътирофига сазовор бўлиб, ижтимоий ва давлат тартибларини янгилаш ва инсонпарварлаштириш мақсадларига хизмат қилди. Мазкур Декларация ҳамма жойда инсон ва фуқаро ҳуқуқларини эътироф этиш ва ҳимоя қилишга ниҳоятда кучли таъсир кўрсатди. Шундан кейинги даврда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги назария ва амалиётнинг, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқ устуворлиги қондаларининг ривожланиши ушбу тарихий ҳужжатнинг ижобий таъсирида кечди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқаролик принципларини шакллантириш ва ривожлантириш таракқиёт ва эркинлик сари йўл очди.

XIX асрда турли давлатларда фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқларнинг дастлабки нормалари (эркинлик ва тенг ҳуқуқлик, шахснинг дахлсизлиги, мулк ҳуқуқи, сайлов ҳуқуқи ва ҳоказолар) таркиб топди.

Бугунги кун нуқтаи назаридан улар жуда чекланган (мулк ва сайловдаги чекловлар, сиёсий тақиқлар, эркалар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли эмаслиги, ирқий камситишлар ва ҳоказолар) эди.

1922 йилда Германия ва Франциянинг Инсон ҳуқуқлари лигаси ташаббуси билан жаҳоннинг турли мамлакатларидаги 20 га яқин

¹ Жарков Б.Н. Права человека в современном мире: проблемы и решения. - М.: Изд-во «Знание», 2002. - С.32.

² Бенедикт Спиноза (*Benedictus de Spinoza*, 1632-1677) – голландиялик файласуф, Янги давр файласуфларининг энг машҳур намояндalarидан бири.

³ Спиноза Б. Избранные произведения. Т. 2. - М.: 1957. - С. 261.

ташкilot дунёда инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи халқаро ташкilot – Инсон ҳуқуқлари халқаро федерациясини (FIDH) таъсис қилдилар.

Иккинчи жаҳон уруши ва дунёдаги тоталитар тизимларнинг фожиона тажрибаси инсон ва фуқаро институтларини ривожлантиришда сифат жиҳатдан янги босқич бошланишига туртки бўлди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қондаларини ривожлантиришда халқаро ҳуқуқ етакчи роль ўйнай бошлади.

1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкilotи Бош Ассамблеясининг 217 А (III) резолюцияси билан “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” қабул қилинди ва эълон қилинди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясидек, “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар” (1-модда) деб эълон қилинди. Шу билан бир қаторда умумжаҳон декларациясида унга қуйидагилар қўшиб қўйилган: “Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаса ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши зарур”¹ (2-модда).

Инсон ҳуқуқларининг умумий принциплари қуйидагилардан иборатдир:

- инсон ҳуқуқ ва эркинликлари унга туғилганидан мансуб, давлат томонидан тақдим этилмаган;
- инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, уларга риоя қилиш ва ҳимоя қилиш – давлатнинг мажбуриятидир;
- инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг давлат томонидан мустаҳамлаб қўйилган қондалари халқаро-ҳуқуқий стандартларга мувофиқ бўлиши керак;
- тенглик принцигига мувофиқ ҳуқуқ ва эркинликлар ҳаммага ва ҳар бир кишига тенг тақдим этилган;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар фақат эълон қилиниб қолмасдан, балки бевосита амал қилиши зарур;
- инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг мазмунини, моҳияти ва қўлланилишини, давлат ҳокимияти ва

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам. – Т.: «Адолат», 2004. – б.30-31.

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини белгилаб бериши керак;

- давлат инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини бекор қиладиган ёки камайтирадиган қонунлар қабул қилмаслиги лозим; бу ҳуқуқлар ва эркинликлар фақат фавқулодда шароитларда чекланиши (асосийларидан ташқари) мумкин;

- инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари суд ҳимояси билан кафолатланиши керак;

- инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиши керак эмас.

Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари қуйидагилардан иборат:

- базавий (ажратилмайдиган);
- асосий (конституциявий);
- умумэтироф этилган (халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилганлари).

Инсон ҳуқуқлари ижтимоий муносабатларда намоён бўлишига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- шахсий;
- сиёсий;
- ижтимоий-иқтисодий ва маданий.

Аммо амалиётда бундай тавсифлаш рамзий ҳисобланади.


Шахсий ҳуқуқлар кўпинча фуқаро ҳуқуқлари деб аталса ҳам давлат фуқаролигига мансублиги билан бевосита боғлиқ бўлмасдан ҳар бир шахснинг ҳуқуқи ҳисобланади. Улар шахсларнинг фуқаролиги, жинси, ёши, ирки, миллий ёки диний мансублигидан қатъи назар туғма ва ажралмас ҳуқуқлар ҳисобланади. Бу ҳуқуқлар инсон ҳаёти, қадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилиш учун зарурдир. Шахсий ҳуқуқларга қуйидагилар киради:

- яшаш ҳуқуқи;
- эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи;
- шахс қадр-қиммати ҳуқуқи;
- хусусий турмуш дахлсизлиги ҳуқуқи;
- турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи;
- виждон эркинлиги ва фикрлаш эркинлиги;
- кўчиш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги;
- миллатини ва муомала тилини танлаш эркинлиги;
- суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқи;
- хусусий мулк ҳуқуқи.

Сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар, қоида бўйича мазкур давлат фуқаролигига мансублик билан узвий боғлиқ бўлиб, фуқаро асосий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари гуруҳларидан бири ҳисобланади. Одатда сиёсий ҳуқуқларга қуйидагилар киради:

- сўз эркинлиги (ахборот олиш эркинлиги);
- уюштиш эркинлиги;
- йиғилиш ўтказиш эркинлиги;
- давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ва давлат хизматига тенглик асосида қабул қилиниш ҳуқуқи;
- фуқаролик ҳуқуқи;
- сайлов ҳуқуқи.

Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга эса қуйидагилар киради:



2.8-расм. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари

- тадбиркорлик эркинлиги (тадбиркорлик ва конун билан ман этилмаган иқтисодий фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланиш ҳуқуқи);

- хусусий мулк ҳуқуқи;

- меҳнат ҳуқуқи (меҳнат қилиш ва меҳнатнинг эркинлиги ҳуқуқи);

- онлани, оналикни, оталикни ва болаликни муҳофаза қилиш ҳуқуқи;

- ижтимоий таъминотдан фойдаланиш ҳуқуқи;

- турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи;

- соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи;

- адолатли солиқ тўлаш ҳуқуқи;

- 8 соатлик иш куни, адолатли меҳнат шароитлари, бир хил меҳнатга тенг миқдорда иш хақи олиш ҳуқуқи ва ҳоказолар.

Маданий ҳуқуқлар шахснинг маънавий ривожланишини таъминлайди. Уларга қуйидагилар киради:

- таълим олиш ҳуқуқи;

- ижод эркинлиги;

- маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи;

- қулай агароф-муҳитда яшаш ҳуқуқи.

Шуни таъкидлаш керакки, 1950 йилдан бошлаб ҳар йили 10 декабрь - Инсон ҳуқуқлари халқаро куни сифатида нишонланади.

1966 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қабул қилинди. Бу ва шундан кейин қабул қилинган халқаро битимлар инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг халқаро стандарти ҳамда бу ҳақ-ҳуқуқларни таъминлаш кафолатларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ижтимоий ривожланиш ва давлат қурилишининг, ўзининг ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим устувори сифатида белгилаб олди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий халқаро ҳужжатга қўшилгани, БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган 6 та асосий халқаро шартноманинг иштирокчиси эканлиги ҳудди шундан далолат беради.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилигида

Ўз ифодасини топиб, инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ишонarli ҳимоя қилишни таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси “Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб”¹ сўзлари билан бошланади. Мамлакатнинг Асосий Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган Ўзбекистон фуқароларининг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари принцип жиҳатидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кўрсатиб ўтганидек, “Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради”, дейиш учун тўла асосларимиз бор”².

Мамлакат Конституциясининг иккинчи бўлими тўлалигича инсон ҳуқуқлари бўйича ўзбекча биллди. Бошқача қилиб айтганда, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг яхлит ва кенг қамровли тизими мустаҳкамланган. Табиийки, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бўлим давлат органлари тизимига бағишланган бўлимдан аввал келади. Давлат ҳуқуқларни тақдим этмайди, фуқаронинг ўзи унга эркинлик билан берилган ажралмас табиий ҳуқуқлардан онгли ва масъулиятли равишда фойдаланади.

2.2-жадвал

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг акс этиши

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
1-модда. Ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар.	18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб,
2-модда. Ҳар бир инсон ирки, тана ранги, жинси, тили, дини,	жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2010. –Б.3.

² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. –Б. 107.

<p>сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши зарур.</p> <p>7-модда. Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир.</p>	<p>эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.</p>
<p>3-модда. Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.</p>	<p>24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир.</p> <p>25-модда. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.</p>
<p>5-модда. Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак.</p>	<p>26-модда. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.</p>
<p>8-модда. Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиш ҳуқуқига эга.</p>	<p>19-модда. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.</p>
<p>17-модда. Ҳар бир инсон яқка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргалликда мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқига эга.</p>	<p>36-модда. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.</p>
<p>18-модда. Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга.</p>	<p>29-модда. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.</p>
<p>20-модда. Ҳар бир инсон</p>	<p>32-модда. Ўзбекистон</p>

<p>бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга.</p>	<p>Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.</p>
<p>23-модда. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шартитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.</p>	<p>37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шартитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.</p>

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди” деб алоҳида таъкидланган (43-модда).

Конституциянинг учинчи бўлими ўзига хос ҳисобланади, унинг асосий мақсади - фуқаролик жамиятининг анъаналарини тиклаш, ижтимоий бирлашмалари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари мақомини ҳуқуқий тарзда расмийлаштириш, уларнинг реал ва барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат.

Демократия ва инсон ҳуқуқларининг конституциявий асоси умуминсоний ва миллий кадриятлар бирлигини ифода этади. Ўзбекистон ўз маданиятининг бой салоҳиятига мувофиқ инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон халқаро стандартларга интилишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон босқичма-босқич инсон ҳуқуқларини ижтимоий тараққиёт ва барқарор ривожланишнинг асоси сифатида тикламоқда. Халқаро ҳуқуқ конституциявий қурилишнинг муҳим манбаси сифатида белгиланган. Бу дегани, Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, демократия идеаллари, фуқаролик жамиятини, миллатлараро тинчликни таъминлашга содиқликни билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ривожланишида икки алоҳида босқични кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳар бири мамлакат тарихида ўзига хос ўринга эга.

Биринчи босқич - 1991-2000 йиллар: бирламчи конституциявий ислохотлар ва миллий ҳуқуқий давлатчилик ва ижтимоий

Йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосларини шакллантириш босқичи. Бу босқичда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг конституциявий асослари белгилаб олинди, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, уларга риоя қилиш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсати шаклланди. Айнан шу йилларда Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олтита асосий ҳужжатига қўшилди.

Конституциявий ривожланишнинг биринчи босқичи хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатда барқарор конституциявий тартиб ўрнатилди. Барча давлат органлари Конституция доирасида шаклланган ва амал қилмоқда. Парламент ва Президент сайловлари ҳамда маҳаллий сайловлар бунга яққол кўрсатди. Демократик эркин сайловлар орқали мамлакатнинг сайлов корпуси томонидан давлат ҳокимияти бу даражада легитимация қилиниши Ўзбекистон тарихида ҳали бўлмаган;

- иқтисодий соҳада мулкчиликнинг барча шакллари, жумладан, хусусий мулкнинг тенглиги, тадбиркорлик эркинлиги ўрнатилиб, Конституция ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар ва кафолатлар яратиб берди. Барқарор иқтисодий ривожланиш давлатнинггина эмас, балки жамиятнинг ҳам вазифасига айланди. Чунки кучли ва очик фуқаролик жамияти иқтисодий фаолият эркинлигисиз мавжуд бўла олмайди;

- сиёсий соҳада ҳам Конституция ҳуқуқий давлатчиликнинг энг зарур мезонларига мувофиқ тарзда эркинлик ва демократияни етарли даражада таъминлаб берди. Мамлакатда сиёсий ва мафкуравий ҳурфикрлик, сўз ва ахборот эркинлиги ўрнатилди. Фуқаро жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган барча сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлди.

- давлат тузилиши соҳасида ҳуқуқий давлатчиликнинг муҳим белгиси - ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципи асосида давлат органлари тизими шакллантирилди.

2001-2010 йилларни қамраб олган иккинчи босқич фаол конституциявий ҳуқуқ ижодкорлиги даври бўлди. Бу босқичнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- қонун қабул қилишда умумдавлат манфаатлари ва маҳаллий манфаатларни эътиборга оладиган икки палатали парламентни

шакллантириш ва унинг амал қилиши асосида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш;

- сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг муҳим давлат қарорларини қабул қилишдаги роли ва таъсирини кучайтириш, давлат тузилмалари фаолиятининг мониторингини амалга оширишда нодавлат ташкилотларнинг обрўси ва аҳамиятини ошириш;

- суд тизимини либераллаштириш ва инсонпарварлаштиришга қаратилган туб ислоҳотлар, ўлим жазосини бекор қилиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, “хабеас корпус” институтини жорий қилиш, адвокатура ролини ошириш;

- инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида кенг маърифий ишларни олиб бориш.

Бу босқичда конституциявий ислоҳотлар натижасида мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи - икки палатали Олий Мажлис шакллантирилди. Президент ваколатларининг бир қисми Сенатга берилиши ҳамда Бош вазир ҳуқуқ ва ваколатларининг кенгайтирилиши, икки палатали парламент ваколатини кенгайтириш ва қонун чиқарувчи ҳамда ижроия ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг механизмлари яратилган ва самарали амал қилади. Мамлакатда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг тизими: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фуқаролик жамияти асослари шакллантирилишини мониторинг қилиш мустақил институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлигида махсус ташкил этилган инсон ҳуқуқлари бўйича бўлинмалар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича изчил ва тизимли сиёсатнинг асосий йўналишлари белгилаб олинган. Улар қуйидагиларни назарда тутди:

- инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижросини

таъминлаш, шунингдек, бу соҳадаги ҳуқуқий асосни такомиллаштириш бўйича зарур чоралар кўриш;

- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларнинг аҳволни доимий ва комплекс мониторингини олиб бориш;

- фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўриш, уларни ишга жойлаштиришга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, тадбиркорликнинг турли шаклларини, айниқса, қишлоқ жойларида ривожлантириш;

- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишларига қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

- БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги органлари ва тузилмалари билан халқаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида қўйилган энг муҳим кадамлар қаторида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш керак.

2008 йил 1 январдан эътиборан ўлим жазоси тўла бекор қилинди. Ўзбекистон парламенти Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг ўлим жазосига тааллуқли Иккинчи Факультатив протоколни ратификация қилди. Ўзбекистон Иккинчи Факультатив протоколни ратификация қилган жаҳондаги 67-давлат бўлди.

Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг “Ўлим жазосини қўллашга мораторий эълон қилиш” резолюциясини қўллаб-қувватлади ва Ўлим жазосига қарши 4-бутунжаҳон конгресси ишида (2010 йил февраль, Женева) иштирок этди.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қоидаларини тўла амалга оширишга йўналтирилган демократик институтлар – “Хабес корпус” ва “Мираида қоидалари” ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этилди. Мазкур институтларнинг жорий этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг, унинг дахлсизлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланди.

Судлар амалиётида ярашиш институти кенг оммалашди. Буни 100 мингдан кўпроқ кишига нисбатан яраштириш тартиби қўлланилганлиги кўрсатиб ҳисоблаганда озодликдан маҳрум этилганлар сони 151 нафари ташкил этади. Бу МДҲ ва Европа мамлакатларида энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Кейинги 10 йил давомида мамлакатда қамокқа олинганлар,

озодликдан маҳрум этиш жойларда сақланадиганлар сони икки баравардан кўпроққа камайди.

Мамлакатда сиёсий партияларнинг жамиятни демократлаштиришдаги ролини ошириш тўғрисидаги конституциявий қонун муваффақиятли амалга оширилмоқда. Халқаро сайлов стандартлари миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этилди. Халқаро ва чет эл кузатувчилари институти мустақамлаб қўйилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилиш мониторингини олиб бориш парламент фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар амалга оширилишини, парламент назоратини олиб бориш тартиби, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро конвенцияларнинг мониторингини қамраб олган.

Олий Мажлис амалиётига парламент эшитуви институти жорий этилди. 2010-2011 йилларда мамлакат парламенти аъзолари энг муҳим вазирликларнинг мамлакат томонидан БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш доирасидаги, шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қоидалари юзасидан мажбуриятлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тингладилар. Ушбу тажриба миллий ва халқаро савий-ҳаракатлар доирасида очиклик юқори даражасини таъминлашга даъват этилган.

Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини (мониторингини) ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик фонди ва Парламент комиссияси ташкил этилди. Мазкур Парламент комиссияси Жамоатчилик фонди маблағларини бошқаради. Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ижроия ҳокимият органлари тасарруфидан парламентга олиб берилди.


Мамлакатда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш бўйича кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чоралар комплекси амалга оширилди. Оммавий ахборот

воситаларини ривожлантиришнинг демократик талаблар ва стандартларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилди. Ахборот соҳасининг самарали амал қилиши, ОАВ эркин ривожланишини, уларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ошқоралиги ва очиқлигини таъминлашда фаоллигини кучайтириш, ахборот муҳитида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга йўналтирилган 10 тага яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон парламенти БМТнинг Трансмиллий жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирадиган Инсон, айниқса, аёллар ва болалар билан савдо қилишнинг олдини олиш ва бунга барҳам бериш тўғрисидаги протоколини ратификация қилди. “Инсон савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Инсон савдосига қарши курашиш бўйича миллий ҳаракат режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Марказда ва маҳаллий миқёсда фаолият олиб борадиган идоралараро комиссия ташкил этилди. Инсон савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича реабилитация маркази иш бошлади.

Ўзбекистон БМТнинг Коррупцияга қарши кураш бўйича конвенциясига қўшилди. Мазкур конвенция жиноятчиликнинг бу турига қарши кураш олиб бориш бўйича қўшимча таъсирчан чораларни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга даъват этилган. Мамлакатда коррупция билан боғлиқ хавфларга самарали кураш олиб бориш, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашда фаол иштирок этишлари учун тизимли чоралар кўрилмоқда.

Адвокатура институти ислоҳ этилди, суд қарорлари ижросини таъминлаш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштиришга қаратилган қатор бошқа чоралар кўрилди. Ҳимоячи ҳуқуқлари жиддий равишда кенгайтирилди. Ҳозир ҳатто гувоҳ ҳам адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Суд жараёнида айблов ва ҳимоя томонларининг процессуал ҳуқуқларини тенглаштиришни таъминлаш, адвокатуранинг ўзини ўзи бошқариш таъсирчан марказлаштирилган тизимини яратиш, адвокатлар касб малакасини оширишнинг мажбурий тизимини жорий этишга қаратилган чоралар изчил амалга оширилмоқда.



2.6-расм. Инсон капитални шакллантириш ва ривожлантириш

Г. Беккер томонидан, “маҳсус инсон капитали” тушунчаси ҳам муомалага киритилган. Бу категория “умумий инсон капиталидан” фарқли равишда маҳсус тайёргалик натижасида эгалланган ҳамда фақат ўзининг корхонаси учун ишлаб чиқаришда манфаат келтирадиган билимлар ва кўникмалар жамланмасидир.

С. Фишер: “Инсон капитали инсонда мужассамлашган даромад келтириш қобилияти мезонидир. Инсон капитали туғма қобилият

ва истеъдод, шунингдек, олинган таълим ва малакадан иборат”¹ деб кўрсатган.

Айрим олимлар инсон капитали таркибига унинг эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиш имкони нуқтаи назаридан ёндошадилар. Жумладан О.Нордхог куйидигиларни таъкидлайди: “Таҳлил этиш нуқтаи назаридан, бир тарафдан, ходимларнинг соғлиги ва малакасини, иккинчи томондан, уларнинг мотивацияси ва фирмага содиқлигини фарқлаш фойдалидир. Дастлабки икки унсур алоҳида бир ходимнинг топшириқни бажариш, яъни меҳнат қилиш бўйича асосий қобилиятини ташкил этади. Инсон капиталининг кейинги икки унсури эса мазкур ходим ўз малакасига кўра, ишда қандай фаолият олиб боришини ақс эттиради. Қобилият ва хоҳиш биргаликда мазкур ходимнинг меҳнатга қобилиятини шакллантиради”².

И.В. Ильинский инсон капитали таълим капитали, соғлиқ капитали ва маданият капиталидан иборат деб ҳисоблайди³.

Инсон капитали таркибини кенгроқ таҳлил этиш учун функциявий ёндошув принципни ҳисобга олиш лозим. Функциявий ёндошувнинг методологик принципи ҳодисани фақат унинг ички таркиби бўйича эмас, балки унинг функциявий мақсади, пировард фойдаланиш мақсади нуқтаи назаридан кўриб чиқишни талаб этади.

Россиялик иқтисодчи С.А. Дятлов ушбу принцип бўйича инсон капитали инвестициялар натижасида шакллантирилган ва инсон томонидан жамланган соғлиқ, билимлар, кўникмалар, қобилият, мотивациянинг муайян захирасидир деган фикрни билдиради. Бу захира ижтимоий ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасида мақсадга мувофиқ фойдаланар экан, меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга ёрдам беради, бу билан мазкур инсоннинг иш ҳақи (даромади) кўпайишига таъсир кўрсатади⁴.

В.Т.Смирнов ва И.В.Скоблякова эса инсон капиталини алоҳида инсон, алоҳида корхона ёки корхоналар гуруҳи даражасида баҳолаш лозимлигини кўрсатади¹.

Инсон капиталини таҳлил этиш ва улар турларига ёндошувларни умумлаштириш бу иқтисодий категорияни 2.7-расмда ақс эттирилганидек тасаввур этиш имконини беради:

1. *Маданий-ахлоқий капитал*. Ходимнинг обрўси, фирманинг нуфузи ишлаб чиқариш кўрсаткичлари каби жуда муҳимдир. Масъулият, ҳалоллик, ваъданинг устидан чиқиш амалий муносабатларда ниҳоятда кадрланади. Социология фани доирасида маданий-ахлоқий капитал интеллектуал қобилият, билим, маҳорат, кўникмалар, ахлоқий сифатлар, малака жамланмасини ифода этади.

2. *Саломатлик (биофизик) капитали*. Жисмоний куч, чидамлилиқ, ишчанлиқ, меҳнат фаолиятининг давомийлиги ҳар бир инсон учун ҳар қандай ишлаб чиқариш фаолиятида жуда муҳимдир. Саломатлик капитали инсон капиталининг ажралмас қисми бўлиб, унга инвестициялар киритиш ходимлар касалланишининг камайиши ҳисобига меҳнат қобилиятини сақлаб қолишда ўз ифодасини топади.

3. *Меҳнат капитали*. Меҳнат қанчалик мураккаб бўлса, ходимнинг малакаси, билими, тажрибаси ва масъулиятига талаб ҳам шу қадар юқори бўлади. Малакали меҳнат оддий меҳнатга қараганда самаралироқдир, шунинг учун унга юқорироқ ҳақ тўланиши керак. Корхоналарда меҳнат капитали малакали ходимларнинг меҳнатида мужассам бўлиб, уларнинг салмоғи қўлланиётган технологияга боғлиқдир.

4. *Таълим капитали*. У тажриба, меҳнат кўникмалари ва энг муҳими билим тўпланиши натижасида бутун ҳаёт давомида шаклланиб боради. Таълим малакали ходимларни такрор ҳосил қилишнинг асосий воситаси ҳисобланади.

5. *Интеллектуал капитал*. Интеллектуал фаолиятнинг маҳсулоти муаллифнинг мутлақ мулки сифатида муаллифлик ҳуқуқи билан патентланади ва мустаҳкамланади. Бу капиталдан иқтисодиётда қандай фойдаланиш йўналишларини ва шаклларини белгилаш ҳуқуқи муаллифга тегишлидир. Интеллектуал мулк объектлари хўжалик айланмасига корхоналарнинг моддий активлари сифатида

¹ Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалгисен Р. Экономическая теория. — М.: «Юнити», 2002. - С. 21.


² Nordhög O. Human Capital in Organizations: Competence, Training and Learning. - Oslo: Scandinavian University Press, 1993. - P.52.

³ Ильинский И.В. Инвестиции в будущее: образование в инвестиционном воспроизводстве. —СПб.: СПбУЭФ, 1996. - С.127.

⁴ Дятлов С.А. Теория человеческого капитала. Учебное пособие. — СПб.: СПбУЭФ, 1996. - С.72.

¹ Смирнов В.Т., Скоблякова И.В. Классификация и виды человеческого капитала в инновационной экономике. —СПб.: «Проспект», 2001.- С.2003.

жалб этилади ҳамда уларнинг, шунингдек, ушбу актив эгаларининг даромадларини кўпайтиради.



2.7-расм. Инсон капиталининг таснифи

6. *Ташкилий-тадбиркорлик капитали.* Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ёки корхона персоналани бошқариш учун ташкилотчилик қобилияти, юксак масъулият, ишбиларморлик, янгиликка интилиш, тежамкорлик, ирода, оқилона таваккалчилик қилиш талаб қилинади. Ана шу капитал – ноу-хау, тижорат сирларига эга бўлиш уларни ташкилий-тадбиркорлик капиталига айлантдириш имконини беради. Ишбилармонлик даражаси хусусий ва назорат қилинадиган капитал миқдорига ўз ифодасини топади. Бу эса кичик, ўрта ва йирик бизнесни ажратиб кўрсатиш имконини беради.

Юқорида қайд қилинган инсон капиталининг турлари мазкур иқтисодий категориянинг *ажратиб берилмайдиган* турларига тааллуқлидир.

Ажратиб берилмайдиган инсон капитали турларига эса қуйидагилар киради:

- *ижтимоий-маданий инсон капитали.* Бу капитал ходимлар маданий сифатлари ва қобилиятларининг интеграциялашиши ва кооперациялашишини, ижтимоий такрор ҳосил қилиш таркибига доимий ахборот, илмий, таълим, технологик оқимлар мавжуд бўлишини акс эттиради;

- *социал капитал.* Социал нормалар, ишонч ва ҳоказолар унинг унсурлари ҳисобланади. Социал капитал ҳар бир иқтисодий субъект у ёки бу тарзда ижтимоий муносабатлар тизимига интеграция қилинганлиги билан боғлиқдир. Инсон капиталининг ушбу тури қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир:

биринчидан, бу ҳамisha ташкиллаштирилган ўзаро муносабатлар маҳсулидир, шунинг учун шахсий эмас, балки ижтимоий шаклга эгадир;

иккинчидан, социал капитал ташкилий-ижтимоий тизим амал қилишининг унсури сифатида хусусий мулк бўлиши мумкин эмас, яъни ижтимоий неъмат ҳисобланади.

А.И.Мерко социал капитал ахборот, гоёлар, ишонч, кооперация, ҳиссий қўллаб-қувватлаш ва ташкилий даражанинг бошқа унсурларини камраб олган деб ҳисоблайди. Бундан келиб чиққан ҳолда у ижтимоий капиталнинг икки даражасини ажратиб кўрсатади¹.

1. Таркибий капитал – бу ҳўжалик юритувчи субъектнинг бозори ўзгариб борадиган конъюнктурасига мослашган ҳамда бунинг корхона учун манфаатли йўналишга қаратган ҳолда ўз ташкилий тузилмасини бошқариш қобилиятидир².

Ҳозирги давр иқтисодиётида фирмалар иш кўрадиган рақобат муҳити инновациялар таъсири остида мутассил ўзгариб туради. Бундай ўзгаришларнинг юқори суръати корхона муваффақиятга эришиши мумкин бўлган шароитларни мураккаблаштиради. Ана шундай шароитлардан бири - корхонада салмоқли даражада таркибий капитал мавжуд бўлишидир.

2. Ташкилий капитал. Моҳият жиҳатидан бу ҳўжалик юритишнинг тизимга солиш малакаси ҳамда ташкилий имкониятлардир. Ташкилий капитал қуйидагиларни камраб олади:

¹ Мерко А.И. Социально-ответственный бизнес—взаимосвязь государственной и корпоративной политики в глобализирующемся мире. Монография. – М.: 2009. - С.180.

² Костюк В.Н. Теория эволюции и социальноэкономические процессы. – М.: УРСС, 2004. - С.126.

инновациялар капитали – уларга муҳофаза қилган тижорат ҳуқуқлари, интеллектуал мулк ҳамда бошқа номоддий активлар ва фирманинг янгиланишга қодирлигини таъминлайдиган кадрлар кирди;

жараёнлар капитали – уларга, масалан, ишлаб чиқариш, маҳсулотни сотиш, маҳсулот сотишдан сўнг сервис хизмати кўрсатиш тизимларини, яъни улар натижасида маҳсулот қийматини шакллантирадиган капитални киритиш мумкин.

Шу билан биргаликда *мижозлар капитали (бренд-капитал)* ҳам фаркланади. Мижозлар капиталига эга бўлган корхона фаолиятини маҳсулот ёки хизматдан фойдаланувчинини “истеъмол қийматини биргаликда яратиш ва такомиллаштиришга жалб этиш” корхонаси деб аташ мумкин. Бунда харидор корхона томонидан яратилган барча маҳсулотлар ва хизматларнинг олий ҳаками вазифасини бажаради¹.

Инсон капиталининг юқорида қайд қилинган таркиби мазкур иқтисодий категория инсоннинг ўзи серкирра эканлиги билан изоҳланади. Ишлаб чиқариш капитали доирасидаги ашёвий ва инсон капитали яхлитлиги ва ажралмаслигига қарамаздан инсон капитали тобора мавқен ортиб, етакчи роль ўйнамоқда. Бевосита инсон капитали истеъмол қилинаётган жисмоний капиталнинг товарлардаги қийматини сақлаб туради ҳамда иш кучи қийматини қоплайдиган ва капитал эгаларига фойда келтирадиган янги қиймат яратади.

Профессор Қ.Х.Абдурахмоновнинг фикрича, “Инсон капиталининг аҳамияти табиий ресурслар, моддий бойлик ва воситаларга қараганда юқорироқдир”². Шунинг учун инсон капитали иқтисодий ўсиш ва самарадорликнинг асосий омилдир. Инсон капиталининг иқтисодий категорияси сифатидаги тушунчаси жаҳон ахборот ҳамжамияти ва “билимлар иқтисодиёти” ривожланиши билан биргаликда мунтазам равишда кенгайиб бормоқда. Ҳозирги даврда инсон капитали интеллектуал ва бошқарув меҳнатини, яшаш ва меҳнат фаолияти муҳитини қамраб оладиган иқтисодиётни, жамият ва оилани ривожлантиришнинг интенсив ишлаб чиқариш омилдир. Бу инсон капиталини

ривожлантиришнинг ишлаб чиқарувчи омили сифатида самарали ва оқилона амал қилишини таъминлайди¹.

Инсон капитали назариясига мувофиқ, инсон капиталининг тўпланиши турли шаклларда амалга оширилиши мумкин. Уларнинг энг асосийлари таълим олиш ҳамда касбий тайёргарлик давомида қобилиятларни ривожлантириш асосида капитални тўплашдир. Одатда бу қатордан оиладаги тарбия ҳам ўрин олади.

Шу билан бирга капитални тўплашнинг бошқа шакллари ҳам мавжуддир. Ўз соғлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш (инвестиция киритиш), миграция, иқтисодиёт, меҳнат бозори амал қилиши тўғрисида ахборот олиш ҳамда инсоннинг интеллектуал ва жисмоний қобилиятларини ривожлантиришни, бу қобилиятлардан фойдаланиш меҳнат самарадорлигини ошириш имкониятини таъминлайдиган бошқа шакллар шулар жумласидандир.

Инсон капиталининг шаклланиши манбаларидан (давлат, оила, хусусий шахслар ва бошқалар) қатъи назар ундан фойдаланиш ва бевосита даромад олиш инсоннинг ўзи томонидан назорат қилинади.

Алоҳида шахснинг инсон капитали унинг саломатлиги, соғлиги, қобилияти, билими ва кўникмаларидан иборатдир. “Инсоннинг қиймати” унинг ҳаёти босқичларида ортиб боради, бу қийматдан меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида фойдаланилади, айни пайтда шахсий капитал даромадларини кўпайтиради ва инсонни ўз қобилиятини янада оширишга шахсий инвестициялар киритишга рағбатлантиради.

*Корхонанинг инсон капитали*да ҳозирги вақтда савдо белгиси, персонал ва янги технологиялар сифатидаги номоддий активлар алоҳида роль ўйнайди. Бу капиталга, шунингдек, шахсий инсон капитали активларини (лицензиялар, патентлар, муаллифлик гувоҳномалари), фирманинг номоддий активларини (товар белгилари) ташкилий капитал, таркибий, капитал, бренд-капитал ва ижтимоий капитални киритиш мумкин.

Миллий инсон капитали ижтимоий, сиёсий капитални, миллий интеллектуал устуворликларни, миллий рақобат устунликларини ва миллатнинг табиий салоҳиятини қамраб олади. Миллий инсон капитали ҳар бир ривожланаётган мамлакат миллий бойлигининг

¹ Эдвинсон Л., Мэлоун М. Интеллектуальный капитал. Определение истинной стоимости хозяйства. –М.: «Академия», 1999. – С. 442.

² Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. –Т.: «Меҳнат», 2009. – Б. 182.

¹ Корчагин Ю. А. Инвестиционная стратегия. — Ростов-на-Дону: «Феникс», 2006. – С. 17.

ярмидан кўпрогини, жаҳоннинг тараққий этган давлатларида эса 70,0-80,0 % дан ортинини ташкил этади.

Ўрни келганда инсон капитали назариясида ҳам амалий, ҳам назарий даражада қатор баҳсли масалалар мавжудлигини ҳам кўрсатиш лозим. Назарияга кўра, ҳар бир шахс инсон капиталига киритилган инвестициялар келгусида иш ҳақи ортиши ҳисобига қопланишини тўғри баҳолайди деб ҳисобланади. Аммо бунда муайян кўникма ва касбларга эга бўлганда, иш ҳақи миқдорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жуда кўпгина иқтисодий ва ҳатто сиёсий омиллар ҳисобга олинмайди.

Иккинчи муаммо инсон капитали назариясининг эмпирик аҳамияти билан боғлиқдир. Айрим тадқиқотчилар таълим соҳаси каби инсон капиталига харажатлар одамлар иш ҳақи миқдори ўзгаришига таъсир кўрсатиши мумкинлигини исботлаган. Агар мотивация каби омиллар ҳисобга олинмайдиган бўлса, инсон капиталига инвестициялар киритилишининг келгусида ўзини қоплашига ортиқча баҳо бериб юборилиши мумкин.

Одатда фақат ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида киритиладиган инвестициялар шаклидаги жисмоний капиталдан фарқли равишда инсон капиталига инвестициялар қисман самарасиз фойдаланилиши мумкин. Шунинг учун бу харажатларнинг ҳаммасини инвестицияларга киритиб ҳам бўлмайди. Масалан, тарих, тасвирий санъат ва адабиёт билан шуғулланадиган талабаларнинг кўпчилиги буни ўз меҳнати самарадорлигини ошириш мақсадида қилмайди. Бу каби масалалар инсон капиталига киритилган маблағларнинг қиймати ва уларнинг қопланишини ҳисоблаб чиқишни мураккаблаштиради.

Шу билан бир қаторда ҳар қандай инвестициялар бозори каби инсон капитали бозори ҳам камчиликлардан холи эмас:

- иш кучининг нисбатан эркин ҳаракатланиши иш берувчиларни иш кучини ривожлантиришга маблағ сарфлашга интилишларини камайтиради;
- айниқса, ёшлар ўртасида таълимнинг қиммати тўғрисидаги ахборот етишмаслиги инсон капиталига етарли бўлмаган даражада ёки нотўғри инвестиция киритилишига олиб келади;
- аҳолининг каттагина қисмида ўзига инвестиция киритиш учун маблағ етишмайди.

Инсон капиталига инвестициялар бозорининг бу ва айрим бошқа камчиликлари сабабли бозор механизмлари ўз-ўзидан буни

энг мақбул тарзда тартибга солади, деган фикрга олиб келмаслиги керак. Шунинг учун ҳам давлатнинг инсон капиталига инвестициялар киритишда бевосита иштирок этиши ниҳоятда муҳимдир.

Бундай ёндошувнинг алоҳида муҳимлигини Жаҳон банкининг тадқиқотлари исботлаб турибди. Жаҳон банки экспертлари 192 мамлакатда амалга оширган тадқиқотлари натижасида қуйидаги хулосаларга келган:

- иқтисодий ўсиш умумий миқдорининг 64,0% дан кўпроги инсон капитали билан боғлиқдир;
- мамлакатнинг табиий ресурслари иқтисодий ўсиш умумий миқдорининг фақат 20,0% гача бўлган қисмини таъминлайди;
- ўтиш иқтисодиётига эга давлатларда мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти иқтисодий ўсиш умумий миқдорининг фақат 16,0 % ни таъминлайди.

Ушбу далиллар ҳозирги давр жамиятида инсон капиталининг роли ва аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди.

2.3. “Халқларнинг ҳақиқий бойлиги - одамлар”

“Халқларнинг ҳақиқий бойлиги – одамлар. Ривожланишнинг асосий мақсади одамларга узоқ, соғлом ва ижодкорона турмуш кечириш имкониятларини берадиган шарт-шароитларни яратишдир. Бу оддий ҳақиқат бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ хомашё товарлари ва пул бойлигини тўплашдан кундалик манфаатдорлигидан буни ёддан чиқаради” – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1990 йилги Инсонни ривожлантириш маърузаси шундай бошланган эди.

Аслида бу янгилик эмас. Кўҳна давлардаёқ Аристотель пировард мақсад одамларнинг “ажойиб турмуш тарзи”ни таъминлашдан иборат деб таъкидлаган эди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “инсонга хос орзу–интилишларни рўёбга чиқариш, унинг оғли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига” қиёслар экан, “жамият аъзоларининг ўз салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқариши учун уларга биринчи галда тенг

¹ Карант. Человеческое развитие: новое измерение социально-экономического прогресса. - М.: 2000. - С. 23.

имконият ва эркинлик муҳитини, ҳам қонуний, ҳам амалий шарт-шароитларни яратиб бериш зарур”¹ деб алоҳида уқтирган.

Ўзбек мутафаккирлари меҳнат муносиб баҳоланиши, меҳнат кишиси эъзозга лойиқлигини уқтирганлар. Чунончи, Юсуф Хос Ҳожиб: “Хизмат аҳли ўз меҳнати натижасидан умидвор туради... Хизматига лойиқ тақдир қўрган ходимнинг боши кўкка етади”², деб ёзади.

Бутоқ Алишер Навоий ғазалларида меҳнат кишисининг ижтимоий аҳамияти қуйидагича баён этилган:

Халқ аро яхшироқ дединг, кимдур?

Эшитиб, айла шубҳа, рафъ андин,

Яхшироқ бил ани улу ароким

*Етса кўпроқ улуска нафъ андин*³.

Амир Темур ҳам ўз салтанатида меҳнат аҳли, касб-кор эгалари ҳурмати ўрнига қўйилишига алоҳида эътибор берган: “Агар касбу ҳунар ва маърифат аҳлларидан бўлсалар, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа билагидан кучи бор фақир-мискинлар эса ўз аҳволи ва касбу корига қараб иш тутсинлар”⁴.

Халқларнинг асосий бойлиги – инсон тараққиёти жараёни қўп жихатдан унинг ижтимоий имкониятлари ва неъматларини белгилайдиган, турмуш кечиришни таъминлайдиган, жамиятдаги ўзаро муносабатларни тартибга соладиган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига боғлиқдир. Шунинг учун инсон ҳуқуқлари масаласи ҳамиша ўткир муаммо бўлиб келган, бу ҳуқуқларга эга бўлиш, улар доирасини кенгайтириш, инсоннинг жамиятдаги мавқеини аниқ белгилаб қўйиш учун синфий курашлар олиб борилган.

Ижтимоий тараққиётнинг дастлабки босқичларида турли синфий ва табақавий тузилмалар ўртасида инсон ҳуқуқларининг нооқилона тақсимланиши, шахс ҳатто бу ҳуқуқлардан маҳрум қилиниши (қуллар учун) муқаррар бўлган.

Лекин жамият тараққиётнинг навбатдаги босқичларида инсон ҳуқуқлари янги сифат хусусиятларига эга бўлиб борган, бу ҳуқуқлар жамиятнинг тобора кўпроқ аъзолари учун кафолатланган.

¹ Ислам Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. - Б.67-68.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Т.: 1990. – Б.63

³ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Т.: 1983. – Б.21.

⁴ Темур тулуклари. –Т.: «Шарқ», 2005. - Б8.

Бошқача қилиб айтганда, жамият ривожланишининг ҳар бир босқичи инсон ҳуқуқ ва эркинликларига эга бўлиш, улар доирасини кенгайтиришда олға қўйилган қадам бўлган.

Тарих инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш учун доимий куч-ғайрат талаб қилинганлигидан далолат беради. Авлодларнинг ҳар бири тарихнинг бу даъватлари учун ўз жавобини бериши, инсон эркинликлари ва ҳуқуқларидек олий қадриятни астойдил ҳимоя қилиши зарур бўлган.

Инсон эркинлигининг илк фалсафий-ҳуқуқий концепцияси Эпикур¹ асарларида ўз ифодасини топган. Кўҳна юнон мутафаккирининг фикрича, инсон эркинлиги ўз турмуш тарзини оқилона танлаш учун масъулиятдир. Инсон эркинлиги соҳаси – инсоннинг ўзи учун масъулияти соҳасидир. Шахс ўз эркинлигига бу “ўзига боғлиқлигини” ва “бирор жанобга тегишли эмаслигини” англаш орқалигина эришиши мумкин².

Кўҳна юнон мутафаккирнинг табиий-ҳуқуқий ғоялари қадимги Римда ривожлантирилди. Маълумки юнон файласуфларининг ҳисоблашларида, қулчиликни бу жамиятнинг умумий қонунарига зид бўлганлиги учун оқлаб бўлмайди. Сенеканинг³ табиий-ҳуқуқий концепциясида “тақдир қонуни” инсонга хос бўлган барча хусусиятлар, шу жумладан, давлат ва қонулар ҳам бўйсунтирилган табиий ҳуқуқ родини ўйнайди. Сенека таъкидлаганидек, Қоинот ўз табиий ҳуқуқларига эга бўлган табиий давлатдир. Бу қонуларни тан олиш шарт.

Рим ҳуқуқшунослари томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқ субъекти, одамларнинг ҳуқуқий мақомлари, табиий ҳуқуқ бўйича шахснинг эркинлиги, ҳуқуқнинг хусусий ва оммавий ҳуқуққа бўлиниши, адолатли ва адолатсиз ҳуқуқ ва ҳоказолар тўғрисидаги қондалари катта аҳамиятга эгадир.

Фома Аквинский⁴ қадимий табиий-ҳуқуқий ғоялар асосида давлатнинг мақсади жамият аъзолари учун умумий эзгулик яратиш, улар муносиб турмуш кечиришларига зарур шароитларни таъминлашдир деб кўрсатган.

¹ Эпикур (милоддан аввалги 342/341-271/270 йиллар) – кўҳна юнон файласуфи, эпикуризм ва “файласуфлар боғи”нинг асосчиси

² Материализм Древней Греции. - М. 1985. - С. 219

³ Лучший Азтей Сенека (Lucius Annaeus Seneca, милоддан аввалги 4.-65 йиллар) – рим файласуфи, шоир ва давлат арбоби, фалсафада стоицизм йўналишининг энг буюк намояндalarидан бири

⁴ Фома Аквинский (лотинча Thomas Aquinas, тахминан 1225-1278) – файласуф ва диншунос, фалсафада диний оқим асосчиси.

Барча одамлар тенглиги тўғрисидаги қадимги замонларларда шаклланган гоё Янги давр мутаффакирлари асарларида янада ривожлантирилди. Б. Спиноза, Ш. Монтескье, Т. Жефферсон, И. Кант ва бошқаларнинг асарларида инсон ҳуқуқларининг янги оқилона назарияси ўз ифодасини топди. Шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари янги концепциясини, шахс билан давлат ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш асосланган мазкур назария янги дунёқарашни шакллантиришга катта ҳисса қўшди¹.

Давлатнинг келиб чиқиши ва унинг ҳуқуқий фаолияти манбаси сифатидаги ижтимоий шартнома концепцияси мазкур жараённинг муҳим унсурига айланди. Б. Спиноза² табиий-ҳуқуқий қарашлар ва давлатнинг шартномавий концепциясини ривожлантирар экан, “давлатнинг мақсади - амалда эркинликдир”³ деган хулоса чиқарган.

Франциянинг 1789 йилдаги Декларациясида эълон қилинган инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари умумжаҳон эътирофига сазовор бўлиб, ижтимоий ва давлат тартибларини янгилаш ва инсонпарварлаштириш мақсадларига хизмат қилди. Мазкур Декларация ҳамма жойда инсон ва фуқаро ҳуқуқларини эътироф этиш ва ҳимоя қилишга ниҳоятда кучли таъсир кўрсатди. Шундан кейинги даврда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги назария ва амалиётнинг, ҳуқуқий давлат, ҳуқуқ устуворлиги қондаларининг ривожланиши ушбу тарихий ҳужжатнинг ижобий таъсирида кечди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқаролик принципларини шакллантириш ва ривожлантириш тараққиёт ва эркинлик сари йўл очди.

XIX асрда турли давлатларда фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқларнинг дастлабки нормалари (эркинлик ва тенг ҳуқуқлик, шахснинг дахлсизлиги, мулк ҳуқуқи, сайлов ҳуқуқи ва ҳоказолар) таркиб топди.

Бугунги кун нуқтаи назаридан улар жуда чекланган (мулк ва сайловдаги чекловлар, сиёсий тақиқлар, эркалар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқли эмаслиги, ирқий камситишлар ва ҳоказолар) эди.

1922 йилда Германия ва Франциянинг Инсон ҳуқуқлари лигаси ташаббуси билан жаҳоннинг турли мамлакатларидаги 20 га яқин

¹ Жарков Б.Н. Права человека в современном мире: проблемы и решения. - М.: Изд-во «Знание», 2002. - С.32.

² Бенедикт Спиноза (*Benedictus de Spinoza*, 1632-1677) – голландиялик файласуф, Янги давр файласуфларининг энг маъқур намояналаридан бири.

³ Спиноза Б. Избранные произведения. Т. 2. - М.: 1957. - С. 261.

ташкilot дунёда инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи халқаро ташкilot – Инсон ҳуқуқлари халқаро федерациясини (FIDH) таъсис қилдилар.

Иккинчи жаҳон уруши ва дунёдаги тоталитар тизимларнинг фожиона тажрибаси инсон ва фуқаро институтларини ривожлантиришда сифат жиҳатдан янги босқич бошланишига туртки бўлди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қондаларини ривожлантиришда халқаро ҳуқуқ етакчи роль ўйнай бошлади.

1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкilotи Бош Ассамблеясининг 217 А (III) резолюцияси билан “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” қабул қилинди ва эълон қилинди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида 1789 йилги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясидек, “Ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар” (1-модда) деб эълон қилинди. Шу билан бир қаторда умумжаҳон декларациясида унга қуйидагилар қўшиб қўйилган: “Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаса ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши зарур”¹ (2-модда).

Инсон ҳуқуқларининг умумий принциплари қуйидагилардан иборатдир:

- инсон ҳуқуқ ва эркинликлари унга туғилганидан мансуб, давлат томонидан тақдим этилмаган;
- инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш, уларга риоя қилиш ва ҳимоя қилиш – давлатнинг мажбуриятидир;
- инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг давлат томонидан мустаҳамлаб қўйилган қондалари халқаро-ҳуқуқий стандартларга мувофиқ бўлиши керак;
- тенглик принципига мувофиқ ҳуқуқ ва эркинликлар ҳаммага ва ҳар бир кишига тенг тақдим этилган;
- инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги ҳуқуқий нормалар фақат эълон қилиниб қолмасдан, балки бевосита амал қилиши зарур;
- инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг мазмунини, моҳияти ва қўлланилишини, давлат ҳокимияти ва

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам. – Т.: «Адолат», 2004. – 6.30-31.

маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини белгилаб бериши керак;

- давлат инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини бекор қиладиган ёки камайтирадиган қонунлар қабул қилмаслиги лозим; бу ҳуқуқлар ва эркинликлар фақат фавқулодда шароитларда чекланиши (асосийларидан ташқари) мумкин;

- инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари суд ҳимояси билан кафолатланиши керак;

- инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиши керак эмас.

Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари қуйидагилардан иборат:

- базавий (ажратилмайдиган);
- асосий (конституциявий);
- умумэтироф этилган (халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилганлари).

Инсон ҳуқуқлари ижтимоий муносабатларда намоён бўлишига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- шахсий;
- сиёсий;
- ижтимоий-иқтисодий ва маданий.

Аммо амалиётда бундай тавсифлаш рамзий ҳисобланади.


Шахсий ҳуқуқлар кўпинча фуқаро ҳуқуқлари деб аталса ҳам давлат фуқаролигига мансублиги билан бевосита боғлиқ бўлмасдан ҳар бир шахснинг ҳуқуқи ҳисобланади. Улар шахсларнинг фуқаролиги, жинси, ёши, ирқи, миллий ёки диний мансублигидан қатъи назар туғма ва ажралмас ҳуқуқлар ҳисобланади. Бу ҳуқуқлар инсон ҳаёти, қадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилиш учун зарурдир. Шахсий ҳуқуқларга қуйидагилар қиради:

- яшаш ҳуқуқи;
- эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи;
- шахс қадр-қиммати ҳуқуқи;
- хусусий турмуш дахлсизлиги ҳуқуқи;
- турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи;
- виждон эркинлиги ва фикрлаш эркинлиги;
- кўчиш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги;
- миллатини ва муомала тилини танлаш эркинлиги;
- суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқи;
- хусусий мулк ҳуқуқи.

Сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар, қонда бўйича мазкур давлат фуқаролигига мансублик билан узвий боғлиқ бўлиб, фуқаро асосий конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари гуруҳларидан бири ҳисобланади. Одатда сиёсий ҳуқуқларга қуйидагилар қиради:

- сўз эркинлиги (ахборот олиш эркинлиги);
- уюштиш эркинлиги;
- йиғилиш ўтказиш эркинлиги;
- давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ва давлат хизматига тенглик асосида қабул қилиниш ҳуқуқи;
- фуқаролик ҳуқуқи;
- сайлов ҳуқуқи.

Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга эса қуйидагилар қиради:



2.8-расм. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари

• тадбиркорлик эркинлиги (тадбиркорлик ва қонун билан ман этилмаган иқтисодий фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланиш ҳуқуқи);

• хусусий мулк ҳуқуқи;

• меҳнат ҳуқуқи (меҳнат қилиш ва меҳнатнинг эркинлиги ҳуқуқи);

• оилани, оналикни, оталикни ва болаликни муҳофаза қилиш ҳуқуқи;

• ижтимоий таъминотдан фойдаланиш ҳуқуқи;

• турар жойга эга бўлиш ҳуқуқи;

• соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи;

• адолатли солиқ тўлаш ҳуқуқи;

• 8 соатлик иш куни, адолатли меҳнат шартлари, бир хил меҳнатга тенг миқдорда иш хақи олиш ҳуқуқи ва ҳоказолар.

Маданий ҳуқуқлар шахснинг маънавий ривожланишини таъминлайди. Уларга қуйидагилар киради:

• таълим олиш ҳуқуқи;

• ижод эркинлиги;

• маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи;

• қулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқи.

Шуни таъкидлаш керакки, 1950 йилдан бошлаб ҳар йили 10 декабрь - Инсон ҳуқуқлари халқаро куни сифатида нишонланади.

1966 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қабул қилинди. Бу ва шундан кейин қабул қилинган халқаро битимлар инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг халқаро стандарти ҳамда бу ҳақ-ҳуқуқларни таъминлаш кафолатларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллика эришганидан сўнг, қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ижтимоий ривожланиш ва давлат қурилишининг, ўзининг ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим устувори сифатида белгилаб олди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий халқаро ҳужжатга қўшилгани, БМТ томонидан мазкур соҳада қабул қилинган 6 та асосий халқаро шартноманинг иштирокчиси эканлиги ҳудди шундан далолат беради.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилигида

ўз ифодасини топиб, инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ишонарли химоя қилишни таъминламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси “Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб”¹ сўзлари билан бошланади. Мамлакатнинг Асосий Қонунида мустақамлаб қўйилган Ўзбекистон фуқароларининг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари принцип жиҳатидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларига мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов кўрсатиб ўтганидек, “Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради”, дейиш учун тўла асосларимиз бор”².

Мамлакат Конституциясининг иккинчи бўлими тўлалигича инсон ҳуқуқлари бўйича ўзбекча биллди. Бошқача қилиб айтганда, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг яхлит ва кенг қамровли тизими мустақамланган. Табиийки, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги бўлим давлат органлари тизимига бағишланган бўлимдан аввал келади. Давлат ҳуқуқларни тақдим этмайди, фуқаронинг ўзи унга эркинлик билан берилган ажралмас табиий ҳуқуқлардан онгли ва масъулиятли равишда фойдаланади.

2.2-жадвал

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг акс этиши

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
1-модда. Ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар.	18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб,
2-модда. Ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини,	жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2010. –Б.3.

² Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва яшаш: дилр талаби. Т.5. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б. 107.

<p>сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши зарур.</p> <p>7-модда. Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир.</p>	<p>эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқедан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.</p>
<p>3-модда. Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.</p>	<p>24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир.</p> <p>25-модда. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.</p>
<p>5-модда. Ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, гайринсоний ёки кадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак.</p>	<p>26-модда. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйикка дучор этилиши мумкин эмас.</p>
<p>8-модда. Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиш ҳуқуқига эга.</p>	<p>19-модда. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеklang қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.</p>
<p>17-модда. Ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек, бошқалар билан биргаликда мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқига эга.</p>	<p>36-модда. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли.</p>
<p>18-модда. Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга.</p>	<p>29-модда. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.</p>
<p>20-модда. Ҳар бир инсон</p>	<p>32-модда. Ўзбекистон</p>

<p>бевосита ёки эркин сайланган вакиллар воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга.</p>	<p>Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.</p>
<p>23-модда. Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шaroитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.</p>	<p>37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.</p>

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида “давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди” деб алоҳида таъкидланган (43-модда).

Конституциянинг учинчи бўлими ўзига хос ҳисобланади, унинг асосий мақсади - фуқаролик жамиятининг анъаналарини тиклаш, ижтимоий бирлашмалари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари мақомини ҳуқуқий тарзда расмийлаштириш, уларнинг реал ва барқарор ривожланишини таъминлашдан иборат.

Демократия ва инсон ҳуқуқларининг конституциявий асоси умуминсоний ва миллий кадриятлар бирлигини ифода этади. Ўзбекистон ўз маданиятининг бой салоҳиятига мувофиқ инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон халқаро стандартларга интилишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон босқичма-босқич инсон ҳуқуқларини ижтимоий тараккиёт ва барқарор ривожланишнинг асоси сифатида тикламоқда. Халқаро ҳуқуқ конституциявий қурилишнинг муҳим манбаси сифатида белгиланган. Бу дегани, Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларига, инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, демократия идеаллари, фуқаролик жамиятини, миллатлараро тинчликни таъминлашга содиқликни билдиради.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ривожланишида икки алоҳида босқични кўрсатиш мумкин. Уларнинг ҳар бири мамлакат тарихида ўзига хос ўринга эга.

Биринчи босқич - 1991-2000 йиллар: бирламчи конституциявий ислохотлар ва миллий ҳуқуқий давлатчилик ва ижтимоий

йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосларини шакллантириш босқичи. Бу босқичда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг конституциявий асослари белгилаб олинди, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, уларга риоя қилиш ва ҳимоя қилиш давлат сиёсати шаклланди. Айнан шу йилларда Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олтита асосий ҳужжатига қўшилди.

Конституциявий ривожланишнинг биринчи босқичи хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- мамлакатда барқарор конституциявий тартиб ўрнатилди. Барча давлат органлари Конституция доирасида шаклланган ва амал қилмоқда. Парламент ва Президент сайловлари ҳамда маҳаллий сайловлар буни яққол кўрсатди. Демократик эркин сайловлар орқали мамлакатнинг сайлов корпуси томонидан давлат ҳокимияти бу даражада легитимация қилиниши Ўзбекистон тарихида ҳали бўлмаган;

- иқтисодий соҳада мулкчиликнинг барча шакллари, жумладан, хусусий мулкнинг тенглиги, тадбиркорлик эркинлиги ўрнатилиб, Конституция ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларининг ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар ва кафолатлар яратиб берди. Барқарор иқтисодий ривожланиш давлатнинггина эмас, балки жамиятнинг ҳам вазифасига айланди. Чунки кучли ва очиқ фуқаролик жамияти иқтисодий фаолият эркинлигисиз мавжуд бўла олмайди;

- сиёсий соҳада ҳам Конституция ҳуқуқий давлатчиликнинг энг зарур мезонларига мувофиқ тарзда эркинлик ва демократияни етарли даражада таъминлаб берди. Мамлакатда сиёсий ва мафкуравий ҳурфикрлик, сўз ва ахборот эркинлиги ўрнатилди. Фуқаро жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган барча сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлди.

- давлат тузилиши соҳасида ҳуқуқий давлатчиликнинг муҳим белгиси - ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципи асосида давлат органлари тизими шакллантирилди.

2001-2010 йилларни қамраб олган иккинчи босқич фаол конституциявий ҳуқуқ ижодкорлиги даври бўлди. Бу босқичнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- қонун қабул қилишда умумдавлат манфаатлари ва маҳаллий манфаатларни эътиборга оладиган икки палатали парламентни

шакллантириш ва унинг амал қилиши асосида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш;

- сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг муҳим давлат қарорларини қабул қилишдаги роли ва таъсирини кучайтириш, давлат тузилмалари фаолиятининг мониторингини амалга оширишда нодавлат ташкилотларнинг обрўси ва аҳамиятини ошириш;

- суд тизимини либераллаштириш ва инсонпарварлаштиришга қаратилган туб ислохотлар, ўлим жазосини бекор қилиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, “хабеас корпус” институтини жорий қилиш, адвокатура ролинини ошириш;

- инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида кенг маърифий ишларни олиб бориш.

Бу босқичда конституциявий ислохотлар натижасида мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи - икки палатали Олий Мажлис шакллантирилди. Президент ваколатларининг бир қисми Сенатга берилиши ҳамда Бош вазир ҳуқуқ ва ваколатларининг кенгайтирилиши, икки палатали парламент ваколатини кенгайтириш ва қонун чиқарувчи ҳамда ижроия ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг механизмлари яратилган ва самарали амал қилади. Мамлакатда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг тизими: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фуқаролик жамияти асослари шакллантирилишини мониторинг қилиш мустақил институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлигида махсус ташкил этилган инсон ҳуқуқлари бўйича бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича изчил ва тизимли сиёсатнинг асосий йўналишлари белгилаб олинган. Улар қуйидагиларни назарда тутди:

- инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ижросини

таъминлаш, шунингдек, бу соҳадаги ҳуқуқий асосни такомиллаштириш бўйича зарур чоралар кўриш;

- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларнинг аҳволини доимий ва комплекс мониторингини олиб бориш;

- фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўриш, уларни ишга жойлаштиришга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, тадбиркорликнинг турли шаклларини, айниқса, қишлоқ жойларида ривожлантириш;

- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишларига қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

- БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги органлари ва тузилмалари билан халқаро ҳамкорликни янада такомиллаштириш.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида кўйилган энг муҳим қадамлар қаторида қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш керак.

2008 йил 1 январдан эътиборан ўлим жазоси тўла бекор қилинди. Ўзбекистон парламенти Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг ўлим жазосига тааллуқли Иккинчи Факультатив протоколини ратификация қилди. Ўзбекистон Иккинчи Факультатив протоколини ратификация қилган жаҳондаги 67-давлат бўлди.

Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг “Ўлим жазосини қўллашга мораторий эълон қилиш” резолюциясини қўллаб-қувватлади ва Ўлим жазосига қарши 4-бутунжаҳон конгресси ишида (2010 йил февраль, Женева) иштирок этди.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт қондаларини тўла амалга оширишга йўналтирилган демократик институтлар – “Хабеас корпус” ва “Мираида қондалари” ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этилди. Мазкур институтларнинг жорий этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг, унинг дахлсизлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланди.

Судлар амалиётида ярашиш институти кенг оммалашди. Буни 100 мингдан кўпроқ кишига нисбатан яраштириш тартиби қўлланилганлиги кўрсатиб ҳисоблаганда озодликдан маҳрум этилганлар сони 151 нафари ташкил этади. Бу МДҲ ва Европа мамлакатларида энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Кейинги 10 йил давомида мамлакатда қамоққа олинганлар,

озодликдан маҳрум этиш жойларда сақланадиганлар сони икки баравардан кўпроққа қамайди.

Мамлакатда сиёсий партияларнинг жамиятни демократлаштиришдаги ролини ошириш тўғрисидаги конституциявий қонун муваффақиятли амалга оширилмоқда. Халқаро сайлов стандартлари миллий қонунчиликка ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этилди. Халқаро ва чет эл кузатувчилари институти мустақамлаб кўйилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини амалга ошириш ҳамда ҳимоя қилиш мониторингини олиб бориш парламент фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар амалга оширилишини, парламент назоратини олиб бориш тартиби, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро конвенцияларнинг мониторингини қамраб олган.

Олий Мажлис амалиётига парламент эшитуви институти жорий этилди. 2010-2011 йилларда мамлакат парламенти аъзолари энг муҳим вазирликларнинг мамлакат томонидан БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш доирасидаги, шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қондалари юзасидан мажбуриятлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларини тингладилар. Ушбу тажриба миллий ва халқаро саъй-ҳаракатлар доирасида очиқлик юқори даражасини таъминлашга даъват этилган.

Инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини (мониторингини) ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича Жамоатчилик фонди ва Парламент комиссияси ташкил этилди. Мазкур Парламент комиссияси Жамоатчилик фонди маблағларини бошқаради. Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ижроия ҳокимият органлари тасарруфидан парламентга олиб берилди.

Мамлакатда сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш бўйича кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чоралар комплекси амалга оширилди. Оммавий ахборот

воситаларини ривожлантиришнинг демократик талаблар ва стандартларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилди. Ахборот соҳасининг самарали амал қилиши, ОАВ эркин ривожланишини, уларнинг амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ошқоралиги ва очиқлигини таъминлашда фаоллигини кучайтириш, ахборот муҳитида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга йўналтирилган 10 тага яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ўзбекистон парламенти БМТнинг Трансмиллий жиноятчиликка қарши конвенциясини тўлдирадиган Инсон, айниқса, аёллар ва болалар билан савдо қилишнинг олдини олиш ва бунга барҳам бериш тўғрисидаги протоколнинг ратификация қилди. “Инсон савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Инсон савдосига қарши курашиш бўйича миллий ҳаракат режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Марказда ва маҳаллий миқёсда фаолият олиб борадиган идоралараро комиссия ташкил этилди. Инсон савдоси қурбонларига ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича реабилитация маркази иш бошлади.

Ўзбекистон БМТнинг Коррупцияга қарши кураш бўйича конвенциясига қўшилди. Мазкур конвенция жиноятчиликнинг бу турига қарши кураш олиб бориш бўйича қўшимча таъсирчан чораларни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга даъват этилган. Мамлакатда коррупция билан боғлиқ хавфларга самарали кураш олиб бориш, фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашда фаол иштирок этишлари учун тизимли чоралар кўрилмоқда.

Адвокатура институти ислоҳ этилди, суд қарорлари ижросини таъминлаш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштиришга қаратилган қатор бошқа чоралар кўрилди. Ҳимоятчи ҳуқуқлари жиддий равишда кенгайтирилди. Ҳозир ҳатто гувоҳ ҳам адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Суд жараёнида айблов ва ҳимоя томонларининг процессуал ҳуқуқларини тенглаштиришни таъминлаш, адвокатуранинг ўзини ўзи бошқариш таъсирчан марказлаштирилган тизимини яратиш, адвокатлар касб малакасини оширишнинг мажбурий тизимини жорий этишга қаратилган чоралар изчил амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жамият ҳаётининг турли соҳаларида 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Кейинги ўн йил давомида уларнинг сони 2,5 мартага кўпайди. Фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. Булар қаторида “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, “Соғлом авлод учун”, “Нуроний” жамғармалари, “Ижод” фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотларини кўрсатиш мумкин.

Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, фуқароларнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маориф тизими шакллантирилган. Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича 20 та дан кўпроқ ихтисослаштирилган журнал ва газеталар нашр этилмоқда, барча мактаблар, коллежлар ва лицейлар, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилади.

Ўзбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини, инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш катта аҳамиятга эгадир. Фақат кейинги йилларда сони 1,5 марта, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 марта кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони 1200 дан ортиди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.

Республиканинг телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимизда телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда. Умуман,

Интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал суръатлар билан кенгайиб, бугунги кунда 6 миллиондан ортган.

Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси¹ асосида очик фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Улар қуйидагиларга қаратилган:

- “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” стратегик дастурий мақсадини изчиллик билан амалга ошириш;

- аҳолининг кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланаётган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал институционал шаклланиши ва ривожланишини таъминлаш;

- барча фуқаролик жамияти институтларининг демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган фаолиятининг зарур ҳуқуқий асосларини яратиш;

- фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари ва фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини яратишни таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашдаги ролини кучайтириш;

- давлат томонидан “учинчи сектор”ни нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятининг ташкилий–техникавий ва иқтисодий негизини мустақкамлашга қаратилган қўллаб-қувватлаш очик, ошқора, аниқ йўналтирилган ва демократик бўлишини таъминлаш;

- инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг қонунларга, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб бориш бўйича фаолиятларини янги даражага кўтариш.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг мамлакатимиздаги ноёб институти – маҳалла бугунги кунда кенг қўлланли вазибаларни бажармоқда. Фуқаролик жамиятини янада

ривожлантириш улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлашни тақозо этмоқда. Бунинг учун амалдаги тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, маҳаллаларнинг аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазибаларини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилади.

Маълумки, 1993 йилги Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Вена декларацияси ва Ҳаракат дастурида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги вазиятни яхшилаш бўйича аниқ самарали ва узоқ муддатли тадбирлар яратиш мақсадида ҳар бир мамлакатда Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат режасини ишлаб чиқиш имкониятини кўриб чиқиш тавсия этилган.

Ўзбекистонда ҳам Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилмоқда. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этади.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш нималарга асосланган?
2. Т.Шульцнинг инсон капитали назарияси Г.Беккернинг ғоясидан нималар билан фарқ қилади?
3. Инсон капиталининг асосий таркибий қисмларини тарифлаб беринг.

¹ И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Халқ сўзи, 2010 йил 13 июль.

4. Инсоннинг асосий ҳуқук ва эркинликлари биринчи марта қайси ҳужжатда мустақкамлаб қўйилди?

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг қайси шахсий ҳуқуқлари мустақкамлаб қўйилган?

6. Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси доирасида фуқаролик жамияти ҳуқуқий асосларини янада мустақкамлаш учун қайси қонунлар қабул қилиниши мўлжалланган?

3-БОБ. ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ МЕЗОНЛАРИ ВА БМТнинг МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ


3.1. Инсон тараққиётини баҳолашнинг асосий меzonлари ва уларнинг хусусиятлари

Иқтисодий адабиётларида ҳозирга қадар “*инсон салоҳияти*” тушунчасига аниқ таъриф берилмаган. Унинг ўрнига, одатда, “*ходимнинг меҳнат салоҳияти*” тушунчасидан фойдаланилади. Мазкур тушунча ходимнинг муайян шароитларда ўз ишлаб чиқариш фаолиятида маълум натижаларга эришиш ҳамда меҳнат фаолияти жараёнида ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар натижасида пайдо бўладиган янги вазифаларни ҳал этиш учун ўзини такомиллаштиришга қаратилган жисмоний ва интеллектуал хусусиятлари жамланмаси ҳисобланади.

Салоҳият – муайян вазифаларни ҳал этиш, қўйилган мақсадларга эришиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган имкониятлар, манбалар, воситалар ва ҳоказоларнинг жамланмаси, алоҳида шахс, жамият, умуман давлатнинг имкониятидир.

Инсон салоҳияти деганда эса қуйидагилар тушунилади:

- *жисмоний саломатлик*;
- табиий ва ишлаб чиқариш муҳитининг ноқулай таъсирига *чидамлилик*, узок муддатли куч ва асаб зўриқишига *бардошлик қобилияти*;
- *ижтимоий-психологик хусусиятлар*: тасаввурларнинг барқарорлиги, хотира, нутқ, инсон характери, унинг ижодий қобилияти, билимлари ва эътиқоди, ижтимоий тажрибани эгаллаш даражаси, ижтимоий фаоллик;
- *ишлаб чиқариш–иқтисодий хусусиятлари*: малака, ижтимоий таълим даражаси, касб тажрибаси, ташаббускорлик ва ишбилармонлик, бажарилаётган иш сифати ва тежамкорлик, ходимлар билан ўзаро муносабат, масъулият, меҳнат интизоми, техника хавфсизлиги қондаларига риоя этиш ва ҳоказолардир (3.1 - расм).




3.1-расм. Инсон салоҳиятининг хусусиятлари

Инсон салоҳиятининг моҳияти самарали меҳнат фаолиятининг иқтисодий асоси сифатидаги *ходимнинг рақобатбардошлиги* ҳисобланади. Инсон салоҳиятига ишлаб чиқаришда рўй берадиган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, инновация жараёнлари ўз таъсирини кўрсатади.

Инсон салоҳиятининг шахсий хусусиятлари психофизик салоҳиятни ҳам камраб олади. Бу инсоннинг қобилияти ва мойилликларидир. *Инсон қобилиятлари* (3.2-расм) унинг ижодга мойиллиги ва тафаккур салоҳиятидир.

Ижодга мойиллик олдинга қўйилган вазифани энг самарали ҳал этиш йўлини топишга интилишдир.



3.2-расм. Инсон қобилиятлари¹

Тафаккур салоҳияти эса турли соҳалар бўйича тўпланган билимлар бўлиб, улар ана шу қобилиятга эга шахсга кўплар учун қўтилмаган вазифани ҳал қилиш йўлини қидириб топишда намоён бўлади.


Одатийлик (рутинность) бир хил ишнинг белгилаб қўйилган тартибда бажарилишига ривож қилиш қобилиятида, яъни ижодий ҳисобланмаган ишни сидикидилдан ва фаол бажаришда намоён бўлади.

Фаоллик инсоннинг муайян ишни бажариш учун бутун куч-гайратини мужассамлаштиришга бўлган қобилиятини кўрсатади (3.3- расм).

Меҳнат жараёнида ходимнинг фаоллиги ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Инсоннинг эҳтиёжни шунчаки англаши уни бу эҳтиёжларни қондириш воситаларини топиш учун фаол ҳаракат қилишга олиб келмайди. Бунда эҳтиёж жуда муҳим бўлиши ва инсон уни қондиришга қодирлигига ишончи қомил бўлиши керак.

¹ Олсгов Ю.Г. Управление персоналом в структурно-логических схемах. – М.: «Академический проект», 2005. – С.78.

Фақат шундагина даставвал анланган эҳтиёж *мотивга* – инсоннинг ҳатти-ҳаракатини белгилайдиган ички барқарор психологик сабабга айланади.




3.3-расм. Инсоннинг меҳнат жараёнидаги фаоллиги

Одатийлик ва фаолликнинг қўшилиши инсонда юқори меҳнат қобилиятини шакллантиради. Ижод ва тафаккур қобилиятлари қўшилиб *инсон интеллекти* ҳосил бўлади. Юксак унумли меҳнатга қодирлик ва интеллект шахснинг олий имкониятлари – истеъдод ва даҳоликни вужудга келтиради.

Истеъдод – инсон қобилиятининг олий даражасидир. *Даҳолик* истеъдоддан даҳо шахс ўз фаолияти соҳасида мактаб, бутун бир даврни яратишга қодирлиги билан белгиланади.

Ходим ўз салоҳияти пойдеворига таяниб, касб билимларини эгаллаб ва ўз вазифаларини аниқлаб асослилиқка эга бўлади.

Асослилиқ (компетентлик) эгалланган билим ва кўникмаларни ишга солган ҳолда корхонада белгиланган мақсадларга эришиш қобилиятидир. Асослилиқнинг ички (касб малакаси) ва ташқи (четдан эгалланган) манбалари мавжуддир (3.4-расм).



3.4-расм. Инсон қобилияти доирасидаги асослилиқ


Ходимнинг касб асослилиги энг муҳим сифатдир. Касб асослилиги дейилганда муайян меҳнат жараёнида зарур бўлган ўзига хос қобилиятлар: махсус билим, кўникмалар ва маҳорат тушунилади.

Асослилиқнинг бошқа турлари ҳам мавжуд. Масалан, функциявий асослилиқ технологиялар, маркетинглар, молия тўғрисидаги махсус билимларни қамраб олади. Янги функциявий билимларни эгаллаш зарур малакага эришишнинг гаровидир.

Ҳаракатчанлик (мобиллик) – инсон қобилиятининг яна бир кўринишидир. Ходимнинг бу сифати – унинг ишлаб чиқаришнинг ўзгариб бораётган шароитларда – ҳам бевосита меҳнат функцияларини ўзгартришига, ҳам иш жойини янгилашга, тез мослашишга бўлган қобилиятидир.

“Ходимнинг ҳаракатчанлиги” тушунчасига назарий жиҳатдан уч хил ёндошув кузатилади (3.5-расм):

1. Ходимнинг иш жойларини ўзгартриш жараёни.
2. Ходимларнинг иш жойларини касб, малака, тармоқлараро бўйича ўзгартришга қодирлиги ва тайёрлиги.
3. Иқтисодийда аҳолининг иш билан бандлиги ҳудудий нисбатларини тартибга солишнинг иқтисодий механизми.



3.5-расм. Иш кучи ҳаракатчанлигига назарий ёндошувлар

Биринчи ёндошув тарафдорлари иш кучи ҳаракатчанлигини ходимларнинг аввалги иш жойидан янчисига ўтиш сифатида талқин қилади¹. Бунда улар янги иш жойига ўтиш меҳнат фаолияти (касб), иш берувчи, ҳудудни ўзгартиришни ҳам тақозо этишини илова қиладилар. Бунинг тўлиқроқ таърифи қуйидагича: “Меҳнат ҳаракатчанлиги – бу бошқа жойга ишга бориш, янги иш жойида бу ердаги меҳнат фаолияти давомида турар жой билан таъминланадиган, аввалги яшаш жойи сақланиб қоладиган вақтинчалик иш билан бандликдир”².

Ходим ҳаракатчанлигига иккинчи ёндошувда мазкур жараён ходимнинг инсон капиталига инвестициялар асосида ёки янги иш қидириш туфайли иш жойини ўзгартириш сифатида баҳоланади³.

Иш кучи ҳаракатчанлигини асосан меҳнат ресурсларининг ҳудудлараро ҳаракати нуқтаи назаридан баҳолайдиганлар учинчи ёндошув тарафдорларидир⁴.

Ушбу биринчи ва иккинчи нуқтаи назарлар мазкур жараённи микроиқтисодий, учинчиси эса макроиқтисодий таҳлили ифодаси эканлигидан далолат беради.

Шу билан бирга меҳнат иқтисодиёти халқаро атамашунослигида иш кучининг ҳаракатчанлиги иккита: “labor turnover” ва “labor mobility” атамалари билан ифодаланади. “Labor turnover” – ходимларнинг ишдан бўшатилиши ва янги ишчиларни ёллаш

маъносини берса, “labor mobility” – ходимлар иш жойининг ўзгартирилиши инсон капиталига инвестициялар киритилиши ёки янги иш жойини излаш жараёни билан боғлиқдир¹. Бунда инсон капитали модели ва иш кучи ҳаракатчанлиги моделидан меҳнат бозорида иш кучининг таклифини тушуниш ва прогноз қилиш нуқтаи назаридан фойдаланилади².

Америкалик иқтисодчилар С.Дэвис ва Ж.Холтивангернинг ҳисоблашларига кўра, ходимларнинг иш жойларини ўзгартиришларига боғлиқ кўплаб омиллар ҳамда иш билан бандлик, ишсизлик ва иқтисодий нофаолликнинг ҳолатини икки гуруҳга таснифлаш мумкин:

- биринчиси – меҳнат ҳаракатчанлигининг ходим шахси билан боғлиқ омиллари (касбий ўсиш, малака даражасининг етарлилиги ёки ортикчалиги, меҳнат фаолиятидан қониқиш ҳосил қилинмаслик, турар жойни ўзгартириш, таълим муассасасидаги ўқишни тугаллаш, пенсия ёшига етиш ва ҳоказолар). Бунда иш жойини ўзгартириш мазкур омиллар таъсири остида рўй беради, ammo бу корхона персонали сонини кўпайтириш ёки қисқартиришни талаб этмайди. Ушбу ҳолатда иш кучи миқдори ўзгармай қолиши мумкин;

- иккинчиси – бунда гап янги бозорларнинг пайдо бўлиши ёки мавжудларининг барбод бўлиши, корхоналар ва тармоқларнинг техникавий қайта жиҳозланиши, халқаро бозорлардаги рақобатнинг кучайиши ёки сусайиши, хўжалик юритишда жойлардаги тафовутлар тўғрисида боради. Одатда бу жараёнлар умумий иш жойлари сонининг ўзгариши ёки айрим хўжалик юритувчи субъектлар ва алоҳида тармоқлар ўртасида уларнинг қайта тақсимланишига олиб келади. Натижада иш кучининг ҳаракатчанлиги иш жойларидаги ўзгаришлар таъсири остида бўлади³.

Меҳнат фаолияти давомида иш кучининг ҳаракатчанлиги иш кучини ҳосил қилиш жараёнининг унсур сифатида намоён бўлади. Иш кучини ҳосил қилиш – бу уни ҳосил қилиш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнидир (3,6-расм).

Ушбу талқинда иш кучини ҳосил қилиш:

- таълим олиш, касб-хунарга ўрганиш, ихтисосликни эгаллаш;

¹ Рошин С.Ю., Разумова Т.О. Теория рынка труда: Учебно-методическое пособие. – М.: ТЕИС, 1998. – С.192.

² Трофимов Ю.А. Трудовая мобильность // Вестник московского центра занятости населения, 2003, №2, – С.13.

³ Адамчук В.В., Романов О.В. Экономика и социология труда: Учебник для вузов. – М.: «ЮНИТИ», 2001. – С.100.

⁴ Красня. Особенности миграционных процессов в России // Экономист, 1994, №5. – С.22.

¹ Narendranathan W. Modelling the process of job search // Journal of Econometrics, 1985. P.29.

² Becker G. Human Capital // Chicago: Chicago-Press, 1993. P.327

³ Davis S., Haltiwanger J. Measuring Gross Worker and Job Flows: NBER Working Paper. N5133. 1995. P.1.

- тақсимлаш – иш кучининг олган билими, эгаллаган касби ва ихтисослиги бўйича меҳнат фаолияти соҳалари, иқтисодиёт тармоқларида ҳудудлар ўртасида тақсимлаш ва айирбошлаш;

- истеъмол қилиш – иш кучидан бевосита иш жойида фойдаланишдир.



3.6-расм. Иш кучи ҳаракатчанлигининг иш кучини ҳосил қилиш унсури сифатидаги таснифи

Ходим ҳаракатчанлиги иш кучини ҳосил қилишнинг унсури сифатида объектив иқтисодий қонунлар таъсири остида шаклланади ва ривожланади. Иш кучининг ҳаракатчанлиги жараёнларини тартибга солишда меҳнатнинг ўзгариши қонуни, шунингдек меҳнатни тақсимлаш, вақтни тежаш, иш кучини ҳосил қилиш қонунлари алоҳида роль ўйнайди.

Меҳнатнинг ўзгариши қонуни меҳнат субъектларини меҳнат макони ўзгариши нуқтаи назаридан таснифлайди. Унга кўра, меҳнат ресурсларининг ҳаракатчанлиги:

- меҳнат мазмуни ва ижтимоий мақом ўзгариши билан боғлиқ ижтимоий-касбий;

- ходим мақоми билан боғлиқ мақом;

- ишлаб чиқаришни жойлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, иш билан бандлик вазиятидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳудудий (миграция) гуруҳларига бўлинади.

Иш кучи оқимларининг ҳудудлар ўртасида тақсимланиши ҳамда меҳнат фаолияти турини ўзгартириш мезонлари меҳнат ресурслари ҳаракатчанлигини таснифлаш учун асос вазифасини ўтайди.

Ижтимоий-касбий ўзгаришлар касб, ихтисослик, малака даражаси, хизмат вазифаси, лавозим, ходимнинг меҳнат ижтимоий тақсимоти тизимидаги ўрнидаги тафовутлар билан боғлиқдир.

Меҳнат бозорида рўй берадиган ўзгаришлар ҳам иш кучи ҳаракатчанлигининг алоҳида хусусиятларини шакллантирмоқда. Ундаги талабга мувофиқ меҳнат ресурсларининг юқорилаб борадиган ҳамда пастлашадиган ҳаракатчанлигига сабаб бўлмоқда. Юқорилаб борадиган иш кучи ҳаракатчанлигида ходим билим ва малакасини ошириш натижасида оддий иш жараёнлари бажариладиган, паст малака талаб қилинадиган иш ўрнидан мураккаб технологиялар қўлланиладиган, махсус билим ва малака талаб этадиган иш жойларига ўтади.

Шу билан бирга иқтисодиёт трансформацияси шароитларида олий маълумот ва юқори малакага эга мутахассисларнинг бундай билим ва малака талаб қилмайдиган, жумладан, хизмат кўрсатиш ва савдо каби соҳаларда иш билан банд бўлишлари кузатилади. Бу иш кучининг пастлашадиган ҳаракатчанлиги кўринишларидир.

Иш кучи ҳаракатчанлиги ташкиллаштирилган ва ташкиллаштирилмаган шаклларда ҳам бўлади. Микродаражадаги ташкиллаштирилган иш кучи ҳаракатчанлиги - ходимларни хўжалик юритувчи субъектда янги иш жойи, корxonанинг бошқа тузилмаси, бўлимига ўтказиш, ташкиллаштирилмагани эса кадрлар қўнимсизлиги билан боғлиқдир. Макродаражадаги иш кучи ҳаракатчанлигининг ташкиллаштирилган шакли - оилаларни бошқа ҳудудларда жойлашган корxonаларга кўчириш, ташкиллаштирилмагани – стихияли миграция шаклида (минтақаларо ҳамда минтақалар ичида) бўлади.

Ходим ҳаракатчанлигининг шакллари 3.6-расмда келтирилган.



3.7-расм. Иш кучи ҳаракатчанлигининг шакллари

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши инсон қобилиятининг яна бир муҳим таркибий қисми - *инновацион хусусиятини* шакллантиришни рағбатлантиради. Мазкур хусусият кўп жиҳатдан ходим қандай ишлаб чиқариш муҳитида меҳнат қилишига боғлиқдир. Корхонада инновацион қобилият қанчалик юқори бўлса, ходимдаги бу хусусият ҳам шунча тез ривожланади.

Инсон қобилиятидан самарали фойдаланиш ҳар бир мамлакат иқтисодий ривожланиши моделига боғлиқдир. Одатда иқтисодий ривожланишнинг қуйидаги моделлари фарқланади (3.1-жадвал).

Иқтисодий ривожланиш моделлари

Иқтисодий ривожланиш моделлари	Модель хусусиятлари	Мазкур модель мансуб бўлган давлатлар
Аграр	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт, саноат маҳсулотлари импорти	Монголия, Греция
Хомашё	Хомашё экспорти, тайёр маҳсулот импорти	Россия, Эрон
Технологик	Технологиялар импорти, катта фан сиғимиغا эга маҳсулотлар	Япония, Сингапур, Жанубий Корея
Инновацион	Билимларни яратиш, технологиялар экспорт, катта фан сиғимиغا эга саноат	АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция

1. *Иқтисодиётнинг аграр йўналиши* асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилиниб, бундан тушган пул маблағларига чет элдан эҳтиёж учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари харид қилинади. Иқтисодий ривожланишнинг бундай моделида инсон салоҳиятидан фойдаланиш даражаси энг паст бўлади. Чунки бу моделда миллий саноатни зарур даражада ривожлантириш назарда тутилмайди.

2. *Иқтисодиётнинг хомашёга йўналтирилганлиги* катта табиий ресурслар заҳираларига эга мамлакатлар учун хосдир. Бу мамлакатларда табиий ресурсларнинг экспорти улар ялли ички маҳсулотининг асосий қисмини таъминлайди. Бу давлатларда турмуш даражаси, одатда, аграр иқтисодиётга ихтисослашган мамлакатларга қараганда юқорироқ бўлади. Аммо ана шу ҳар икки моделда инсон салоҳиятининг ривожлантирилиши даражаси ва улардан фойдаланишда деярли фарқ бўлмайди. Чунки иқтисодиётнинг хомашёга йўналтирилишида асосий эътибор бевосита шу тармоқларга қаратилиб, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳалари зарур даражада ривожлантирилмайди.

Иқтисодий ривожланиш моделларининг самарадорлиги
(махсулот қиймати бўйича)

Моделлар турлари	Махсулот турлари	1 кг.қиймати (АҚШ доллари)
Хом-ашё	Нефть	0,1
	Ишлов берилмаган ёғоч	0,1
Технологик	Ишлов берилган ёғоч	1,0
	Енгил автомобиллар	15-30
	Компьютерлар	100-500
	Электрон техника	500-2000
Инновацион	Микропроцессорлар	10000-20000
	Авиация техникаси	10000-20000
	Космик техника	100000-500000
	Янги дорилар	10000-50000
	Сунъий материаллар	1000000 дан ортиқ

3. Иқтисодиётнинг технологик йўналиши устувор бўлган мамлакатларда илм-фан ривожланган бўлади, шу билан бирга инсон салоҳиятидан самарали фойдаланилади. Шунинг учун Япония, Сингапур, Жанубий Корея каби давлатларда инсон салоҳияти миллий бойликнинг ягона манбаидир. Ушбу бойлик замонавий технологияларни импорт қилиш ва улар асосида юқори сифатли махсулот ишлаб чиқариш, шундан кейин бундай товарларни нафақат ички, балки ташқи бозорларга ҳам чиқариш ҳисобига шакллантирилади.

Иқтисодиётнинг технологик йўналтирилиши юқори инсон салоҳиятига эга ходимларга эҳтиёжни кучайтиради. Бундай инсон салоҳияти ҳосил қилинишини таракқий этган таълим тизими таъминлайди. Бундай тизимда аҳолининг оддий саводхонлиги асло етарли эмас. Ушбу мамлакатларда олий таълим тизимини, айниқса, техника университетлари ва касб-ҳунар коллежларини ривожлантириш талаб қилинади. Шунинг учун ҳам аҳолиси 5 миллион кишини ташкил этадиган Сингапурда 13 та университет мавжуддир. Уларнинг учтаси миллий университетлар бўлиб, қолган 10таси ривожланган мамлакатларнинг энг нуфузли университетларининг филиаллари ҳисобланади¹.

Жанубий Кореяда ўтган асрнинг ўртасида 15 та университет бўлган, ҳозирги пайтда эса уларнинг сони 8 баробарга кўпайди.

4. Инсон салоҳиятининг сифати ва ундан самарали фойдаланишга энг юксак талаблар *инновацион иқтисодиёт*да қўйилади. Мазкур иқтисодиёт фақат замонавий миллий технологиялардан кенг фойдаланишгина эмас, балки фан ютуқлари асосида уларни яратишни ҳам талаб этади. Шунинг учун бундай иқтисодиёт илм-фан ва таълим тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган ҳамда жамият томонидан қўллаб-қувватланадиган мамлакатларда шакллантирилиши мумкин. Иқтисодиётнинг бевосита ана шундай тури АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, бошқа таракқий этган давлатлар учун хосдир.

3.2-жадвалда ривожланишнинг технологик, айниқса, инновацион моделлари афзалликлари акс этган.

Бугунги кунда у ёки бу мамлакатда инсон ресурсларидан қай даражада фойдаланиш мазкур давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳолиси турмуш даражаси ва турмуш сифати, шунингдек мазкур давлатнинг жаҳон ҳамжамиятида эгаллайдиган ўрнига боғлиқ бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш дастури шафелигида жаҳондаги турли мамлакатлар ва минтақаларда миллий бойликни таққослама баҳолаш ҳамда унинг асосий таркибий қисмлари ўртасидаги нисбатни аниқлаш мақсадида махсус тадқиқот амалга оширилди. Бунинг учун қуйидаги омиллардан фойдаланилди:

- табиий ресурслар;
- ишлаб чиқариш инфратузилмаси;
- мамлакатнинг инсон салоҳияти.

Тадқиқотлар натижасида жаҳон ҳамжамияти эга бўлган бойликнинг 64,0 % инсон салоҳияти ҳиссасига тўғри келиши аниқланди. Табиий ресурслар ва жаҳондаги мавжуд барча ишлаб

¹ Хонг М. Развитие человеческих ресурсов в Сингапуре // Школа духовности, 2002, №6. - С.4-6.

чиқариш-технологик инфратузилма улушига эса жаҳон умумий бойлиги ҳажмининг атиги учдан бир қисми тўғри келди (3.3-жадвал).

3.3-жадвал
Жаҳон минтақалари бойлигининг таркиби (аҳоли жон бошига)

Жаҳон минтақалари	Жа-ми, минг АҚШ долл.	Ишлаб чиқариш салоҳияти		Табиий салоҳият		Инсон салоҳияти	
		минг АҚШ долл.	%	минг АҚШ долл.	%	минг АҚШ долл.	%
Шимолий Америка	326	62	19,0	16	5,0	241	76,0
Ғарбий Европа	237	55	23,0	6	2,0	177	74,0
Яқин Шарқ	150	27	18,0	58	39,0	65	43,0
Жанубий Америка	95	16	17,0	9	9,0	70	74,0
Шарқий Осиё	47	7	15,0	4	8,0	36	77,0
Жаҳон бўйича ўртача жами, %	100 %	x	19,0	x	12,0	x	69,0

Шимолий Америка ва Ғарбий Европада ҳам ишлаб чиқариш, ҳам инсон ресурслари энг юқоридир. Шунинг учун ҳам мазкур минтақавий давлатлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларда ҳам етакчи ўринларни эгаллайди. Яқин Шарқ мамлакатларининг асосий бойлиги эса табиий ресурслардир. Лекин бу давлатларда инсон салоҳияти энг паст даражададир.

XXI асда инсон салоҳияти миллий бойликнинг асосий қисми ва ҳар бир мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилга айланганлигини тасдиқлаш мумкин.

3.2. Инсон тараққиёти индекси ва унинг таркибий қисмларини ҳисоблаш услубиёти

Узоқ йиллар давомида иқтисодий ўсишга эришиш инсон ва бутун жамиятни ривожлантиришга олиб келади, деб ҳисобланган. Бундай ёндошув асосида ишлаб чиқариш даромадларни кўпайтиради, юқори даромад эса, ўз навбатида, иқтисодий фаровонликни оширади, деган фикр ётарди.

Шунинг учун иқтисодий ўсиш фақат ривожланишни таъминлаш воситасигагина эмас, балки ривожланиш мақсадига айланди. Айрим мутахассисларгина иқтисодий ўсишга фақат ривожланиш воситаси деб қарар эдилар. 1955 йилда Нобель мукофотининг лауреати Артур Льюис¹ ривожланишнинг мақсади "*инсон танловини кенгайтириш*" деган хулосага келган.

Иқтисодий ўсиш иқтисодий ривожланишнинг синоними эмаслигини англаш жаҳонда иқтисодий-сиёсий беқарорлик ва аҳолининг камбағаллашиши кўпайиши билан чуқурроқ анлана бошланди. Айрим ривожланаётган мамлакатларнинг амалиёти ишлаб чиқариш ривожланиб бораётган шароитларда ҳам одамларнинг турмуши оғирлашиши мумкинлигидан далолат берарди. Ушбу мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлишига қарамадан тенгсизлик, аҳолининг иш билан тўлиқ банд бўлмаслиги ва оммавий қашшоқлик кўзга ташланарди. Ҳолбуки, бошқа мамлакатлар миллий даромадлари миқдори нисбатан юқори эмаслигига қарамадан, турмуш даражасини оширишда қониқарли натижаларга эришардилар.

Иқтисодий ўсиш ўз-ўзидан ресурслар адолатли тақсимланиши таъминланмаслиги тобора ойдинлашарди. Бундай адолат тақсимлашга фуқаролар тенглигини таъминлаётган, шу жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида мақсадли дастурларни амалга ошираётган давлатларнинг ҳукуматлари муваффақ бўлаётган эди.

Иқтисодий жиҳатдан бой бўлган, даромад даражаси юқори мамлакатларда эса жиноятчиликнинг ўсиши, атроф-муҳитнинг

¹Сэр Уильям Артур Льюис (Sir William Arthur Lewis, 1915-199) – инглиз иқтисодчиси, "ривожланаётган давлатларга нисбатан иқтисодий ривожлантиришнинг новаторлик тадқиқоти учун" 1979 йилги Нобель мукофотининг лауреати. Асосий асарлари: "Иқтисодий режалаш принциплари" ("The Principles of Economic Planning", 1949), "Иқтисодий ўсиш назарияси" ("The Theory of economic Growth", 1955)

ифлосланиши, турли касалликларнинг тарқалиши, аҳоли ижтимоий ҳолатининг ёмонлашиши каби салбий ҳодисалар кузатиларди.

Юқорида баён этилганлар ҳисобга олинган ҳолда, XX асрнинг 70-йилларида ишлаб чиқилган иқтисодий концепцияларда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги, даромад ва неъматларни тақсимлаш муаммоларига эътибор кучайди. Бунинг натижасида “ўсиш ҳисобига қайта тақсимлаш” номини олган концепция пайдо бўлди. Ушбу концепциянинг мақсади одамлар, биринчи навбатда аҳолининг ночор қатламлари турмуш шароитларини меҳнат сизими юқори бўлган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, яъни бу билан ялпи ички маҳсулот, иш ҳақи ва аҳоли даромадларини ошириш, давлат томонидан ижтимоий соҳани кенг қўллаб-қувватлашни таъминлашга қаратилди.

Ўтган аср 70-йилларининг ўрталарида “асосий эҳтиёжлар концепцияси” ҳам илгари сурилди. Унда асосий эътибор давлатнинг барча фуқароларига тирикчилик учун энг оддий шароитларни: овқатланиш, тиббий хизмат кўрсатиш, таълимни тақдим этиш учун масъулиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Бирок “ўсиш ҳисобига қайта тақсимлаш” концепцияси ҳам, “асосий эҳтиёжлар концепцияси” ҳам кенг оммалашмади. Бу ривожланишни иқтисодий ва ижтимоий қисмларига сунъий бўлиш оқибати эди. Асосий эҳтиёжлар деганда инсон турмушининг сифат кўрсаткичлари эмас, балки товарлар ва хизматлар тақдим этиш тушуниларди. Шу билан бир қаторда асосий эътибор давлат имкониятларига қаратилган, аҳоли эса ривожланишни таъминлаш бўйича фаолиятнинг фаол иштирокчилари эмас, балки товар ва хизматлар олувчилар сифатида кўриларди. Бундан ташқари, ана шундай чоралар иқтисодий фаолликни пасайтирар, айни пайтда давлатнинг ижтимоий соҳага харажатлари ҳаддан ташқари ортиб кетаётган эди.

XX асрнинг 80-йиллари бошларига келиб иқтисодий ўсиш кадрият деб эътироф этила олмаслиги тўғрисидаги хулосага келинди. Ушбу даврда кўпгина мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари пасайди ва таркибий инқироз юз берди.

Шунинг учун ривожланиш сиёсатида давлат қарзи ва харажатларини қисқартириш, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайишига барҳам бериш каби сифат жиҳатидан янги устуворликлар биринчи ўринга кўтарилди. “Таркибий қайта

куриш” ва иқтисодиётнинг либераллаштирилиши аввалроқ илгари сурилган инсон капитали назариянинг эътиборни кучайтирди. Юқорида қайд қилинганидек, ушбу назарияни асосига таълим, соғлиқни сақлаш, касбий тайёргаликка инвестициялар киритишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган, инсонга ишлаб чиқаришнинг энг муҳим омил сифатида қараларди.

Ана шундай сиёсатга жавобан ЮНИСЕФ¹ “Инсонни қайта қуриш” хужжатини эълон қилди. Унинг муаллифлари – Андрей Жованни Корнеа, Френсис Стюарт, Ричард Жолли таркибий иқтисодий ўзгартиришларни инкор этмаган ҳолда Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкни қашшоқлик муаммолари ва инсоннинг турмуш шароитларини яхшилашга кўпроқ эътибор беришга даъват қилди.

Бундай ёндошувнинг асосий принципи ижтимоий ҳимоя чоралари таркибий қайта қуриш стратегиясига қўшимча восита сифатида қаралмаслиги зарурлигига қаратилган эди. Шу билан бирга инсон эҳтиёжларига йўналтирилган, узоқ муддатли истиқболга мўлжаллаб тузилган янги комплекс ривожланиш механизмини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

1987 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланишни режалаштириш бўйича қўмитаси ўзининг 1988 йилдаги маърузасида таркибий қайта қуришнинг инсонга чиқимларини қараб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу қарор Маҳбуб ул-Ҳақ, шунингдек, К.Гриффин ва Ж.Найт раҳбарлигида тадқиқотлар ўтказиш учун рағбат бўлди. Бу тадқиқотлар натижалари “Инсон тараққиётининг салоҳияти: ривожланиш стратегиясининг эъдан чиқарилган мезонлари” маърузаси пойиҳаси сифатида эълон қилинди. Кейинчалик К.Гриффин ва Ж.Найт ўз тадқиқотларининг натижаларини 1989 йилда “Ривожланишни режалаштириш бўйича журнал”нинг махсус сонига эълон қилдилар. Ушбу илмий иш 1990 йилда алоҳида китоб сифатида чоп этилди.

Иқтисодиёт бўйича 1998 йилги Нобель мукофотининг лауреати Амартя Сен²нинг назарий ишланмалари инсон салоҳиятини

¹ ЮНИСЕФ (United Nation Childrens Fund) – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси.

² Амартя Кумар Сен (Amartya Kumar Sen, 1933 йилда туғилган) – ҳиндистонлик иқтисодчи, “фаровонлик иқтисодий назариясига ҳиссаси учун” 1998 йилги Нобель мукофоти лауреати. Асосий асарлари: “Қамбағаллик ва очлик” (“Poverty and Famines”,

ривожлантириш муаммосига улкан таъсир кўрсатди. У томонидан 1989 йилда “Ривожланиш имкониятларини кенгайтириш сифатида” асари эълон қилинди. Бу асарда “имконият нуқтаи назаридан” ёндошиш деб номланган усул қўлланилган эди.

А.Сен ривожланиш жараёнини фақат моддий ёки иқтисодий фаровонликнинг ортиши нуқтаи назаридан эмас, балки инсон имкониятларини кенгайтириш жараёни сифатида таҳлил этди. Унинг нуқтаи назарига кўра, жамиятдаги турмуш даражасини даромадларнинг ўртача даражасига қараб эмас, балки одамларнинг ўзлари муносиб деб ҳисоблаган ҳаёт кечиришлари учун мавжуд имкониятлари бўйича баҳолаш лозим. Ҳиндистонлик иқтисодчи ижтимоий ривожланишнинг мақсади ишлаб чиқаришни чексиз кўпайтириш эмас, балки одамларнинг кўпроқ иш бажариш, билим эгаллаш, узоқ умр кўриш, касалликлардан холи бўлиш ва ҳоказолар учун имкониятлар яратишда деб ҳисоблади: “Баҳолаш тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири – инсон кадриятларини ҳисобга олишдир. 1980–йилларда ва ундан кейин “инсон тараққиёти” вазифасини мазкур муаммони онгли равишда қараб чиқиш ҳамда ҳаётимизда энг катта аҳамиятга эга бўлган эркинликлар ва имкониятларни кенгайтиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Вазият тақозоси билан одамлар имкониятлари чеклаб қўйилган ҳаётий доираларни кенгайтириш ҳозирги даврда инсон тараққиётининг асосий вазифаси ҳисобланади”¹.

А.Сен концепциясида ривожланишга марказида инсон бўлган жараён сифатида қаралади.

Кейинчалик бу ва бошқа ғоялар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш дастурининг экспертлар гуруҳлари томонидан бирлаштирилиб, инсон тараққиётига концептуал ёндошув асосини ташкил этди. Мазкур ёндошув 1990 йилги *Инсон тараққиёти тўғрисидаги глобал маъруза*да ўз ифодасини топди.

БМТ Ривожланиш дастурининг таърифича: “Инсон тараққиёти – одамларни кенгрок танлаш имконияти билан таъминлаш жараёнидир. Бундай танлов чексиз бўлиши ва вақт ўтиши билан ўзгариши принципиал аҳамиятга эгадир. Бироқ ривожланишнинг барча даражаларида узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, билим эгаллаш

1981), “Тенгсизлик муаммосига қайтиш” (“Inequality Reexamined”, 1992), “Ривожланиш эркинлик сифатида” (“Development as Freedom”, 1999).

¹ Амартия Сен. Развитие как расширение человеческого выбора, 1989.

ва муносиб турмуш кечириш учун зарур бўлган ресурслардан фойдаланиш имкониятлари инсон тараққиётининг асосий моҳиятидир. Агар инсонда бундай асосий танлов бўлмаса, у бошқа имкониятлардан ҳам фойдалана олмайди”¹.


Мазкур концепция инсон тараққиёти икки томонлама ёндошувни кўзда тутди. Бу, бир томондан, соғлиқни мустаҳкамлаш, билим эгаллаш, касб кўникмаларини такомиллаштириш орқали инсон имкониятларини кенгайтириш бўлса, иккинчи тарафдан, одамлар томонидан эгаллаган қобилиятларини ишлаб чиқариш, маданий, сиёсий фаолияти ва дам олиш мақсадлари учун ишлатишдир. Бошқача қилиб айтганда, мазкур концепция инсон тараққиётига фақат ишлаб чиқариш фаолияти учун ресурсларни шакллантириш ва моддий бойликларни кўпайтиришга интилишнинг ўзинигина камраб олмайди.

Инсон тараққиёти концепциясининг асосий усуллари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш декларациясида эълон қилинган эди. Мазкур декларацияда ХХI асрда халқаро муносабатлар учун қатор асосий кадриятлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши кўрсатилган. Мазкур кадриятларга қуйидагилар тааллуқлидир:

Эркинлик. Эркаklar ва аёллар очликдан ва зўравонлик кўркуви, зулм ва адолатликсиздан холи бўлган, инсон учун муносиб шароитларда яшаш ва болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эгадир. Халқнинг кенг иштироки ва иродасига асосланган бошқарувнинг демократик шакли бу ҳуқуқларнинг энг яхши қафолати ҳисобланади.

Тенглик. Бирорта ҳам одам, бирорта ҳам мамлакат ривожланиш неъматларидан фойдаланиш имкониятларидан маҳрум қилинмаслиги керак. Эркаklar ва аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглиги кафотланиши зарур.

¹ ПРООН. Доклад о человеческом развитии за 1990 г. //http://www.unfpa.org.



3.8-расм. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкилий тузилмаси

Бирдамлик. Глобал муаммолар тенглик ва ижтимоий адолатнинг асосий принципларига мувофиқ, чиқимлар ва масъулиятни адолатли тақсимлаш асосида ҳал этилиши керак. Азоб чекаётганлар ёки энг ноқулай шароитга тушиб қолганлар энг қулай вазиятда бўлганлардан ёрдам олиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Сабр-тоқатлилиқ. Динлар, маданиятлар ва тиллар хилма-хиллигига қарамасдан одамлар бир бирларини ҳурмат қилишлари керак. Жамиятлар доирасида ва жамиятлар ўртасидаги тафовут кўрkitишга ҳам, таъқиб қилишга ҳам асос бўлмаслиги зарур, балки бу турфаликка инсониятнинг энг қимматли бойлиги сифатида ёндашилиши зарур. Жаҳон маданияти ҳамда барча цивилизациялар ўртасидаги мулоқот фаол рағбатлантириб борилиши керак.

Табиатга ҳурмат. Барқарор ривожланиш қоидаларига мувофиқ, барча тирик мавжудот ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш негизига эҳтиёткорлик қўйилиши лозим. Фақат шу йўл билангина бизга табиат томонидан инъом этилган улкан бойликларни келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш мумкин. Ҳозирги ишлаб чиқаришнинг ва истеъмолнинг беқарор моделлари келажакда бизнинг фаровонлигимиз ва авлодларимизнинг фаровонлиги манфаатларида ўзгартирилиши керак.

Умумий мажбурият. Глобал иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни бошқариш, шунингдек халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдидларни бартараф этиш бўйича масъулият жаҳон халқлари ўртасида тақсимланиши ҳамда кўп томонлик асосида амалга оширилиши зарур. Мазкур ишда жаҳондаги энг универсал ва энг ваколатли ташкилот ҳисобланган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти марказий роль ўйнаши лозим¹.

Жаҳондаги турли мамлакатларда турмуш сифатини баҳолаш учун покстонлик иқтисодчи Маҳбуб ул-Ҳақ² бошчилигидаги БМТ экспертлар гуруҳи томонидан интеграл кўрсаткич – *Инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси (ИСРИ)* ишлаб чиқилди. Бу ўринда мазкур индекснинг концептуал таркиби Амартия Сан изланишлари натижаси асосида яратилганлигини таъкидлаш керак.

Маҳбуб ул-Ҳақнинг таъкидлашича, “Инсон ривожлантириш концепцияси бугунги кунда энг яхлит ривожланиш модели ҳисобланади. У иқтисодий ўсиш, ижтимоий инвестициялар, одамлар имкониятларини кенгайтириш, асосий эҳтиёжларни қондириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил этиш, сиёсий ва маданий эркинликлар ҳамда инсон ҳаёти барча бошқа соҳаларини

¹ БМТнинг Мингйиллик ривожланиш декларацияси (БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 8 сентябрдаги 55/2 резолюцияси билан қабул қилинган // <http://www.un.org>).

² Маҳбуб ул-Ҳақ (1934-1996) – покстонлик буюк иқтисодчи, Инсонни ривожлантириш маърузасининг асосчиси, “Иқтисодий режалаштириш стратегияси”, “Инсонни ривожлантириш тўғрисида мулоҳазалар”, “Ривожлантириш мақсадларида ҳамкорлик учун янги асослар” асарларининг муаллифи.

камраб оладиган ривожланишнинг барча масалаларини мужассамлаштирган. У тор маънодаги технократик ёки ҳаддан ташқари фалсафий концепция эмас. У ҳаётни акс эттиради”.

Мазкур масалада турмуш даражаси (ёки фаровонлик даражаси) билан турмуш сифатини фарқлай олиши керак. *Турмуш даражаси* моддий фаровонлик даражасини, яъни одамларнинг моддий эҳтиёжи қондирилганлигининг даражасини ифода этади. Унинг мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичини аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи ифода қилади.

Турмуш сифати эса “номоддий” ёки пулда ифодаланмайдиган ҳамда фақат пул билан белгиланмайдиган хусусиятлар: одамларнинг саломатлиги ва умр кўриш давомийлиги, дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш, маданий ривожланиш, ўзлигини намоён қилиш, билимлар ва маънавий бойликнинг бошқа неъматларидан фойдаланиш имкониятларини камраб олади.


Инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси ҳар йили турли мамлакатларда турмуш даражаси, саводхонлик, таълим, умр кўриш давомийлиги каби инсон салоҳиятининг асосий хусусиятларини ўлчаш ва таққослаш учун ҳар йили ҳисоблаб чиқилади. У турли мамлакатлар ва минтақалар турмуш даражаси ўртасидаги умумий фарқларни аниқлашда стандарт ва восита вазифасини ўтайди. Мазкур индексе БМТнинг Ривожланиш дастури доирасида инсон салоҳиятини ривожлантириш тўғрисидаги ҳисоботларда эълон қилинади.

ИСРИни ҳисоблаб чиқишда кўрсаткичларнинг уч тури инobatга олинади (3.9-расм):

- *инсон туғилган пайтда кутिलाётган ўртача умр кўриш* – бу чақалоқ туғилган пайтда аниқ ёш гуруҳлари учун ўлим кўрсаткичлари унинг бутун ҳаёти давомида ўзгармай қолиши назарда тутилган умр кўриши давомийлигидир;

- *таълим олишнинг ўртача давомийлиги* – бу 26 ва ундан катта ёшдагилар таълим олган ўртача давр. Буни ҳисоблаб чиқиш учун аҳоли саводхонлик даражаси ҳамда таълим ҳар бир даражасининг назарий давомийлиги асос қилиб олинади;

- *таълим олишнинг кутिलाётган давомийлиги* – мактабда ўқиш учун расмий белгиланган ёшга етган боланинг, агар аҳолини таълим билан камраб олиш кўрсаткичлари сақланиб қолган тақдирда таълим олиши мумкин бўлган даврдир.



3.9-расм. Инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси

- *муносиб турмуш даражаси* – бу ишлаб чиқариш давомида ва ишлаб чиқариш омилларига эгалик қилинганда иқтисодийнинг жамланма даромадидан ўзгаларга тегишли ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланганлик учун чиқариб ташланган қисмининг халқаро долларга конвертация қилиниб, мамлакат аҳолисининг йил ўртасидаги сонига бўлинган улушидир. Мазкур кўрсаткич аҳоли жон бошига ялпи миллий даромаднинг харид қобилияти паритети бўйича АҚШ доллариди баҳоланади.

Инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси инсон тараққиётининг интеграл жамланма кўрсаткичидир. У юқорида қайд қилинган учта асосий кўрсаткич бўйича мамлакатда эришилган ўртача даражани ифода этади.

Мазкур уч мезон бўйича интеграл индексни аниқлаш учун даставвал ҳар бир мезоннинг индекси ҳисоблаб чиқиши керак. Кўрсаткичларни 0 дан 1,0 гача бўлган миқдорини индексларга

айлантириш учун мезонларнинг энг кам ва энг кўп миқдорларини ўрнатиш талаб қилинади. Индекснинг интеграл кўрсаткичини ҳисоблаб чиқиш учун ўртача биометрик миқдорлар ишлатилиши сабабли энг кўп миқдор ҳар қандай икки мамлакат ёки вақт даврлари ўртасидаги таққослашга (фонизларда) таъсир кўрсатмайди.

Энг кўп миқдор мамлакатларнинг амалда кузатилаётган олий даражаларига вақт катори бўйича белгиланади. Масалан, БМТ Ривожланиш дастурининг 2011 йилги “Барқарор ривожланиш ва тенг имкониятлар: ҳамма учун энг яхши келажак” деб номланган Инсон тараққиёти глобал маърузасида 1980-2011 йиллардаги кўрсаткичлардан фойдаланилган (3.4-жадвал).

3.4-жадвал

БМТ Ривожланиш дастурининг 2011 йилги Инсон тараққиёти глобал маърузасида фойдаланилган энг юқори миқдор кўрсаткичлари¹

Ўлчамлар	Кузатилган энг юқори миқдор кўрсаткичи	Энг кам миқдор кўрсаткичи
Туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги (йил)	83,4 (Япония, 2011 йил)	20,0
Таълимнинг ўртача давомийлиги (йил)	13,1 (Чехия Республикаси, 2005 йил)	0
Таълимнинг кутилаётган давомийлиги (йил)	18,0 (энг кўп миқдор)	0
Таълимнинг жамланма индекси	0,978 (Янги Зеландия, 2010 йил)	0

¹ Доклад о человеческом развитии – 2011. Устойчивое развитие и равенство возможностей: лучшее будущее для всех – М.: «Весь мир», 2011. – С.168.

Аҳоли жон бошига даромад (харид қобилияти паритети бўйича, АҚШ доллари)	107721 (Қатар, 1980 йил)	100
---	-----------------------------	-----

Таққослашга мезонларнинг энг кам миқдорлари таъсир кўрсатади. Шунинг учун индексларни ҳисоблаб чиқишда тирикчилик кўришнинг энг кам миқдори ёки “табiiй 0” каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Куйидаги энг кам миқдорлар белгиланган:

- туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги - 20 йил. Туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги энг кам миқдорининг ўзгариши Maddison ва Riley¹ асарларига таянган ҳолда узок муддатли тарихий маълумотларга асосланган. Бу маълумотларда 20 ёш энг кам миқдор деб кўрсатилган. Агар жамиятда ёки жамиятнинг бирор қатламида туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги одатдаги репродуктив ёшдан паст бўлса, ушбу жамият қирилишга юз тутаяди. Бундан пастроқ кўрсаткичлар Руандада рўй берган геноцид каби қатор инқирозли шароитларда ҳам учраган, бироқ улар барқарор бўлмаган истисно ҳолдаги мисоллардир;

- таълим соҳасидаги иккала кўрсаткич учун – 0 йил (таълимнинг энг кам даражаси тўғрисидаги тасаввур жамият амалда расмий таълимсиз ҳам амал этиши мумкинлигига асосланган);

- аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад – 100 АҚШ доллари. Агар расмий статистикада иқтисодиёти энг кам миқдорга яқин бўлган мамлакатларда натура ва бозорга хос бўлмаган ишлаб чиқаришларнинг салмоқли ҳажми ҳисобга олинмаслиги назарда тутилса, даромад энг кам кўрсаткичининг шундай белгиланиши ўзини оқлайди.

Инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси уч ўлчов индекслари ўртача геометрик миқдори жамланмасидир:

$$(I_{\text{Турмуш}}^{1/3} + I_{\text{Таълим}}^{1/3} + I_{\text{Даромад}}^{1/3})$$

¹ Maddison, A. 2010. Historical Statistics of World Economy: 1-2008 AD. Paris: OSCP. Riley, J.C. 2005. Poverty and Life Expectancy. Cambridge, UK: Cambridge University Press. Noorbakhsh (1998); The Human Development Index: Some Technical Issues and Alternative Indices // *Journal of International Development* 10, 589-605

Мазкур 2-формула ИСРИ барча кўрсаткичларининг тўлиқ бўлмаган ўзаро бир-бирини алмаштиришини назарда тутати. Шу тариқа у чизикли жамланиш формуласига нисбатан энг жиддий эътирозларни ҳисобга олади. Маълумки, чизикли жамланиш формуласи кўрсаткичларнинг бир-бирини тўла ўрнини босишини назарда тутати. Айрим ўзаро бир-бирининг ўрнини босиш ҳар қандай индексни аниқлаш учун муқаррар равишда хос бўлиб, унинг таркибий қисмлари миқдори ортиши билан кўпайиб боради.

Инсонни ривожлантириш индексини ҳисоблаб чиқишга мисол тариқасида Вьетнамнинг кўрсаткичларини олайлик. Яъни, бу мамлакатда 2011 йилги расмий статистика маълумотларига кўра:

- туғилганда кутилаётган умр давомийлиги – 75,2 ёш;
- таълим олишнинг ўртача давомийлиги – 5,5 йил;
- кутилаётган таълим давомийлиги – 10,4 йил;
- аҳоли жон бошига ялпи миллий даромаднинг харид қобилияти паритети – 2805 АҚШ доллари.

Бу ҳолда ушбу мамлакатда кутилаётган умр давомийлиги индекси қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

$$\frac{75,2 - 20}{83,4 - 20} = 0,870$$

Таълим олишнинг ўртача давомийлиги:

$$\frac{5,5 - 0}{13,1 - 0} = 0,478$$

Кутилаётган таълим давомийлиги:

$$\frac{10,4 - 0}{18 - 0} = 0,576$$

Таълим индекси:

$$\frac{\sqrt{0,478 \cdot 0,576} - 0}{0,970 - 0} = 0,503$$

Даромад индекси:

$$\frac{\ln(2805) - \ln(100)}{\ln(107\,721) - \ln(100)} = 0,478$$

Юқоридаги кичик индексларнинг жамланмаси Инсонни ривожлантириш индексини ташкил этади:

$$\sqrt[3]{0,870 \cdot 0,503 \cdot 0,478} = 0,593$$

ИСРИда янги индикаторлардан ва янги функциявий шакллардан фойдаланилган ҳолда услубиётнинг такомиллаштирилиши жиддий ўзгаришларга олиб келди. Ўртача геометрик кўрсаткичларни қўллаш индексларнинг қуйроқ миқдорларини келтириб чиқаради. Бунда энг катта ўзгаришлар ривожланиши бир хил даражада бўлмаган мамлакатларда кузатилди.

Инсон ривожлантириш аввалги индексларида қўлланилган катта ёшдаги аҳоли саводхонлигининг кўрсаткичи (бу кўрсаткичга шунчаки саводчилар ва саводсизлар табақаламаган ҳолда киритилган) таълим соҳасида эришилган натижаларнинг манзарасини тўлиқ ифодалаш учун етарли даражада ишонарли бўлмади. Мактаб таълими ўртача давомийлиги ва мактабда таълим олишнинг кутилаётган муддатини ИСРга кўшиш натижасидан таълим даражаси ва бу соҳадаги сўнгги ўзгаришлар тўғрисида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин бўлди.

Эндиликда даромад даражаси аввал қўлланиб келинган аҳоли жон бошига ЯИМ (харид қобилияти паритети бўйича, АҚШ доллари ҳисобида) ўрнига жон бошига ялпи миллий даромад (харид қобилияти паритети бўйича, АҚШ доллари ҳисобида) ёрдамида баҳоланмоқда. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) мамлакатда ишлаб чиқилган, лекин уларнинг қанчаси шу мамлакатда қолишидан қатъи назар, товарлар ва хизматларнинг пулдаги ифодасидир. Ялпи ички даромад (ЯИД) мамлакат аҳолиси олган даромадларни, шу жумладан, пул жўнатмалари ва ташқи ёрдамдан олинган маблағларни ифода этади. Яъни ЯИД мамлакат иқтисодий фаровонлигининг аниқроқ ўлчамидир. 2010 йилги Глобал маърузада қайд қилинганидек, ЯИМ ёки ЯИД орқали мамлакат аҳолиси даромадлари ўлчанганида, улар ўртасида катта фарқлар бўлиши мумкин экан.

Мамлакатлар бўйича иқтисодий статистикани таққослаш учун маълумотлар аввал ягона валюта ҳолига келтирилиши керак. Валюта курсларининг бозорда айирбошланишидан фарқли равишда

харид қобилияти паритетининг айирбошлаш курслари мамлакатлар ўртасидаги нарх-наволардаги фарқларни ҳисобга олиш имконини беради. Шунинг учун жон бошига ЯИД (харид қобилияти паритети бўйича, АҚШ доллари ҳисобида) одамлар турмуш даражасини аниқроқ ифода этади.

Назарий жиҳатдан харид қобилияти паритети бўйича 1 АҚШ доллари (уни *халқаро доллар* ҳам деб аташади) у ёки бу мамлакат иқтисодиётида АҚШ иқтисодиётидаги 1 АҚШ долларига тенг харид қобилиятига эгадир. Харид қобилияти паритетининг янги миқдор кўрсаткичлари 2008 йилдан бошлаб қўлланилиб келмоқда. Харид қобилияти паритети ҳисоблаб чиқилган, 2005 йилда сўнги марта ўтказилган Халқаро таққослаш дастури доирасидаги тадқиқотларда 146 мамлакат, аввалги тадқиқотларга қараганда 26 тадан кўпроқ мамлакат иштирок этди.

Ижтимоий ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий табақаланиши миқдор ва сифат хусусиятларини ифолайдиган кўрсаткичларнинг умумлаштирилган тизими ишлаб чиқилган ва илмий жиҳатдан асосланган. Уларга қуйидагилар киради:

- *инсон салоҳиятини ривожлантириш индексининг табақаланиши коэффициенти*. У таҳлил этилаётган мамлакатлар, мамлакат минтақалари, ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги фарқлар даражасини кўрсатади;

- *саломатлик (ўзоқ умр кўриш) индексининг табақаланиши коэффициенти*. У бир мамлакат, минтақадаги аҳолининг саломатлиги бошқаларга нисбатан қандай эканлигини кўрсатади;

- *таълим индексини табақаланиши коэффициенти*. Мазкур кўрсаткич бир мамлакат (минтақа ёки тадқиқотнинг бошқа объекти) аҳолиси таълимнинг даражаси бошқа мамлакат аҳолисиникига қараганда қанчалик юқорилигини ақс эттиради;

- *даромадлар индекси табақаланишининг коэффициенти*. У таҳлил этилаётган мамлакатлар ёки минтақалар иқтисодий табақаланиши даражасини аниқлаб беради;

- *ўлим индексининг табақаланиши коэффициенти*. У таққосланаётган мамлакатлар ёки минтақалар аҳолиси саломатлиги ўртасидаги фарқ кўрсаткичи ҳисобланади;

- *касб таълими даражаси табақаланишининг коэффициенти*. У орқали тадқиқ қилинаётган мамлакатлар ёки минтақаларда аҳолининг таълимнинг иккинчи ёки учинчи босқичи билан қамраб олинishi даражаси ўртасидаги фарқлари ифода этилади.

2010 йилги Инсон тараққиёти глобал маърузасида тажриба сифатида учта янги индекс киритилди ва 2011 йилги Глобал маърузада давом эттирилди. Улар қуйидагилардир:

- *тенгсизликни ҳисобга олган ҳолдаги инсон тараққиёти индекси*. Унда инсоннинг саломатлик, таълим ва даромадлар ўртача кўрсаткичлари ўртасидаги фарқлар ҳисобга олинади;

- *гендер тенгсизлиги индекси*. У иш кучи, саломатлик, билимлар ўртасидаги тафовутни ҳамда аёлларга салбий таъсир кўрсатаётган имкониятларни ҳамда уларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришни ифода қилади;

- *кўп ўлчамлик камбағаллик индекси*. У ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг таълим, соғлиқни сақлаш ва турмуш даражасидаги жиддий фарқларни аниқлаш имконини беради.

Халқаро таққослашни талаб этадиган кўпгина бошқа кўрсаткичлар қатори Инсон тараққиёти тўғрисидаги глобал маърузада келтирилган Инсон тараққиёти индекси миллий статистика хизматлари маълумотлари эълон қилингандан сўнг камида икки йил ўтгандан кейинги саналар бўйича ҳисоблаб чиқилар эди. Бироқ 2010 йилги Глобал маърузадан бошлаб жорий йил маълумотлари келтирила бошланди.

БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департаментидан тугилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги бўйича маълумотлар олинishi туфайли бунинг имконияти бўлди.

Ўртача таълим олиш давомийлиги Ваго ва Lee томонидан тақдим этилмоқда.

Кутилаётган таълим давомийлиги эса ЮНЕСКОнинг Статистика институти, аҳоли жон бошига ЯИМ –Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди томонидан тақдим этилади.

Айрим мамлакатлар учун таълим олишнинг ўртача давомийлиги уй хўжалигининг миллий тадқиқотларига асосланган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси моҳият жиҳатидан даставвал ҳисоблаб чиқилган учта индекс: умр давомийлиги индекси, таълим индекси ва аҳоли жон бошига ЯИМ индекси ўртача арифметик кўрсаткичидир. Бевосита турмуш кўрсаткичининг 0 дан 1,0 гача бўлган миқдор кўрсаткичларига ўтказиш битта индексда ўзаро таққослаб бўлмайдиган бу учта турли мезонни ҳисобга олиш имконини беради.

Ана шу усулда ҳисоблаб чиқиш натижасида у ёки бу давлатнинг Инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси кўрсаткичи:

0,8 дан юқори бўлса – у ривожланиши юқори мамлакатлар;

0,5 – 0,8 гача бўлса – ривожланиши ўртача мамлакатлар;

0,5 дан паст бўлса – ривожланиши паст мамлакатлар қаторига киритилади.

ИСРИ инсон салоҳияти концепциясининг стратегик унсурига айланди. Инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси саломатлик, таълим ва даромаднинг жамланма ўлчами ҳисобланиб, ушбу мезонлар бўйича эришилган тараққиёт кўрсаткичларини баҳолайди. Мазкур индекс фақат даромадга асосланган ривожланиш тушунчасидан анча кенгроқ маъно беради.

Бироқ айримлар ИСРИнинг тузилиши ва унинг таркибига эътирозлар билдиришади. Бошқалар эса кўрсаткичлар сонини кўпайтиришни таклиф этишмоқда. Кўпгина танқидий мулоҳазалар ўринли. Бироқ ИСРИнинг мақсади аҳоли фаровонлигининг мутлақ аниқ индикаторини яратишга эмас, балки жаҳон ҳамжамияти эътиборини инсонга йўнаштирилган ривожлантиришга қаратиш, ижтимоий тараққиётга эришиш йўллари тўғрисида мунозаларга йўл очишга қаратилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсон тараққиётини ўлчаш ва таққослашга киришиб, зиммасига юксак масъулиятни олди. ИСРИ пайдо бўлганидан буён у оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик, фуқаролик жамияти ташкилотлари, тадқиқотчилар ва жаҳондаги барча давлатлар ҳукуматларининг диққат марказидадир. 2011 йилги Инсон тараққиёти тўғрисидаги глобал маъруза эълон қилинганидан сўнг Интернетдан фойдаланувчилар мазкур маърузанинг веб-саҳифасига 3 миллион марта кирдилар, бу ҳужжатдан 500000 та нусха кўчирилди.

Бевосита ИСРИ давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигининг асосий мезони сифатида кўрилади. Бошқача қилиб айтганда, давлат шунчаки ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришга интилиб қолмасдан ИСРИда ўз ифодасини топадиган фуқароларнинг турмуш сифатини ошириш чораларини кўриши керак. Турмуш сифатини ошириш аҳоли аксарият қисми манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган давлатнинг стратегик мақсадидир. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши эса бу стратегик мақсадга эришиш воситасидан бошқа нарса эмас.

3.3. БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари, вазифалари ва индикаторлари

2000 йилнинг сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг *Мингйиллик ривожланиш декларацияси* эълон қилинди. 189 та мамлакат томонидан қабул қилинган ушбу Декларацияда давлатлар ўз зиммасига кашшоқликка барҳам бериш учун янги глобал шерикликни йўлга қўйиш мажбуриятини олди. Шунингдек, 2015 йилга бориб эришилиши керак бўлган бошқа мақсадлар ҳам белгиланди. Улар *Мингйиллик ривожланиш мақсадлари* номини олди.

Ривожланиш соҳасидаги мақсадлар БМТ томонидан қатор йиллар давомида ўтказилган халқаро конференцияларнинг битимлари ва резолюциялари асосида ишлаб чиқилди. Ушбу мақсадлар 1996 йилда *“Ривожланиш соҳасидаги халқаро мақсадлар”* сифатида шакллантирилган эди. Шундан кейин бу мақсадларни такомиллаштириш давом эттирилди.

Мингйиллик ривожланиш декларациясида инсонни глобал ривожлантириш ва инсон хавфсизлигини таъминлашга эришиш учун умумий ҳаракат режаси ўз ифодасини топди. Шу билан бир қаторда мазкур мақсадларда кўзда тутилган ҳал қилувчи йўналишлар бўйича жаҳонда эришилган муваффақиятларни ўлчаш ва улар мониторингини ўтказишнинг миқдор мезонлари таклиф этилди.

Мингйиллик ривожланиш мақсадлари 8 мақсад, 18 вазифа ва 48 кўрсаткичдан иборат (3.5-жадвал). Мазкур вазифаларининг аксарият кўпчилиги 1990 – йилларда жаҳонда таркиб топган аҳволни ҳисобга олган ҳолда 2015 йилга қадар ҳал қилиниши режаланди.

Мингйиллик ривожланиш глобал мақсадлари доирасида мамлакатлар ўз миллий муаммоларини ҳал этишга қаратилган мақсадларини белгилаб олишлари мумкин эди. Айни пайтда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари фақат ривожланаётган мамлакатлар томонидан эмас, балки ривожланган давлатлар томонидан ҳам аниқ чоралар кўрилишини талаб этади. Ривожланган давлатлар белгиланган глобал мақсадларда эришишга ўз ҳиссаларини кўшишлари кўзда тутилган.

Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг мониторинги умуман БМТ тизими бўйича ҳам, шунингдек, айрим давлатлар даражасида

ҳам амалга оширилади. Умумий даражада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби БМТнинг Бош Ассамблеясида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари айрим вазифаларининг бажарилиши тўғрисида ҳар йили ҳисоб бериши шарт. Мингйиллик ривожланиш мақсадлари тўғрисидаги ҳисобот мамлакатлар томонидан ҳар 5 йилда бир марта тақдим этилади.

3.5-жадвал

Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ва вазифалари

Мақсадлар	Вазифалар
1-МАҚСАД. Ниҳоятда қашшоқлик ва очликка барҳам бериш	<ul style="list-style-type: none"> • 1990-2015 йиллар давомида кунига 1 АҚШ доллари миқдоридан даромадга эга бўлган аҳоли улушини икки маротабага камайтириш. • Ҳамма учун, шу жумладан, аёллар ва ёшлар учун тўла ва самарали иш билан бандликни ҳамда муносиб ишга эга бўлишни таъминлаш. • 1990-2015 йиллар давомида очликдан азоб чекаётганлар сонини икки маротабага камайтириш
2-МАҚСАД. Умумий бошланғич таълимни таъминлаш	<ul style="list-style-type: none"> • 2015 йилга келиб жаҳондаги барча болалар – ҳам ўғил болалар, ҳам қизлар тўла ҳажмда бошланғич таълим олиш имкониятларига эга бўлишларини таъминлаш
3-МАҚСАД. Эркаклар ва аёллар тенглигини рағбатлантириш ҳамда аёлларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш	<ul style="list-style-type: none"> • 2005 йилда бошланғич ва ўрта таълим соҳасида, 2015 йилдан кечиктирмасдан эса таълимнинг барча даражаларида жинслар ўртасидаги тенгсизликка барҳам бериш
4-МАҚСАД. Болалар ўлимни	<ul style="list-style-type: none"> • 1990-2015 йиллар давомида 5 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлимни учдан икки маротабага камайтириш

камайтириш	
5-МАҚСАД. Оналикни муҳофаза қилишни яхшилаш	<ul style="list-style-type: none"> • 1990-2015 йиллар давомида оналар ўлимни тўртдан уч маротабага камайтириш. • 2015 йилга бориб репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлардан ҳаммининг фойдаланишини таъминлаш.
6-МАҚСАД. ВИЧ/СПИД, безгак ва бошқа касалликлар билан курашиш	<ul style="list-style-type: none"> • 2015 йилга бориб ВИЧ/СПИД тарқалишини тўхтатиш ва касалликларни камайтириш тенденцияси бошланишига эришиш. • 2010 йилга бориб СПИДдан даволанишни хоҳлаган ҳаммага бу имкониятни яратиш. • 2015 йилга бориб безгак ва бошқа асосий касалликлар тарқалишини тўхтатиш ҳамда касаллик камайиши тенденцияси бошланишига эришиш
7-МАҚСАД. Экологик барқарорликни таъминлаш	<ul style="list-style-type: none"> • Барқарор ривожланиш принципларини мамлакат стратегиялари ва дастурларига қўшиш ҳамда табиий ресурслар йўқотилиши жараёнларини тўхтатиш. • 2010 йилга бориб биологик хилма-хиллик йўқотилиши суръатларини сезиларли даражада камайтириш орқали биологик хилма-хиллик камайиши кўламларини камайтириш. • 2015 йилга бориб тоза ичимлик суви ва асосий санитария-гигиена воситаларига доимий эга бўлмаган аҳоли улушини икки маротабага камайтириш. • 2020 йилга бориб вайрона кулбаларда яшаётган камида 100 миллион кишининг турмуш шароитлари жиддий равишда яхшиланишини таъминлаш
8-МАҚСАД. Ривожланиш мақсадларида глобал шерикчиликни шакллантириш	<ul style="list-style-type: none"> • Энг ривожланмаган мамлакатлар, денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган мамлакатлар ва ороллардаги кичик ривожланаётган мамлакатлар алоҳида эҳтиёжларини қондириш. • Очiq, тартибга солинадиган, барқарор ва камситмайдиган савдо ва молия тизимини яратишни давом эттириш.

- Ривожланаётган мамлакатларнинг қарздорлик муаммоларини комплекс равишда ҳал этиш.
- Фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликда ривожланаётган мамлакатларни арзон дорилар билан таъминлаш.
- Хусусий сектор билан ҳамкорликда ҳамма янги технологиялар, айниқса, ахборот-телекоммуникация технологиялари афзалликларидан фойдалана олиши учун чоралар кўриш

Мингйиллик ривожланишнинг дастлабки етти мақсади бир-бирини ўзаро тўлдиради ҳамда камбағалликнинг барча кўринишларини камайтиришга қаратилган. Мазкур муаммоларга очлик, тирикчилик учун маблағнинг етишмаслиги, таълим ва соғлиқни сақлаш даражасининг пастлиги, эркак ва аёлларнинг тенгсизлиги ҳамда атроф-муҳит аҳолининг ёмонлашиши киради. Ушбу ҳар бир мақсад ўзича муҳим бўлишига қарамасдан улар жамланма ҳолда камбағаллик муаммосини ҳал этишга комплекс ёндашувни назарда тутди.

Масалан, соғлиқни сақлаш самарадорлигини ошириш мактаб ўқувчиларини сонинг кўпайишига ва камбағаллик даражаси пасайишига олиб келади. Аҳолининг таълим даражасини ошириш одамлар соғлиғини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Даромадларнинг ортиши инсонга ўз таълим даражасини ошириш, соғлиғини мустаҳкамлаш имкониятларини кенгайтиради, шунингдек, атроф-муҳитни соғломлаштиришга ёрдам беради.

Мингйиллик ривожланишнинг саккизинчи мақсади ривожланиш мақсадларида глобал шерикчилини шакллантиришни назарда тутди. У моҳият жиҳатидан юқоридаги дастлабки еттита мақсадга эришиш воситаларини белгилаб беради. Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш бой давлатлардан кўшимча ёрдамни, шу жумладан, камбағал мамлакатлар қарзларини камайтириш ва ўзаро савдодаги тўсиқларни бартараф этиш орқали ёрдам кўрсатишни талаб қилиши мумкин.

1990 йилги Инсон тараққиёти тўғрисидаги биринчи маърузада инсон тараққиёти ўз кўлами ва ялпи қамрови туфайли барча мамлакатлар учун хос эканлиги алоҳида таъкидланади: “Инсон тараққиёти ишлаб чиқариш билан товарларни тақсимлашни

бирлаштиради, инсон қобилиятларини кенгайтиради ва ундан фойдаланишни яхшилайди. Бу, одамлар нимага эга бўлиши керак, тирикчилик ўтказишга маблағ топиш учун нима қилиш лозимлиги муаммосига ҳам эътиборни қаратади. Бундан ташқари, инсон тараққиёти фақат унинг асосий эҳтиёжларини қондиришигина эмас, балки инсонни умумий ва жўшқин жараён сифатида ривожлантиришга ҳам тааллуқлидир. Бу ҳам камроқ ривожланган, ҳам юқори даражада ривожланган мамлакатлар учун бир тарзда қўлланила олади”.

БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари қабул қилинган даврдан ўтган йиллар давомида кўп нарсаларга эришилди. Жаҳон ҳамжамияти 2015 йилда 1990 йилга нисбатан кунига 1 АҚШ долларида кам даромадга эга аҳоли салмоғини икки маротаба қисқартириш вазифасини бажариш йўлидадир. Халқаро эътироф этилган камбағаллик даражаси – кунига 1,25 АҚШ доллари миқдорида даромад ҳисобига яшаётган одамлар сони 1990 йилдаги 1,8 миллиарддан 2005 йилга келиб 1,4 миллиардга камайди. Ривожланаётган мамлакатларда ниҳоятда қашшоқ яшаётган аҳолининг улуши 46,0 % дан 27,0 % гача камайди. Яъни жаҳонда бу вазифа муваффақиятли ҳал этилиши кутилмоқда.

Юқорида қайд этилган муваффақиятларга эришилиши асосан Осиё, айниқса, Шарқий Осиё мамлакатларидаги улкан муваффақиятлар самарасидир. Шарқий Осиё мамлакатларида кейинги 25 йил ичида қашшоқлик даражаси 60,0 % дан 20,0 % гача камайди. 2015 йилга бориб Хитойда қашшоқлик даражаси қарийб 5,0 % ни, Ҳиндистонда эса тахминан 24,0 % ни ташкил этиши керак.

Очликдан азоб чекаётган одамлар салмоғи камаймоқда. Бироқ қашшоқликнинг камайиш суръатлари ҳали етарли даражада эмас. Ўтган аср 90-йиллари бошидан буён тўйиб овқат емаслик ва очликдан азоб чекаётган аҳолининг улуши жаҳон бўйича камайган бўлишига қарамасдан, 2000 йилдан 2002 йилгача бўлган даврда бу соҳадаги ижобий ўзгаришлар суръати пасайиб кетди. Ҳозирча маълум бўлган маълумотларга кўра, 2005-2007 йилларда тўйиб овқат емаётган аҳоли сони жаҳонда 830 миллион кишини ташкил этади. Бу 1990–1992 йилларга нисбатан 13 миллион кишига кўпдир.

Ялпи бошланғич таълимни таъминлаш бўйича ҳозирги ўсиш суръатлари 2015 йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун етарли эмас. 2008 йилда ривожланаётган мамлакатларда болаларни бошланғич таълим билан қамраб олиш

89,0 % ни ташкил этди. Бу 2000 йилдагидан 6,0 % га кўпдир. Шунга қарамасдан ҳозир ҳам мактаб ёшидаги 69 миллион бола мактабга бормайди. Бу болаларнинг деярли ярми (31 миллиони) Африка, чорагидан кўпроғи (18 миллион) Жанубий Осиё мамлакатларида яшайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) бошланғич таълимнинг сифатлироқ тизимини яратишда мамлакатларга ёрдам кўрсатмоқда. ЮНЕСКО жаҳон мамлакатларини 8-10 йиллик узлуксиз мажбурий таълимни кафолатлайдиган ҳуқуқий асосларни яратишга даъват этади.

Жаҳон озик-овқат дастури мактабда ўқувчиларни овқатлантиришга ёрдам кўрсатмоқда. Бу ота-оналарни ўз фарзандларини мактабга юборишлари учун қудратли рағбат вазифасини ўтайди. Бундай овқатланиш боланинг келажакда ақлий ривожланиши ва жисмонан соғлом бўлиши учун зарурдир. Жаҳон озик-овқат дастури, шунингдек, ота-оналарни оилаларидаги қизларни мактабга юборишларини ҳам рағбатлантирмоқда.

Таълим олиш масалаларидаги гендер тенгсизлиги сезиларли даражада яхшиланди. Бироқ бу соҳадаги тенгсизлик олий таълим соҳасида ва айрим ривожланаётган мамлакатларда ҳали ҳам юқори даражададир. Сўнгги йилларда қизларни бошланғич ва ўрта таълим мактаби билан қамраб олиш сезиларли даражада кўлайди. Бироқ олий таълим соҳасида қизларнинг улуши етарли эмас. Таълим олишдаги гендер муаммосининг асосий сабаби қашшоқликдир.

Иш билан бандлик соҳасидаги аҳволнинг нисбатан яхшиланишига қарамасдан иш ҳақи тўланадиган ишлардаги эркакларнинг салмоғи ҳали ҳам аёлларга нисбатан юқоридир. Аёллар кўпинча хавфли ва доимий бўлмаган ишларда банд. Аёлларга меҳнат учун ҳақ тўланган ҳолларда ҳам уларнинг иш ҳақи эркакларникига қараганда камроқдир. Шу билан бирга аёллар учун кўзда тутилган молиявий ва ижтимоий кафолатлар ҳам эркакларникига қараганда камроқ.

Жаҳон миқёсида ўрта ва юқори бўғиндаги раҳбар ходимларнинг фақат тўртдан бир қисми аёллардир. Аёллар аста-секин сиёсий нуфузга ҳам эга бўлиб бормоқда. Бироқ бу квоталар ажратилиши ва бошқа махсус чоралар кўрилиши туфайли рўй бермоқда. 1995 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда жаҳон миқёсида аёлларнинг парламентдаги салмоғи 11,0 % дан 19,0 % га етди. Бу 73,0 %

ўсишни билдиради, аммо мазкур соҳада гендер тенглигига эришилгани ҳақида гапириш эрта.

Аёлларнинг ҳокимиятнинг ижроия органларидаги иштироки янада камроқ. 2010 йилда сайланган 151 давлат раҳбарининг фақат 9 таси, 192 ҳукумат раҳбарининг 11 таси аёллардир. Жаҳон миқёсида вазир лавозимидаги аёлларнинг салмоғи атиги 16,0 %.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида болалар ўлимининг олдини олиш соҳасида жиддий натижаларга эришилди. Энг кам ривожланган 49 та мамлакат ҳар учтасининг биттасида кейинги 20 йил ичида беш ёшгача бўлган болалар ўлими 40,0 % ва ундан кўпроққа камайди. Шунга қарамасдан бу ўзгаришларнинг суръати Мингйиллик ривожланиш мақсадларида белгилаб қўйилган, 2015 йилга бориб болалар ўлимини учдан икки баробарга камайтириш учун белгиланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган суръатдан пастдир.

Бутун дунёда безгак ва асосий юқумли касалликларга қарши режали иммунизация ўтказиш масалаларида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Олинган янги маълумотлар оналикни муҳофаза қилиш масалаларида айрим ижобий натижаларга эришилганидан далолат беради. Баъзи мамлакатлар оналик ўлими даражасини жиддий равишда камайтиришга муваффақ бўлди, лекин эришилган бу суръатлар ҳам Мингйиллик ривожланиш мақсадларида 2015 йилга бориб оналар ўлимини тўртдан уч марта камайтириш вазифасини бажариш учун етарли эмас.

ОИТСга қарши курашиш бўйича кўрилатган глобал чоралар б-мақсадга эришиш йўлида жиддий ижобий силжишлар мавжудлигидан далолат беради. Агар 1996 йилда ушбу дардга мубтало бўлганлар 3,5 миллион кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2008 йилда 2,7 миллионга тушди. ОИТС билан боғлиқ касалликдан ўлиш ҳолатлари ҳам 2004 йилдаги 2,2 миллиондан 2008 йилда 2 миллионга тушди.

Сил касаллиги ўлимга сабаб бўладиган касалликлар орасида СПИДдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Жаҳоннинг кўпгина минтақаларида унинг камайиши кузатилмоқда. 2008 йилги маълумотларга кўра, дунёда 11 миллион киши сил касаллигига дучор бўлган. Аммо 2004 йилдан 2008 йилгача сил билан янгидан касалланиш ҳоллари ҳар юз минг кишига нисбатан 143 тадан 139 тага камайди. Ҳозирги пайтдаги вазият Мингйиллик

ривожланиш мақсадларида кўзда тутилган, сил касаллигини тарқалишини тўхтатиш бўйича белгиланган вазифага 2004 йилда эришилганидан далолат беради.

Шунингдек, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича кўзда тутилган мақсадларга жаҳон бўйича 2015 йилга бориб эришиш мумкинлиги назарда тутилмоқда. Шу муддатга бориб тоза ичимлик суви билан таъминланиш ривожланаётган минтақа аҳолисининг 86,0 % ни қамраб олади. 1990 йилда бу кўрсаткич 71,0 % ни ташкил этарди.

Инсоният 2010 йилга бориб биологик хилма-хиллик йўқотилишини камайтириш бўйича белгиланган вазифани бажара олмади. Ҳозирги вақтда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қарийб 17 минг тури бутунлай йўқолиши хавфи остидадир.

Ривожланиш мақсадларида умумжаҳон шерикчилиги энг кам ривожланган мамлакатларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳал этишни кўзда тутди. Мазкур тадбирлар қуйидагиларни қамраб олади:

- қашшоқ мамлакатлар томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун бож тўловлари олмаслик ва экспортни чекламаслик;
- қатта қарзга эга камбағал мамлакатлар қарзларидан кечиш дастурларни кенгайтириш;
- икки томонлама расмий қарзларни йўқотиш;
- камбағаллик даражасини камайтириш бўйича чоралар кўраётган мамлакатларга расмий ёрдам бериш кўламлигини кенгайтириш.

Бундан ташқари, Мингйиллик ривожланиш мақсадларида денгизларга чиқиш имкониятига эга бўлмаган ривожланаётган кичик орол мамлакатларининг алоҳида эҳтиёжларини ҳал этишга ёрдам бериш ҳам белгиланган. Ривожланаётган давлатларни фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликда арзон дори-дармонлар билан таъминлашда ёрдам кўрсатилиши кўзда тутилган. Хусусий сектор билан ҳамкорликда эса ривожланаётган мамлакатларнинг янги технологиялар, айниқса, ахборот-коммуникация технологияларини ўзлаштиришларида ёрдам кўрсатилиши лозим.

2005 йилнинг июнида Лондонда энг ривожланган 8 та давлатнинг молия вазирлари НПС гуруҳи мамлакатлари (қатта миқдорда қарзга эга бўлган энг камбағал мамлакатлар) қарзининг бир қисмидан воз кечиш учун Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва Осиё ривожланиш банкига 40-55 миллиард АҚШ доллари ажратиш тўғрисида бир битимга келдилар. Мазкур ёрдам камбағал

мамлакатларга воз кечилган қарзлардан тежалган маблағларни соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини яхшилаш, шунингдек, қашшоқлик даражасини камайтиришга йўналтирилган ижтимоий дастурларга ишлатиш имкониятини беради.

Саккизта энг ривожланган мамлакатларнинг молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва Осиё ривожланиш банки қарзлардан воз кечиш бўйича кўп томонлама ташаббусни (MDRI) ташкил этди. Мазкур ташаббус НПСни тўлдириб, белгилаб қўйилган вазифаларга эришган мамлакатларнинг кўп томонлама қарзларининг 100,0 % дан воз кечишни назарда тутди. Илгарироқ ана шу вазифаларни бажаришга муваффақ бўлган мамлакатлар НПС гуруҳи мақомида ислохотларни қўллаб-қувватлашни давом эттираётганликлари тўғрисида уларга кредит ажратган идоралар томонидан тасдиқни олган заҳоти ҳамма қарзлари бекор қилиниши ҳуқуқига эга бўлди. Мазкур вазифаларни бажаришга кейинроқ эришадиган бошқа мамлакатлар МДРИга мувофиқ кўп томонлама қарзларидан автомат тарзда воз кечилишига эришади.

Жаҳон банки ва Осиё таррақиёт банки мазкур ташаббусни фақат НПС дастурини бажарган мамлакатларга нисбатан қўлламоқда. Халқаро валюта фонди эса ўзининг “ягона ёндошув” ноёб талабини бажариш учун кенгрок мезонлар ўрнатган. Аҳоли жон бошига йиллик даромади 380 АҚШ доллари (мазкур миқдор НПС мамлакатлари гуруҳига киритилиш учун асос ҳисобланади) ва ундан кам бўлган ҳар қандай мамлакат МДРИ ташаббусига мувофиқ қарзларидан тўла воз кечилиши ҳуқуқига эгадир.

Донор мамлакатлар расмий ёрдам ҳажмини 146 миллиард АҚШ долларигача кўпайтириш мажбуриятини олди. 2010 йилда расмий ёрдам ҳажми тахминан 126 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Белгиланган миқдордан камрок маблағнинг жамғарилиши, энг аввало, Африка мамлакатларига ёрдам кўрсатилишида салбий натижаларга олиб келмоқда. Кўпгина донор мамлакатлар кўрсатаётган ёрдам ҳажми БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларида белгиланганидан анчагина кам. Бу мақсадларда кўрсатиладиган ёрдам миқдори ушбу мамлакатларнинг ялпи миллий даромадининг 0,7 % миқдоридан бўлиши кўзда тутилган эди.

Инсон таррақиёти мамлакатларнинг саводхонлик ва ҳамма учун мажбурий таълим каби ўз миллий мақсадларига эга бўлишларини

назарда тутади. Бундан ташқари, уларда умумий мақсад – ривожланишнинг асосий мўлжали ҳам бўлиши керак.

Мингйиллик ривожланиш декларациясида белгилаб қўйилган ривожланиш соҳасидаги мақсадлар ҳар бир мамлакат бюджетига таянадиган миллий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишни ҳам кўзда тутади.

Ҳозирги пайтда ана шундай 700 га яқин инсон тараққиёти минтақавий, миллий ва маҳаллий маърузалари тайёрланган. Уларни ишлаб чиқишда ҳокимият органлари ва бошқа манфаатдор томонлар фаол иштирок этмоқда.

Инсон тараққиёти мақсадларида инсоний танлаш имкониятларини кенгайтириш асосий вазифа бўлса ҳам, биргина унинг ўзи етарли эмас. Бундан ташқари, ижтимоий адолат, барқарорлик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш каби принципларга амал қилиш ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Инсон ҳуқуқлари иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни, шунингдек, фуқаролик ва сиёсий эркинликларни қамраб олади. Инсон тараққиёти ҳам мазкур муаммолар кўзда тутилган. Инсон ҳуқуқларини амалга ошириш асосий кўрсаткичларни ва илғор мақсадларни белгилаш, мониторинг стратегиясини ишлаб чиқиш, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш орқали амалга оширилади. Инсон тараққиёти шу тарзда - мақсадлар, устуворликларга доимий эътибор бериш орқали инсон ҳуқуқларини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

Инсон тараққиёти ижобий натижаларни мунтазам кўпайтириб боришга боғлиқдир. Мазкур соҳадаги муваффақиятлар барқарор бўлиши учун ҳар бир шахс, жамият гуруҳлари ва халқлар муносиб турмуш кечиришларига зарур шарт-шароитлар яратиш учун саъй-ҳаракатларни муттасил кучайтириб бориш талаб қилинади.

Назорат учун саволлар

1. Инсон салоҳияти учун қандай сифатлар хос?
2. Иқтисодий ривожланиш моделлари тўғрисида нима биласиз?
3. Ялпи ички маҳсулот билан ялпи миллий маҳсулот ўртасида қандай фарқ бор?
4. Инсон ривожлантириш индексини аниқлашда қайси индикаторлардан фойдаланилади?

5. Ривожланиш даражаси ўртача бўлган мамлакатларнинг инсон ривожлантириш индекси қандай?

6. Мингйиллик ривожланиш мақсадлари тўғрисида гапириб беринг.

4-БОБ. ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИДА ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

4.1. Иш билан бандлик ва инсон тараққиёти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

Инсон тараққиёти иқтисодий асосларини яратишда иш билан бандликнинг аҳамияти ниҳоятда муҳимдир. Жаҳондаги кўпчилик одамлар учун меҳнат фаолияти билан шугулланиш ўзлари ва оиласи аъзолари тирикчилигининг асосий манбаидир. Улар учун ўз ишини йўқотиш ўзларини ривожлантириш масаласини хавф остига қўйиш билан баробар. Иш билан банд бўлиш мақоми одамларнинг субъектив ҳиссига ҳам таъсир кўрсатади.


Жамият нуқтаи назаридан иш билан самарали бандлик меҳнатга лаёқатли аҳолини зарур даромад билан таъминлайди, инсон тараққиётининг иқтисодий асосини яратади. Шу билан бирга давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қисмини ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш орқали жамият барча аъзолари учун тенг имкониятлар яратиш учун шарт-шароитлар шакллантиради (4.1-расм).

Иқтисодий назарияда *иш билан бандлик* “иқтисодий фаол аҳолини иқтисодиётга жалб этилиши даражаси” сифатида талқин этилади.

“Аҳолининг бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида “бандлик – одамларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаган, уларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир”¹ деб кўрсатилган.

Ўзбекистон амалдаги қонунчилигига мувофиқ қуйидагилар *иш билан бандлар* ҳисобланади:

а) ёлланиб ишлаётган, шу жумладан, ишини тўлиқ бўлмаган иш вақти мобайнида ёки уйда иш ҳақи олиб бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан, вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;



4.1-расм. Иш билан бандлик, иқтисодий ўсиш ва инсон тараққиётининг ўзаро боғлиқлиги

б) касаллик, таътил, қайта тайёргарлик, малака ошириш, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб туриши туфайли, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинчалик ишда бўлмаган ходим учун иш жойи сақланиб қоладиган бошқа ҳолларда иш жойида вақтинчалик бўлмаган фуқаролар;

в) ўзини мустақил равишда иш билан таъминловчи фуқаролар, тadbirkorлар, шу жумладан, юридик шахс бўлмасдан тadbirkorлик фаолияти билан шугулланувчи фуқаролар, кооперативлар аъзолари, фермерлар, шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида меҳнат билан банд бўлганлар, бевосита қорамол ўстирувчилар, чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва сотувчилар, кўрсатиб ўтилган

¹ “Аҳолининг бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2-модда // <http://www.lex.uz>

фуқаролар тоифаларининг ишлаб чиқаришда қатнашадиган оила аъзолари;

г) Куролли Кучларда, Миллий хавфсизлик ҳамда ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётганлар;

д) конун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларида ишлаётган фуқаролар.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти нормаларидан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ҳисобга олиш ва таснифлаш амалиётига мувофиқ иқтисодийнинг норасмий секторидан иш билан банд бўлганлар жумласига ижтимоий суғурта ва солиқ органларида ҳисобда турмаган қуйидаги шахслар қиради:

- юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтмаган деҳқон хўжаликлари аъзолари;

- уйда пуллик хизматлар кўрсатиш билан банд бўлган шахслар (энагалар, уй хизматчилари, уй ошпазлари, автомобил ҳайдовчилари, қоровуллар ва бошқалар);

- жисмоний шахслардан ҳақ олиб ишловчи шахслар;

- оила бошлиқларига уларнинг тадбиркорлик фаолиятида ёрдам берувчи оила аъзолари;

- тегишли рўйхатдан ўтмай ишловчи тадбиркорлар.

Аҳоли иш билан бандлигининг назарий асослари асрлар давомида шаклланган ва ривожланган. Бу таълимотда, асосан тўртта: классиклар, кейнсчилар, монетарчилар ва институционалчилар мактаблари фарқланади.

1. *Классик назария*. Бу мактаб вакиллари (А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Милль, А.Маршалл ва бошқалар) иш билан тўла бандлик-бозор иқтисодиётининг нормаси, давлатнинг бу жараёнга аралашмаслиги энг яхши сиёсат деб ҳисоблаганлар. Жумладан, Д.Рикардо иш ҳақини тартибга солишчи қонунларни тадқиқ этар экан, иш ҳақи даражаси иш кучи таклифига боғлиқлиги тўғрисидаги қондан асослаган¹. Иқтисодчи олимнинг ҳисоблашича, меҳнат бозоридаги рақобат даражаси иш кучининг таклифи билан иш берувчилар томонидан бунга талабга боғлиқликдир.

Классик назария асосчиларидан яна бири А.Маршалл бу гоҳни ривожлантирар экан “товар бозорида битимга келишилганда

¹ Рикардо Д. Сочинения. – М.: 1961. – С. 25-30.

устуворлик икки томон ўртасида жуда тенг тақсимланиши мумкин бўлгани ҳолда иш кучи бозорида устуворлик қўпинча сотувчилар томонида эмас, балки харид қилувчилар томонида бўлади”¹ деган муҳим қондан илгари сурган. Бу мактаб вакиллари назариялари умумлаштирилган ҳолда қуйидагилардан иборат:

- иш кучи таклифининг ўзи иш кучига талабни тугдириши сабабли умумий ортиқча ишлаб чиқариш содир бўлмайди;

- иш билан тўла бандлик шароитида маҳсулот харид қилиш учун маблағ етарли бўлади;

- умумий сарф-ҳаражатлар учун маблағ етишмай қолган тақдирда мувофиқлаштиришнинг нарх-навоси ва иш ҳақи каби воситалари тез ишга тушиб, умумий сарф-ҳаражатларнинг камайиши ишлаб чиқариш ҳажми, иш билан бандлик даражаси ва реал даромадлар камайишига йўл қўймайди;

- меҳнат бозоридаги рақобат мажбурий ишсизликни истисно этади. Меҳнат қилишни хоҳлаган ҳар бир одам меҳнат бозори томонидан белгиланадиган иш ҳақи оладиган ишни осон топа олади.

Классик назарияда фақат ишсизликнинг икки шакли: фрикцияли, яъни ходимнинг бир қорхонадан иккинчисига ўтиш пайтида иш жойи йўқотишини ҳамда ихтиёрий ишсизлик, яъни ходим онгли равишда ишлашдан бош тортиши ҳоллари бўлиши мумкин деб ҳисобланарди. Бошқача қилиб айтганда, “ишсизлик”нинг бу икки шакли ҳам амалда иш билан тўла бандликни англатарди.

Классик мактаб вакиллари иқтисодиёт фани ва амалиётида фритредчилик номини олган мазкур йўналиш тарафдорларининг босими остида XIX асрда божхона тизими ислоҳ қилиниши бошланди: бошларни бекор қилиш ва пасайтириш, сирпанувчан шкалаларни жорий қилишга киришилди. Бироқ шу аср ўрталарига бориб фритредчилик фақат Буюк Британияда галаба қозонди. Бу империя “жаҳон устахонаси”га айланиб, иқтисодиётга давлат аралашувидан воз кечиб, “эркин савдо”га ўтди.

2. *Кейнсчилар назарияси* (Ж.М.Кейнс, Ж.Робинсон, Р.Харрод, Е.Домар ва бошқалар). Ж.М. Кейнс меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг энг асосий вазифаларидан бири иш

¹ Маршалл А. Принципы экономической науки. – М.: «Прогресс». – Т.3.1984. – С. 56.

билан тўла бандликка эришиш, деб ҳисоблаган¹. Бу мактабнинг меҳнат бозорига доир назарияси куйидагиларни назарда тутди:

- иктисодиётда иш билан тўла бандликни кафолатловчи ҳеч қандай механизм мавжуд эмас;
- иш билан тўла бандлик қонуният эмас, балки тасодифдир;
- меҳнат бозорига фоиз ставкаси ўзгариши ҳамда нарх-наво ва иш ҳақи нисбати эгилувчанлиги ёрдамида таъсир кўрсатиш имконияти мавжуд эмас;
- иш кучи баҳоси қатъий белгилаб қўйилган ва амалда, айниқса, камайиш томонига ўзгармайди, иш кучи баҳоси меҳнат бозорини мувофиқлаштириш воситаси бўла олмайди;
- меҳнат бозорини тартибга солиш роли давлатга тегишлидир, у жамланма талабни кўпайтириб ёки камайитириб меҳнат бозоридаги мувозанатсизликни бартараф эта олади;
- иш кучига талаб меҳнатга бозор баҳоси ўзгариши орқали эмас, балки жамланма талаб ёки ишлаб чиқариш ҳажми орқали мувофиқлаштирилади;
- ишсизлик мажбурийдир, аммо бунда ишсизликнинг бир қисми ихтиёрий хусусиятга эгаллиги инкор этилмайди.

Классик назария иктисодиёт фанида XVIII аср охирларидан XX асрнинг 30-йилларига қадар устуворлик қилди. Унинг ўрнини 1930-йиллардан 1970-йилларгача эгаллаган кейнсча назарияда ишсизлик фақат “фрикцияли” ёки “ихтиёрий”гина эмас, балки “мажбурий” ҳам бўлиши мумкинлигига асосланди. 1930-йилларда содир бўлган иктисодий инқироз Ж.Кейнсни давлат қатъий илмий асосда зарур иктисодий кўрсаткичларни режалаштириши шарт деган хулосага олиб келди.

Кейнсчиларнинг иктисодиёт назариясида давлат иктисодий сиёсатининг инвестициявий йўналишига алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаш лозим. Бу мактаб вакиллари давлатнинг кредит-пул сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган инвестиция сиёсати амалда иш билан бандлик сиёсати эканлигини исботлаган. Давлат иш билан бандлик даражаси юқори бўлишини куйидаги воситалар орқали таъминлайди:

- фоиз ставкасини пасайтириш орқали ишлаб чиқаришга кредитлар ажратилишини кўпайтириш ва капитал активлар ликвидлигини ошириш;

- инвестицияларни “ижтимоийлаштириш”, яъни хусусий корхоналарни давлат бюджети ҳисобидан манзилли молиялаш, шунингдек, давлат томонидан товарлар ва хизматларни харид қилиш;

- истеъмол талабининг тўловга қодирлигини ошириш чораларини кўриш, бунда тўлов қобилиятининг ўсиши киритилаётган инвестициялар ўсишидан юқори бўлиши керак.

Юқорида қайд қилинган чоралар, айниқса, истеъмол талабининг тўловга қодирлигини ошириш амалда иш билан бандлик ҳисобланади. Чунки улар корхоналар даражасидаги ижтимоий-меҳнат соҳасини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Бу билан давлат ўз зиммасига ишлаб чиқариш барбод бўлиши ёки ҳатто тургун ҳолатга тушиб қолишига йўл қўймаслик мажбуриятини, яъни корхоналарга, шу жумладан, хусусий сектор корхоналарига нисбатан олиб бораётган сиёсати орқали иктисодий ўсишни таъминлайди. Бу эса янги иш жойлари кўпайиши, иш ҳақи даражаси муносиб бўлиши, бошқача айтганда, истеъмол талабининг тўловга қодирлигининг давлат кафолатларидир.

3. *Монетарчилар назарияси* (М.Фридман, Р.Лукас, Ж.Мут ва бошқалар). Монетарчилар нуқтаи назаридан иш билан бандлик фақат кутилмаган инфляция билан боғлиқ, чунки унинг даражаси қанчалик юқори бўлса, тақрор ишлаб чиқариш иштирокчилари нарх-навонинг бўлажак кўтарилишини шунчалик кўпроқ ҳисобга оладилар ва буни меҳнат шартномалари, контрактларда турли махсус қайдлар орқали бартараф қилишга интилади.

Бу назарияда М.Фридманнинг ишсизликнинг табиий даражаси мавжудлиги тўғрисидаги хулосаси муҳим методологик аҳамиятга эгадир. Бу даража меҳнат бозори шароитлари билан қатъий чегаралаб қўйилган ва давлат сиёсати билан ўзгартирилиши мумкин эмас. Агар давлат иш билан бандликни унинг табиий даражасини талабни кўпайтиришнинг анъанавий-бюджет ва кредит усуллари билан оширмоқчи бўлса, бу чоралар қисқа мuddат самара келтириб, фақат нарх-наво кўтарилишига олиб келади¹.

4. *Институционалчилар назарияси* (Т.Веблен, Ж.Гэлбрейт, Р.Городон, Д.Коммонс ва бошқалар). Институционалчилар меҳнат бозорини иктисодиётнинг энг муҳим сектори деб ҳисоблаб, у иктисодий тизимда марказий ўринни эгаллашини кўрсатадилар. Жумладан, Т.Веблен бозорнинг тарихий ривожланишини таҳлил

¹ Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. – М.: 1978. С.....

¹ Friedman M. Money and Economic Development/ M.Friedman// 1973. №4. –P.70 .

этар экан, индустриал жамият тарақкий этиши билан рақобат кураши маркази товарлар ва хизматлар баҳоси учун кураш соҳасидан меҳнат баҳоси ва шароити учун курашиш соҳасига кўчишини аниқлаган¹.

Институционалчилар фикрига кўра, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг номуаносиблигини ижтимоий назорат тизимини ўрнатиш орқали ҳал этиш мумкин. Давлат эса меҳнат бозоридаги режали сиёсатини меҳнат бозоридаги институтлар орқали амалга ошириши зарур. Ж.Гэлбрейт ҳисоблашича, бевосита меҳнат бозорида энг муҳим ижтимоий муаммолар ҳал этилади, шунинг учун давлат мазкур жараёнда иштирок этиши шарт, зеро кўплаб одамлар ишдан ва тирикчилик кечириш учун зарур неъматлардан маҳрумлар. Давлат иш билан бандлик даражаси юқори бўлишидан манфаатдор, чунки бу ҳолат бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиради ва мамлакат бойлиги кўпайишини таъминлайди².

Институционал мактаб вакиллари шахс эркин ҳамда касб малакасини ошириш имкониятига эга бўладиган ижтимоий тартиб ўрнатиш учун ижтимоий-иқтисодий сиёсат қуйидаги вазифалар ҳал этилишини таъминлаши зарур:

- қобилиятга мувофиқ танлаган касбга ўқиш учун тенг имконият яратиш;
- меҳнат жараёнига қўшилиш, малака ошириш, хизмат вазифасида кўтарилиш учун тенг имкониятлар яратиш;
- меҳнатни рағбатлантириш ходим ва унинг оиласи муносиб турмуш кечиришини таъминлайдиган даражада бўлиши;
- ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш.

Бозор иқтисодиётига ўтишда иш кучининг товар шакли, ишсизлик эса бозор иқтисодиётининг табиий кўриниши эканлигини эътироф этиш энг асосий масаладир. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари каби маъмурий-буйруқбозлик, марказдан режалаштириш тизимидан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаётган давлатлар учун бунинг аҳамияти айниқса, каттадир.

МДҲ давлатларининг айрим иқтисодчи олимлари бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнатни тартибга солишни иш билан бандлик сиёсати, “меҳнат”ни эса “иш билан бандлик”ка

тенглаштирадилар. Жумладан, Э. Саруханов иш билан бандликни меҳнат фаолиятига киришиш деб ҳисоблайди ҳамда меҳнат бозорини иш билан бандлик деб аташ, меҳнат бозорини тартибга солишни эса иш билан бандлик ва ишсизлик муаммосини тартибга солиш, деб аташ тўғри бўлади деган хулоса чиқаради. Унинг ҳисоблашича, иш ўрнини эгаллаш бўйича муносабатлар иш билан бандлик муносабатларидир. Инсон ишга киришиши билан бу муносабатларнинг амал қилиши тўхтади, шу вақтдан бошлаб навбатдаги – меҳнат фаолияти босқичи бошланади ва бу бандлик ҳамда меҳнат билан боғлиқ эмас¹.

Бу нуқтаи назарга зид қарашларда меҳнат бозори, иш билан бандлик ва уларни тартибга солиш жараёнлари фарқланади. Бу қарашлар тарафдорлари иш кучини такрор ҳосил қилиш ва меҳнат бозори иш билан бандликнинг таркибий қисмлари, деб ҳисоблайдилар. Масалан, Г.Г. Руденко, М.И.Кулапов, С.А. Карташов меҳнат бозори одамлар ишлаб чиқариш қобилиятларини такрор ҳосил қилиш бўйича бозор муносабатларининг тизими эканлигини эътироф этади. Меҳнат бозори иш берувчи учун иш кучини жалб этган ҳолда моддий неъматлар ишлаб чиқариш имкониятини беради. Ёлланма ходим эса ўз иш кучини сотиши ҳисобига меҳнатга ҳақ олади ва ўзининг меҳнат қобилиятини такрор ҳосил этади².

С.В.Андреев иш билан бандликни “ишлаб чиқариш жараёнига қўшилиш шarti”, деб ҳисоблайди. У бу ёндошувини иш билан бандликка:

- ишлаб чиқариш (меҳнат - ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ходимни ишлаб чиқариш воситаси билан боғлаш воситаси);
- истеъмол (ходим меҳнати моддий жиҳатдан рағбатлантирилади);
- меҳнат тақсимоти (ходимнинг меҳнат фаолияти бирор соҳасига бириктириб қўйилиши) нуқтаи назарлари билан асослайди³.

Аҳолининг иш билан бандлиги соҳаси таркибига меҳнат бозоридан ташқари аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаши, уларнинг уй хўжаликлари таркибидаги фаолиятлари, кадрларни

¹ Саруханов Э. Рынок труда и рынок занятости: противоречия, определения и трактовки // - М.: Ж. Человек и труд. 1995. - №2. - С.49.

² Руденко Г.Г., Кулапов М.И., Карташов С.А. Рынок труда. -М.: 1997. - С.430.

³ Андреев С.В. Кадровый потенциал и проблемы занятости в условиях перехода России к рыночным отношениям. -М.: Институт социологии РАН. 1997. -С.76.

¹ Веблин Т. Теория праздного класса. - М.: «Прогресс», 1984. -С.56.

² Гэлбрейт Д. Экономическая теория и цели общества. -М.: «Наука», 1979. -С.406.

тайёрлаш ва ишга жойлаштириш мақсадли дастурлари ҳам киради. Яъни, иш билан бандлик соҳаси меҳнат бозори тушунчасидан кенгрокдир. Меҳнат бозорини тартибга солиш иш билан бандликнинг бир қисми ҳисобланади.

Иқтисодий фанида иш билан бандликнинг қуйидаги турларини фарқлайди:

1. *Иш билан тўлиқ бандлик* - меҳнатга қобилиятли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнатга энг кўп жалб этиш. Амалда бу ялпи бандлик бўлиб, бунда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 90,0–92,0 % тўлиқ бандликда меҳнат қилишга муҳтожлар ва меҳнат қилишни хоҳловчилар иш билан таъминланади, бу иш кучига талаб ва таклифининг мутаносиблигини англатади.

2. *Иш билан тўлиқ бўлмаган бандлик* – бу иқтисодий фаол аҳолининг бир қисмигина ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминланганлигини кўрсатади. Иш билан мавсумий бандлик – бу меҳнатга қобилиятли аҳолини табиий-иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда вақти-вақти (одатда муайян мавсумларда) ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишдир.

3. *Иш билан яширин бандлик* – бу ҳолда пул тўламайдиган узоқ муддатли таътилда бўлганлар норасмий равишда (иш билан банд сифатида расман рўйхатга олинмасдан) турли савдо-сотиқ, аҳолига хизмат кўрсатиш билан машғул бўлишларини англатади.

4. *Иш билан даврий бандлик* – бу муайян муддатда меҳнат фаолияти билан машғул бўлиш, муайян муддатда дам олишни билдиради. Иш билан бандликнинг бу тури асосан нефть, газ саноати, балиқчилик тармоқларида вахта усулида ишловчиларни назарда тутаяди.

5. *Иш билан самарали бандлик* – бу аҳолининг иш билан бандликка эҳтиёжининг мавжуд иш ўринларига мувофиқ келишининг сифат хусусияти бўлиб, иқтисодий нуқтан назардан меҳнат ресурсларидан энг оқилона фойдаланишни, ижтимоий жиҳатдан меҳнат фаолиятининг инсон манфаатларига энг мувофиқ келишни билдиради.

Профессор И.И.Елишева иш билан бандликнинг бу турлари билан бирга *иккиламчи бандликни* ҳам кўрсатади. Унинг фикрича, бу меҳнат фаолиятига жалб этилган иш кучидан қўшимча (иккиламчи) фойдаланишдир¹.

Иш билан иккиламчи бандлик амалда ўриндошлик бўлиб, ходимнинг қўшимча даромадга эга бўлиш учун ўз иш кучини асосий иш вақтидан бўш вақтда таклиф этишини англатади.

Меҳнат бозорида *иш кучига талаб* иш берувчилар томонидан шакллантирилади. Иш кучига талаб – меҳнатга эҳтиёжни англатади, яъни ишлаб чиқувчилар муайян вақтда белгиланган иш ҳақиға қанча ходимни ёллашлари мумкинлигини ифода этади

Аҳолининг иш билан тўла бандлигини таъминлаш халқаро ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг иш билан бандлик соҳасидаги сиёсатга тааллуқли 122-конвенциясида мазкур ҳужжатни ратификация қилган мамлакатлар зиммасига тўла, самарали ва эркин танланган иш билан бандлик сиёсатини олиб бориш масъулияти юкланган. Мазкур конвенцияда иш билан тўла бандлик меҳнат қилишга қодир бўлган, иш жойини эгаллашни хоҳлайдиган ва фаол иш қидирадиган ҳамма учун бандлик сифатида белгилаб қўйилган¹.

Иш билан бандлик меҳнат бозори конъюнктурасига боғлиқдир. Иш кучи меҳнат бозорида истеъмол бозоридаги оддий товарлардан фарқли равишда харидор эҳтиёжини қондириш учун эмас, балки муайян иш бажариш, хизмат кўрсатиш мақсадида сотиб олинади. Бу иш кучини эса меҳнатга лаёқатли муайян гуруҳлар:

- ишга муҳтож бўлиб иш қидираётганлар;
- ишга эга бўлган ҳолда ўз меҳнат фаолиятидан қоникмасдан, бошқа муносиброқ иш қидираётганлар;
- ҳозир иш билан банд бўлса ҳам яқин орада иш ўрнини йўқотиши хавфи бўлгани учун ҳар эҳтимолга янги иш жойи қидираётганлар таклиф қилади.

Иш кучига талабни мулкчилик шакллари, иқтисодий тармоқлари, иш ўринларининг бандлиги ёки банд эмаслиги кўринишида ифода этиш мумкин (4.2-расм).

Иш кучига талабнинг ўзгаришига қатор омиллар:

- меҳнат баҳоси (иш ҳақи миқдори);
- маҳсулотга эҳтиёж;
- ишлаб чиқариш ҳажми;
- қўлланилаётган технологиялар таъсир кўрсатади.

¹ Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва таъсиялари. –Т.: Илсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий миқдори, 2008. -Б.116.

Жумладан, у ёки бу ишлаб чиқаришда технология, дастгоҳ ва ускуналар, бошқа воситалар ўзгармагани ҳолда иш ҳақи миқдори кўпайса, табиийки, маҳсулот таннархи ҳамда унинг нархи ортади. Харидор қимматлашган товарни камроқ сотиб олишга мажбур бўлади, бу иш берувчини ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиришга мажбур қилади. Оқибатда иш билан бандлик даражаси пасаяди. Бу иқтисодиёт фанида кўлам самараси, деб аталади.




4.2-расм. Меҳнат бозорида иш билан бандликка талабнинг шаклланиши

Иш берувчи ходим иш ҳақи миқдорини оширган ҳолда маҳсулот таннархини ишлаб чиқариш чиқимларини замонавий технологияларни жорий этиш йўли билан камайтириш орқали арзонлаштиришга муваффақ бўлиши мумкин. Бу ҳолда ҳам ишлаб чиқариш технологиялари меҳнат сарфини камайтириб, иш билан бандликни қисқартиради. Бу иқтисодиёт фанида ўриндошлик самараси номини олган. Яъни мазкур ҳолда капитал (замонавий технологиялар учун сармоя сарфи) иш кучи ўрнини босади.

Умуман олганда, меҳнат бозорида иш кучига талабнинг шаклланиши иш берувчи эҳтиёжлари ва манфаатларига бўйсундирилган. Бунда иш берувчи учун асосий омил – ишлаб

чиқараётган маҳсулоти(хизмати)нинг бозорда рақобатбардошлигини таъминлаб, фойда олишидир.

Ўз навбатида, иш кучи таклифининг шаклланишида ходимнинг эҳтиёж ва манфаатлари асосий аҳамиятга эга. Ходим учун энг асосийси – таклиф этаётган иш кучи учун имкони борича юқори ҳақ олиш, меҳнат фаолиятининг мазмун ва шарт-шароитлари муносиб бўлишидир.



4.3-расм. Меҳнат бозорининг конъюнктураси

Меҳнат бозорида унинг таркибий қисмлари ўртасида таркиб топаётган муносабатлар бозор конъюнктурасини англатади. Меҳнат бозори конъюнктураси уч хил бўлади (4.3-расм):

- 1) ёлланма ходимлар тақчиллиги, яъни меҳнат бозорида иш кучи таклифи камлиги;
- 2) ишсизлик, яъни меҳнат бозорида иш кучининг ортиқчаллиги;
- 3) мувозанат, яъни иш кучига талаб унинг таклифига мутаносиблиги.

Шунинг учун Р.Ж. Эренберг ва Р.С. Смит меҳнат бозорини тадқиқ этиш бу талаб ва таклиф билан бошланади ва худди шу билан тугайди ҳамда меҳнат бозори амал қилишининг ҳар қандай натижаси ҳамма вақт у ёки бу даражада мазкур таркибий қисмларнинг даражаси ва ўзаро муносабатига боғлиқ деб кўрсатади¹.

Меҳнат бозоридаги иш кучига талаб ва унинг таклифи хусусиятларидан келиб чиққан унинг бир неча моделлари фарқланади (4.4-расм):

¹ Эренберг Р. Дж., Смит Р. С. Современная экономика труда: теория и государственная политика. – М.: 1996. – С.3.



4.4-расм. Меҳнат бозорининг иш кучига талаб ва унинг таклифи моделлари

1. Соф рақобат бозори. Унда:

- кўп миқдордаги фирмалар меҳнат бозорида муайян меҳнат турини ёллашда бир-бирлари билан рақобатда бўлади;
- бир хил малакага эга кўп сонли малакали ишчилар меҳнат бозорида бир-биридан мустақил равишда мазкур меҳнат хизматини таклиф этадилар;
- фирмалар ҳам, ёлланма ходимлар ҳам иш ҳақининг бозор ставкаси устидан назоратни амалга ошира олмайди. Улар иш ҳақи даражаси қандай бўлишини ҳам белгилаб бера олмайди.

2. Монополия модели. Уни бир харидор монополияси бозори ҳам деб аташади. Меҳнат бозорининг мазкур моделида иш кучини харид қилувчи монопол кучга эга бўлади. Ушбу модель учун қуйидаги хусусиятлар ҳосил:

- монопол харидор кучига эга фирмада иш билан бандлар меҳнатнинг муайян тури билан банд бўлган ходимларнинг асосий қисмини ташкил этади;

- меҳнатнинг мазкур тури жүгройфий омиларга кўра нисбатан ҳаракатчан бўлмайди ёки ходимлар иш топа олмасликлари сабабли янги касб-корни эгаллаш ёки малака оширишга мажбур;

- иш ҳақи даражаси қандай бўлишини монопол фирма белгилайди. Бунда фирма ёлланма ходимларга тўлайдиган иш ҳақининг ставкаси у томондан ёлланадиган ходимлар сонига бевосита боғлиқ бўлади.

Монополия моделига кичик шаҳарлар ҳамда олинда жойлашган туманлардаги меҳнатга лаёқатли аҳоли учун асосий иш жойлари таклиф этадиган ягона корхона мавжудлиги ҳосилдир. Агар маҳаллий меҳнат бозорида иш кучи харидори сифатида бир нечта (учта ёки тўртта) фирма монопол ҳуқуққа эга бўлса, бу олигополия модели ҳисобланади.

3. Касаба уюшмалари фаолияти ҳисобга олинган меҳнат бозори модели. Меҳнат бозорининг бу тури учун касаба уюшмалари иш ҳақини ошириш талабини қўйишлари ҳосилдир. Улар ўзларининг бу иқтисодий мақсадларига қуйидагича эришишлари мумкин:

- меҳнат хизматига талабни сиёсий таййиқ ёки реклама ёрдамида ошириш. Баъзи касаба уюшмалари иш берувчиларга талабдан ортикча ходимларни иш билан таъминлаш таййиқини ўтказиш орқали ҳам таъсир кўрсатади;

- меҳнат унумдорлигини ошириш орқали. Бунинг учун корхоналарда ишчи – маъмурий қўмиталар ташкил этилади;

- иш ҳақи ставкаларини ошириш орқали. Касаба уюшмалари ёлланма ходимларни бирлаштириб, меҳнат таклифини ўз назоратлари остига олишлари ҳамда иш берувчиларга рақобат даражасидан юқори бўлган иш ҳақи ставкасини ўрнатиш таййиқини ўтказишлари мумкин.

4. Икки тарафлама монополия модели. Меҳнат бозорининг бу модели кучли тармоқ касаба уюшмалари мавжуд бўлган монополия бозори учун ҳосилдир. Бошқача қилиб айтганда, монополия модели касаба уюшмалари фаолияти ҳисобга олинган модель билан қўшилганда ана шундай модель ҳосил бўлади. Меҳнат бозорининг бу тури учун касаба уюшмаларининг иш кучи сотувчисининг монопол ҳуқуққа эгаллиги ҳосилдир. Бунда касаба уюшмалари иш ҳақи миқдорини иш билан бандликни камайтириш ёки кўпайтириш ҳисобига ўзгартирадиган монополия иш берувчиларга қарши туради.

Иш билан бандлик назарияларида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш турли усул ва моделлари таклиф этилишига қарамадан кескин ижтимоий-иқтисодий муаммога айланадиган йўл қўйилиши мумкин бўлган ишсизлик даражаси масаласи очиқлигича қолмоқда.

Ишсизлик – иқтисодий фаол аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминланганлигини акс эттирадиган ижтимоий ходисадир.


Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ “16 ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар ишсизлар, деб эътироф этилади”¹. Яъни қуйидагилар ишсиз шахслардир:

- меҳнатга лаёқатли ёшдан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўладиган давргача ёшдаги;
- ишга ва иш ҳақи(меҳнат даромади)га эга бўлмаган;
- иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олинган;
- меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр фуқаролар.

Ишсизлик пайдо бўлиши сабаблари турли: иқтисодиётдаги турғунлик (даврий), таркибий ўзгаришлар (таркибий), табний омиллар (мавсумий), ижтимоий омиллар (фрикцияли) ва ҳоказо (4.5-расм).

Ҳозирги давр иқтисодий адабиётларида ишсизликни таснифлашга турли ёндошувлар кўзга ташланади. Уларнинг умумий мезонлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

- пайдо бўлиш хусусияти (фрикцияли, таркибий, даврий);
- намоён бўлиш хусусияти (очик, яширин);
- давомийлиги (қисқа муддатли, узок муддатли);
- инсоннинг меҳнат фаолиятига муносабати (ихтиёрий, мажбурий);
- тарқалиш жойи (минтақавий, миллий)².



4.5-расм. Ишсизлик турлари

Умуман ишсизликнинг асосий шакллари қуйидагилардир:

- фрикцияли ишсизлик – турли сабабларга кўра (янги истиқомат қиладиган жойга кўчиш, касбини ўзгартириш, фарзандини парвариш қилиш, янги иш танлаш ва ҳоказо) вақти-вақти билан ишсиз қолишдир. Бу ихтиёрий ишсизлик, деб ҳам аталади. У, одатда, бир ойдан ортиққа чўзилмайди;
- таркибий ишсизлик - ишлаб чиқариш тузилмаси ўзгартирилган шароитда иқтисодиётнинг эски тармоқларида иш билан банд бўлганларнинг янги тармоқлар талаб этаётган янги касб ва ихтисосликларни эгалламаган давридаги ишсизликдир;
- мавсумий ишсизлик – мавсумий иш билан банд бўлганларнинг мавсум тугаши билан ишсиз қолишдир;

¹ “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

² Макроэкономика: теория и российская практика. –М.: КНОРУС, 2004. –С.137-139.

• даврий ишсизлик – иқтисодий танглик билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайиб кетиши оқибатида рўй берадиган ишсизликдир. Бу мажбурий ишсизлик, деб ҳам аталади;

• яширин ишсизлик – расман иш билан банд ҳисобланганларнинг қисман иш билан бандлиги. Бу турдаги ишсизликда ходим қисқартирилган иш кунда ишлайди ёки ҳақ тўланмайдиган таътилда бўлади;

• ёшлар (аёллар) ишсизлиги - ёшларнинг таълим муассасаларини тугаллаганларидан сўнг, аёлларнинг ўз фарзандларини парвариш қилишлари ва бошқа турли сабабларга кўра иш билан банд бўлмасликларидир.

Ривожланган мамлакатлар учун асосан ишсизликнинг фрикцияли ва таркибий турлари ҳосдир. Ўзбекистон Республикаси учун эса демографик омиллар туфайли ортиқча иш кучи мавжудлиги, аҳолининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилиши билан боғлиқ мавсумий ишсизлик табиий ҳисобланади¹.

Ф.А.Хайек²нинг ҳисоблашича, ҳозирги даврдаги ишсизлик авваллари кейнсчилар назариялари асосида иш билан тўлиқ бандликка эришиш сиёсатининг бевосита оқибатидир³. Унинг ҳисоблашича, иш кучига талабнинг етарли эмаслиги одатда ишсизликнинг асосий сабаби бўлмайди (пул камайган даврлар истисно этилганда). Ишсизликнинг ўзи жамланма талаб ва таклифнинг мутлақ камайиши сабабига айланиши мумкин. Истеъмол талаби инвестициявий фаоллик жонланиши билан бошланади. Иш билан бандлик даражаси юқори бўлган шароитларда ҳам ишлаб чиқаришга капитал қўйилмалар киритилиши талаб этилади.

Ишсизликнинг табиий даражаси – иқтисодий гипотеза ҳисобланиб, унга кўра муайян реал иш ҳақи даражаси таркиб топганда аҳолининг муайян қисми учун тўлиқсиз иш билан бандлик мавжуд бўладиган умумиқтисодий мутаносибликдир. Бундай тўлиқ бўлмаган ишсизлик мукамал бўлмаган меҳнат бозоридаги ахборотнинг етишмаслиги, тўсиқларнинг мавжудлиги, иш кучи

¹ Иқтисодий-иқтисодий жараёларнинг бошқарилиши/Абулқосимов Х.П. ва бошқалар. –Т.: «Г.Фулмон номидagi нашриёт-матбаа ижодий уйи», 2007. – Б.240.

² Фридрих Август фон Хайек (Friedrich August von Hayek; 1889–1992) — австриялик иқтисодчи, иқтисодий бўйича 1974 йилги Нобель мукофотининг лауреати. Асосий асарлари: “Пул ва кредит назарияси” (“The Theory of Money and Credit”, 1912), “Нарх ва ишлаб чиқариш” (“The Prices and Production”, 1931), “Капиталнинг соф назарияси” (“The Pure Theory of Capital”, 1941), “Зарарли ўзига ишонач” (“The Fatal Conceit”, 1988).

³ Хайек Ф.А. Общество свободных / Пер. с англ. – М.: 1990. – С.93.

ҳаракатчанлиги, демографик ўзгаришлар ва бошқа сабаблар оқибатидир. Мазкур сабабларга кўра ишсизлик даражасини нол га тушириб бўлмайди. Уни фақат мукамал бўлмаган меҳнат бозори белгилаган даражагача пасайтириш мумкин. Яъни ишсизликнинг ушбу даражасига қисқа вақт мобайнида таъсир кўрсатиб бўлмайди. Бунинг учун, жумладан, қуйидаги тартибга солиш ёки таркибий сиёсат ўтказиш натижасида аста-секин эришса бўлади:

• иш излашни енгиллаштирадиган технологияларни ривожлантириш;

• иш ҳақининг энг кам миқдорини жорий этиш;

• меҳнат бозоридагидан юқори бўлган самарали иш ҳақини жорий этиш.

М.Фридман¹нинг назариясига кўра эса, табиий ишсизлик кутилаётган инфляция даражаси амалдаги инфляцияга тенг бўлган макронқтисодий мутаносибликка мувофиқ ҳар бир иқтисодиёт учун ўзига ҳосдир. Унинг тасдиқлашича, ҳамма вақт реал иш ҳақи ставкаларидаги тенгликка мос келадиган муайян ишсизлик даражаси мавжуддир. Ишсизликнинг бундай даражасида реал иш ҳақи ставкалари муайян суръатда, яъни ишлаб чиқаришга капитал қўйилмалар киритиш, техника янгиликлари киритиш ва бошқа жараёнлар ўзларининг узоқ муддатли ҳолатларида сақланиб туришини таъминлайдиган суръатларда ортиб бориш тенденциясига эга бўлади. Агар давлат ишсизликнинг бу табиий даражасини ошириш чорасини кўрса, бунга биринчи жавоб нархларнинг ортиши бўлади.

М.Фридман нуқтан назарича, инфляция даражаси қанчалик юқори бўлса, такрор ишлаб чиқариш иштирокчилари ўз савий-ҳаракатларида нарх-навонинг бўлажак кўтарилишини шунчалик кўпроқ ҳисобга олади ва буни меҳнат шартномалари, контрактларда турли махсус қайдлар орқали бартараф қилишга интилади. Демак, кейнсчилар асослаган инфляциянинг рағбатлантирувчи самараси вақт ўтиши билан камайиб боради. Ҳукумат ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун инфляциянинг қўшимча сакрашларига таяниб иш кўришга мажбур бўлади. Бу эса,

¹ Милтон Фридман (Milton Friedman, 1912-2006) — америкалик иқтисодчи, истеъмол таълими, пул муомаласи тарихи ва молия назариясини ишлаб чиқиш, шунингдек иқтисодий барқарорлаштириш сиёсати мураккаблигини амалиётда асослаб берганлиги учун 1976 йилги Нобел мукофотининг лауреати. Асосий асарлари: “Пул сиёсатининг роли” (“The Role of Monetary Policy”, 1967), “пул ва иқтисодий ривожланиш” (“Money and economic development”, 1973).

бюджетдан молиялаштиришнинг янада кўпроқ тақчиллигига олиб келади.

Ишсизлик даражаси энг муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. У иш билан машғул барча ходимлар (иктисодий фаол аҳоли) ва ишсизлар сонинг нисбати бўлиб, қуйидагича аниқланади:

$$U_T = \frac{U_w}{T_{IF}}$$

бунда: U_T – ишсизлик даражаси;

U_w – ишсизлар сони;

T_{IF} – иктисодий фаол аҳоли сони.

Ишсизлик даражаси кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуддир. Жумладан, ишсизликнинг умумий коэффицентини ишсиз аҳолининг иш билан бандлар ва ишсизлар умумий сонига нисбати сифатида аниқлаш мумкин:

$$K_6 = [K_3 : (N + N_6)] 100,$$

бунда, K_6 – ишсизликнинг умумий коэффицентини;

K_3 – иш билан бандлар умумий сони;

N_6 – ишсизлар умумий сони.

Мазкур коэффицент мавжуд иш жойига номзодлар умумий сонига ишсизлар улушини ҳамда ҳақ тўланадиган меҳнатга қондирилмаган талаб даражасини акс эттиради. Бироқ бу иш билан самарали бандлик тушунчасининг миқдор кўрсаткичидир. Унинг сифат кўрсаткичларига эса жами иш кучига сарф-харажатларни меҳнат натижалари билан таққослаш киради.

Мамлакат бутун иктисодиёти қўламида мазкур кўрсаткич ҳосил қилинган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), миңлиқ даромаддир. Иш билан бандлик самарадорлиги (ёки ишсизлик қиймати) реал имконияти бўлган, бироқ аҳоли иш билан банд бўлмаганлиги оқибатида қўлдан бой берилган ЯИМ миқдори ҳисобланади. Имкони бўлган ҳамда реал ЯИМ ўртасидаги тафовут иш билан бандлик самарадорлиги ёки ишсизлик қиймати ҳисобланади.

Ушбу қонданинг математик ифодаси А.Оукен¹ қонуни номини олган. А.Оукен эмпирик тадқиқотлар асосида иктисодий ўсиш суръатлари қисқариши билан ишсизлик даражаси ўртасидаги барқарор алоқани аниқлаган. Мазкур қонуннинг моҳияти ишсизликнинг юқори даражаси ЯИМ ўсишининг амалдаги суръатлари имкони мавжуд бўлганга қараганда паст бўлган даврларга тўғри келади. Бунинг натижасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва иктисодиётнинг амалдаги фаоллиги имкон бўлган даражадан паст бўлади. Бошқача қилиб айтганда, А.Оукен қонуни, биринчидан, ишсизликнинг табиий нормасини, демак, иш билан бандлик бозор даражасини, иккинчидан, мавжуд ишсизлик нормаси барқарор бўлиши учун зарур бўлган ЯИМ ўсиши суръатларини, учинчидан, ишсизлик ҳамда иш билан тўлиқ бозор бандлиги муаммосини ҳал этиш учун ЯИМ ўсиши суръатлари қай даражада бўлиши кераклигини белгилаб беради.

А.Оукен агар амалдаги ишсизлик унинг табиий даражасидан 1,0 % га ортиқ бўлса, ЯИМда орқада қолиш 2,5 % ни ташкил этишини (яъни, 1:2,5 ёки 2:5 нисбатини) аниқлаган. Бундай нисбат ишсизлик оқибатида йўқотилган маҳсулотлар, моддий неъматлар ва хизматлар мутлақ миқдорини ҳисоблаб чиқиш имконини беради.

4.2. Давлатнинг иш билан бандликни тартибга солиш сиёсати

Иш билан бандлик сиёсатини такомиллаштиришда ҳар бир мамлакат меҳнат бозорида мавжуд бўлган шарт-шароитлар ҳисобга олиниши зарур. Бунда меҳнат бозорини шунчаки: очиқ ёки ёпик, расмий ёки норасмий, айрим касб-хунар гуруҳлари меҳнат бозори ва ҳоказолар бўйича тасниф қилишнинг ўзи етарли эмас. Халқаро Меҳнат Ташкилоти мутахассисларининг фикрича, у ёки бу меҳнат бозорида фаол сиёсат олиб бориш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қуйидаги маълумотлар муҳим ҳисобланади:

• иш билан бандлар, иш билан банд бўлмаганлар, ишсизларнинг жинси ва ёш таркиби;

¹ Артур Мелвин Оукен (Arthur Melvin Oken, 1928—1980) — америкалик иктисодчи, “Оукен қонуни” муаллифи. Асосий асарлари: “Равнақ топшишнинг сиёсий иктисодиёти” (“The Political Economy of Prosperity”, 1970); “Нархлар ва ҳажмлар: макроиктисодий таҳлил” (“Prices and Quantities: A macroeconomic analysis”, 1981).

- иш кучи сафига қўшилаётганларнинг ўртача ёши ва бунинг меҳнаткашлар малакаси даражасига таъсири;

- оила даромадида ёлланиб ишлашдан олинадиган иш ҳақи, давлат нафақалари, мустақил иш билан бандликдан, ижарадан, кўчмас мулкдан олинадиган даромадлар улуши;

- урбанизация даражаси ҳамда шаҳарлардаги расмий ва норасмий иш билан бандлик кўламлари, қишлоқ хўжалигида ва қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган соҳаларда иш билан бандликнинг даражаси;

- корхоналарнинг кўлами ва мулкчилик шаклига қараб таснифланиши;

- иқтисодиётнинг халқаро рақобат учун очиклиги, шу жумладан, миллий даромадда савдонинг улуши ва хорижий инвестицияларнинг аҳамияти;

- меҳнат институтлари, шу жумладан, иш берувчилар ва меҳнаткашлар ташкилотларининг ривожланганлиги ва самарадорлиги;

- меҳнат қонунчилигининг кўлами, қамраб олиши ва даражаси, бу қонунчиликнинг ижро этилиши, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши ва ижтимоий суғурта.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан 1995 йилда ўтказилган олий даражадаги ижтимоий ривожланиш муаммолари бўйича Умумжаҳон учрашувида қабул қилинган Копенгаген декларациясида иш билан тўла бандликка эришиш иқтисодиёт ва ижтимоий сиёсатнинг энг устувор йўналиши бўлиши зарурлиги кўрсатилган.

Умумжаҳон учрашуви қарорларига мувофиқ иш билан тўла бандлик ва тирикчилик учун барқарор маблағлар масалалари бўйича Ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган Халқаро Меҳнат Ташкилоти ташаббуси билан 1999 йилда Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ мамлакатлари меҳнат бозорларидаги асосий тенденциялар ақс этган Жамланма маъруза тайёрланди. Бу ҳужжатда барқарор ва тўла иш билан бандликка эришиш учун иқтисодий сиёсат қуйидагиларга йўналтирилган бўлиши кераклиги кўрсатилган:

- иқтисодиёт тармоқларида иш билан бандлик даражасини мунтазам назорат қилиб бориш ва бошқариш;

- институционал (таркибий) мониторинг олиб бориш ва унга мувофиқ меҳнат бозорига тааллуқли чоралар кўриш;

- инсон капиталини ривожлантириш ва такрор ҳосил қилишни кенгайтиришни ҳар тарфлама рағбатлантириш;

- камбағаллик даражасини пасайтириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатишга қаратилган манзилли дастурларни амалга ошириш¹.

Мазкур Жамланма маърузада ҳозирги даврдаги иш билан бандлик сиёсати тегишли мавжуд муаммоларни ҳал этишга комплекс ёндошишни назарда тутиши лозимлиги ҳам қайд қилинган. Бу сиёсат қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли мақсадларни кўзлаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Хусусан, иш билан бандликнинг қисқа муддатли сиёсати ишсизликни бевосита тартибга солиш, меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш, ишсизликнинг олдини олишдан иборатдир.

Ўрта муддатли мақсад эса иқтисодий ривожланишдаги турли номутаносибликларни бартараф этиш орқали иш кучига талабни рағбатлантиришга йўналтирилиши керак. Бунда иқтисодиёт тармоқларида иш билан бандлик соҳасида фаол сиёсат олиб бориш адолатли рақобат орқали тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, инвестиция жараёнларини рағбатлантириш орқали самарали иш жойлари ташкил этишни кўпайтириш, иш кучи сифатини оширишдан иборат бўлиши керак.

Иш билан бандликнинг узоқ муддатга мулжалланган мақсади юқорида қайд қилинган тўла, самарали ва эркин танланадиган фаолият билан банд бўлишни англатади, бу эса иқтисодиёт тармоқларида танлаш мумкин бўлган иш жойлари мавжудлигини назарда тутати.

Давлат иш билан бандликни тартибга солиш мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, меҳнат бозорига таъсир кўрсатишнинг турли усул ва воситаларини танлайди (4.1-жадвал).

¹ Сводный доклад. Обзор основных тенденций на рынках труда Центральной и Восточной Европы и СНГ после 1990 г.: характеристика основных проблем. – М.: Бюро МОТ, 2000.

4.1-жадвал

Иш билан бандликни тартибга солиш усуллари

Мезонлар	Иш билан бандликни тартибга солиш усуллари
1. Тартибга солиш вазибалари	1.Меҳнат хизматида талаб ва унинг таклифи энг мақбул нисбати 2.Ишсизлик даражасини камайтириш 3.Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш 4.Меҳнат хизматида қондирилмаган талабни йўқотиш
2. Тартибга солиш йўналишлари	1.Меҳнат бозорига бевосита таъсир кўрсатиш усули 2.Билвосита таъсир кўрсатиш усули
3. Тартибга солиш кўламлири	1.Халқаро меҳнат бозори 2.Миллий меҳнат бозори 3.Минтақавий меҳнат бозори
4. Тартибга солиш объектлари	1.Иш билан бандлик 2.Ишсизлик 3.Меҳнатда ҳақ тўлаш 4.Меҳнат хизматида талаб ва унинг таклифи нисбати 5.Меҳнат бозорининг эгилувчанлиги
5. Тартибга солиш субъектлари	1.Иш берувчилар 2.Қасаба уюшмалари 3.Давлат институтлари
6. Тартибга солиш манбалари	1.Иш берувчилар ёки ёлланма ходимлар солиқлари 2.Давлат бюджети 3.Турли ижтимоий фондлар
7. Тартибга солиш даражаси	1.Қонунчилик усуллари 2.Рағбатлантирувчи усуллар 3.Чекловчи усуллар 4.Назорат қилувчи усуллар 5.Ташкилий-институционал усуллар
8. Тартибга солиш хусусиятлари	1.Психологик усуллар 2.Ижтимоий усуллар 3.Молиявий усуллар 4.Нарх-навони ташкил этувчи усуллар

Давлат томонидан иш билан бандликни тартибга солиш йўналишлари бўйича уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- иш билан бандликка бевосита таъсир кўрсатувчи сиёсат (масалан, қонунчилик);

- иш билан бандликка билвосита таъсир кўрсатувчи (фискал, ижтимоий, пул сиёсати; даромадларни, нарх-навони давлат томонидан тартибга солиш ёки ташқи иқтисодий тартибга солиш орқали тартибга солиш) сиёсат.

Давлатнинг билвосита усулларида иш билан бандликнинг тармоқ ва ҳудудий тузилмаларини шакллантириш катта роль ўйнайди. Жумладан, молиявий рағбатлантириш ва давлат капитал маблағлари ёрдамида шакллантирилган маблағлар айрим тармоқлар ёки минтақалар учун қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлаш мумкин. Бунда баъзи ҳолларда иш билан бандликни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсиши пасайган минтақа ёки хўжалик юритувчи субъектларга, бошқа ҳолларда минтақа ёки тармоқ ичида ижобий сирижишларга олиб келадиган тармоқлар ёки ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришга кўрсатилиши мумкин. Бу эса ана шу минтақа ва тармоқларда иш билан бандлик даражаси ортишини рағбатлантиради.

Иш билан бандликни тартибга солишнинг асосий воситалари сифатида ходимлар энг кам иш ҳақини тартибга солиш, бюджет-солиқ йўли билан тартибга солиш, давлат даромад ва харажатлари ҳамда фуқаролар даромадларини тартибга солиш, давлат дастурлари ва ҳоказоларни тушунализ.

Давлатнинг иш билан бандликка таъсир кўрсатиш воситаларидан бири бюджет-солиқ йўли билан тартибга солишдир. Давлатнинг солиқлар ёрдамида тартибга солишида солиқ тизимини танлаш, солиқ ставкалари, шунингдек, солиқ имтиёзлари турлари ва миқдорлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Давлат томонидан тартибга солишда солиқ меҳнат бозорига давлат харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳамда тартибга солиш воситаси ҳисобланади. Шу сабабли давлат бюджет органларининг вазифаси биргина солиқ олинган манбаларни солиққа тортишгина эмас, балки меҳнат бозори субъектларига таъсир кўрсатишнинг нозик механизмини яратиш ҳамдир. С.В. Чепель фикрича: "...солиқ юқини иқтисодий фаолликни рағбатлантириш омили сифатида камайтириш ўз чегараларига эгадир. Таркиб топган бюджет харажатлари даражасини сақлаб туриш зарурати

шароитида солиқ юкени камайтириш бюджет тақчиллиги ортишини англатади”¹.

Давлатнинг иш билан бандликни тартибга солиш воситаси сифатида бюджетнинг хўжалик мақсадларига харажатларидан ҳам фойдаланилади. Улар корхоналарга ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ёки камайтирмаслик мақсадида кредитлар ажратиш ва субсидиялар бериш шаклларида бўлиши мумкин. Мазкур воситадан асосан иқтисодийнинг давлат секторига фойдаланилади, чунки давлат капитал қуйилмалари бевосита шу секторга йўналтирилади. Бозор конъюнктураси ёмонлашиб, капитал қуйилмалар камайган шароитда давлат секторига инвестицияларни кўпайтириш мумкин. Шу тариқа давлат ишлаб чиқариш ҳажми камайиши ҳамда ишсизлик ошишини бартараф этишга самарали таъсир кўрсата олади.

Иш билан бандликни тартибга солишнинг яна бир воситаси давлат дастурларидир. Давлат иқтисодий дастурлари иш билан бандликни тартибга солиш қатор муаммоларини ҳал этишда етарли даражада самаралидир.

Давлат даромадлари ҳам иш билан бандликни тартибга солишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Даромадлар қанчалик кўп бўлса, давлат иш билан бандликка йўналтирилган дастурларга ҳамда иқтисодийнинг давлат секторига шунча кўп маблағ ажратиб, иш жойлари сонини кўпайтириш имконига эга бўлади. Бироқ, меҳнат хизматига талаб билан унинг таклифи ўртасидаги нисбат иш ҳақи миқдори ҳаддан даражада ортишига олиб келмаслиги керак. Иш билан бандлик ижтимоий йўналтирилган ҳолда тартибга солинадиган кўпгина мамлакатларда тенг иш ҳақи сиёсати юритилади. Унинг моҳияти ходим юқори рентабелли ёки паст рентабелли корхонада меҳнат қилишдан қатъи назар тенг меҳнатга тенг иш ҳақи тўлаш принципини амалга оширишга асосланган.

Иш билан бандликни тартибга солишнинг яна бир воситаси ижтимоий нафақалар тўлаш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини қўллаб-қувватлаш учун қилинадиган давлат харажатларидир. Давлат томонидан тартибга солишнинг бу воситаси самарадорлиги муайян даражада чекланган.

Иш билан бандлик ва ишсизликни тартибга солишда чет эл мамлакатларида катта тажриба тўпланган. Масалан, француз

иқтисодчилари ўз мамлакатларида иш билан бандлик ўзгаришида турли босқичлар мавжуд бўлганлиги ва ана шу босқичлар хусусиятларига қараб меҳнат бозорини тартибга солишнинг тегишли воситалари ишга солинганлигини қайд этадилар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакатда иқтисодий жадал ўсиш босқичига кирган вақтда иш кучи етишмаслигини корхоналарга қишлоқ аҳолисини жалб қилиш ҳисобига қоплаш зарурати туғилди. Давлат бу жараёни рағбатлантириш мақсадида қонунчилик йўли билан ишсизликни суғурталашни йўлга қўйди ҳамда меҳнат бозорига ахборотни умумлаштириш ва аҳолига етказиш механизмларини такомиллаштирди. Бундан ташқари, меҳнат бозори амал қилишини тартибга солишда бевосита иштирок этган ташкилий тузилмалар – Иш билан бандлик миллий фонди ва катта ёшдагиларни касбга тайёрлаш ассоциацияси ташкил этилди.

Француз иқтисодий назарияси ва амалиёти ушбу даврни уч босқичга бўлади. Унинг биринчисида ҳукумат иш билан бандликни таъминлаш бўйича бевосита тартибга солиш чора-тадбирларини кўрди. Иккинчи босқичда ишсизлик мажбурий ҳодиса эканлиги англаб етилди ва иқтисодий фаол аҳолини қатъий ҳисобга олиш, ишсизликни молиявий ва ташкилий йўл билан тартибга солиш чора-тадбирлари билан чекланди. Учинчи босқичда ҳукумат аввалги икки босқичда амалга оширган чора-тадбирлари чегараланганлигини тушуниб етгач, меҳнат бозорига вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган иқтисодий-ижтимоий дастурларни амалга оширишга киришди.

Қатор чет эл мамлакатлари орасида Францияда иш билан бандлик даражасини оширишда иш вақтини қисқартиришдан ҳам фойдаланилди. Бу ерда 40 соатли иш ҳафтасидан 39 соатли иш ҳафтасига ўтиш 300 минг иш ўрни бўшашига олиб келди.

Швецияда иш билан бандлик ва ишсизликни тартибга солиш бўйича олиб борилган сиёсат ҳам муайян қизиқиш туғдиради. Бу сиёсатнинг натижаларини мамлакатда иқтисодий ўсишнинг нисбатан юқори ва барқарор суръатлари, инфляциянинг паст даражаси ҳамда аҳолининг амалда иш билан тўла бандлиги таъминланганлигидан ҳам билса бўлади. Швецияда иқтисодий сиёсат компаниялар фойдаси ҳаддан ташқари ортиб кетишини чеклашга қаратилган. Тегишли касб ва малака даражасига эга мамлакатдаги барча ишчи ва хизматчилар ўз корхоналари молиявий аҳолидан қатъий назар тенг иш ҳақи оладилар.

¹ С.Чепель. Макроэкономические тенденции в сфере бюджетного регулирования и их последствия для экономики в целом: эконометрический подход. – Т.: Экономика Узбекистана, 2005. – С.82.

Мамлакатда ишсизлар учун ҳам, меҳнат билан банд персонал учун ҳам касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлаш ривожланган тизими амал қилади. Бу йўл билан иш кучининг миқтақавий ва касбий ҳаракатчанлиги рағбатлантирилади.

Швециянинг бу соҳадаги тажрибаси ноёб эканлигини таъкидлаш керак. Давлатнинг аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсати бир томондан зарур сифатга эга иш кучини шакллантиришни, иккинчи томондан эса, янги иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Бунинг учун таъсир кўрсатишнинг фаол усуллари: малака ошириш ва қайта тайёрлаш харажатларнинг бир қисмини иш ҳақига субсидия қилиш, жамоатчилик ишларни ташкил этиш ва ҳоказолар қўлланилади. Шу билан бир қаторда давлат субсидиялари орқали етарли даражада рентабелли бўлмаган, лекин муайян ижтимоий функцияларни бажариш учун зарур бўлган корхоналарда иш билан бандлик лозим даражада ушлаб турилади.

Иш билан бандлик ва ишсизликни “шведчасига” тартибга солишда давлат фақат янги иш ўринлари яратишни кўлайтириш билангина чекланиб қолмасдан, иш кучи сифатини оширишга қаратилган чораларга устувор эътибор беришини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки биргина янги иш ўринларининг кўлайиши улар мавжуд иш ўринлари билан муқаррар равишда рақобат қилиши сабабли кўзланган самарага эришиш имконини бермайди.

Умуман олганда, халқаро миқёсда иш билан бандлик соҳасидаги турли давлатлар сиёсати хусусияти ва самардорлигини баҳолаш учун ишсизлик бўйича нафақалар ва бошқа тўловлар тўлаш ҳамда бунинг учун харажатларнинг меҳнат бозоридаги сиёсатини амалга оширишга сарф қилинадиган умумий харажатлардаги улушини таққослаш керак бўлади.

Масалан, Швецияда иш билан бандлик соҳасида фаол сиёсат олиб бориш учун харажатлар ЯИМ улушида 2,08 %, Буюк Британияда – 0,84 %, Францияда – 0,7 %, АҚШда – 0,27 % ни ташкил этади¹. Швеция тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, иш билан бандлик дастурлари имкониятлари чексиз эмаслигини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Бундай дастурларга жалб этилган одамлар сони жуда кўплиги жамиятда иш кучига жамланма талаб етарли

эмаслиги, меҳнат бозорида эса меҳнат ресурслари ортиқча эканлиги аломатидир.

Буюк Британияда ҳукуматнинг меҳнат бозоридаги фаол сиёсати иш билан бандлик даражасини оширишга қаратилган махсус дастурларда ўз ифодасини топади. Уларда қўйилган вазифалар ҳамда бу вазифаларни ҳал этиш воситалари бўйича мазкур дастурларни бешга йўналишга гуруҳлаш мумкин:

- иш билан бандлик мавжуд даражасини сақлаб туриш. Бунда ортиқча иш кучини ишдан бўшаётган компанияларнинг меҳнат салоҳияти камайишини қоплаш сифатида улар моддий жиҳатдан рағбатлантирилади;

- иш билан бандлик даражасини ошириш. Бунда компаниялар ишга қабул қилган ҳар бир ходим, энг аввало, ёш ходим учун субсидия олади;

- давлат хайрия тadbирлари доирасида жамоатчилик ишларида (одатда бу нуфузли ҳисобланмайдиган, лекин ижтимоий жиҳатдан муҳим меҳнат фаолияти ҳисобланиб, моҳияти бўйича кейинчалик жамоатчилик ишларига жалб этилганларни хусусий корхоналарда тўлақонли меҳнатга мотивация қилишга қаратилган) иш билан бандлик;

- меҳнат бозорида иш кучи таклифини камайтириш (масалан, қарилик бўйича пенсияга муддатидан илгари чиқишни рағбатлантириш йўли билан);

- ишсизларни касбга ўқитишни ташкил этиш (бу ўқув давомида унга жалб этилганлар ҳам иш билан бандлар, ҳам ишсизлар қаторида ҳисобланмайдилар).

Буюк Британия иш билан бандликни тартибга солишда яна бир муаммо - миграцияни тартибга солиш ва иш кучи эркин ҳаракатланишига шарт-шароитлар яратиш зарурати тугилди. Жумладан, ҳукумат миграция йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш учун муайян компания билан келишилмаган шахсий миграция харажатларини қоплашга қўшимча маблағ ажратади. Бундан кам иш ҳақи тўланадиган иш кучи даромадларини оширмасдан мавжуд меҳнат бозоридан самарали фойдаланиш ва иш билан бандлик даражасини ошириш мақсади кўзланган эди.

АҚШда янги иш ўринларини яратиш ишсизликни тартибга солишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Бунда энг кўп иш ўринлари савдо, хизмат кўрсатиш; қурилиш соҳаларида яратилмоқда.

¹ Р. Мишнер Активна политика на рынке трудовых ресурсов: опыт Швеции // -М.: Ж. Соцтруд.- 1991.- №3. - С.57.

Иш билан бандликнинг япон модели “бир умрга ёллаш” тизимига асосланган. Унга кўра, ходимлар бутун меҳнат фаолияти давомида иш билан банд бўлиш кафолатига эга. Шуниси эътиборга моликки, бу кафолатлар қонунчилик йўли билан расмийлаштирилмаган, улар жамоа шартномаларида ҳам қайд этилмайди. Яъни бу ёлланма ходимлар ва тадбиркорлар ўртасида амалиётда таркиб топган муносабатлардир. Бироқ касаба уюшмаси ташкилотлари бир умрга ёллаш принципига риоя этилишини қатъий назорат қиладилар. Бу билан касаба уюшмаси аъзоларининг ўз фирмасига садокати таъминланади.

Японияда сўнгги ўн йилликда ички меҳнат бозори билан бир қаторда кичик корхоналарга хизмат кўрсатувчи классик бозорга ўхшаш ташқи меҳнат бозори ҳам ривожланиб бормоқда. Бу ички ва ташқи бозорлар учун иш билан барқарор бандлик энг муҳим хусусият ҳисобланади. Бу хусусият мамлакат иқтисодиёти юксак суръатларда ривожланган вақтларда ҳам, Япония бекарор ривожланиш (1975 йилги инқироздан сўнг) босқичига киргандан кейин ҳам сақланиб қолди.

Ходимлардан узоқ вақт давомида фойдаланишни кўзлаш, уларнинг касб тайёргарлиги ва малакасини оширишни иш ўринлари таркиби, фан- техника тараққиёти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини ҳисобга олган ҳолда ички фирма даражасида амалга ошириш, аввалдан ходимларнинг фирма ичида касбий ҳаракатчанлигини назарда тутиш, ходимларда меҳнатга, юқори иш сифатига эришишга ижобий ёндашишни тарбиялаш имконини беради. Фирма раҳбарияти ўз хоҳиши бўйича ходимни бир иш ўрнидан иккинчисига, бир бўлинмадан бошқасига ўтказиши мумкин, аммо бу режага қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Японияда узоқ йиллар давомида иш ҳақи ходимнинг иш стажига бағлиқ эди. Бугунги кунда ходимлар малакаси ва меҳнат самарадорлигини ҳисобга олиш мақсадини кўзлаган ўзгаришларга ҳам борилмоқда. Шу билан бирга иш ҳақини ташкил этишнинг анъанавий тизими амал қилишда давом этмоқда. Бу тизим бир корхонада муқим ишлашни рағбатлантириб, ходимларни бошқа фирмаларга ўз хоҳиши бўйича эркин ўтишига тўсқинлик қилади.

Япония учун компания раҳбарининг ходимларга патернал муносабати, ходимларнинг ишлаб чиқаришдан ташқаридаги

турмушига эътибор хосдир. Ўз навбатида ходимлар ҳам корхона фаолияти барча масалаларига дахлдорликдан манфаатдорлик ҳис этади.

Бир умрга ёллаш тизими муайян даражада ишлаб чиқаришни қисқартириш ҳамда иш вақтини камайтириш ҳисобига ходимларни ишдан бўшатиш ёки уларни фирманинг бошқа бўлинмаларига, шунингдек, ўзаро келишувларга мувофиқ бошқа компанияларга ўтказиш муаммосини ҳал этиш имконини беради. Бу чоралар айни пайтда ишсизлик ўсишининг ҳам олдини олади.

Чет элдаги мамлакатларда ишсизларнинг иш қидиришларини фаоллаштириш мақсадида ишсизлик бўйича нафақалар тўлашни қатъий тартибга солиш (масалан, нафақа тўлаш муддатининг ўртача давомийлиги 1,5 йил қилиб белгиланди) чоралари кўрилди. Ғарб мамлакатлари ҳукуматлари, шунингдек нафақалар энг юқори даражасини қисқартириш (Дания, Австрия, Германия) ёки уни тўла ҳажмда тўлаш муддатларини қисқартириш (Франция) чораларини ҳам кўра бошладилар.

Ишсизларни меҳнат фаолиятига жалб этишга рағбатлантириш мақсадида сўнгги йилларда Ғарб мамлакатларида солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар ҳам қўлланилмоқда. Жумладан, кам даромадлар учун солиқ камайтирилиб, малакасиз ходим иш ҳақи билан ишсизлик бўйича нафақа ўртасидаги тафовутни ошириш чоралари кўриляпти. Бунга асосан тадбиркорлар томонидан кам иш ҳақи оладиган ходимлар иш ҳақидан ижтимоий суғурта фондларига тўловларни камайтириш ҳисобига эришилмоқда.

Иш билан бандликнинг ҳозирги даврдаги Европа модели меҳнат унумдорлиги ортиши билан иш билан бандлар сонини қисқартиришга (тегишли равишда иш билан банд бўлганлар даромади ошиши) асосланган. Бундай сиёсат тобора кўпайиб борадиган ишсизлар учун нафақа тўлаш қимматбаҳо тизимини яратишни талаб этади.

Иқтисодиётни тартибга солишнинг жаҳон тажрибаси иш билан бандлик соҳасида фаол сиёсат олиб боришнинг таркибий қисми бўлган қуйидаги асосий йўналишларни ажратиш кўрсатиш имконини беради:

- ишдан бўшаётган ва ишсизлар (яширин ёки ошқора ишсизлик) учун иш ўринлари яратиш, сақлаш ва ўзгартириш;
- ишсизларни касбга ўқитиш ва иложи борида тезроқ ижтимоий мослашишни таъминлаш;

- ишлаб чиқариш йўналишини ўзгартириш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларни инвестиция дастурларини амалга ошириш йўли билан қўллаб-қувватлаш;

- ошқора ва яширин ишсизлик даражасини камайтириш омили сифатида кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш;

- жамоатчилик ишларини, иш билан вақтинча бандликни ташкил этиш ва ҳоказолар;

- иш билан бандлик даражасини ходимлар иш ҳақиға компенсация тўловлари ва субсидиялар ҳисобига (яширин ишсизлик ўсишига тўсқинлик қилувчи омил сифатида) сақлаш;

- корхона тугатилиши муносабати билан ишчиларни оммавий ишдан бўшатиш оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ тадбирлар.

Иш билан бандлик соҳасида фаол сиёсат олиб боришнинг ушбу тадбирларини иш билан таъминлаш бўйича давлат функциялари (янги иш ўринлари яратиш ёки янги иш ўринларини яратишни қўллаб-қувватлаш) деб ҳисоблаш керак. Айти пайтда иш билан бандликка қўмаклашиш функцияси давлатнинг фаол бўлмаган сиёсати орқали амалга оширилади. Уларга қуйидагилар киради:

- ишсизларни рўйхатга олиш;

- ишсизлар учун иш ўринлари қидириш, ишсизларни ишга жойлаштириш, шунингдек, турли корхона, ташкилот, муассасалардаги бўш иш ўринларига тегишли ходимларни излаш;

- ишсизларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг тажрибаси турли даврларда уларнинг иш билан бандлик соҳасидаги сиёсати турли бўлганлигидан далолат беради. Жумладан, қуйидаги босқичларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- XX асрнинг 60-70 йиллари ўрталарида давлатнинг меҳнат бозорини тартибга солиш сиёсатида асосий вазифа инсон капиталини ривожлантиришдан иборат эди. Бу даврда иш билан бандликни тартибга солиш учун бу соҳани фискал ва молиявий қўллаб-қувватлаш зарурати эътироф этилди. Давлатнинг мазкур жараёнларига аралашуви кенг қўламли ва доимий хусусиятга эга эди;

- 70-йилларнинг ўрталари ҳамда охиридаги инкироздан сўнг биринчи ўринга иш билан бандликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари қўйилди. Бу мақсадларга давлат маблағлари ажратиш

миқдори кўпайди, иш билан бандликни тартибга солишни марказсизлаштириш ҳамда ушбу соҳада маҳаллий ҳокимият органлари ролини ошириш устуворлик қилди;

- 80-йилларда ишлаб чиқаришдан фойда олишни ошириш ва унинг рақобатбардошлиғи, ишга ёллаш ва ишдан бўшатиш қоидаларини либераллаштириш, иш кучи бозори эгилувчанлигини янада ошириш масалалари биринчи даражали аҳамият касб этди;

- 90-йилларда меҳнат бозорида фаол сиёсат юритиш, иш ўринларини кўпайтириш, меҳнаткашларнинг иқтисодиёт соҳаси ва ижтимоий фаолиятда кенгроқ иштирок этишини таъминлашга қаратилган стратегия устуворлик қилди. Аммо бундай сиёсат мазкур мақсадларни молиялаштириш учун маблағларни кўпайтиришни талаб этди;

- 2000-йилларда давлатнинг узоқ муддатли сиёсати оммавий ишсизликнинг олдини олиш, ишсизлик даражасини ижтимоий нуқтан назардан мақбул даражада сақлаб туриш, меҳнат бозорининг ва инновация жараёнларининг тегишли талабларига жавоб берадиган иш кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, иқтисодиёти тургунликка учраган минтақаларни ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳа ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишдан иборат комплекс чора-тадбирларни қамраб олди.

Иш билан бандлик тизимида давлат томонидан тартибга солиш миллий, минтақавий ва хўжалик юритувчи субъектлар даражасида олиб борилиши лозим (4.2-жадвал). Ижтимоий-иқтисодий сиёсат устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган иқтисодиёт алоҳида тизимларида (мезодаражада) иш билан бандлик муаммоларини ҳал этишга минтақа, аҳоли жойлашиши, маъмурий бирликлар (шаҳар, кишлоқ) иқтисодий ривожланиш даражаси, миллий анъаналар, меҳнатга лаёқатли аҳоли демографик таркиби, унинг касб-малака даражаси хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш керак.

Минтақалар даражасида аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш учун қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш талаб этилади:

- аҳолининг ўзини - ўзи иш билан таъминлаш, шахсий меҳнат фаолияти, кичик тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича минтақавий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- миграция жараёнларини тартибга солиш;

- худудий демографик жараёнларига таъсир кўрсатилишини (туғилишни, меҳнат ресурсларининг ёшлар ҳисобига кўпайишини, ўлим сони, ногиронлик, касалланиш камайиши ва ҳоказолар) таъминлаш;

- минтака аҳолисининг меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган тоифаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- минтақавий меҳнат бозори эҳтиёжлари учун кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

4.2-жадвал

Иш билан бандлик тизимида тартибга солиш вазифаларининг дифференциацияси

Миллий даража	Минтақавий даража	Ҳўжалик юритувчи субъектлар даражаси
Аҳолининг иш билан бандлиги давлат стратегиясини ишлаб чиқиш	Иш билан бандлик соҳасида қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш Тадбиркорликни ривожлантириш	Кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш Касбда ўсиш (карьера)
Иш билан бандлик давлат сиёсатини шакллантириш	дастурини ишлаб чиқиш Иш кучига талаб ва унинг таклифининг маркетинг	Кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш
Иш билан бандликни ҳуқуқий тартибга солиш	тадқиқотлари Ишсизликнинг олдини олиш комплекс чора-тадбирларини	Ходимларни ишдан бўшатиш жараёнини бошқариш
Аҳолининг иш билан бандлиги аҳолини баҳолаш ва уни ривожлантиришни прогнозлаш	шакллантириш Иш билан бандлик мониторингини ташкил этиш ва ўтказиш	Кадрлар барқарорлиги учун шарт-шароитлар яратиш
Иш билан бандлик хизмати органлари	Иш билан бандликка кўмаклашиш минтақавий	Самарали иш ўринлари сонини кўпайтириш

тизимини яратиш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш	дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Касбий таълим олишга кўмаклашиш Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказларни ривожлантириш	Иш билан бандлик хизматларини бўш иш ўринлари тўғрисида хабардор қилиш
Молия-кредит, инвестиция ва солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш		

- минтақавий меҳнат бозорлари аҳолининг комплекс мониторингини ташкил этиш;

- иш билан бандлик стратегик прогнозлари, индиактив дастурларини хусусийлаштириш, минтака иқтисодиётидаги истиқболли таркибий ўзгаришлар дастурлари билан мувофиқлаштириш.

Давлат томонидан аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш қисқа (тезкор), ўрта (1-2 йилга) ҳамда узок муддатга (5-10 йилга) мўлжалланган бўлади (4.3-жадвал). Макродаражада қисқа муддатли тартибга солишда давлат томонидан кўпроқ маъмурий чоралар кўрилса, узок муддатли стратегияни амалга ошириш учун эса тартибга солишнинг иқтисодий (билвосита) усуллари самаралироқдир.

4.3-жадвал

Меҳнат бозорида аҳолининг иш билан бандлигини тартибга солиш механизмлари тизими

Давр	Макродаража (мамлакат миқёсида)	Мезодаража (иқтисодиёт тармоқлари даражасида)	Микродаража (ҳўжалик юритувчи субъектлар доирасида)
Қисқа муддат-лари	1. Имтиёзли кредитлаш тизими. 2. Фоииз ставкасини пасайтириш (ошириш). 3. Давлат	1. Иш вақти йўқотилиши, ишлаб чиқариш тўхтаб қолишини (мажбурий иш билан	1.Ишдан бўшатиш кўламини камайтириш. 2.Банкротликка йўл кўймаслик

	бюджетдан дотация. 4.Инфляцияни пасайтириш	бандсизлик) камайтириш. 2.Молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари	
Ўрта муддат-лари	1.Мамлакат инвестиция дастурлари. 2.Божлар, экспорт (импорт) квота ва лицензиялари. 3. Зарар кўриб ишлаётган корхоналарни танлаб қўллаб-қувватлаш. 4.Ишсизларни ва ишдан бўшатилаётганларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш. 5.Аҳолининг меҳнат фаоллигини тартибга солиш	1.Иш билан бандликнинг тармоқ дастурлари: -иш кучини ишлаб чиқариш ичида қайта тақсимлаш; -иш кучини тармоқ ичида қайта тақсимлаш; -ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш. 2.Тармоқни таркибий ўзгартириш (ишлаб чиқаришни модернизация қилиш)	1.Минтақавий меҳнат бозорларини ўз-ўзини тартибга солиш тизимини шакллантириш (Иш билан бандлик минтақавий фондларини ҳисобга олган ҳолда). 2.Иш билан бандликнинг минтақавий дастурлари (зарурат бўлса, солиқ ва бошқа молиявий имтиёзлар). 3.Аҳоли даромадлари сиёсатини шакллантириш
Узоқ муддат-лари	1.Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш-нинг комплекс прогнози. 2.Чет эл капиталини жалб этишнинг узоқ	1. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш-нинг тармоқ чизмалари.	1.Минтақавий ишлаб чиқариш ихтисослашуви-қишлоқ жойларини, сайёҳликни ва ҳоказоларни

	муддатли истиқболга мўлжалланган чоралари (эркин иқтисодий зоналар) 3.Миграция сиёсати. 4.Турли (капитал, товарлар, меҳнат) бозорларининг ўзаро фаолияти	2.Тармоқларнинг мутахассис ва малакали ишчи кадрларга эҳтиёжнинг прогнози. 3. Узоқ муддатга инвесторларни жалб этиш (қимматли қоғозлар чиқариш ва ҳоказолар)	ривожлантириш дастурлари. 2.Конларни ўзлаштириш, қурилиш индустрияси, транспортни ва ҳоказоларни ривожлантириш бўйича йирик қўшма лойиҳалар
--	--	---	--

Давлат меҳнат бозорини тартибга солишда нафақат бевосита, балки билвосита воситаларни ҳам қўллайди. Меҳнат бозорини бу йўналишда билвосита тартибга солиш тадбирлари қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- асосан ёшлар учун ижтимоий ишларни ташкил этиш (Швеция тажрибаси асосида бундай ишларни турар-жой, йўллар, хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир);
- ёшларнинг хусусий фирмаларида ишларини корхона эгаларига янги иш ўринларини ташкил этиш учун харажатларини қоплаш мақсадида ярим йил давомида бу харажатларнинг 50,0 % учун субсидиялар тақдим этиш орқали молиялаштириш;
- иш жойлари мавжуд бўлган корхоналардаги кадрлар бўлимлари билан алоқа қилиш билан боғлиқ барча хизмат турлари ҳақини тўлаш;
- одатдаги корхоналарда ногиронлар учун иш жойларини техник жиҳатдан махсус жиҳозлаш ҳамда корхона эгаларига ногиронларни ишга қабул қилганликлари учун ҳамда улар иш ҳақи бир қисмига субсидиялар ажратиш. Ўзбекистонда бозор муносабатлари шакллантирилган экан, иш билан бандликни давлат томонидан тартибга солишга ислохотларнинг "Ўзбек модели" асосида йўлга қўйилди. Давлат иш билан бандликни тартибга солишда қўйидагиларни меҳнат бозоридаги сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгилайди (4.6-расм):



4.6-расм. Давлат томонидан иш билан бандликни тартибга солиш

- иқтисодиёт реал секторини кўллаб-қувватлаш, шунингдек, даромадларни қайта тақсимлаш ва тартибга солишга йўналтирилган солиққа тортишнинг энг мақбул даражасини ўрнатиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш: иш ўринлари сонини кўпайтириш мақсадида кредитлар ажратиш, солиқ имтиёзлари бериш, яъни меҳнат хизматига талабни рағбатлантириш;

- иш кучи ҳаракатчанлигини таъминлаш, хусусан онлаларни иш кучи ортиқча бўлган минтақалардан иш кучи етарли бўлмаган минтақаларга кўчиб ўтишлари учун субсидиялар бериш ва кредитлар ажратиш йўли билан таъминлаш;

- меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган аҳоли қатламини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш;

- ишчилар умумий таълим даражасини ошириш, уларни меҳнат бозорида барқарор талабга эга касбларга ўқитиш ва қайтадан ўқитиш.

Давлат тартибга солиш мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, иш билан бандликка таъсир кўрсатишнинг турли усул ва воситаларини танлайди. Ўзбекистонда давлатнинг аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш усуллари асосан уч гуруҳга таснифланади:

1. *Иқтисодий усуллар* (бюджет сиёсатида янги иш ўринлари яратишни рағбатлантириш учун иш берувчилар, айниқса, тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш, солиқ юқини камайтириш, ишга муҳтож аҳолини меҳнат бозорида рақобатбардош касбларга ўргатиш ва ҳоказоларни устувор йўналиш сифатида белгилаш).


2. *Ташкилий усуллар* (иш билан бандлик ва аҳолини иш билан таъминлаш хизматлари, меҳнат бозорига хизмат кўрсатувчи ахборот тизимларини, касбга йўналтириш ҳамда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимларини шакллантириш ва ривожлантириш).

3. *Маъмурий-қонунчилик усуллари* (меҳнат шартномалари тузиш, иш вақти, иш вақтидан қўшимча вақт иш давомийлигини тартибга солиш, иш билан бандлик давлат жамғармаларига мажбурий тўловларни жорий этиш, аҳолининг ночор қисми учун қафолатли иш жойлари сонини квоталаш ва ҳоказолар).

Айни пайтда давлатнинг аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган сиёсати фаол ва нофаол бўлиши мумкин. Фаол сиёсат меҳнат таклифи ҳамда меҳнатга талабни ҳар тарафлама рағбатлантириш, иш билан бандлик дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни изчил амалга ошириш ва бошқа тадбирларни мужассамлаштиради. Нофаол сиёсат, асосан, ишсизларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан чекланади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш хизматларининг тизими шакллантирилган (4.7-расм).

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари аҳолини иш билан таъминлаш давлат органлари ҳисобланади.



4.7-расм. Ўзбекистон Республикасининг аҳолини иш билан таъминлаш миллий тизими

Шу билан бирга ҳар бир туман ва шаҳарда Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар ташкил этилган. Мамлакатнинг деярли ҳар бир йирик фуқаролар йиғини ҳузурида – жами 1372 аҳолини ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича муқим шохобча мавжуддир. Бу шохобчаларнинг ҳар бири 10-12 мингга яқин қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида қуйидаги ваколатларга эга:

- меҳнат бозорини барпо этиш ва ривожлантиришни таъминловчи тузилмавий, молиявий, кредит, инвестиция ва солиқ сиёсатини амалга оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш;

- иқтисодиёт тузилишини таҳлилий тадқиқ этиш, меҳнат бозори ҳолати ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги аҳволнинг истиқболини белгилаш, бу соҳада давлат статистика ҳисоби ва ҳисоботини юргизиш;

- аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- фуқароларнинг иш билан таъминланиши соҳасидаги ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини давлат томонидан тегишли равишда кафолатланиши, шунингдек, ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- қўшимча иш жойлари яратилишига, меҳнат шaroитлари яхшиланишига кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг аҳоли иш билан бандлигини таъминлашдаги асосий вазибалари эса қуйидагилардан иборатдир:

- меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнатга лаёқатли аҳоли, айниқса, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича фаол сиёсат олиб бориш;

- меҳнат ресурслари баланслари асосида иш жойлари ташкил этиш ҳамда кадрларни тайёрлаш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;

- меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича бозор шарoитларига мувофиқ келадиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда меҳнат ресурслари прогноз балансларини ишлаб чиқиш, аҳолининг иш билан самарали банд бўлишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини асослаш;

- миграция жараёнларини таҳлил этиш, ташқи меҳнат миграциясини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари меҳнат фаолиятини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ишсизлар ва иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳисобини юритиш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчиларнинг иш билан бандлигини тадқиқ этиш ва шу асосда таълим муассасаларида ишчи кадрлар ва мутахассислар касбий тайёргарлиги йўналишларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- ёшлар ҳамда иш билан банд бўлмаган аҳолини касбга йўналтириш масалалари бўйича социологик тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш;

- манфаатдор вазирлик ва идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан биргаликда иш жойлари ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва бу дастурлар амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш;

- аҳолининг ўзини-ўзи иш билан таъминлашини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- меҳнат бозори инфратузилмаси амал қилишини такомиллаштиришни таъминлаш;

- ишсизлар учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш;

- ишсизларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари ҳамда уларнинг тузилмалари ҳисобланган *туман ва шаҳарлардаги Иш билан бандликка қўмаклашувчи марказлари* аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги вазифалари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларга мақбул келадиган ишни танлашда, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа иш берувчиларга эса зарур ходимларни танлашда ёрдамлашади;

- меҳнат органларига мурожаат қилган фуқаролар ҳамда иш берувчиларга иш топиш ва иш кучи билан таъминлаш имкониятлари тўғрисида маълумотлар тақдим этади;

- ишга муҳтож фуқароларни касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш тўғрисида ўқув юртлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар билан шартномалар тузади;

- аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади¹.

Вилоят, шаҳар ва туманларидаги *Иш билан бандликка қўмаклашувчи марказлар* зиммасига эса:

- ҳар бир иш кидирувчига касблар, тармоқлар ва мамлакат минтақалари бўйича бўш иш ўринлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар тақдим этиш ҳамда шу мақсадда ҳамма жойда барча фойдаланиши имконияти бўлган маълумотлар банкни яратиш;

¹ Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // <http://www.lex.uz>

- минтақавий иш билан бандликни фаоллаштириш йўлларини излаш мақсадида асосан ёлланма ходимларнинг ҳимоясиз гуруҳлари учун ижтимоий ишларни ташкил этиш;

- минтақа иқтисодиёти таркибини ҳисобга олган ҳолда кичик корхоналарга, айниқса, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётганларга имтиёзлар бериш;

- ишга жойлаштириш хизматларини ташкил этиш;

- минтақа иқтисодиётидаги таркибий-технологик ўзгаришларни таҳлил этиш;

- минтақа иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда инсон капиталига маблағ сарф қилишни тартибга солиш;

- меҳнат бозори статистикаси маркетинг тадқиқотларини таҳлил этиш, улар асосида аҳоли учун энг қулай йўналишларда тегишли шарт-шароитлар яратиш вазифалари юклатилган¹.

Меҳнат ресурсларини тартибга солиш ва бошқаришда аҳолининг меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган тоифаларига алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 186-қарорида *қуйидаги тоифадаги шахсларга корхона, ташкилот ва муассасаларда иш ўринлари банд қилиб қўйилиши* қайд этилади:

- ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар;

- таълим муассасасини тугатган ёшлар;

- муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар;

- ногиронлар;

- иш билан бандликка қўмаклашиш туман (шаҳар) марказларида иш кидирувчи сифатида ҳисобда турган кексалик ёшига яқинлашиб қолган шахслар;

- жазони ўташ муассасаларидан бўшатишган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар қўрилган шахслар².

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-616-сон Қарори // <http://www.lex.uz>

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 186-қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳужжатлари тўплави. 2008, 34-сон. –Б.15.

Аҳолининг айрим тоифаларини ишга жойлаштиришдаги қўшимча кафолатлар қўшимча иш ўринлари, ихтисослаштирилган корхоналар барпо этиш, иш ўргатиш махсус дастурларини амалга ошириш, корхона, муассаса ва ташкилотларга мазкур тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам миқдорини белгилаш ва бошқа чоралар билан кафолатланади.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда меҳнат бозорини тартибга солишни такомиллаштириш, аҳолининг иш билан бандлиги даражасини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирлар кўрилмоқда:

1. Меҳнат қонунчилиги тобора такомиллаштирилиб, жойлардаги Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолияти кучайтирилмоқда.

2. Янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар берилмапти.

3. Меҳнат бозорида иш кучи сифати ва рақобатбардошлигини ошириш чора-тадбирлари кўриляпти. Бунинг учун меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилмоқда.

4. Аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда.

5. Аҳолининг ижтимоий ҳимдга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилган.

6. Давлат ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этиляпти.

7. Ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

4.3. Ўзбекистонда иш билан бандлик соҳасидаги тенденциялар

Иш билан бандлик сиёсати Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бошқа устувор йўналишлари билан узвий боғлиқ, иқтисодий ислохотлар стратегияси ва истиқбол режаларидан муносиб ўрин эгаллаган.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли

бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимиз марказида бўлди”¹ деб таъкидлади.

Ўзбекистонда давлат томонидан иш билан бандликни тартибга солиш сиёсати амалга оширилишининг бир нечта босқичини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Иш билан бандликни тартибга солишнинг *дастлабки босқичи (1991-1994 йиллар)* ижтимоий-меҳнат соҳасида меҳнат муносабатларининг пайдо бўлиши ҳамда уларни тартибга солиш зарурати билан фарқланиб туради. Бу даврда аҳоли биринчи мартаба меҳнат бозорининг салбий ҳодисалари: иш ўринларининг қисқариши, ишсизлик, иш ҳақи миқдорининг камайиши, мажбуран тўлиқсиз иш билан бандлик ва ҳоказоларга дуч келди.

Мазкур босқичда иш билан бандликни тартибга солишнинг асосий субъекти сифатида давлат ишсизларни миллий ва минтақавий даражада меҳнат бозорини тартибга солишнинг маъмурий шакллари ёрдамида қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатни олиб борди. Бу давр меҳнат хизматида талабни унинг таклифига мос даражада сақлашга интилиш, тўлиқсиз иш ҳафтаси ва тўлиқсиз иш куни режимига ўтилиши билан ҳамда кўпгина тармоқларда иш ҳақи миқдорининг турмуш кечириш энг паст даражасидан ҳам паст бўлганлиги хусусиятига эга эди.

“Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида”ги Қонун (1992 йил), Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (1996 йил) қабул қилиниши тартибга солиш жараёнининг энг муҳим институционал асоси бўлди. Бу қонун ҳужжатларида ишсизлик, иш билан бандлик шаклини танлаш ҳуқуқи, ишсизликдан ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари ва ҳоказолар эътироф этилди. Мазкур босқичда меҳнат бозорини тартибга солишда бозор ислохотларига ўтишдан аввалги даврда минтақаларда шаклланган ўзига хос хусусиятларга етарлича эътибор берилмади.

Иш билан бандликни тартибга солишнинг *навбатдаги босқичи (1994-1999 йиллар)* мослашиш даври сифатида белгиланди. Иқтисодий пасайишнинг тезлашиши меҳнат бозори динамикасида салбий таъсир кўрсатганлиги ушбу босқич хусусияти ҳисобланади. Ўтиш даври жараёнида МДХ, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг пасайиши қисқа муддатли истиқболда иш билан бандликнинг бунга нисбатан

¹ Каримов И.А. 2012 йил Ветанисиз тарихийлик янги босқичга кўтарилган йил бўлди // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

камроқ камайиши билан биргаликда рўй берди. Аммо корхоналарда иш билан бандлик даражасини сақлаб туришга интилишлар кўп ҳолларда катта ва тобора ортиб бораётган молиявий тақчилликни келтириб чиқарди. Давлат тўловга қодир бўлмаган корхоналарга банклар томонидан кредит ажратиш давом этаётганлиги билан мураса қилиб келди ҳамда банкротлик тўғрисидаги қонун қабул қилинишини тезлаштирмади. Ҳамма учун ягона бўлган қатъий бюджет чекловларини жорий этиш ва тўловга қодир бўлмаган корхоналарни банкрот деб эълон қилиш ходимларни оммавий ишдан бўшатишга олиб келарди. Хусусий сектор нисбатан тез ривожланаётган бўлса ҳам, даставвал у иш билан бандликни зарур даражада таъминлаш учун қодир эмасди. Ана шу даврда иш билан бандлик даражасининг камайиши иқтисодийнинг sanoat ва қишлоқ хўжалиги каби энг муҳим тармоқларида рўй берди.

1999 йилда иш билан банд бўлган аҳоли умумий сонидан sanoat ва қишлоқ хўжалигида иш билан бандлар улуши 1997 йилга нисбатан тегишли равишда 12,8% дан 12,6% гача ҳамда 40,7% дан 36,2% гача қисқарди.

Саноатнинг йирик тармоқларидан фақат электр энергетика, ёқилғи, металлургия ва кимё саноатида иш билан бандлар сони ортганлиги кузатилди.

Иш билан бандлар сони, айниқса, енгил ва қурилиш материаллари sanoatларида кескин қисқарди. Шунингдек, машинасозликда ҳам иш билан бандлик даражаси кескин пасайиши рўй берди.

1997-1999 йилларда иш билан бандликда рўй берган таркибий ўзгаришлар натижасида барча тармоқларда кон sanoatининг салмоғи йилига 1,4 мартага, умуман бирламчи секторда эса учдан бир қисмга камайди.

Мазкур босқичда давлатнинг тартибга солишдаги асосий мақсади ишсизликни камайтириш ва унинг оқибатларини юмшатишдан иборат эди. Шу билан бир қаторда, иш кучи талаби ва таклифи нисбатини яхшилаш меҳнат бозорини тартибга солишнинг вазибаларидан бирига айланди. Лекин давлатнинг иш билан бандлик ва ишга жойлаштириш хизматлари меҳнат хизматига талабни жуда паст ва сифатсиз даражада таъминлай олди. Ана шу даврда ишга жойлаштирилган иш кучидан, биринчи навбатда, иш жойида мажбуран бекор турганлардан самарасиз фойдаланилиши тартибга солишнинг муаммосига айланди.

Мазкур даврда меҳнат бозорини тартибга солиш ахборот етишмаслиги ёки ноҳолислиги билан мураккаблашган, чунки расмий меҳнат даромадига эга бўлмаган ёки “хуфиёна” даромадга эга ходимларнинг каттагина қисми вақтинча амал қилмаётган иш жойларини эгаллаб турар эди. Шунингдек, яширин ёлланиб ишлаш ҳамда шахсий меҳнат фаолияти кўламлари кенгайди. Уларни ҳисобга олиш имкониятининг йўқлиги иш билан бандлик даражасини аниқ белгилаш имконини бермасди. Давлат ушбу даврда меҳнат бозорини тартибга солишнинг ижтимоий йўналтирилган моделини қўллаш ва фаол сиёсат олиб бориш чоратadbирларини кўрганлигига қарамаздан, меҳнат органлари талаб қисқаришини тўхтатиш ҳамда талаб ўсишини рағбатлантириш имконига эга бўлмади.

Иш билан бандликни тартибга солишнинг *сифат босқичида* (2000 йилдан ҳозирги пайтгача) мамлакат макроиқтисодий вазиятида рўй берган ижобий ўзгаришлар меҳнат бозорига жиддий таъсир кўрсатди, ушбу даврда аҳолининг иш билан бандлиги норматив-ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш жараёни давом этди. Мазкур босқичда иш билан бандликни тартибга солишда янги тахрирдаги “Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қабул қилиниши, шунингдек, иш билан бандлик хизматлари фаолиятини такомиллаштириш муайян ижобий ролга эга бўлди.

Бугунги кунда мамлакатда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар кўйидагиларни қамраб олади:

1. Аҳолининг иш билан бандлиги таркибий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда ишсиз аҳолини янги, меҳнат бозоридан рақобатбардош касб-хунарларга ўргатиш.

2. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, айниқса таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашга эътиборни кучайтириш. Бу янги иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ички ва ташқи истеъмолга мўлжалланган янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ҳам кўзда тутди.

3. Иш билан бандликка кўмаклашувчи марказлар фаолиятини такомиллаштириш, бунда энг аввало, ушбу марказлар тузилмасини мақбуллаштириш, глобал инкироз шароитида устувор чора-

тадбирларни белгилаб олиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳолини иш билан таъминлаш учун ажратилаётган молиявий маблағларни оқилона тақсимлаш чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади¹.


Мамлакатда демографик жараёнларга боғлиқ ҳолда меҳнат ресурслари сони йил сайин ортиб бормоқда (4.4-жадвал).

4.4-жадвал
Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари сони
динамикаси
(минг киши ҳисобида)²

Худудлар	Й и л л а р					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши	
	2007	2008	2009	2010	2011	+,-	%
Қорақалпоғистон Республикаси	883,5	904,4	931,4	938,0	970,2	86,7	109,8
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	1391,8	1433,5	1497,6	1536,0	1626,4	234,6	116,8
Бухоро	904,5	928,7	949,2	967,4	1013,4	108,9	112,0
Жиззах	582,3	601,1	622,2	636,1	675,2	92,9	115,9
Қашқадарё	1345,4	1395,8	1438,3	1481,7	1568,9	223,5	116,6
Навоий	501,6	509,8	527,3	532,1	537,1	35,5	107,0
Наманган	1207,0	1246,5	1288,2	1328,5	1432,8	225,8	118,7
Самарқанд	1617,0	1672,2	1725,8	1782,1	1900,2	283,2	117,5
Сирдарё	390,3	401,9	407,8	415,5	430,9	40,6	110,4
Сурхондарё	1057,7	1096,5	1133,5	1172,9	1246,5	188,8	117,8
Тошкент	1447,4	1477,9	1499,3	1518,2	1564,6	117,2	108,0
Фарғона	1617,5	1667,2	1720,1	1769,3	1897,1	279,6	117,2
Хоразм	823,3	847,7	874,1	892,8	922,4	99,1	112,0
Тошкент ш.	1446,9	1461,5	1508,8	1533,6	1524,2	77,3	105,3
Республика бўйича:	15219,6	15644,9	16123,6	16504,2	17309,8	2090,2	113,7

Жадвалдан кўриниб турганидек, 2007-2011 йиллар давомида республикада меҳнат ресурслари сони 2090,2 минг кишига ёки 13,7 фоизга ортган. Бу даврда меҳнат ресурслари сонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,6 % ни ташкил қилган.

Ўзбекистонда меҳнат ресурслари муттасил ортиб бораётганлиги ҳисобга олинган ҳолда янги иш ўринлари яратишнинг ўзига хос тизими шаклланди (4.8-расм).



4.8-расм. Ўзбекистонда янги иш ўринлари яратиш тизими

Янги иш ўринлари инвестиция дастурлари, маҳаллийлаштириш дастурлари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва

¹ Зокирова Н., Абдураҳмонов О. Инноват: оқибатлар, баргараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги марраларга эришилди. – Т.: «Fan va texnologiya», 2009. – Б. 136-138.

² Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари //http://www.mexnat.uz

технологик қайта жиҳозлаш тармоқ дастурлари, вақтинча ишламаётган корхоналарни, шу жумладан, тижорат банклари балансига берилган корхоналарни тиклаш, кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликни, биринчи навбатда, саноат корхоналари билан меҳнат шартномаси бўйича кооперациялашишга асосланган касаначиликни ҳамда хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, фермер ва деҳқон хўжалиklarини, айниқса, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликка, шунингдек, мева-сабзавот ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган тузилмаларни ташкил этиш ва ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришни кенгайтириш ҳисобига яратилмоқда.


Ўзбекистонда иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўлланган ноанъанавий ёндашув ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди. Тижорат банкларига берилган 164 та банкрот корхонадан 2012 йил бошигача 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди, 110 та корхона янги инвесторларга сотилди. Бундай корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ишларига тижорат банклари томонидан 275,0 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди, натижада 22 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бунда миллий анъаналар, ривожланган давлатларнинг тажрибаси, кичик бизнеснинг бозор конъюктурасига жуда тез мослашиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини кўлайитиришдаги роли, шунингдек жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти ҳисобга олинган.

Иқтисодиётнинг ушбу соҳасини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, 2006-2011 йиллар мобайнида микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 12,0 % дан 7,0 % га 6,0 % га, юридик шахслар учун фойда солиғи 15,0 % дан 10,0 % га туширилганида ўз ифодасини топди. Бундан ташқари, экология солиғи, ягона солиқ, ялпи даромад солиғи ва айрим бошқа солиқларнинг бекор қилиниши тадбиркорларга салмоқли маблағларини тежаш имконини бермоқда.

2012 йилга келиб жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 74,8% ёки 8913,5 минг нафар киши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тўғри келди.

Агар 1995 йилда мамлакатда 85,0 мингта янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич қарийб 1,0 млн. тага етди (4.9-расм). Биргина Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Иш билан бандликка кўмаклашувчи фонд ҳисобидан асосан олис жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик соҳаларида янги иш жойлари яратишга 8,1 млрд.сўм маблағ ажратилди¹.



4.9-расм. Ўзбекистонда янги иш ўринлари яратиш динамикаси (минг иш жойи ҳисобида)

Янги иш ўринлари яратиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳам ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, улар ижросини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрилади (4.5-жадвал).

¹ Абдурахманов К. Создание рабочих мест – государственный приоритет // <http://www.gazetabirja.uz>.

4.5-жадвал
Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида яратилган иш ўрнилари
сони динамикаси (бирлик)¹

Худудлар	Й и л л а р				2011 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008	2009	2010	2011	+,-	%
Қорақалпоғистон Республикаси	28602	48064	48118	48362	19760	169,1
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	55670	77889	77902	78292	22622	140,6
Бухоро	54266	72904	72998	73363	19097	135,2
Жиззах	29566	43297	43317	43515	13949	147,1
Қашқадарё	59191	85734	86444	86890	27699	146,8
Навобий	30139	39870	40321	40596	10457	134,7
Наманган	49672	70762	71039	71778	22106	144,5
Самарқанд	63570	91712	92020	92700	29130	145,8
Сурхондарё	44296	63686	63706	64644	20348	145,9
Сирдарё	28660	37899	37920	38623	9963	134,7
Тошкент	52719	85333	85500	86000	33281	163,2
Фарғона	63286	90050	91173	91246	27960	144,1
Хоразм	37110	59192	59182	59575	22465	160,5
Тошкент ш. Республика	64159	74140	80361	80663	16504	125,7
бўйича:	660906	940532	950001	956247	295341	144,6

Аҳолини иш билан таъминлаш даражасини оширишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик ва минифирмаларнинг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистонда 2011-2015 йиллар давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 507 та лойиҳа амалга оширилади. Жумладан:

- гўштни қайта ишлаш бўйича 142 та корхона ташкил этилиб, қўшимча 25,2 минг тонна;

- сутни қайта ишлаш бўйича 159 та корхона ташкил этилиб, қўшимча 65,6 минг тонна;

- мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича 189 та корхона ташкил этилиб, қўшимча 89,7 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Янги корхоналар ташкил этиш учун 202,0 млрд.сўмлик, 192 та корхонани реконструкция қилиш ва модернизациялаш учун 46 млрд.сўмлик маблағ ажратилган. Шу билан бирга бу мақсадга Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди (МФСР) орқали 22,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредит сарфланади. Бундан ташқари, Жаҳон банки ҳам бу соҳани ривожлантиришга 110,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиши кўзда тутилган¹.

4.6-жадвал
Ўзбекистон Республикасида иш билан банд аҳоли сони
динамикаси
(минг киши ҳисобида)²

Худудлар	Й и л л а р					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши	
	2007	2008	2009	2010	2011	+,-	%
Қорақалпоғистон Республикаси	551,1	561,1	566,1	580,8	590,0	38,9	107,0
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	1014,8	1047,3	1063,0	1112,1	1144,8	130,0	112,8
Бухоро	708,0	729,1	748,5	768,1	784,7	76,7	110,8
Жиззах	350,9	360,6	396,6	381,6	392,4	41,5	111,8
Қашқадарё	877,9	908,7	934,9	971,7	1003,8	125,9	114,3
Навобий	389,9	396,7	404,6	408,0	413,4	23,5	106,0
Наманган	738,0	763,3	790,1	815,3	841,7	103,7	114,0
Самарқанд	1115,8	1152,0	1186,7	1229,9	1269,8	154,0	113,8
Сирдарё	296,1	304,1	318,9	320,0	327,5	31,4	110,6
Сурхондарё	696,7	722,5	744,6	784,5	817,8	121,1	117,3

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари //http://www.mehnat.uz

¹ Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги корхона ва ташкилотларни 2010 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йуклари ҳақида маълумот // http://www.agro.uz

² Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари //http://www.mehnat.uz

Тошкент	1068,6	1097,5	1127,0	1155,4	1183,5	114,9	110,7
Фаргона	1241,3	1280,1	1318,0	1340,5	1367,6	126,3	110,2
Хоразм	553,6	571,1	583,0	606,7	625,2	72,6	112,9
Тошкент ш.	1132,4	1140,8	1145,8	1153,8	1156,7	24,3	102,1
Республика буйича:	10735,4	11035,4	11328,1	11628,4	11919,1	1183,7	111,0

Ўзбекистонда янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди (4.6-жадвал).

Фақат 2007-2010 йиллар мобайнида мамлакатда иш билан банд бўлган аҳоли сони 10735,4 минг кишидан 11919,1 минг кишига етди ёки 11,0 % га кўпайган. Бу даврда иш билан банд бўлган аҳоли сони республиканинг барча ҳудудларида ортган. Ўтган беш йил давомида иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати айниқса Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида юқори бўлган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 2,5 % га ўсди ва деярли 11,9 млн. кишига етди, иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги бандлар улуши 79,4 % ни, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда бандлар – 74,2 % ни ташкил этди. Бандликнинг энг юқори ўсиш суръатлари қурилишда (105,2 %), уй-жой-коммунал хўжалигида ва аҳолига маънавий хизмат кўрсатишда (105,1 %), савдо ва умумий овқатланишда (105,0 %), транспорт ва алоқада (104,4 %) қайд этилди (4.7-жадвал).

Аҳоли бандлиги таркибида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар таъминланди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганларнинг 60,0% давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, бугунги кунга келиб умумий иш билан банд аҳолининг 20,0 % дан кўпроги мазкур секторда меҳнат қилмоқда.

Бандликнинг соҳалар бўйича таркибида ҳам ижобий тенденциялар кузатилди. Хусусан, қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони сезиларли даражада камайди. Агар 1991 йилда мазкур соҳада ишловчилар сони жами иш билан банд бўлганларнинг

40,0 % ни ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда бу кўрсаткич 25,0 % га тушди. Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш, транспорт ва қурилиш соҳаларида иш билан банд бўлганлар сони ўсиб, 36,0 % дан 52,0 % га етди.

4.7-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқларида, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан бандлар сони динамикаси (минг киши ҳисобида)¹

Худудлар	Иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли сони			Кичик корхоналар ва фермер хўжаликларида иш билан банд аҳоли сони		
	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, %	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, %
Қорақалпоғистон Республикаси	145,9	160,1	109,7	104,1	109,7	105,3
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	176,4	207,5	117,6	197,3	209,7	106,2
Бухоро	161,5	165,6	102,5	140,8	144,0	102,2
Жиззах	68,2	80,6	118,1	84,7	100,8	119,0
Қашқадарё	201,5	231,4	114,8	149,3	172,6	115,6
Навоий	150,6	165,4	109,8	56,6	59,4	104,9
Наманган	160,5	171,8	107,0	148,9	142,6	95,7
Самарқанд	228,1	228,7	100,2	218,9	250,7	114,5
Сирдарё	58,6	68,7	117,2	72,6	93,9	129,3
Сурхондарё	140,3	162,8	116,0	175,4	193,6	110,3
Тошкент	256,4	274,4	107,0	191,1	206,4	108,0
Фаргона	266,8	299,8	112,3	222,0	286,8	129,1
Хоразм	118,6	125,2	105,5	161,2	146,7	91,0
Тошкент ш.	418,0	437,6	104,6	171,1	221,5	129,4
Республика буйича	2551,7	2779,8	108,9	2094,3	2338,4	111,6

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари //http://www.mehnat.uz

Кичик корхоналар ва фермер хўжаликлариди иш билан банд аҳоли сони ҳам йил сайин ортиб, 2007 йилдаги 2094,2 минг кишидан 2011 йилда 2338,4 минг кишига етди ёки 11,6 % га кўпайди.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган кичик мулкдорлар синфини барпо қилишга, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари ва турли хизматлар билан бойитиш имкониятини яратишга, ҳар бир оила даромадини кўпайтиришда ҳамда янги иш ўринларини яратиш эвазига ишсизлик масаласини ҳал этишга замин яратади.

Республикада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги боис бу соҳада иш билан банд бўлган аҳоли сони йил сайин ортиб бормоқда (4.8-жадвал).

4.8-жадвал

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятида ва деҳқон хўжаликлариди иш билан банд бўлганлар сони динамикаси (минг киши ҳисобида)¹

Худудлар	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони			Деҳқон хўжаликлариди иш билан банд аҳоли сони		
	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, %	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, %
Қорақалпоғистон Республикаси	4,6	29,8	647,8	103,9	96,7	93,0
Вилоятлар:						
Андижон	12,3	61,0	495,9	170,1	177,8	104,5
Бухоро	8,9	49,5	556,1	129,4	151,4	117,0

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари //http://www.uzmehnat.uz

Жиззах	4,7	23,3	495,7	63,4	98,1	154,7
Қашқадарё	10,5	43,8	417,1	128,6	150,2	116,7
Навоий	5,7	25,8	452,6	49,4	60,8	123,0
Наманган	13,0	66,8	513,8	95,4	114,6	120,1
Самарқанд	12,5	65,0	520,0	148,3	188,8	127,3
Сирдарё	2,5	10,8	432,0	26,8	60,2	224,6
Сурхондарё	6,3	27,6	438,0	129,8	153,6	118,3
Тошкент	12,2	65,9	540,1	177,4	190,6	107,4
Фарғона	17,8	99,1	556,7	168,2	192,7	114,5
Хоразм	5,5	23,8	432,7	81,5	106,0	130,0
Тошкент ш.	24,2	105,9	437,6	0	6,2	-
Республика бўйича:	140,8	698,4	496,0	1472,5	1745,0	118,5

2007-2011 йилларда республика бўйича юридик шахс мақомига эга бўлмаган, лекин лицензияга эга тадбиркорликда банд бўлганлар сони 140,8 минг кишидан 698,4 минг кишига етди ёки 4,96 мартага кўпайган.

Мамлакатда деҳқон хўжаликларини ташкил этишда қатор ютуқларга эришилмоқда ва уларни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

- хўжаликни ташкил этишнинг ихчамлиги ва уларнинг бозор муҳитига тезда мосланувчанлиги;
- хўжалик аъзоларининг маълум бир оиллага мансублиги;
- оила маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги;
- меҳнатни ташкил қилишдаги ва хўжаликни бошқаришдаги қулайликлар.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига қараганда, деҳқон хўжаликлариди иш билан банд бўлган аҳоли сони 1472,5 минг кишидан 1745,0 минг кишига етган ёки 18,5 % га ортган.

Ўзбекистонда ишсизлик даражаси Халқаро меҳнат ташкилотининг услубиёти асосида ҳисоблаб чиқилган ва у йўл қўйиш мумкин деб ҳисобланадиган - иқтисодий фаол аҳолининг 5,0 % доирасида ушлаб турилибди.

Мамлакатда ишсизларни ишга жойлаштириш бўйича етарли даражада самарали иш олиб борилмоқда, бу меҳнат бозорининг юқори даражадаги фаоллигининг далилидир.

Давлат иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳолига қуйидагиларни кафолатлайди:

- ишсизлик нафақасини тўлаш;
- меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий меҳнат стажига қўшиш;
- ишсиз шахсга қарамоғидагиларини ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам бериш;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;
- меҳнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш¹.

Ишсиз шахсларга моддий кўмак беришда ишсизлик нафақаси асосий аҳамиятга эга бўлиб, расмий ишсиз деб эътироф этилган шахсларга бир йил оралигида кўпи билан йигирма олти календарь ҳафта (олти ой), илгари умуман ишламаган ва биринчи бор иш қидираётган шахсларга эса ўн икки ойлик давр мобайнида ўн уч календарь ҳафта (уч ой) тўланади.

Ишсизлик нафақаси миқдорини белгилаш муҳим бўлиб, мамлакатимиз меҳнат қонунчилигида бу миқдор ҳам аниқ кўрсатилган:

Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган тақдирда, ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга олдинги иш жойидаги ўртача иш ҳақининг 50,0 % миқдоридан, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган ва нафақани ҳисоблаш пайтида Ўзбекистон Республикасида таркиб топган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда ишсизлик нафақаси тўлаш кафолатланади.

Илгари ишламаган, биринчи марта иш қидираётган ва ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга маҳаллий меҳнат органи томонидан касбга тайёрлаш ёки ишга жойлаштириш имконияти берилмаган тақдирда, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг камида 75,0 % миқдоридан нафақа тўлаш кафолатланади².

Статистик маълумотларга кўра, Республикада иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳоли сони ортиб бормоқда (4.9-жадвал).

2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳоли сони 563,8 минг кишидан 622,4 минг кишига етган ёки 10,4 % га ортган. Лекин иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳоли сонининг ўсиш суръати бир меъёрда кечмаган. Хусусан, 2007-2009 йилларда иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳоли сони 563,8 минг кишидан 631,5 минг кишига етган ёки 12,0 % га ортган бўлса, 2010 йилда иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳоли сонининг камайиши кузатилиб, 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 1,5 % га қисқарган.

4.9-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иш билан таъминлашга мухтож бўлган аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)¹

Худудлар	Й и л л а р					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши	
	2007	2008	2009	2010	2011	+,-	%
Қорақалпоғистон Республикаси	41,2	41,9	42,2	44,5	41,7	0,5	101,2
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	63,2	64,1	65,6	65,1	64,6	1,4	102,2
Бухоро	33,4	33,6	40,9	40,0	40,3	6,9	120,6
Жиззах	15,4	15,5	21,8	22,0	21,5	6,1	139,6
Қашқадарё	47,9	47,9	57,0	56,6	56,2	8,3	117,3
Навоий	20,3	20,3	20,9	20,1	20,5	0,2	100,9
Наманган	46,7	46,7	49,3	48,3	48,5	1,8	103,8
Самарқанд	64,4	65,3	75,2	74,8	74,1	9,7	115,0
Сирдарё	12,8	12,8	14,8	14,4	14,6	1,8	114,0
Сурхондарё	35,3	35,4	47,0	46,1	46,3	11,0	131,6
Тошкент	44,9	44,9	47,9	47,4	47,3	2,4	105,3
Фарғона	71,6	72,6	72,5	77,1	71,4	-0,2	99,7
Хоразм	28,1	28,0	35,1	33,6	34,6	6,5	123,1
Тошкент ш.	36,7	38,6	41,2	38,0	40,6	3,9	110,6
Республика бўйича:	563,8	567,7	631,5	628,2	622,4	58,6	110,4

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // <http://www.lex.uz>.


² "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // <http://www.lex.uz>.

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари // <http://www.mchmat.uz>

Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида мурожаат қилган фуқароларнинг ишга жойлаштирилиши даражаси 87,5% ни ташкил этмоқда. Шунинг таъкидлаш жоизки, ишга жойлаштиришнинг энг юқори даражаси (66,5%) ўрта маълумотлиларга тегишли. Бу маълум даражада меҳнат бозорининг хусусиятларидан далолат беради. Энг ёш гуруҳда (18 ёшгача) ишга жойлаштириш даражаси 84,8 % ни, 19-29 ёшда эса 88,2 % ни ташкил этади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолининг асосий қисмини мустақил иш қидираётганлар ташкил қилишини кўрсатади. Жумладан, 2007 йилда республика бўйича жами иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолининг 95,3 фоизини мустақил иш қидираётганлар ташкил қилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 97,7 фоизга тенг бўлган. Кўриладиганидек даврда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари томонидан рўйхатдан ўтган ишсизлар улуши мос равишда 4,7 % ва 2,3 % бўлган.

Республикада иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатининг ортиши ишсизлик даражасининг камайишини таъминлади (4.10-расм).



4.10-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ишсизлик даражаси, (%)¹

Юқоридаги маълумотлар мамлакатда иш излаб меҳнат муассасаларига мурожаат қилганлар, иш билан таъминланганлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари

сони йилдан-йилга ошиб, ишсизлар сони ва даражаси пасайиб боришидан далолат беради. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилардир:

- иқтисодий фаол аҳоли ва иш билан банд аҳолининг ўсиб бориши;
- меҳнат ресурсларининг юқори суръатларда ўсиши, меҳнат муассасалари хизматларининг яхшиланиши ва уларга иш излаб мурожаат қилаётганлар сонининг ортиши;
- меҳнат муассасалари тақлиф этаётган кўплаб бўш иш ўринларининг мавжудлиги, фуқароларни ишга жойлаштириш фаолиятининг яхшиланиши ва бунинг натижасида иш излаб мурожаат қилганлар аксарият қисмининг иш билан таъминланиши (4.10-жадвал).

4.10-жадвал

Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари (БКМ) томонидан ишга жойлаштирилган аҳоли сони (минг киши)¹

Худудлар	БКМга мурожаат қилганлар сони	БКМ йўлланмаси билан ишга жойлашганлар сони
Қорақалпоғистон	47,3	43,0
Вилоятлар:		
Андижон	55,1	49,3
Бухоро	39,8	31,7
Жиззах	32,5	28,0
Қашқадарё	58,9	52,2
Навоий	30,3	26,8
Наманган	58,9	49,9
Самарқанд	64,4	59,0
Сурхондарё	38,0	32,9
Сирдарё	20,9	17,7
Тошкент	43,3	39,2

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари //http://www.mehnat.uz.

Фаргона	76,7	66,6
Хоразм	46,1	32,1
Тошкент шаҳри	46,2	38,0
Жами:	658,3	566,3

Ишсизликнинг фрикциион ва бошқа турлари орғишига йўл қўймаслик мақсадида меҳнат органлари томонидан ишга муҳтож фуқаролар:

- янги касбларга ўргатилади;
- мавжуд бўш иш жойларидан хабардор қилади;

Ишсизлик даврий хусусият касб этганда давлат бюджет, фискал, кредит-пул воситаларини ишга солади, яъни:

- иш билан таъминлашни кучайтириш учун иш берувчиларни янги иш жойлари яратишга рағбатлантиради;
- тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга солиқ, кредит ажратишда имтиёзлар беради;
- меҳнат биржаларига маблағ ажратишни кўпайтиради.

Меҳнат муассасалари томонидан фуқароларни ишга жойлаштириш ишлари билан биргаликда, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни мувофиқлаштириш фаолияти, ишсиз фуқароларни турли касбларга тайёрлаш, пул тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш, меҳнат ярмаркалари уюштириш, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни тадқиқ қилиш, бу бозордаги талабнинг ўсишига қўмаклашиш, ҳукуматнинг меҳнат муносабатларидаги ижтимоий кафолатларини амалга ошириш ишлари қилинмоқда (4.11-жадвал).

Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари деганда, ҳаммабоп, одатда, белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилган фуқаролар учун уларнинг махсус дастлабки касб тайёргарлигини талаб қилмайдиган меҳнат фаолиятининг вақтинча турлари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги “Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисида”ги 353-сон қарорига асосан ҳақ тўланадиган жамоат ишлари қуйидаги мақсадларда ташкил қилинади:

- иш қидираётган шахс сифатида меҳнат органларида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи (меҳнат даромади) олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат органлари томонидан ишсиз деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

4.11-жадвал
Ўзбекистон Республикасида ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган ва касбга тайёрлашга юборилган фуқаролар сони динамикаси (киши ҳисобида)¹

Худудлар	Ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этган кишилар сони			Касбга тайёрлашга юборилган фуқаролар сони		
	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, %	2007 й	2011 й	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши, %
Қорақалпоғистон Республикаси	4461	3406	76,3	317	972	306,6
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	1379	4929	357,4	1288	2735	212,3
Бухоро	1475	3680	249,5	778	1707	219,4
Жиззах	1208	1862	154,1	700	840	120,0
Кашқадарё	3324	4349	130,8	695	1385	199,2
Навоий	790	1927	243,9	495	982	198,3
Наманган	3474	3597	103,5	501	802	160,0
Самарқанд	1633	5500	336,8	555	1072	193,1
Сирдарё	728	3255	447,1	489	1966	402,0
Сурхондарё	918	1241	135,1	329	721	219,1
Тошкент	1273	4273	335,6	1028	2218	215,7
Фаргона	3071	6273	204,2	1735	3126	180,1
Хоразм	1771	2587	146,0	934	1273	136,3
Тошкент ш.	2122	2729	128,6	3832	6440	168,0
Республика бўйича:	27627	49608	179,5	13676	26239	191,8

- биринчи марта иш қидираётган ва касби (мутахассислиги) бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ҳодими ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари //http://www.melnat.uz.

- турли сабабларга кўра касб фаолиятида анча узилишлар бўлган шахсларни (илгари болалар тарбияси, беморлар ва оиланинг кекса аъзоларига қараш билан машғул бўлган, жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган ва бошқаларни) меҳнатга қайта тиклаш;

- иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг социал аҳамиятга эга бўлган объектларини иш кучи билан таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш орқали уларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитиш, малакасини ошириш тизими шаклланди. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

- Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга доир масалалар билан шуғулланадиган тузилмавий бўлинмалари;

- ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг барча турлари ва шакллари бўйича касбий таълимни ташкил қиладиган ҳудудий меҳнат органларининг жойлардаги ўқув марказлари;

- касб-ҳунар коллежлари;

- корхона, муассаса, ташкилотларнинг ўқув бўлинмалари;

- малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг олий ва ўрта махсус ўқув юртлари (академик-лицейлар) қошидаги ўқув муассасалари;

- таълимни ташкил этиш хусусида рухсатномаси бўлган тижорат ва ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотлар, уюшмалар;

- шогирдларга касб ўргатиш имкониятларига эга бўлган “Хунарманд” уюшмасига аъзо бўлган тадбиркор халқ усталарининг мактаблари киради.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, республикада касбга тайёрлашга юборилган фуқаролар сони 2007 йилдаги 13676 нафардан 2011 йилда 26239 нафарга етди ёки 91,8 % га ортган.

Республикада ишга жойлашишга муҳтож аҳолини бир марталик ишга жалб қилиш ишлари ҳам йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Бу фаолиятнинг моҳияти шундаки, ўз меҳнат лаёқатини қисқа муддатли (тўлиқ бир иш кунда ёки тўлиқсиз бир иш кунда, икки ёки ундан ортиқ, лекин бир ойдан кам иш кунда) сотиш истагида бўлган фуқароларга меҳнат

муассасалари иш берувчи ва ёлланма ишчини бир-бири билан учраштириш ва келишиб олишларига кўмаклашмоқда. Бундай тадбирлар аҳоли гавжум бўлган ва илгаридан норасмий тарзда меҳнат лаёқати савдоси амалга оширилган жойларда ташкил қилинмоқда.

Назорат учун саволлар

1. Меҳнат ресурслари таркиби хусусиятини ифода этувчи асосий кўрсаткичлар нималардан иборат? Иқтисодий фаол ва иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли деганда нима тушунилади?

2. Халқаро меҳнат ташкилоти ишсиз категориясига кимларни киритган?

3. “Оукен қонуни”да нима асосланади?

4. Иш билан бандлик, иқтисодий ўсиш ва инсонни ривожлантириш ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд?

5. Иш билан бандликнинг швед ва япон моделлари ўртасидаги фарқ нималардан иборат?

6. Ўзбекистонда иш билан бандлик сиёсатининг асосий йўналишларини гапириб беринг.

ИККИНЧИ ҚИСМ
ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ
5-БОБ. ФАРОВОНЛИК КОНЦЕПЦИЯСИ ВА ТУРМУШ
ДАРАЖАСИ

5.1. Фаровонлик концепциясининг назарий ва методологик асослари

Инсон тараққиёти концепциясида даромадлар ортишига инсон имкониятларини кенгайтиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида қаралади. Даромадларнинг ортиши билан инсон тараққиёти ўртасидаги боғлиқлик фақат бойликни жамланишидагина эмас, балки уни тақсимлаш ва бу бойликдан фойдаланиш воситаларида ҳам намоён бўлади. Бевосита ресурсларни адолатли тақсимлаш жамият барча аъзолари учун инсоний танлов имкониятларини кенгайтиради, шунингдек, турмуш сифатини ошириш учун асос яратади.


Даромадларнинг табақаланиши иқтисодий, демографик ва ижтимоий омилларнинг таъсири остида рўй беради ҳамда моддий таъминланганлик нисбатида намоён бўлади.

Инсон тараққиёти нуқтаи назаридан муносиб турмуш кечиришни таъминлаш учун одамлар фақат моддий неъматлар ва хизматларга эга бўлиб қолмасдан, шунингдек, уларни йўқотиш хавфидан ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган ҳамда моддий неъматлар ва хизматларни тақсимлаш механизмларига таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Шунинг учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида куйидагилар қайд қилинган: “Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қариллик ёки унга боғлиқ

бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга”.¹

Фаровонлик – аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитлари ва эҳтиёжлари қондирилганлигининг даражасидир. БМТ тавсияларига кўра, фаровонлик ишлаб чиқарувчи кучларнинг бир неча унсурлари ва иқтисодий муносабатлар хусусиятидан иборат тизимдир (5.1–расм).



5.1–расм. Фаровонлик унсурлари

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, аҳоли фаровонлиги шунчалик тез ортади. Фаровонлик мазкур жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги билан узвий боғлиқдир.

Турли ҳаётий неъматлар бир хил қийматга эга эмас, шунинг учун одамларнинг эҳтиёжлари ўз кўламлари бўйича кескин табақаланади. Инсон биринчи навбатда ўзининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қониқтиришга эришади. Унинг даромадлари ортиши билан озиқ-овқат учун харажатлари ҳам биринчи бўлиб камая бошлайди. Шундан сўнг кийим-кечакка харажатлар камая

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат», 2004. – Б.35.

бошлайди, лекин бунда моданинг мунтазам ўзгариб туриши ушбу жараёни секинлаштиришга сабаб бўлади.

XIX асрдаёқ пруссиялик статистик олим Эрнст Энгель¹ шахсий даромадлар ортиши билан озиқ-овқатга харажатлар салмоғи камайишини аниқлаган. Кийим-кечак, турар жой ва коммунал хизматларга харажатлар эса камроқ даражада камайяди, маданий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун харажатлар, аксинча сезиларли даражада ортади. Ушбу боғлиқлик “Энгель қонуни” номини олган.

Энгель қонуни – истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракати улар томонидан топиладиган даромад миқдори билан боғлиқ бўлган, даромадлар кўпайиши билан аҳоли томонидан неъматларни истеъмол қилиш пропорционал бўлмаган ҳолда ортишига асосланган иқтисодий қонундир. Бунда озиқ-овқатга харажатлар узок муддат фойдаланиладиган ашёлар, саёхатлар ёки маблағни жамғаришга қараганда камроқ ортади. Маҳсулотларни истеъмол қилиш таркиби эса сифатлироқ товарларни харид қилиш фойдасига ўзгаради. Даромадларнинг ортиши маблағлар жамғарилишини кўпайтиришга, юқори сифатли товарларни истеъмол қилиш ва хизматлардан фойдаланиш ортгани ҳолда паст сифатли маҳсулотлар истеъмоли камайишига олиб келади.

Эрнст Энгель агар барча мамлакатларда шахсий истеъмол юқорида қайд қилинган модель бўйича ривожланадиган бўлса, оилавий харажатлар таркибини таҳлил этиш ҳам алоҳида бир мамлакатда, шунингдек, турли мамлакатлардаги аҳоли турли гуруҳлари фаровонлигини ошириш даражасини (бунда мезон сифатида оиланинг озиқ-овқатга харажатларининг даромаддаги улуши олинади) таққослаш мумкинлигини асослаган.

Бойлик – инсон ёки жамиятда пул, ишлаб чиқариш воситалари, кўчмас мулк ёки шахсий мулк каби моддий ва номоддий неъматларнинг мўл-кўллигидир. Соғлиқни сақлаш, таълим ва маданиятдан фойдаланишни ҳам бойлик категориясига киритиш мумкин.

Социология фанида жамиятнинг бошқа аъзоларига нисбатан катта миқдорда неъматларга эга бўлган инсон бой ҳисобланади. Иқтисодиётда бойлик муайян вақтда активлар ва пассивлар ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

Бойликнинг акси қамбағалликдир. *Неъматларга эга бўлиш маъносидаги бойлик* инглиз тилида *Wealth*, *жамиятнинг бошқа аъзоларига нисбатан кескин устунлик маъносидаги бойлик* *Richness* сифатида ифодаланади. *Бойлик* жиҳатидан бошқа давлатлардан жуда устун бўлган мамлакатларни одатда ривожланган мамлакатлар деб аташади.

Фаровонликнинг энг муҳим таркибий қисмлари 5.1–жадвалда келтирилган. Бунда атроф-муҳитнинг шароитлари ижтимоий ва жисмоний шароитларга бўлинишини таъкидлаш лозим. Мазкур шароитлар бир-бирларига ўзаро таъсир кўрсатади. Амалиётда атроф-муҳитни ижтимоий ва жисмоний қисмларга катъий ажратишнинг имкони йўқ. Бироқ таҳлилларни амалга ошириш учун ана шундай чегаралаш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий ресурслар шахснинг ўз турмуш шароитига таъсир кўрсатишини, яъни у муайян натижаларга эриша олиши, шунингдек, ҳокимият ва жамият томонидан ўзига нисбатан адолатсиз муносабатдан ҳимояланиши мумкинлигини назарда тутади.

Фаровонлик маъносидаги хизматлар дейилганда умумий фойдаланишга мўлжалланган барча институтлар (корхоналар), шунингдек, шахс таълим оладиган ўқув юртлари, маданий тадбирлар, санитария-тиббий ва ижтимоий хизматлар ҳамда шахсий истеъмол учун маҳсулотлар тушунилади.

5.1–жадвал

Фаровонлик ва унинг таркибий қисмлари концептуал кўриниши

Шахслар / оила бирликлари	Атроф-муҳит шароитлари	
	Ижтимоий	Жисмоний
Ресурслар	Иш билан бандлик ва меҳнат шароитлари	Ландшафт
Саломатлик ва жисмоний ҳолат	Хизматлар	Об-ҳаво
Билимлар ва кўникмалар	Ижтимоий ўзаро боғлиқлик	Транспорт тармоғи

¹ Эрнст Энгель (нем. Ernst Engel, 1821-1896) – немис иқтисодчиси ва статистика соҳасидаги олим.

Онлавий шахслар ва якка шахслар ўртасидаги муносабатларга тааллуқли бўлган ижтимоий мансубликдан фаркли равишда ижтимоий ўзаро алоқадорлик ҳудуд доирасидаги ҳамжамиятга тааллуқлидир. Бунда локал ижтимоий ҳамжамиятлар алоҳида аҳамиятга эга. Улар шахсий ижтимоий муаммоларни ҳал этишда катта роль ўйнайди. Амалда ўзаро муносабатлар мавжуд бўлмаганида айрим ижтимоий ёки тиббий хизматларга талабнинг юқори бўлиши кузатилади.

Мухторият ҳаракат қилиш эркинлигини англатади ва шунинг учун фуқаролик ҳуқуқи, иш жойини мустақил танлаш имкониятини қамраб олади ҳамда шахс булар ёрдамида бошқа одамлар боғлиқ бўлмасдан эркин ҳаракат қилиш имкониятларини англатади.

Моддий ресурслар устидан маҳаллий назорат муайян манзилдаги аҳолининг ўзларини ўраб турган муҳит активдан фойдаланиш ва уни назорат қилишни билдиради. Мазкур активлар ер, сув, ўсимлик дунёси ва табиий муҳитнинг бошқа таркибий қисмларини, шу жумладан, шахс, масалан, табиат кўйида бўш вақтини ўтказиши учун ихтиёрида бўладиган боғлар, кўнгилочар жойларни ҳам қамраб олади. Бўш вақтни бекорчилик билан ўтказганга қараганда мазмунли дам олиш инсон фаровонлигининг жуда муҳим таркибий қисмидир.

Тартиб ва хавфсизлик фаровонлиқнинг жуда муҳим хусусиятларидир. Шовқин, ҳаво ва сув ифлосланган, об-ҳаво ноқулай бўлса ҳам инсон ўзини хавфсиз ҳис этмайди. Ушбу салбий омиллар одамлар фаровонлиги даражасини жиддий равишда пасайтиради.

Бойликни энг мақбул тарзда тўплаш масаласи иқтисодиёт назариясининг классик мактаби вакиллари томонидан ўрганила бошланган. Адам Смит инсонни бутун жамиятнинг асоси деб ҳисоблаган ҳолда инсоннинг хатти-ҳаракатларини унинг мотивлари ва шахсий манфаатга интилиши нуқтаи назаридан тадқиқ этган. Олимнинг фикрича, бозор муносабатлари – табиий тартиб. Бозор иқтисодиёти шароитларида ҳар бир одам ўзининг шахсий манфаатларини ўйлаб иш кўради. Бу шахсий манфаатлар йиғиндиси эса жамият манфаатини ташкил этади. А. Смитнинг ҳисоблашича, ана шундай тартиб ҳам алоҳида шахснинг, ҳам умуман жамиятнинг бойлигини, фаровонлиги ва ривожланишини таъминлайди.

У томонидан “иқтисодий инсон” ва “табиий тартиб” концепциялари ишлаб чиқилган. Табиий тартиб амал қилиши учун асосини хусусий мулк ташкил этадиган “табиий эркинлик тизими” мавжуд бўлиши талаб қилинади.

Адам Смитнинг энг машҳур атамаси – “бозорнинг кўз илғамас кўли” ресурсларини тақсимлашда самарали механизм ролини ўйнайди. Мазкур қонданинг моҳияти шундан иборатки, шахсий манфаатга бошқа кимнингдир эҳтиёжини қондириш орқали эришиш мумкин. Шу тариқа бозор ишлаб чиқарувчиларни бошқа одамларнинг манфаатларини амалга оширишга, уларнинг ҳаммасини эса бутун жамият бойлигини кўпайтиришга рағбатлантиради. Бундай ҳолда ресурслар фойданинг “сигнал тизими” таъсири остида талаб ва таклиф тизими орқали фойдаланиш энг юқори самара берадиган соҳаларга кўчади¹.

Давид Рикардо² Адам Смит назариясини ривожлантирган ҳолда кўйидаги хулосага келган: “Ишлаб чиқаришда истеъмол қилинадиган асбоб-ускуналар, хомашё, машиналар, озиқ-овқат, кийим-кечак ва ҳоказолардан иборат бўлган мамлакат бойлигининг бир қисми меҳнатни ҳаракатга келтириш учун зарурдир”³. Унинг фикрича, киритилган капитал учун олиннадиган фойда тенг бўлмаслиги сабабли капитал “бир машғулотдан бошқаси томон кўчади”.

“Меҳнатнинг табиий баҳоси” эса – ишчининг меҳнати ҳисобига ўзи ва оиласининг турмуш кечирешини таъминлаш, озиқ-овқат, кундалик эҳтиёж ашёлари ва қулайликларга харажатларни қоплаш имкониятидир. Мазкур баҳо одамлар хусусияти ва одатларига боғлиқдир. Масалан, айрим мамлакатларда иссиқ кийим талаб қилинмайди.

Иқтисодий назариянинг янги классик йўналиши асосчиларидан бири А. Маршалл инсоннинг иқтисодиётдаги роли хусусидаги турли ғояларни синтез қилган ҳолда бойлик тўплаш инсон тараққиёти билан бевосита боғлиқ деган хулосага келган. Унинг фикрича, “Бойлик яратиш – инсон ҳаётини сақлаб туриш, эҳтиёжларини қондириш, жисмоний, ақлий ва ҳиссий кучларини ривожлантириш воситасидир. Бунда инсоннинг ўзи – бойликни

¹ Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. — М.: «Эксмо», 2007.

² Давид Рикардо (David Ricardo, 1772-1823) — англий иқтисодчиси, классик энёсий иқтисод асосчиларидан бири. Асосий асари: “Сенёсий иқтисод ва солиққа тортиш принциплари” (1817).

³ Маршалл А. Принципы экономической науки. — М.: 1993.

яратишнинг асосий воситаси, айти пайтда унинг ўзи бойликнинг пировард мақсади бўлиб хизмат қилади”.

Д. Рикардонинг шогирди ва назариясининг давомчиси бўлган Ж. Милль¹ ўзининг “Сиёсий иқтисодиёт асослари” асарида сиёсий иқтисодиёт қонунларини иккига: бизнинг иродамизга боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш қонунларига ҳамда инсоннинг хоҳишлари ва фикрлари билан белгиланадиган ҳамда ижтимоий тизим хусусиятларига боғлиқ равишда ўзгарадиган тақсимлаш принципига бўлган. Шу туфайли тақсимлаш қоидалари иқтисодиёт фанининг биринчи категория қонунларига хос бўлган зарурий хусусиятига эга эмас. Олимнинг ўзи сиёсий иқтисодиёт принципларини зарурий ва тарихан ўзгарадиганларга бўлишни ўзининг иқтисодиёт фанини ривожлантиришдаги асосий хизмати деб баҳолаган.

Бу ўринда узоқ вақт, жамиятнинг индустриалашнинг ўзгариши давомида иқтисодий тафаккур моддий бойлик тўплаш соҳасидаги жараёнлар таъсирида бўлган. Капитални жамғариш ва моддий-ашёвий омилар тараққиётни белгилайдиган универсал омилар деб ҳисобланган.

Одатда ишлаб чиқариш жамланма хажмининг (масалан, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотнинг) бевосита ёки билвосита ўсиши қашшоқлик кўламини камайтиради ва аҳоли умумий фаровонлигини оширади деб тахмин қилинган. Бундай фикр ишлаб чиқариш даромад келтиради, даромад эса, ўз навбатида, моддий ёки иқтисодий фаровонлик келтиради деган қарашга асосланган.

Аммо инсон салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқ концептуал ёндашув ялпи ички маҳсулот ҳажми ривожланиш даражасининг асосий кўрсаткичи сифатидаги ролин рад этади. Иқтисодий ривожланишнинг ижтимоий мезонлари шу қадар муҳим аҳамият касб эта бошладики, иқтисодий ривожланиш миллий моделларининг (швед модели, Германиянинг ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт модели ва ҳоказолар) асосига қўйилди.

Инсон тараққиёти назариясининг асосли эканлигини хомашё ресурслари заҳирасига эга бўлмаган ҳамда иккинчи жаҳон уруши йилларида моддий базаси вайрон қилинган мамлакатларнинг (Тайвань, Корея, Япония, Германия) тажрибаси кўрсатиб турибди. Ушбу мамлакатларнинг ривожланиш стратегияси инсонга, фан-

техника тараққиётининг энг муҳим таркибий қисми ҳамда иқтисодий ривожланишнинг чексиз ресурси – инсон омилига асосланди. Бевосита ана шу стратегия мазкур давлатлар иқтисодий ривожланиши жадал суръатларини таъминлади.

Амартия Сеннинг новаторча илмий ишларидан сўнг ривожланиш жараёнига инсоннинг моддий ёки иқтисодий фаровонлигини ошириш омили сифатида эмас, балки шахннинг “имкониятлари”ни кенгайтириш жараёни сифатида қараладиган бўлди. 1970-йилларнинг бошидаёқ Жаҳон банки даромадларни қисман қайта тақсимлашга даъват этган эди. Жаҳон банки тақлифига мувофик, иқтисодий ўсиш жараёнида яратилаётган ресурсларнинг бир қисмини камбағал мамлакатларнинг эҳтиёжига сарфлаш лозим. Мазкур стратегия ниҳоятда муҳим эди, чунки жаҳон амалиёти тажрибаси ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг ўзи қашшоқлик кўламинини камайтириш ва ривожланишга эришиш учун етарли эмаслигидан далолат берарди.

Шундан сўнг Халқаро меҳнат ташкилоти 1970-йилларнинг ўрталарида амалга оширган таҳлилларига асосланиб, ривожланиш устуворлигини янги иш жойлари яратиш ҳамда одамларнинг озик-овқат, турар жой, кийим-кечак, бошланғич ва ўрта таълим, дастлабки тиббий-санитария ёрдами каби асосий эҳтиёжларини қондириш фойдасига ўзгартириш лозимлигини асослаб берди.

Шунинг учун давлатлар пул даромадларини бирламчи тақсимлашга бевосита аралашади ва кўп ҳолларда номинал иш ҳақи кўпайишининг юқори даражасини белгилайди. Иш ҳақининг давлат томонидан тартибга солинишининг иқтисодий аҳамияти бунинг жамланма талаб ва ишлаб чиқариш чиқимларига таъсир кўрсатиши билан изоҳланади. Давлат томонидан амалга ошириладиган даромадлар сиёсати ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш, миллий маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, инвестиция киритишни рағбатлантириш, инфляцияни жиловлаш мақсадларида иш ҳақи ўсишини тартибга солишда намоён бўлади. Давлат инфляцияга қарши сиёсатни олиб борар экан, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг умумий эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи ўсишининг узоқ муддатли чегарасини марказлаштирилган ҳолда белгилаши мумкин.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда иш ҳақини давлат томонидан тартибга солишнинг энг самарали воситаси иш ҳақининг (ёки тариф ставкасининг) энг кам миқдорини

¹ Жон Стюарт Милль (John Stuart Mill, 1806-1873) — машҳур инглиз иқтисодчиси.

белгилашдир. Компаниялар раҳбарлари билан касаба уюшмалари ўртасидаги турли даражадаги жамоа шартномаларини тузишда музокаралар бевосита иш ҳақи энг кам миқдори бўйича олиб борилади. Ушбу ҳужжатларда, шунингдек, турли мукофотлар ва устамалар, малака даражасига боғлиқ равишда тармоқлар бўйича иш ҳақини табақалаш белгилаб қўйилади.

Пул даромадларини (иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар) инфляциядан ҳимоя қилиш муаммоси алоҳида аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда индексация қўлланилади, яъни давлат томонидан аҳолининг пул даромадларини ошириш механизмларидан фойдаланилади. Ушбу механизм истеъмол товарлари ва хизматларнинг қимматлашини қисман ёки тўла қоплаш мақсадини кўзлайди. Даромадларни индексация қилиш аҳоли, айниқса, унинг ночор қисми - белгилаб қўйилган даромадларга эга пенсионерлар, ногиронлар, шунингдек, ёшларнинг харид қилиш қобилиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Индексация ҳам давлат миқёсида, ҳам жамоа шартномалари орқали алоҳида корхоналар даражасида амалга оширилади.

Ҳар бир давлат иқтисодий ривожланишининг ҳар бир босқичида ўз ижтимоий ривожланишининг устувор мақсадларини белгилайди. Ушбу стратегик мақсад – одамлар фаровонлигини оширишга йўналтирилган. Ривожланишнинг шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда айрим мамлакатлар биринчи навбатдаги вазибалар қаторида ишсизликни камайтириш, бошқалари - камбағалликка барҳам бериш, учинчилари - инсон салоҳиятини ривожлантириш ва ҳоказолар белгиланади. Мазкур мақсадга эришишнинг ёндошувлари турли бўлиши мумкинлигига қарамадан, энг асосийси – ижтимоий иқтисодиётнинг стратегиясини ишлаб чиқишдир. Мазкур стратегия ижтимоий муаммолар – иш билан бандликни ошириш, камбағаллик даражасини камайтириш ва ҳоказоларни самарали амалга ошириш имкониятини берадиган механизмларни яратишга қаратилиши лозим.

5.2. Турмуш даражаси ва турмуш сифати, уларнинг кўрсаткичлари ва индикаторлари

Турмуш даражаси – бу аҳоли фаровонлигининг, неъматлар ва хизматларни истеъмол қилишнинг даражаси, инсон асосий ҳаётий

эҳтиёжларининг қондирилиши миқдоридир. Турмуш даражасининг асосий кўрсаткичлари (индикаторлари) – аҳоли даромадларидир. Улар қуйидагилардан иборат:

- аҳоли жон бошига ўртача номинал ва реал даромадлар, даромадлар табақаланишининг кўрсаткичлари;
- номинал ва реал ўртача иш ҳақи;
- ўртача ва реал пенсия миқдори;
- турмуш кечиришнинг энг кам миқдори ҳамда турмуш кечириш учун энг кам миқдордан наст даромадга эга аҳоли салмоғи;
- иш ҳақи, пенсия, нафақаларнинг энг кам миқдори.

Турмуш даражаси категорияси билан биргаликда анча кенгроқ турмуш сифати тушунчаси ҳам ишлатилади. *Турмуш сифати* умумлаштирувчи ижтимоий-иқтисодий категория ҳисобланади. У фақат турмуш даражаси кўрсаткичларинигина эмас, балки маънавий эҳтиёжлар қондирилиши, атроф-муҳит шароити, жамоадаги муҳит ва ҳоказоларни ҳам қамраб олади. Бироқ ушбу мезонларнинг ҳаммасини ҳам ўлчаб бўлмайди. Бу эса турмуш сифатини баҳолашни мураккаблаштиради.

Турмуш даражаси ва турмуш сифатининг миқдор кўрсаткичлари энг аниқ-равшанларидир. Улар, энг аввало, аҳоли жон бошига ялпи миллий маҳсулот ёки миллий даромад, даромадлар даражаси ва даромадларнинг жамиятда тақсимланиши, моддий неъматлар ва хизматларни истеъмол қилиш даражаси ва ҳоказолардир.

Турмуш даражаси ва турмуш сифатининг сифат кўрсаткичлари меҳнат шароитлари, инсоннинг турмуш кечириш ва дам олиш шароитлари кўрсаткичларини қамраб олади.

Ҳозирги давр амалиётида турмуш даражаси ва турмуш сифатини баҳолашга икки хил ёндошув қабул қилинган:

1. *Баҳолаш кўрсаткичлари тизими* – бу ижтимоий индикаторлар ёрдамида амалга оширилади. Баҳолаш кўрсаткичларининг миллий тизимлари ўз хусусиятларига эга, лекин улар умуман БМТнинг методологик тавсияларига асосланади.

2. *Турмуш даражаси ва турмуш сифатининг жамланма индекси* алоҳида кўрсаткичлар асосида ҳисоблаб чиқилади. Бундай ёндашув БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан турли мамлакатлардаги аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифатини таққослаш учун кенг қўлланилади.

Жаҳон амалиётида аҳолининг турмуш даражаси ва турмуш сифатини баҳолаш учун уларнинг даромадлари миқдоридан фойдаланилади. Ушбу даромадлар ёки жорий харажатларни қоплаш, ёхуд пул маблағларини жамғариш учун ишлатилади. *Жорий харажатларга* озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар жой, коммунал хизматлар, уй жиҳозлари, соғлиқни сақлаш, транспорт, алоқа, таълим, маданият, жисмоний тарбия ва спорт, дам олиш ва сайёҳлик, бошқа хизматлар ва неъматлар учун харажатлар киради. Ҳар бир мамлакат учун жорий харажатларнинг ўз хусусиятлари мавжудлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Моддий фаровонлик кўрсаткичлари сифатида кўпинча мулк ва пул жамғармалари миқдоридан ҳам фойдаланилади. Чунки жорий даромадлар ҳаминша ҳам реал истеъмол даражасини акс эттирмайди.

Аҳолининг жамғармалари даромадлар ва жорий харажатлар ўртасидаги фарқдан иборат. *Жамғармалар* пул ёки натура шаклида бўлиши мумкин. *Пул жамғармалари* ёки аҳоли қўлида бўлган пулларнинг ёхуд уларнинг молиявий муассасаларидаги омонатлари, ёки қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва ҳоказолар) шаклида бўлиши мумкин. *Натура шаклидаги жамғармалар* аҳолига тегишли бўлган ер, асосий капитал (турар жой, транспорт ва ҳоказолар) ва моддий захиралар сифатида ўз ифодасини топади.

Бироқ даромадлардаги жамғармаларнинг салмоғи мезони бўйича халқаро таққослашлар кўпинча шартли хусусиятга эга. Бу турли мамлакатлардаги инфляция даражаси, улардаги истеъмол ҳамда неъматларни жамғариш хусусиятларидаги фарқларни ҳисобга олишнинг мураккаблиги билан изоҳланади.

Турар жой шароитларини баҳолашда халқаро статистика, энг аввало, турар жой эгасини аниқлашга ҳаракат қилади. Шу мақсадда турар жой фонди шахсий, ижарага олинган ва муниципал турар жойларга бўлинади. Айрим турар жой эгалари бир нечта турар жойларга эга бўлишлари сабабли халқаро статистика бирламчи турар жой (турар жой эгаси қўп вақтини ўтказадиган турар жой) ва иккиламчи турар жойларни фарқлайди.

Ишлаб чиқаришда касб касалликлари, жароҳатланишлар ва ўлим ҳолатлари даражасини акс эттирадиган кўрсаткичлар меҳнат шароитлари билан бевосита алоқадордир. Уларга қуйидагилар киради:

а) *бахтсиз ҳодисалар юз бериши ҳоллари коэффиценти*. У ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар умумий сонини иш билан банд бўлган ходимлар ўртача сонига бўлиш орқали аниқланади;

б) *меҳнатга лаёқатсизлик ўртача давомийлигини кўрсаткичи*. Мазкур кўрсаткич меҳнатга лаёқатсизлик кунлари умумий сонининг бахтсиз ҳодисаларда жабрланганлар сонига нисбатини ифода этади;

в) *бахтсиз ҳодисаларнинг оғирлиги коэффиценти*. У меҳнатга қобилиятсизлик кунлари умумий сонининг ишланган инсон-кунлари умумий сонига нисбатидир;

г) *бахтсиз ҳодисалардан ўлим коэффиценти*. У ишлаб чиқаришда ҳалок бўлганларнинг ушбу даврда бахтсиз ҳодисалардан жабрланганлар умумий сонига ёки иш билан бандлар ўртача сонига нисбати сифатида аниқланади.

Турмуш ва дам олиш шароитларини тадқиқ этиш олинган даромадларнинг ва харажатларнинг турли товарлар ва хизматларга умумий харажатлардаги улушини таҳлил этиши асосланган. Аҳоли жон бошига ёки оила ҳисобига товарлар ва хизматлар асосий турларини истеъмол қилишнинг таркиби ва даражаси таҳлили оила харажатлари таркибининг оқилоналиги мезонига таянади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак айрим турларининг истеъмоли, турар жой, уй жиҳозлари, узок муддат фойдаланиладиган бошқа товарлар ва хизмат турлари билан таъминланганлик даражаси одатда жон бошига ёки оила ҳисобига йил давомида истеъмол қилиниши бўйича аниқланади. Шундан сўнг бу маълумотларнинг муайян даврдаги динамикаси таҳлил этилади, шунингдек, улар илмий асосланган миллий истеъмол нормативлари, бошқа мамлакатларнинг тегишли кўрсаткичлари билан таққосланади.

Аҳолининг юқори даромадга эга гуруҳлари пул даромадларининг паст даромадли гуруҳларига нисбатан ортиқлиги миқдорини белгиладиган *даромадларнинг тақсимланиш коэффиценти* турмуш даражаси ва турмуш хусусиятининг чуқурроқ таҳлилидир. Халқаро амалиётда қуйидаги табақаланиш коэффицентларидан фойдаланилади:

• *фондлар коэффиценти* – аҳолининг таққосланаётган гуруҳлари ичидаги даромадларнинг ўртача миқдорлари нисбати ёки уларнинг даромадлари умумий ҳажмидаги улуши;

• *табақаланишнинг децил коэффициенти* – у аҳолининг энг кам таъминланган 10,0 % даромадларининг энг кам таъминланган 10,0 % ўртасидаги фарқни кўрсатади;

• *табақаланишнинг квантил коэффициенти* - у аҳолининг энг кўп таъминланган 25,0 % даромадларининг энг кам таъминланган 25,0 % ўртасидаги фарқни кўрсатади;

• *стратификация коэффициенти* – камбағаллар сонининг таъминланганлар сонига нисбати.

Аҳолининг иктисодий фаровонлиги узоқ муддат давомида пул миқдорида баҳоланиб келди. Ҳолбуки, ижтимоий фанлар соҳасидаги мутахассислар пул даромадлари фаровонлик тушунчасини белгилайдиган жуда тор маънодаги кўрсаткич эканлигини таъкидлаб келган. XX асрнинг 70-йилларида М.Д.Моррис томонидан кашф этилган *жисмоний турмуш сифати индекси* ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичи учун энг жиддий мукобил мезон бўлди. Мазкур индекс фаровонлик ёки турмуш сифатини билвосита эмас, балки бевосита ўлчашга йўналтирилган эди. Яъни мазкур индексни ҳисоблаб чиқишда ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар йиғиндиси аҳоли сонига бўлинар эди.

Жисмоний турмуш сифатининг индекси жуда содда бўлиб қуйидагилардан иборат эди:

1. Ҳар 1000 та туғилган чақалоққа нисбатан болалар ўлими. У 100 баллик тизим асосида баҳоланар эди. Бунда энг ёмон кўрсаткич 0 баллга, эҳтимол тутилган энг яхши кўрсаткич 100 баллга тенг эди.

2. Кутилаётган умр давомийлиги. У ҳам 100 баллик тизим асосида ўлчаниб, бунда энг ёмон кўрсаткич 0 баллга, эҳтимол тутилган энг яхши кўрсаткич 100 баллга тенг эди.

3. Катта ёшдагилар ўртасида саводхонлик даражаси. У фоиз ҳисобида белгиланарди.

Бироқ мазкур усул инсонни ривожлантириш соҳасидаги амалиётчилар эътиборини тортмади ва шунинг учун ялпи миллий маҳсулот кўрсаткичинининг ўрнини эгаллай олмади.

Аҳоли турмуш сифатини акс эттирадиган биринчи халқаро кўрсаткичлар тизими 1960 йилда БМТ томонидан ишлаб чиқилди. Ана шу тизимнинг охириги варианты 1978 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, 12 та асосий кўрсаткичлар гуруҳини қамраб олган:

1) аҳолининг демографик хусусияти (туғилиш, ўлим, касалланиш, умр давомийлиги ва ҳоказолар);

2) турмушнинг санитария-гигиена шароитлари;

3) озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши;

4) турар жой шароитлари ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол неъматлари (автомобиль, музлатгич, телевизор ва ҳоказолар) билан таъминланганлик;

5) таълим ва маданият;

6) иш билан бандлик ва меҳнат шароитлари;

7) аҳолининг даромадлари ва харажатлари;

8) турмуш қиймати ва истеъмол нархлари;

9) транспорт воситалари;

10) дам олишни ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт;

11) ижтимоий таъминот;

12) инсон эркинликлари.

БМТ Статистика комиссияси томонидан юқорида қайд қилинган гуруҳлардан ташқари БМТ экспертлари фикрига кўра, турмуш сифатини баҳолаш учун зарур бўлган, бироқ бунинг бевосита хусусиятини белгиламайдиган қатор ахборот кўрсаткичларини қамраб оладиган умумий бўлим ажратиб кўрсатилган. Мазкур бўлимга қуйидаги кўрсаткичлар киритилган:

• миллий даромад, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ва унинг йиллик ўртача ўсиш коэффициенти;

• ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ҳажми ва турлари;

• аҳолининг шахсий истеъмол учун харажатлари, уларнинг таркиби ва йилига ўртача ўсиш коэффициенти;

• аҳоли зичлиги;

• аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш;

• алоқа воситалари, матбуот ва ҳоказоларнинг ишлаши.

Шунингдек, *турмуш қиймати индекси* ҳам ишлаб чиқилди. У истеъмол хусусиятига эга бўлган товарлар ва хизматлар нархлари динамикасини кўрсатади. Турмуш қиймати индекси қуйидагича аниқланади:

$$Scж = \sum q1 \times p1 / \sum q1 \times p0,$$

бунда: $q1$ – истеъмолчи томонидан муайян даврда (йил) харид қилинган товарлар ёки хизматлар миқдори;

$p1$ – шу даврда товар (хизмат) бирлигининг нархи;

$p0$ – аввалги (асос бўлган) йилдаги нарх.

Турмуш қиймати индекси ёрдамида аҳоли, унинг ижтимоий гуруҳлари пул даромадларининг жисмоний ҳажми динамикаси аниқланади, ишчи ва хизматчилар реал иш ҳақининг жисмоний ҳажми динамикаси ўрганилади, аҳоли, унинг ижтимоий гуруҳлари ҳамда онла-аъзоларининг ҳар бирига тўғри келадиган даромад даражаси турлича бўлган гуруҳларнинг реал даромадлари жисмоний ҳажмининг ўзгариши кузатилади. Турмуш қийматининг индекси товарлар ва хизматларнинг муайян миқдори тўплами асосида ва улар нарқи динамиксини мунтазам кузатиш натижасида аниқланади.

Турмуш қиймати индекси кўрсаткичи БМТ томонидан халқаро статистикага аҳоли ҳаётини даражаси тизимининг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида киритилган эди. Бироқ БМТ экспертларининг ҳисоблашича, бу кўрсаткичга аҳоли турмуш даражасининг кенг қамровли кўрсаткичи сифатида қараш мумкин эмас.

Давлат ижтимоий сиёсатининг индикатори сифатида *турмуш кечиришнинг энг кам миқдори* кўрсаткичидан фойдаланилади. Ривожланган давлатларнинг ижтимоий қонунчилигида ушбу кўрсаткич ёрдамида камбағаллик ўлчанади. Турмуш кечириш энг кам миқдоридан паст даромадга эга аҳоли камбағал ҳисобланади ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Турмуш кечиришнинг энг кам миқдорига қараб кўпгина ижтимоий кафолатлар: иш ҳақи, пенсия, стипендиялар, айрим нафақаларнинг энг кам миқдори белгиланади.

Истеъмол савати миқдори ва таркибига боғлиқ равишда турмуш кечириш энг кам миқдорининг бир неча кўрсаткичи ҳисоблаб чиқилади. Жаҳон иқтисодиёт фанида турмуш кечиришнинг энг кам миқдорининг икки тури: (ҳаётий, физиологик) ва ижтимоий тури фарқланади.

Физиологик энг кам миқдор (истеъмол саватининг энг кам миқдори) инсоннинг асосий физиологик эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган маҳсулотларга харажатларни қамраб олади.

Турмуш кечиришнинг *ижтимоий энг кам миқдори* физиологик энг кам миқдордан ташқари, шунингдек, муайян давлат ривожланиш даражаси учун хос бўлган энг кам ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш учун харажатларни қамраб олади.

Ижтимоий статистикада турмуш кечиришнинг энг кам миқдорини аниқлаш учун эксперт баҳолаш усули, ижтимоий сўровлар ўтказиш усули, норматив усул (истеъмол савати усули) ва бошқалардан фойдаланилади.

Меҳнатга лаёқатли эркеклар ва аёллар, шунингдек, болалар, пенсионерлар учун турмуш кечиришнинг энг кам миқдори кўрсаткичлари алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Турмуш кечиришнинг энг кам миқдори ва унинг динамикаси аҳоли турмуш даражасининг баҳолашда қўлланиладиган энг муҳим, лекин ягона кўрсаткич эмас.

Аҳолининг даромадаларига нарх-навоининг ўсиши жиддий таъсир кўрсатади. Бу таъсирни акс эттирадиган кўрсаткич - *истеъмол нархлари индекси*дир. Мазкур индекс шаҳар ўртача аҳолисининг истеъмол саватига кирадиган товарлар ва хизматлар гуруҳлари учун ҳисоблаб чиқилган нархлар индекси дир.

Жамият интеллектуал салоҳиятининг индекси турмуш сифатининг муҳим индикатори ҳисобланади. Жамиятнинг интеллектуал салоҳияти аҳоли маълумотининг даражаси ва мамлакатдаги фаннинг ривожланишини акс эттиради. Интеллектуал салоҳият индексини ҳисоблаб чиқишда катта ёшдаги аҳоли маълумоти даражаси, аҳоли умумий сонидан талабаларнинг салмоғи, ялпи ички маҳсулот ҳажмида таълим учун харажатларнинг улуши, иш билан бандлар умумий сонидан фан билан шуғулланаётганлар ва фанга хизмат кўрсатаётганлар салмоғи, ялпи ички маҳсулот ҳажмида фанга харажатлар салмоғи ҳисобга олинади.

Аҳоли жон бошига инсон капитали ҳам турмуш сифатининг индикатори ҳисобланади. Мазкур инсон капитали давлат, корхоналар ва фуқароларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳа бошқа тармоқларига аҳоли жон бошига харажатлар даражасини акс эттиради.

Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши қанча юқори бўлса, инсон капиталининг даражаси ва унинг бутун капитал таркибидаги салмоғи шу қадар юқори бўлади. Ҳатто камбағал мамлакатларда ҳам инсон капитали такрор ҳосил қилинадиган, ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий шароитларни қамраб оладиган капиталдан юқоридир.

Аҳоли ҳаёт қobiliятининг коэффициенти ҳам турмуш сифати индикаторларидан бири ҳисобланади. Мазкур коэффициент муайян

мамлакатда тахлиллар олиб борилаётган вақтда ижтимоий-иктисодий сиёсат шароитларида ирсият фондини сақлаш имкониятлари ва аҳолининг интеллектуал ривожланиши имкониятларини ифода этади. Мазкур коэффициент 5 баллик тизим асосида аниқланади. ЮНЕСКО ва Жаҳон соғлиқни сақлаш томонидан 1995 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижасида аҳолининг ҳаётга лаёқатлилиги коэффициенти 1,5 дан кам бўлса, инқирозли вазиятдан далолат беришини кўрсатган. Ана шундай ҳолатда турмуш даражаси ва турмуш сифати аҳолининг кирилиш чегарасида эканлигини кўрсатади.

Уша пайтдаги текширишлар натижасида турли мамлакатларда аҳолининг турмуш лаёқатлилиги коэффициенти куйидагича бўлган:

- 5 балл – жаҳонда бирор мамлакат бу кўрсаткичга эга бўлмаган;

- 4 балл – Швеция, Голландия, Бельгия, Дания;

- 3 балл – АҚШ, Япония, Германия, Тайван, Сингапур, Жаңубий Корея ва бошқалар;

- 2 балл – Хитой, Эрон, Бразилия, Аргентина, Монголия, Туркия, Вьетнам ва бошқалар;

- 1,6 балл – Сомали, Гаити, Мьянма,;

- 1,5 балл – Босния, Ғарбий Сахара.

1980 йилнинг иккинчи ярмида, юқорида таъкидланганидек, БМТнинг Ривожланиш дастури аҳолининг турмуш сифати умумлашган кўрсаткичи тариқасида *Инсон салоҳиятини ривожлантириш индекси (ИРСИ)* таклиф этди.

1990 йилда БМТ мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини комплекс баҳолаш мақсадида биринчи марта *Инсон тараққиёти индекси (ИРИ)* ни эълон қилди.

Жаҳон мамлакатлари аҳолисининг турмуш даражаси ва турмуш сифати БМТ Ривожланиш дастури томонидан 1990 йилдан бери эълон қилиб келинаётган Инсон тараққиёти тўғрисидаги ҳар йиллик глобал маърузаларда ўз ифодасини топмоқда (5.2-жадвал).

5.2-жадвал

Инсон тараққиёти тўғрисидаги глобал маърузалар

Йиллар	Маърузалар мавзулари
1990	Инсон салоҳияти концепцияси ва уни ўлчаш
1991	Инсон салоҳиятини ривожлантиришни молиялаш

1992	Инсон салоҳиятини ривожлантиришнинг глобал ўлчамлари
1993	Аҳолининг иштироки
1994	Инсон хавфсизлигининг янги ўлчамлари
1995	Аёлларнинг аҳволи ва инсон салоҳиятини ривожлантириш
1996	Иқтисодий ўсиш ва инсон салоҳиятини ривожлантиришнинг нисбати
1997	Одамларга танлашни рад этиш сифатида тушуниладиган қашшоқлик
1998	Инсон салоҳиятини ривожлантириш қашшоқликка барҳам бериш воситаси сифатида
1999	Инсон салоҳиятини ривожлантириш қашшоқликка барҳам бериш воситаси сифатида
2000	Иқтисодийни модернизациялаш ва инсон салоҳияти
2001	Фан-техника тараққиёти ва инсонни ривожлантириш
2002	Инсон тараққиётининг таркибий кўрсаткичлари ва глобаллашув
2003	Мингйиллик декларациясида белгиланган ривожланиш соҳасидаги вазифалар: инсониятни қашшоқликдан ҳолос қилиш учун давлатлараро битим
2004	Ҳозирги турфа дунёда маданий эркинлик
2005	Ҳалқаро ҳамкорлик чорраҳада: тенгсиз дунёда ёрдам кўрсатиш, савдо ва хавфсизлик
2006	Сув танқислиги ортида нима турибди: ҳокимият, камбағаллик ва сув ресурсларининг инқирози
2007/2008	Иқлим ўзгариши билан кураш: бўлинган дунёда инсоний бирдамлик
2009	Тусиқлардан ўтиш: инсон ҳаракатчанлиги ва ривожланиш
2010	Халқларнинг реал бойлиги: инсонни ривожлантириш сари йўллар

Инсоният сўнги 20 йил мобайнида кўп нарсага эришди. Шу билан бирга бугунги кунда ҳам жиддий ижтимоий-иктисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал этиш талаб этилмоқда. Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши биринчи навбатда инсон тараққиётига боғлиқдир.

5.3. Тенглик ва инсон тараққиёти

Турмуш даражасини таҳлил этишда фаровонликдаги *тенгсизлик* асосий муаммо ҳисобланади. *Даромадлардаги тенгсизлик* улкан қўлам касб этиши ҳамда мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликка хавф тугдириши мумкин. Шунинг учун жаҳондаги барча ривожланган мамлакатлар аҳоли турли гуруҳлари даромадларидаги фарқни мунтазам равишда қисқартириб боришга мажбур бўлади. Бироқ ана шундай чоралар кўриш учун жамиятда даромадлар ва бойлик табақаланиши даражасини аниқ белгилаб олиш талаб қилинади. Шу асосдагина давлат сиёсати ёрдамида даромадлар табақаланишига таъсир кўрсатиш мумкин бўлади.

Ҳозирги давр иқтисодий назариясига мувофиқ, даромадлар тақсимланишида мутлақ тенглик ҳам, шунингдек, аҳоли турли гуруҳлари турмуш даражаси ўртасида катта фарқ ҳам мақбул эмас. Даромадлардаги мутлақ тенглик самарали меҳнат қилишга рағбатлангирмайди, шунинг учун даромадлардаги муайян тенгсизлик одамлар меҳнат фаолиятини рағбатлантиришнинг жуда муҳим воситаси ҳисобланади.

Аҳоли даромадларининг табақаланиши меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий тўловлар, қобилият ва ишбилармонлик, мулкӣ аҳволдаги тафовутлар билан изоҳланадиган шахслар ва ижтимоий гуруҳлар даромадлари даражасида объектив таркиб топадиган тафовутдир.

Аҳолининг пул даромадларини иш ҳақи, ижтимоий трансфертлар, тадбиркорлик даромадлари, фойзалар, дивидендлар ва мулкдан бошқа даромадлар, шунингдек, шахсий томорқа хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг оилада истеъмол қилингани ва бозорда сотилганининг умумий қиймати ташкил этади. Даромадлар аҳоли гуруҳлари бўйича бир текис тақсимланмайди.

Аҳоли даромадлари табақаланишини баҳолашнинг қатор кўрсаткичлари мавжуддир. Ушбу кўрсаткичлар мазкур жараён нақадар интенсив кечишини ифода этади. Улар қуйидагилардан иборатдир:

• *аҳолини эсон бошига ўртача даромадлар бўйича гуруҳлаш.* Мазкур кўрсаткич жон бошига тўғри келадиган ўртача пул даромадларини кўрсатади;

• *умумий пул даромадларининг аҳоли турли гуруҳлари бўйича тақсимланиши.* Мазкур кўрсаткич умумий пул даромадларининг фойздаги улушини акс эттиради.

Даромадлар тақсимланишини таҳлил этиш учун аҳолининг юқори даромадли ва паст даромадли гуруҳлари ўртасидаги тафовути кўрсаткичларидан фойдаланади. Бу мақсадга децил, квантил, квантил ва бошқа коэффициентлар хизмат қилади.

Даромадлар марказлашишининг децил коэффициенти жами аҳолининг (100,0 %) ўн та тенг гуруҳга бўлиш ҳамда биринчи ва сўнги гуруҳлар ўртасидаги тафовутни аниқлашни назарда тутаяди. Даромадлар табақаланишининг децил коэффициенти энг юқори таъминланган 10,0 % аҳолининг даромади энг кам 10,0 %, аҳолидан қанчалик ортиқ эканлигини ифода этади.

Худди шунингдек *квантил коэффициенти* жами аҳолининг ҳар бири 25,0 % ни ташкил этган тўртта тенг гуруҳга, *квантил коэффициенти* эса жами аҳолини ҳар бири 20,0 % ни ташкил этадиган бешта гуруҳга бўлиш ва юқорида қайд қилинганидек, энг юқори ҳамда энг кам даромадга эга гуруҳлар ўртасидаги тафовутни аниқлашга асосланган. Аҳоли даромадларининг тақсимланиши нуқтаи назаридан таҳлил этиш Лоренц¹ эгри чизиги асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Лоренц эгри чизигида мамлакатнинг жами аҳолиси бешта тенг гуруҳга (20,0 % дан), уларга кирадиган уй хўжаликлари сони бўйича бўлинади. Агар бу аҳоли гуруҳлари тенг даромадга эга бўлсалар, унда 20,0 % аҳоли улушига даромадларнинг 20,0 %, 40,0 % аҳоли улушига – даромадларнинг 40,0% тўғри келади ва ҳоказо. Бунда Лоренцнинг эгри чизиги мутлақ тенглик чизигига қанчалик яқин бўлса, даромадларнинг тақсимланишида шунчалик тенгсизлик кузатилади.

Агар жамланма даромад айрим шахслар ўртасида мутлақ тенг тақсимланса, яъни барча даромадлар тенг бўлса, Лоренцнинг эгри чизиги биссектрисага тўғри келади ҳамда квантил даромадга эга ҳар бир гуруҳ барча гуруҳлар даромади улушига мос тушади. Яъни агар шундай тенглик мавжуд бўлганида, 20,0 % аҳоли жамият

¹ Макс Отто Лоренц (Max Otto Lorenz, 1876-1959) — америкалик математик ва иқтисодчи, даромадлар табақаланиши даражасини акс эттирадиган машҳур "Лоренц эгри чизиги" муаллифи. Асосий асарлари: "Бойлик марказлашишини ўлчаш усуллари" ("Methods of measuring the concentration of wealth", 1905); "Иқтисодий назария асослари" ("Outlines of Economics, 1908", Р.Элк. Т. Адамс ва Э. Янг билан ҳаммуаллифликда).

жамланма даромадининг 20,0 % ни, 40,0 % аҳоли эса – тегишли равишда 40,0 % даромадга эга бўлиши керак эди ва ҳоказо.

Бироқ жамиятдаги даромадларнинг амалда тақсимланиши Лоренц эгри чизигининг биссектрисадан узоклашиш хусусиятига эгадир. Даромадларнинг тақсимланишидаги тенгсизлик юқори квантилдаги ҳар бир аҳоли гуруҳи жамият жамланма даромадининг каттароқ қисмига эга бўлишини, қуйи квантилдаги ҳар бир гуруҳ эса даромадда камроқ улушга эга бўлишини кўрсатади. Мутлақ тенгсизлик аҳолининг 20,0 %, 40,0 % ва ҳоказо қисмии ҳеч қандай даромадга эга бўлмаслигидан далолат беради. Бунда мазкур қатордаги сўнги, ягона шахс жамият барча даромади - 100,0 % ни ўзлаштиради. Агар кимдир ушбу ҳамма даромадга эга бўлса, Лоренцнинг эгри чизиги горизонтал ўқ бўйлаб жойлашади, сўнг эса вертикал бўйлаб кўтарилади.

Лоренц эгри чизигининг биссектрисадан узоклашишини ўлчаганда тенгсизлик даражасини ифодалайдиган кўрсаткич олинади. Иқтисодий адабиётларида мазкур кўрсаткич *даромадларнинг марказлашиши коэффиценти* ёки *Жини¹ коэффиценти* номини олган.

Жини коэффиценти (*Жини индекси*) муайян мамлакат ёки минтақадаги жамиятнинг бирор белги (масалан, ҳозирги давр иқтисодий ҳисоб-китобларда энг кўп қўлланадиган йиллик даромад даражаси) бўйича табақаланиши даражасидан далолат берадиган статистика кўрсаткичидир. Лоренц эгри чизиги каби Жинининг коэффицентини ҳам тўпланган бойлик бўйича тенгсизлик даражасини аниқлаш учун қўллаш мумкин. Бироқ бунда уй хўжалиги соф активлари нисбий бўлмаслиги зарур шарт ҳисобланади.


Мазкур статистика модели 1912 йилда Жинининг “Ўзгариш ва нодоимийлик” машҳур асарига эълон қилинган эди. Ушбу макроиқтисодий кўрсаткич аҳоли пул даромадлари тақсимланишини, хусусан даромадларнинг мамлакат барча аҳолиси ўртасида мутлақ тенг тақсимланиши билан амалдаги тақсимланишидаги фарқи даражасини ифода этади.

Жини коэффицентини аниқлашда муайян мутлақ тенглик принцинга таянилади. Мазкур принципга кўра аҳолининг 1,0 % жамият жамланма даромадининг 1,0 % га эга бўлиши керак. Жаҳон

амалиётида Жини коэффиценти жамиятдаги даромадларни баҳолаш учун, ҳар бир йилга алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо мамлакатлар учун таклиф этилган таснифлашга мувофиқ тенгсизликнинг қуйидаги даражалари фарқланади:

- тенгсизликнинг энг қуйи даражасига эга иқтисодиёт (Жини коэффиценти 20-22 га тенг);
- тенгсизлик даражаси паст иқтисодиёт (24-26);
- тенгсизлик даражаси ўртача иқтисодиёт (29-31);
- тенгсизлик даражаси юқори иқтисодиёт (33-35).



5.2-расм. Жаҳондаги айрим мамлакатлар учун Жини коэффицентини

Аҳолининг камбағаллиги тенгсизлик муаммоси билан узвий боғлиқдир. Камбағаллик даражасини аниқлаш учун турмуш кечиришнинг энг қуйи стандартлари ишлаб чиқилади. Ушбу стандартлар қонун йўли билан белгилаб қўйиладиган, аҳоли асосий эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган энг кам миқдорни таъминлайдиган турмуш даражасининг норматив кўрсаткичларидир. Мазкур мезонлар орасида “истеъмол савати”, тирикчилик ўтказиш учун энг кам миқдор ва энг кам истеъмол бюджети муҳим аҳамиятга эгадир.

Истеъмол савати энг кам истеъмол даражасини таъминлайдиган 35 хил маҳсулотлар ва хизматлар тўпламидир. Уларнинг 11 тасини нон ва нон маҳсулотлари, картошка, сабзавот, мева, гўшт, сут ва балик маҳсулотлари, тухум, шакар ва қандолат маҳсулотлари, ўсимлик ёғи ва маргарин, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этади. Истеъмол саватига ноозиқ-овқат маҳсулотларининг 4 гуруҳи ҳамда хизмат турларининг 5 тури ҳам қиради.

¹ Коррадо Жини (1884—1965) - италийлик статистикачи олим ва демограф. Асосий асари: “Ўзгариш ва нодоимийлик”.

Тирикчилик ўтказиш учун энг кам миқдор - инсоннинг жисмоний ҳаётини таъминлаш учун зарур моддий неъматлар ва хизматларнинг қийматидир.

Энг кам истеъмол бюджети – тирикчилик ўтказиш учун энг кам миқдорга кирадиган, шунингдек, инсоннинг асосий маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, бўш вақтни ўтказиш учун харажатларнинг энг кам миқдори қўшилган моддий неъматлар ва хизматларнинг қийматидир.

Камбағаллик. — турмуш кечириш, меҳнат лаёқатини сақлаб туриш, авлодлар узвийлигини давом эттириш учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳлар иқтисодий аҳволининг кўрсаткичидир. Камбағаллик нисбий тушунча ҳисобланиб, ҳар бир жамиятдаги турмуш даражасининг умумий стандартига боғлиқ бўлади. Камбағаллик ҳолати ресурсларнинг узок муддат давомида етарли бўлмаслигини аввалги жамғармалар билан ҳам, қиммат товарларни харид қилишдан вақтинча тежаш ҳисобига тўпланган маблағ билан ҳам қоплаш имконияти мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Камбағаллик сабаблари турлича бўлиб, улар ўзаро боғлиқдир. Ушбу сабаблар қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилади:

- *иқтисодий* (ишсизлик, иш ҳақининг камлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, тармокнинг рақобатбардош эмаслиги);

- *ижтимоий-тиббий* (ногиронлик, қарилик, касалланиш даражасининг юқорилиги);

- *демографик* (тўла бўлмаган оилалар, оилада боқимандаларнинг кўплиги);

- *ижтимоий-иқтисодий* (ижтимоий кафолатлар даражасининг пастлиги);

- *таълим-малака* (таълим даражасининг пастлиги, касбий тайёргарликнинг етарлича эмаслиги);

- *сиёсий* (ҳарбий можаролар, мажбурий миграция);

- *минтақавий-жўғрофий* (минтақаларнинг бир хил ривожланмаганлиги).

Жаҳон амалиётида камбағалликни аниқлашнинг учта асосий концепцияси мавжуд:

1. *Камбағалликнинг мутлақ концепцияси.* Ушбу концепция камбағаллик чегараси тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Камбағаллик чегараси мавжуд даромад, яъни даромад ёки истеъмолнинг шундай даражасики, бу даражадан паст бўлганда одам камбағал

ҳисобланади. Мутлақ камбағаллик кўпинча истеъмол ёки даромад даражаси камбағаллик чегарасидан паст бўлган одамлар ёки уй хўжаликлар сони орқали ўлчанади. Жаҳон банки мутлақ камбағаллик чегараси сифатида кунига 1,25 АҚШ доллари ҳисобига (доллар курси харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланади) кун кечиришни белгилаб қўйган.

2. *Камбағалликнинг нисбий концепцияси.* Камбағалликнинг нисбий кўрсаткичи камбағаллик нисбий чегарасини белгилайди ва аҳолининг амалдаги даромадини ана шу даражага нисбатан таққослайди. Аҳолининг реал даромадлари ортиб бораётган шароитда тақсимлаш ўзгармаса, нисбий камбағаллик аввалдагидек сақланиб қолади. Бундан нисбий камбағаллик концепцияси тенгсизлик концепциясининг таркибий қисми деган хулоса чиқариш мумкин. Бироқ бу тенгсизлик қанча кам бўлса, нисбий камбағаллик шунчалик кам бўлиши маъносини бермайди ёки аксинча.

Нисбий камбағаллик концепциясининг асосчиси, инглиз социологи П.Таунсенд бу категорияни иқтисодий ресурсларнинг етишмаслиги оқибатида мазкур жамият кўпчилик аъзолари учун одатий турмуш тарзини давом эттиришнинг имконияти бўлмаслиги сифатида таърифлаган. У ўзининг камбағалликнинг таҳлил этиш усулини кўп ўлчамли депривация тушунчасига асослаган. Бундай ҳолатни у “шахс, оила ёки гуруҳнинг жамият ёки умуман миллат манзарасидаги кузатилаётган ва асосланадиган ночор аҳволи” сифатида тушунган. П. Таунсенд томондан кўп ўлчамли депривация усули қўлланилиб, унда моддий депривацияга (овқатланиш, кийим-кечак, турар жой шароитлари, узок муддат фойдаланиладиган ашёлар, яшаш жойи муҳити, меҳнат шароитлари ва хусусиятлари) ижтимоий депривация кўрсаткичлари (иш билан бандлик, бўш вақтни ўтказиш, таълим ва хоказолар хусусиятлари) қўшилган.

Нисбий камбағаллик кўламли мутлақ камбағаллик кўламлига мос тушмайди. Мутлақ камбағалликка барҳам берилиши мумкин, лекин нисбий камбағаллик ҳамиша сақланиб қолади. Яъни тенгсизлик жамиятнинг ажралмас белгисидир. Жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар турмуш стандартлари ортган пайтда ҳам нисбий камбағаллик сақланиб туради ва ҳатто ортади.

3. *Субъектив камбағаллик.* Мазкур концепцияга кўра, фақат шахснинг ўзи камбағаллигини белгилаши мумкин. Субъектив

камбағаллик даражасини аниқлашга турли ёндошувлар мавжуд. Қанча одам ўзини ёки дўстларини камбағал деб ҳисоблаши мумкинлигини аниқласа бўлади. Шунингдек, ижтимоий фикрга асосланган ҳолда субъектив камбағаллик чегарасини аниқлаш, шундан сўнг уни аҳоли даромади билан таққослаш мумкин.

Камбағал ҳисобланадиган аҳоли қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишда пул ва натура ҳисобидаги нафақаларнинг ривожланган тизими ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Мазкур тизим бозор иқтисодиётига эга барча мамлакатларда мавжуд ва камбағаллик салбий оқибатларини юмшатишда муҳим ижтимоий амортизатор вазифасини ўтайди.

Аҳоли муайян категорияларининг ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқини аниқлаш учун одатда камбағаллик даражасини белгилайдиган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улар қуйидагилардан иборатдир:

1. *Камбағалликнинг мутлақ даражаси* – бу турмуш кечиришнинг энг қуйи даражаси ҳисобланиб, инсоннинг ўзининг асосий эҳтиёжларини қондириш учун ҳаётини зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар жой ва ҳоказолар бўйича аниқланади.

2. *Камбағалликнинг нисбий даражаси*. Мазкур кўрсаткич ушбу давлат (минтақада) турмуш кечиришнинг ўртача даражаси учун талаб қилинадиган истеъмол саватининг энг кам миқдори даражасини кўрсатади. Нисбий камбағаллик фақат жисмоний эҳтиёжларнинггина эмас, балки ижтимоий эҳтиёжларни ҳам ҳисобга олади.

Аҳолини турмуш кечиришнинг энг кам миқдори ва истеъмол бюджетининг энг кам миқдори асосида даромадлари даражаси бўйича табақалаш моддий таъминоти даражаси турлича бўлган қуйидаги гуруҳларни ажратиш кўрсатиш имконини беради:

• *“камбағал” оилалар* – уларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад турмуш кечиришнинг энг кам миқдоридан паст даражада ёки унга тенг;

• *“кам таъминланган” оилалар* – уларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад турмуш кечириш учун энг кам миқдор билан энг кам истеъмол бюджети миқдори ўртасида жойлашган;

• *“таъминланган” оилалар* – уларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад энг кам истеъмол бюджети миқдори ва оқилона истеъмол бюджети миқдори ўртасида жойлашган;

• *“бой” оилалар* – уларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад оқилона истеъмол бюджети даражасидан юқоридир.

Инсон тараққиёти шахс қобилятини, ўзлигини намоён қилиш имконияти сифатида талқин этилиши муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш дастурининг 1996 йилги глобал маърузасига биринчи марта киритилган *“имконият бўйича камбағаллик кўрсаткичи”* ғояси принципиал аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ғояга кўра, инсоний эҳтиёжлар комплексини, энг аввало, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган узоқ ва соғлом ҳаёт кечириш, таълим олиш, муносиб турмуш кечириш учун зарур ресурсларга эга бўлиш имкониятларининг йўқлиги ёки етарли эмаслигини камбағаллик сифатида баҳолаш лозим. Имкониятлар бўйича камбағаллик кўрсаткичи уч индикаторнинг ўртача арифметик йиғиндисидир. Бу индикаторлар қуйидагилардан иборат:

• туғилиш пайтида малакали тиббий персонал ҳозир бўлмаган болаларнинг улуши;

• 15 ёш ва ундан катта саводсиз аёлларнинг салмоғи;

• вазнда орқада қолаётган 5 ёшгача бўлган болаларнинг улуши.

Ушбу ғоя 1997 йилги глобал маърузада янада ривожлантирилиб, *аҳоли қашшоқлиги* индекси тақриф қилинди. Мазкур индекс инсонни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи соҳаларидаги кўрсаткичлар асосида ҳисоблаб чиқилади:

• узоқ ва соғлом турмуш кечириш имкониятидан маҳрумлик (40 ёшга етмасдан вафот этган аҳоли салмоғи);

• таълим олишдан маҳрумлик (катта ёшдаги аҳоли ўртасида саводсизларнинг салмоғи);

• муносиб турмуш кечириш ресурсларидан маҳрумлик (соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш, хавфсиз ичимлик сув истеъмол қилиш имкониятидан маҳрум бўлган аҳоли ўртача сони, шунингдек, вазнда орқада қолаётган 5 ёшгача бўлган болаларнинг салмоғи).

Юқоридагилардан “имкониятлар бўйича камбағаллик кўрсаткичи” ва “аҳоли қашшоқлиги индекси”да асосий эътибор мамлакатдаги ўртача кўрсаткичларга эмас, балки инсонни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи соҳаларида етарлича имкониятларга эга бўлмаган одамлар улушига қаратилганлиги маълум бўлади. Мазкур кўрсаткичлар камбағалликни фақат даромадлар ва харажатлар бўйича аниқлашга қараганда ушбу ҳолатни тўлароқ акс эттиради

ҳамда у ёки бу турдаги ёрдамга муҳтож аҳоли гуруҳлари ёки уй хўжалиқларини аниқлашда муҳим восита ҳисобланади.

1997 йилгача глобал маърузаларда қўлланилиб келинган аҳоли қашшоқлиги индекси ўрнига кўп ўлчамли камбағаллик индекси киритилди. Мазкур янги кўрсаткич камбағаллик шароитларида яшаётган одамлар ҳолатини тўлароқ ақс эттириш ҳамда мамлакатлар ва минтақалар, шунингдек, бутун жаҳон бўйича таққослашни амалга ошириш имконини беради.

Кўп ўлчамли камбағаллик индекси иқтисодиёт назарияси соҳасидаги сўнгги ютуқларига асосланади ва ўзининг моҳияти жиҳатидан биринчи глобал кўрсаткичдир.

Кўп ўлчамли камбағаллик индекси очиқ ва кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар билан таққосланиши мумкин бўлган маълумотларга асосланади. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- демография ва саломатликни текшириш;
- ЮНИСЕФнинг кўп индикаторли кластер текшириши;
- Жаҳон банкининг саломатликни текшириши.

Инсон тараққиёти тўғрисидаги глобал маърузаларда даромадлар бўйича глобал тенгсизлик ва унинг салбий оқибатлари улкан кўлам касб этганлиги таъкидланади. Чунинчи, жаҳондаги энг бой 5,0 % аҳолининг даромадлари энг камбағал бўлган 5,0 % аҳолининг даромадига нисбатан 114 марта ортиқ. Энг бой 1,0 % аҳолининг даромади эса энг камбағал 57,0 % аҳолининг даромадига тенг бўлган. АҚШдаги 25 миллион энг бой киши ер юзидаги энг камбағал 2 миллиард одам эга бўлган даромадга эга.

БМТ Ривожланиш дастурининг 2011 йилги Глобал маърузасида кўп ўлчамли камбағаллик даражасини аниқлаш учун қуйидаги мезонлар қабул қилинди:

- таълимда: уй хўжалиги аъзолари орасида беш йиллик таълим олганларнинг йўқлиги; мактаб ёшидаги камида бир боланинг матабга (саккизинчи синфгача) бормаслиги;

- соғлиқни сақлаш: уй хўжалигининг камида бир аъзоси тўйиб овқатланмайди; бир ёки ундан кўп бола ўлган;

- турмуш даражаси: элект таъминотнинг, тоза ичимлик сувининг, оқова сув тармоғининг йўқлиги; овқат тайёрлаш учун ўтин, кўмир, гўнгдан фойдаланиш; енгил, юк автомобилнинг йўқлиги ҳамда велосипед, мотоцикл, радиоприёмник, музлатгич, телефон ёки телевизор каби техника воситаларидан камида бирининг мавжудлиги.

Ана шу мезонлар асосида уй хўжалиқларида тадқиқотлар ўтказилиб, уларнинг кўп ўлчамли камбағаллик даражаси аниқланди (5.3-жадвал).

5.3-жадвал

Уй хўжалиқларининг кўп ўлчамли камбағаллик даражасини аниқлаш услубиёти

Индикаторлар	Уй хўжалиқлари			Кўп ўлчамли камбағаллик салмоғи, %
	1	2	3	
Уй хўжалиқлари аъзоларининг сони	4	7	5	
Уй хўжалиқларида: - камида 5 йиллик маълумотга эга бўлганларнинг йўқлиги	0	1	0	16,7
- мактаб ёшидаги бир боланинг ўқимаслиги	0	0	1	16,7
- камида 1 аъзосининг тўйиб овқатланмаслиги	0	0	1	16,7
- 1 ёки кўпроқ бола ўлганлиги	1	1	0	16,7
Электрнинг йўқлиги	0	1	1	5,6
Ичимлик сувнинг йўқлиги	0	0	1	5,6
Оқова сув тизимининг йўқлиги	0	1	1	5,6
Ўтин ва кўмир	1	1	1	5,6

билан овқат тайёрлаш				
Автомобилнинг йўқлиги	0	1	0	5,6
Кўп ўлчамли камбағалларга мансублиги	Мансуб эмас – 22,0 %	Мансуб – 72,2 %	Мансуб – 38,9 %	

Даромадлар бўйича тенгсизликнинг мониторингини олиб бориш ва бу тенгсизлик ортисига йўл қўймаслик жаҳондаги аксарият аҳоли учун иложи борича кенгрок имкониятларни яратиш, шунингдек, тенгсизлик даражаси юқори бўлган минтақалардаги ижтимоий зиддиятларни камайтириш учун муҳимдир. Глобаллашувнинг чуқурлашиши, ахборот олиш имкониятларининг кенгайиши билан жамиятда глобал тенгсизликни англаш тобора кучайиб бормоқда. Одамлар ўзларининг имкониятларини фақат ватандошлари билангина эмас, балки бошқа давлатлар фуқароларнинг аҳоли билан ҳам таққосламоқдалар.

Шу сабабли даромадлардаги ҳаддан ташқари табақаланиш катта хавф туғдиради. Бу ҳисобга олинган ҳолда турли ижтимоий гуруҳлар даромадлари ўртасидаги тафовутни тартибга солишда давлат асосий восита сифатида прогрессив солиққа торттиш, мулк ва меросга солиқ солиш билан биргаликда ижтимоий тўловларнинг самарали тизимларидан фойдаланмоқда.

Назорат учун саволлар

1. Тенгсизликнинг иқтисодий табиати нимада?
2. Лоренц эгри чизиғи ва Жини коэффиценти моҳиятини тушунтиринг.
3. Камбағаллика доир қайси концепцияларни биласиз?
4. Турмуш кечиришнинг энг кам миқдори нимани англатади?
5. Камбағалликнинг мутлақ ва нисбий даражалари ўртасидаги фарқни тушунтириб беринг.
6. Истеъмол бюджетининг энг кам миқдори нимани англатади?

6-БОБ. ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ ОМИЛЛАРИ

6.1. Таълим ва инсон тараққиёти

Бугунги кунда таълим инсон ва жамиятни ривожлантиришнинг энг муҳим омилига айланган. Таълим муассасалари маданий меросни авлоддан авлодга узатиш, касбий тайёргарликнинг асосий шаклига айланган. Таълим шахс томонидан билимларни эгаллашига хизмат қилади, унга ижтимоий меъёрларни ўзлаштиришга ёрдам беради, иқтисодий фаол ҳаётга киришида дастак бўлади.

Таълимнинг инсоннинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини ва қобилиятини шакллантиришга таъсири нуқтаи назаридан уни ўзаро боғлиқ уч: шахс, давлат ва жамият нуқтаи назаридан қараб чиқиш қабул қилинган.

Шахсий даражасида – бу инсоннинг ўзлигини тўла намоён қилиш, интеллектуал қобилиятларини ривожлантириш имкониятидир. Шу билан бирга таълим умумий ва касб билимларини эгаллашга ҳам хизмат қилади. Билимли инсон маънавий жиҳатдан бой, унинг ҳаёти фақат моддий қадриятлардангина иборат эмас. Таълим шахсга ўзининг маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳаётини тўлақонли ва уйғун қилиш имконини беради.

Давлат даражасида шуни таъкидлаш керакки, давлат мамлакат интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришдан манфаатдор. “Билимлар иқтисодиёти” даврида таълим иқтисодий ривожланиш ва миллий бойликни жамғаришнинг энг муҳим таркибий қисмига айланди. Аҳолининг маънавий бойлиги мамлакатда ҳуқуқий маданиятни шакллантиради, шунингдек халқнинг эркин, демократик, ҳуқуқий давлатда яшаш ва меҳнат қилиш, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини англаш, улардан ўзининг ҳамда давлат ва жамиятнинг манфаатлари йўлида фойдаланишга кўмаклашади.

Жамият даражасида таълим алоҳида глобал маънавий қадриятларни шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бу жамиятни тараққий эттиришнинг қудратли омилидир. Жамиятнинг интеллектуал ривожланиши – ижтимоий тараққиётнинг асосидир.

Иқтисодий нуқтаи назардан одамлар томонидан билимларни эгаллаши жамиятнинг иқтисодий, илмий, маданий ва ижтимоий

ривожланишини таъминлайди. Таниқли америкалик иқтисодчи Т. Стоуньер “Иқтисодиётнинг саноат ривожланишидан кейинги даврида билим ер, меҳнат ва капитал ўрнини босиб, замонавий ишлаб чиқариш тизимларининг энг муҳим асосига айланди”¹ деб кўрсатади.

Экспертларнинг ҳисоблаб чиқишларига кўра, ҳозирги даврда жисмоний капитал улушига жаҳон бўйича ўртача миллий бойликнинг 16,0 % тўғри келади. Айни пайтда миллий бойликда инсон капиталининг улуши 64,0 %, табиий капиталнинг улуши 20,0 % ни ташкил қилади.

Иқтисодий ривожланиш даражаси ортиши билан инсон капиталининг миллий бойликдаги улуши ортиб боради. Германия, Швейцария ва Японияда мазкур салмоқ 80,0 % га етгани худди шундан далолат беради. Жаҳон ҳамжамияти ва алоҳида давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши стратегиясида таълимга инсон тараққиёти концепциясининг энг муҳим таркибий қисми сифатида ёндошилади.

Таълим инсон тараққиётининг энг муҳим омили сифатида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва гуманитар муаммолар бутун мажмуасини ҳал этишга катта таъсир кўрсатиши исботланган. Улар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ҳар бир мамлакатда ҳозирги давр учун муносиб аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифатини таъминлаш;
- иш билан самарали бандликни таъминлаш;
- барқарор ривожланишни таъминлаш;
- ижтимоий тенгсизлик даражасини пасайтириш;
- фуқаролик жамияти таркибини мустаҳкамлаш;
- инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва уларни самарали амалга ошириш;
- шахснинг имкониятларини тўла ва ҳар тарафлама амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратиш.

Халқаро ҳамжамият бугунги дунёда таълимнинг аҳамиятига муносиб баҳо берган ҳолда инсон тараққиётида таълимнинг муносиб ролини таъминлашга қаратилган қатор стратегик дастурлар ишлаб чиқди ва уларни амалга ошириш чоралари кўрмоқда. Улардан бири – “Таълим – ҳамма учун” концепциясидир.

Концепциянинг асосий принциплари 1990 йилда Жомтъен (Таиланд) ташкил этилган конференцияда баён этилди. Ушбу анжуманда “Таълим – ҳамма учун” умумжаҳон декларацияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциядан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар эълон қилинди: “Ҳар бир бола, ёш ва катта ёшдаги шахс ўзининг туб таълим эҳтиёжларини, ушбу тушунчанинг энг юксак ва мукамал маъносига, қондирадиган таълим олиш ҳуқуқига эгадир”. “Таълим – ҳамма учун” декларациясида таълим тизими ҳар бир инсон истеъдоди, салоҳиятини намоеън қилишга қўмаклашиши, шахс ўз ҳаётини яхшилаши ва жамиятни ўзгартириш учун салоҳиятни ривожлантиришга рағбатлантириши зарур деб баён қилинди.

1996 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо мамлакатларнинг таълим вазирлари томонидан қабул қилинган “Таълим – бутун умр давомида” стратегияси “Таълим – ҳамма учун” концепциясига жуда яқиндир. Бутун умр давомида таълим олиш стратегияси умуман жамиятнинг, шунингдек, алоҳида ҳар бир шахснинг турмуш тарзини шиддатли ўзгартирадиган ўтиш иқтисодиётига эга давлатлар учун алоҳида аҳамиятга эгадир.

“Таълим – бутун умр давомида” тушунчаси моҳиятининг ўзи инсон фақат мактаб ёшида эмас, балки бутун меҳнат фаолияти даврида таълим беришнинг ҳам расмий, ҳам норасмий тузилмаларида таълим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиши зарурлигини эътироф этишдир. Яъни “Таълим – бутун умр давомида” стратегияси инсон умрининг барча босқичларида турли шаклларда ва турли соҳаларда билим олиши зарурлигини назарда тутди.

2000 йилнинг апрелида Дакарда (Сенегал) бўлиб ўтган таълим бўйича умумжаҳон анжуманида “Таълим – ҳамма учун” концепцияси амалга оширилишининг 10 йиллик якунлари чиқарилди. Анжуманининг асосий хужжати – “Дакар ҳаракат донралари: “Таълим – ҳамма учун” мажбуриятларимизнинг бажарилиши”да таълим олиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири эканлиги яна бир бор тасдиқланди. Таълим глобаллашув жараёнлари таъсирини ҳис этаётган XXI аср жамиятида инсоннинг самарали фаолиятини таъминлашнинг зарур воситаси бўлиб хизмат қилади.

¹Стоуньер Т. Информационное богатство: профиль постиндустриальной экономики. Новая технологическая волна на Западе / Под ред. Гуревича П.С. –М.: «Прогресс», 1986. - С.24.

Дакар анжумани “Таълим – ҳамма учун” стратегиясини янада изчил амалга оширишнинг олтига мақсадини белгилаб қўйди:

- кичик ёшдаги болаларни парвариш қилиш ва тарбиялаш комплекс чораларини кенгайтириш ва тақомиллаштириш, бунда ночор болаларга алоҳида эътибор қаратиш;

- 2015 йилга бориб барча болалар, айниқса, қизлар, ноқулай муҳитда яшайдиган ҳамда озчиликни ташкил қилган миллатларга мансуб болаларнинг беғул ва юқори сифатли бошланғич таълим олишини таъминлаш;

- ёшлар ва катталарнинг таълим эҳтиёжларини, уларнинг тегишли таълим дастурларидан фойдаланишлари ва ҳаётий кўникмаларини ҳосил қилиш асосида қондирилишини таъминлаш;

- 2015 йилга бориб катталар, айниқса, аёллар ўртасида саводхонлик даражасини 50,0 % га ошириш ҳамда ҳаммининг асосий ва узлуксиз таълимдан фойдаланиши учун имконият яратиш;

- 2005 йилга бориб бошланғич ва ўрта таълимда гендер тафовутига барҳам бериш ҳамда 2015 йилга бориб таълим соҳасида жинсларнинг тенглигига эришиш, бунда қизлар юқори сифатли асосий таълимдан тўлиқ ва тенг фойдаланишлари, улар яхши ўқишлари учун шароит яратилишига алоҳида эътибор бериш;

- таълимнинг барча жиҳатлари сифатини ошириш, ҳамма томонидан яхши ўзлаштиришга эришилишини таъминлаш, айниқса саводхонлик, ҳисоблаш ва ҳаётий кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган таълим самарадорлигини ошириш.

Ҳозирги вақтда бутун жаҳонда одамлар ҳамма даврдигиларга қараганда юқори таълим даражасига эгалар. Буни таълимнинг жуда кўп индикаторлари тасдиқлаб турибди. Агар 1960 йилда жаҳонда 15 ёшдаги ва ундан катта ёшда бўлган ҳар бир одам таълим олишининг ўртача давомийлиги 4 йилдан камни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб мазкур кўрсаткич глобал даражада икки марта, ривожланаётган мамлакатларда эса уч мартага - 1,9 йилдан 6,4 йилга ортди.


1990 йилги Инсон тараққиёти тўғрисидаги биринчи маъруза эълон қилинган вақтдан буён таълим олишнинг ўртача давомийлиги икки йилга ортди, аҳолини таълим билан ялпи қамраб олиш эса 12,0 % га ортди, саводхонлик эса 57,0 % дан 85,0 % га кўтарилди.

Инсон ривожлантириш индексида фойдаланиладиган таълимнинг ўртача индекси ҳам мазкур соҳада эришилган юқори натижалардан далолат беради (6.1-расм).


Шу билан бир қаторда ушбу кўрсаткичлар аҳоли ҳамма қатламларини таълим билан қамраб олишдаги энг янги силжишларни ҳисобга олмаслиги мумкин. Мактабга бормайдиган одамлар, одатда, катта ёшдагилар гуруҳига мансубдир. Ривожланаётган мамлакатларда 65-74 ёшдаги одамларнинг 36,0 % умрида мактабга бормаган. Таққослаш учун шунини айтиш мумкинки, 15-24 ёшдагилар учун ушбу кўрсаткич атиги 7,0 % ни ташкил этади.

Бугунги кунда жаҳонда ёшлар ўртасидаги саводхонлик маълумотлар мавжуд бўлган 104 мамлакатнинг 63 тасида 95,0 %, 35 мамлакатда эса 99,0 % ни ташкил этади.

Ривожланган давлатлар



Ривожланаётган давлатлар



6.1-расм. Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда аҳолини таълимнинг турли даражалари билан қамраб олиниши (%)

Аҳолини бошланғич таълим билан камраб олиш бўйича ўртача кўрсаткичлар бугунги кунда ривожланган давлатларда ҳам, ривожланган давлатларда ҳам 100,0 % га тенгдир. Ҳозирги вақтда болалар фақат мактабга борибгина қолмасдан, уни тамомлаётдилар ҳам. Жаҳонда бошланғич таълимга эга бўлганлар сони жами аҳолининг 84,0 % дан 94,0 % га етди.

Дунёдаги кўпгина мамлакатларда аҳолини таълим билан камраб олишнинг кенгайиши ушбу соҳани давлат томонидан молиялаштириш ортиши билан боғлиқдир. Ўқувчилар асосан давлат мактабига борадилар. Айниқса, бошланғич (жами ўқувчиларнинг 92,0 %) ва ўрта (85,0 %) давлат мактабларига қатнайдиغان ўқувчилар кўп. Дунёда таълимга давлат харажатлари 1970 йилдаги ялпи ички маҳсулотнинг 3,9 % дан 2006 йилда 5,1 % га етди. Мазкур ўсиш узок муддатли тенденция эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки бундан 100 йил муқаддам таълим учун давлат харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 1,0 % ни ташкил этарди.

Маълумки, кўпчилик индустриал ривожланган мамлакатларнинг замонавий таълим тизими 1950-1970 йилларда шаклланган. Шу даврда инсон капитали назарияси пайдо бўлиб, жамият ва давлатнинг таълимнинг ривожланишига бўлган муносабатига сезиларли таъсир кўрсатди.

Инсон билимлар билан бойишининг доимий жараёни ҳозирги шароитда фаннинг жамият ҳаётидаги ролининг ортиб бориши билан шартланган янги хусусиятларни касб этди. Энди у мавжуд билимлар ва кўникмаларнинг амалий йўл билан тўлдирилишини намоён этмайди. Инсонларни илмий билимлар ва уларни амалиётда қўллаш ўқувлари билан бойитиш жараёни ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Буни эса узлуксиз ривожланувчи ва ривожланиш жараёнида табақалашувчи таълим тизимисиз амалга ошириб бўлмайди. Унда кадрларни, шу жумладан, тадбиркорларни иқтисодий тайёрлаш муҳим ўрин тутди.

Билимлар ва ахборотларнинг жамият ривожланишидаги аҳамиятини ниҳоятда ошиб бораётганлиги ахборот жамияти концепцияларида ва ахборот цивилизациясининг шаклланишида ўз аксини топди. Янги билимлар, ахборот, ўқув ва кўникмаларга эга бўлиш, уларни янгилаш ва ривожлантиришга йўналтирилишининг қарор топиши нафақат индустриал иқтисодиётдаги ходимларнинг, балки тадбиркорларнинг, бизнес раҳбарларининг ҳам фундаментал

хусусиятларига айланмоқда. Ахборот жамиятида қарор топувчи иқтисодий ривожланишнинг янги хили улар учун ўз малакасини доимий равишда ошириш заруратини келтириб чиқаради. Таълим соҳаси ахборот жамиятида ҳаётнинг иқтисодий соҳаси билан аралашиб кетади. Таълим фаолияти иқтисодий ривожланишнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда.

Замонавий ахборот инфратузилмасини шакллантириш нафақат иқтисодий самарадорликни ошириш вазифалари билан, балки бизнесда янги технологиялардан, замонавий техника тизимларидан, маълум билимлар, ўқув ва кўникмалардан, инсонлар хатти-ҳаракатининг моделларидан фойдаланиш зарурати билан белгиланади.

Демак, ижтимоий ривожланишда билимлар, ахборот аҳамиятининг кучайиши, билимларнинг аста-секин инсон капиталига айланиши таълим соҳасининг ҳозирги замон ижтимоий ҳаёти таркибидаги ролини кескин ўзгартиради. Албатта, турли мамлакатлар ва турли давлатлар гуруҳларида таълим тизимининг ижтимоий тузилмадаги ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бироқ, янги ахборот цивилизациясининг вужудга келиши таълим соҳасини ижтимоий ҳаётнинг марказига чиқарди.

Ушбу жараёнларни кўпгина мамлакатлар учун умумийлигини ҳисобга олган ҳолда 1990-йилларнинг охирига келиб Европа қитъасида Болонья жараёни белгиси остида Европа таълим макони шакллана бошлади. 1999 йилда Италиянинг Болонья шаҳрида олий таълим учун жавоб берувчи Европа вазирларининг Биринчи учрашуви бўлиб ўтди ва унда декларация қабул қилинди. Жараён моҳияти келажакда Европа олий таълим ҳудуди деб номланган ва фаолият кўрсатиш фундаментал тамойилларининг умумийлигига асосланган Умумевропа олий таълим тизимини шакллантиришдан иборат¹.

Шундай қилиб, ахборот жамиятининг вужудга келиши билан боғлиқ барча миллий ва халқаро лойиҳаларда таълим соҳасини ривожлантириш марказий ўрин эгаллайди. Таълим тизимининг ҳолатидан, унинг шахс ва жамиятнинг юқори сифатли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондира олишидан ҳозирги замон жамияти ривожланиши истиқболлари боғлиқ.

Шу билан бирга, жаҳон глобал иқтисодий тенденциялар, шу жумладан, иқтисодиётда инсон сармоясининг ортиши муҳим

¹ Гребнев Л.Г. Болонский процесс и система образования России // Бизнес-образование. - 2002. - №2.

аҳамият касб этади. Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра 192 мамлакатда иқтисодий ўсишнинг фақатгина 16,0 % жисмоний капитал (жиҳозлар, инфратузилма ва ҳ.к.) улушига тўғри келади. Мазкур улушнинг яна 20,0 % ни табиий ресурслар беради. Қолган 64,0 % инсон омили билан, шу жумладан, иқтисодий ривожланишнинг катализаторига айланишга қодир бўлган сифат жиҳатидан янги турдаги тадбиркорларни шакллантириш билан боғлиқ¹. Ушбу жиддий далил турли мамлакатлар ҳукуматларини бизнес-таълим тизимини ривожлантириш орқали бизнес соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга ундайди.

Бунда шундай ҳолатдан келиб чиқиш лозимки, таълимнинг ўзи – бу инсоннинг у ёки бу меҳнат фаолияти учун зарур бўлган билимлар, ўқув ва кўникмаларни ўзлаштиришнинг бир вақтнинг ўзида ҳам жараёни, ҳам натижасидир. Таълим, шу жумладан, бизнес соҳасида таълим олишнинг асосий йўли – ўқув муассасаларида тахсил олишдан иборат, у ерда ўқиш ҳўжалик юритишнинг бозор усуллари ва тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги билимларни эгаллаш билан боғлиқ.

Таълим сифати муаммоси ривожланган мамлакатларда бизнес-мактаблар фаолиятининг асосий масаласи ҳисобланади. Олинаниган таълимнинг юқори сифати «лицензиялаш – аттестациядан ўтказиш – давлат аккредитацияси - ижтимоий аккредитация - таснифлар» занжирининг тегишли босқичида таъминланади.² Бунда лицензиялаш таълим дастурларини давлат таълим стандартларига мувофиқ ўтишга рухсат берилишини англатади. Ўз навбатида, аттестация оdatда лицензия берилганидан сўнг камида уч йилдан кейин ўтказилиб, у олий ўқув юртининг таълим дастурлари бўйича давлат стандартларига мос келишини текшириш функциясини бажаради. Тегишлича, давлат аккредитацияси таълим муассасаси мақомининг ҳамда олий ўқув юрти битирувчиларига давлат намунасидаги дипломни бериш имконини берувчи ўқув дастурларининг кейинги муддатга тан олинишини ўзида намоён этади.

Бундан ташқари, ривожланган мамлакатларда ижтимоий аккредитация ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у олий ўқув юртлари дастурларининг мустақил баҳоси ҳисобланади. Таснифлар – бу олий ўқув юртининг мустақил баҳоловчилар томонидан ишлаб чиқилган мезонлар асосида мустақил ташқи экспертлар томонидан баҳоланиши. Баҳолашнинг мақсади оdatда олий ўқув юртларининг сифатга асосланган таснифини тузишдан иборат. Шуниси эътиборга лойиқки, мактабларнинг машҳурлиги ва таснифи MBA дастурлари битирувчиларининг ишга жойлашишига ижобий таъсир кўрсатади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, барча мамлакатларда ўзининг аккредитациялаш стандартлари мавжуд. Масалан, улар АҚШда ҳам, Европа мамлакатларида ҳам катта фарқ қилади, бунда Буюк Британия, Италия ва Франция каби Европа мамлакатларининг ўзида ҳам аккредитациялаш кескин фарқ қилади. Ҳатто иккита энг машҳур аккредитация тизими AACSB International (Шимолий Америка) ва EQUIS (efmd - Европа) ҳам турли ёндошувларга асосланган, масалан, EQUIS аккредитациясини олиш имконияти мактаб талабаларининг катта қисми хорижликлар бўлишини назарда тутаяди.

Ўзбекистонда таълимга жамиятни ислоҳ этиш ва янгилаш сиёсатини амалга оширишнинг ҳал қилувчи бўғини сифатида алоҳида эътибор қаратилади. Таълим мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, мамлакатни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашнинг мажбурий шarti деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасига мувофиқ:

“Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”¹.

“Таълим тўғрисидаги”ги Қонунда² таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинган.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборатдир:

- Таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

¹ Бизнес-образование по-русски. // Экономическое обозрение - Т.: 2006. - № 5. - С.69.

² Зобов А.М. Проблемы реализации многоуровневой системы бизнес-образования во внешнем учебном заведении // Бизнес-образование. -М.: 2002. - №2. -С. 24.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – Б.10.

² “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz).

- таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг мажбурийлиги;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
- таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;
- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндошув;
- билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Ўзбекистонда таълим соҳасини чуқур ислох қилиш 1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури¹ билан боғлиқдир. Ушбу ҳужжатда қуйидагилар қайд қилинади:

“Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгиланишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти курмоқда.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир”.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мамлакатда таълим соҳасини ислох қилиш зарурати қуйидагилар билан изоҳланади:

- республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;

- мамлакат иқтисодиётида туб ўзгартиришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом-ашё йўналишидан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаётганлиги;

- давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;

- миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;

- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

Ўз моҳияти ва мазмуни бўйича ноёб ҳисобланган мазкур дастур 12 йиллик таълимга ўтиш ҳамда узлуксиз таълим тизимини шакллантиришга йўналтирилган (6.2-расм).

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда қуйидагилар назарда тутилади:

- шахс – кадрларни тайёрлаш тизимининг асосий субъекти ва объекти, таълим хизматларининг истеъмолчиси ва ишлаб чиқарувчиси;


- давлат ва жамият таълим ва кадрларни тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга соладиган ҳамда ушбу тизим амал қилиши устидан назоратни амалга оширдиган кадрлар тайёрлашнинг кафолатчиларидир;

- узлуксиз таълим малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашнинг асосини ташкил этиб, таълимнинг барча турлари, давлат таълим стандартларини қамраб олади;

- фан - юқори малакали мутахассисларни ишлаб чиқарувчиси ва истеъмолчисидир, у илғор педагогик ва ахборот технологияларини яратади;

- ишлаб чиқариш – кадрларга эҳтиёжни, шунингдек, улар тайёргарлигининг сифати ва даражасига талабларни белгилайдиган асосий буюртмачи, кадрларни тайёрлаш тизимини молиялаштириш ва моддий-техник таъминотининг иштирокчисидир.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // <http://www.lex.uz>.



6.2-расм. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими

Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг амал этилиши давлат таълим стандартлари, турли даражадаги таълим дастурларининг узвийлиги асосида таъминланади ҳамда таълимнинг қуйидаги турларини қамраб олади:

- мақтабгача таълим;

- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-хунар таълими;
- олий таълим;
- олий таълимдан кейинги таълим;
- малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш;
- мақтабдан ташқари таълим.

Мақтабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга булган иштиёқини уйғотиб, тизимли ўқитишга тайёрлаб боради. 6-7 ёшгача бўлган мақтабгача таълим давлат ва нодавлат болалар мақтабгача таълим муассасаларида ва оилада амалга оширилади. Мақтабгача таълимнинг мақсади – болаларни мақтабдаги ўқишга тайёрлаш, болани соғлом, ривожланган, мустақил шахс бўлиб шакллантириш, қобилиятларини очиб бериш, ўқишга, тизимли таълимга бўлган иштиёқини тарбиялашдир.

Мақтабгача таълим муассасалари, фаолият йўналишига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

- болалар ялси, болалар ясли боғчаси, болалар боғчаси, уйдаги болалар боғчаси (мустақил муассаса ёки филиал сифатида);
- мақтабгача тарбия ва бошланғич таълим муассасаси (болалар боғчаси-мақтаб);
- тарбияланувчиларни бир ёки бир нечта йўналишда (тил, бадиий эстетик, спорт ва бошқалар) тарбияловчи мақтабгача таълим муассасалари;
- тарбияланувчиларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишдаги оғишларини тикловчи турдаги болалар боғчаси;
- тиббиёт-гигиена, профилактика ва соғломлаштириш тадбир ва тартибларини амалга оширувчи заифлашган болаларни назорат қилиш ва соғломлаштириш боғчаси;
- бирлаштирилган турдаги болалар боғчаси (бирлаштирилган турдаги болалар боғчасига ривожлантирувчи, тикловчи ва соғломлаштирувчи гуруҳлар умумлаштирилган кўринишда киради).

Мақтабгача таълим, олиниш шакли ва усулларида қатъи назар, қуйидаги мақсадларни ўз олдига қўяди:

- болаларни мақтабда ўқишга мақсадли ва тизимли тайёрлаш;
- болаларнинг шахсий қобилиятлари ва истеъдодларини ривожлантириш;

•болаларни миллий ва умуминсоний маънавий ва маданий кадриятлар билан таништириш, уларни интеллектуал ривожлантириш;

•болаларда юқори маънавий ва одоб-ахлоқ асосларини шакллантириш;

•болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлигини мустаҳкамлаш;

Ўзбекистонда мажбурий, бепул, муддати 9 йилдан иборат бўлган умумий ўрта таълим мавжуд бўлиб, у бошланғич (1-4-мактаб синфлари) ва ўрта (5-9 мактаб синфлари) таълимга бўлинган.

Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган билим ва малаканинг, саводхонлик асосларининг шакллантирилишига йўналтирилган. Биринчи синфга болалар 6-7 ёшдан қабул қилинади.

Бошланғич таълим Ўзбекистонда мажбурий, бепул ва барчага тааллуқли ҳисобланади. Бу мактаб ёшига етган барча болалар умумий ёки махсус (ногирон болалар ва ривожланишдан орқада қолган болалар) бошланғич мактабга боришларини билдиради. Болаларни бошланғич таълимга жалб қилиш мос келувчи ёшидаги болаларнинг 100% ташкил қилади. Бола бошланғич мактабни тугатар экан, у ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш маҳоратига эга бўлиши керак. Ўқувчига назарий фикрлаш элементлари, ўргатилган ҳаракатларни бошқариш маҳорати синдириб борилади. Нутқ маданияти, шахсий гигиена асослари, соғлом ҳаёт тарзи ва жамиятда ўзини тутиш билимлари ҳам бериб борилади. Ўқув фанларининг сифат ва тиркиби бошланғич мактабда, мактаб тури ва ўқитиш шароитларига кўра ўзгариб туради.

Мактабнинг барча биринчи синф ўқувчилари бепул ўқув китоблари ва ўқув асбоблари билан таъминланади. 1996 йилдан бери кам таъминланган оилалардан бўлган 1-9- синф ўқувчилари ҳар йили давлат бюджети ҳисобидан ўқув ашёлари ҳамда киши кийим комплекслари билан таъминланади. Ўзбекистонда бошланғич ва ўрта таълим ташкил қилиниши ва таркибига кўра бир - бири билан бевосита боғлиқ. Ҳар бир умумтаълим мактаби иккала поғонада умумий ўрта таълимни амалга оширади. Бу бошланғич мактабда битирувчиларнинг тўлиқ ҳисобини олиб боришни ва умумий ўрта таълим тизимида узлуксизликни таъминлайди.

Умумий ўрта таълим зарур билим ҳажми, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, ташкилий маҳорат ва амалий

тажриба пойдеворини қўйиб, бошланғич профессионал йўналишни ва таълимнинг кейинги поғонасини танлашда кўмаклашади.

Умумий ўрта таълим бошланғич таълимнинг мантиқий давоми бўлса ҳам, таркибий сифатига ва ўқитиш услубига кўра фарқ қилади. Умумий ўрта таълим иштирокчининг ижтимоий мавқеини белгилаб олишга бўлган иштиёқ, қизиқиш ва қобилиятларини, унинг шахс бўлиб шаклланишини таъминлайди. Ўқувчи ўрта мактабда фан асослари бўйича тизимли билимларни олади. Таълим жараёнида кенг дунёқараш шаклланиши ва ижодий фикрлаш қобилияти пайдо бўлади. Халқнинг бой маънавий ва маданий меъроси билан таништириб бориш орқали болада атрофдаги оламга бўлган ғамхўрлик ҳисси уйғотиб борилади. Ўрта мактаб ўқувчилар учун мактаб фанларини мустақил ўрганишга кенг имкониятлар яратиб беради. Ўрта таълимнинг таркибий қисмига мажбурий ва қўшимча компонентлар қиради.

Мажбурий компонент давлат таълим стандартлари билан аниқланади ва иштирокчининг минимал керакли тайёргарлик даражасини белгилайди. Унинг муваффақияти ўрта таълим муассасалари томонидан кафолатланади. Бу компонент давлат ва жамият буюртмаси, шахснинг қизиқиш ва талаби асосида белгиланади.

Ўрта махсус таълим касб-хунар таълимининг бир шакли бўлиб, асосий мақсади ишлаб чиқаришнинг биринчи бўғинидаги ташкилотчи ва иш бошқарувчиларни, олий тоифали мутахассисларнинг ёрдамчиларини, юқори малака ва кўникмаларни талаб қилувчи маълум бир турдаги ишни мустақил бажара олувчи ўз ишининг усталарини бўлган – техник, агроном, бошланғич синф ўқитувчилари, фельдшер, стоматолог, концертмейстер каби мутахассисларни тайёрлашдан иборатдир. Ўрта махсус таълим мутахассислари қаторига касбий тайёргарликнинг юқори босқичи талаб этиладиган балет, цирк артистлари, айрим бадний мутахассислар ҳам қиради.

Ўрта махсус таълим умумий ўрта таълимда амалий ва назарий билимлар билан бир қаторда касб-хунарга оид бўлган малака ва кўникмаларни маълум бир соҳада ривожлантиришга қаратилган.

Ўрта махсус касб-хунар таълими кундузги кўринишда икки йўналишда академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида амалга оширилади.

Касб-хунар коллежлари касб таълими билан бир қаторда академик лицейлар каби ўрта махсус таълим ҳам бериб, бу кейинчалик ёки узлуксиз таълимни давом эттириш, ёки мутахассислиги бўйича иш билан шуғулланиш имконини беради.

Академик лицей – ўқиш уч йилга мўлжалланган ўрта махсус йўналтирилган ўқув даргоҳи бўлиб, давлат таълим стандартига мос равишда ўқувчиларнинг билимлари ақлий салоҳиятини оширишга қаратилган, уларнинг имкониятлари ва қизиқишлари асосида йўналтирилган ҳолда чуқурлаштириб берилади. Академик лицейларда ўқувчилар таълим йўналишини ихтиёрий равишда - гуманитар, табиий фанлар йўналиши тарзида танлайди.

“Олий таълим” атамаси заминида иқтисод, фан, техника ва маданият соҳасида фаолият олиб боровчи, иш мобайнида илм-фан, маданият, техника янгиликларини қўллаган ва ўз устида ишлаган ҳолда назарий ва амалий муаммоларни бартараф этувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тушунилади.

Олий таълимнинг асосий мақсади замон талабларига жавоб бера оладиган малакали, рақобатбардош, юксак билимли, олий таълим мутахассиси талабларига ўзи танлаган йўналиши юзасидан талабга жавоб бера оладиган республиканинг илм-фан, маданият, иқтисод, ижтимоий соҳаларини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшадиган, мустақил фикрлайдиган, юксак маънавиятга эга бўлган юқори салоҳиятли мутахассисларни тайёрлашдир.

Олий таълим икки босқичдан иборат: бакалаврият ва магистратура.

Бакалаврият — бу тўрт йил давом этувчи йўналтирилган назарий ва амалий билим берувчи олий таълимнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Бакалавр дастурини ўқитиш ниҳоясига етгач талаба давлат аттестациясининг якуний ҳулосасига мувофиқ ўқитилган йўналиш асосида “бакалавр” даражасига лойиқ деб топилади ҳамда давлат намунасида кўрсатилган диплом берилади.

Магистратура — бу икки йил давом этадиган аниқ йўналиш асосида назарий ҳамда амалий билим берувчи, бакалаврни битиргачгина танлов асосида таълим олиш давом эттирилиши мумкин бўлган олий таълим босқичи.

Магистратурада ўқиш якунлангач битирувчиларга давлат аттестацияси комиссиясининг якуний ҳулосасига мувофиқ аниқ мутахассислиги кўрсатилган “магистр”лик даражаси ва

магистрликни тасдиқловчи давлат намунасида кўрсатилган диплом берилади.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим муассасаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. *Университет*. Мазкур олий таълим муассасаси:

- олий ва ундан кейинги таълим учун таълимни бир неча йўналишда беради;
- турли соҳалардаги мутахассисларнинг малакасини оширади ва қайта тайёрлайди;
- фаннинг турли йўналишларида фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб боради;
- илм соҳаси билан чамбарчас боғлиқ илмий ва методик марказ ҳисобланади.

2. *Академия*. Ушбу олий таълим муассасаси:

- таълим соҳасида маълум белгиланган олий ва олий таълимдан сўнгги таълим беришга мўлжалланган ўқув дастурини бажаради;
- мутахассисларнинг билимларини белгиланган тартибда малакасини оширади ва қайта тайёрлайди;
- фан, маданият, санъат соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқот ишларини олиб боради;
- ўз фаолияти доирасида етакчи илмий, методик маркази ҳисобланади.

3. *Институт*. Мазкур олий таълим муассасаси:

- олий ва олий таълимдан кейинги ўқув дастурларини бажаришни таълим ва фаннинг маълум бир меъёрида амалга оширади;
- мутахассисларни маълум бир соҳада қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланади;
- фундаментал ва амалий тадқиқот ишларини олиб боради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумиллий дастури амалга оширилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишнинг биринчи босқичида (1997-2001 йилларда) мамлакатда узлуксиз таълим тизимининг янги таркиби шакллантирилди, шунингдек, бу тизимнинг барча бўғинларини бошқаришнинг механизми белгилаб қўйилди.

Кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизими самарали амал этиши ва рақобат муҳитини шакллантиришни таъминлайдиган мазкур тизимнинг принципаал жиҳатдан янги норматив-ҳуқуқий асоси яратилди. Таълим муассасаларини давлат аттестациясидан ўтказиш ва аккредитация қилиш тизими амалиётга жорий этилди, узлуксиз таълим барча турларининг давлат стандартлари ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқичнинг (2001-2005 йиллар) устувор вазифалари сифатида узлуксиз таълим тизими барча босқичларида талаб этилган сифатни таъминлаш белгиланди. Бунинг учун таълим мониторинги ва уни бошқаришнинг ягона тизими яратилди.

Умумтаълим мактабларини тугатган барча ёшларни академик-лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари билан тўла қамраб олишини таъминлайдиган тизимнинг шакллантирилиши ҳамда 12 йиллик ўрта таълимга ўтилиши Ўзбекистонда таълим соҳасидаги умумдавлат дастурларининг мантиқий натижаси бўлди.

6.2. Саломатлик – инсон тараққиётининг ҳал қилувчи шарт

Инсон капитали таркибига инсон саломатлигининг ҳолати киритилади. *Саломатлик* – умуман организмнинг ҳамда унинг барча органларининг ўз функцияларини бажаришга тўла қодир бўлган ҳолати, касалликнинг мавжуд эмаслигидир.

Инсон саломатлигини муҳофаза қилиш (соғлиқни сақлаш) давлат функцияларидан биридир. Жаҳон миқёсида инсоният саломатлигини муҳофаза қилиш муаммолари билан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шуғулланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Устави саломатликни “Инсон организмнинг органлари ва тизимлари уни ўраб турган ишлаб чиқариш ва ижтимоий муҳит билан мутаносиб бўлганида тўла жисмоний, маънавий, ижтимоий соғлигининг ҳолати” сифатида талқин этади.

Ушбу тушунчада саломатликнинг учта: жисмоний, психик ва ижтимоий таркибий хусусиятлари қамраб олинган.

Жисмоний саломатлик – организм барча органлари ва тизимлари меъёрида амал этиб турган табиий ҳолатдир.

Руҳий саломатлик дейилганда фикрлаш даражаси ва сифати, диққат ва хотиранинг ҳамда ироданинг ривожланганлиги, ҳиссий барқарорлик даражаси англанади.

Ижтимоий саломатлик инсон ижтимоий ҳаёти асосини ташкил этадиган ахлоқ принциплари асосида белгиланади, яъни бу инсоннинг муайян жамиятдаги ҳаёт фаолиятидир. Мазкур ҳислатлар, энг аввало, инсоннинг меҳнатга муносабати ахлоққа ва турмуш тарзига эид ҳулк ва одатларга фаол қарши туриши назарда тутилади.

Тиббий-санитария статистикасида *шахсий даражадаги саломатлик* дейилганда инсонда касалликларнинг мавжуд эмаслиги, *жамият даражасида* эса – ўлим, касалланиш ва ногиронлик даражасининг пасайиши жараёни тушунилади. Бунда қуйидагилар фаркланади:

- шахсий саломатлик – алоҳида инсоннинг саломатлиги;
- гуруҳий саломатлик – ижтимоий ва этник гуруҳларнинг саломатлиги;
- минтақавий саломатлик – маъмурий ҳудуд аҳолисининг саломатлиги;
- ижтимоий саломатлик – умуман жамият саломатлиги.

Ижтимоий саломатликни баҳолаш учун қуйидаги тиббий-демографик кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Аҳоли табиий ҳаракатининг кўрсаткичлари:

- тугилиш;
- умумий ва ёш гуруҳларидаги ўлим;
- аҳолининг табиий кўпайиши;
- никоҳ ва ҳоказолар.

2. Аҳолининг механик ҳаракати кўрсаткичлари:

- миграция;
- иммиграция;
- интеграция.

3. Касалланиш ва унинг ёйилиши тўғрисидаги маълумотлар.


4. Ногиронлик даражаси.

5. Аҳоли жисмоний ривожланиши кўрсаткичлари.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, саломатликнинг ҳолатига турмуш шароитлари ва турмуш тарзи, овқатланиш, ирсият, ташқи муҳит, табиий шароитлар ва соғлиқни сақлашнинг аҳоли таъсир кўрсатади (6.3-расм).

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти нуқтан назаридан одамларнинг саломатлиги – ижтимоий хусусиятдир, шунинг учун ижтимоий саломатликни баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади:

• ялпи ички маҳсулот ҳажмида соғлиқни сақлашга харажатлар улуши;



6.3-расм. Инсон саломатлигига таъсир кўрсатадиган омиллар (%)

• биринчи тиббий-санитария ёрдамидан фойдаланиш имконияти;

- аҳолини эмлаш даражаси;
- ҳомиладорларнинг малакали ходимлар томонидан текширилиши даражаси;
- болаларни овқатлантириш аҳоли;
- болалар ўлимнинг даражаси;
- кутилаётган ўртача умр давомийлиги;
- аҳолининг гигиеник саводхонлиги.

Соғлиқни сақлаш хизматлари билан қамраб олишнинг кўрсаткичлари тиббий ёрдамга муҳтож аҳолининг соғлиқни сақлаш соҳасида энг муҳим чоралар билан амалда қамраб олингани даражасини ифода этади. Бундай чораларга қуйидагилар киради:

- аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш пайтида малакали тиббий хизмат кўрсатиш;
- репродуктив саломатлик соҳасидаги хизматлар;
- болаларнинг юқумли касалликларга чалинишининг олдини олиш мақсадларида эмлаш;
- болаларни А гуруҳи витаминлари билан таъминланиши;
- болалар, ўсмирлар ва катта ёшдагиларнинг касалликларини даволаш.

Одатда бундай қамраб олиш кўрсаткичлари муайян касалликлардан даволанган ёки профилактикадан ўтган одамлар сонини тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга ёки тиббий ёрдамга муҳтож аҳоли сонига бўлиш орқали аниқланади. Масалан, 1 ёшгача бўлган

болаларни эмлаш билан қамраб олиш кўрсаткичи у ёки бу аниқ бир вакцина олган болалар сонини ҳар бир мамлакатдаги 1 ёшгача бўлган болалар умумий сонига бўлиш орқали ҳисоблаб чиқилади.

Умуман, саломатлик кўрсаткичлари тўғрисидаги глобал ҳисоботда асосий эътибор мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичларга қаратилади. Шу билан бирга мамлакат ичкарисида ҳамда аҳолининг турли гуруҳлари саломатлиги ва соғлиқни сақлаш хизматлари кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам муҳимдир. Ушбу маълумотлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги тенгсизликни аниқлашга ёрдам беради. Бундай тенгсизликка ижтимоий-иқтисодий аҳвол (таълим даражаси, машғулот тури, фаровонлик ёки уй ҳўжаликлари даромади даражаси), жўгрофий жойлашиш, этник мансублик, жинс каби омиллар сабаб бўлиши мумкин.

У ёки бу мамлакат аҳолиси саломатлигининг аҳоли тўғрисида туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги, шунингдек, беш ёшгача бўлган болалар ўлими (туғилганидан бир ёшга ҳамда беш ёшга тўлгунча ўлим эҳтимоли) ҳамда катта ёшдаги аҳоли ўлими (15-60 ёшда ўлим эҳтимоли) кўрсаткичлари бўйича хулоса чиқариш мумкин.

Жамиятдаги соғлиқни сақлаш аҳолини тўғри баҳолаш учун болалар ўлими даражаси ва бу соҳадаги тенденциялар ниҳоятда муҳим. Чунки жаҳонда барча ўлимларнинг деярли 20,0% беш ёшгача бўлган болалар улушига тўғри келади. Неонетал ўлим (туғилгандан кейин дастлабки 28 кун ичида ўлим ҳолатлари) кўпгина мамлакатларда, айниқса, даромад даражаси паст бўлган мамлакатлар аҳолиси ўртасида тез-тез учрайди.

Кутилаётган умр давомийлиги мазкур вақтда аниқ бир шароитларда мавжуд ўлим коэффициенти ҳисобга олинган ҳолда у ёки бу одам неча йил умр кўриши мумкинлигини баҳолаш имкониятини берса ҳам мазкур шахснинг бутун умри давомидаги саломатлиги аҳоли тўғрисида бирор маълумот бера олмайди. Ўлим тўғрисидаги статистика маълумотларининг ўзи аҳоли турли гуруҳлари саломатлигининг аҳолини баҳолаш ва таққослаш учун етарли эмас. Чунки уларда саломатлик учун ўлимга олиб бормайдиган оқибатлар тўғрисида бирор маълумот мавжуд эмас.

Аксинча, “туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги” кўрсаткичи одам касалланиш ёки жароҳат олиши оқибатида носоғлом бўлса ҳам ўртача неча йил умр кўриши мумкинлигидан далолат беради. Шу сабабли ушбу кўрсаткич саломатлик учун

ўлимга олиб келадиган ва олиб келмайдиган оқибатлар ва ногиронлик турларини ҳисобга олмайди. Бундай хасталик ва ногиронлик ҳолатлари орасида жаҳонда энг тарқалганлари - карлик, кўзи ожизлик ва асаб касалликлардир.

Умуман олганда, бой мамлакатларда болалар ўлими даражаси камбағал мамлакатларга қараганда пастдир. Даромад даражаси паст бўлган мамлакатларда 2008 йилда болалар ўлимининг ўртача кўрсаткичи ҳар 1000 та тирик туғилган чақалоққа 109 ўлим ҳолатини ташкил этди. Ҳолбуки, даромад даражаси юқори бўлган давлатларда ушбу кўрсаткич 5 тага тенг, яъни ўртадаги фарқ 20 баробардан ҳам ортиқдир.

Даромад даражаси паст бўлган айрим мамлакатларда болалар ўлими даражасининг нисбий паст бўлишига эришилган. Айни пайтда даромад даражаси турли бўлган мамлакатлар гуруҳларида болалар ўлими даражасида катта тафовутлар кузатилади. Даромад даражаси кам бўлган мамлакатларда 2008 йилда болалар ўлими ҳар 1000 та тирик туғилган чақалоққа 14 тадан 257 гача болалар ўлими кузатилган, яъни мазкур кўрсаткич турли мамлакатлар ўртасида 18 мартагача фарқ қилишини англатади.


1990 йилдан сўнг даромад даражаси бўйича мамлакатларнинг барча гуруҳларида болалар ўлимининг коэффициентлари пасайди. Лекин бу пасайиш суръатлари ўртача ва юқори даромадга эга бўлган мамлакатларда даромад даражаси паст бўлган мамлакатларига қараганда юқорироқ бўлди. 1990-2008 йилларда даромад даражаси ўртача даражадан кам бўлган мамлакатларда болалар ўлими ўртача миқдори деярли 50,0 % га, даромад даражаси паст бўлган мамлакатларда эса атиги 31,0 % га пасайди.

Кўпгина давлатлар умр давомийлиги кўрсаткичи бўйича жиддий натижаларга эришди. Ҳозирги вақтда ҳамма мамлакатларда туғилган бола аввалги ҳар қандай даврга нисбатан узокроқ умр кўриши кутилмоқда. Бу жаҳонда болалар ўлими катта ёшдагилар ўлимига нисбатан тезроқ камаётгани натижасидир (6.4-расм).

Агар болалар ўлими кўрсаткичи 1970-йилларнинг охиридаги юқори даражада қолганда, бугунги кунда ана шу ўлимлар сони амалдагидан 6,7 миллион нафарга кўпайган бўларди. Мазкур соҳада ривожланаётган мамлакатларда энг сезиларли силжишлар 1970-2000 йилларда кузатилмоқда. Жумладан, ушбу давлатларда болалар ўлими ҳар 1000 та тирик туғилган чақалоққа 59 тага


камайди. Бу ривожланган давлатлардаги ана шундай кўрсаткичлардан тўрт марта ортиқдир.

Ривожланган давлатлар



■ Болалар ўлими ■ Аёллар ўлими □ Эркактлар ўлими

Ривожланаётган давлатлар



□ Болалар ўлими ■ Аёллар ўлими □ Эркактлар ўлими

6.4-расм. Жаҳонда саломатлик асосий индикаторларининг ўзгариши (болалар ўлими – ҳар 1000 та тирик туғилган чақалоқ ҳисобига; катта ёшдаги аёллар ва эркактлар ўлими – ҳар 1000 нафар катта ёшдагилар ҳисобига)

Бироқ фониз ҳисобида болалар ўлимининг пасайиши ривожланган мамлакатларда (77,0%) ривожланаётган мамлакатлардагига (57,0%) караганда юқорирок суръатларда кечмоқда.

Умуман олганда, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасидаги улкан тафовут сақланиб турибди. Буни ривожланаётган мамлакатларда ҳар 1000 та тирик туғилган чақалоқ ҳисобига болалар ўлими ривожланган давлатларга караганда 8 маротаба юқорилиги ҳам кўрсатиб турибди. Ривожланган мамлакатлар улушига жаҳонда болалар умумий ўлимининг 1,0 % дан камроғи тўғри келади.

Жаҳонда оналар ўлими кўрсаткичи ҳам камайиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотлари 1990 йилдан буён ўтган даврда ҳар 100 мингта тирик туғилган чақалоқ ҳисобига оналар ўлими 430 тадан 400 тага, яъни 5,0 % камайганлигидан далолат беради. Ушбу маълумотлар БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларида кўзланган натижаларга эришиш йўлида режаланган суръатдан анча пастлигини кўрсатади. Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1990-2015 йилларда оналар ўлимини тўртдан уч мартагача камайтириш мақсадини белгилаган.

1990 йилдан буён катта ёшдаги аёллар ўртасидаги ўлим 23,0 % га, эркакларда 6,0% га камайди.

Ўзбекистонда фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилишнинг давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрилмоқда. Мамлакатда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси-нинг Конституцияси, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида “Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга”лиги қайд қилинган.

“Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонунда фуқаролар соғлигини сақлашнинг асосий принциплари белгилаб қўйилган. Улар қуйидагилардан иборат:

- соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши;
- аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши;
- профилактика чора-тадбирларининг устуңлиги;

- соғлиқни йўқотган тақдирда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоя қилиниши;

- тиббиёт фанининг амалиёт билан бирлиги.

Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳуқумати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини;

- фуқаролар соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатини;

- соғлиқни сақлаш ва тиббиёт фанини ривожлантириш дастурлари тасдиқланиши ва маблағ билан таъминланишини;

- соғлиқни сақлаш давлат тизимини бошқаришни;

- санитария-эпидемиология хотиржамлигини таъминлаш устидан назоратни;

- фавқулодда вазиятларда одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг соғлиқни муҳофаза этиш чора-тадбирлари кўрилишини, фуқароларни фавқулодда вазият зонасидаги аҳвол ва кўрилаётган чора-тадбирлардан хабардор қилишни;

- фуқаролар соғлиқни сақлаш соҳасида статистика ҳисоби ва ҳисоботнинг ягона тизими ўрнатилишини;

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий суғуртасининг таянч дастурларини тасдиқлашни;

- фуқароларнинг айрим гуруҳларига тиббий ёрдам кўрсатишда ва уларни дори-дармон билан таъминлашда имтиёзлар белгилашни;

- давлат бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг фуқаролар соғлиқни сақлаш соҳасидаги, оилани, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириб боришни ва назорат қилиб туришни ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

- соғлиқни сақлаш ва тиббий суғуртанинг норматив базасини, тиббий ёрдам сифати ва ҳажми давлат стандартларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

- барча тиббий муассасаларнинг фуқаролар соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади;

- фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасида мақсадли давлат дастурларини амалга оширади;

- давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини ташкил этади;

- тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини лицензиялашни белгиланган тартибда амалга оширади;

- давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тиббий хизматлар тарифлари даражасини тартибга солади;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари ва препаратларини стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштиришни амалга оширади ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тасарруфига фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасида қўйидагилар киради:

- соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминлаш;

- соғлиқни сақлаш тизимининг бошқарув органларини шакллантириш, унинг муассасалари тармоғини ривожлантириш;

- бирламчи тиббий-санитария ва тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш, улардан ҳамманинг баҳраманд бўла олишини таъминлаш, тиббий ёрдам сифатининг клиник-статистик стандартларига риоя этилишини назорат қилиш, тасарруфдаги ҳудудда фуқароларни дори-дармонлар ва тиббиёт маҳсулотлари билан таъминлаш;

- соғлиқни сақлаш харажатларини молиявий таъминлашнинг ўз манбаларини шакллантириш;

- фуқароларнинг санитария-эпидемиология жихатидан хотиржамлигини таъминлаш, профилактика, санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш;

- атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш;

- фавқулодда вазиятларда одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг соғлигини муҳофаза этиш чора-тадбирларини кўриш, фуқароларни фавқулодда вазият зонасидаги аҳвол ва кўрилатган чора-тадбирлардан хабардор қилиш;

- соғлиқни сақлаш тизими органлари, муассасалари ва корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш,

соғлиқни сақлаш муассасаларида кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам сифатини назорат қилиб бориш;

- ногиронлар ва тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг куч-қувватини тиклайдиган муассасалар ташкил этиш ва улар фаолиятини таъминлаш;

- оилани, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- фуқароларга санитария-гигиена ва экология таълими беришни ташкил этиш;

- соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларини ривожлантиришни рағбатлантирувчи шароитлар яратиш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, уларнинг шаҳар ва туман бўлинмалари киради. Давлат соғлиқни сақлаш тизимига давлат мулки бўлган ва давлат соғлиқни сақлаш тизимининг бошқарув органларига бўйсунувчи даволаш-профилактика ва илмий-тадқиқот муассасалари, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тайёрлайдиган ҳамда уларни қайта тайёргарликдан ўтказадиган ўқув юртлари, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари, санитария-профилактика муассасалари, суд-тиббий экспертиза муассасалари, тиббий дори-дармонлар ва тиббиёт техникаси ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳамда асосий фаолияти фуқаролар соғлигини сақлаш билан боғлиқ бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар киради.

Илмий-тадқиқот институтларининг клиникалари, вазирликлар, идоралар, давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлари барпо этадиган даволаш-профилактика ва дориҳона муассасалари давлат соғлиқни сақлаш тизимига киради.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистонда 1988 йилда қабул қилинган *Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилишнинг давлат дастури* асосига уни уч даражада ташкил этиш принципи қўйилган (6.5-расм).

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини – бирламчи тиббий-санитария ёрдами – аҳолига турар жойлардаги тиббиёт муассасаларида, баъзан уйда кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг энг

оммавий ва асосий туридир. Бу бўғинда умумий ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш шифокорлари ишлайди. Соғлиқни сақлаш давлат тизимида шаҳарларда бирламчи тиббий санитария ёрдамига оилавий поликлиникалар, қишлоқ жойларида эса қишлоқ врачлик пунктлари киради. Олидаги қишлоқларда мазкур пунктлар қишлоқ врачлик пунктларининг филиаллари - фельдшерлик- акушерлик шохобчалари шаклида ташкил этилган.

Соғлиқни сақлашнинг иккинчи бўғини – марказий (шаҳар) касалхона ва поликлиникалари, туман диспансерлари ва касалхоналаридир. Уларда даволашни мутахассис врачлар махсус даволаш-диагностика тиббий технологиялари асосида амалга оширадилар.


Соғлиқни сақлашнинг учинчи бўғини - тор йўналишли, ўрта йўналишли ва кўп йўналишли республика ва вилоят тиббий муассасаларига бўлинади.

Тор йўналишли тиббий муассасалар – стоматология хоналари, офтальмология, кардиология ва бошқа марказлардир.

Ўрта йўналишли тиббий муассасаларга терапия клиникалари, хирургия марказлари, йирик стоматология клиникалари, акушерлик мажмуалари ва ҳоказолар киради.

Кўп тармоқли тиббий муассасалар – марказий туман ва шаҳар поликлиника ва касалхоналари, вилоят ва республика кўп тармоқли касалхоналари, шошилинич ёрдам марказларидир.

Аҳолига бепул шошилинич ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун юксак талабларга жавоб берадиган ихтисослаштирилган касалхона ва бўлимлар тармоғи яратилган.



6.5-расм. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими

6.3. Демографик вазият ва унинг инсон тараққиётидаги роли

Ҳар бир мамлакатдаги демографик вазият иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатади. Тугилиш даражасининг ўсиши муайян вақтдан сўнг меҳнат бозорида иш билан бандлик тегишли равишда ўзгаришига ҳамда давлат бюджетининг ижтимоий эҳтиёжларга харажатлари даражасига, шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими амал қилишига ўз таъсирини кўрсатади. Демографик тенденцияларнинг ўзгариши ва инсон тараққиёти – ўзаро боғлиқ жараёнлар.

Демография (кўхна юнонча “*δημος*” — “халқ” ва “*γραφω*” — “ёзаман” сўзларидан) — аҳоли такрор ҳосил қилиниши қонуниятлари, унинг ижтимоий-иқтисодий, табиий шароитлар, миграцияга боғлиқлиги, аҳолининг сони, уларнинг ҳудудларда жойлашиши, таркиби, ўзгариши, сабаблари ва мазкур ўзгаришлар оқибатлари тўғрисидаги фандир.

Демографик вазият мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараён ҳисобланади. У аҳолининг табиий ўсиши, миллий ва ижтимоий таркиби, миграцияси, меҳнат ресурслари ва уларнинг иш билан бандлиги каби категорияларни мужассамлаштиради.

Демографиянинг предмети аҳолини табиий такрор ҳосил қилиш қонунидир. Умуман олганда, демографиянинг фан сифатида урта муҳим вазифаси ажратиб кўрсатилади:

- демографик жараёнлар тенденциялари ва омилларини ўрганиш;
- демографик прогнозларни ишлаб чиқиш;
- демография соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш.

Демография фани узоқ вақт давомида амалий эҳтиёжларга мувофиқ аҳоли тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш ва талқин этиш билан шуғулланиб келган. Демографиянинг ушбу функцияларини бажариши жараёнида унинг тадқиқот усуллари муттасил такоммилашиб борди.

“Демография” атамаси биринчи бор француз олими А.Гийярнинг “Инсон статистикаси унсурлари ёки таққослама демография” (A. Guillard, “*Eléments de statistique humaine ou Démographie comparée*”, 1855) китоби номида пайдо бўлди. Муаллиф демографияга *кенг маънода* – “*инсон зотининг табиий ва ижтимоий тарихи*” ёки *торроқ маънода* – “*аҳоли, унинг умумий*

ҳаракати, жисмоний, фуқаролик, интеллектуал ва ахлоқ ҳолатини математик англаш” сифатида қараган.

“Демография” атамаси 1882 йилда Женевада бўлиб ўтган Гигиена ва демография бўйича халқаро конгресс номланишида расмий эътироф этилди.

Қадимий даврлардаёқ аҳолини рўйхатга олиш зарурати туғилган. Кўхна Греция, Рим, Хитойда, кейинчалик Ўрта асрларда аҳолишунослик тўғрисидаги билимлар ва тасаввурлар мавҳум, тизимсиз бўлганлиги тушунарлидир. Айрим мамлакатларда оилалар, туғилишни тартибга солишга ҳаракат қилиб кўрилган. Уша даврлардаёқ мутафаккирлар аҳоли сони билан инсон ривожланиши ўртасидаги алоқадорликка эътибор қаратганлар.

Конфуций (милоддан илгари тахминан 551-479 йиллар) ишлов бериладиган экин майдонлари билан аҳоли сони ўртасидаги энг мақбул нисбатни аниқлашга ҳаракат қилиб кўрган. Унинг фикрича, бу нисбатнинг бузилиши қуйидаги сабабларга олиб келиши мумкин бўлган:

- аҳоли сони кам бўлса, экинзорларга ишлов бериш ёмонлашади ва дехқонлар солиқ тўлашдан бош тортади;
- аҳоли ниҳоятда зич бўлса, одамларнинг қашшоқлашиши, бекорчиларнинг кўпайиши сабабли ижтимоий муаммолар кучаяди.

Бундан аҳоли сони давлат томонидан тартибга солиниши кераклиги ҳамда одамларни аҳоли зич минтакалардан аҳоли кам бўлган ҳудудларга кўчириш масаласини ҳал қилиш талаб этилиши каби хулосалар чиқарилган.

Платон (милоддан аввалги 428-347 йиллар) идеал давлат тўғрисидаги таълимотида эркин фуқароси 5040 нафар бўлган давлат ана шундай моделга жавоб беришини кўрсатган. У никоҳ муносабатларида ҳам муайян тартиб ўрнатишни тақлиф этган, жумладан, эркаклар фақат 30 ёшдан 55 ёшгача фарзанд кўриши мақсадга мувофиқлигини асослаган. Платон шундай ёзади: “никоҳлар сонини белгилашни ҳамда уруш, касалланиш ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда эркаклар сони имконият даражасида муқим бўлиши, давлат имконияти борича ҳам катталашмаслиги ҳам, кичиклашмаслиги ҳам чораларини кўришни ҳукмдорлардан сўраймиз”.

Аристотель (милоддан аввалги 384-322 йиллар) ҳам эркин фуқаролари камсонли бўлган давлатни идеал деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, фуқаролар сонининг кам бўлиши ижтимоий

уйғунликни таъминлайди, аҳоли ҳаддан ташқари кўп бўлганда эса бунга эришиш мумкин эмас. Аҳолининг ортиқчалиги улар томонидан эътирозлар билдирилиши ҳамда жиноятлар сони кўпайишига сабаб бўлади. Шу билан бирга аҳоли кўпайса, фуқароларнинг бир қисми ерга эга бўлмасдан қашшоқлашади.

Демографиянинг фан сифатда чинакам шаклланиши XVII аср иккинчи ярмига тўғри келади. Ана шу вақтда капитализмнинг ривожланиши аҳолишуносликни ўрганишга доимий эҳтиёж туғдирди.

Тарихан олиб қаралганда демографияда илмий ўрганишнинг биринчи объекти одамлар ўртасидаги ўлим бўлди. Авлодлар ўлими ҳақидаги билимлар умр кўриш давомийлигини (туғилиш даражаси муқим бўлса, аҳоли сони ҳам барқарор бўлади) аниқлаш ҳамда ҳаётни суғурталашда умр кўриш давомийлигига боғлиқ равишда суғурта тўловлари миқдорини ҳисоблаб чиқиш имконини берарди.

XVIII асрда айрим мамлакатларда вафот этганлар ва туғилганлар ҳамда аҳоли сонини аниқлашга дастлабки уринишлар кузатилди.

XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошида АҚШда аҳолини рўйхатга олишнинг замонавий усулига асос солинди, 1790 йилда аҳолини жорий ҳисобга олиш йўлга қўйилди. Демографияда аҳолини такрор ҳосил қилиш тадқиқотларнинг марказий объектига айланди.

Аҳолини такрор ҳосил қилиш – аҳолининг табиий ҳаракати натижасида авлодларнинг алмашилишидир. Аҳолини такрор ҳосил қилиш туғилиш ва ўлимлар сонига қараб аниқланади. Демографик жамланма кўрсаткичлар ўзгаришига мувофиқ, аҳоли такрор ҳосил қилинишининг уч асосий тарихий турини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Улардан биринчиси – *аҳолини такрор ҳосил қилишнинг қадимий туридир*. У ибтидоий жамият учун хос бўлган ва ҳозирги пайтда учрамайди.

Аҳоли такрор ҳосил қилинишининг иккинчи тури – *“анъанавий” ёки “патриархал” такрор ҳосил қилиш туридир*. У аграр жамиятда ҳамда индустриал жамиятнинг илк босқичларида устунлик қилган. Туғилиш ва ўлим даражаси юқорилиги, ўртача умр кўриш давомийлигининг пастлиги бу турнинг асосий белгиларидир.

Кўпболалик анъанавий одат бўлиб, у аграр жамиятда оила яхши амал қилишига кўмаклашади. Ўлим даражасининг юқорилиги эса одамлар турмуш даражаси пастлиги, меҳнатнинг оғирлиги, тўйиб овқатланмаслик, тиббиётнинг зарур даражада ривожланмаганлиги оқибатидир. Такрор ҳосил қилишнинг бундай тури ривожланиш даражаси паст бўлган Нигерия, Бангладеш ва айниқса, Эфиопия учун хосдир. Эфиопияда туғилиш даражаси - 45,0%, ўлим эса – 20,0 % ни, умр кўришнинг ўртача давомийлиги атиги 43 йилни ташкил этади.

Ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигида (Мексика, Бразилия, Филиппин ва бошқалар) кейинги 10 йилликда такрор ҳосил қилишнинг “анъанавий” тури жиддий равишда ўзгарди. Ушбу мамлакатларда тиббиётдаги муваффақиятлар туфайли ўлим даражаси 6,0 % – 10,0 % гача пасайди, лекин туғилишнинг анъанавий ҳисобланган юқори даражаси асосан сақланиб турибди. Натижада ушбу давлатларда аҳолининг табиий ўсиши юқори – йилига 2,5 – 3,0 % ни ташкил этади. Аҳолини такрор ҳосил қилишнинг бевосита ана шу - “ўтиш” тури XX аср охирида жаҳонда аҳоли сони ўсиши суръатлари юқори бўлишини таъминлади.

Аҳолини такрор ҳосил қилишнинг “замонавий” ёки “оқилона” тури туғилиш даражаси пастлиги, ўлим даражасининг ўртачалиги, аҳолининг табиий ўсиши нисбатан камлиги ва умр кўриш ўртача давомийлигининг юқорилиги хусусиятларига эгадир. Мазкур тур аҳолининг турмуш даражаси ва маданияти юқорироқ бўлган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар учун хосдир. Ушбу мамлакатлардаги туғилиш даражасининг пастлиги оилани онгли тартибга солиш билан узвий боғлиқдир. Ўлим даражасига эса аҳоли таркибида катта ёшдагилар салмоғининг юқорилиги таъсир кўрсатади.

Кейинги ярим аср мобайнида демографияни умумий ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий омиллари нуқтан назаридан ўрганишга эътибор ортмоқда.

Демографияда *жамланма бирлик* – инсондир. Бу бирликнинг белгилари кўп – жинс, ёш, оилавий аҳвол, таълим даражаси, машғулот тури, миллат ва ҳоказолар. Ушбу белгилар инсон умри давомида ўзгариб боради. Шунинг учун аҳоли миқдорида одамларнинг ёш, жинс таркиби, оилавий аҳвол каби хусусиятлар мужассамлашган. Ҳар бир одам ҳаётидаги ўзгаришлар аҳоли

таркибидаги ўзгаришларга ҳам олиб келади. Ушбу ўзгаришлар жамланма ҳолида аҳолининг ҳаракатини ташкил этади.

Аҳоли сони ўсишининг умумий хусусиятини табиий ўсиш белгилайди. Мазкур кўрсаткич туғилганлар билан ўлганлар сони ўртасидаги фарқнинг мутлақ миқдори сифатида ифодаланади. Аҳоли табиий ўсишининг юқори суръатлари, агар бу жараён ўлим даражаси паст шароитларда кечаётган бўлса, қулай демографик вазият сифатида баҳоланади. Бироқ қатор мамлакатларда туғилиш тартибга солинмаслиги оқибатида демографик вазият кескинлашади. Бунда демографик инкирознинг турли белгилари – болалар ва оналар ўлими даражасининг юқорилиги, аҳоли саломатлиги кўрсаткичларининг пастлиги, умр кўриш ўртача давомийлигининг камайиши ва ҳоказолар пайдо бўлади.

Одатда аҳоли ҳаракати уч гуруҳга тасдиқланади:

- *табиий ҳаракат* – бу туғилиш, ўлим сонини қамраб олиб, мазкур вазиятларни ўрганиш бевосита демография ваколатидадир;

- *механик ҳаракат (миграция)* – бу аҳолининг ҳудудлар бўйича ҳаракатланишларининг барча турлари жамланмасидир. Мазкур жараён пировард натижада аҳолининг жойлашиши, зичлиги, мавсумий ва тебранувчан ҳаракатчанлиги хусусиятларини белгилайди;

- *ижтимоий ҳаракат* – бу одамларнинг бир ижтимоий гуруҳдан иккинчисига кўчиб ўтишидир. Ушбу ҳаракат тури аҳоли ижтимоий таркиби такрор ҳосил қилинишини белгилайди.

Миграция ва такрор ҳосил қилиш жараёнлари ўртасида узвий алоқадорлик мавжуддир. Миграция кўчиб юрган одамлар оммасининг туғилиши, никоҳда бўлиши, саломатлиги ва ўлимига таъсир кўрсатади. Ана шу сифатда у аҳолини такрор ҳосил қилишининг омилларидан бирига айланади. Бироқ миграция жараёнларида жўғрофий ва иқтисодий омилларнинг (табиий шароитлар, иқлим, иқтисодий ривожланиш даражаси, ижтимоий инфратузилма ва ҳоказолар) роли такрор ҳосил қилишни кига қараганда анча сезиларлидир. Аҳолининг миграцияси – бу, энг аввало иш кучининг миграциясидир.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳамда Миграция бўйича халқаро ташкилот меҳнат мигрантларига аҳолининг ўзи истиқомат қиладиган мамлакат бир ҳудудидан иккинчисига ёки бошқа мамлакатга кўчиб бориб, меҳнат фаолияти билан машғул бўлиш таърифини беради. Хусусан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1949 йил 1

июлдаги “Кўчманчи меҳнаткашлар тўғрисида”ги 97-Конвенциясига мувофиқ: “кўчманчи меҳнаткаш ишлаш мақсадида бир мамлакатдан бошқасига кўчувчи шахсни англатади”¹.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти меҳнат миграциясининг қуйидаги асосий турларини ажратиб кўрсатади:

- *шартнома асосида ишловчилар*. Бу ҳолда мигрантларни қабул қилувчи давлат томонидан уларнинг мазкур мамлакатда бўлиш муддатлари аниқ белгилаб қўйилади. Миграциянинг бу тури асосан иш кучини мавсумий (масалан, қишлоқ хўжалиги, қурилиш) ишларга жалб қилиш билан боғлиқдир;

- *малакали кадрлар миграцияси*. Бунга юқори малакали мутахассислар ёки ишчиларнинг имтиёзли тартибда (юқори иш ҳақи, бошқа имтиёзлар ҳисобига) ишга таклиф қилиниши мисол бўла олади;



6.6-расм. Меҳнат миграцияси таснифи²

¹ Ишон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. –Т.: «Адолат», 2004. –Б.149.

² Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиги. –Т.: «Меҳнат», 2009. –Б.254-255.

- *ноқонуний миграция*. Бу ноқонуний равишда бошқа мамлакатларда меҳнат фаолияти билан шуғулланишдир;

- *қочоқлар*. Булар тоифасига ҳаёти хавф остида қолиши оқибатида бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлганлар киради;

- *кўчманчилар*. Улар доимий яшаш учун бошқа жойга кўчиб борганлардир.

Ҳудуд бўйича ички ва ташқи миграция фарқланади. *Ички меҳнат миграцияси* бир мамлакат миқёсида, минтақалар, туман ва шаҳарлар ўртасида бўлади. *Ташқи меҳнат миграцияси* дейилганда иш кучининг бир давлатдан бошқа давлатга кўчиб ўтиши тушунилади. У куйидаги хусусиятларга эгадир:

- ривожланаётган давлатлардан ривожланган давлатларга меҳнат миграцияси;

- ривожланган мамлакатлар ўртасидаги меҳнат миграцияси;

- ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги меҳнат миграцияси.

Малака бўйича юқори малакали ҳамда паст малакали иш кучи миграцияси фарқланади.

Меҳнат миграцияси *давомийлигига* қараб:

- *доимий ёки узок муддатга* мўлжалланган (бошқа мамлакатга доимий кўчиб кетиш ёки қишлоқ жойларидан шаҳарга доимий яшашга кўчиб кетиш);

- *вақтинчалик* (масалан, шартнома асосида бошқа мамлакатга муайян даврга ишлаш учун бориш);

- *мавсумий* (масалан, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб этиш);

- *тебранувчан* (иш кучининг бир ҳудуддан иккинчисига, масалан қишлоқ жойларидан шаҳарларга мунтазам қатнаб ишлаши).

Меҳнат миграцияси, шунингдек, *қонун жиҳатидан қонуний*, яъни мамлакатда амал қилаётган қонунчилик, халқаро ҳуқуқ нормалари, давлатлараро ҳуқуқий битимлар асосида ҳамда *ноқонуний* бўлиши мумкин.

Меҳнат миграциясида иш кучи ҳаракатчанлиги мезони ҳам ҳисобга олинади. *Иш кучи ҳаракатчанлиги* меҳнатга лаёқатли аҳолининг муайян турдаги меҳнат фаолиятини муайян жойда бажаришга қодирлиги ва тайёрлиги билан белгиланади. Унинг ижтимоий-касбий ва ҳудудий хусусиятлари мавжуддир. Мазкур жиҳатларни куйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. *Иш кучи кўчишининг зарурати омиллари*. Уларга ижтимоий-касбий ҳаракатчанликда иш ҳақи, меҳнат шарт-шароити ва мазмуни, иш вақти, хизмат соҳасида кўтарилиш эҳтимоли билан белгиланса, ҳудудий ҳаракатчанлик турмуш даражаси, ижтимоий инфратузилма, турар жой шароитларини яхшилаш имкониятлари билан боғлиқ бўлади.

2. *Янги иш жойининг мақбуллиги омиллари* юқорида қайд этилганлар қатори қилинган сарфлардан янги иш жойида фойдаланиш ҳамда турар жойни алмаштириш имкониятларини ҳам қамраб олади.

3. Бу гуруҳ омиллари имконияти ҳаракатчанликнинг осонлиги билан белгиланади. Бунда ижтимоий-касбий ҳаракатчанликда ходим малакаси, тажрибаси, ёши ва бошқа хусусиятлари ҳамда янги иш жойига жойлашнинг осонлиги асосий роль ўйнаса, ҳудудий ҳаракатчанликда улар қатори кўчиб ўтиш харажатлари ҳам аҳамиятга эгадир.

4. Мазкур гуруҳ омиллари ижтимоий-касбий ҳаракатчанликда бўш иш ўринлари тўғрисидаги ахборотлар мавжудлиги, уларнинг ишончлилиги, ахборот олиш қиймати билан белгиланса, ҳудудий ҳаракатчанликка кўчиб бориладиган жойлар тўғрисидаги ахборотлар ҳамда уларнинг қиймати муҳим ҳисобланади.

Меҳнат миграциясида *донор мамлакатлар* (иш кучини экспорт қилувчилар) ҳамда *реципиент мамлакатлар* (иш кучини импорт қилувчилар) фарқланади. Умуман олганда меҳнат миграцияси реципиент мамлакатнинг иш кучига бўлган эҳтиёжини таъминлайди, донор мамлакатларда эса иқтисодий фаол аҳолини эса иш билан бандлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Меҳнат миграцияси донор мамлакатлар иқтисодига куйидагича ижобий таъсир кўрсатади:

- иш кучи экспорти мамлакат меҳнат бозоридаги вазиятни яхшилайди, яъни иш кучи миграцияси натижасида ортиқча меҳнат ресурслари сони камаяди. Бу, айниқса, аҳолиси зич мамлакатлар (Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Туркия, Покистон)га ижобий таъсир ўтказди;

- иш кучи экспорти донор мамлакатлар фуқароларига реципиент давлатларда янги замонавий мутахассисликларни ўзлаштириш, ўз малакаларини ошириш, янги техника ва технологияларни ўзлаштириш имконини беради;

- иш кучи экспорти донор мамлакатларга қўшимча валюта кириб келиши ҳамда эмигрант ходимлар оила аъзолари турмуш даражасини ошириш манбаи ҳисобланади;

- донор мамлакатлар ўз фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан шуғулланадиган фирмалардан давлат бюджетига солиқ ундиради.

Шу билан бир қаторда иш кучи миграциясининг донор мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсири ҳам мавжуддир. Улар қуйидагилардан иборат:

- иш кучини экспорт қиладиган мамлакатлар ўз меҳнат ресурслари, меҳнатга лаёқатли иқтисодий фаол аҳоли маълум қисмидан ажраладилар;

- донор мамлакатлар имигрант ишчиларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун сарфлаган маблағлари реципиент давлатлар иқтисодиётини ривожлантириш мақсадларида фойдаланилади;

- юқори малакали ва меҳнат бозорида гоят рақобатбардош иш кучи экспорти донор мамлакатлар ишлаб чиқаришининг муҳим тармоқларида юқори малакали кадрлар тақчиллигига олиб келиши мумкин.

Иш кучи миграцияси реципиент мамлакатлар иқтисодиётига қуйидаги ижобий самара келтиради:

- хориждан иш кучининг кириб келиши юқори даражадаги сафарбарликни таъминлаб, иқтисодиёт таркибидаги муайян тармоқларни жадал ривожлантиришга хизмат қилади;

- иш кучи миграцияси реципиент мамлакатларнинг кадрлар тайёрлаш учун харажатларини тежаш имконини беради;

- имигрантлар ички бозорни ривожлантиради, чунки улар товар ва хизматларга талабни оширадилар;

- иш кучи импорти реципиент мамлакатлар компания ва фирмаларнинг бозордаги рақобатбардошлигини оширади, чунки арзон иш кучи кириб келиши натижасида ишлаб чиқариш харажатлари тежалани;

- имигрантларнинг вақтинчалик бўш маблағларидан реципиент мамлакатлар иқтисодиётини молиялаштириш учун фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Меҳнат миграциясининг реципиент давлатлар учун ҳам салбий томонлари мавжуддир. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг хориж иш кучига қарамлиги ортади;

- ички иш кучининг маҳаллий меҳнат бозоридаги баҳоси пасаяди ҳамда хориж иш кучининг таклифи ортади.

Шунинг учун ҳар бир давлат ўз миграция сиёсатини амалга оширади. Жумладан, қатор давлатлардан хориж иш кучи сифатига – уларнинг маълумоти, касб-малакаси, иш стажига алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, Австралияда имигрантлар ишга қабул қилиниши учун ўз мутахассислиги бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлишлари керак.

Иш кучини импорт қиладиган мамлакатлар ёш бўйича ҳам муайян талаблар қўядилар. Меҳнат мигрантлари асосан 20-40 ёшда бўлишлари талаб этилади. Шу билан бирга хорижлик ишчилар, жумладан, Швеция ва Норвегияда тиббий кўрикдан ўтказилиб, ишга қабул қилинади.

Турли давлатларда иш кучи миқдорига квоталар белгиланади ёки молиявий ва вақт чекловлари ўрнатилади. Масалан, Грецияда грек миллатига мансуб бўлмаган ходимларни ишга ёллашда чекловлар ўрнатишган. Ирландияда эса меҳнат фаолиятини бошлаш учун мигрантлар муайян миқдорда маблағ тўлашлари талаб этилади. Иш кучини қабул қилиб олувчи давлатлар меҳнат фаолияти давомийлигини ҳам белгилайди.

Миграция, одатда, меҳнат фаолиятини инсон капиталининг баҳоси юқори бўлган соҳаларга кўчиришга кўмаклашади. Америкалик иқтисодчилар Р.Ж. Эренберг ва Р.С. Смит аҳоли имкониятлар ёмон бўлган минтақалардан имкониятлар яхши бўлган минтақаларга кўчиб ўтади деган хулосага келган. Ушбу жараёнда кўчиб ўтиш тўғрисида қарор қабул қилишга муҳожирнинг ёши ва таълим даражаси катта роль ўйнайди. Меҳнатга лаёқатли ёшларнинг миграция фаолигининг энг юқорилиги уларнинг миграциядан манфаат олишлари учун вақтлари кўплиги билан изоҳланади¹.

Сўнгги пайтда меҳнат миграциясини таҳлил этишда инсон капиталининг мамлакат иқтисодий ўсишининг *эндоген омил*ни тадқиқ этишга эътибор кучайди. Бундай ёндошув тарафдорлари (Р.Лукас, П.Ромер ва бошқалар) жамланган инсон салоҳияти

¹ Эренберг Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная практика. – М.: МГУ, 1996. – С.338, 367.

иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим омили, халқаро иқтисодий миграция мамлакатлар ўртасида иқтисодий ўсиш суръатларидаги фарқлар натижасидир деган хулосага келганлар. Бунда иқтисодий ўсиш суръатларини оширишнинг эндоген механизми сифатида инсон капиталининг жамланиши намоён бўлади. Халқаро меҳнат миграцияси мухожирларда инсон капитали жамғарилишига ёрдам беради.

Аҳолини ҳисобга олиш статистикасида қуйидаги категориялар фарқланади:

- *мавжуд аҳоли* – ҳисобга олиш пайтида мазкур аҳоли пунктида доимий яшаш жойидан қатъи назар мавжуд бўлган аҳоли қисми;


- *доимий аҳоли* – ҳисобга олиш пайтида амалда қаерда бўлганидан қатъи назар мазкур аҳоли пунктида доимий яшайдиган аҳоли қисми;

- *вақтинча йўқлар* – ҳисобга олиш пайтида доимий яшаш жойида вақтинча йўқ бўлган (6 ойдан кўп бўлмаган даврда) шахслар;

- *вақтинча борлар* – ҳисобга олиш пайтида мазкур аҳоли пунктида вақтинча бор бўлган (6 ойдан кўп бўлмаган муддатда) шахслар.

Аҳоли сифати – аҳолининг ижтимоий ҳаёт кечириши, ижтимоий ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида таснифлайдиган категориядир. Яъни бу аҳолининг таркиб топган табиий, техникавий, иқтисодий, ижтимоий-маданий шароитларга муносабати ҳамда ушбу шароитларни ўзларининг ўзгариб борадиган эҳтиёжларига мослаштириш қобилиятидир. Аҳоли хусусияти (туғилиш, ўлим, таълим, малака даражаси ва ҳоказолар) миқдор жиҳатидан ўзгариб боради. Аҳолининг сифат хусусиятларини, энг аввало, таълим ва саломатлигини яхшилаш аҳоли такрор ҳосил қилиниши тежамкорлигини, яъни аҳоли сонини сақлаб туриш аҳоли сони ва унинг ўсиши суръатларини ўлим ва туғилишнинг мутлақ сони қисқарганда ҳам сақлаб туриш имконини беради.

Ер юзидаги аҳоли жаҳонда яшаётган одамлар такрор ҳосил қилинишининг муттасил жараёнидир. I асрда ер юзида 300 миллион киши яшарди. 2011 йил ўрталарига келиб эса жаҳондаги аҳоли сони 7 миллиардга етди. Прогнозларга кўра 2050 йилга бориб ер юзидаги аҳоли сони 9,1 миллиард кишига етади (6.7-расм).



6.7-расм. Ер юзи аҳолиси ортишининг динамикаси (млн. киши ҳисобида)

Олимларнинг тадқиқотлари кейинги 6000 йил давомида (XX асрнинг 60-70-йилларигача) Ер юзидаги аҳоли сони ўсишининг гиперболик мутлақ суръатлари тенденцияси кузатилганлигидан dalolat беради. 1960– йиллардан бошлаб эса жаҳон аҳолиси сони ортишининг нисбий суръатлари пасая бошлади. 1989 йилдан жаҳон аҳолиси сони ўсишининг мутлақ суръатлари ҳам камайди. Бунини глобал демографик ўтишнинг мантиқий натижаси дейиши мумкин.

Аҳоли умумий сонини ҳисоблаб чиқишда демографик баланс тенгласидан фойдаланилади:

$$P = P_0 + (N - M) + (V_1 - V_2) = P_0 + E + V_{\text{чр}}$$

бунда: P — аҳолининг умумий сони;

P_0 — йил бошидаги аҳоли сони;

N — туғилганларнинг умумий сони;

M — ўлганларнинг умумий сони;

E — аҳолининг табиий ўсиши;

V_1 — кўчиб келганлар сони;

V_2 — кўчиб кетганлар сони.

Аҳоли сонининг умумий ўсиши эса қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

$$P_1 - P_0 = P_{\text{чр}}$$

бунда: P_0 — давр бошида (одатда йил) аҳоли сони;

P_1 — давр охирида аҳоли сони.

Аҳолининг табиий ўсиши тенгламаси куйидагича:

$$N - M = E,$$

бунда: N — туғилганларнинг умумий сони;

M — ўлганларнинг умумий сони.

Демографик сийсат аҳолини такрор ҳосил қилишни тартибга солиш, унинг энг мақбул миқдор ва сифат хусусиятларига эришишга йўналтирилган чораларни назарда тутди. Амалда бу соғлом авлодни такрор ҳосил қилишни билдиради. Демографик ривожланиш дастурлари комплекс хусусиятга эга бўлиши ижтимоий ҳаёт омилларининг кенг доирасини қамраб олиши, демографик жараёнларнинг оқибатларини ҳисобга олиши керак. Шунинг учун жаҳон аҳолисининг муаммолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий диққат марказидадир. БМТ аҳолишунослик, шу жумладан, демографик, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ўзаро муносабати муаммолари соҳасида тадқиқот-лар олиб боради, давлатларга демографик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашади, аҳолишуносликнинг турли масалалари бўйича умумжаҳон конференцияларини ўтказди.

Жумладан, 1994 йилда Қохирада бўлиб ўтган Аҳолишунослик бўйича умумжаҳон конференциясида кенг қамровли 20 йиллик Ҳаракат дастури қабул қилинди. Мазкур дастурда аҳолишунослик, иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланиш ўртасида ўзаро боғлиқка эришишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга эркаклар ва аёлларнинг тенглиги ва тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, репродуктив ҳуқуқ ва саломатлик муаммоларини ҳал этиш вазифалари белгиланган. Қохира Ҳаракат дастури, унинг мақсад ва вазифалари аҳолини ривожлантириш, халқлар турмуш даражаси ва турмуш сифатини оширишга қаратилган миллий дастурларни ишлаб чиқиш учун асос вазифасини ўтади.

2000 йилда бўлиб ўтган Мингйиллик Саммитида БМТ томонидан қабул қилинган Мингйиллик ривожланиш мақсадлари Аҳолишунослик бўйича халқаро конференция қарорларини амалга ошириш юзасидан эришилган дастлабки натижаларга асосланган.

6.4. Ўзбекистонда аҳолининг демографик ривожланиши

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўзига хос демографик вазият вужудга келди ва у аҳоли ўсиш суръатининг пасайиши, туғилишнинг камайиши, аҳолининг ёш таркибида кекса ёшдагилар улушининг ортиши, ёшлар салмоғининг камайиши, шу билан бир вақтда ўрта ёшдаги аҳоли сонининг кўпайишида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида куйидагиларни таъкидлади: "...қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди"¹.

2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда аҳоли сони 28453,7 минг кишини ташкил қилган. Аҳолининг умумий сонига кўра Ўзбекистон жаҳоннинг 230 мамлакати орасида 43, Осиёда эса 18-ўринда туради. Марказий Осиё республикалари жами аҳолисининг 45,0% Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилади.

Мустақиллик йилларида (1991-2010 йиллар) Ўзбекистон аҳолисининг сони 7,4 млн. кишига, яъни йилига ўртача 389,1 минг кишидан кўпайди. Ўтган қарийб 20 йил мобайнида республикада аҳоли сони – 1,35, шаҳар аҳолиси – 1,73, қишлоқ аҳолиси эса 1,1 мартага кўпайди. Шу билан бирга республика ва унинг шаҳар ҳамда қишлоқ жойлари миқёсида аҳоли сонининг кўпайиш суръати турлича бўлди (6.1-жадвал).

6.1-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси (минг киши ҳисобида)²

Кўрсаткичлар	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши	
	2006	2007	2008	2009	2010	+,-	%
Жами аҳоли сони	26312,5	27072,2	27533,3	28001,4	28453,7	2141,2	108,1
Шундан:							

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов БМТ Саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // <http://www.stat.uz>.


Шаҳар аҳолиси	9495,1	9584,6	9758,3	14327,8	14618,4	5123,3	153,9
Қишлоқ аҳолиси	16817,4	17487,6	17775,0	13673,6	13835,3	-2982,1	82,2

6.1-жадвал маълумотларининг таҳлили 2006-2010 йиллар давомида жами аҳоли сонининг 2142,2 минг кишига ёки 8,1 % га кўпайганлигини кўрсатади. Бироқ республиканинг шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли сонининг ўсиш суръатларини бир меъёрда кечмаган. Жумладан, 2010 йилда 2006 йилга нисбатан шаҳар аҳолиси сони 53,9 % га кўпайган бўлса, қишлоқ аҳолиси эса 17,8 % га камайган. Шу билан бирга, бу даврда жами аҳоли таркибида шаҳар аҳолисининг улуши 36,0 % дан 51,4 % га ортган, қишлоқ аҳолисиники эса 64,0 % дан 48,6 % гача камайган. Яъни мамлакатда аҳолининг урбанизация жараёни кучаймоқда. Қишлоқ аҳолиси сонининг камайганлиги эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2009 йил 13 мартдаги 68-сонли қарорига кўра республикадаги 966 та қишлоқ пунктига шаҳарча мақоми берилганлиги билан изоҳланади.

Республикада аҳоли сонидagi ўзгаришлар унинг бевосита ёш таркиби билан боғлиқ. Ўзбекистон аҳолисининг ҳозирги ёш таркиби ХХ асрнинг 90-йилларида бошланган туғилиш даражасининг қисқаришига қарамай ёш ҳисобланади. Яъни, аҳоли таркибида 30 ёшгача бўлган ёшлар улуши 62,1% ни, 16 ёшгача бўлган болалар улуши – 33,3% ни, 16-29 ёшдагилар улуши – 28,8% ни ташкил этади¹. Шу билан бирга, статистик маълумотлар таҳлили сўнгги йилларда 0-15 ёшдаги аҳоли мутлақ сонининг камаётганлигини кўрсатмоқда (6.8-расм.)

2006-2010 йиллар давомида республикада аҳоли таркибида меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сони 235,4 минг кишига ёки 2,6 % га камайган. Бундай тенденцияни бу гуруҳнинг аҳоли таркибидаги улушида ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан, 2006 йилда меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли улуши 35,0 % ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 31,5 % га тенг бўлган. Мазкур ҳолат мустақиллик йиллари республикада

туғилиш кўрсаткичининг камайганлиги билан изоҳланади. Жумладан, 1991 йили республикада туғилишнинг умумий коэффиценти 34,5 ‰ дан¹ 2010 йили 23,2 ‰ гача² камайган.



6.8-расм. Ўзбекистонда аҳоли ёш таркибининг ўзгариши

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида йиллар давомида шаклланган кадриятлар, урф-одатларда ўзига хос ўзгаришлар рўй бераётганлиги, халқнинг муносиб турмуш шароитини яратишга интилиш, омма ўртасида ҳомиладорликдан сақловчи тиббий воситаларнинг кенг тарқалиши, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлигининг ортиши, ҳар бир оила ўз иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда фарзандлар туғилишини назорат этиши каби омиллар туғилиш кўрсаткичининг пасайишига олиб келди.

2006-2010 йилларда меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони – 13,6 % га, меҳнатга қобилиятли ёшдан юқори бўлган аҳоли сони эса 16,0 % га ортган. Таҳлил натижалари меҳнатга қобилиятли ёшдан катта бўлган аҳоли сонининг меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сонига нисбатан юқори суръатда ўсганлигини кўрсатади. Бу ҳолат

¹ Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Иқтисодий фикр, 2009. – С.154-155.

² Демографический ежегодник Узбекистана 2003. – Т.: 2004. – С.127

³ Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2010. – Т.: 2011. – С.46

иккинчи жаҳон урушидан кейинги “демографик тўлдириш” даврида туғилган аҳолининг бугунги кунда кексалар гуруҳи қаторига қўшилиши билан изоҳланади.

Аҳолининг кексайиши жараёни Ўзбекистон учун ҳам хос бўлмоқда. Республикада кечаётган демографик жараёнларнинг замонавий тенденцияларининг таҳлили аҳолининг ёш таркибида болалар салмоғининг камайиб, меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва қариялар салмоғининг ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида истиқболда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўналишларида ҳам ўзига хос ўзгаришларнинг амалга оширилишини, аҳоли кексайишининг худудий ва гендер жиҳатлари эътиборга олинган кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш лойиҳалари ва дастурларини ишлаб чиқишни талаб этади. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши демографик ривожланиш истиқболини белгилашга боғлиқ. Шунинг учун ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг 2025 йилгача бўлган даврдаги узок муддатли демографик прогнози “ёшни силжитиш” усулидан фойдаланиб, амалга оширилди.

Истиқболда демографик жараёнлар ва бу жараёнларнинг бориши билан боғлиқ юзага келадиган тенденциялар, биринчи навбатда, репродуктив ёшдаги аёллар сонининг истиқбол кўрсаткичларига боғлиқ (6.2-жадвал).

6.2-жадвалдан кўриниб турибдики, 2011 йилдан бошлаб республикада 15-19 ёш гуруҳидаги аёлларнинг сони кескин камай бошлайди. Сўнгра бу тенденция 2016 йилдан аҳолининг 20-24 ёш гуруҳига, 2021 йилдан эса 25-29 ёш гуруҳига ўтади. Бу тенденция республикада 1996 йилдан бошланган туғилиш даражаси кескин камайган даврда туғилган аҳолининг 15-19 ёш гуруҳига кириши билан изоҳланади. Туғилиш даражаси юқори бўлган 1980-1995 йилларда туғилган аҳоли когорчасининг 30-34, 35-39, 40-44, 45-49 ёш гуруҳларига ўтиши ҳисобига бу ёш гуруҳларидаги аёлларнинг сони мунтазам ортиб боради. Хусусан, 2025 йилда 2011 йилга нисбатан 30-34 ёш гуруҳидаги аёллар сонининг 41,6 %га, 35-39 ёшдагиларнинг – 54,7, 40-44 ёшдагиларнинг – 48,1, 45-49 ёшдагиларнинг эса 26,7 %га ўсиши кутилади.

6.2-жадвал

Ўзбекистонда репродуктив ёшдаги аёллар сонининг истиқбол кўрсаткичлари (минг киши ҳисобида)

Йиллар	Репродуктив ёшдаги аёлларнинг ёш гуруҳлари бўйича сони							
	15-19	20-24	25-29	30-34	35-39	40-44	45-49	15-49
2011	157,3	156,0	137,2	110,9	98,0	86,2	82,8	828,4
2012	153,4	157,6	143,5	114,6	99,6	88,8	82,6	840,1
2013	148,5	158,3	148,7	119,1	101,4	91,0	82,7	849,7
2014	143,3	158,7	151,9	123,9	104,2	93,2	82,9	858,1
2015	137,6	158,7	153,6	129,7	107,2	95,3	83,4	865,5
2016	131,5	156,8	155,3	136,4	110,1	97,1	85,2	872,4
2017	127,0	153,0	156,9	142,6	113,8	98,7	87,7	879,7
2018	124,3	148,1	157,6	147,8	118,2	100,5	90,0	886,5
2019	123,1	142,9	158,0	151,0	123,0	103,3	92,1	893,4
2020	129,2	137,2	158,0	152,7	128,8	106,3	94,2	906,4
2021	137,0	131,1	156,1	154,4	135,4	109,1	96,0	919,1
2022	145,6	126,7	152,3	156,1	141,6	112,8	97,6	932,7
2023	154,8	123,9	147,4	156,7	146,8	117,2	99,3	946,1
2024	164,3	122,8	142,3	157,0	150,0	121,9	102,1	960,4
2025	167,6	128,8	136,6	157,1	151,6	127,7	105,1	974,5
2025 йилда 2011 йилга нисбатан, %	106,5	82,5	99,5	141,6	154,7	148,1	126,9	117,6

Шунинг таъкидлаш лозимки, 1987-1991 йилларда туғилиш даражаси юқори бўлган даврда туғилган аҳолининг 2002 йилда 15-19 ёш гуруҳига ўтиши натижасида республикада туғилиш даражасининг бирмунча ортганлиги ҳисобига шу йилларда туғилган аҳолининг 2020 йилда 15-19 ёш гуруҳига, 2025 йилда эса 20-24 ёш гуруҳига ўтиши бу ёш гуруҳидаги аёллар сонининг ортишига олиб келади.

Аҳолининг кексайиши туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари динамикасида рўй берадиган такрорланмас ўзгаришлар оқибатидир (6.3-жадвал).

Прогноз қилинаётган даврда жами аҳолида, шу жумладан, шаҳар ва қишлоқ аҳолисида ҳам туғилишнинг умумий

коэффициентининг 2011-2025 йиллар давомида нисбатан камайиши ва бу тенденция барқарор бўлмаслиги кутилади.

6.3-жадвал

Ўзбекистонда туғилиш ва ўлим коэффициентларининг истиқбол кўрсаткичлари (% ҳисобида)

Йиллар	Демографик кўрсаткичлар (1000 киши ҳисобида)					
	Жами аҳоли		Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	туғилиш	ўлим	туғилиш	ўлим	туғилиш	ўлим
2011	21,0	5,5	17,6	6,7	23,2	4,8
2015	21,9	5,7	18,8	7,0	24,8	4,9
2020	20,5	6,4	17,9	7,4	23,2	5,2
2025	19,2	7,2	17,3	8,5	21,9	6,0
2025 йилда 2011 йилга нисбатан ўзгариши (+,-)	-1,8	+1,7	-0,3	+1,8	-1,3	+1,2

Хусусан, 2011-2015 йиллар давомида жами аҳолида туғилишнинг умумий коэффициенти 0,9 пунктга кўпайиши ва 2015-2025 йилларда 2,7 пунктга камайиши кутилади. Республика ва унинг ҳудудларида 2015 йилгача бўлган даврда туғилиш кўрсаткичининг ортиши туғиш ёшидаги аёллар мутлақ сонининг нисбатан барқарор ўсиши ҳамда узоқ давр мобайнида туғилиш кўрсаткичининг нисбатан юқори бўлганлиги ҳисобига таъминланади. 2015 йилдан кейинги даврда туғилиш коэффициенти бирмунча камайиши эса 1991-2000 йиллардаги туғилишнинг паст даврида туғилган аҳолининг асосий репродуктив ёшга (20-24, 25-29 ёш) кириши билан боғлиқдир.

Ҳисоб-китобларга қараганда, прогноз қилинаётган давр охиригача Ўзбекистонда ўлимнинг умумий коэффициенти мунтазам ортиб бориши кутилади. Агар 2011-2025 йилларда республикада ўлимнинг умумий коэффициенти 1,7 пунктга кўпайса, шаҳар аҳолисида бу кўрсаткич – 1,8, қишлоқ аҳолисида эса 1,2 пунктга ортади. Бундай ҳолат мамлакат аҳолиси ёш таркибида нисбатнинг кекса ёш гуруҳига томон силжиши билан изоҳланади. Маълумки, қарияларда ўлим кўрсаткичи юқори ва бу

ўз навбатида аҳоли ўртасида ўлим кўрсаткичининг кўпайишига олиб келади.

Асосий демографик жараёнларга хос бўлган юқорида кўрилган тенденциялар аҳоли ёш таркибига таъсир этади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда республика аҳолиси ёш таркибининг 2025 йилгача бўлган истиқболи аниқланди (6.4-жадвал).

6.4-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли ёш таркибининг истиқбол кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Бирлик	Йиллар			2025 йилда 2015 йилга нисбатан ўзгариши	
		2015	2020	2025	+,-	%
Жами аҳоли сони	минг киши	30189,6	32346,5	34390,7	+401,1	113,9
	фоиз	100,0	100,0	100,0	-	-
Меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сони (0-15 ёш)	минг киши	9841,8	9995,0	9835,7	-6,1	99,9
	фоиз	32,6	30,9	28,6	-4,0	-
Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сони (16-54 ёшдаги аёллар, 16-59 ёшдаги эркаклар)	минг киши	17842,0	19440,2	21012,7	+3170,7	117,7
	фоиз	59,1	60,1	61,1	+2,0	-
Меҳнатга қобилиятли ёшдан юқори бўлган аҳоли сони (55 ва ундан юқори ёшдаги аёллар, 60 ва ундан юқори ёшдаги эркаклар)	минг киши	2505,8	2911,3	3542,3	+1036,5	141,3
	фоиз	8,3	9,0	10,3	+2,0	-

Прогноз қилинаётган даврда республикада жами аҳоли сони 13,9 фоизга кўпаяди ва 2025 йилга бориб 34390,7 минг кишини ташкил қилиши кутилади. Бу давр мобайнида аҳоли таркибида

меҳнатга қобилиятли ёшгача бўлган аҳоли сонининг 0,1 фоизга камайиши, аксинча меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли сонининг 17,7, меҳнатга қобилиятли ёшдан катта бўлган аҳоли сонининг 41,3 фоизга кўпайиши кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳолининг ёш таркибидаги ўзгаришлар таҳлили асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, болалар сони мунтазам камайиб, аксинча меҳнатга лаёқатли ёшдаги ва ундан катта бўлган аҳоли сони ортиб боради. Бу ўз навбатида республиканинг барча ҳудудларида аҳолининг “қуйидан” қариш жараёнининг ривожланаётганлигидан далолат беради.

Маълумотларга кўра, 1991-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг қариш индекси 6,1 пунктга кўпайган. Албатта, кўрилатган даврнинг турли оралиқларида ҳудудлар миқёсида аҳолининг қариш индексининг кўпайиш суръати турли бўлган. Жумладан, 1991-1995 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятида аҳолининг қариш индекси – 0,8, Тошкентда – 0,1, Навоий ва Хоразм вилоятларида – 0,6, Тошкент шаҳрида – 2,2 пунктга ўсган бўлса, бу кўрсаткич Андижонда – 0,3, Самарқандда – 0,8, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида – 0,2 пунктга камайган. Демак, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Тошкент, Навоий, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида аҳолининг кексايиш жараёни 1991 йилдан бошланган ва бу бу тенденция 2000-2010 йилларда республиканинг барча ҳудудларига улар аҳолисининг ёш таркибида болалар мутлақ сонининг қисқариши ҳисобига қариш индекси кўрсаткичи ортиши билан ёйилди.

Ҳисоблаб чиқилган аҳолининг қариш индексига асосланган ҳолда ҳудудлар аҳолисининг кексايиш даражасини жаҳонда қабул қилинган демографик мезонга кўра уч гуруҳга ажратилди:

- биринчи гуруҳга – аҳолиси нисбатан суст кексаётган ҳудудлар (20,0 % дан кам): Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари;

- иккинчи гуруҳга – аҳолиси ўртача даражада кексаётган вилоятлар (20,0-30,0%): Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари;

- учинчи гуруҳга – аҳолисининг кексايиши юқори даражада бўлган ҳудудлар (30,0 % дан баланд): Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти киритилди.

Юқорида қилинган таҳлилларга асосланган ҳолда шунини айтиш керакки, аҳолиси нисбатан суст кексаётган вилоятларда ҳам аҳолининг қариш индекси кўтарилиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида яқин келажакда республикамизнинг барча ҳудудларида ҳам аҳолининг кексايиш даражаси ривожланишини кўрсатади.

Ўз навбатида, аҳолининг кексايиши мамлакатлар миллий иқтисодийётининг ривожланишига ўз таъсирини ўтказди ҳамда бу жараён қуйидаги қатор ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади.

Биринчидан, кексалар улушининг ортиши аҳолининг иқтисодий фаоллигини пасайтиради. Одамнинг ёши қанча катта бўлса, маҳсулдорлиги шунчалик паст бўлади.

Иккинчидан, аҳолининг кексايиши иқтисодийётда ёшлар улуши камайишини англатади. Бу эса иш билан банд аҳолини касб-малака ва тармоқ таркибининг ўзгариши жараёни ва бинобарин иқтисодийётнинг самарадорлиги ошишини секинлаштиради.

Учинчидан, пенсия жамғармаси зиммасига пенсиялар тўлаш харажатларининг бениҳоя оғир юки тушади. Зеро, пенсионерлар улушининг кўпайиши билан бир йўла пенсия жамғармаларига маблағ тўлаб борадиган меҳнатга қобилиятли аҳоли салмоғи қисқаради.

Тўртинчидан, кексаларга тиббий хизмат кўрсатиш учун кўшимча маблағ сарфлаш, геронтологик муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бутун соғлиқни сақлаш тизимини сифатли тарзда қайта қуришни талаб қилади.

Бешинчидан, ҳали ишлашни истайдиган “ёш қариялар”ни иш билан таъминлаш лозим. Бу осон вазифа эмас, чунки пенсия ёшига етмаганларга ҳам иш ўринлари етишмайди.

Олтинчидан, аҳолининг кексايиши моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибига таъсир кўрсатади, яъни аҳоли бу гуруҳининг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ равишда товар ва хизматлар ассортиментини ўзгартиришга тўғри келади. Баъзи технологик операцияларни ҳам ўзгартириш, машина ва ускуналарни ходимларнинг ёш хусусиятларига мослаштириш керак. Транспорт воситалари ҳам кексаларнинг талабларига монанд бўлиши лозим.

Аҳолининг кексайиши шароитида қарияларнинг турмуш фаровонлигини ошириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- пенсия жамғармасининг молиявий ҳолатини яхшилаш;
- нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан қарияларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш даражасини янада кучайтириш;
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида гериятрик марказ ва республиканинг барча туман ва шаҳарларида шу марказнинг бўлимларини очиш ҳамда улар томонидан аҳолининг шу категориясига кўрсатиладиган тиббий хизмат турларини кўпайтириш;
- бакалаврият ва магистратура йўналишлари классификаторига “Геронтология”, “Гериятрия” ихтисосликлари, тиббиёт коллежларига “Патронаж ҳамшираси”, “Ижтимоий ходим” ихтисосликларини киритиш бўйича давлат таълим стандартларига ўзгартиришлар киритиш ва шу ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;
- барча маҳаллаларда қариялар учун мўлжалланган кундузги мулоқотда бўлиш ва ҳордик чиқариш жамоатчилиқ марказларини кўпайтириш;
- ёлғиз кексаларга ўз уйида ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш.

6.5. Инсон тараққиётининг гендер омиллари

Аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги инсон ҳуқуқларининг энг асосийларидан бири ҳисобланиб, ижтимоий адолатни таъминлашнинг шартидир. Айни вақтда бу тенглик, ривожланиш ва тинчликка эришишнинг зарур ва асосий шарт ҳам ҳисобланади. Аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиқ асосида шериклик муносабатларини ўрнатиш инсон манфаатларига йўналтирилган барқарор ривожланишнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳамдир.

Бевосита шунинг учун БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг 3-мақсади эркеклар ва аёллар тенглигини рағбатлантириш ҳамда аёллар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутди.

Афсуски, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида турмушнинг барча соҳаларида аёллар ва эркеклар тенглиги тўла

таъминланган бирорта мамлакат йўқ. Аммо тенгсизлик, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар ва энг камбағал оилаларда кўпроқ учрайди ҳамда бу биргина одамларнинг ўзлари учун эмас, балки умуман жамият учун ижтимоий, психологик ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради. Аёллар ва эркеклар ўртасидаги тенгсизлик таълим, иш вақти, иш ҳақи, умр кўриш давомийлиги, ҳокимиятда ва бошқарувда иштирок этиш каби кўринишларда намоён бўлади. Масалан:

- аёллар жаҳон аҳолисининг 50,0 % дан кўпрогини ташкил этади, лекин улар жаҳон мулкисининг 1,0 % га эгаллик қилади;
- аёллар жаҳонда бажарариладиган ишларнинг учтан икки қисмини қиладилар, аммо жаҳонда олинадиган фойданинг ўндан бир улушига эга;
- саводсиз ва ишсизларнинг кўпчилиги – 60,0 % дан кўпроғи хотин-қизлардир;
- жаҳондаги ҳар уч аёлдан биттаси умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта зўравонликдан, кўпинча ўз эридан жабр кўрган;
- жаҳондаги барча парламентлар аъзоларининг фақат 20,0 % аёллардир;
- аёллар ҳақ тўланмайдиган уй ишларининг асосий қисмини бажаради;
- хотин-қизлар меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси паст бўлган соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида иш билан бандларнинг кўпчилигини ташкил этади, эркеклар эса иш ҳақи юқори бўлган иқтисодиётнинг транспорт, алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари тармоқларида аксарият кўпчиликдир.

Жаҳондаги умумий иқтисодий пасайиш, шунингдек, айрим минтақалардаги сиёсий беқарорлик кўпгина мамлакатларда ривожланиш соҳасида белгилаб қўйилган мақсадлардан чекинишга мажбур қилди. Ушбу ҳолат қашшоқлик кўламлари ниҳоятда ортишига олиб келди. Қашшоқ турмуш кечираётган бир миллиард нафардан кўпроқ аҳоли ўртасида аёллар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги инкироз ишсизлик ва тўлиқ бўлмаган иш билан бандлик даражасини оширди, бу ҳам биринчи навбатда аёллар аҳолини оғирлаштирди.

Кўпинча аёллар иш билан барқарор банд бўлиш кафолатини бермайдиган ёки меҳнат шароитлари хавfli ва зарарли бўлган ишларни бажаришга мажбур бўлади. Акс ҳолда улар ишсизлар

сафини тўлдиришга мажбур бўлади. Кўпгина хотин-қизлар меҳнат бозорида иш ҳақи паст ва нуфузсиз меҳнат фаолияти билан шугулланишга мажбур бўлади. Бошқа тоифа аёллар ўз оилалари даромадига ҳисса қўшиш мақсадида меҳнат миграциясини танлашдан бошқа чора топа олмайди.

Жамият хотин-қизлар муаммоларини ҳал қилиш масалаларига ҳанузгача етарли даражада эътибор бермаяпти. Ҳолбуки, аёллар ва эркакларнинг ресурслари ва ижодий салоҳиятидан иложи борича тўлиқ фойдаланган ҳолдагина иқтисодий ва ижтимоий ўсишга эришиш мумкин.

Жаҳон ҳамжамияти мазкур муаммоларни ҳисобга ола бошлади. Жумладан, Аёллар аҳволига бағишланган тўртинчи умумжаҳон конференцияси мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштиришга хизмат қилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1975 йил - Халқаро аёллар йили деб эълон қилиниши хотин-қизлар муаммосини жаҳон кун тартибига қўйишда бурилиш нуқтаси бўлди.

1979 йилда БМТнинг Бош Ассамблеяси Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияни қабул қилди. Ушбу Конвенция 1981 йилда кучга кирди ҳамда аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгликнинг халқаро стандартларини мустақкамлаб қўйди.

1985 йилда Умумжаҳон конференциясида 2000 йилгача бўлган муддатда амалга оширилиши режаланган Аёллар аҳволини яхшилаш соҳасидаги Найроби истиқбол стратегияси қабул қилинди.

1995 йил 15 декабрда Пекинда бўлиб ўтган Аёллар аҳволига бағишланган умумжаҳон конференциясида Ҳаракат платформаси қабул қилинди. Ушбу платформа аёллар аҳволини яхшилаш соҳасида Найроби истиқбол стратегиясини амалга оширишни тезлаштиришга йўналтирилди. Пекин платформасида аёлларни иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳар тарафлама ва тенг иштирок этишларини таъминлаш йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиш кўзда тутилди. Ушбу ҳужжатда Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференциясида қабул қилинган Вена декларацияси ва Ҳаракат дастурида белгилаб қўйилган қоида – хотин-қизларнинг ҳуқуқлари инсон умумий ҳуқуқларининг ажралмас, таркибий қисми эканлиги яна бир бор тасдиқланди. Шу мақсадларга

мамлакатлар ҳукуматлари, халқаро ҳамжамият ва фуқаролик жамиятига аёллар аҳволини яхшилаш учун стратегик чоралар қўриш қатъий тавсия қилинди.

Ҳозирги вақтда кўпгина мамлакатларда аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилинган. Шу билан бирга жамиятнинг барча соҳаларида гендер муаммосини зарур даражада ҳисобга олишни таъминлашга даъват этадиган миллий механизмлар яратилган.

Гендер (инглизча «gender», лотинча «genus» сўзларидан - «зот») – инсоннинг жамиятда ўзини тутиши ва бундай тутиш қандай қабул қилинишини белгилайдиган ижтимоий жинсдир. Агар жинс эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқлар аниқ ва ўзгармайдиган бўлган биологик категория ҳисобланса, гендер жамият томонидан яратилган ижтимоий категория бўлиб, вақт ўтиши билан ўзгариб боради.

Ўғил ва қиз болалар туғилганидан бошлаб ўз анъанавий гендер ролларини ўзлаштиради ва жамият томонидан маъқулланган ўзини тутиш стандартларига риоя қила бошлайди. Бу ижтимоийлашиш жараёни ҳисобланади.

Одам жинсига боғлиқ равишда ўзига белгиланган гендер ролини ўйнайди, ҳаётнинг ҳамма жиҳатларига тааллуқли бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Гендер роли одамлар эҳтиёжлари ва манфаатларини белгилайди, уларнинг турли имкониятлардан фойдаланишларида катта аҳамиятга эга бўлади. Айни пайтда гендер роли баъзан тенглик масаласига ҳам таъсир кўрсатиб, камситиш ва ҳуқуқни бузиш сабабига айланади.

Гендер тенглиги – аёллар ва эркаклар, қизлар ва ўғил болалар учун тенг ҳуқуқ, масъулият, имконият, қадрият ва натижалардир. Гендер тенглиги фақат аёлларга тааллуқли масала бўлмасдан у, эркаклар ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам англатади. Чунки жамият ҳар икки жинсдан гендер нормалари ва стандартларига мувофиқ ҳаракат қилишни кутади. Тенглик аёллар ва эркаклар бир хил бўлиб қолишини билдирмайди. Лекин уларнинг ҳуқуқлари, масъулияти ва тенглиги ўзлари қиз ёки ўғил бола бўлиб туғилганларига боғлиқдир. Гендер тенглиги аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам манфаатлари, эҳтиёжлари ва устуворликлари ҳисобга олинганлигини кўрсатади. Шу билан бирга аёллар ва эркаклар гуруҳлари ўртасидаги хилма-хиллик ҳисобга олинади.

Гендер тенглигига эришишнинг бир-бирини ўзаро тўлдирадиган икки усули мавжуддир:

1. *Гендер мейнстриминг* (ёки гендер масалаларини барча соҳалар ва йўналишларга жорий этиш) – ушбу усул ҳар қандай режалаштирилаётган чораларни, шу жумладан, қонунчилик, сиёсат ва дастурларнинг барча соҳаларида ва барча даражаларда аёллар ва эркекларга тааллуқли оқибатларни баҳолаш жараёнидир. Ушбу ягона кенг қамровли стратегия гендер масалаларини барча йўналишлар ва секторларда дастурий фаолият олиб борадиган (масалан савдо, соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт ва ҳоказолар) ташкилотлар (шу жумладан, вазирлик ва идоралар) фаолиятига гендер масалаларини киритишни назарда тутати. Мазкур ҳолда гендер тенглигига “алоҳида масала” сифатида қаралади, у ҳар қандай стратегия ва дастурнинг таркибий қисмига айланади. Ҳар икки жинс – аёлларга ҳам, эркекларга ҳам ривожланиш жараёни қатнашчилари ва бунинг натижасидан фойдаланувчилар сифатида қаралади. Гендер ёндошуви аёллар ва эркеклар, қиз ва ўғил болалар турли эҳтиёжлар ва устуворликларга эга бўлишлари мумкинлигини ҳисобга олади. Шунинг учун тақлиф этилаётган дастурлар ва устуворликлар турли бўлиши ҳамда жинслар гуруҳларига турлича таъсир кўрсатиши мумкин.

2. *Махсус дастурлар* – жиддий муаммолар ва тенгсизлик мавжуд бўлган соҳаларда эса гендер мейнстримингидан ташқари аёллар ёки эркекларга алоҳида-алоҳида йўналтириган махсус дастурлар, чоралар ва лойиҳалар ишлаб чиқиши мумкин. Жумладан, бу эркекларнинг саломатлигини яхшилаш ёки уйда аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш каби лойиҳалар ва дастурлар бўлиши мумкин.

БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг 3–мақсади вазибаларини бажариш таълим олиш масалаларида гендер тенгсизлиги муаммоларини ҳал қилишга хизмат қилди. Сўнгги йилларда жаҳонда қизларни бошланғич ва ўрта мактаб таълими билан қамраб олиш жиддий равишда яхшиланди. Бироқ 2005 йил учун мазкур йўналишда белгиланган вазибалар тўлиқ бажарилмади.

Қашшоқлик айниқса, ўрта мактаб ёшидаги қизларнинг ўқиш имкониятлари чекланишининг асосий сабабидир. Ҳолбуки, ўрта маълумот хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва имкониятларини кенгайтириш учун жуда муҳимдир. Аммо

камбағал оилалардаги қизлар ўрта маълумот олишда иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлардаги дугоналарига қараганда икки мартаба кам имкониятга эга.

Аёлларнинг иш билан бандлиги соҳасида ҳам айрим ўзгаришлар рўй берганлигига қарамадан мавжуд муаммолар сақланиб қолмоқда. Тўғри, қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошқа иқтисодиёт тармоқларида меҳнатга ҳақ тўланадиган иш билан банд бўлган аёллар улуши аста-секин ортиб бормоқда ва 2008 йилда жаҳон миқёсида 41,0 % га етди.

Ўзбекистонда гендер тенглиги масаласига катта эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов “Жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғлик илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий – маънавий савиясини белгилайди”, деб алоҳида таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила Кодекси, Меҳнат кодекси, умуман 80 - дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ана шу мақсадга – хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркеклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ролинини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг кўпчилик мамлакатлари каби гендер тенглиги соҳасида ўз зиммасига қатор мажбуриятлар олган. Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчи бўлиб аёллар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция, Аёллар аҳволи бўйича тўртинчи умумжаҳон конференциясида қабул қилинган Пекин платформаси ва Ҳаракат режаси шулар жумласидандир. Мазкур ҳужжатлар миллий даражада гендер тенглигига доир қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишда халқаро-ҳуқуқий асос вазибаларини

ўтади. Ушбу халқаро ҳужжатларда белгилаб қўйилган қондалар давлат органлари амалий фаолиятида ҳам эътиборга олинади.

Умуман Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида юздан кўпроқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Мамлакат ҳукумати қатор миллий дастурларни, шу жумладан Ўзбекистонда аёллар аҳволини яхшилаш стратегиясини белгилаб берган Миллий ҳаракат платформасини қабул қилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармони асосида аёлларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида янги иш ўринлари яратиш ва аёлларнинг таadbиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган тегишли дастур ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини янада оширишга қаратилган чоралар ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига аёлларнинг сиёсий фаолиятда иштирок этишларини рағбатлантириш кўзда тутилган ўзгартиришлар киритилди. Ушбу ўзгартиришларга мувофиқ сиёсий партиялар давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ваколатли органларга кўрсатаётган номзодлар умумий сонида аёлларнинг улуши камида 30,0 % бўлишини таъминлашлари керак.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси мамлакатда аёллар муаммоларини ҳал этишга қаратилган ҳукумат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асосий масъул тузилмадир. Мамлакат хотин-қизлар кўмитасининг раҳбари бир йўла Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосаридир. Қарорлар қабул қилишда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш мақсадида вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталарининг раислари айни вақтда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамдир. Улар маҳаллий даражада хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, салоҳиятини рўёбга чиқариш учун масъулдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш бўйича кўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш бўйича Миллий маърузаси муҳокамаси юзасидан тавсиялар ишлаб чиққан. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати шу муносабат билан Миллий ҳаракат режасини қабул қилди ҳамда уни

амалга оширишни мувофиқлаштириш ва мониторингини юритиш учун ишчи гуруҳини ташкил этди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлиги даражасини ошириш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини кўтариш ва бошқа масалалар бўйича қатор таadbирларни ишлаб чиқиб, улар изчил амалга оширилишини таъминламоқда.

6.6. Атроф-муҳитнинг инсон тараққиётига таъсири

Даставвал инсонни ривожлантириш концепциясига ялпи миллий маҳсулот ҳажми каби иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш воситаси сифатида қаралар эди. Бироқ бугунги кунда халқаро ҳамжамият иқтисодий ривожланиш, атроф-муҳитнинг ҳолати ва одамлар соғлигини муҳофаза қилиш ўртасида ўзаро яқин боғлиқлик мавжуд эканлигини эътироф этмоқда. Сўнгги 50 йил мобайнида жаҳондаги аҳолининг катта қисми моддий аҳволни яхшилашда улкан тараққиётга эришилди. Бироқ сурункали қашшоқлик, ривожланиш даражасининг пастлиги муаммолари айрим мамлакатларда иқтисодий ўсиш кескин суръатлари оқибатидаги салбий ҳодисалар билан бирга янада чуқурлашиб, жаҳондаги инсон ва табиий ресурсларга ниҳоятда кучли босим ўтказмоқда. Масалан, Ер юзидаги 1,1 миллиард киши хавфсиз ичимлик суви истеъмол қилиш имкониятига эга эмас. Ривожланаётган мамлакатлардаги барча касалликларнинг 10,0% ичимлик суви ифлослиги, умуман ичимлик сувининг етишмаслиги билан изоҳланади. Мазкур муаммолар қишлоқ жойларида янада ўткирдир. Қишлоқ жойларидаги аҳолининг 29,0 % тоза ичимлик суви истеъмол қилишдан, 62,0 % оддий санитария шароитларидан маҳрум.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёдаги касалликларнинг 25,0-33,0 % экология муаммолари билан боғлиқдир. Дунёдаги 2,4 миллиард одам санитария қондаларига жавоб бермайдиган шароитларда яшайди. Катта шаҳарлардаги аҳолининг 40,0 % турар жойи кулбалардан иборат. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таркибидаги кимёвий моддаларнинг миқдори ҳосилдорлик ортишига қараганда тезроқ суръатларда кўпаймоқда. Техноген омиллар ва аҳолининг атроф-муҳитга салбий таъсири оқибатида табиий фожиялар такрорланиб турибди. Инсоният цивилизациясига хавф солаётган омиллар ўртасида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- Ер юзида ҳароратнинг ортиши;
- ўрмонзорларнинг қисқариши;
- саҳроларнинг кенгайиши;
- тупроқнинг ифлосланиши ва захарланиши оқибатида унинг умумдорлиги камайиши;
- сув ресурсларининг ифлосланиши;
- океан сатҳининг кўтарилиши;
- радиактив муҳитнинг камайиши;
- ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турлари йўқолишининг тезлашиши.

Ушбу тенденциялар экологик вазиятни кескин ёмонлаштираётганда, чунки аҳоли ортиши билан табиатга босим кучайиши ўртасидаги бевосита боғлиқлик яққол кўзга ташланади. Юқорида қайд этилганлар экологик барқарорликни таъминлаш вазифасини БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадларига киритишни қатъиян талаб этди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – одамлар яшайдиган муҳитнинг қулай ва хавфсиз бўлишини таъминлашга йўналтирилган чоралар тизимидир. Ҳаво, сув, тупроқ атроф-муҳитнинг энг муҳим омилларидир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш табиий ресурсларни инсон фаолияти натижаларининг бевосита ва билвосита салбий таъсиридан сақлаш ва тиклашни кўзда тутди.

Фан-техника тараққиёти ва саноат ишлаб чиқаришнинг интенсивлашиши шароитларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш энг муҳим умумдавлат вазифасига айланди. Ушбу вазифаларни ҳал этиш одамлар соғлигини муҳофаза қилиш билан узвий боғлиқдир.

Узоқ йиллар давомида атроф-муҳит ёмонлашиши жараёнлари чекланган хусусиятга эга бўлиб, фақат айрим минтақаларни қамраб олган эди. Шунинг учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича амалда самарали чоралар кўрилмасди.

Кейинги 20-30 йил давомида жаҳондаги турли минтақаларда табиий муҳит ҳалокатли тарзда ўзгариб, жуда хавфли тус ола бошлади. Атроф-муҳит оммавий тарзда ифлослангирилиши муносабати билан табиатни муҳофаза қилиш минтақавий, давлатнинг ички муаммосидан халқаро муаммога айланди. Барча ривожланган давлатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилишни инсоният яшаши учун кураш олиб боришнинг энг муҳим масаласи

сифатида белгилаб олди. Улар томондан қуйидаги ташкилий ва фан-техника тадбирлари ишлаб чиқилган:

- аҳолининг соғлиги ва меҳнатга лаёқатлигига салбий таъсир кўрсатадиган кимёвий, биологик ва бошқа омилларни аниқлаш ҳамда уларни баҳолаш, бу орқали мазкур омиллар салбий таъсирини камайтириш учун зарур стратегияни ишлаб чиқиш;
- аҳоли саломатлигига нисбатан хавфнинг зарур мезонларини ўрнатиш учун захарли моддаларнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш;
- эҳтимол тутилган ишлаб чиқариш аварияларининг олдини олиш бўйича самарали дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда бу авариялар оқибатида атроф-муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарарли оқибатларни камайтириш бўйича чоралар кўриш.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ масаларни ҳал этишда инсон туғилишидан бошлаб бутун умри давомида турли омиллар таъсирида бўлиши билан боғлиқ муаммоларни ҳисобга олиш лозим. Уларга турмушда, ишлаб чиқаришда захарли ва хавфли кимёвий воситалардан фойдаланиш, дориларни истеъмол қилишларига тўғри келади, шу билан бирга организмларига озик-овқат маҳсулотларининг таркибида бўлган кимёвий моддалар тушиши мумкин ва ҳоказолар. Шу билан бирга атроф-муҳитни тобора ортиб бораётган зарарли саноат чиқиндилари ифлослангандир.

Атроф-муҳитни ана шундай салбий оқибатлардан муҳофаза қилишнинг энг таъсирчан чораси - чиқитсиз ёки кам чиқитли технологик жараёнларни жорий этиш, шунингдек, чиқиндиларни зарарсизлантириш ёки улардан иккиламчи фойдаланиш учун қайта ишлашдир. Шунингдек, турли ишлаб чиқаришларни жойлаштириш принципларига ёндашувни ўзгартириш, энг зарарли моддалар мавжуд бўлган ишлаб чиқаришларни зарарсизларга алмаштириш атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган яна бир йўналишдир.

Турли саноат ва қишлоқ хўжалик объектларининг ўзаро алоқадорлиги тобора кучайиб бормоқда. Бундай шароитларда турли корхоналарнинг ёнма-ён жойлашганлиги, хомашё манбаларининг яқинлиги ёки транспортнинг қулайлиги билан боғлиқ фойдага қараганда авариялар оқибатидаги ижтимоий ва иқтисодий зарар анча катта бўлиши мумкин. Бундай объектларни энг мақбул тарзда жойлаштириш вазифасини ҳал этиш учун атроф-муҳитга салбий таъсирни прогноз қилиш қобилиятига эга бўлган

турли йўналишдаги мутахассисларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш талаб қилинади.

XX аср 70-йилларининг охирларида кўпгина мамлакатларда жаҳон тажрибасини мужассамлаштирган, аввал номаълум бўлган, табиат ва аҳоли соғлиғига зарар етказадиган омилларни тадқиқ этадиган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш марказларининг ташкил этилиши мавжуд муаммоларни ҳал этишни илмий асосга қўйиш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

БМТ Мингйиллик ривожланиш 7-мақсади вазибаларини ҳал этишда муайян натижаларга эришилганига қарамасдан, 2010 йилга эришилиши мўлжалланган жаҳонда биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш муаммоси ҳал этилмади. Ҳозирги тенденциялар бутун XXI аср давомида биологик хилма-хилликни йўқотиш жараёни давом этишидан далолат бермоқда. Биологик хилма-хилликни йўқотишнинг асосий сабаблари билан курашишга кириталаётган инвестициялар ортишига қарамасдан атроф муҳитнинг ифлосланиши, иқлимнинг ўзгариши давом этяпти. Қолбуки, Ер юзидаги миллиардлаб инсонларнинг ҳаёти ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ҳар хил турлари мавжуд бўлишига бевосита боғлиқдир.

Ўрмонлар қисқариши суръатлари биров секинлашди. Бунга дарахт кўчатлари ўтқазиш дастурларининг амалга оширилиши ҳамда айрим минтақаларда ўрмонларнинг табиий кенгайиши туфайли 7 миллион гектардан кўпроқ ўрмон пайдо бўлиши таъминланди. Шунга қарамасдан 2000-2010 йилларда ўрмонлар йилига 5,2 миллион гектарга қисқариб борди. Бу ўринда 1990-2000 йилларда мазкур кўрсаткич йилига 8,3 миллион гектарни ташкил этганлигини қайд этиш лозим.

Балиқларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши Ер юзидаги миллиардлаб одамлар учун протеин манбаи бўлган балиқларни йўқ қилишга хавф солмоқда. Кенг қўламли саноат балиқчилиги ҳажмларининг ортиши, шунингдек, балиқ ресурслардан фойдаланиш зарур даражада тартибга солилмаганлиги ушбу муаммони янада ўткирлаштирмоқда.

1987 йилда қабул қилинган Монреаль протоколи режаларини амалга ошириш натижасида атмосфера озон қатламини барбод этадиган моддаларнинг 98,0 % ни босқичма-босқич йўқотишга 2008 йилда эришилди. Озон туйнуги ҳосил бўлишига олиб келаётган кўпгина моддалар Ер юзидаги иқлимни ўзгартиришга

ҳам таъсир кўрсатмоқда. 2007 йилда жаҳондаги деярли барча мамлакатларнинг ҳукуматлари озон қатламини барбод этадиган, кенг қўлланиладиган зарарли моддалардан босқичма-босқич воз кечиш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган БМТ саммитининг ялпи мажлисида сўзлаган нутқида “Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади”, деб алоҳида таъкидлаган.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йили – 1992 йилда “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган эди. Ушбу қонунда табиатни муҳофаза қилишнинг мақсадлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- одамлар яшаши учун қулай шароитларни яратиш, экологик мувозанатни сақлаш, республикани самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадларида табиатдан оқилона фойдаланиш;

- тирик табиатнинг бой турлари ва генетик фондини сақлаш;
- экологик тизимлар, ландшафтлар ва ноёб табиий объектларнинг хилма-хиллигини сақлаш;
- экологик хавфсизликни таъминлаш;
- табиат объектлари билан боғлиқ маданий меросни сақлаш.

Мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини ушбу соҳага бевосита ёки билвосита тааллуқли бўлган 35 дан кўпроқ қонун ва 55 та қонуности норматив ҳужжат ташкил этади. Республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солиш Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат қўмитаси зиммасига юклатилган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазибалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни тиклаш устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини тармоқлараро комплекс бошқаришни амалга ошириш;
- табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш ягона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

• атроф-муҳит қулай экологик ҳолатини таъминлаш, экологик вазиятни соғломлаштириш.

Ўзбекистонда экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича муҳим ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий чоралар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Ушбу соҳада қўрилган чоралар ҳаво ифлосланиши даражасини пасайтириш асосий сув оқимлари ҳолатини яхшилаш, пестицидлар ишлатилиши камайтириш, экин майдонлари таркибини яхшилаш, халқаро ташкилотларни миллий экологик муаммоларни ҳал этишга жалб қилиш имконини берди. Бозор муносабатларини шакллантириш, солиқ сиёсатини ислоҳ қилиш бюджетнинг табиий, моддий техник ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга йўналтирилган жамланма даромадларида солиқлар ролини ошириш шароитларида табиатдан фойдаланишда иқтисодий механизмларни босқичма-босқич жорий этиш ва такомиллаштириб бориш алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон иқтисодиётини табиатдан фойдаланишнинг ҳақ тўлаш усулига босқичма-босқич ўтиш дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасида табиатдан фойдаланишнинг илмий асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини жорий этиш концепциясига мувофиқ, табиий муҳитни ифлослантириш учун тўловлар жорий этиш амалга оширилди. Бунда табиатни муҳофаза қилиш фондларида маблағларни марказлаштириш табиатни муҳофаза қилиш тadbирлари, устувор илмий тадқиқотлар ўтказишни молиялаштириш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида норматив-методологик ҳужжатларни тайёрлаш ишларини амалга ошириш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўяр экан, атроф-муҳит бўйича 9 та халқаро конвенцияни ҳамда уларнинг тегишли протоколларини ратификация қилди, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича 12 та халқаро битимни, шу жумладан, Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича конвенцияни, Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена конвенциясини, БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги конвенциясини, Хавфли чикитларнинг чегаралараро ўтишини назорат қилиш бўйича Базель конвенциясини, Сув-балчиқ экинзорлари тўғрисидаги конвенцияни, алоҳида халқаро аҳамиятга эга Рамсар конвенцияси ва бошқаларни имзолади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ривожланиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқий

ҳужжатларга қўшилиш ва ратификация қилиш – Ўзбекистон томонидан ўзининг халқаро ҳамжамият олдидаги мажбуриятларни бажаришнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мамлакатимизда қатор халқаро лойиҳалар ижросини мувофиқлаштириб бормоқда. Жумладан, Давлат қўмитаси ҳузурида “Озон қатламини химоя қилиш”, “Ғарбий Тяньшон биологик хилма-хиллигини сақлаш”, “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларини такомиллаштириш бўйича лойиҳа” “Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳити бўйича дастур” каби халқаро лойиҳаларнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон учун атроф муҳит муаммолари жуда муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 мартаба қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви даражаси эса ўнлаб марта ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келди. Натижада деярли барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди.

Бугун Орол бўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди. Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Орол бўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инкирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кун энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, Оролбўйи худуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Бундай шароитда 30-40 йил аввал ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8-9 баллни ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказилиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкин.

Кўплаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар тавсия қилаётганидек, ушбу дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Инсонни ривожлантириш тўғрисидаги биринчи глобал маърузада *хавфсиз атроф-муҳит* – “Тоза сув, озиқ-овқат ва ҳаво” – инсон эркинлигининг унсуридир, деб таъкидланган. 2007 йилги глобал маърузада эса иқлим ўзгариши оқибатидаги йўқотишлар инсонни ривожлантиришда қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги концепцияси баён этилган. Жумладан, ушбу маърузада жаҳонда ҳароратнинг кўтарилиши, кутбдаги музларнинг эриши, денгиз сатҳининг кўтарилиши оқибатида Ер юзидаги энг ночор аҳоли гуруҳларининг аҳоли янада мураккаблашганлиги асослаб берилган.

Ҳозирги вақтда жаҳон аҳолиси ҳароратнинг глобал кўтарилиши ўзларига жиддий хавф туғдираётганлигини англамоқда. Жаҳон том маънода ниҳоятда хавfli оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган жиддий тадҳидлар остидадир.

Ҳароратнинг глобал кўтарилиши, қурғоқчилик, сув тошқинлари ва бошқа экологик муаммолар БМТ Мингйиллик мақсадларини амалга оширишга жиддий тўсиқ бўлмоқда. Шунинг учун бутун жаҳон ҳамжамияти, барча мамлакатларнинг ҳукуматлари, бутун инсониятдан дунё халқлари олдида аввалари ҳеч қачон мавжуд бўлмаган энг жиддий хавфга қаршй туриш учун табиатни муҳофаза қилиш талаб этилмоқда.


6.7. Турар жойга эга бўлиш – турмуш даражаси ва турмуш сифатининг мезони

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси қабул қилинган 1948 йилдан буён муносиб турар жойга эга бўлиш муносиб турмуш даражаси ҳуқуқининг энг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этиб келинмоқда. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида “Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан... турар жойга... эга бўлиш... ҳуқуқига эгадир”¹

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. – Т.: «Адолат», 2004. – Б.35.

Шунинг учун БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларида белгилаб қўйилган вазифалардан бири: “Кулбасиз шаҳар” ташаббусида кўзда тутилганидек, 2020 йилга бориб кулбаларда яшаётган камида 100 миллион кишининг турмушини жиддий равишда яхшилашни таъминлаш”дир.

Маълумки А.Маслоунинг¹ машҳур пирамидасида инсон эҳтиёжлари иерархиясида турар жой, овқатланиш, кийим-кечак ва бошқа физиологик эҳтиёжлар билан биргаликда асосий ўринни эгаллайди. А.Маслоу, умуман, инсон эҳтиёжларини беш гуруҳга бўлган (6.9-расм):



6.9 - расм. А. Маслоунинг эҳтиёжлар иерархияси

¹ Абрахам Маслоу (Abraham Maslow, 1908-1970) — таълими америкалик психолог, инсонларнинг психологияси асосини, инсон эҳтиёжлари иерархияси назаринининг муаллифи.

- физиологик эҳтиёжлар;
- хавфсизлик эҳтиёжлари;
- дахлдорлик (меҳнат жамоасига, жамиятга) эҳтиёжлари;
- эътироф этилишга эҳтиёжлар;
- ўзини кўрсатиш эҳтиёжлари¹.

А. Маслоу эҳтиёжларнинг дастлабки икки турини бошланғич (туғма) эҳтиёжлар деб, қолган учтасини иккиламчи (ҳосил қилинган) эҳтиёжлар деб атаган. Шу билан бирга эҳтиёжларнинг ортиш жараёни бирламчи (қуйи) эҳтиёжларни иккиламчи (юқори) эҳтиёжлар билан алмаштириш сифатида намоён бўлади. Иерархия принципига асосан ҳар бир янги даражадаги эҳтиёж аввалги эҳтиёжлар қондирилгандан кейингина шахс учун долзарб эҳтиёжга айланади.

БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларида ночор кишиларнинг турар жой шароитларини яхшилаш бўйича белгиланган вазифалар 2010 йилга келиб икки марта ошириб бажарилди. Кейинги 10 йил давомида кулбаларда яшаётган 200 миллиондан кўпроқ одам яхшироқ сув, санитария-техника таъминотидан фойдаланиш ёки кенгроқ турар жойга кўчиб ўтиш имкониятига эга бўлди. Ушбу ўзгаришлар уларни кашшоқлик, бетоблик ва саводсизликка маҳкумликдан ҳалос бўлиш имкониятларини жиддий равишда кенгайтирди.

Кулбаларда яшаётган шаҳар аҳолисининг улуши кейинги 10 йил давомида 39,0 % дан 33,0 % гача пасайганига қарамасдан ривожланаётган мамлакатларда кулбаларда яшаётган аҳолининг мутлақ сони кўпайиб бормоқда ва прогнозларга кўра яқин келажақда ана шу тенденция сақланиб қолади.

Жаҳон ҳамжамияти турар жой муаммосини ҳал қилишга кўмаклашишга қаратилган чоралар кўрмоқда. БМТнинг Бош Ассамблеяси 1977 йилнинг декабрида Ванкуверда (Канада) бўлиб ўтган конференция якунлари бўйича аҳоли пунктлари бўйича комиссия ташкил этиш тўғрисида резолюция қабул қилди. Комиссиянинг асосий вазифалари сифатида аҳоли пунктлари, турар жой қурилиши ва бинокорлик материаллари соҳасида ҳалқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш белгиланган. 1978 йилнинг октябрида БМТнинг Аҳоли пунктлари бўйича комиссиясининг Котибияти ва ижроия органи (БМТнинг Аҳоли пунктлари бўйича маркази – Хабитат) ташкил этилди.

1977 йилда Истамбулда (Туркия) Аҳоли пунктлари бўйича иккинчи конференция (Хабитат II) ўтказилди. Унда қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинди:

- “Хабитатнинг кун тартиби” – Аҳоли пунктларини барқарор ривожлантириш бўйича Ҳаракат режаси;
- “Истамбул декларацияси” – Жаҳон мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарларининг ер юзидаги барча инсонлар учун аҳоли пунктларини хавфсиз ва барқарор ривожлантириш юзасидан мажбуриятлари.

2001 йил июнида Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Хабитат учун кун тартиби” ижросини баҳолашга бағишланган 25-махсус сессияси бўлиб ўтди. Сессия давомида БМТга аъзо давлатлар томонидан Янги Мингйилликда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари бўйича декларация қабул қилинди. Ушбу Декларацияда шаҳарлар ва аҳоли пунктларини барқарор ривожлантиришининг принциплари ва мақсадлари белгилаб қўйилган.

2001 йилнинг 12 декабрида БМТ Бош Ассамблеясининг 56-сессиясида БМТнинг Аҳоли пунктлари бўйича маркази (Хабитат) мақомини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳоли пунктлари бўйича тўла ҳуқуқий дастури даражасига кўтариш тўғрисида резолюция қабул қилинди (БМТ-Хабитат).

БМТ – Хабитат турар жойга эга бўлишни кафолатлашни таъминлаш бўйича глобал компания олиб бормоқда. Мазкур компания жаҳон мамлакатлари ҳукуматларига “Хабитат кун тартиби” асосий моддаларидан бири – “Ҳамма учун муносиб турар жой”ни таъминлаш юзасидан мажбуриятларини бажаришда кўмаклашмоқда. БМТ – Хабитат компанияси камбағал аҳоли ҳуқуқлари ва манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган турар жой соҳасидаги стратегияни фаоллаштиришга даъват этилган. Шу билан бир қаторда мазкур тадбир аёлларнинг турар жой соҳасидаги ҳуқуқларини ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Аҳоли пунктлари бўйича дастур ҳукуматлар, ҳокимиятнинг маҳаллий органлари, нодавлат ташкилотлари ва хусусий сектор билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ушбу фаолият турар жой соҳасидаги муаммоларни, шу жумладан, шаҳарлардаги кулбаларни таъмирлаш, камбағалликни камайтириш, шаҳар сув ва оқова сув таъминотини маҳаллий молия ресурсларини аҳолини турар жой билан таъминлашга, жалб этишга йўналтирилган.

¹ Maslow A. H. A Theory of Human Motivation // Psychological Review (1943) 50. – P. 77.

БМТ – Хабитат дастури қуйидагиларни қамраб олган:

- маҳаллий раҳбариятнинг илгор тажрибаси ва услубиёти билан алмашиш дастури. Мазкур дастур ҳукумат муассасалари, ҳокимиятнинг маҳаллий органлари ва фуқаролик жамияти ташкилотларини турар жой шароитларни яхшилаш юзасидан илгор тажрибаларини аниқлаш ва ёйишга қаратилган;
 - шаҳарларни барқарор ривожлантириш дастури. Ушбу дастур БМТ – Хабитат ва ЮНЕПнинг шаҳар экологик режалаш салоҳиятини яратиш ҳамда аҳоли иштирокини кенгайтириш усуллари ёрдамида бошқарувни такомиллаштириш юзасидан биргаликдаги ташаббусидир;
 - Африкадаги шаҳарларда сув таъминоти соҳасидаги лойиҳа. Мазкур лойиҳа ҳам БМТ – Хабитат ва ЮНЕПнинг ташаббуси бўлиб, у шаҳар сув ресурсларини самарали бошқариш ҳамда бу ресурсларни ифлослашдан муҳофаза қилишни қўллаб-қувватлаш мақсадини кўзлайди;
 - табиий офатлар билан курашиш дастури. Ушбу дастур миллий ҳукуматлар, ҳокимиятнинг маҳаллий органлари ҳамда жамоаларга табиий офатлар оқибатларини бартараф этишда ёрдам кўрсатишни кўзлайди;
 - XXI аср кун тартибини¹ маҳаллийлаштириш дастури. Ушбу дастур маҳаллий даражада XXI аср кун тартиби тадбирларини амалга оширишга қаратилган бўлиб ўртача миқёсдаги шаҳарларда биргаликдаги ташаббусларни рағбатлантиради.
- Муносиб турар жой* дейилганда фақат бошпана мавжуд бўлиши назарда тутилмайди. Муносиб турар жой бу:
- шахсий ҳаётга аралашмасликни таъминлайдиган турар жой шароитлари;
 - муносиб турар жой майдони;
 - зарур даражадаги хавфсизлик;
 - турар жой сақланишининг кафолати;
 - мавжуд инфратузилмаларнинг барқарорлиги ва пишиқлиги;
 - турар жойларнинг зарур даражада ёритилиши, иситилиши ва шамоллантирилиши;
 - сув таъминоти, зарур санитария шароити, чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш каби зарур инфратузилмаларнинг мавжудлиги;

¹ XXI аср кун тартиби— 1992 йилда “Ер сийёраси” олий даражадаги учрашувда барқарор ривожланиш мақсадларида қабул қилинган Глобал ҳаракат режаси.

- атроф-муҳитнинг қулайлиги;
- турар жойнинг иш жойи ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарига яқинлиги.

Юқорида қайд этилган талабларга жавоб берадиган турар жой нархлари ҳам мақбул бўлиши лозим. Турар жойнинг муносиблиги манфаатдор шахслар билан биргаликда аниқланиши ҳамда бу турар жой мунтазам яхшиланиб борилиши назарда тутилиши керак.

Жаҳондаги барча мамлакатларнинг ҳукуматлари аҳолини турар жой билан таъминлаш бўйича зиммаларига у ёки бу шаклда мажбурият олган. Турар жой қурилиши бўйича вазирликлар ёки тегишли муассасаларнинг ташкил этилиши, турар жой секторига маблағлар ажратилиши, турар жой сиёсати, дастурлари ва лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга киришилиши ана шу мажбуриятларни амалда бажариш чоралари кўрилаётганлиги далолатидир.

Аҳолига муносиб турар жой тақдим этиш биргина ҳукумат томонидан эмас, шунингдек бутун жамият, шу жумладан, хусусий сектор, ноҳукумат ташкилотлар ҳамда халқаро ҳамжамият ташкилотларидан ҳам саъй-ҳаракатлар талаб этилади. Шу билан бирга ҳукумат муносиб турар жойга ҳуқуқни амалда таъминлаш учун қуйидаги чоралар кўриши мақсадга мувофиқдир:

- қонун турар жой соҳасида ҳар қандай шаклда – ирки, танасининг ранги, жинси, тили, этники, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, туғилган жойи ёки бошқа мақомлари бўйича камситишни тақиқлаши ва бундай камситишлардан ҳаммани тенг ва самарали химоя қилишни кафолатлаши зарур;
- турар жойдан асоссиз чиқариб юбориш ҳамда барча учун, шу жумладан, аёллар ва камбағал одамларга турар жой қуриш учун ер олиш ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш;
- турар жой яшаш учун қулай, нархи мақбул бўлишига қаратилган сиёсатни амалга ошириш.

Айни пайтда ўз маблағлари ҳисобига муносиб турар жой харид қилиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга ҳам ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилиши лозим. Бундай чораларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тегишли тартибга солиш чораларини кўриш ва бозор иқтисодиёти рағбатларини жорий этиш орқали турар жойларини харид қилиш имкониятларини кенгайтириш;

- кашшоқ аҳолига турар жойга эга бўлишда кўмаклашиш мақсадида субсидиялар бериш, турар жойларни ижарага олишда ёрдам кўрсатиш;

- маҳаллий жамоалар, кооператив ва нотижорат турар жой дастурларини қўллаб-қувватлаш;

- аҳолининг ночор қатламга мансуб уйсизлар ва бошқа тоифа одамларини моддий қўллаб-қувватлаш;

- турар жой қурилишини кенгайтириш учун молия ва бошқа ресурсларини жалб этиш;

- хусусий секторни муносиб турар жойга эҳтиёжларни қондиришга қаратилган изланишларни рағбатлантириш;

- иш жойларига, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига турар жойдан боришни енгиллаштириш мақсадида транспорт тизимини ривожлантириш;

- уйсиз ва турар жой билан қониқарсиз таъминланган аҳоли сонини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида самарали мониторингни олиб бориш, шу асосда тегишли турар жой сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Реал турар жой сиёсатини ишлаб чиқишнинг асосий принципи унинг макроиктисодий сиёсат ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иктисодий ривожлантириш соҳасидаги сиёсат билан узвий боғлиқлигига эришишдир. Турар жой сиёсати асосан турар жой ва инфратузилмаларга тобора ортиб бораётган эҳтиёжни қондиришга қаратилган бўлса ҳам мавжуд турар жой фондидан оқилона фойдаланишга эътибор кучайтирилиши лозим. Бўш турар жойларни ижарага беришни оқилона йўлга қўйиш ана шундай имкониятлардан биридир. Амалга оширилаётган сиёсат, шунингдек кўпгина, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда шахсий турар жой қуриш билан шуғулланаётганларни хар тарафлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга йўналтирилиши зарур.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигида турар жой деганда “Фуқароларнинг доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнгина қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек белгиланган тартибда махсус уйлар (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек, болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадли уйлар) сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар”¹ тушунилади.

Ўзбекистонда аҳолининг турар жой шароитларини яхшилаш юзасидан кенг қўламли чоралар амалга оширилмоқда. Мамлакатда аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлиқ таъминлаш, уй-жой қурилишини, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тизими кенг жорий этилган.

Шу мақсадда Акциядорлик тижорат ипотека банки ташкил этилиб, унинг олдида куйидаги вазифалар қўйилган:

- якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тизимини жорий этиш;

- якка тартибда уй-жой қурувчиларга ва аҳоли учун турар жойлар барпо этадиган хўжалик юритувчи субъектларга кредит олишда кўмаклашиш;

- уй-жой қурилиши учун ипотека кредити беришни ривожлантиришга хорижий инвестициялар, жумладан, кредитларни, шунингдек, халқаро ва маҳаллий молия институтлари инвестиция ҳамда грантларини жалб этиш;

- республика миқтақаларида банкнинг ихтисослаштирилган хизматларидан аҳолининг кенг фойдаланишини таъминлайдиган филиаллар шохобчаларини ривожлантириш;

- замонавий, тежамли, бозорда талаб юқори бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредит билан таъминлаш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига миқтақаларда уй-жой қурилишини ривожлантириш юзасидан қуйидаги вазифалар юклатилган:

- ер участкалари ажратиш ва якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларини комплекс ҳолда барпо этиш;

- якка тартибдаги уй-жой қурилиши янги массивларини маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига зарур муҳандислик коммуникациялари билан таъминлаш;

- якка тартибдаги уй-жой қурувчиларнинг маҳаллий қурилиш материаллари ва конструкцияларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси // <http://www.lex.uz>.

* реконструкция қилинадиган ёки бузиладиган уй-жой фондини аниқлаган ҳолда оммавий сериядаги илгари қурилган кўп хонадонли уйларни реконструкция қилишни назарда тутиш¹.

Ўзбекистонда қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойларни қуриш бўйича дастур изчил амалга оширилмоқда. Шу мақсадда “Қишлоққурилишинвест” инжиринг компанияси ва “Қишлоқ қурилиш банк” ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ихтисослаштирилган “Қишлоққурилиш инвест” инжиринг компанияси 2014 йилнинг 1 январигача барча турдаги солиқ тўловларидан ҳамда Республика Йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловдан озод этилди².

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида мамлакатда янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январгача:

- солиқларнинг барча турлари ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинди (бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно);

- Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштирувчи йиғимлари бундан мустасно) ҳам озод қилинди.

Шу билан бирга мамлакат тижорат банкларида қурилиш техникаси, кичик механизациялаш воситалари, махсус транспорт ва инвентарь сотиб олиш учун бошланғич капитални шакллантириш мақсадида ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотларига имтиёзли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 16 февралдаги “Уй-жой қурилиши ва уй-жой базорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-10-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 7-сон, 54-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1167-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлари тўплами, 2009, №32-33, 358-модда.

кредит ресурслари (имтиёзли кредитлар жамғармаси маблағлари ҳисобидан) ажратиш тавсия қилинди.

Ушбу таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига, шунингдек, республика Товар-ҳом ашё биржасининг биржа копировкалари ўртача нархлари бўйича тўғридан-тўғри шартномалар асосида етказиб бериш учун зарур ҳажмда цемент, металл прокати, асбосцемент плиталар (шифер) ва бошқа қурилиш материаллари ажратилади¹.

Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қуриш дастури амалга оширилишга киришилган 2010 йилдан бошлаб икки йил ичида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қулай янги уй-жойга эга бўлди. Фақат 2011 йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1 миллион 100 минг квадрат метрга тенг бўлган 7 минг 400 та хусусий уй-жой қуриб битказилди. Бу мақсад учун 576 миллиард сўмдан ортиқ инвестициялар йўналтирилди. Уларнинг 63,0 % дан зиёдини марказлаштирилган манбалар ва “Қишлоққурилишбанк” маблағлари ташкил этади.

2012 йилда умумий турар-жой майдони 1 миллион 200 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган 8 минг 510 та яқка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган. Шу билан бирга давлат бюджет маблағлари ҳисобидан турар-жой посёлкаларини қуриш бўйича олдиндан тасдиқланган комплекс режаларга мувофиқ 425 километрдан зиёд водопровод тармоғи, қарийб 260 километр электр линиялари, 375 километр газ тармоқлари ва 306 километр ички йўллар қурилиши режалаштирилган.

Ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳисобидан комплекс қурилиш жойларида 26 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та умумтаълим мактаби ва 680 тадан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис объекти фойдаланишга топширилади. Ушбу мақсадларда 2012 йил давомида қарийб 810 миллиард сўмлик капитал қўйилмаларини ўзлаштириш режалаштирилган. Умуман, қишлоқ жойларида уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг 2015 йилгача мўлжалланган дастурни амалга ошириш ишларига 2 миллиард 200 миллион АҚШ доллари қийматидаги маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги “Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1051-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлари тўплами, 2009, №5, 38-модда.

Мазкур дастурни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки фаол иштирок этмоқда. Банк қишлоқда якка тартибдаги уй-жой қурилишига 500 миллион доллар миқдорда, жумладан, 2012 йилда 160 миллион доллар инвестиция киритишни режалаштирмоқда.

“Қишлоқ қурилиш банк” томонидан унинг ўз маблағлари ва Осиё тараққиёт банкнинг заём маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жой қуриш учун қишлоқ аҳолисига имтиёзли шартларда, 15 йил муддатга йиллик 7,0 % ли кредитлар берилмоқда. Бу эса тижорат банкларининг ипотека кредитлари ставкасидан қарийб икки марта паст бўлиб, моҳият эътибори билан қишлоқда яшаётган оилаларга катта имтиёз ва имконият яратиб беришга қаратилгандир.

Назорат учун саволлар

1. Таълим, саломатлик, иш билан бандлик ва аҳоли турмуш даражаси ўртасида қандай ўзаро алоқадорлик мавжуддир?
2. “Таълим – ҳамма учун” стратегиясининг моҳияти ва унинг асосий йўналишлари тўғрисида гапириб беринг.
3. “Кадрларни тайёрлаш миллий модели” тушунчасининг моҳияти нимадан иборат?
4. Демографик сиёсат дейилганда нима тушунилади?
5. Ўзбекистонда демографик вазиятнинг хусусиятлари нималардан иборат?
6. Экологик муаммолар одамлар соғлигига қандай таъсир кўрсатади?
7. “Гендер мейнстриминг” нима учун керак?
8. Сиз “БМТ – Хабитат” дастурлари ва лойиҳалари тўғрисида нималарни биласиз?

7 –БОБ. АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ

7.1. Ижтимоий ҳимоя тизимининг инсон тараққиётидаги роли

Ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолини кафолатли ҳимоя қилиш энг муҳим сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазифадир. Ҳар бир мамлакат ижтимоий ҳимоя тизимининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг даражасидан далолат беради.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 25-моддасида “Ҳар бир инсон ... ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қарилик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга”¹ эканлиги кўрсатилган.

Бу аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими томонидан таъминланади.


Аҳолини *ижтимоий муҳофаза қилиш тизими* учта асосий шаклга эга:

- *ижтимоий таъминот*;
- *ижтимоий сугурта*;
- *ижтимоий ёрдам*.

Шу билан бир қаторда аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилишнинг давлат ва нодавлат шакллари фаркланади (7.1-расм).

Ижтимоий таъминот – бу фуқаролар айрим тоифаларини давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари махсус фондлар маблағлари ҳисобидан давлатнинг моддий таъминлашга йўналтирилган ижтимоий ёрдам кўрсатиш шаклидир. Фуқароларга бундай ёрдам давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан муҳим деб эътироф этилган ҳолларда кўрсатилади. Ана шу ёрдамдан аҳолининг ночор қатламлари аҳолиларини жамиятнинг бошқа аъзолари билан имконият даражасида тенглаштириш мақсади кўзланади.

¹ Инсон ҳуқуқлари бўйича жалғаро шартномалар. – Т.: «Адолат», 2004. – Б.35.



7.1-расм. Аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш тизими

Ижтимоий таъминотга эҳтиёж жамият пайдо бўлиши билан туғилди. Ҳар қандай жамиятда – унинг иқтисодий ва сиёсий тузилишидан қатъи назар – ўзларига боғлиқ бўлмаган вазиятлар сабабли тирикчилик кечириш учун маблағ топишга қодир бўлмаган аҳоли тоифалари бўлади. Уларга, энг аввало, болалар ва кекса кишилар киради. Бундан ташқари, ижтимоий ёрдамга муҳтожлар сафини вақтинча ёки бир умр меҳнатга лаёқатсизлигини йўқотган одамлар тўлдирishi мумкин. Жамият ривожланиши ва ижтимоий алоқалар мураккаблашиши билан ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар қаторига иқтисодий сабаблар оқибатидаги ишсизлар, камбағаллар, шунингдек, инфляциянинг юқори суръатларидан моддий аҳволи оғирлашганлар киради.

Ижтимоий таъминот дейилганда қуйидагилар англанади:

- фуқароларга қарилликда меҳнат фаолияти, меҳнат қобилияти ва боқувчисини йўқотганлиги учун кўзда тутилган моддий таъминотдан ташқари уларнинг нормал турмуш ва маданий стандартларини кафолатлайдиган тақсимлаш шакли;

- фуқароларни ёши, касалланиши, ногиронлиги, ишсизлиги, боқувчисини йўқотганлиги, болаларни тарбия қилиш учун ҳамда қонунда белгилаб қўйилган бошқа ҳолатлар бўйича моддий таъминлаш тизими;

- бир томондан, фуқаролар, иккинчи томондан, давлат, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари томонидан даромадлари йўқотиши ёки камайиши вазиятлари пайдо бўлганда фуқароларга махсус фондлар, бюджет маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш, пенсия, нафақалар ва моддий таъминлашнинг бошқа шакллари асосида таркиб топаётган ижтимоий муносабатлар жамланмаси.

Қонунчилик ижтимоий таъминотнинг қуйидаги олти турини назарда тутди:

- пенсиялар;
- нафақалар;
- ижтимоий таъминот компенсацияси;
- имтиёзлар;
- ижтимоий ва тиббий хизматлар;
- ҳаёт учун зарур ашёлар.

Юқорида қайд этилган бу турларнинг ҳар бири, одатда яна қатор турларга бўлинади. Бунда ижтимоий таъминот турлари барқарор хусусиятга эга бўлгани ҳолда уларнинг бошқа турлари муайян сиёсий, иқтисодий ва бошқа шароитларга боғлиқ равишда ўзгариб боради.

Ушбу ижтимоий ҳимоя кўрсатиш шаклида аввалдан маълум тўловлар бажарилганми ёки йўқми, шунингдек, шахсларнинг моддий ҳолати (муҳтожлиги) эътиборга олинмаган ҳолда давлат томонидан ижтимоий таъминот тақдим этилади. Мазкур ижтимоий ҳимоянинг молиявий манбалари – бу умумий ва махсус солиқлар ҳисобидан шаклландирган давлат бюджетидан тўғридан-тўғри олинандиган маблағлардир.

Аҳолининг ижтимоий таъминоти тизимидаги энг муҳим унсур – ижтимоий сугуртадир. *Ижтимоий сугурта* – давлат томонидан белгилаб қўйилган, назорат қилинадиган ва кафолатландирган, мақсадли, бюджетдан ташқари ижтимоий сугурта давлат фонди,

шунингдек, бошқа жамоа ва хусусий суғурта фондлари маблаглари ҳисобига кекса ёшдаги, меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни моддий таъминлаш, қўллаб-қувватлаш тизимидир.

Ижтимоий суғурта – пул нафақалари тизими бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- ишсизлик нафақаси;
- меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси;
- ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси;
- қарилик, ногиронлик ҳамда боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия.

Ижтимоий суғуртанинг қуйидаги турлари фарқланади:

1. *Мажбурий ижтимоий суғурта.* Бу иқтисодий фаол аҳолини ўз даромадини меҳнатга лаёқатсизлиги туфайли (касаллик, бахтсиз ходиса, кексалик) ёки ишсиз қолгани сабабли йўқотиш хавфидан ижтимоий ҳимоялаш институтидир. Мазкур тизимнинг молиявий манбалари – иш берувчилар, ходимларнинг суғурта тўловлари (бадаллари) ҳисобланади. Ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ходисаларни суғурталаш тизим бундан истисно, улар фақат ходимларнинг бадаллари ҳисобидан таъминланади.

Ижтимоий суғурта тизим доирасидаги пенсия ва нафақа пуллари фуқаронинг суғурта ҳуқуқига кўра, шунингдек, унинг ва иш берувчининг ушбу тизимнинг молиялаштирилишидаги иштирокидан келиб чиққан ҳолда берилади.

Ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг муҳим жиҳати – маҳрум бўлган иш ҳақининг ўрнини қоплаш омилidir. Унга кўра, пенсия ва нафақа миқдори аввалги иш ҳақи ва бадаллар миқдори билан боғлиқ бўлиб, маълум суғурта даври мавжудлиги ҳар қандай муҳтожлик текширувларсиз белгиланади.

Мажбурий суғурта тўловлари миқдори жамиятда шакланган ижтимоий кафолат даражалари билан боғлиқ ва улар ходим билан иш берувчи ўртасида, давлат иштирокида тузиладиган шартномалар асосида шаклланади.

2. *Ихтиёрий қўшимча (касбий) ижтимоий суғурта.* Суғуртанинг бу тури иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ёки корхоналар доирасида ёлланма ходимлар учун узоқ муддатли тармоқли ва жамоа шартномалари асосида ташкил этилади. Одатда, ихтиёрий қўшимча ижтимоий суғурта тизими хусусий тусга эга бўлади, бироқ улар махсус қонунчилик билан тартибга солинади. Бунда суғурталанувчилар учун ижтимоий кафолатлар тизими

яратилади. Жумладан, бир корхонада ишлашнинг энг кам муддати белгиланади, ушбу муддат тугагач, ходимда қўшимча ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш ҳуқуқи пайдо бўлади. Масалан, пенсия таъминоти, суғурталанувчи ўз иш жойини ўзгартирган ҳолда суғурта бўйича қўлга киритган ҳуқуқлари сақланиб қолади.

Ижтимоий ҳимоянинг ушбу институти ташкилий-ҳуқуқий шакллари алоҳида корхоналарнинг пенсия тизимлари ҳисобланади. Бунинг учун пенсия ҳуқуқларини амалга оширишни кафолатлаш мақсадида захира пенсия жамгармаси тузилади. Корхона ёки мустақил пенсия кассаси маблаг ажрата олмаган ҳолда жамгарма тўлов мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ҳозирги даврда нодавлат пенсия жамгармалари ривожланиб бормоқда. Улар ўзининг ҳуқуқий мақомига кўра ижтимоий таъминотнинг нотижират ташкилоти бўлиб, мажбурий ижтимоий суғурта тизимига ихтиёрий қўшимча шакл сифатида фаолият олиб боради.

3. *Фуқароларнинг хусусий суғуртаси.* Суғуртанинг ушбу тури шартнома асосида расмийлаштирилади, унинг доираси, амал қилиши муддати, жисмоний шахсларнинг молиявий имкониятлари, таваккалчилик турлари билан чекланган бўлади. Ушбу суғурта шакли учун фуқароларнинг ўзлари масъуллиги ҳосдир.

“Ижтимоий ҳимоя” атамаси биринчи марта 1935 йилда АҚШнинг “Ижтимоий хавфсизлик бўйича Қонун” деб номланган ҳуқуқий ҳужжатида қўлланилган. Мазкур қонунга кўра, мамлакат ҳар бир фуқаросининг ишсизлик ёки даромадни йўқотиш, шунингдек, унинг кескин камайиб кетиши (касаллик туфайли, фарзанд туғилиши натижасида, ишлаб чиқариш жароҳати оқибатида, ногиронлик сабабли) боис иқтисодий ва ижтимоий неъматлардан маҳрум бўлишдан ҳимоя қилувчи чора-тадбирлар тизими ижтимоий ҳимоя деб эътироф этилган. Бундан кейин бу атама Янги Зеландиянинг 1938 йили қонун ҳужжатида қўлланилган.

“Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши” тушунчасининг иқтисодий мазмунини аниқлашда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ва Халқаро меҳнат бюроси (ХМБ) экспертларининг алоҳида нуқтаи назари мавжуд. Улар ижтимоий ҳимоя масаласига икки томонлама ёндашади. Яъни кенг маънода ижтимоий ҳимоя - инсон ҳаёти ва фаолиятининг деярли барча соҳаларини қамраб олади (ижтимоий ҳимоя предмети) ва тор маънода ижтимоий ҳимоя -

ижтимоий суғурта ва ижтимоий ёрдам ҳисобланади (ижтимоий ҳимоя механизми сифатида). Бу ўринда ижтимоий ҳимоянинг ушбу икки тури ўртасида жиддий фарқ йўқлигини ҳам кўрсатиш лозим.

Юқоридагилардан аҳолининг ижтимоий ҳимояси – бу давлат томонидан аҳолининг муносиб турмушни, яъни жамият ривожининг замонавий босқичидаги стандартларига мос бўлган моддий таъминотни ва инсоннинг эркин ривожланишини таъминлаш мақсадида давлат томонидан кафолатланадиган ва амалга ошириладиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий тавсифдаги чора-тадбирлар мажмуаси эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Давлат ижтимоий ёрдами – меҳнатга лаёқатсизлиги, нисизлиги, даромад манбаи мавжуд бўлмаганлиги сабабли мустакил равишда ўзини моддий таъминлай олмаган шахсларга давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ҳисобланади. Бу ёрдам турининг ҳажми шахс даромади ёки аҳолининг умумий турмуш даражаси билан боғлиқ бўлмайди. Ижтимоий ёрдам доирасидаги нафақа ва ёрдам пуллари фақат амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган аҳоли тоифаларига берилади. Мазкур ҳимоя институтининг асосий жиҳати – бу аҳолининг кам таъминланган гуруҳларига (болалиқдан ногирон, бошқа ногирон бўлган шахслар, пенсия олиш учун зарур суғурта мақомига эга бўлмаган фуқароларга) давлатнинг ижтимоий шартномасиз ёрдам кўрсатишидир.

Жисмоний шахс ижтимоий ёрдам олиши унинг ижтимоий меҳнат фаолиятидаги иштирокига боғлиқ бўлмайди. Ушбу тизимнинг ижтимоий ёрдам пуллари муҳтож шахснинг даромади текширилганидан кейин, унга тирикчилик ўтказишнинг энг кам даражасини таъминлаш мақсадида берилади. Бунга шахсда тирикчилик ўтказишнинг энг кам даражаси ҳажмида маблағнинг мавжуд эмаслиги асос бўлади.

Ижтимоий ҳимоя тизимида нафақа ва ёрдам пули миқдори оила аъзоларининг даромадларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиб, бу уларнинг умумий даромад ҳажми ўрнатилган тирикчилик кўришнинг энг кам миқдорига етиши учун тайинланади. Худудий ва муниципал бюджетлар ижтимоий ҳимоя ушбу институтининг молиявий манбалари ҳисобланади. Бу маблағлар умумий солиқ тизими ва махсус мақсадда йиғиладиган солиқ ҳисобидан шаклланади.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг шаклланиши ва унинг инсон тараққиётидаги роли ўз тарихига эга. XIX аср ўрталаридан бошлаб ижтимоий ҳуқуқлар фуқаролик ҳуқуқлари билан бир қаторда инсоннинг табиий ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида эътироф этила бошланди. Лекин ижтимоий ҳуқуқларнинг табиати ва моҳияти тўғрисидаги тасаввурлар кейинги уч аср давомида жамият ва давлатнинг тадрижий ривожланиши жараёнида ҳамда асосий сиёсий доктриналарни модернизациялаш давомида ривожланиб борди.

Томас Морнинг¹ “Утопия” (1516 йил) асаридан бошлаб тенглик ва адолат тушунчасига давлат тузилиши билан боғлиқ равишда қараладиган бўлди.

Жамиятнинг тенг имкониятларга эга бўлишда ижтимоий адолатсизликка доир муносабатлари давлатнинг тенгликни амалда таъминлаш масъулиятини ўз зиммасига олишни талаб этади. Шунинг учун давлат қонун йўли билан шарт-шароитларнинг тенглиги ягона мезонларини белгилайди ҳамда айрим тоифадаги одамлар ноқулай ижтимоий аҳволини қоплаш учун тенг шароитларни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш масъулиятини ўз зиммасига олади.

“Адолат” асосий тушунчаси унинг икки тури – коммутатив ва тақсимлаш адолатини ажратиб кўрсатиш имконини беради.

1. *Коммутатив адолат* – ҳуқуқларнинг расмий тенглигидир. Расмий тенгликнинг асосий ғоясини жуда қадимий принцип – “*Ҳар кимга – хизматига яраша*” ёки замонавий “*Ҳар кимга – меҳнатига яраша*” ташкил этади.

Ижтимоий сиёсатда коммутатив адолат шахсий суғурта механизмлари орқали амалга оширилади. Бунда нафақа тўлаш қўшимча ижтимоий неъматлар учун хизматлар кўрсатиш, масалан, ветеранларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун бадалар тўлашни қоплашни назарда тутати.

2. *Тақсимлаш адолати*. Ижтимоий сиёсатда тақсимлаш адолати бевосита тенглик ғояси билан боғлиқ бўлиб, алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур соҳада энг машҳур тадқиқотчилардан бири Ж.Ролз²

¹ Томас Мор (Sir Thomas More, кўпроқ Saint Thomas More сифатида танилган, 1478-1535) — инглиз ютафактери, ёзувчи.

² Жон Ролз (John Rawls, 1921-2002) — америкалик файласуф, АҚШнинг ҳозирги даврдаги сиёсати негизини ташкил қиладиган ўчки ва калкоро ҳуқуқнинг либерал-давлат концепциясининг асосчиси. Асосий асарлари: “Адолат назарияси” (“A Theory of Justice”, 1971), “Сиёсий либерализм” (“Political Liberalism”, 1993), “Халқлар қонуни” (“The Law of Peoples”, 1999)

тақсимлаш адолатига таъриф берар экан, барча ижтимоий неъматлар — эркинлик ва имконият, даромад, мулк, ўз қадр-қиммати ҳисси тенг тақсимланиши зарур деб ҳисобланган. Бунда мазкур неъматлардан қайсидир бирини ёки ҳаммасини нотекис тақсимлашга фақат ҳамманинг манфаати йўлида истисно тариқасида йўл қўйилиши мумкин.

Тақсимлаш адолати, энг аввало, иқтисодий соҳада амалдаги тенгсизликни таъминлашга қаратилган ҳамда неъматларни бойлар ва камбағаллар ўртасида қайта тақсимлашни назарда тутди. Ҳозирги вақтда тақсимлаш адолати кўпинча *ижтимоий адолат* деб юритилади.

Коммутатив адолатдан фарқи равишда тақсимлаш адолатини ташқи кучларнинг аралашувисиз амалга ошириб бўлмайди. Кимгадир ниманидир бериш учун, бу нарсани кимдандир олиш керак. Бунинг учун эса ҳокимият зарур. Давлат ўз зиммасига тақсимлаш адолатини амалга ошириш функциясини олар экан, буни қайта тақсимлаш орқали бажаради. Ана шундай қайта тақсимлаш инсоннинг мақбул турмуш тарзи, ижтимоий муҳофаза қилиниши ва энг кам миқдордаги ижтимоий неъматларга эга бўлишидан иборат ҳимоя қилиниши инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган табиий ҳуқуқларини таъминлайди.

Бироқ коммутатив адолат ғоялари тенглик принципига зид келиб қолишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Одамларнинг бири-бирдан табиатан фарқ қилиниши тенгсизлик пайдо бўлишининг бирламчи моҳияти бўлиб, буни имкониятлардаги тенглик билан тўла қоплаб бўлмайди. “Ҳар кимга — хизматига яараша” принципини амалга оширишга интилинар экан, коммутатив адолат одамларнинг табиий тенгсизлигини янада чуқурлаштиради. Ана шундай ҳолларда давлат, агар у ўзининг олдига ижтимоий мақсадларга эришиш ва ижтимоий функцияларини бажариш вазифасини кўяр экан, яъни ижтимоий давлат функциясини амалга оширишга ҳаракат қилар экан, ўз зиммасига адолатнинг турли усулларини амалга ошириш функциясини олиши мумкин.

XIX асрнинг ўрталарига келиб давлат ижтимоий функциялари ролининг ортиши билан давлатнинг ижтимоий моҳияти назарияси қайта кўриб чиқишни талаб эта бошлади. Давлатнинг янги, ижтимоий хусусиятини мустаҳкамлаб қўйиш зарурати пайдо бўлди.

1850 йилда Лоренц фон Штейн¹ томонидан киритилган “*ижтимоий давлат*” тушунчаси худди шу мақсадга қаратилган эди. Лоренц фон Штейн ижтимоий давлат барча ижтимоий синфлар ва алоҳида шахслар учун ҳуқуқлардаги мутлақ тенгликни ўз ҳокимияти воситаси билан қўллаб-қувватлаши шарт деб кўрсатган. Шунингдек, унинг фикрича, давлат барча фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққий этишига ёрдам кўрсатиши зарур, зеро бир шахснинг ривожланиши бошқа шахснинг ривожланиши шартли сифатида намоён бўлади. Ижтимоий давлат тўғрисида бевосита ана шу маънода гап боради.

“Ижтимоий давлат” атамасининг пайдо бўлиши давлатчилик табиати ўзгаришини принципиал жиҳатдан англаш бўлди. Мазкур тушунча “*Ижтимоий шартнома сифатидаги давлат*”, “*Ҳокимиятнинг олий шакли сифатидаги давлат*”дан ижтимоий функцияларни зиммасига олган давлатга ўтилишини акс эттирди.

Германияда XIX асрнинг 80 - йилларида “ижтимоий давлат” атамаси билан бир қаторда бошқа тушунча — “*фаровонлик давлати*” пайдо бўлди. “Фаровонлик давлати” сиёсати ўзининг барча фуқаролари турмушини яхшилашга йўналтирилганлигини англатарди. Бундай сиёсатнинг асосини фуқароларга ижтимоий ҳуқуқларни кафолатлаш, давлатнинг эса ўз зиммасига ижтимоий масъулиятни олиши ташкил этади.

Ижтимоий давлат принципи қатор мамлакатларнинг расмий доктринасига айланди. Бу принцип 1919 йилги Веймар республикасининг конституциясида ва Чехословакиянинг 1920 йилги конституциясида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

Германияда эса 1871 йилда тарихда биринчи марта ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалардан давлат ижтимоий сугуртаси жорий этилди. 1880 йилда ушбу давлат тиббий ёрдам кўрсатишни молиялаштиришни бошлади, 1883 йилда эса касалланиш бўйича нафақа тўлашга киришилди. Германияда 1910 йилда мажбурий пенсия сугуртаси ҳам жорий этилди.

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалардан ижтимоий сугурталаш Австрияда — 1887 йилда, Францияда — 1898 йилда, Норвегияда —

¹ Лоренц фон Штейн (Lorenz von Stein, 1815-1890) — немис фойласуфи, ҳуқуқшунос, тарихчи, иқтисодчи, “ижтимоий давлат” ғоясининг муаллифи. Асосий асарлари: “Францияда ижтимоий ҳаракатнинг 1789 йилдан ҳозирги кунгача тарихи” (“Geschichte der sozialen Bewegung in Frankreich von 1789 bis auf unsere Tage”, 1850), “Бошқарув тўғрисидаги таълимот” (“Die Verwaltungslehre”, 1865—1868), “Германияда давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги фаннинг бутуни ва эртанги кун” (“Gegenwart und Zukunft der Rechts- und Staatswissenschaft Deutschlands — Stuttgart”, 1876).

1894 йилда, Янги Зеландияда –1900 йилда, Швецияда –1901 йилда йўлга қўйилди. XIX асрнинг 70–йилларидан бошлаб иккинчи жаҳон урушига қадар Европа ва Америкадаги барча мамлакатларда давлат суғуртаси ижтимоий хавф мавжуд соҳаларни тўла қамраб олди. Давлат фуқароларнинг фаровонлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олди. Жамиятнинг барча аъзолари ижтимоий қўллаб-қувватланишдан фойдаланишлари таъминланди. Шу билан бир қаторда ижтимоий таъминот ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш давлат тизими яратилди, ижтимоий дастурларни бюджетдан молиялаштириш йўлга қўйилди, давлат ижтимоий суғуртаси сифатидаги ижтимоий сиёсатнинг янги механизмлари амал эта бошлади.

XX асрнинг биринчи чорагида кўпгина мамлакатларда ижтимоий қонунлар қабул қилинди, ижтимоий давлат принциплари жорий этила бошланди. Ижтимоий қонунчиликнинг пайдо бўлиши ҳамда унинг бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлари билан бевосита боғланиши ижтимоий нормалар ва стандартларнинг ҳуқуқий асосини яратиш заруратини туғдирди.

1930 йилда “*ижтимоий ҳуқуқий давлат*” тушунчаси пайдо бўлди. Ижтимоий ҳуқуқий давлатнинг асосий ғояси давлат томонидан фуқаро ҳуқуқларининг ижтимоий кафолатидир. Ижтимоий давлатнинг унинг ҳуқуқий моҳияти билан боғланиши давлат ижтимоий функцияларини мустаҳкамлаб қўйишда олға қараб катта қадам бўлди. Давлатнинг ижтимоий функциялари фақат ҳуқуқий асосларга эга бўлиб қолмасдан, шу билан бирга давлатнинг ўзининг ҳуқуқий асосини ҳам мустаҳкамлади.

Инсоннинг шахсий ҳуқуқлари давлат бутун ҳуқуқий тизимининг тамал тошига айланди. Давлатнинг ҳуқуқий тизими ҳокимиятни – *сайлов ҳуқуқи*, давлатнинг сиёсий табиатини – *фуқаролар ҳуқуқи*, ижтимоий мажбуриятлари ва ижтимоий функцияларини – *ижтимоий ҳуқуқлар орқали* белгилаб қўйди.

Ижтимоий давлат тўғрисидаги тасаввурларни ривожлантиришда 1942 йилда У.Бевежининг¹ Буюк Британия парла-

ментидаги “Эркин жамиятдаги иш билан тўлиқ бандлик” машҳур маърузаси асос бўлди. Ушбу маърузада “фаровонлик давлати”нинг асосий принциплари кўрсатилди ҳамда биринчи марта кафолатланган *ягона миллий энг кам даромад ғояси* илгари сурилди.

Бу мақсадларга эришишда давлатнинг ижтимоий сиёсати унинг меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан бандлигини тўла таъминлашга йўналтирилган иқтисодий сиёсати билан чамбарчас боғлиқ бўлиши зарур эди. Шу вақтдан бошлаб “фаровонлик давлати” ижтимоий давлат синонимига айланди. Мазкур босқичда “фаровонлик давлати” ижтимоий функциясининг намоён бўлиши ижтимоий хизматлар кўрсатишда ўз ифодасини топди.

Давлатнинг янги ижтимоий функцияси – ижтимоий хизматларнинг хусусияти шундан иборат эдики, давлат инсонга у томонидан турмуш кечиришнинг муайян стандартларига эришиш имконияти йўқлигини шунчаки қоплабгина қолмасдан, балки мазкур стандартларга эришиши учун шарт-шароитларни фаол шакллантириш зарур эди. Бунда давлат барча ижтимоий гуруҳлар учун тенг ижтимоий имкониятларни яратиш масъулиятини ўз зиммасига оларди. Амалда бу давлатнинг *нофаол бўлган ижтимоий сиёсатдан фаол ижтимоий сиёсатга ўтишини* англатарди.

Давлатнинг ижтимоий табиати биринчи марта Германия Федератив Республикасининг 1944 йилги конституциясида ўз ифодасини топди. Ушбу конституцияда “Германия Федератив Республикаси *демократик ва ижтимоий ҳуқуқий федератив давлат*” деб белгилаб қўйилди. Мазкур қонда амалда ҳукуматнинг инсон учун муносиб бўлган турмуш даражасини таъминлаш, барча ижтимоий гуруҳлар асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган сиёсат ўтказиш масъулиятини билдирарди. Ижтимоий давлат мақоми 1958 йилда – Францияда, 1972 йилда – Швейцарияда, 1975 йилда – Швецияда, 1978 йилда – Испания ва Туркияда жорий этилди.

Давлатнинг ижтимоий функциялари ва унинг ижтимоий мақоми қатор халқаро ҳужжатлар: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 55-моддаси, Европа Кенгаши Уставининг 1-а- ва 1-б-моддалари, 1973 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пактда мустаҳкамлаб қўйилган.

¹Уильям Генри Бевеж (*William Henry Beveridge, 1st Baron Beveridge, 1879-1963*) – инглиз иқтисодчиси. Асосий асарлари: “Ишсизлик: сановат муаммоси” (“Unemployment: A problem of industry”, 1909); “Англияда ўн иккинчи асрдан ўн тўққизинчи асргача нархлар ва иш хақи” (“Prices and Wages in England from the Twelfth to the Nineteenth Century”, 1939); “Ижтимоий суғурталаш ва уюшма хизматлари” (“Бевеж хисоботи” деб ҳам аталади) (“Social Insurance and Allied Services”, 1942). “Иш билан тўла бандлик ва эркин жамият” (“Full Employment in a Free Society”, 1944); “Иш билан тўла бандликнинг иқтисодий назарияси” (“The Economics of Full Employment”, 1944).

Мазмун жиҳатидан “ижтимоий давлат” билан “фаровонлик давлати” тушунчалари ўртасидаги яқинликка қарамасдан уларда ривожланишнинг объектив шарт-шароитлари ва давлат қурилишининг миллий амалиёти асос этгани ҳолда муайян фарқлар ҳам мавжудлигини кўрсатиш лозим.

“Ижтимоий давлат” тушунчасини талқин этишдаги фарқлар айниқса “фаровонлик давлати” тушунчаси ўрнига “ялпи фаровонлик давлати” тушунчаси пайдо бўлгандан сўнг яққол сезила бошланди.

“Ялпи фаровонлик давлати” ғояси XX аср 50-60-йилларида ривожланган давлатларда турмуш даражаси кескин ошиши асосида пайдо бўлди. Бу пайтга келиб ижтимоий хавфларни суғурталаш тизими одамларнинг ўз келажакларидаги мавҳумликни амалда тўла қоплайдиган бўлди. Давлатнинг аввалги шаклларида фарқли равишда “ялпи фаровонлик давлати” бутун аҳолига турмуш сифатининг нисбатан тенг ва юқори даражасини таъминлаш масъулиятини зиммасига олди.

Бироқ жамият барча аъзолари учун ягона фаровонликни таъминлаш режалари иқтисодий, демографик чекловлар ва суғурта механизми инқирози сабабли жиддий муаммоларга дуч келди. XX аср 70-йилларидан бошлаб кўпгина ривожланган мамлакатларда ижтимоий таъминот учун харажаталар даромадларга нисбатан юқори суръатларда ортадиган бўлди. Бу эса ҳамма жойда солиқларни ва ижтимоий таъминот тизимига мажбурий бадалларни оширишни талаб этди. Иқтисодиётга бундай босим, ўз навбатида, унинг самарадорлиги йўлида тўсиқ бўлди ҳамда мажбурий бадаллар ва солиқлар юқини камайтириш заруратини туғдирди. Оқибатда ижтимоий дастурлар ва нафақалар қисман қисқартирилди. Энг асосийси - ушбу ҳолат давлат ижтимоий сиёсатини ислоҳ қилиш заруратини туғдирди.

Молиявий муаммолар *ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг манзиллиги (танлаиши) принципининг* кенг ёйилишига сабаб бўлди. Молиявий ресурслар етарли бўлмаган, эҳтиёжлар ортадиган инқироз даврларида энг муҳтож фуқароларга нафақаларни аниқ мақсадли тақдим этиш зарурати пайдо бўлади. Ҳозирги даврда нафақаларнинг манзиллиги принципи кўпгина мамлакатларда жорий этилган. Бунда ана шу нафақаларнинг миқдори даромадлар ёки таъминланганлик умумий даражасига боғлиқ равишда ўзгариб боради.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига пенсия, нафақа, имтиёзлар, моддий ёрдам бериш, хизматлар кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Жаҳон тажрибаси ижтимоий ҳимоя тизимининг тўртта асосий таркибий қисмини ажратиб кўрсатиш имконини беради:

1. Меҳнатга лаёқатли бўлмаганлиги, иш жойи, даромад манбалари мавжуд эмаслиги сабабли ўзини-ўзи мустақил равишда моддий жиҳатдан таъминлашга қодир бўлмаган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш.

2. Давлат ижтимоий ва пенсия таъминоти. Бу иқтисодий фаол аҳолининг иш жойини йўқотиш ёки пенсия ёшига етиши билан даромаддан маҳрум бўлиш хавфидан ижтимоий ҳимоя қилиш тизими бўлиб, мажбурий ижтимоий суғурталаш шаклида амалга оширилади.

3. Ихтиёрий қўшимча (касбий) суғурталаш. Бу алоҳида тармоқлар ва корхоналар доирасида узоқ муддатли жамоа битимлари асосида амалга оширилади.

4. Фуқароларнинг ихтиёрий равишда ўзини –ўз шахсий суғурталаш.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд субъектларига қуйидаги гуруҳлар киради:

• *пенсионерлар.* Аҳолининг ушбу гуруҳи пул таъминоти ҳуқуқига эга фуқаролар бўлиб, уларнинг бу ҳуқуқи тегишли қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Муайян ёшга (эркаклар 60 ёш, аёллар 55 ёш, аёлларга нисбатан айрим ҳоллар бундан истисно) етган фуқаролар пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга.

Ногиронликнинг тегишли гуруҳи белгиланган шахслар, оила боқувчисини қарамоғидаги меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари, шунингдек, боқувчисидан ажраган болалар (14 ёшгача бўлган болалар) парвариши билан машғул шахслар, узоқ вақт муайян касбий фаолиятни бажариб келган ходимларнинг айрим тоифаси; ички ишлар идораларида ҳарбий хизматни ўтаганлар, уларнинг оилалари аъзолари ҳам аҳолининг пенсия таъминоти ҳуқуқига эга тоифасига киради.

Шу билан бирга аҳолининг бу тоифасига корхона, муассаса, ташкилотда ишлаётган пенсия олувчи фуқаролар ҳам киради. Ишлаётган пенсионерларга кексалик бўйича пенсия 50,0 % миқдорида тўланади;

• *ногиронлар.* Аҳолининг бу тоифасига жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги, турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож бўлган шахслар кириди. Бу тоифадаги шахслар ҳаёт фаолиятини чеклашга олиб келган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қилиб қўйган жароҳат ёки нуқсонлар, касалликлар бўйича аниқланади;

Организм функциясининг бузилиш даражасига боғлиқ ҳолда ва ҳаёт фаолияти чекланганлигига кўра биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги белгиланади. Ногирон болалар жисмоний ёки ақлий, сезги нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож 18 ёшгача бўлган шахслардир. 16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш тиббий-маслаҳат комиссиялари томонидан, 16 ёшдан 18 ёшгача эса – тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

• *кам таъминланган оилалар.* Улар даромадлари тирикчилик энг кам миқдоридан юқори бўлмаган оилалардир. Кам таъминланганлик (камбағаллик) чегараси мутахассислар томонидан меъёрий истеъмол саватчаси миқдоридан келиб чиқиб белгиланади. Ҳозирги вақтда янги ижтимоий-иқтисодий тизимга ўтилиши муносабати билан бу чегарани белгилаш анча мураккаб масала ҳисобланади. Кам таъминланган оилаларга кўп болали, боқувчисини йўқотган, нафақахўр оилалари кириди.

• *ишсизлар.* Аҳолининг бу тоифасига ишсиз ва даромад топиш манбаи бўлмаган меҳнатга лаёқатли фуқаролар кириди. Бу тоифадаги фуқаролар аҳолининг иш билан бандлиги ҳизматида ишсиз сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишлари талаб қилинади.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд субъектларига қуйидагилар ҳам кириди:

• ҳомиладор ва ёш болаларга қараш билан бандлиги туфайли ишламаётган аёллар;

• касаллик туфайли вақтинча ишламаётган фуқаролар;

• ўқувчи ёшлар;

• меҳнатга лаёқатсиз шахсларнинг парвариши билан банд бўлган, ишламаётган меҳнатга лаёқатли фуқаролар ҳам кириди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимида қуйидаги даражаларни ажратиб кўрсатиш қабул қилинган (7.1-жадвал):

• аҳолини давлат томонидан муҳофаза қилиш;

• аҳолини давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари томонидан муҳофаза қилиш;

• аҳолини ижтимоий бирлашмалар, шу жумладан, касаба уюшмалари томонидан муҳофаза қилиш;

• ходимларни иш берувчилар томонидан муҳофаза қилиш;

• оилавий ҳимоя ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда давлат ҳал қилувчи роль ўйнайди. Чунки бошқа институтлар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида давлат томонидан белгиланган мақсадларга эришишда давлатга кўмаклашади. Давлат аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқа институтлари билан муносабатларини *ижтимоий шерикчилик* асосида йўлга қўяди.

Меҳнат соҳасидаги ижтимоий ҳимоя халқаро ҳамжамиятда тан олинган ва давлат томонидан кафолатланадиган ходимнинг муносиб ҳаёт кечириши учун етарли физиологик, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имкониятидир.

Халқаро меҳнат ташкилоти 117-конвенциясининг 25-моддасида ходим ўзининг ҳамда оиласи аъзоларининг саломатлиги ва турмуши учун зарур эҳтиёжини қондиришга ҳақли, яъни у озик-овқат, кийим-кечак, турар-жой, тиббий хизмат ва ҳоказолар билан таъминланиш имкониятига эга бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Шунингдек, у ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, ўзи ва оиласини таъминлай олмай қолса, ишсиз ёки ногирон бўлса ҳам ижтимоий таъминланиш ҳуқуқига эга.

7.1-жадвал

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш асосий институтларининг хусусиятлари

Хусусиятлар ва механизмлар	Давлат ижтимоий ёрдами	Давлат ижтимоий ва пенсия таъминоти	Ихтиворий кўшимча ижтимоий сугурталаш	Ихтиворий шахсий сугурталаш
Тартибга солиниши	Давлат томонидан ёрдам кўрсатиш учун объектив	Сугурта стажи, ногиронлик, боқувчисини йўқотиш мавжуд	Жамоа шартнома муносабатлари асосида	Шахсий сугурталаш шартномаси асосида

	эхтиёж-нинг мавжудлиги	бўлганида		
Ташкил этиш принциплари	Бутун жамият масъулияти	Давлатнинг суғуртачи сифатидаги масъулияти	Касб гуруҳларининг ўзаро ёрдами	Фуқароларнинг шахсий масъулияти
Молиялаштириш	Бюджет маблағлари	Мажбурий суғурта бадаллари	Ходимлар ва иш берувчиларнинг суғурта бадаллари	Фуқароларнинг ихтиёрий суғурта бадаллари
Амал этиш механизми	Эхтиёжни баҳолаш	Ижтимоий хавф турлари ва молиявий имкониятларни баҳолаш	Касб хавфини баҳолаш	Шахсий хавфни баҳолаш
Бошқариш шакллари	Давлат	Давлат	Ўзини ўзи бошқариш	Хусусий суғурта компаниялари
Тўлов миқдорини белгилаш тартиби	Тўловни олувчи шахс категорияси бўйича	Меҳнат стажи давомийлиги, бадал миқдори ва тўлаш вақти бўйича	Меҳнат стажи давомийлиги	Шахсий суғурта бадал миқдори ва тўлаш вақти бўйича

Ёлланиб ишлайдиган ишчи касаллик, бахтсиз ҳодиса, кексаллик ёки унинг меҳнатига талаб камайиши сабабли меҳнатга лаёқатлилигини йўқотса (вақтинчалик ёки мунтазам равишда), унда моддий таъминланиш муаммоси юзага келади. Шу сабабли бозор иқтисодиётида ижтимоий ҳимоя жамиятнинг хўжалик фаолияти ва ижтимоий ҳаётнинг таркибий қисмига айланган. Бу тизимнинг

ташкилий-ҳуқуқий шакллари эса меҳнат жараёни ва ходим қобилиятининг такрор ҳосил бўлиши узлуксизлигини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш корхона (ташкilot), тармоқ ва ҳудуд даражасида амалга оширилади. Мазкур ижтимоий ҳимоя тизими таркиби 7.2-жадвалда келтирилган.

7.2-жадвал

Меҳнат жараёнида ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш унсурлари, механизмлари ва тизимлари

Унсурлар	Механизмлар	Тизимлар
Ижтимоий кафолатлар – миллий даражада: меҳнат, ижтимоий қонунчилик; техника хавфсизлиги ва меҳнат гигиенаси	Иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий	Давлат минимал ижтимоий стандартлари: тиббий ёрдам, касбга йўналтириш ва касбга тайёрлаш
Жамоа, ҳудудий, тармоқ ва бош келишувлардаги ижтимоий кафолатлар	Ижтимоий	Меҳнатни муҳофаза қилиш, касбий хавф-хатарнинг профилактикаси, баҳоланиши, камайтирилиши, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш
Халқаро меҳнат ташкилоти конвенция ва тавсияларидаги ижтимоий кафолатлар	Иқтисодий, ҳуқуқий	Касб касаллиги ва ишлаб чиқаришда меҳнат қобилиятини йўқотганлигини аниқлаш, тиббий, ишсизлик бўйича нафақа, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ижтимоий суғурта

Меҳнат соҳасида ходимларни ижтимоий муҳофаза этиш тизими қуйидагилардан ташкил топган:

а) меҳнат ва фуқаролик ҳуқуқи қонунчилик меъёрлари. Улар ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, иш вақти, дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, аёллар ва ёшлар меҳнатини муҳофаза этиш умумий тартибини белгилаб беради;

б) ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш механизмлари. Улар ижтимоий-иқтисодий ҳамда моддий механизмлардан иборат бўлиб, ходимларни ижтимоий муҳофаза этиш функциялари ва турларини, шунингдек, ходимлар ҳамда иш берувчилар манфаатларининг мутаносиблигини таъминлашга даъват этилган жамоа ва меҳнат шартномаларидан иборатдир;

в) юридик мақоми ҳамда иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аниқ мақсадли функцияларни бажарадиган ижтимоий муҳофаза этиш муассасалари.

Ижтимоий ҳимоя тизимида иш билан банд ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза этиш механизмлари катта аҳамиятга эгадир (7.2-расм).

Иш билан банд ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза этиш механизми куйдагилардан таркиб топган:

1) *ижтимоий- меҳнат кафолатлари:*

- иш вақти давомийлиги, меҳнат ва дам олиш вақтини, меҳнатга лаёқатли ёш чегарасини тартибга солиш;

- моддий таъминот – энг кам иш ҳақи миқдори, тариф сеткалари, вақтинча меҳнатга лаёқатни йўқотгандаги тўловлар ва ҳоказолар;

- касб таълимоти – ходимларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, меҳнат фаолияти шароитларидан хабардор қилиш.


2) *тиббий кафолатлар:*

- дастлабки ва даврий тиббий кўриклар ўтказиш;
- ишлаб чиқаришда жароҳат олганларни даволаш.

3) *компенсация – реабилитация кафолатлари:*

- ходимнинг меҳнат фаолиятини амалга ошириш пайтида соғлиғига етказилган зарарни моддий жиҳатдан қоплаш;

- ишлаб чиқаришда соғлиғига зарар етганларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилиш;



7.2-расм. Ходимларни меҳнат жараёнида ижтимоий муҳофаза этиш механизмлари

- ноқулай меҳнат шароитларидаги иш учун имтиёзлар ва компенсациялар.

4) *ташкिलий кафолатлар:*

- иш жойлардаги шарт-шароитлар ва меҳнатни муҳофаза этиш тизимини экспертизадан ўтказиш;

- ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар сабабларини текшириш.

Иш билан банд ходимларни моддий жиҳатдан муҳофаза этиш механизмлари ишлаб чиқиш муҳити, меҳнатни муҳофаза этиш, гигиена ва тиббий хизмат кўрсатишни мужассамлаштиради. Улар ходимларни меҳнат фаолияти жараёнида ижтимоий ҳимоя қилиш муайян даражасини шакллантиради.

Мазкур гуруҳ механизмларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- *ижтимоий муҳофаза қилишнинг техник механизмлари.* Бу ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражаси, иш жойларини ташкил этишнинг меҳнат хавфсизлиги талаблари ҳамда эргономика тавсияларига мувофиқлиги даражаси;

- *ижтимоий-маиший инфратузилма* – тегишли санитария меъёрларига жавоб берадиган маиший хоналарнинг мавжудлиги.

Аҳолини, шу жумладан, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишда ижтимоий шерикчилик иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар ва ўтиш иқтисодиётига эга давлатларда даромадлар сиёсатини амалга оширишда қўлланилади. Ҳукумат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари иштирокидаги уч томонлама комиссиялар ижтимоий шерикчиликнинг воситаси ҳисобланади. Мазкур комиссиялар ҳар йили иш ҳақи ва айрим ижтимоий тўловлар миқдорини тартибга солишга қаратилган битимлар тузади.

Ҳозирги даврда жаҳонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- аҳолининг ночор тоифаларига аввалги кўп сонли, жиддий аҳамиятга эга бўлмаган нафақалар тўлаш ўрнига аниқ манзилли йўналишга эга бўлган ягона нафақаларни жорий қилиш;

- ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли тоифаларига аниқлик киритиш, айти пайтда уларнинг муҳтожлик даражасини аниқлаш;

- ижтимоий соҳанинг етакчи соҳаларида (соғлиқни сақлаш, таълим, турар жой-коммунал хўжалиги) жамоатчилик секторни ривожлантириш;

- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими харажатларини давлат ва маҳаллий бюджетлар ўртасида оқилона тақсимлаш;

- ижтимоий соҳа тармоқларида хўжалик юритишнинг хусусий шакллари ва ноижорат ташкилотларини ривожлантириш;

- ижтимоий соҳани дастурий молиялашга ўтиш, молия маблағлари харажатларининг ижтимоий нормативларини ўрнатиш ва сарф-харажатлар устидан жамоат назоратини кучайтириш;

- ижтимоий буюртмани шакллантириш ва уни бажариш учун хўжалик юритувчи субъектларни жалб этиш.

7.2. Кучли ижтимоий сиёсат – инсон тараққиёти “ўзбек модели”нинг устувор йўналиши

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлатнинг ижтимоий мақоми тўғрисида махсус модда мавжуд бўлмаса ҳам Ўзбекистон моҳият жиҳатидан ижтимоий давлат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсати инсоннинг муносиб турмуш кечириши ва эркин ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида биринчи бўлиб ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини эълон қилди.

Юқорида қайд қилинганидек, Ўзбекистонга собиқ тоталитар тизимдан оғир мерос қолган. Мамлакатнинг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари собиқ иттифоқ республикари ўрталарида ҳам энг пастларидан бири эди. Шунинг учун мамлакатда бозор ислохотларига ўтишнинг дастлабки босқичида мураккаб шароитларда аҳолини ишонарли ижтимоий муҳофаза қилиш учун таъсирчан чоралар кўришга тўғри келди.

Ўзбекистонда ислохотларни амалга оширишнинг “ўзбек модели” асосида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг аниқ манзилли ва мақсадли тизими барпо этилди. У қуйидагиларга асосланган:

- фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунчилигида кафолатланган ҳуқуқларига тўла амал қилишини таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий ва институционал базалар ҳамда механизмлар;

- аҳолининг “Ўзини ўзи ижтимоий муҳофаза қилиш” салоҳиятини фаоллаштиришнинг самарали механизмлари ва шароитлари;

- объектив шарт-шароитларга кўра бозор муносабатларида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган аҳолининг алоҳида қатламлари ва категорияларини манзилли ва мақсадли ҳимоя қилишнинг норматив, институционал ва ресурс асослари.

Мазкур кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, иш берувчилар, фуқаролик жамияти институтлари иштирок этади.

Мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат органи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳисобланади. Унинг аҳолини муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- муҳтож оилалар, пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кекса фуқароларга кўрсатилаётган ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг табақаланиши ва манзиллигини кучайтиришга қаратилган ижтимоий сиёсатни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

- давлат ижтимоий сиёсатини амалга ошириш ва ижтимоий ҳимоя механизмлари амал қилиши бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

- манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кекса фуқароларга қонунчилик билан белгиланган имтиёзлар, санаторий-курортларда даволаниш учун йўлланмалар ва ҳаракатланиш махсус воситаларини тақдим этишда иштирок этади;

- манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда энг муҳим ижтимоий-меҳнат нормалари ва нормативларнинг рўйхатларини белгилайди ҳамда уларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштиради;

- Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини тадқиқ этади ҳамда уларни ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

- манфаатдор вазирликлар ва идоралар, давлат ҳокимиятининг жойлардаги органлари иштирокида давлат томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтож пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, аҳолининг бошқа ижтимоий ночор гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

- Бандликка кўмаклашиш давлат фонди маблағларини белгиланган тартибда тасарруф қилади;

- ишсизлар ва улар оилаларини Бандликка кўмаклашиш давлат фонди маблағлари ҳисобига ижтимоий қўллаб-қувватлаш таъминланишини ташкил этади;

- Бандликка кўмаклашиш давлат фонди маблағларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади;

- иш жойларининг энг кам миқдори ажратилиши масалаларини ўрганади ва таҳлил қилади ҳамда бу иш жойлари ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар томонидан эгалланишини таъминлайди;

- деҳқон ва фермер хўжаликларида иш билан банд фуқаролар, шунингдек тadbиркорларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича белгиланган ижтимоий кафолатлар ва чоралар амалга оширилишини ташкил этади;

- Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан аҳоли даромадларини тартибга солиш давлат механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

- Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда иш ҳақи, пенсиялар, нафакалар, стипендиялар энг кам миқдорини белгилаш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикасининг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизими фуқароларнинг куйидаги тоифаларини қамраб олган:

- қонунчиликка мувофиқ ногирон деб топилган шахслар, шунингдек, 18 ёшгача бўлган ногирон болалар;

- техноген ва табиий офатлар, шунингдек, ҳарбий ва миллатлараро можароларда жабр кўрганлар;

- қариллик бўйича пенсия тайинлаш учун зарур меҳнат стажига эга бўлмаган ҳамда амалдаги қонунчиликка мувофиқ моддий таъминланишлари керак бўлган шахслар томонидан бундай моддий ёрдам олмаётган 65 ёшга тўлган ёлғиз эркаклар ва 60 ёшга тўлган аёллар, шунингдек, ўзгалар томонидан парвариш қилишга муҳтож бўлган ёлғиз қари фуқаролар;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан белгилаб қўйилган даражадан кам даромадга эга бўлган айрим фуқаролар ҳамда кам таъминланган оилалар;

- кўп болалик кам таъминланган оилалардаги болалар;

- етим болалар ҳамда васийсиз қолган болалар;

- ижтимоий муҳим ҳисобланган касалликларга чалинган шахслар;

- икки ёшгача бўлган болаларни парвариш қилаётган кам таъминланган оилалардаги оналар ёки бундай она мавжуд бўлмаганда улар ўрнидаги шахслар;

- боқувчисини йўқотган оилалар, вояга етмаган болаларни тарбиялаётган бевалар;


• расмий равишда ишсиз сифатида рўйхатга олинган фуқаролар.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш шаклларида бири - ижтимоий нафақа Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги қарори билан жорий қилинган. 1990-1993 йилларда фуқаролар бундай тоифа фуқароларга ижтимоий пенсиялар берилар эди.

Нафақа тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан объектив сабабларга кўра иш ҳақи йўқотилгани, шунингдек аҳолининг айрим гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадларида тайинланади (7.3-расм).

Иш ҳақи йўқотилгани билан боғлиқ нафақаларга вақтинчалик ишга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича, ишсизлик ва бошқа шу каби ҳолатлар бўйича тўланадиган нафақалар киради.

Аҳолининг айрим гуруҳларини *ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадларида тайинланадиган нафақалар* аёллар ва болаларга бир марталик тўловлар, болаларни парваришлаш билан банд бўлган оилаларга, дафн маросими учун тўланадиган нафақалар ва бошқа тўловлар киради.



7.3-расм. Нафақа турлари

Ёш бўйича нафақалар. Ёш бўйича нафақа иш стажига эга бўлмаган, яқинлари йўқ 65 ёшга тўлган эркаклар, ва 60 ёшга тўлган аёлларга тайинланади. Ижтимоий таъминот бўлимлари текширувига кўра, нафақа сўраб мурожаат этган шахс қариндошларининг моддий ночорлиги аниқланган ҳолларда нафақа ўзларининг кекса қариндошларига моддий ёрдам кўрсата олмайдиган қариндошлар бор бўлган тақдирда ҳам тайинланиши

мумкин. Ёш бўйича нафақа тайинлаш тўғрисида мурожаат этган шахс туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига ариза, ёшнинг тасдиқловчи ҳужжат, яшаш жойидан маълумотнома, оиласининг умумий даромади тўғрисида маълумотнома тақдим этиши лозим. Фуқаронинг ҳолати ўрганилиб чиққандан сўнг унга ижтимоий таъминот бўлими томонидан нафақа тайинланади.

Ногиронлик бўйича нафақалар. Меҳнат қобилиятини доимий ёки узоқ муддатга йўқотган I ва II гуруҳ ногиронларига нафақа тайинланади ва тўланади. Фуқароларнинг меҳнат қобилиятларини йўқотганлик даражасини аниқлаш учун тиббий текширишни фақат тиббий-меҳнат эксперт комиссисиялари шаҳар ёки туман ижтимоий таъминот бўлимлари йўлланмаси бўйича амалга оширади. Ишлаб турган ёки даромаднинг бошқа манбаларига эга бўлган I ва II гуруҳ ногиронларга нафақа тўланмайди.

Боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақа. Пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган шахс вафот этган тақдирда унинг қарамоғида бўлган оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақа олиш ҳуқуқига эга.

Вафот этган фуқаронинг оила аъзоларига нафақа миқдори куйидагича белгиланади:

- оиланинг уч ва ундан ортиқ меҳнатга лаёқатсиз аъзосига – вафот этган фуқаро олган ёки олиш ҳуқуқига эга бўлган нафақанинг 100,0 %;
- оиланинг меҳнатга лаёқатсиз икки аъзосига нафақанинг – 75,0 %;
- оиланинг меҳнатга лаёқатсиз бир аъзосига нафақанинг – 50,0 %.

Боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақа тайинлашда туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига боқувчисининг вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома ва болаларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар нусхаси тақдим этилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси. Нафақанинг бу тури куйидаги ҳолларда бериледи:

- вақтинча меҳнатга қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда;
- санаторий-курортларда даволанганда;
- касалланганда оила аъзосини парваришлаш зарур бўлганда;
- карантинда;

- сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;

- меҳнат қобилиятини тиклаш ёки протез қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ўтказилганда.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш учун белгиланган тартибда берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик (касаллик) варақаси асос бўлади. Нафаканинг бу тури меҳнат қобилияти йўқотилган биринчи кундан то у тиклангунга ёки тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан ногиронлик белгилангунга қадар берилади.

Ишлаётган ногиронларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа меҳнатда майибланиш ҳодисалари ёки касб касаллигидан ташқари кетма-кет икки ойдан ва календарь йилда уч ойдан ошмаган муддатга берилади. Ишлаётган имтиёзли жиҳатдан иккинчи жаҳон уруши ногиронларига тенглаштирилган ногиронларга, Чернобил АЭСдаги фалокат ёки унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ишларни бажариш билан боғлиқ сабабларга кўра ногирон бўлган шахсларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси кетма-кет тўрт ойгача ёки календарь йилда беш ойгача берилади. Агар ишлаётган ногироннинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги туфайли юз берса, нафақа у тўла соғайгунча ёки меҳнатда майибланиш ёхуд касб касаллиги билан ногиронлик гуруҳи қайта кўриб чиқилгунга қадар тўланади. Сил касаллиги оқибатида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа шахс тўла соғайгунга қадар, лекин кўпи билан 10 ойга берилади. Ходим сил касаллиги билан қайта касалланганда ёки сил касаллиги оқибатида ногирон деб топилганда нафақа кўпи билан 6 ойга берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик қуйидаги даврларга тўғри келганда нафақа тўланмайди:

1. Иш ҳақи сақланмаган таътил.
2. Болани парваришлаш бўйича таътил.
3. Иш вақтинча тўхтатилганда.
4. Ходим иш (лавозим)дан четлаштириб, меҳнат ҳақи тўлаш тўхтатиб қўйилганлиги сабабли ишламаганда.

5. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олиш муносабати билан берилган қўшимча таътилда.

Булардан ташқари, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ишдан ёки бошқа вазифалардан бўйин товлаш мақсадида

ўз саломатлигига атайлаб зиён етказган ёхуд ўзини касалликка солганда; гиёҳвандлик ёки мастлик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида, шунингдек, спиртли ва гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилиш натижасида касалликка чалинганда; жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланганда; суд қарори асосида мажбурий даволанишга юборилганда; ҳибсда бўлган даврда; суд-тиббиёт экспертизасидан ўтиш даврида берилмайди.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан қатъий назар иш ҳақининг 100,0 % миқдоридан ишлаётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига; байналминал жанчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга; қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга; Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари ва хавfli ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга; меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатда яроқсиз бўлган ходимларга тўланади.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, хавfli ўсимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, ОИТС, мохов касаллиги, руҳий касалликлар) бўйича ҳисобга турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий сугурга бадаллари тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги миқдорда тўланади:

- умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга иш ҳақининг 100,0 % миқдоридан;
- умумий иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 80,0 % миқдоридан;
- умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60,0 % миқдоридан.

Умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган етимларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси меҳнат ҳақининг 80,0 % миқдоридан; умумий иш стажи 8 йилгача бўлган ходимларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси меҳнат ҳақининг 60,0 % миқдоридан тўланади.

Умуман, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа барча ҳолларда белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақидан юқори бўлмаслиги лозим.

Касалъанган оила аъзосини парваришлаш зарур бўлганда бериладиган нафақа. Уч ёшгача бўлган болани ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болани парваришлашда банд бўлган она касал бўлиб, болани парваришлашга қурби етмай қолган ҳолларда, парвариш билан банд бўлган, ишлаётган бошқа оила аъзолари ёки қариндошларига меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан нафақа берилади. Оиланинг касал бўлган аъзосига қараш бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бемор бировнинг парваришига муҳтож бўлган, лекин 7 календарь кунидан ошмаган давр учун берилади. 14 ёшга етмаган бемор болага қараш учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси болага парвариш керак бўлган, ammo 14 календарь кунидан ошмаган давр учун берилади.

Ҳомиладорлик ва туққандан кейинги даврлар бўйича нафақа. Ҳомиладорлик ва туққандан кейинги даврлар таътили сифатида аёлларга туққанига қадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кундан иборат (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортик бола туғилган ҳолларда – 70 календарь кун) таътил берилади. Бу нафакани тайинлаш ва тўлаш учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади ҳамда кўрсатилган барча давр учун тўланади. Олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини тамомлаган ва ишга юборилган аёлларга ишни бошлагунга қадар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида нафақа аёл ишга келиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади. Ишни вақтинчалик тўхтатиш ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олиш муносабати билан берилган қўшимча таътил даврида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилган ҳолда, нафақа кўрсатилган давр тугагандан кейин аёл ишга чиқиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади. Ходим йшлик таътилда ва болани парваришлаш учун таътилда бўлган вақтда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилганда, нафақа ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча кунлари учун берилади. Болани парваришлаш бўйича таътил даври учун нафақа таъриф ставкасидан (лавозим маошидан) ва таътил бошланишидан олдинги 12 ой мобайнида олинган мукофотларнинг ўртача ойлик суммасидан ҳисоблаб чиқарилади. Бунда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси очилган кунига бўлган тариф ставкаси жойларда белгиланган туман коэффициентини ва устамаларни ҳисобга олган ҳолда олинади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа, шу жумладан, айрим ҳолларда, яъни меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилингандан кейин бир ой ичида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ёки ҳомиладорлик ва туғиш таътили бошланган бўлса, нафақа яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан иш ҳақининг 100,0% миқдорида берилади.

Бола туғилганда бериладиган нафақа. Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида берилади. Иш ҳақига коэффициент қўлланиладиган туманларда нафақа ушбу коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ишлаётган аёлларга ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида таҳсил олаётган аёлларга бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тегишлича иш ёки ўқиш жойидан тўланади. Ишламайдиган ва ўқимайдиган ота-оналарга бола туғилганда бериладиган нафақа ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади. Агар аёл ҳомиладорлик бўйича таътил даврида ишдан бўшаб, шу давр мобайнида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа олган бўлса, бир марталик нафақа умумий асосларда берилади. Бола ўлик туғилган ҳолларда нафақа тўланмайди.

Қўшимча дам олиш кунини учун нафақа. Бу нафақа ногирон боласини тарбиялаётган ишловчи ота-онанинг бирига бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий сугуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш кунини берилади.

Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа. Дафн этиш маросими учун нафақа ходим ёки унинг қарамоғида бўлган куйидаги оила аъзолари вафот этганда берилади:

- турмуш ўртоғи;
- 18 ёшга тўлмаган ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсиз (ёшидан қатъи назар) болалари, ака-укалари ва опа-сингиллари;
- ота-онаси;
- бобоси ёки бувиси.

Ходим вафот этганда дафн этиш маросими учун нафақа оила аъзоларига ёки дафн ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида берилади. Ишламайдиган пенсионер вафот этган тақдирда дафн этиш

маросими учун нафақа унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдориди, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан кам бўлмаган миқдориди тўланади. Аёлнинг ҳомиласи тушган ҳолларда дафн этиш маросими учун нафақа берилмайди.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун нафақа, агар унга сўнгги иш ҳақи тўланган кундан бир ойдан кўп вақт ўтмаган бўлса берилади. Олий, ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларида таҳсил олаётган шахслар, мактаблар, малака ошириш институтлари ўқувчилари ёки уларнинг оила аъзолари вафот этганда, агар улар курсларга, мактабларга, институтларга корхона томонидан юборилган бўлсалар ва уларнинг ўқиш давридаги иш ҳақи тўла ёки қисман сақланиб қолган бўлса, дафн этиш маросими учун нафақа энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдориди берилади.

Ишсизлик бўйича нафақа. Қонунда белгиланган тартибда ишсиз деб тан олинган фуқароларга ишсизлик бўйича нафақа берилади. Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун ишсизлик нафақаси олдинги иш жойидаги охириги бир йилги ўртача иш ҳақига фоиз нисбатида белгиланади. Бошқа ҳолларда ишсизлик нафақаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига фоиз нисбатида белгиланади. Қарамоғида 16 ёшга тўлмаган болалари ва бошқа кишилар бўлган ишсиз шахсларга нафақа миқдори 10,0 % га оширилади. Иш ҳақига коэффициентлар белгиланган жойларда яшовчи шахсларга тайинланадиган ишсизлик нафақаси миқдорлари уларнинг шу жойларда яшаган даври учун мазкур жойда ишлаб чиқариш бўлмаган тармоқларнинг ходимларига белгиланган коэффициентни қўллаган ҳолда аниқланади. Ишсизлик нафақаси давлат бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан тайинланади.

Ишсизлик нафақасининг қуйидаги турлари фаркланади:

1. Биринчи марта иш қидираётган шахсларга мўлжалланган ишсизлик нафақаси;

2. Узоқ танаффусдан кейин иш қидираётган шахсларга мўлжалланган ишсизлик нафақаси.

Биринчи марта иш қидираётган шахсларга мўлжалланган ишсизлик нафақаси илгари ишламаган ва ишсизлик нафақаси олиш

ҳуқуқига эга бўлган шахсларга маҳаллий меҳнат органи томонидан касбга тайёрлаш ёки ишга жойлашиш имконияти берилмаган тақдирда, уларда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг камида 75,0 % миқдориди нафақа тўлаш кафолатланади.

Узоқ танаффусдан кейин иш қидираётган шахсларга мўлжалланган ишсизлик бўйича нафақа узоқ (бир йилдан ортқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган ишсиз фуқароларга тўланади. Бу қуйидаги тарзда амалга оширилади:

- мутахассислиги бўлган шахслар учун, шунингдек, 12 ой мобайнида ҳақ тўланадиган иш билан бандлиги 12 календарь ҳафтадан кам бўлмаган шахслар учун, агар уларнинг ишга жойлашиши учун касбга қайта ўргатиш ёки малакасини ошириш талаб қилинмаса, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда;

- бошқа ҳолларда, шу жумладан, мутахассислиги бўлмаган шахсларга, маҳаллий меҳнат органи томонидан касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш имконияти берилмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 75,0 % миқдориди.

Ишсиз деб эътироф этилган шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- ишсиз шахс зарур касб малакасига эга бўлмаганлиги туфайли унга мақбул келадиган иш танлаш мумкин бўлмаса;

- ишсиз шахснинг касб кўникмаларига мос келадиган иш йўқлиги сабабли унинг касбини ўзгартириш зарур бўлса;

- ишсиз фуқаро аввалги касби бўйича иш бажариш қобилиятини йўқотган бўлса.

Ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ўқув юрларида меҳнат органларининг йўлланмалари бўйича давлат бандликка кўмаклашиш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Иш берувчи томонидан тўланадиган нафақа. Нафақанинг мулкчилик шаклидан ва ҳўжалик юритиш усулидан қатъий назар, иш берувчилар корхонада (ташкilotда) меҳнат шартномаси тузиш асосида ёлланиб меҳнат қилувчи ходимларига тўланадиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган, бир йўла бериладиган нафақа

хисобланади. Ходим ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодиса ёки бошқа хил шикастланиш туфайли соғлигига зарар етганда, шунингдек, у касб касаллигига чалиниш туфайли саломатлиги ёмонлашганда, иш берувчи унга бир йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлайди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги туфайли ходим вафот этган тақдирда иш берувчи унинг қарамоғида бўлган шахсларга олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда нафақа тўлайди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги туфайли соғлигига зарар етган ёки вафот этган ходим қарамоғида бўлган фуқароларга нафақа тўлаш шартлари ва тартиби, нафақанинг аниқ миқдори тегишли қонун ҳужжатларида, жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларида, бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланади.

Ўзбекистонда меҳнат соҳасида ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда 2008 йилги “Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини мажбурий давлат ижтимоий суғурталаш тўғрисида”ги ҳамда 2009 йилги “Иш берувчиларнинг фуқаровий масъулиятини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунилари катта аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, “Иш берувчиларнинг фуқаровий масъулиятини мажбурий суғурталаш тўғрисида”ги қонунда ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқа тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлигини белгиланган шартлар асосида ва тартибда суғурталаши шарт эканлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда аҳолининг ночор қатламларига ижтимоий ёрдам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар орқали берилади.

Ўзбекистонда ижтимоий хизмат кўрсатиш турларига қуйидагилар киради:

- ногиронларни “Мурувват” уйларига, ёлғиз қарияларни “Саховат” уйларига жойлаштириш;

- муҳтожларни протез-ортопедия ва ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш;

- ногирон болаларни касбга ўқитиш ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш;

- пенсионерларни санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш;

- қонунда белгиланган тартибда муҳтожларга турар жой, маиший хизмат тўловлари ва солиқлар имтиёзлар бериш.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра, пенсиянинг қуйидаги уч тури мавжуд:

- ёшга доир пенсия;

- ногиронлик пенсияси;

- боқувчисини йўқотганлик пенсияси.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эрақлар 60 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрдаги “2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлар Дастури тўғрисида”ги 459-сон Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатга мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Қунончи:

- ёшидан катъий назар пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг 1-сон рўйхати (кон саноатидаги етакчи касб эгалари, бевосита ерости ва очик кон ишларида тўлиқ иш кунини давомида банд бўлган ходимлар, учувчилар ва учувчи-синувчилар таркибига кирувчи ходимларнинг хизмат муддати – эрақларда 20 йил, аёлларда 15 йил бўлганда);

- умумий белгиланган ёшни 10 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 2-сон рўйхати (ерости ишларида, меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш кунини давомида банд бўлган ходимлар, цирклар ва концерт ташкилотлари артистларининг айрим тоифалари ижодий ишдаги стажи камида 20 йил бўлган тақдирда);

• умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, вазифалар ва кўрсаткичларнинг 3-сон рўйхати (уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар, қишлоқ хўжалиги ходимларининг айрим тоифалари, авиация муҳандис техниклари таркибининг ходимлари, шаҳар йўловчилар ташиш транспорти ҳайдовчилари, беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ҳамда уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар, экология фалокати минтақасида ишлаган фуқаролар, ижтимоий таъминот тизимининг қариялар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган ходимлар).

Ўзбекистонда ногиронларга нисбатан олиб борилаётган ижтимоий сиёсат уларнинг ҳаётда ва жамият тараққиётида фаол қатнашиш имкониятларини кенгайтиришга, моддий аҳволини яхшилашга қаратилган. Ҳаёт фаолиятининг бузилиши даражасига қараб биринчи, иккинчи ногиронлик гуруҳи белгиланади.

Биринчи гуруҳ ногиронликни белгилаш учун касалликлар, жароҳатлар, тугма нуқсонлар оқибатида организм ҳаёт фаолиятининг яққол кўриниб турган чекланишлари асос бўлади.

Биринчи гуруҳ ногиронлик қуйидаги ҳолларда белгиланади:

• ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракат қилиш ёки ўз хулқ-атворини назорат қилиш (ўқиш, муомала қилиш, ҳаракатланиш), шунингдек, меҳнат фаолиятида қатнашиш мумкин бўлмаган, бу эса ўз навбатида бошқаларнинг доимий парваришига, ёрдамига ёки назоратига эҳтиёж сезишга олиб келадиган, тўла ижтимоий мослашувчанликни йўқотиш ҳолларида (тетраплегия, оғир тетрапарез, оғир сурункали психозлар, инкурабел хатарли ўсмалар);

• ҳаракат қилиш, ўзига ўзи хизмат қилиш, ўқиш ёки муомала қилиш, ўзини идора қилиш, ўз хулқ-атворини назорат қилиш, шунингдек, оддий ишлаб чиқариш шароитида меҳнат фаолиятида қатнашиш анча қийинлашгани оқибатида, агар кўрсатилган бузилишлар доимо ўзгаларнинг парвариши, ёрдами ёки назорати зарурлигини тақозо этувчи анча яққол кўриниб турган ижтимоий мосланувчанликни йўқотиш ҳолларида (оёқларнинг доимий фалажи, ҳар икки қўлнинг чўлтоқлиги, яъни ҳар икки панжадаги ҳамма бармоқларнинг йўқлиги, юқоридан учдан бир даражада ҳар икки соннинг чўлтоқлиги, бутунлай кўрмаслик).

Иккинчи гуруҳ ногиронлик қуйидаги ҳолларда белгиланади:

• саломатлигининг ҳолатига кўра меҳнат фаолиятида қатнаша олмаслик оқибатида анча яққол кўриниб турган ижтимоий мослашувчанликни йўқотишда ёки меҳнат фаолияти таъсирида касаллик кечишининг ёмонлашиши, оғир асоратлар пайдо бўлиши хавфи туғилганда, шунингдек, муомала қилиш, ўзини идора қилиш, ўқиш, ўз хулқ-атворини назорат қилишга яққол қийналишда, аммо ўзгаларнинг ёрдамига, парваришига ёки назоратига эҳтиёж бўлмаганда (юракнинг клапан аппарати шикастланганлиги ёки қон айланишининг II- ва III-даражали доимий бузилгандаги миокард, тез авж олувчи, тез-тез кризисларга мойил иккинчи босқич гипертония касаллиги, ўпка циррози, такрорий миокард инфаркти, қисқа вақт ичида такрорланган инсульт, яқин масофани кўролмаслик);

• оғир сурункали касалликлар, таянч-ҳаракат аъзоларининг ўзаро боғлиқ нуқсонлари ва кўриш қобилиятини анча йўқотиш оқибатида яққол кўриниб турган ижтимоий мослашувчанликни йўқотганда, шунингдек, муомала қилиш, ўзини идора қилиш, ўқиш, ўз хулқ-атворини назорат қилиш ҳамда оддий шароитдаги меҳнат фаолиятида қатнашиш қийин бўлганда, аммо ўзгаларнинг ёрдамига, парваришига ёки назоратига эҳтиёж бўлмаганда (овқатланишнинг камайиши ва қисқа муддатли ремиссиялар кўриниб турган язва касаллигининг оғир шакли, захарланиш, тез-тез зўрайиб турадиган бронхоэктатик касаллик, тез-тез хуруж қиладиган тутқаноқ касаллиги, кадам босишни бир мунча бузиб турадиган оёқ парапарези).

Ногиронлик пенсиялари меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотилган қуйидаги ҳолларда тайинланади:

• меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда;
• умумий касаллик (иш билан боғлиқ бўлмаган шикастланиш, майиблик, болалиқдан ногиронлик) туфайли.

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъий назар тайинланади. Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қуйидагича иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади.

20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилганидан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан қатъий назар тайинланади.

Агар ногиронликни келтириб чиқарувчи жароҳатланиш, захарланиш, иссиқ уриши, куйиш, совуқ уриши, чўкиш, электр токи ёки яшин уриши, шунингдек, табиий офатлар ёки авариялар туфайли саломатликнинг бошқача шикастланиши меҳнат вазифасини бажаришда, корхона, ташкилот ҳудудида содир бўлса, ногиронлик меҳнатда майибланиш туфайли содир бўлган деб ҳисобланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиялари. Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бундан ташқари, ўқувчилар 18 ёшга тўлгунга қадар боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эгадир.

Пенсиялар туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланиб, унинг миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, пенсиянинг таянч миқдори, иш стажи учун пенсиянинг оширилиши ва пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан таркиб топади.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан пенсияларнинг қуйидаги таянч миқдорлари белгиланган:

- ёшга доир тўлиқ пенсия учун – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55,0 %, лекин расмий белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100,0 % миқдорида;

- ва 2-гурух ногиронларига ногиронлик пенсияси учун – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55,0 %, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100,0 % миқдорида;

- 3-гурух ногиронларига ногиронлик пенсияси учун – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30,0 %, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50,0 % миқдорида;

- оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30,0% лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50,0 % миқдорида;

- ота-онасидан жудо бўлган болаларга ёки вафот этган ёлғиз онанинг болаларига, ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30,0 %, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100,0 % миқдорида.

Таъкидлаш жоизки, тўлиқ давлат таъминотида турган етим болаларга боқувчисини йўқотганлик пенсияси энг кам ойлик иш ҳақининг 100,0 %, ота-онасининг биридан ажралган ва тўлиқ давлат таъминотида турган болаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50,0 % миқдорида пенсия тўланади.

Саховат уйларида яшовчи ёлғиз қариялар ва ногиронларга пенсия билан улар таъминоти учун сарф-харажат ўртасидаги фарқ, лекин тайинланган пенсиянинг камида 10,0 %, уруш ногиронларига эса камида 20,0 фоизи тўланади.

2004 йилда Ўзбекистонда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига асос солинди. Натижада 2005 йил 1 январдан бошлаб иш билан банд жисмоний шахсларнинг даромад солиғини камайтириш ҳисобига улар иш ҳақининг 1,0 % шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадаллар сифатида ўтказила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакат пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш имконини берди.

Ҳозирги вақтда пенсия ва нафақаларни тайинлаш, уларнинг тўловини мониторинг қилиш, ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги янгидан ташкил этилган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда. Унинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб қўйилган:

- фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил этиш;
- фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация тўловлари ва бошқа тўловларни тайинлаш, уларнинг миқдорларини қайта ҳисоблаб чиқиш;
- жамғарма ҳисобварақларида мажбурий тўлов, бадаллар ва бошқа тўловларни жамлаш;


- пенсиялар ва бошқа тўловларнинг тўлиқ ҳамда молиялаштирилиши ва тўланишини ташкил этиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;

- фуқароларнинг пенсия таъминотига доир маблағларини қатъий мақсадли ишлатилишини таъминлаш.

2011 йил давомида мамлакатда 2 млн. 946 мингдан ортиқ фуқароларга пенсия ва нафақалар тўлаб берилди. Бунинг учун Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан 6,03 трлн.сўм миқдоридан маблағ ажратилди.

Ўзбекистонда пенсия ва нафақалар миқдори муттасил ошириб борилмоқда. Хусусан, 2011 йилнинг ўзида пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори икки марта: 1 августдан -1,15 ва 1 декабрдан 1,1 мартага оширилди.

2012 йилнинг 1 январидан эса меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасига мувофиқ амалдаги “0” разряди ўрнига 1 разряд (155790 минг сўм) этиб белгиланиши даромади кам аҳолининг реал даромадларини 2,47 мартабага ошириш имконини берди.



7.4-расм. Ўзбекистон Республикасида пенсия ва нафақа олувчиларнинг таркиби (умумий сонига нисбатан % ҳисобида)

Мамлакатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг пенсия ва ижтимоий нафақалар орқали қўллаб-қувватлашдан ташқари улар учун қатор имтиёзлар ҳам жорий қилинган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ давлат пенсияси

тайинланган I ва II гуруҳ ногиронлари, ёлғиз пенсионерлар, боқувчисини йўқотган кшп болали оилалар, шунингдек, шахсий пенсионерлар ер солиғи тўлашдан озод қилинадилар. Бундан ташқари I ва II гуруҳ ногиронлари ва пенсионерлар қонунчиликда белгиланган солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида мулк солиғи тўлашдан озод этилганлар. Ёлғиз пенсионерлар, шу жумладан, ногиронлар, шахсий пенсионерлар ҳар ойда коммунал тўловлари бўйича имтиёзлар ўрнига энг кам иш ҳақининг 45,0 % миқдоридан компенсация тўловларини олишмоқда. Айрим тоифадаги фуқаролар пенсияларига давлат олдида кўрсатган хизматлари учун энг кам иш ҳақининг 0,5 баробаридан 3,0 баробаригача ҳар ойлик устамалар белгиланган.

7.3. Маҳалла – Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ноёб институти

Инсон тараққиёти вазифаларини бажаришда давлат тузилмалари билан бир қаторда бизнес, фуқаролик жамияти институтлари зиммаларида ҳам катта масъулият бор. Давлат жамиятсиз ҳамма мавжуд ижтимоий муаммоларни тўлиқ ҳал эта олмаслиги аёндыр.

Шунинг учун давлат ҳокимиятнинг марказий органлари асосий эътиборларини инсон салоҳиятини шакллантиришга йўналтирилган тармоқларни ривожлантиришнинг стратегик масалаларига қаратадиган бўлса, жорий ижтимоий муаммоларни ҳал этиш давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вазифаларидир.

Ўзбекистонда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси изчил амалга оширилган экан, бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллага алоҳида ўрин берилган.

Маҳалла – ўзини ўзи бошқариш тизимининг халқимизга хос ноёб тизимидир. Истиқлол йилларидагина у Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таърифи билан айтганда “таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси”, “ҳақиқий демократия дарсхонаси”, айнаи вақтда “она юрт рамзи”, “халқ виждони”га айланди.

Маҳалла – Ўзбекистонда маъмурий-ҳуқуқий бирлик, ўзини ўзи бошқаришнинг миллий анъаналар ва кадрларга хос усулидир.

Тарихий манбаларнинг далолат беришича, милoddан аввалги учинчи асрдан милодий бешинчи асрнинг бошларигача Паркана (Фарғона) давлатида оксоколлар кенгаши амал этган. Кенгаш ваколатига сулҳ тузиш, вазирлар таркибини белгилаш, солиқлар белгилаш, фуқароларни жамоат ишларига сафарбар қилиш ва бошқа вазифалар кирган.

Адабиётларда маҳалларининг кўп мингйиллик тарихга эга эканлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Жумладан, Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида Бухорода X асрда бир қанча маҳаллалар бўлгани қайд этилган. Алишер Навоӣ эса “Ҳайрат ул-аброр” асарида “Маҳалла - шаҳар ичидаги шаҳарча” эканлиги баён этилган. Амир Темур салтанатида маҳаллалар фуқароларнинг касб-корлари асосида шаклланган ва шунга қараб номланган. Заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, пичоқчилик, қошиқчилик, темирчилик, эгарчилик, такачилик ва ҳоказо маҳаллалар мавжудлиги ана шу билан изоҳланади.


Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг давлатчилигимиз тарихида биринчи марта “маҳалла” тушунчаси Асосий Қонунимизга киритилиб, жамият бошқарувидаги ўрни ва конституциявий мақоми катъий белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси ҳамда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунга биноан маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлди.

Янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти таркиби органларига кирмаслиги кўрсатилди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролар йиғинлари, шунингдек шаҳар маҳаллаларидан иборат (7.5-расм).

Маҳалла институтининг тикланиши ва ривожлантирилиши миллий ва умуминсоний қадриятлар - дўстона қўшничилик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтож одамларга ғамхўрлик қилиш, ёшларни ватанпарварлик, жамият олдидagi ўз бурчи ва жавобгарлигини теран англаш руҳида тарбиялаш мақсадларига хизмат қилмоқда. Маҳалла том маънода озод ва обод Ватан барпо этиш, халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган демократик ислохотларни амалга ошириш мустақкам таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг 9773 та ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда.



7.5-расм. Қишлоқ, овул, шаҳар маҳалласи фуқаролари йиғини ташкилий тузилмаси

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари – очиклик, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга эга вазифаларни ҳал этишда мустақиллик, ижтимоий ўзаро ёрдамдир. Мазкур органлар ҳокимиятнинг барча даражадаги ваколатли органларига сайловларда фаол иштирок этади, ўзлари ҳам сайлов асосида шаклланади. Ҳар икки ярим йилда фуқаролар йиғинларининг раислари (оксоколлар) ва улар маслаҳатчиларининг сайловлари бўлиб ўтади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мамлакатда амалга оширалаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришда фаол иштирок этади. Авваллари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатига кирган 30 тадан ортиқ вазифа бугун маҳаллалар томонидан бажарилмоқда. Бу вазифаларга, жумладан, қуйидагилар киради:

- ўз ҳудудларини комплекс ривожлантириш, ободонлаштириш ва санитария аҳволини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлаш;

- қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, шунингдек, ўз қарорлари бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича мунтазам ҳисоботларини эшитиш;

- ҳудудларида жойлашган корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида ҳисоботларини эшитиш;

- кам таъминланган оилаларга уларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- ўз ҳудуди ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида жамлаш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш;

- ўз ҳудудида яшайдиган фуқароларнинг иш билан бандлигига кўмаклашиш, жумладан, оилавий бизнес ва касаначиликни ташкил қилиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашиш;

- тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар бериш;

- ҳашарлар ташкил этиш ва ҳоказолар.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг ўрни ва аҳамияти тобора ортмоқда. Ҳозирги вақтда жамоат фонди таркибида 14 та ҳудудий бўлим, 196 та туман ва шаҳар бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда. Улар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан биргаликда бозор иқтисодиёти шароитларида маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ривожлантиришга салмоқли ҳиссаларини кўшмоқда. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ташаббуси билан умумхалқ ҳашарлари ўтказилмоқда, маҳаллаларни ободонлашти-

риш, фуқаролар йиғинлари марказларини қуриш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. У фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига катта амалий ёрдам кўрсатмоқда. Жумладан, 3600 дан ортик фуқаролар йиғинлари замонавий компьютерлар, мебель ва зарур инвентарлар билан жиҳозланди. Маҳаллаларнинг фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, ҳудудларни ободонлаштириш учун 4 миллиард сўмдан ортик маблағ йўналтирилди.

Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишни марказсизлаштириш тажрибаси Ўзбекистон учун ҳосилдир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 437-сон қарорига асосан вояга етмаган (16 ёшгача болалари бўлган, шунингдек, академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача болалари бўлган) оилаларга нафақа ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади ва тўланади (7.3-жадвал).

2006-2010 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган фарзандлари бўлган оилалардан нафақа тайинланган оилалар сони 324,7 минггага ёки 20,4 % га камайган. Бу даврда 2-18 ёшгача фарзанди бўлган оилалардан нафақа олувчилар улуши 32,7 % дан 20,7 % гача камайган. Бироқ ушбу даврда вояга етмаган фарзандлари бўлган оилаларга тайинланган ойлик нафақа миқдори 19,4 минг сўмдан 56,9 минг сўмгача ёки 2,93 мартага ортган.

7.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида маҳаллалар орқали вояга етмаган фарзандлари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш¹

Кўрсаткичлар	Йиллар					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши	
	2007	2008	2009	2010	2011	+	%
Нафақа	1591,5	1588,3	1585,1	1581,9	1266,8	-	79,6

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари // <http://www.mehnat.uz>.

олувчилар сони, мингта оила						324,7	
2-18 ёшгача фарзанди бўлган оилалардан нафақа олувчилар улуши, %	32,7	30,6	28,7	26,9	20,7	-12,0	-
Ўртача ойлик нафақа миқдори, минг сўм	26,0	34,8	46,6	56,9	78,4		

Мамлакатда ишламаётган оналарни ижтимоий ҳимоя қилишга ҳам катта эътибор берилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 33-сон қарорининг қабул қилинганлиги бунинг яққол исботидир. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ишламаётган оналарга болани иккй ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинланади ва тўланади.

Бола парваришlash учун нафақа, парваришлайётган болалар сонидан ва нафақа олувчи шахснинг меҳнат стажидан қатъи назар, ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200,0 % миқдоридан тўланади (7.4-жадвал).

2006-2010 йилларда республика бўйича ишламаётган оналардан 2 ёшгача фарзандни парвариш қилиш бўйича нафақа олувчилар сони 264,7 мингтага ёки 35,3 % га камайган. Шу билан бирга, бу даврда 2 ёшгача фарзанди бўлган ишламаётган оналардан нафақа олувчилар улуши 61,3 % дан 33,0 % га камайган. Бироқ, ушбу даврда 2 ёшгача фарзанди бўлган ишламаётган оналарга тайинланган ойлик нафақа миқдори 32,0 минг сўмдан 99,0 минг сўмгача ёки 3,1 мартага кўпайган.

7.4-жадвал
Ўзбекистон Республикасида маҳаллалар орқали ишламаётган оналарга 2 ёшгача фарзандни парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш¹

Кўрсаткичлар	Йиллар					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши	
	2007	2008	2009	2010	2011	+,-	%
Нафақа олувчилар сони, мингта оила	750,9	689,6	633,3	581,6	486,2	-264,7	64,7
2 ёшгача фарзанди бўлган ишламаётган оналардан нафақа олувчилар улуши, %	61,3	54,3	48,1	42,6	33,0	-28,3	-
Ўртача ойлик нафақа миқдори, минг сўм	42,5	56,6	75,3	99,0			

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага энг муҳтож қатламларидан бири – бу кам таъминланган оилалардир. Республикада кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли қароридан кам даромадли оилаларга ҳар ойлик моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига юклатилган. Ҳар ойлик моддий ёрдам оиллага 3 ой муддатга тайинланади ва энг кам иш ҳақининг ўша вақтда амалда бўлган 1,5 дан 3 мартагача миқдоридан белгиланади.

2006-2010 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси бўйича моддий ёрдам олган кам таъминланган оилалар сони 221,0

¹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва иқтисодий ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари // <http://www.mehnat.uz>.

мингтадан 165,4 мингтагача ёки 25,2 % га камайган. Бу даврда тайинланган моддий ёрдамнинг ойлик миқдори 11,9 минг сўмдан 72,4 минг сўмгача ёки 6,1 мартага кўпайган (7.5-жадвал).

7.5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида маҳаллалар орқали кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш¹

Кўрсаткичлар	Йиллар					2010 йилда 2006 йилга нисбатан ўзгариши	
	2006	2007	2008	2009	2010	+,-	%
Моддий ёрдам олувчи оилалар сони, мингта	221,0	214,5	208,2	202,1	165,4	-55,6	74,8
Жами оилалар сонига нисбатан моддий ёрдам олувчилар улуши, %	3,3	3,2	3,1	3,0	2,4	-0,9	-
Ойлик моддий ёрдам миқдори, минг сўм	11,9	12,0	12,1	56,9	72,4	60,5	608,4

Умуман, бугунги кунда давлатнинг ижтимоий соҳаларга харажатларининг 6,0 % га яқини маҳаллалар орқали кам таъминланган оилаларга тақсимланмоқда. Мазкур механизм халқаро экспертларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолининг айрим гуруҳларига (ногиронлар, ёлғиз пенсионерлар, пенсия тайёрлаш учун зарур стажга эга бўлмаган ёлғиз қари фуқаролар, етим болалар, кам таъминланган оилалардаги болалар ва бошқалар) қишқи кийим-кечак, ўқув қуроллари бепул тарқатилади, ўзгалар парваришга муҳтож бўлган ёлғиз қари фуқаролар патронажи амалга оширилишига ёрдам кўрсатилади,

¹ Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари // <http://www.ishlat.uz>.

муҳтож фуқароларнинг турар жой-коммунал ва бошқа харажатларини қоплаш бўйича чоралар кўрилади.

Маҳалланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеидан 2011 йилда “Ижтимоий фикр” маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқот натижалари ҳам яққол далолат бериб турибди. Маълум бўлишича, фуқаролар маҳаллаларга ўз шахсий муаммоларини ҳал этиш (сўровда иштирок этганларнинг 51,0 %), ижтимоий ёрдам сўраб (40,0 %), ўз оиласи, маҳалласидаги баҳсли масалаларни ҳал этиш (13,4 %), турли тadbирларни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш (12,7 %) тўғрисида мурожат қилишади. Энг эътиборлиси, бу мурожатларнинг аксарият қисми ижобий ечимини топмоқда. Социологик тадқиқотда иштирок этганларнинг ярмидан кўпроғи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштини ижобий баҳоладилар. Фуқароларнинг аксарият кўпчилиги (90,9 %), маҳалла ўзларининг ва оилаларининг ҳаётида жуда муҳим роль ўйнашини кўрсатдилар.

Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этаётганлиги кўрсатилган.

Бу вазифани ҳал қилиш учун “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бу маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тadbиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш мақсадларига қаратилган.

Маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизминини яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ҳам мўлжалланган.

Назорат учун саволлар

1. Ижтимоий сиёсатда коммутатив ва тақсимлаш адолати қайси механизмлар орқали амалга оширилади?
2. Ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг асосий институтлари функциялари нималардан иборат?
3. Ижтимоий давлат дейилганда нима тушунилади?
4. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат механизмларининг асосий йўналишлари нимадан иборат?
5. Аҳолининг ночор категориялари таркибига кимлар киради?
6. Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизими қандай амал қилади?
7. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш юзасидан қандай вазифалар юклатилган?

УЧИНЧИ ҚИСМ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ

8-БОБ. “ҲАММА НАРСА ИНСОН УЧУН, ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН”

8.1. Мустақилликка эришиш ва инсон тараққиёти миллий моделининг ишлаб чиқилиши

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш мураккаб шароитларда олиб борилди. Ички сиёсатда ёш мустақил давлатимизга бир йўла икки янги давлатчиликни шакллантириш ва кенг кўламли чуқур сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни ўтказиш муҳим вазифаларини ҳал этиш билан боғлиқ эди.

Режали иқтисодиёт ва бозор иқтисодиёти – мутлақо ўзгача, бир-бирига асло мос келмайдиган хўжалик тизимларидир. Шу сабабли режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига қисқа муддатда ўтишнинг имконияти йўқ. Амалга оширилаётган ислохотлар мавжуд хўжалик механизмини модернизация қилиш ёки такомиллаштиришни эмас, балки эски бир ҳолатдан иккинчи, сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтиш мақсадига йўналтирилган эди.

Ўзбекистонда *бозор иқтисодиётини шакллантириш муаммолари* мамлакатнинг қуйидаги ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан белгиланар эди:

- мураккаб демографик вазият ва айниқса, қишлоқ жойларида аҳолининг ҳаёт даражасининг пастлиги;
- иқтисодиёт тармоқларининг асосан хомашёга йўналтирилганлиги;
- ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланмаганлиги;
- макроиқтисодий сиёсатни амалга оширишда иқтисодий имкониятларнинг чекланганлиги;
- иқтисодиётда маҳсулот асосий турларини ишлаб чиқарадиган йирик корхоналарининг бозордаги монопол ҳолати сақланиб қолганлиги;
- бозор муносабатлари субъектлари сонининг етарли эмаслиги;

- мамлакатнинг айрим минтақаларида экологик вазиятнинг кескинлашганлиги;

- бозор инфратузилмаларининг ривожланмаганлиги ва аҳолининг янги шароитларда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун зарур иқтисодий-ҳуқуқий тайёргаликка эга эмаслиги.

Юқорида қайд қилинган муаммоларни ҳал этиш учун, энг аввало, мамлакатда ишлаб чиқилган *ривожланиш концепциясининг* ҳуқуқий асосларини яратиш талаб этиларди. Яъни янги суверен давлат мақомини конституциявий жиҳатдан мустақкамлаб қуйиш, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ривожланиш йўлининг қонуний асосларини яратиш, янги жамият қуриш, янгилашиш ва тараққиётнинг ўз конституциявий моделини ишлаб чиқиш керак эди.

1992 йилнинг декабрида қабул қилинган *Ўзбекистон Республикаси Конституциясида* бу ўзининг тўлиқ ва мукамал ифодасини топди. Мамлакатнинг Асосий Қонунида:

- конституциявий ғоя ва нормалар ўзбек халқининг чуқур бой тарихининг негизига асосланган, унда буюк аجدодларимизнинг қўп асрлик тажрибаси ва маънавий қадриятлари, бой тарихий ҳуқуқий меросига таянган;

- жаҳон мамлакатларининг ижобий ва илғор конституциявий тажрибаси ҳисобга олинган;

- халқаро стандартларга асосланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизми кўзда тутилган.

Мустақил Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципаал қоидаларини мужассам этган ҳолда, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустақкамлади, фуқароларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Мазкур ҳужжатда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, сиёсий партияларнинг эркин фаолияти, қўлпартиявийлик тизимининг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳуқуқий асос яратилди, сайлов тизимининг асосий тамойил ва механизмлари тасдиқланди, сайлов эркинлиги, одамларимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги қафолатлари, ҳар бир фуқаронинг ҳокимиятнинг вакиллик

органларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи мустақкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонун устуворлиги, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципи белгилаб берилди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шarti бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизи яратилди.

Мамлакатнинг Асосий Қонуни Миллий истиқлол ғояси ва умумбашарий қадриятларнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган ҳолда, миллий анъаналар, она тили, халқнинг бебаҳо қадриятлари ва маданий мероси тикланишини таъминлади, инсоннинг маънавий камол топиши ва ҳар томонлама камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Конституция миллий, қўпукладли иқтисодиёт асосларини мустақкамлади, ўзини окламаган, бутунлай касодга учраган марказлашган маъмурий-тақсимот тизимидан эркин бозор иқтисодиётига қатъият билан ўтиш учун шароит яратиб, хусусий мулкнинг устуворлигини белгилади.

Ўзбекистонда ислохотларни инқилобий усулда, яъни “шок терапияси” йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечилди, тадрижий тараққиёт йўли – “*ўзбек модели*” танлаб олинди. “Ўзбекистонда қабул қилинган ўзига хос ислохот ва модернизация модели орқали биз ўз олдимизга узок ва давомли миллий манфаатларимизни амалга ошириш вазифасини қўяр эканмиз, энг аввало, “шок терапияси” деб аталган усулларни бизга четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини-ўзи тартибга солади, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик, - деб таъкидлаган шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов. – Маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, “Янги уй қурмасдан туриб, эскисни бузманг” деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик”¹.

¹ Каримов И.А. Жаҳон моликий-иқтисодий инқилови. Ўзбекистон шароитида уни барқарор этиштириш йўллари ва чоралари. –Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б.7.

“Ўзбек модел”нинг моҳияти давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодийetni мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир.

Мазкур принциплар ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти мақсадлари – инсон манфаатлари устуворлигига асосланган. Ислохотларнинг иқтисодий соҳадаги энг асосий вазифалари қаторида ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, тажрибалар ва иқтисодий янгилликларни рағбатлантириш, иқтисодий омиллар воситасини ишга солиш, мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шакллари – ширкат, давлат, хусусий ҳамда бошқа шакллари ҳуқуқий тенглигини қарор топтириш, иқтисодиётда яққа ҳокимликка барҳам бериш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини кенгайтириш, давлатнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашувидан воз кечиш, бозорни тартибга солишда иқтисодий воситаларга устунлик бериш белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда *ижтимоий йўналтирилган бозор* – давлат томонидан тартибга солиб туриладиган бозор эканлиги қондаси асосида иш тутилди. Яъни давлат мураккаб ўтиш даврида иқтисодиёт, айниқса, унинг асосини белгилайдиган тармоқлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, нарх-наволарни тартибга солиб туриш, солиқ солиш ва қарз беришда имтиёзлар яратиш, шунингдек бевосита ёрдам кўрсатиши талаб этилади. Шу билан бирга бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат иқтисодий эркинликларнинг кафолати бўлди, бозор институтларини яратиш учун қулай шароит таъминлади, ишбилармонлик тузилмалари шаклланиши ва ривожланишини дастаклади, аниқ мақсадга қаратилган тузилма сиёсатини амалга оширди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатда *иқтисодий ислохотлар* (иқтисодиётни барқарорлаштириш ва таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, банк-кредит тизимини шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, солиқ тизими, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва ҳоказолар) *демократик ўзгартиришлар* (демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва ҳоказолар) билан бирга қўшиб олиб борилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишда, биринчи навбатда, *ислохотларнинг ҳуқуқий асосини* мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Иқтисодиётнинг турли соҳалари субъектларининг ҳуқуқлари ва иқтисодий эркинлик борасидаги мақомини белгилаб берадиган қонунлар қабул қилинди. Корхоналар тўғрисидаги, кооперация тўғрисидаги, деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир.

Бозор муносабатларининг қарор топишини давлат томонидан тартибга солиш тизимида иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган корхоналар ва фуқароларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари механизмни солиқлар тизими орқали белгилаб берадиган қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилинди. Корхоналар банкрот бўлишининг қонун йўли билан эътироф этилиши айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор ислохотлари *миллий иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни* амалга ошириш жараёнида қуйидаги ҳаётий муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилди:

- мамлакат иқтисодий мустақиллигини, айниқса, ғалла ва ёқилги-энергетика мустақиллигини таъминлаш;
- аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ғоят муҳим маҳсулот ва товарларга эҳтиёжларини уларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали қондириш;
- иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш;

- бой минерал-хомашё ресурслари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш орқали миллий иқтисодиётнинг бир тарафламали йўналишига барҳам бериш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш;

- мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва ривожлантириш, ташқи иқтисодий алоқаларда ижобий балансга эришиш, мамлакат олтин-валюта захираларини мустаҳкамлаш;

- меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигини таъминлаш, прогрессив технологиялар, тарихий анъаналар ва аҳоли кўникмаларига жавоб берадиган янги иш ўрнилари яратиш;

- тармоқлараро ва тармоқлар ичидаги, шунингдек, ҳудудий номутаносибликни бартараф этиш, мамлакат ҳудудларида ишлаб чиқариш кучларини жадал ривожлантириш, уларни оқилона жойлаштириш ҳамда бошқа устувор вазифаларни ҳал этиш.

Амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатда иқтисодий муносабатларда, айниқса, *мулкчилик*да туб ўзгаришлар рўй берди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат дастурларининг изчил ҳаётга татбиқ этилиши кўп укладли иқтисодиётни шакллантирди. Бу жараёнлар меҳнат жамоаларининг манфаатларини ҳисобга олган, ижтимоий адолат принципларига қатъий риоя этилган ҳолда, давлат ва жамоатчиликнинг бевосита назорати остида, тасдиқланган маҳсул дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширилди.

Ўзбекистонда *мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш* бир неча босқичда амалга оширилди. 1992-1993 йилги *биринчи босқич* – “*кичик хусусийлаштириш*”да уй-жой, савдо ва умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналари хусусийлаштирилди. Бу босқичда давлат корхоналарини очик турдаги акциядорлик жамиятларига айланттиришга киришилди. Хусусийлаштиришга аҳоли ва чет эл инвесторларини кенгрок жалб этиш чоралари амалга оширилди. Очик турдаги акциядорлик жамиятлари мулк эгаларининг таркибини кенгайтириш ҳисобига давлат ихтиёридаги акциялар кескин қисқартирилди. Шу билан бирга қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк бозорлари ташкил этилди, давлат мулкни сотиш бўйича ким ошди савдолари мунтазам ўтказила бошланди.

Хусусийлаштиришнинг 1995 йилда бошланган *иккинчи босқич*да саноатнинг асосий тармоқлари: ёқилги-энергетика, кон

саноати, машинасозлик ва пахтани қайта ишлаш комплексларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари кенг тус олди.

Умуман мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида (1994-2010 йилларда) мамлакат бўйича 30731 та корхона ва объект хусусийлаштирилиб, уларнинг 21,5 % акциядорлик жамиятларига айланттирилди, 78,5 % эса хусусий мулк сифатида сотилди.

Шу билан бирга республикада бозор инфратузилмалари шаклланди, фонд, товар хомашё, кўчмас мулк биржалари фаолият кўрсатишга киришди. Бозор ислохотлари тадбиркорлик учун кенг йўл очиб берди. Мулкчиликнинг турли шакллари, эркин ва ҳалол рақобат миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий принципига айланди. Айни пайтда давлатнинг иқтисодиётга аралашishi жиддий равишда чекланди.

“Ўзбек модели”да кўзда тутилган кучли ижтимоий сиёсат инсоннинг муносиб турмуш кечириши ва эркин яшашига тегишли шарт-шароитларни яратишни назарда тутди. Ўзбекистон – ижтимоий адолат давлатидир. Шу сабабли давлат бош ислохотчи сифатида меҳнат фаолиятига лаёқатсиз бўлган фуқаролар, ногиронлар, етимлар, кўп болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайди. Дунёвий бозорга ўтиш шароитларида давлат жамиятни тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган ижтимоий-сиёсий сиёсатнинг асосий йўналишларини ўзи танлайди. Давлат бу сиёсатни амалга оширар экан, биринчи навбатда халқнинг энг муҳим ҳаётий манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Хар қандай адолатли жамият ва давлат ижтимоий жиҳатдан ночор аҳолига қандай муносабатда бўлишига қараб баҳоланади. Давлат ва жамият фуқарони ўз ҳимояси остига олиши, унинг меҳнат фаолияти ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларини таъминлашиши шарт.

Кучли ижтимоий сиёсат адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонидир. Иқтисодиётни соғломлаштириш, қонун устуворлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ижтимоий барқарорликнинг мустаҳкам асосини яратади.

Ўзбекистонда бозор ислохотларини амалга ошириш жараёнида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бир неча босқичларни ўз ичига олади.

Мамлакатда *ўтиш даврининг биринчи босқичи* - 1991 йилдан 1990 – йилларнинг ўрталаригача бўлган даврни қамраб олди. Ана шу босқичда Ўзбекистон тараққиётининг стратегик модели ва ислохотлар асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишга киришиш ислохотларнинг асосий натижаси бўлди. Мазкур даврда қуйидаги стратегик мақсадлар белгилаб олинди:

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, миллий бойлик ортиши жадал суръатларини, одамларнинг муносиб турмуш шароитларини таъминлайдиган иқтисодий тизимни яратиш;

- кўпукладли иқтисодиётни шакллантириш, инсоннинг мулкдан маҳрум этилишига барҳам бериш, хусусий мулкни ташаббускорлик ва тадбиркорликни ҳар тарафлама ривожлантиришнинг асоси сифатида давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш;

- корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, давлатнинг уларнинг хўжалик фаолиятига бевосита аралашинидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг буйруқбозлик-маъмурий усулларига барҳам бериш, иқтисодий механизм ва рағбатлардан кенг фойдаланиш;

- одамларда янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш, улар дунёқарашларини ўзгартириш, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятидан мустақил самарали фойдаланиш имкониятларини яратиш.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти концепцияси халқ фаровонлигини ошириш қондаларига асосланади. Ўзбекистонда бозор муносабатларга ўтишнинг биринчи босқичида даромадларни шакллантириши соҳасида либерал сиёсат ўтказиш хусусияти кўзга ташланади, яъни бу вақтда аҳоли пул даромадлари устидан назорат кучайтирилмади. Шу билан бирга аҳоли жамланма даромадларида субсидияларнинг салмоғи катта бўлганлигини қайд этиш лозим. Фуқаролар томорқаларини кенгайтириш тўғрисида қарор қилинганлиги аҳолининг натурал даромад янги манбаларини шакллантиришга хизмат қилди. Ушбу даврда аҳолининг салмоқли қисмига томорқалар ажратилиб, бозор иқтисодиётига ўтишнинг машаққатли оқибатлари бирмунча юмшатилди.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистонда 1990-йиллар биринчи ярми давомида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши иш билан бандлик даражаси камайишига сабаб бўлди. Давлатнинг бу

муаммони корхоналарга субсидия ажратиш орқали ҳал қилишга уриниши инфляция жиддий равишда ортишига олиб келди. Бу эса аҳоли реал даромадларини сезиларли даражада камайтирди. Айни пайтда бюджет маблағларининг етишмаслиги аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини кескин камайтирди, ёшларни олий ва ўрта махсус таълим муассасаларга қабул қилиш ҳам қисқарди.

Иқтисодиёт ва бошқа соҳалардаги инқирозли кўринишлар инсон тараққиётига салбий таъсир кўрсатди: камбағаллик кўламлари, аҳолининг касалланиши ортди, умр кўриш ўртача давомийлиги ўсмай қолди, талабалар сони камайиб, уларни ўқитиш сифати ёмонлашди, республикадан малакали мутахассисларнинг чет элларга жўнаб кетиши каби салбий ҳолатлар кузатилди. Шу билан бир қаторда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати туфайли Ўзбекистонда мазкур оқибатларнинг кўлами, шунингдек, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг камайиши Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бошқа мамлакатларига нисбатан камроқ бўлди.

Ўзбекистон – ёшлар мамлакатидир. Ҳозирги вақтда республикада 18 ёшгача бўлган ёшлар 10,4 млн. нафардан ортигини ташкил этади. Улар мамлакат умумий аҳолисининг тахминан 40,0 % ни, 30 ёшгача бўлганлар эса – 17,2 млн. нафарни ёки 64,0 % ни ташкил этади. Мамлакат келажаги, тараққий этиши бу ёшларга боғлиқлиги ҳисобга олинган ҳолда уларнинг замонавий билимларни эгаллашларини таъминлаш давлат ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишидир.

Собик тузумдан сақланиб қолган таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари мамлакатнинг хўжалик юритишнинг бозор тизимига ўтишига тайёр эмасликларини кўрсатди. Жумладан, таълим тизимида марказлаштирилган иқтисодиёт учун хос бўлган қуйидаги камчиликлар мавжуд эди:

- қатъий марказлаштирилган дастурлар, дарсликлар, ўқитиш услуб ва услубиятлари. Таълим муассасалари ва ўқитувчилар тасдиқланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳамда дастурлардан бошқа дарсликлар, ўқув қўлланмалари ёки дастурлар бўйича ўқита олмасди;

- таълим жараёни билим даражаси ўртача бўлган ўқувчиларга қаратилар эди, айниқса, қобилиятли болалар ва истеъдодли ёшлар

учун мўлжалланган таълим дастурлари бўйича ўқитиш механизмларидан етарлича фойдаланилмасди;

- бутун таълим жараёни мактаб ўқувчилари ва талабаларни пассив субъектларига айлантирар эди. Ўқитишнинг фаол шакллари ва мустақил иш турларидан деярли фойдаланилмасди;

- таълим ўқувчиларда мустақил фикрлашни ривожлангирмас, мактаб ўқувчилари ва талабаларга давлат томонидан белгиланган мафкуравий ақидалар мажбуран сингдирилди эди. Мукобил ёндашув ва мафкура ҳақидаги билимга рухсат этилмасди;

- умумий мактаб таълими ва касб-хунар таълими дастурлари ўртасида изчиллик йўқлиги туфайли ўрта умумтаълим мактабларини битирувчиларда зарур касбий йўналиш ва меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланмасди. Ўсмирлар ва қизлар ўз қобилияти, истаги, ижодий ва меҳнатга мойиллигига мос келадиган касбни танлашда жиддий қийинчиликларга дуч келарди.

Аслида Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши биланок ушбу соҳаларни тубдан ўзгартириш имконияти йўқ эди. Қарор топган вазиятни чуқур баҳолаш, муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш йўллари топиш, тегишли норматив-ҳуқуқий асосга эга бўлган тизимли ислохотларнинг моделларини ишлаб чиқиш талаб этиларди.

Бевосита шунинг учун ўтиш даври мамлакатда таълим ва соғлиқни сақлаш тизими учун тайёргарлик босқичи вазифасини ўтади. Шунга қарамасдан ушбу босқичда ҳам бу соҳа тизимларини қисман ислоҳ қилиш чоралари кўрилди. Хусусан, таълим тизимининг асосий муаммолари ва зиддиятлари, жамиятда иқтисодий ва сиёсий туб ўзгаришларга мос келмаслиги тушунилди ҳамда аниқланди. Тайёргарлик босқичида таълим соҳасидаги тизимли ислохотлар қатор сабаблар туфайли бирданга бошланмади:

биринчидан, ушбу босқичда таълим тизимини ислоҳ қилишда ўз аксини топиши шарт бўлган янги жамиятни иқтисодий ҳамда сиёсий ислоҳ қилишнинг яхлит концепцияси ҳали шаклланмаган эди;

иккинчидан, амалдаги таълим тизими муаммо ва зиддиятларини аниқлаш, таълимнинг жаҳонда энг яхши моделларини ўрганиш ва шуни ҳисобга олган ҳолда, миллий таълим ғояси ва моделини шакллантириш учун вақт керак эди;

учинчидан, 1996 йилгача давом этган иқтисодий таназзул пайтида таълим тизимини ислоҳ қилиш учун зарур молиявий ресурслар йўқ эди.

Тайёргарлик босқичида - 1992 йилда «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинди ва умумий 9 йиллик бепул ҳамда мажбурий базавий ўрта таълим қонунлаштирилди. Ушбу қонун нафақат давлат, балки хусусий ўқув юртларида ҳам таълим олиш, шунингдек, экстернат тартибда, яъни ўзи тайёрланиб имтиҳон топшириб, таълим олиш имкониятини белгилади.

Мамлакат тарихида илк бор олий таълим ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқитиш услубиётини ўзи танлаш ҳуқуқига эга бўлди. Шу билан бирга давлат таълим стандартларини жорий қилишга ҳаракат қилинди. Ўқув юртларида янги ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, дидактик материаллар жорий этилди. Таълимнинг барча босқичида бошқарув тизими қисман қайта ташкил этилди ва янги таълим муассасалари барпо этилди. Касб-хунар-техника таълимида меҳнат бозорини шакллантириш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, биринчи навбатда, кишлоқ жойларида касб-хунар мактаблари, касб-хунар лицейлари ва бизнес-мактаблар очилди.

Олий таълимда кадрларни тайёрлаш марказизлаштирилди. Тошкентдаги олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилиш қисқартирилди, мамлакат ҳудудларида эса янги олий таълим муассасалари ташкил этилиб, таълим олиш имкониятлари кенгайтирилди. Кадрлар тайёрлашнинг аввал мавжуд бўлмаган йўналишлари бўйича университетлар, жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ислоҳ университети ташкил этилди. Олий мактаб кадрлар тайёрлаш бўйича икки поғонали тизимга ўтди.

Шу билан бирга мазкур босқичда 9 йиллик мажбурий ва икки йиллик ихтиёрий умумий ҳамда ўрта таълим тўғрисидаги қонунда амал қилиши сақланиб қолган эди. Бундай ёндашув ўрта мактабда таълим жараёнининг сифати ва мукамаллигига салбий таъсир кўрсатди.

Мактабларнинг турли сабабларга кўра ўқишни давом эттирмаган кўпчилик 9-синф битирувчилари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бундай болаларда касбий малака йўқлиги ва ёшининг чекланганлиги туфайли (16 ёшгача бўлган болалар меҳнатидан фойдаланиш қонун бўйича тақиқланган эди) уларнинг тўлақонли меҳнат фаолияти билан шуғулланишни бошлаш имконини

бермасди. Натижада 15–16 ёшли аҳолининг 10,0 % га яқини меҳнат фаолияти билан шуғулланишдан маҳрум эди. Бу меҳнат бозорида жиддий муаммоларга сабаб бўлди. Аксарият ҳолларда меҳнат бозорига нафақат ўзининг касбий хислати, балки маънавий жиҳатдан тизимли меҳнатга тайёр бўлмаган ёшлар ноқонуний кириб кела бошлади. 1997 йилда меҳнат бозорига қўлида ҳеч қандай хунари йўқ 103 минг нафар ёки 21,5 % 9-синф битирувчиси келди (1991 йилда бу кўрсаткич атиги 5,4 % эди). Мактабни тамомлагач, иш топа олмаган ёшлар сонининг кўпайиши жамият хавфсизлигига таҳдид соларди.

Ушбу даврда таълим тизимидаги жиддий муаммолар молиявий ресурслар етишмаслиги билан боғлиқ эди. Бу эса тизимдан малакали кадрларнинг кетиб қолиши, таълим сифати, дарсларга қатнашиш даражасининг тушиб кетишига сабаб бўлди.

Таълим соҳасини молиялаш миқдорининг камайиши ҳамда ўқитувчилар иш ҳақи ва турмуш даражасининг кескин тушиб кетиши оқибатида ўқув муассасаларида меҳнатга қизиқиш сусайди, малакали педагоглар бошқа фаолият соҳалари, кўпроқ тадбиркорлик ва савдога ўтиб кетди. Айниқса, мактаб таълими тизимида янги педагог кадрлар оқимининг кескин камайиши ва ўқитувчиларнинг етишмаслиги сезиларди. Масалан, Ўзбекистонда 1990 йилда ушбу соҳада ишламайдиган олий маълумотли педагог кадрлар сони 31,5 минг киши, 1994 йилда 42,8 минг кишини ташкил этди. 1994 йилда 23 минг педагог кадрлар етишмасди, уларнинг 20 минги умумтаълим мактабларига тўғри келарди.

Ўқув юрглари молиялаш миқдорининг камайиши ўзи ночор моддий-техника базанинг қашшоқлашишига, бинолар, асбоб-ускуналар, шу жумладан, лаборатория ускуналарининг жисмонан эскиришига олиб келди.

Маблагларнинг етишмаслиги мактаб ўқувчиларини янги дарсликлар билан таъминлаш имкониятларини ҳам чеклаб қўйди. Масалан, 1994 йилда Ўзбекистонда 10 нафар ўқувчининг ҳар иккинчисида дарсликлар тўлиқ етишмас эди¹.

Бу босқичда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам айрим янгиликлар рўй берди: даромадларни диверсификация қилиш, хўжалик ҳисоби, пуллик хизматлар кўрсатиш жорий этила бошланди.

Шунга қарамасдан соғлиқни сақлаш тизимларини ўзгартириш бўйича кўрилган чоралар ҳам инсонни ривожлантиришни жиддий равишда яхшилаётгани олмади. Бу, энг аввало, иқтисодиётдаги инқирозли ҳодисалар оқибати эди.

Ислохотларнинг *иккинчи босқичида* (1990-йилларнинг ўрталари – XXI аср боши) аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва унинг манзиллигини таъминлаш бўйича жиддий ислохотлар амалга оширилди.

Мазкур давр кадрлар тайёрлаш янги миллий сиёсатини шакллантириш ва ҳаётга татбиқ этишининг бошланғич босқичи бўлди. Таълим тизимининг мавжуд салоҳияти асосида уни ислох этишининг ҳуқуқий, кадрлар, илмий методик ва молия-моддий шароитларини яратиш бошланди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган бошқа мамлакатлари қатори Ўзбекистон олдида турган ҳам асосий муаммолар қуйидагилардан иборат эди:

- таълимнинг барча босқичларини бозор иқтисодиёти тамойиллари ва глобал талабларга мувофиқ самарали ислох қилишни таъминлайдиган янги бошқарув тизимини ташкил этиш;

- таълим тизимининг юқори самарадорлигини таъминлаш учун соҳага етарлича маблағ ажратиш имконини берадиган янги молиялаш принципларини жорий этиш;

- жамият ва иқтисодиётда ўрта, ўрта махсус ва олий ўқув юргларида тайёрланадиган юқори малакали кадрларга бўлган талабни рағбатлантириш, ўқитувчи касбининг обрўсини ошириш;

- таълимга доир ёндашувларни тўлиқ қайта кўриб чиқиш, мафқуралаштириш ва сиёсатлаштириш принципларидан воз кечиш, таълим тизимининг ижтимоий йўналишини қучайтириш, бунда таълимнинг мерос қилиб олинган мустаҳкамлиги ҳамда кучли техник йўналишини йўқотмаслик;

- таълим тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Ўзбекистон ҳукумати ушбу муаммоларни чуқур англаган ҳолда, 1996 йили собиқ иттифок миқёсида биринчи бўлиб таълимнинг бутун тизимини босқичма-босқич ислох қилишни назарда тутадиган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқди ва тасдиқлади.

¹ Ўзбекистонда таълим: талаб ва таълиф муносиблиги // Инсон тармоқини тўғрида маъруза. – Т.: БМТ ривожланиш дастури, 2007/2008. – Б.25–28.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX-сессиясида таълим тизимида эришилган даража ва ахволни танқидий таҳлил қилди, ушбу соҳадаги туб ўзгаришларнинг стратегик йўналиш-ларини белгилаб берди. Аввало, таълим мазмун-моҳияти, умуман таълим жараёни «советлар даврида таълим соҳасида кенг ёйилган мафкуравий кўрликдан тўлиқ халос бўлмагани»¹ таъкидланди. Айниқса, бу муаммо ижтимоий-гуманитар, эстетика фанларини ўқитиш, тарбиявий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда уларнинг мазмун-моҳиятига салбий таъсир кўрсатди.

1992 йилдаги «Таълим тўғрисида»ги қонунга мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалий чора-тадбирлар ўқитиш мазмун-моҳияти ва узлуксиз таълим тизимини ташкил этиш ўртасидаги ўзаро яқин боғлиқликни таъминлаш муаммосини ҳал этмади. Бу борада чуқур илмий изланиш, умумий ўрта таълимнинг у ёки бу босқичида қатор ўқув фанларини ўқитишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш таъминланмади. Таълим мазмун-моҳиятининг изчиллиги, ворисийлиги, таълим олаётган ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишнинг асосий дидактик принциплари бузилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ушбу босқич бошида қабул қилинган, инсоннинг мактабгача ёшидан пенсия ёшигача узлуксиз таълим олишини йўлга қўйиш, 9 йиллик таълимнинг мажбурийлиги ва бепуллиги, умумтаълим мактаблари 9-синфларини тугаллаганларни 3 йиллик бепул мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими билан қамраб олиш ҳамда олий таълимнинг икки даражали тизимини жорий этишнинг негизи вазифасини ўтади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тизимига илк бор янги, аввал мавжуд бўлмаган босқич — уч йиллик бепул мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълиминини жорий этди. Бу босқич умумий ўрта таълимни ёшларни касбий тайёрлаш босқичи билан мантиқан боғлади. Шу тариқа мактабда олинган билим ва ишлаб чиқаришда ишлаш бўйича амалий тажриба ҳамда кўникмалар ўртасида мавжуд бўлган тафовутни бартараф этиш учун шароит яратилди.

Узлуксиз таълим миллий моделини амалга ошириш йўналишлари ва чоралари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни давлат ва нодавлат таълим муассасалари асосида ягона ўқув-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида босқичма-босқич ривожлантириш, рақобат муҳитини шакллантириш;

- таълим тизимини жамиятда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат куриш билан боғлаш;

- таълим тизими муассасаларини юқори малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш, педагогик фаолият нуфузи ва ижтимоий мақомини ошириш;

- мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, маданият, техника ва технологиялардан келиб чиқиб, узлуксиз таълим тузилмаси ва мазмун-моҳиятини қайта ташкил этиш;

- таълим сифати, таълим муассасалари аттестациядан ва рўйхатдан ўтказишни баҳолашнинг ҳолис тизимини жорий этиш;

- таълимнинг талаб этилган даражаси ва сифати, таълим тизимининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитда фаолият юритиши, барқарор ривожланиши ҳамда устуворлиги кафолатини таъминлайдиган меъёрий, моддий-техника ҳамда ахборот базасини ташкил этиш;

- таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш;

- таълим тизимини молиялашни такомиллаштириш, бюджетдан ташқари, жумладан, хорижий инвестицияларни амалиётга жалб қилишнинг механизмларини жорий этиш.

Белгиланган бу вазифанинг яқуний мақсади — халқнинг бой интеллектуал мероси, умумбашарий кадриятлар, замонавий маданият, иқтисодиёт, илм-фан, техника ва технологиялар ютуқлари асосида узлуксиз таълимнинг мукамал тизимини ташкил этиш, баркамол авлодни шакллантиришдир.

Узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг *уч босқичи* ажратиб кўрсатилди:

- *биринчи босқич (1997-2001 йиллар)* — узлуксиз таълим тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаган ҳолда, уни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар, илмий-услубий, молиявий-моддий шароит яратиш;

- *иккинчи босқич (2001-2005 йиллар)* — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини кенг қўламда амалга ошириш, тўпланган

¹ Каримов И.А., Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиёти пойдевори. — Т.: «Ўзбекистон», 1997. — Б. 17.

тажриба, меҳнат бозорини ривожлантириш ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар ҳисобга олинган ҳолда унга аниқлик киритиш;

- *учинчи босқич (2005 йил ва ундан кейинги йиллар) - узлуксиз таълим тизимини таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.*

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг дастлабки босқичида фаолиятининг қонуний асосларини ислоҳ қилишга доир кенг қўламли ишлар бажарилди. Таълим барча турларининг фаолият кўрсатиши принципларини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Таълим муассасаларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш, ўқув-услубий тўпламлар, дарсликлар яратиш дастури тасдиқланди.

Кейинги босқичларда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича тўпланган тажриба ҳисобга олинган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқув режалари ҳамда дастурлари такомиллаштирилди, дастурлар кўрсаткичларига тузатишлар киритилди.

2006 йилда мамлакатда *Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури* қабул қилинди. Унда қуйидагилар назарда тутилган эди:

- мактаб таълими ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш, янги замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратиш;

- умумтаълим мактаблар ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тизимини ўзгартириш, мактабларда моддий рағбатлантириш бўйича махсус директор жамғармасини ташкил этиш;

- мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги мактаблар қуриш, мавжудларини капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларни замонавий ўқув ускуналари билан жиҳозлаш, жумладан, ҳамма жойда компьютер синфларини ташкил этиш;

- мамлакатда болалар спорти тизимини, жумладан, умумтаълим мактаблар тизимида ҳам ривожлантириш.

Мустақилликнинг биринчи йилларида Ўзбекистонда мавжуд 8300 та мактабнинг 3525 таси мослаштирилган биноларда жойлашган эди. Ўтган 20 йил мобайнида янги 1559 та мактаб барпо

этилди, 8000 тадан кўпроқ мактаб таъмирланди. 2010 йилга келиб умумтаълим мактабларининг 71,0 % фан лабораторияларига эга бўлди. 1990 йилда эса мазкур кўрсаткич атиги 16,4% ташкил этарди. Умумтаълим мактабларининг аксариятлари компьютер синфларига эга, мактаб ўқувчиларининг учдан бир қисми спорт билан мунтазам шуғулланади (8.1-жадвал).

2011 йилда энг замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган, 46,3 мингдан ортиқ ўқувчига мўлжалланган яна 166 та янги мактаб қурилди ва реконструкция қилинди, 151 та мактаб капитал таъмирланди. 852 та мактабда замонавий ўқув компьютер синфлари ташкил этилди. Ҳозирги вақтда 9400 дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96,0 % “Ziyonet” электрон ахборот тармоғига уланган.

8.1-жадвал

Ўзбекистонда мактаб таълимини ривожлантиришнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2009 йил	2010 йил
Умумтаълим мактаблари ўқувчилари сони (1-9-синфлар), минг нафар	4053,0	5645,8	4822,2	4656,7
Умумтаълим мактабларида 1 ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони	13,0	13,0	11,0	11,0
Мақтаб таълими билан 7 (6) ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг қамраб олинishi, мактабда ўқитилиши лозим бўлган ўқувчилар сонига нисбатан % ҳисобида	92,1	97,4	99,3	99,3
Дарсликлар билан таъминланганлик, %	55,4	76,0	99,5	100,0
Нашр этилган дарсликлар сони, минг нусха	666,7	2955,7	22699,1	33652,9
Компьютер синфлари билан таъминланганлик, мактаблар сонига нисбатан % ҳисобида	2,4	10,4	46,4	68,2

Мақтабларнинг замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги, мақтаблар сонига нисбатан % ҳисобида	16,4	21,5	69,3	71,5
Мақтабдан ташқари умумтаълим муассасаларининг сони	371	483	563	575

Шу билан бирга 2009-2010 йилларда 52 та мусика ва санъат мақтаби фойдаланишга топширилди. Уларнинг қурилишига 51 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ йўналтирилди.

Умуман, 2010 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мақтабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этишга киришилган вақтдан ўтган давр мобайнида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни 2,3 миллиондан ортиқ ёшлар битириб чиқди, 2011/2012-ўқув йилида эса 500 мингдан ортиқ ўқувчи ўрта тоифадаги мутахассис дипломини олади (8.2-жадвал).

Мамлакатда 59 та олий ўқув юртини ўз ичига олган *олий таълим тизими* барпо этилди. Уларнинг 20 таси университетдир. Уларда 230 мингдан ортиқ студент таълим олмақда. Олий ўқув юртлари ҳар йили танлов асосида (тест) ўртача 64 минг кишини қабул қилади. Олий ўқув юртларида 23,4 минг нафар ўқитувчи ишлайди, уларнинг 30,0 % фан номзоди, 6,5 % фан доктори илмий даражасига эга.

8.2-жадвал

Ўзбекистонда умумтаълим мақтаблари битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан қамраб олиниши

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2009 йил	2010 йил
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги талаба ёшлар сони, минг нафар	494,7	532,6	1510,8	1623,1

Талаба ёшлар таркибида қизларнинг улуши, %	45,0	47,4	49,1	48,5
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими билан умумтаълим мақтаби 9-синф битирувчиларининг қамраб олиниши, %	32,2	41,7	96,8	97,1
Шу жумладан:				
Ўсмирлар	33,9	33,9	97,2	97,2
қизлар	28,6	31,0	96,5	97,0

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида 2011-2016 йилларга мўлжалланган махсус дастур асосида университет ва институтлар моддий-техник базасини модернизациялаш, кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш билан биргаликда олий таълим муассасаларини илмий марказларга айлантириш вазибалари кўрсатилган. Хусусан, олий таълим муассасаларида замонавий илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил этиш, илғор халқаро тажриба асосида олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар негизида ўқув жараёнларининг ўқитувчи ва талабаларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан интеграциялашувини янада чуқурлаштириш учун ўқув-илмий комплекслар ва марказлар ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистонда Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети каби юксак халқаро обрў-эътибор ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган Европа ва Осиёнинг етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу олий ўқув юртларида машинасозлик, нефть-газ иши, ахборот технологиялари, иқтисодиёт ва бизнес бошқаруви, молиявий менежмент, тижорат ҳуқуқи каби меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича бакалавр ва

магистрлар тайёрланмоқда ва уларнинг битирувчилари бутун дунёда тан олинадиган дипломларга эга бўлмоқда.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими - магистратура ҳамда тадқиқотчи, катта илмий ходим институтлари қарор топди.

Республикадаги барча таълим, фан, маданият ва маърифат муассасалари *Таълим портали* ва *Интернетга* уланган. Бу таълим жараёнига масофадан туриб ўқитиш усуллари, ўқувчи ёшлар учун ахборот-коммуникация хизматларининг кенг мажмуини жорий этиш имконини бермоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар даволаш муассасаларининг моддий-техника базасини энг замонавий диагностика жиҳозлари билан мустаҳкамлаш билан бир қаторда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган. Инсонни ривожлантириш миллий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда умр кўриш давомийлигини узайтириш, оналар ва ўлими, юқумли ва бошқа касалликлар даражасини кескин пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда 1998 йилда қабул қилинган Соғлиқни сақлашни ислох этишнинг давлат дастурида соҳа бутун тизимини тубдан қайта қуриш, кўп маблағ талаб этадиган ва ҳамisha ҳам самарали бўлмаган касалхонада даволанишдан амбулатория-поликлиника ва профилактика тиббиётига ўтиш, қишлоқ жойларида фельдшерлик-акушерлик пунктлари ўрнига қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини яратиш чоралари белгиланди (8.3-жадвал).

8.3-жадвал

Ўзбекистонда амбулатория-поликлиника муассасалари тармоғининг ривожлантирилиши

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатаётган тиббиёт муассасаларининг сони	3139	4847	5886
Шу жумладан: -қишлоқ ва шаҳар врачлик пунктлари	-	1567	3208
Амбулатория-поликлиника муассасаларининг қуввати,			

мингга қабул	275,7	391,5	416,0
Аҳоли ҳар бир нафари ҳисобига ўртача қабул	6,5	8,8	9,5


Мазкур дастурни амалга оширишга киришилган 1998-2002 йилларда мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасида соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида қишлоқ врачлик пунктларини яратиш, пуллик ва хусусий тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш, бюджет маблағларини амбулатория-поликлиникаларда даволаш, касалликларнинг олдини олиш, ҳамма жойда аҳолига ҳаракатчан шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини шакллантиришга биринчи даражали эътибор берилди.

Соғлиқни сақлашнинг амбулатория-поликлиника бўғинини мустаҳкамлаш 1990 йилда ҳар 100 нафар аҳолига нисбатан 24,6 та касалхонада даволаш даражасини 2009 йилда 16,4 тага пасайтириш имконини берди. Бунда беморнинг касалхонада бўлиши ўртача давомийлиги тегишли равишда 14,8 кундан 8,6 кунга камайди.

2001 йилда Ўзбекистонда тиббиёт фани энг сўнгги ютуқларига асосланган, шошилиш вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизими шакллантирилди.

Соғлиқни сақлашни ислох этишда асосий эътибор юқори технологиялар қўлланиладиган, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга қодир бўлган ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини яратишга қаратилди. Ўзбекистонда таркиб топган илмий мактаблар негизида 10 та республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар – кардиология ва кардиожарроҳлик, акушерлик ва гинекология, урология, офтальмология, пульманология ва фтизиатрия, эндокринология каби йўналишларда фаолият кўрсатмоқда. Уларда юқори малакали, юксак даражадаги касб тайёргарлигига эга кадрлар замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида юқори технологик тиббий хизматлар кўрсатмоқда (8.1-расм).

Мамлакатда юқори малакали соғлиқни сақлаш мутахассислари тайёрлашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Тошкент тиббиёт академияси қаторида Самарқанд, Андижон, Бухоро, Урганч ва Нукусда тиббиёт олий ўқув юртли фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда олий маълумотли тиббиёт ҳамшираларини тайёрлашни ташкил этиш мутлақо янги тизим ҳисобланади.



8.1-расм. Ўзбекистонда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш тизими

Ўзбекистоннинг тиббиёт олий ўқув юрлари Германиянинг “Шарите”, АҚШнинг Гарвард, Буюк Британиянинг Манчестер, Австриянинг Вена университетлари клиникалари каби етакчи хорижий тиббиёт муассасалари, Россия ва Украинанинг машҳур марказлари, Япония, Жанубий Корея ҳамда бошқа давлатлардаги йирик госпиталлар билан қалин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганлар.

Соғлиқни соқлаш соҳасини ривожлантириш узоқ муддатли самара – миллат генофондини сақлаш ва яхшилаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлодни дунёга келтириш ҳамда тарбиялаш учун шарт-шароит яратишга қаратилган.

Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги ислохотлар инсон таракқиёти кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди. Бундай самара кейинги йилларда мамлакат иқтисодиётида эришилган салмоқли натижалар самарасидир. Ялпи ички маҳсулот ўсиши суръатлари, биринчидан, давлат тиббиёт ва таълим муассасаларини бюджет ҳисобидан молиялаштириш имкониятларини сезиларли даражада кенгайттирди, иккинчидан, аҳолининг реал даромадлари ортиши уларнинг мазкур муассасалар хизматиغا ўзлари мустақил ҳақ тўлашлари учун имкониятлар яратди.

8.2. Иқтисодиётни ислоҳ этиш ва унинг инсон таракқиётига таъсири

Бозор иқтисодиёти моделлари ва уларга асосланган ислохотлар эркин бозор рақобати билан давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишини қўшиб олиб бориш, мазкур ўзгартиришларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги, ҳал этилаётган макроиқтисодий вазифаларнинг устуворлиги бўйича фаркланади. Масалан, бозор иқтисодиётининг “америкача” моделида бозорни эркин тартибга соладиган механизмларнинг ролига устуворлик берилади, “япон” ёки “француз” моделларида хўжалик фаолиятини ташкил этишда давлатнинг иштироки салмоқлидир. “Немис” ва “швед” моделлари кучли ижтимоий йўналишлари билан ажралиб туради.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг миллий – “ўзбек модели”ни шакллантириш қуйидаги энг муҳим қондаларга таянади:

- ислохотларнинг пировард мақсади – аҳоли фаровонлигини ва турмуш сифатини ошириш;
- иқтисодиётни барқарорлаштириш, макроиқтисодий ўсиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан мақбул банд бўлишини таъминлашдан иборат ўзаро боғлиқ муаммоларни ҳал этиш;
- барча хўжалик юритувчи субъектларнинг энг юқори ишлаб чиқариш самарадорлигига эришишга қаратилган бозор механизмларидан фойдаланиш асосида иқтисодиётни тартибга солиш;
- ишлаб чиқаришни давлат томонидан бевосита бошқаришдан воз кечиш, товар ишлаб чиқарувчиларининг ўзларига иқтисодий манфаатдан келиб чиққан ҳолда фаолият турларини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини, ишлаб чиқариш-хўжалик алоқалари доирасини эркин танлашларини таъминлаш;

• инвестиция сиёсати устуворликларини танлаш, чет эл капиталини жалб қилиш, иқтисодий бозор механизмлари ва рағбатларидан фойдаланган ҳолда тартибга солишда, ишонarli ижтимоий кафолатларни таъминлашда давлатнинг фаол ролини сақлаб қолиш;

• биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қатламлари - болалар, пенсионерлар, ногиронлар, ўқувчи ёшларни ҳимоя қилишга йўналтирилган бозор муносабатларини шакллантиришнинг барча босқичларида кучли ижтимоий сиёсатни олиб бориш.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг энг асосий вазибалари қаторида ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, иқтисодий омиллар воситасини ишга солиш, мулк эгалари ҳуқуқларининг давлат йўли билан ҳимоя қилинишини таъминлаш ва барча мулкчилик шакллари – ширкат, давлат, хусусий ҳамда бошқа шакллариинг ҳуқуқий тенглигини қарор топтириш, иқтисодийда яққа ҳокимликка барҳам бериш, хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини кенгайтириш, бозорни тартибга солишда иқтисодий воситаларга устушлик бериш белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор – давлат томонидан тартибга солиб туриладиган бозор эканлиги қондаси асосида иш тутилди. Яъни давлат мураккаб ўтиш даврида иқтисодий, айниқса, унинг асосини белгилайдиган тармоқлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, нарх-наволарни тартибга солиб туриш, солиқ солиш ва қарз беришда имтиёзлар яратиш, шунингдек, бевосита ёрдам кўрсатиши талаб этилади. Шу билан бирга бозор иқтисодийга ўтиш даврида давлат иқтисодий эркинликларнинг кафолати бўлди, бозор институтларини яратиш учун қулай шароит яратди, ишбилармонлик тузилмалари шаклланиши ва ривожланишини таъминлади, аниқ мақсадга қаратилган тузилма сиёсатини амалга оширди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни давлат йўли билан тартибга солиш ҳаммага маълум дастурлар – молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нархларни назорат қилиш ҳамда билвосита таъсир кўрсатишнинг бошқа чоралари ёрдамида амалга оширилади.

Худди шу йўл билан ҳақиқий бозор муносабатларига ўтиш ва у учун зарур шароитлар яратиш мумкин”¹ деб кўрсатган.

Бозор иқтисодийга ўтишда биринчи навбатда ислохотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Иқтисодийнинг турли соҳалари субъектларининг ҳуқуқлари ва иқтисодий эркинлик борасидаги мақомини белгилаб берадиган қонунлар қабул қилинди. Корхоналар тўғрисидаги, кооперация тўғрисидаги, деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир.

Бозор муносабатларининг қарор топишини давлат томонидан тартибга солиш тизимида иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган корхоналар ва фуқароларнинг давлат билан ўзаро муносабатлари механизмини солиқлар тизими орқали белгилаб берадиган қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилинди. Корхоналар банкрот бўлишининг қонун йўли билан эътироф этилиши айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали кўп укладли бозор иқтисодий шакллантириш биринчи даражали аҳамият касб этди. Бу жараёнлар меҳнат жамоаларининг манфаатларини ҳисобга олган, ижтимоий адолат принципларига қатъий риоя этилган ҳолда, давлат ва жамоатчиликнинг бевосита назорати остида, тасдиқланган махсус дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширилди.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бир неча босқичда амалга оширилди. 1992-1993 йилги *биринчи босқич* – “*кичик хусусийлаштириш*”да уй-жой, савдо ва умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналари хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштиришнинг 1995 йилда бошланган *иккинчи босқичи*да саноатнинг асосий тармоқлари: ёқилғи-энергетика, кон саноати, машинасозлик ва пахтани қайта ишлаш комплексларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари кенг тус олди.

Умуман, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнида (1994-2010 йилларда) мамлакат бўйича 30731 та корхона ва объект хусусийлаштирилиб, уларнинг

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз ислоҳот ва тараққиёт йули Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. - Б.43.

21,5 % акциядорлик жамиятларига айлантирилди, 78,5 % эса хусусий мулк сифатида сотилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурини фаол амалга ошириш натижасида 2010 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотларга кўра рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,7 % нодавлат мулкига тааллуқлидир, уларнинг 54,3 % - фермер ва деҳқон хўжаликлари, 20,8 % - хусусий корхоналар, 0,9 % - хорижий капитал иштирокидаги корхоналар, 0,3 % - акциядорлик жамиятлари, 16,4 % - бошқа турдаги корхоналардир.

8.4-жадвал

Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнида нодавлат хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилишининг динамикаси¹

Йиллар	Жами хусусийлаштирилган корхона ва ташкилотлар	Шу жумладан:	
		Акциядорлик жамиятларига айлантирилганлар (умумий сонга нисбатан % ҳисобида)	Хусусий мулк сифатида сотилганлар (умумий сонга нисбатан % ҳисобида)
1994	9744	29,7	70,3
1995	8537	12,0	88,0
1996	1915	65,6	34,4
1997	899	50,7	49,3
1998	266	41,4	58,6
1999	373	37,8	62,2
2000	372	40,8	59,2
2001	1238	18,3	81,7
2002	1800	12,4	87,6
2003	1452	5,2	94,8

¹ Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. - Т.: «Ўзбекистан», 2011. - С.61.

2004	1228	2,3	97,7
2005	980	0,3	99,7
2006	673	2,8	97,2
2007	631	-	100,0
2008	392	-	100,0
2009	135	-	100,0
2010	96	-	100,0
Жами	30731	21,5	78,5


Бошқарув механизмларини такомиллаштириш мақсадида иқтисодиётда институционал ислохотлар амалга оширилди. Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини бошқарадиган, хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий эркинлик беришга ёрдамлашадиган, ташаббускорлик ва тadbиркорликнинг ривожланишини рағбатлантирадиган ташкилий-ҳуқуқий тузилмалар шакллантирилди. Хусусан, маъмурий-буйруқбозлик тизимининг ўзагини ташкил этган, марказдан туриб режалаштириш тизими асоси ҳисобланган Давлат режа кўмитаси, Давлат таъминот кўмитаси, Давлат нарх кўмитаси, Давлат агросаноат кўмитаси каби турли идоралар тугатилиб, янги бозор тузилмалари шакллантирилди. Ислохотларнинг биринчи босқичи мобайнида тармоқ вазириликлари хўжалик юритишнинг янги, бозор тузилмалари – уюшмалар, концернлар, корпорациялар ва бошқа хўжалик бирлашмаларига айлантириш йўли билан батамом тугатилди.

Мамлакатда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги молия ва икки поғонали банк тизими шакллантирилди, миллий валютани мустақкамлаш чоралари кўрилди. Бу мустақил пул-кредит сиёсати юритиш, бюджет ва пул сиёсатининг масъулият доирасини белгилаб қўйишни, уларнинг ўзаро самарали муносабатини таъминлади. Айни пайтда хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотларининг молиявий маблағлардан фойдаланишидаги мустақиллиги сезиларли даражада ортди.

Оқилона иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда мураккаб ўтиш даврида ҳам ялпи ички маҳсулот ҳажми кескин равишда пасайиб кетишига йўл қўйилмади. 1996 йилдан эътиборан эса мамлакатда барқарор иқтисодий ўсиш таъминланган. Бу муваффақиятларга эришишда кенг қўлланма бозор ислохотларини жорий этиш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналар барпо этиш,

бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суратларда ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Иқтисодий таркибий қайта қуриш Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгунча импортнинг энг муаммоли моддалари ҳисобланган энергия ресурслари ва доннинг ташқаридан олиб киришга боғлиқликдан тўла ҳалос бўлиш имконини берди ҳамда макроиқтисодий барқарорлик учун шарт-шароит яратди. 1997 йилда ислохотлар амалга оширила бошлагандан бери дастлабки марта ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши (105,2%) мамлакат аҳолиси сони ўсиши (101,8%)дан юқори бўлди.



8.2-расм. Иқтисодий ислохотлар самараларининг инсон тараққиётига таъсири

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодий соҳасида юз берган туб ўзгаришлар асосида

кейинги босқичнинг стратегик мақсадлари ва йўналишлари: иқтисодий модернизация қилиш ва ислох этишни янада чуқурлаштириш, инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва шу негизда иқтисодий барқарор ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий этиш белгилаб олинди.

2000-2011 йиллар мобайнида мамлакатда ялпи ички маҳсулот ҳажми (ЯИМ) 2,1 марта ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодий жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Иқтисодий юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларидан 2000 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши 14,2 % ни ташкил этгани ҳолда 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 % га етгани далолат беради.

Транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 % дан 12,4 % га етди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотлари етиштириш ҳажми 2000 йилдаги 1 387,2 млрд.сўмдан 2011 йилда 19 633,6 млрд.сўмга, яъни ўн олти мартадан кўпроққа ортган бўлса ҳам, тармоқ ишлаб чиқаришининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши 30,1 % дан 17,5 % га тушди. (8.5-жадвал).


8.5-жадвал

Мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмида иқтисодий тармоқларининг улуши (ЯИМ умумий ҳажмига нисбатан % ҳисобида)

Тармоқлар	1990 йил	2000 йил	2011 йил	2011 йилда 1990 йилга нисбатан, %
Саноат	17,6	14,2	24,1	136,4
Қишлоқ хўжалиги	33,4	30,1	17,5	-190,8
Қурилиш	5,8	6,0	6,4	110,4
Транспорт ва алоқа	5,2	7,7	12,4	238,5
Савдо	4,5	10,8	9,0	200,0
Бошқа тармоқлар	22,2	18,7	23,7	106,8

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам 2000 йилга нисбатан 4 мартадан зиёдга ошди.


Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70,0 % ни юқори кўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Жадал суръатлар билан ривожланаётган машинасозлик ва автомобилсозлик, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати, фармацевтика ва мебелсозлик миллий иқтисодиётнинг ҳақиқий локомотивига айланди.



8.3-расм. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари¹ (млрд.сўм ҳисобида)

Мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка устуворлик беришда улар тузилмаларининг қуйидаги иқтисодий афзалликлари ҳисобга олинди. Яъни:

- улар иқтисодий ўсиш суръатларини оширишни таъминлайди;
- бозор тизими зарур эгилувчанликка эга бўлишга хизмат қилади, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни тезлаштиради, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиради;



8.4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги салмоғи² (млрд.сўм ҳисобида, экспорт – млн.АҚШ доллари)

• рақобат муҳитини шакллантиради, минтақавий ва маҳаллий бозорларда йирик бизнеснинг монополиясини чеклайди ҳамда уларнинг ўз корхоналарининг минтақалардаги бўлимларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқаришларини оқилона ташкил этишларига туртки бўлади;

• фан-техника тараққиётини тезлаштиради (кам сонли маҳсулот ва тажриба ишлаб чиқаришни йўлга қўяди, инновацияларни яратиш ва жорий этишга интилади);

• кичик корхоналар учун капиталнинг қуйроқ техник тузилмаси хос бўлганлиги сабабли уларда йирик корхоналарга нисбатан меҳнат бирлигига ишлатилаётган ишлаб чиқариш воситалари бирлиги кўпроқ тўғри келади;

• иқтисодиётнинг бу сектори давлат ва маҳаллий бюджетларга молиявий тушумларнинг муҳим манбаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди. 2011 йилда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 54,0 % га етди. Кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш қарийб 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмни ташкил этди, зарур хомашё ресурслари қўшиб ҳисоблаганда, 2,8 триллион сўмдан ошди. Аини пайтда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш 13,0 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағларини тежаш имкониятини яратди.



Кичик бизнес Ўзбекистон учун энг долзарб масалалардан бири – меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашда асосий ўринни эгаллади. 2011 йилда мамлакатда яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўрнининг 610 мингдан зиёди ёки 64,0 % иқтисодиётнинг шу сектори ҳиссасига тўғри келади. Умуман, бугунги кунда 8913,5 минг нафар киши, иқтисодиётда жами иш билан банд бўлганларнинг 74,8 % кичик бизнес тузилмаларида меҳнат қилмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди. 2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 15 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 мартадан зиёддир. Ташки савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4,5 миллиард АҚШ

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // <http://www.stat.uz>.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари // <http://www.stat.uz>.

долларидан ошди. Экспорт таркибида тийёр маҳсулотлар улуши 2000 йилдаги 46,0 % дан 2011 йилда 60,0 га етди.



8.5-расм. 2011 йилда мамлакат экспортининг таркиби¹
(экспорт умумий ҳажмига нисбатан % ҳисобида)

Сўнгги йилларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кўпчилик мамлакатларида ташқи қарзларининг ялпи ички маҳсулотларига нисбатан салмоғи тобора ортиб бормоқда. Бу кўрсаткич Қозоғистонда 102,0 %, Қирғизистонда – 81,0 %, Украинада – 64,0 %, Россияда – 37,0 % ни ташкил этмоқда. Ўзбекистонда эса амалга оширилаётган оқилона иқтисодий сиёсат натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан ташқи қарзларнинг салмоғи 2012 йил 1 январь ҳолатига кўра 17,5 %, экспорт ҳажмига нисбатан 53,7 % дан ошмайди. Мазкур кўрсаткич халқаро мезонлар бўйича “ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат” деб баҳоланади.

Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда эришилган натижалар Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланмоқда. Халқаро валюта жамғармасининг баёнотида, жумладан, шундай дейлади: “Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир».

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2000 йилга нисбатан қарийб 17,8 баробар ўсди. Давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

8.3. Инсон капиталига инвестициялар

Инсон капиталига инвестициялар уни инвестицияларнинг бошқа туридан фарқлайдиган қатор хусусиятларга эгадир. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Инсон капиталига инвестицияларнинг самарадорлиги ушбу инвестициялар киритилган шахснинг умр кўриши давомийлигига (меҳнатга лаёқатли даври давомийлигига) бевосита боғлиқдир. Инсонга инвестициялар қанчалик эрта киритилса, улар шунчалик тез самара келтира бошлайди. Шунинг ҳам назарда тутиш керакки, сифатлироқ ва узок муддатли инвестициялар юқори ва узок муддатли самара келтиради.

2. Инсон капитали фақат жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириш, шунингдек, жамланиш ва кўпайиш хусусиятига эгадир. Инсон капиталининг эскириши, биринчидан, инсон организми табиий эскириши (қариши даражаси), иккинчидан, билимлар эскириб қолиши ёки олинган билимлар қийматининг ўзгариши даражаси билан белгиланади. Инсон капитали ходимни мунгазам ўқитиб бориш ва у томонидан ишлаб чиқариш тажрибасини бойитиши жараёнида тўпланиб боради. Агар мазкур жараён узлуксиз давом этса, инсон капиталининг сифат ва миқдор хусусиятлари яхшиланиб ва кўпайиб боради.

3. Инсон капитали тўпланиб боргани сари унинг даромад келтириши муайян чегарагача ортиб боради. Бу чегара фаол меҳнат фаолиятининг юқори чегараси (фаол меҳнатга лаёқатли ёш) билан чекланган, шундан сўнг инсон капиталидан даромад олиш кескин камаяди.

4. Инсон капитали шаклланишида “ўзаро кўпайиш самараси” хусусиятига эга бўлади. Унинг моҳияти шундан иборатки, таълим бериш жараёнида фақат таълим олаётган шахснинг эмас, балки таълим бераётган шахснинг ҳам инсон капитали сифати яхшиланиб, миқдори ортади. Бунинг натижасида ҳам таълим олувчи, ҳам таълим берувчининг иш ҳақи ортади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари //http://www.sds.uz.

5. Инсонга киритиладиган барча инвестицияларни ҳам инсон капиталига маблағ киритиш деб ҳисоблаб бўлмайди, яъни инсон капиталига инвестициялар ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ва иқтисодий жиҳатдан зарур бўлиши шарт. Масалан, жиноий фаолият билан боғлиқ харажатлар инсон капиталига инвестициялар ҳисобланмайди, чунки улар ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас ва жамият учун зарарлидир.

6. Инсонга маблағ киритишнинг хусусиятлари ва турлари тарихий, миллий, маданий ўзига хосликлар ва анъаналар билан боғлиқдир. Масалан, фарзандларнинг таълим даражаси ва касб танлаши кўп жиҳатдан оилавий анъаналарга ҳамда ота-оналарининг таълими даражасига боғлиқдир.


7. Инвестициянинг бошқа шаклига нисбатан инсонга маблағлар киритилиши ҳам алоҳида шахс, ҳам бутун жамият нуқтан назаридан энг манфаатли ҳисобланади.

АҚШдаги Пенсильвания университети таълим кафедраси профессори Роберт Земскийнинг Тафта университети ҳузуридаги Флетчер бизнес мактаби иқтисодчиси Лайза Линч ва Уоттондаги менежмент профессори Питер Копелли билан биргаликда амалга оширган тадқиқотлари (3100 тадан кўпроқ иш жойлари таҳлил қилиб чиқилган) таълим даражаси 10,0 % га ортганда жамланма меҳнат унумдорлиги 8,6 % га ўсишини кўрсатди. Таққослаш учун шуни келтириш мумкинки, асосий фондлар шу даражага кўлайтирилганда меҳнат унумдорлиги атиги 3,4 % га ортган. Бошқача қилиб айтганда, инсон капиталига инвестициялардан олинadиган фойда техникага капитал қўйилмалардан олинadиган фойдадан уч баробар юқоридир¹.

К. Макконнелл ва С. Брю инсон капиталига киритилadиган инвестицияларининг уч турини ажратиб кўрсатган:

- таълимга, шу жумладан, умумий ва махсус, расмий ва норасмий таълимга, иш жойида тайёргарликка харажатлар;
- соғлиқни сақлашга (касалликлар профилактикаси, тиббий хизмат кўрсатиш, пархез таом, турар жой шароитларининг яхшилаш) харажатлар;

• ходимларнинг нисбатан қуйи самарали жойлардан юқорирок самарали жойларга миграция қилиш имкониятини берадиган харажатчанликка харажатлар¹.



8.6-расм. Инсон капитали шакллантирилиши ва ундan фойдаланилишининг алгоритми

Таълим билан биргаликда инсон саломатлигига маблағ киритиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Инсон капиталини жамғариш учун саломатликнинг иқтисодий қиймати ва аҳамияти шубҳасиздир. Мамлакатда умр кўриш давомийлигининг паст даражада бўлиши саломатликни сақлаш учун инвестициялар киритишни устувор харажатлар қаторига қўшади. Бу эса инсон ҳаётини узайтиришга, демак, инсон капитали амал қилadиган даврни узайтиришга кўмаклашади.

Шахс саломатлигининг қониқарсиз аҳволи меҳнат унумдорлигини пасайтиради. Жисмонан заиф ва бемор ходимлар ўз

¹ Добрынин А.И., Дятлов С.А., Цыренова Е.Д. Человеческий капитал в транзитивной экономике: формирование, оценка, эффективность использования - СПб.: «Наука», 1999.- С.127

¹ Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономика: принципы, проблемы и политика. Т. 2. - М.: «Республика», 1992. - С.87.

инсон капиталини тўла даражада намоён қила олмайди. Шунинг учун корхоналар ўз ходимларининг саломатлигига инвестициялар киритишдан иқтисодий жиҳатдан манфаатдор. Шу муносабат билан касб касалликларининг олдини олиш, айрим ходимлар учун парhez таомлар тақдим этиш ёки барча ходимларни бепул овқатлантириш, иш жойида тиббий хизмат кўрсатиш, ходимларнинг дам олиш уйларида хордиқ чиқариш, тиббиёт муассасаларида даволанишлари харажатини қоплаш, уларнинг турар жой шароитларини яхшилаш, ходимларни бахтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда илмий ишланмаларга харажатлар ҳам инсон капиталига инвестициялар ҳисобланади. Фаннинг ривожланиши жараёнида фақат интеллектуал янгиликлар яратилиб, улар асосида ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари шаклланибгина қолмасдан, балки янги қобилият ва эҳтиёжларга эга бўлган одамларнинг ўзи ҳам сифат жиҳатидан ўзгаради. Ахборот жамиятида фан ўзига хос “инсон капитали генератори”га айланади.

Маданият инсон капитали такрор ҳосил қилиниши жараёнига таъсир кўрсатади, маънавиятсиз шахсни уйғун ривожлантириб бўлмайди. Маданиятда авлодлар тажрибаси жамланади, билимлар, кўникмалар сақланади. Одамларнинг маданий даражаси жамиятнинг иқтисодий ривожланишига, унинг ижтимоий-сиёсий, мафхуравий, таълим ва маънавий-ахлоқий таркибига жиддий даражада таъсир кўрсатади.

Инсон капиталига маблағ киритиш самарадорлигини баҳолашга турлича ёндашувлар мавжуд. Я. Фитценц инсон капиталига инвестициялар самарасини ҳисоблаб чиқиш учун уни оддийгина тарзда: даромадни ходимлар сонига бўлган ҳолда аниқлашни таклиф этган¹:

Инсон капиталига инвестициялар самарадорлигининг коэффициенти = (Фойда - (Харажатлар - [Иш ҳақи + Имтиёзлар])) : Иш ҳақи + Имтиёзлар

Бу 1985 йилги Инсон ресурслари самарадорлиги тўғрисидаги маърузада келтирилган биринчи кўрсаткич эди.

Ходимнинг таълим олишига инвестициялар унинг инсон капиталини шакллантиради ва муайян даврдан сўнг ўз эгасига куйидаги формула бўйича фойда келтиради:

$$Y_n = X_0 + RC_n,$$

бунда, Y_n - n йил таълимга эга шахснинг иш ҳақи;

X_0 - ноль даража таълимга эга ходимнинг иш ҳақи;

R - таълимга сарфларнинг жорий самараси нормаси;

C_n - n йил таълим олиш давомида инвестициялар ҳажми.

Таълимга харажатлар ва бунинг натижасида олинадиган фойда аниқланганидан сўнг олинган фойда миқдори чиқимлар миқдори билан таққосланади. Бу икки миқдор ўртасидаги фарқ олинган таълим қийматини кўрсатади.

8.6-жадвал

Инсон капиталга инвестицияларнинг самараси

Жамият учун	Иш берувчи учун	Ходим учун
<p>Манфаатлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • давлатнинг рақобатдошлиги ортиши; • солиқ тушумларининг кўпайиши; • аҳоли касалланиши даражасининг пасайиши; • ишсизлик даражасининг камайиши; • ижтимоий тўловларнинг, шу жумладан, ишсизларга харажатларнинг 	<p>Манфаатлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши ва сифатининг яхшиланиши ҳисобига фойда олишнинг ортиши; • бозорда рақобатдошликнинг мустаҳкамланиши; • касаллик сабабли ходимларнинг ишга чиқмаслиги туфайли йўқотишларнинг камайиши 	<p>Манфаатлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • иш ҳақининг ортиши; • ишсиз қолиш хавфининг камайиши; • касалланиш оқибатида иш ҳақидан маҳрум бўлишнинг камайиши

¹ Фитценц Я. Рентабельность инвестиций в персонал: измерение экономической ценности персонала/ Пер. с англ., под общ. ред. В.И. Ярнык. - М.: «Вершина», 2006. - С.137.

камайиши; • ижтимоий барқарорликнинг мустақамланиши ва бошқалар		
Харажатлар: • аҳолига таълим бериш даврида солиқ тушумларининг камайиши; • таълим, соғликни сақлаш ва бошқа мақсадлар учун бевосита умумий харажатлар	Харажатлар: • техника хавфсизлиги, ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш учун бевосита харажатлар; • ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш даврида меҳнат унумдорлиги пасайиши билан боғлиқ билвосита йўқотишлар; • малакали ходимларнинг ишдан бўшаб кетиш хавфи	Харажатлар: • таълим олиш ва тиббий хизмат учун бевосита шахсий харажатлар

Г.Сахаропулос мамлакатларнинг аҳоли жон бошига даромадлари асосида таълимга инвестицияларнинг ижтимоий самарадорлигини аниқлаган. Унга мувофиқ, энг камбағал давлатда аҳоли жон бошига даромад паст бўлган ҳолатларда бошланғич таълимнинг самарадорлиги 23,0%, ўрта таълимнинг самарадорлиги – 15,0%, олий таълимники эса –11,0% ни ташкил этган. Даромад даражаси юқори бўлган энг ривожланган мамлакатларда эса бошланғич таълимнинг самарадорлиги – 14,0%, ўрта таълимники – 10,0%, олий таълимники – 8,0% тенг бўлган. Мазкур мамлакатларнинг ҳукуматлари таълим соҳасига инвестицияларни лойиҳалашда юқорида қайд қилинган самарадорликни 8,0 % дан кам ҳолда прогноз қилади.

Шу билан бирга академик ёки ўрта касб-хунар таълим самарадорлиги таҳлил этилган тадқиқотларда академик таълим –

16,0%, ўрта касб-хунар таълими -11,0 % самара келтириши ҳисоблаб чиқилган. Тадқиқотчилар мазкур фарқни харажатлар миқдори билан изоҳлайдилар. Чунки, касб-хунар таълими умумакадемик таълимга нисбатан кўпроқ харажатларни талаб қилади.

Жаҳон банки экспертлари инсон капитали қийматининг баҳолашнинг ўз усулларини таклиф қилган. Улар бунинг учун жамланма миллий бойлик даромадидан миллий бойлик қиймати–ер, фойдали қазилмалар, ўрмон ва денгиз ресурслари, ишлаб чиқариш капитали ва бошқа активлар айрилади. Бунинг натижасида ҳосил бўладиган миқдор инсон капитали қийматидир.

Ушбу усулда ҳисоблаб чиқилган инсон капиталининг қиймати ҳатто камбағал мамлакатларда ҳам миллий даромаднинг ярмига яқинини, ривожланган давлатларда эса – тўртдан уч қисмини ташкил этади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг маълумотлари ҳам мамлакат ялпи ички маҳсулот индекси инсон капиталининг асосий қисми – бевосита таълим даражаси индексига боғлиқлигини асослайди (8.7–жадвал).

8.7–жадвал

Ялпи ички маҳсулот индексининг таълим индекси даражаси билан боғлиқлиги¹

Мамлакатлар	Таълим даражаси индекси	Ялпи ички маҳсулот индекси
Юқори даромадга эга мамлакатлар	0,97	0,96
Ўртача даромадли мамлакатлар	0,84	0,70
Паст даромадли мамлакатлар	0,58	0,52

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра миллий инсон капиталини ривожлантиришнинг узок муддатли стратегияси қуйидаги принципларга мувофиқ амалга ошириши зарур:

¹Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги вазирликларига // <http://www.unfpa.org>

1. Миллий инсон капиталининг шакллантириш ва такрор ҳосил қилишда давлатнинг асосий ролини эътироф этиш.

2. Инсон капитали ва янги турмуш сифатини шакллантириш вазифаларини комплекс ҳал этиш.

3. Иқтисодий ўсиш ижобий динамикасини таъминлайдиган бошқа унсурларга нисбатан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданиятни устувор ривожлантириш.

Бу инсон капиталининг сифати мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш соҳасида энг муҳим омилдир.

Инсон капиталини шакллантириш жараёнида инвесторларнинг ўзаро яқин ҳамкорлиги талаб этилади. Ана шу ўзаро ҳамкорликда давлатнинг вазифаси умумий инсон капиталини яратишдан иборатдир. Яъни бу меҳнат функцияларини бажариш учун зарур бўлган умумий таълимни ҳамда соғлиқни сақлашни ижтимоий тизим сифатида ривожлантириш заруратини аниқлатади.

Инсон капиталининг жамият учун ниҳоятда муҳимлиги давлат харажатларининг катта қисмини ўз зиммасига олиши зарурлигини аниқлатади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда умумий таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, соғлиқни сақлаш асосан давлат томонидан молиялаштирилади.

Жумладан, мамлакатда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 2005-2010 йиллар давомида 7800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1500 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди ва реконструкция қилинди (8.8- ва 8.9-жадваллар).

8.8-жадвал

Ўзбекистонда касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлаш

Йиллар	Фойдаланишга топширилган ўқув ўринлари			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд.сўм)		
	Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
2005	63600	36440	29160	193,3	123,5	69,8
2006	69660	47230	22430	179,1	136,2	42,9
2007	110940	87720	23220	323,3	270,2	53,1

2008	113195	105090	8105	355,0	336,3	18,5
2009	115610	96165	19445	472,9	421,4	51,5
2010	20330	12945	7385	149,4	117,9	31,5

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга киришилган 1998-2010 йилларда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қуриш ва қайта таъмирлашга 2559,1 млрд.сўм, 2011 йилда эса яна 21,1 млрд.сўм сарфланди.

8.9-жадвал

Ўзбекистонда академик лицейларни қуриш ва қайта таъмирлаш

Йиллар	Фойдаланишга топширилган ўқув ўринлари			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд.сўм)		
	Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
2005	6840	5850	990	22,7	19,9	2,8
2006	3240	3240	-	15,9	15,2	0,7
2007	12885	10365	2520	50,4	42,1	8,3
2008	14655	9990	4465	51,8	35,0	16,8
2009	12300	8815	3405	60,5	46,3	14,2
2010	2250	900	1350	34,8	24,5	10,2

Ўзбекистонда мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув юрлари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш тизими шаклланиб, шунингдек, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини чоп этиш учун нашриёт базаси қарор топган. Шу билан бир қаторда ўқув юрларини меҳор, лаборатория ускуналари, касб-ҳунар-ишлаб чиқариш таълимига оид кўплаб асбоб-ускуналар турларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни жиҳозлаш йўлга қўйилган.

Давлат томонидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими муассасаларини жиҳозлаш учун 128,0 млрд.сўм ҳамда 209,4 млн. АҚШ долларини харажат қилинди. 21,1 млрд.сўм эса бу тизим учун дарслик ва адабиётлар нашр қилишга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олий ўқув юр்தларини ривожлантиришнинг 2011-2015 йилларга мўлжалланган дастурини қабул қилган. Ушбу дастурнинг асосий мақсади – олий мактабнинг моддий-техника базаси ва жиҳозланишини янада мустаҳкамлаш, замонавий ўқув лаборатория ва асоб-ускуналар билан таъминлаш, пировард мақсадда эса ўқув дастурларини такомиллаштириш, ҳозирги даврнинг тобора ортиб бораётган талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлашни таъминлашдир.


Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича 2011-2016-йилларга мўлжалланган дастурни амалга ошириш учун 277,0 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бюджет, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган *Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси* маблағлари ҳисобидан қарийб 1500 та энг замонавий, барча ёшлар фойдаланиши мумкин бўлган болалар спорт объектлари барпо этилди. Бугунги кунда мамлакатдаги деярли ҳар бир мактаб, коллеж ва лицей очик спорт майдончалари билан биргаликда замонавий спорт анжомлари билан жиҳозланган ёпик спорт заллари ва сузиш бассейнларига эга.

Ўзбекистонда уч босқичдан иборат, ҳар йили ўтказиладиган, мактаб ўқувчилари учун “Умид ниҳоллари”, касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун “Баркамол авлод”, олий ўқув юр்தлари талабалари учун “Универсиада” яхлит спорт мусобақалари тизими шакланган. Ушбу тизим талаба ёшларни оммавий равишда жисмоний соғломлаштириш ва спорт ҳаракатига жалб этиш имконини бермоқда.

Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришда халқаро ва минтақавий молия муассасалари, чет эл давлатларининг техник ёрдамлари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Улар республикада умумтаълим, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимни қўллаб-қувватлаш учун 500,0 млн.АҚШ долларидан кўпроқ маблағ киритдилар. Бу ҳамкорлар қаторида Жанубий Корея ва Германия ҳукумати, Осие тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт

банки, ОПЕК фонди, Саудия фондини келтириш мумкин (8.7-расм).



8.7-расм. Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини ривожлантиришга халқаро ва минтақавий молия ташкилотлари, хорижий мамлакатларнинг техник ёрдами (млн.АҚШ доллари ҳисобида)

Ўзбекистонда аҳоли учун биринчи тиббий ёрдам бепул ҳисобланади. Шошилиш тиббий ва педиатрия ёрдами, туғруқ ва ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам, шунингдек, онкологик, юкумли ҳамда бошқа қатор ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни даволаш хизматлари ҳам шу асосда амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг Давлат бюджетида соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган харажатлар улуши 15,7 % ни, ялли миллий маҳсулот умумий ҳажмининг 4,1 % ни ташкил этади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамасдан, 2009-2011 йилларда давлат томонидан соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаш ҳажми 2,5 баробар кўпайди. Умуман олганда, кейинги ўн йил мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган бюджет маблағлари ҳамда имтиёзли кредит ва грантлар 750 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этди.

2011 йилнинг ўзида даволаш-профилактика муассасаларини реконструкция қилиш, уларни замонавий лаборатория, диагностика ва даволаш жиҳозлари билан таъминлаш учун қиймати қарийб 137,0 миллиард сўмлик бюджет маблағлари ҳамда 136,0 миллион

АҚШ долларидек хорижий имтиёзли кредит ва грантлар йўналтирилди.

Барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 2011 йилнинг ўзиде 4,0 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўналтирилди. Айни пайтда мамлакатда перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Ўтган ўн йил давомида республикада 11 та перинатал марказ ташкил этилди. 2011 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 мартаба кўп она ва бола тиббий кўриқдан ўтказилди.

2011 йилда республикада бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамгармаси ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг янги босқичи вазифаларини амалга оширишга киришилган. Мазкур йўналишда белгиланган тадбирларда соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини мақбуллаштиришни ниҳоясига етказиш ва уларни энг замонавий аппаратура билан босқичма-босқич қайта жиҳозлаш кўзда тутилган. Айниқса, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг моддий-техник, илмий ва амалий базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимларини рағбатлантиришга катта эътибор берилди. Бу мақсадлар учун турли манбалар ҳисобидан яқин йилларда 1,5 миллиард АҚШ долларига тенг маблағлар йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “ушбу масалага биз нафақат аҳоли фаровонлиги ва саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили, балки иқтисодиётимизни юксалтириш ва жамиятимиз барқарор тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида қарамоқдамиз”¹ деб уқтирди.

Инсон капиталига оила даражасида ҳам инвестициялар киритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки инсон капиталининг барча таркибий қисмлари оила ўз фарзандига киритадиган инвестициялар орқали шакллантирилади ва кўпайтирилади. Инсоннинг интеллектуал ва психофизиологик қобилиятларини оилада ривожлантириш унинг келгусида камол топиши ва инсон капитали мунтазам такомиллашиб боришининг пойдеворидир.

Шундай бўлса ҳам инсон капиталининг асосий инвестори – мазкур капитал эгасининг ўзидир. Шахс ўз инсон капиталига инвестиция киритишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилар экан, кутилаётган харажатлар ва олинishi мўлжалланаётган даромадларни таққослайди. Кимдир дарҳол манфаат топишни маъқул топади, бошқалар эса келажакда олиши мумкин бўлган даромадни кўпроқ қадрлайди.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг бозор ислохотларини амалга оширишнинг ўз моделини танлашига нима сабаб бўлди?
2. Иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги нимани аниқлатади?
3. Ўзбекистон иқтисодиётни ислох этишга киришаётган дастлабки пайтда мамлакатдаги вазият қандай эди?
4. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асосий хусусиятларини шарҳлаб беринг.
5. Ўзбекистон иқтисодиётини ислох қилиш соҳасидаги асосий вазифалар нималардан иборат?
6. Инсон капитали самарадорлиги қандай аниқланади?
7. Ўзбекистонда таълим ва соғлиқни сақлаш қайси манбалардан молиялаштирилади?

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг янги модели / “Соғлом она – соғлом бола” маърузасидаги халқаро семинарнинг очилишдаги нутқи // Жамаатчилик, 2011 йил 27 ноябрь.

9-БОБ. БМТНИНГ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

9.1. Ўзбекистонда инсон тараққиёти бўйича миллий маърузалар

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлганидан кейин зиммасига ушбу халқаро ҳамжамиятга қўшилишидан келиб чиқадиган мажбуриятларни қабул қилди. БМТнинг Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларни амалга оширишда иштирок этиш мажбурияти шулар жумласидандир.

Инсон тараққиёти концепциясининг назарий ва амалий жиҳатлари БМТ Ривожланиш дастури томонидан эълон қилинадиган Инсонни ривожлантириш тўғрисидаги ҳар йилги глобал маърузаларда ўз ифодасини топади. Мингйиллик ривожланиш мақсадлари – жаҳондаги барча мамлакатлар учун тааллуқли бўлган глобал лойиҳадир. Шунинг учун ҳар бир давлатнинг тарихан таркиб топган шароитлари, ўзига хос хусусиятлари, белгиланган мақсадларга эришиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда миллий мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб олиш жуда муҳимдир.

Кенг жамоатчилик хабардорлигини ошириш ва инсон тараққиёти муаммолари бўйича аниқ чоралар ишлаб чиқиш мақсадларида алоҳида мамлакат доирасида инсон тараққиёти тўғрисида миллий маърузалар ҳам тайёрланади. Ушбу маърузалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таҳлилий ва стратегик фаолиятининг энг муҳим манбаларидан биридир. Инсон тараққиёти тўғрисидаги *биринчи миллий маъруза* 1992 йилда Бангладеш томонидан эълон қилинган эди.

Инсон тараққиёти тўғрисидаги миллий маърузаларда мустақил ва холис таҳлил, статистик ва бошқа маълумотлар акс этади. Улар инсонни ривожлантириш истикболларини ҳар бир алоҳида давлатнинг устувор вазифалари билан боғлайди.

Ўзбекистон ҳукумати БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларида кўзда тутилган вазифаларнинг миллий ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти ва муҳимлигини эътироф қилган ҳолда Инсон тараққиётининг миллий мақсадлари тегишли вазифалари ва асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқди. Ўзбекистоннинг *Инсон тараққиёти бўйича миллий мақсадлари* қуйидагиларни қамраб олади:

1. Мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини ошириш ҳамда 2015 йилгача кам таъминланган аҳоли сонини икки мартабага қисқартириш. Бу вазифалар Мингйиллик ривожланиш 1-мақсадига тўла мос тушади.

2. Бошланғич ва ўрта умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш. Маълумки, бу ҳам Мингйиллик ривожланиш 2-мақсадининг устувор йўналишидир.

3. Аёллар ва эркаклар тенглигини рағбатлантириш, аёлларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш. Мингйиллик ривожланиш 3-мақсадида шу вазифалар кўзда тутилган.

4. Болалар ўлимини қисқартириш. Ушбу вазифалар Мингйиллик ривожланиш 4-мақсадида кўрсатилган.

5. Оналар саломатлигини яхшилаш. Бу Мингйиллик ривожланиш 5-мақсадига тўла мос тушади.

6. ОИТС, сил, безгакка қарши кураш. Мингйиллик ривожланиш 6-мақсади ҳам шуни кўзлайди.

7. Экологик барқарорликни таъминлаш. Мингйиллик ривожланиш 7-мақсадида ҳам шундай вазифалар кўйилган.

8. Ўзбекистон ва ривожланиш мақсадларида глобал шериклик. Мингйиллик ривожланиш 8-мақсади ҳам шунга қаратилган.

1995 йилда Ўзбекистонда *“Ижтимоий сиёсат ва ижтимоий ривожланиш”* мавзусида инсон тараққиёти тўғрисидаги *биринчи миллий маъруза* тайёрланди. Мазкур миллий маърузада меҳнат бозори ва ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш, демография сиёсати, экология ва барқарор ривожланиш, инсон тараққиётини молиялаштириш, шунингдек, хотин-қизларнинг инсон тараққиётидаги роли каби масалалар кўтарилган. Шу билан бир қаторда инсон тараққиёти учун шарт-шароитлар яратишда давлатнинг роли ҳам ёритилган. Маъруза пировардида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳволи таҳлил этилган.

9.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Инсон тараққиёти тўғрисидаги миллий маърузалари

Йиллар	Миллий маърузаларнинг мавзулари
1995	Ижтимоий сиёсат ва ижтимоий тараққиёт
1996	Иқтисодий ўсиш ва инсон тараққиёти
1997	Ижтимоий яқдиллик ва инсон тараққиёти
1998	Бозор иқтисодиётга ўтиш даврида давлатнинг демократик, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар ўтказишдаги роли
1999	Ўзбекистон мустақилликка эришган йилдан бери ўтган даврга инсон тараққиёти жиҳатидан назар ташлаш
2000	Инсон тараққиётини кичик ва ўрта бизнесни кенгайтириш ва ривожлантириш орқали кучайтириш
2005	Марказсизлаштириш ва инсон тараққиёти
2006	Саломатлик барча учун: Ўзбекистоннинг янги мингйилликдаги асосий мақсади
2007/2008	Ўзбекистонда таълим: талаб ва тақлифнинг мутаносиблиги

Ўзбекистоннинг 1996 йилги Инсон тараққиёти тўғрисидаги миллий маърузасида иқтисодий ўсиш билан инсон тараққиёти ўртасидаги ўзаро алоқадорлик тадқиқ этилади. Шу мақсадда инсон тараққиётига хизмат қиладиган бозор ислохотларини амалга оширишга баҳо берилган, қишлоқ жойларидаги, соғлиқни сақлаш ва таълимнинг ижтимоий инфратузилмаларини мустаҳкамлаш муаммолари кўтарилган, шунингдек, камбағаллик ва унинг турли ўлчамлари таҳлил этилган.

1997 йилги миллий маърузанинг мавзуси – ижтимоий яқдиллик ва инсон тараққиётидир. *Ижтимоий яқдиллик* – мураккаб концепциядир. Ижтимоий яқдиллик бўлмаса, жамиятда ижтимоий муаммолар, жиноятчилик, шунингдек, озчиликни ташкил қилган миллатлар вакилларининг эмиграцияси ортиши ва ҳоказолар кузатилади. Буларнинг ҳаммаси инсон тараққиётига салбий таъсир кўрсатади. Ижтимоий яқдилликни энг мураккаб вазиятларда ҳам жамиятнинг парчаланиб кетишига йўл қўймайдиган, кўз илгамас мустаҳкам бирлик сифатида таърифлаш мумкин.

Ўзбекистоннинг 1998 йилги миллий маърузасининг асосий мақсади – давлатнинг ўтиш даврида иқтисодий, ижтимоий ва демократик ислохотларни амалга оширидаги ролини таҳлил этишдир. Маърузада, шунингдек, жадаллаштириш дастурлари муносабати билан мамлакатда ишлаб чиқилган ва амалга оширилган ижтимоий стратегия ҳам ўз ифодасини топган.

1999 йилги Инсон тараққиёти тўғрисидаги миллий маърузада ХХ аср сўнгги ўн йиллигида Ўзбекистонни ривожлантириш яқунлари тадқиқ этилган. Ушбу ҳужжатда мустақилликка эришилган 1991 йилдан кейинги даврда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг ижобий тенденциялари ва қонуниятлари инсон тараққиёти нуқтаи назаридан қараб чиқилади. Шу билан бирга ёш давлат дуч келаётган муаммолар ва қийинчиликлар ҳақида ҳам гап боради.

2000 йилги миллий маърузада Ўзбекистонда инсон тараққиётининг аҳоли, шунингдек кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши таҳлил этилади. Ушбу маърузада инсон тараққиётининг кенг қамробли масалалари, шу жумладан, маданият, тенгсизлик ва глобаллашув муаммолари атрофида тадқиқ этилган.

2001-2003 йилларда мамлакатда инсон тараққиётида юз берган ўзгаришлар Ўзбекистоннинг 2005 йилги маърузасида ўз ифодасини топган. Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик декларациясида камбағалликка барҳам бериш, инсон қадр-қиммати ва тенглиги принципларини қарор топтириш, тинчлик, демократия ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича мамлакат зиммасига олган мажбуриятлар ижроси баён этилган. Ушбу маърузадан инсон тараққиёти ва жамиятни демократлаштириш энг муҳим вазифаларини ҳал этишда давлат бошқарувини марказсизлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Инсон тараққиётининг ҳал қилувчи кўрсаткичларидан бири – инсон саломатлиги муаммолари 2006 йилги миллий маърузада ўз ифодасини топган. 4 бобдан иборат бу маърузада Ўзбекистонда инсонни тараққиёти соҳасидаги умумий тенденциялар изчил таҳлил этилади, соғлиқни сақлаш кўрсаткичларининг инсон тараққиётининг бошқа индикаторлари билан ўзаро алоқадорлиги асосланади. Миллий маърузанинг алоҳида боби БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари муаммоларига, жумладан, Ўзбекистон олдида турган муаммоларга ҳамда мамлакатда инсон тараққиёти миллий мақсадларига эришиш учун кўрилатган чораларга бағишланган.

2007-2008 йиллардаги Инсон тараққиёти тўғрисидаги миллий маърузада таълим кўрсаткичларининг инсон тараққиётининг бошқа индикаторларига таъсири таҳлил этилади. Миллий маъруза муаллифлари таълимнинг Ўзбекистондаги аҳволини жаҳондаги бошқа мамлакатлар кўрсаткичлари билан таққослаган ҳолда кўриб чиққан. Шу билан бирга мамлакат иқтисодий ва ижтимоий сиёсатида юз бераётган ўзгаришлар ҳам миллий маърузада ўз ифодасини топган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш дастурининг 2010 йилги Инсон тараққиёти тўғрисидаги глобал маърузаси маълумотларига кўра, Ўзбекистон инсон салоҳиятини ривожлантириш бўйича ўртача даражали мамлакатлар қаторидан ўрин олган. Республика Инсон тараққиёти индекси даражаси бўйича (0,617) жаҳон мамлакатлари ўртасида 102-ўринни эгаллаган.

БМТнинг Ривожланиш дастури маълумотларига кўра, мазкур индекс Ўзбекистонда туғилган пайтда умр кўришнинг давомийлиги 68,2 ёш, таълимнинг ўртача давомийлиги 10 йил, таълимнинг кутилаётган давомийлиги 11,5 йил, аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад (харид қобилияти паритети бўйича АҚШ долларларида) - 3085 доллар эканлиги асосида ҳисоблаб чиқилган¹. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, БМТ Ривожланиш дастурининг ҳар йиллик глобал маърузаларида мамлакатларнинг рейтинг баъзан эскириб қолган ёки текширилмаган маълумотларга асосланади. Натижада мамлакатдаги ҳақиқий аҳвол айрим ҳолларда ўзининг ҳолис ифодасини топмайди.

Масалан, 2006 йилги Инсон тараққиёти тўғрисидаги глобал маърузада фойдаланилган маълумотларнинг таҳлили уларнинг Ўзбекистондаги расмий статистика маълумотларидан жиддий фарқ қилишини кўрсатади (9.2-жадвал).

9.2-жадвал

Инсон тараққиёти халқаро ва миллий индикаторлари ўртасидаги фарқлар

Кўрсаткичлар	БМТ Ривожланиш дастурининг глобал маърузаси бўйича	Ўзбекистон Республикаси расмий статистика маълумотлари бўйича
Туғилган пайтда кутилаётган умр кўриш давомийлиги, йил	66,6	71,2
Аҳолининг саводхонлик даражаси, %	-	99,31
Аҳоли жон бошига ЯИМ (харид қобилияти паритети бўйича, АҚШ доллари)	1869,0	2834,8
Умр кўриш давомийлиги индекси	0,69	0,77
Таълим индекси	0,91	0,92
ЯИМ индекси	0,49	0,56
Инсон тараққиёти индекси	0,696	0,756

Ўзбекистоннинг миллий маърузаларида келтирилган маълумотларга кўра, 1995 йилдан буён мамлакатда Инсон тараққиёти индекси 44 моддага кўтарилган. Ушбу кўрсаткич сезиларли даражада яхшиланишига ялпи ички маҳсулот индикаторлари ҳал қилувчи даражада ҳисса қўшган. Ушбу даврда мазкур кўрсаткич республикада 92 моддага ортган. Инсон тараққиёти индексида қўлланиладиган бошқа икки кўрсаткич ҳам ортган. Жумладан, кутилаётган умр давомийлиги индекси 45 моддага, таълим даражаси индекси 4 моддага ортган (9.3-жадвал).

¹ Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Доклад о развитии человека – 2010. 20-е юбилейное издание. – М.: «Весь Мир», 2010. – С.144.

9.3-жадвал

Ўзбекистонда Инсон тараққиёти индекси орттиқининг динамикаси

Йиллар	Индекслар			
	Инсон тараққиёти	Кутилаётган умр кўриш давомийлиги	Таълим даражаси	ЯИМ
1995	0,715	0,735	0,913	0,498
1996	0,717	0,737	0,913	0,500
1997	0,724	0,752	0,913	0,508
1998	0,725	0,748	0,913	0,515
1999	0,735	0,768	0,913	0,523
2000	0,736	0,763	0,913	0,532
2001	0,740	0,772	0,913	0,535
2002	0,742	0,770	0,913	0,542
2003	0,747	0,777	0,917	0,548
2004	0,756	0,792	0,917	0,558
2005	0,759	0,780	0,917	0,580

Ушбу натижалар Ўзбекистонда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат самараларидир. Мамлакатда Инсон тараққиёти индексининг барча кўрсаткичлари амалда барқарор ўсиш тенденциясига эга. Ўзбекистонда инсон тараққиёти индекси даражасида таълим (40,45%) ва кутилаётган умр давомийлиги индексларининг (34,92%) салмоғи каттадир. Хусусан, Инсон тараққиёти миллий маърузалари маълумотларига кўра, Ўзбекистон

таълим ва кутилаётган умр давомийлиги индекслари бўйича жаҳон мамлакатлари ўртасида муносиб ўрин эгаллади.

Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари амалга оширилиши тўғрисида аҳоли хабардорлигини ошириш чораларини кўрмоқда. Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан телевидение, радио, газеталар ва журналлар орқали БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари моҳияти ва аҳамияти, Ўзбекистоннинг Инсон тараққиёти миллий мақсадлари кенг тарғиб этилмоқда. Таълим муассасаларида “Инсон тараққиёти” ўқув дастурлари ишлаб чиқилган.

9.2. Мамлакатда инсон тараққиётининг минтақавий хусусиятлари


Ўзбекистонда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари миллий индикаторлари ва механизмларини ишлаб чиқиш билан бир қаторда республика ҳукумати Осиё тараққиёт банки, БМТ ва Жаҳон банки билан биргаликда 2004 йилда ўзининг Аҳолини 2005-2010 йилларда фаровонлигини ошириш стратегиясини ҳам белигалб олди. Ушбу стратегияда Мингйиллик ривожланиш миллий мақсадлари билан узвий боғлиқ бўлган устуворликлар белгилаб қўйилган.

Аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясининг концептуал асосини инсон тараққиёти сиёсати билан мамлакатни иқтисодий ривожлантириш дастурларини интеграциялаш заруратининг асосланганлиги ташкил этади (9.1-расм).

Мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг интеграциялаштирилган дастури иқтисодий ўсиш натижаларини аҳолининг барча гуруҳлари ва қатламлари ўртасида адолатли тақсимлашни, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор гуруҳларига ресурслардан тенг фойдаланиш имкониятини яратиш, шунингдек барча – ҳудудий, гендер, даромад ва бошқа белгилар бўйича иқтисодий камситишдан химоя қилишни таъминлашга йўналтирилган.

Ушбу стратегия диққат марказига инсон манфаатлари қўйилган ва уни амалга оширишда барча манфаатдор корхона, ташкилот, муассасалар, хусусий шахслар кенг иштирок этиши назарда тутилган. Стратегияни ишлаб чиқишда турмуш даражасини ошириш фақат аҳоли даромадларини кўпайтириш ва истеъмолнинг

Ўсиши билан чегараланиб қолмасдан, шунингдек, турмуш даражасининг сифат таркибий қисмлари – таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, коммунал соҳаларни ривожлантириш, экология ва ахборот муҳитни соғломлаштириш мақсадлари ҳам кўзда тутилган.



9.1-расм. Аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясини ҳаётга тадбиқ этиш жараёни

Аҳоли фаровонлигини ошириш стратегияси бўлимларидан бири аҳоли турмуш даражасини оширишнинг минтақавий стратегияларини ишлаб чиқишни кўзда тутаяди. Минтақавий стратегия қуйидаги мақсадларга эришишни кўзлайди:

- ҳудудлар аҳоли турмуш даражасини ошириш ва аҳолининг кам таъминланганлигини иқтисодий ўсишнинг жадалроқ суръатларига эришиш орқали камайтириш;
- аҳоли барча қатламларини, айниқса унинг кам таъминланган қатламларини иқтисодий ўсиш натижаларидан тенг фойдаланишини таъминлаш;
- барқарор иқтисодий ўсишга эришиш;
- фуқаролик жамиятини мустақкамлаш ва уни қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб этиш.

Минтақа ижтимоий-иқтисодий маънода одамларнинг ҳудудий-иқтисодий бирлиги ва улар турмуш кечиришининг ижтимоий шароитларидир. Шунинг учун ҳам шаклланаётган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитларида Ўзбекистон минтақаларининг табиий-жўғрофий, демографик, миллий-маданий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришни таъминлашда минтақавий сиёсатнинг муҳимроқ, етакчи ролини белгилайди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар ҳозирги босқичининг муҳим хусусиятларидан бири – уларнинг маҳаллий ресурслардан ва иқтисодий ўсиш имкониятларидан кенгроқ фойдаланишдир. Амалга оширилаётган ислоҳотлар миллий моделининг асосий принципларидан бири – давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги минтақа даражасида давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари ролини янада кучайтиради. Мазкур органларнинг муаммолар моҳиятини тўғри баҳолаш, иқтисодий асосланган қарорлар қабул қилиш малакаси бозор ислоҳотлари муваффақиятини таъминлашда, Ўзбекистонни ижтимоий тараққиёт ва фаровонлик жамиятига айлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитларида минтақа даражасида ҳар бир аниқ ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг мақбул усулларини танлаш жуда муҳимдир.

9.4-жадвал маълумотлари ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан Ўзбекистон иқтисодиётининг минтақавий таркибини янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради. Масалан, Қорақолпоғистон Республикаси мамлакат ҳудудининг 37,1 % ёки 166,6 минг кв.км. эгаллайди, аммо бу ерда миллий ялпи ички маҳсулотнинг атиги 2,4 % ишлаб чиқарилади. Тошкент шаҳрининг ҳудуди 348 кв.км.ни эгаллайди, пойтахт ҳиссасига мамлакат ялпи

ички маҳсулотининг 14,0 % тўғри келади. Яъни ҳудуд жиҳатидан 480 марта кичик бўлган жойда 6 карра баробар кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Тўғри, бундай таққослаш у қадар асосли эмас, лекин у минтақаларни ривожлантиришнинг катта имкониятларидан далолат беради.

9.4-жадвал

Ўзбекистон минтақаларида 2011 йилги ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми

таъсирнинг	Млрд. сўм	2010 йилга нисбатан % ҳисобида	
		Жами	Аҳоли жон бошига
Ўзбекистон Республикаси	77750,6	108,3	105,5
Қорақалпоғистон Республикаси	1771,9	112,0	110,0
вилоятлар:			
Андижон	4424,0	111,3	107,9
Бухоро	4513,7	109,1	106,0
Жиззах	1786,5	110,6	107,3
Қашқадарё	5879,5	106,3	103,1
Навоий	4016,9	106,1	104,3
Наманган	2996,2	110,0	106,3
Самарқанд	4810,4	110,9	107,3
Сурхондарё	2911,7	110,9	107,3
Сирдарё	1266,6	109,4	107,5
Тошкент	7294,4	109,2	107,5
Фарғона	5299,2	107,9	104,4
Хоразм	2306,5	108,4	106,1
Тошкент шаҳри	10993,2	116,7	114,7

Ўзбекистонда минтақаларни ривожлантириш қуйидаги асосий кўрсаткичлар бўйича баҳоланади:

1. Аҳоли турмуш даражасининг индекси.
2. Рақобатбардошлик индекси.
3. Инфратузилманинг ривожланганлиги индекси.

Аҳолининг турмуш даражаси қуйидаги кўрсаткичлар орқали аниқланади:

- аҳоли жон бошига ички минтақавий маҳсулот;
- ишсизлик даражаси;
- аҳоли жон бошига даромад;
- ўртача йиллик иш ҳақи миқдори;
- турар жой билан таъминланганлик даражаси;
- соғлиқни сақлаш тизимининг ривожланганлиги даражаси;
- турли сабабларга кўра ўлимнинг стандартлашган коэффициенти;

• 100 минг киши аҳоли ҳисобига касалхоналардаги ўринлар билан таъминланганлик даражаси.

Ушбу кўрсаткичлар бўйича минтақаларнинг рақобатбардошлиги умумий даражаси, шунингдек у ёки бу индекслар аниқланади. Индекслар кўрсаткичи 0 дан 1,0 гача ўлчанади. Ушбу индекс кўрсаткичлари бўйича мамлакат минтақаларини қуйидаги 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1 – гуруҳ – юқори рақобатбардошлик даражаси – 0,66 дан 1,0 гача;
- 2 – гуруҳ – рақобатбардошликнинг ўртача даражаси – 0,33 дан 0,65 гача;
- 3 – гуруҳ – рақобатбардош бўлмаган минтақалар – 0,00 дан 0,32 гача.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи минтақавий маҳсулот даражаси бўйича юқори гуруҳга Навоий вилояти ва Тошкент шаҳри, ўртача гуруҳга – Тошкент ва Бухоро вилоятлари, аҳоли жон бошига ялпи минтақавий маҳсулотнинг энг кам даражаси бўйича эса Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган ва Сурхондарё вилоятлари киради.

Минтақаларнинг аҳоли реал даромадлари бўйича табақаланиши қуйидагичадир:

- энг юқори кўрсаткичлар бўйича – Тошкент шаҳри;
- энг қуйи кўрсаткичлар бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари.

Умуман олганда, турмуш даражаси индекси кўрсаткичлари Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятида энг юқори, Қорақалпоғистон Республикаси ва Сурхондарё вилоятида энг пастдир.

Иш ҳақи даражасининг нисбатан пастлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши катта салмоққа эга бўлган минтақалар (Андижон,

Жиззах, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари) учун хосдир. Индустрал минтақалар – Тошкент шаҳри, Навоий ва Тошкент вилоятларида эса иш хақи даражаси нисбатан юқоридир.

Минтақаларнинг рақобатбардошлиги даражаси бешта кичик индекслар натижалари бўйича аниқланади. Улар қуйидагилардир:

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- хизматлар кўрсатиш секторининг ривожланганлиги;
- инвестициявий фаоллик;
- инсон капитали миқдори.

Минтақада саноат ривожланганлигининг кичик индекси, шунингдек, аҳоли жон бошига саноат ишлаб чиқариши, умумий ялпи минтақавий маҳсулот ҳажмида саноат ишлаб чиқаришининг улуши, аҳоли жон бошига тўғри келадиган экспорт миқдори, экспортнинг умумий ҳажми кўрсаткичларини қамраб олади. Мазкур кичик индекслар Тошкент шаҳри, Навоий, Тошкент, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида юқоридир.

Ялпи минтақавий маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалигининг салмоғи бўйича Жиззах (49,0 %), Самарқанд (45,6 %), Сирдарё (43,9%), Хоразм (41,5%) ва Наманган (38,6%) вилоятлари кўрсаткичлари юқоридир. Бироқ қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг жамланма кичик индекси тармоқни ривожлантиришда Бухоро, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида юқори суръатларга эришилаётганлигидан далолат беради. Масалан, Бухоро вилоятида аҳоли жон бошига 536,6 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади.

Ўзбекистон учун хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш иқтисодий таркибий ўзгартириш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан бандлик даражасини ошириш нуктаи назаридан жуда муҳимдир. Минтақаларда сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш кичик индексларини таҳлил қилишда аҳоли жон бошига турли хизматлар, хизматлар умумий ҳажмида пуллик хизматларнинг улуши каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Ана шу кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида энг юқори бўлса, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида энг пастдир.

Инсон капитали кичик индексини ташкил этадиган барча кўрсаткичлар Тошкент шаҳрида энг юқоридир. 5 та минтақа – Навоий, Бухоро, Андижон, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича деярли тенг

кўрсаткичларга эгадир. Улар юқори малкали иш кучидан фойдаланишга йўналтирилган тармоқларни ривожлантиришда бошқа минтақаларга нисбатан каттароқ салоҳиятга эгадир.

Ўзбекистон минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражаларидаги табақаланиш асосан собиқ иттифок даврида шакллланган. Бунинг сабабларидан бири – стратегик табиий-хомашё ресурсларининг бир хил тенг жойлашмаганлигидир. Маълумки, ўша даврларда марказ ана шундай ресурслар мавжуд бўлган жойларда уларни қайта ишлайдиган корхоналарни жойлаштирган. Шу сабабли, табиий заҳираларга эга Навоий, Бухоро, Тошкент вилоятлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишда юқорироқ суръатларга эришган. Тошкент шаҳри ривожланишининг юқори даражаси унинг пойтахт мақоми билан боғлиқдир.

Шу билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий ривожланишда Қорақолпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги нисбатан пастроқ кўрсаткичлар мураккаб табиий-иқлим, шунингдек, кейинги ўн йилликлардаги экологик шароитлар билан ҳам боғлиқдир.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитларида яхлит хўжалик механизмни яратишга комплекс ёндашув талаб этилади. Минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий хўжалик механизмлари унсурларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг комплекс прогнозлари, стратегияси ва уни амалга оширишнинг механизмларини белгилайдиган мақсадли комплекс ҳудудий дастурлар;

- ишлаб чиқарувчи кучларни ҳудудий ташкил этиш стратегик йўналишларини аниқлашни таъминлайдиган тизим;

- минтақавий тизимни мувофиқлаштирадиган ташкилий тузилма.

Минтақаларни ривожлантиришга таъсир кўрсатадиган яна бир муҳим омил муайян ҳудуддаги молиявий аҳволдир. Бу маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари қисмларининг мутаносиблигини акс эттиради. Бунда бюджетнинг даромад қисмига тушумларнинг бажарилмаслиги сабабларини аниқлаш ҳамда мазкур муаммоларни ҳал этиш йўлларини топиш керак.

Ишлаб чиқаришни бозор иқтисодиёти механизмлари ёрдамида йўлга қўйиш, минтақа даражасида сифат жиҳатидан янги ўзаро

муносабатларни шакллантириш ушбу масалаларни давлат томонидан тартибга солиш заруратини тугдиради.

Худудларни бошқаришнинг иқтисодий усуларини ривожлантиришнинг асосий мақсади йирик минтақавий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишни таъминлаш ва шу асосда самарали минтақавий сиёсатни олиб боришдир.


9.3. Ўзбекистонда инсон тараққиёти миллий мақсадларини амалга оширишнинг натижалари

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллий Ташкилотининг Мингйиллик декларацияси доирасида ўз миллий инсон тараққиёти мақсадларини белгилаб олгач, улар ижросини изчил таъминлаш юзасидан амалий ишларга киришди. Энг аввало, мамлакатда инсонни ривожлантириш миллий мақсадларига эришишнинг ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларини яратиш чоралари кўрилди. Миллий мақсадларнинг саккиз йўналиши бўйича 500 дан ортиқ қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мамлакат парламенти томонидан 100 дан ортиқ халқаро шартномалар, шу жумладан, БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид олтига ҳужжати ратификация қилинди.

Ўзбекистон БМТнинг Мингйиллик ривожланиш 1—мақсади –15 йил ичида жаҳонда аҳоли ўртасида мутлақ камбағаллик ва очарчилик даражасини икки маротаба камайтириш режаси асосида ўз миллий мақсадини *аҳоли ўртасида кам таъминланганлик ва тўйиб овқатланмасликни камайтириш тарзида* белгилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендиялар ва нафақалар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатда аҳоли жон бошига реал пул даромадлари, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори муттасил ортиб бормоқда (9.2 -расм).



9.2-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, (харид қобилияти паритети бўйича АҚШ доллари ҳисобида)¹


Пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча қатламларининг ўртача даромадларининг ўсиб боришида муҳим омил бўлди. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни акс эттирадиган Жини коэффициенти 1991-2010 йилларда 0,40 дан 0,30 га пасайди (9.3-расм).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу хусусда алоҳида таъкидлаганидек, мамлакатда мустақилликнинг “дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка”² катта эътибор қаратилмоқда.

Кейинги ўн йилда Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 марта ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика хўмтаси маълумотлари // <http://www.stat.uz>.

² И.А.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётига янги босқичга кўтарилган йил бўлади // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.



9.3-расм. Ўзбекистонда аҳоли пул даромадлари табақаланиши даражаси¹

қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффиценти 21,1 дан 8,3 гача қисқарди. Мазкур коэффицент Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Республика аҳолиси ялли даромадларининг ўсиши билан бирга, унинг пул омонатлари ва жамғарма маблағлари ҳам барқарор кўпаймоқда. Бу маблағларнинг харажатлар таркибидаги улуши ўсиб, 1990 йилдаги 11,8 % дан 2011 йилда 15,4 % га етди.

Оилаларнинг истеъмол харажатлари макротаркиби ҳам макбуллашиб бормоқда: уларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар улуши барқарорлашиб, хизматлар учун харажатлар улуши ортиб бормоқда. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиб бораётган давлатлар учун ҳосдир.

Айни вақтда истеъмол таркиби анча сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш ҳисобидан ўзгармоқда. Бунда углеводларга бой озиқ-овқатларни (биринчи навбатда, нон ва нон маҳсулотларини) истеъмол қилишнинг барқарорлашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сони, тури ўнлаб мартаба ошди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари //http://www.minesocionline.uz.

9.5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ялли харажатларининг таркиби, (% ҳисобида)¹

Кўрсаткичлар	1991 й	2001 й	2010 й	2011 й
1. Жамия харажатлар таркиби	100,0	100,0	100,0	100,0
улардан:				
истеъмол харажатлари	81,1	84,3	78,5	78,4
Истеъмолдан ташқари харажатлар (солиқлар, аъзолик бадаллари ва бошқа мажбурий тўловлар)	7,1	6,9	6,3	6,2
пул омонатлари ва жамғармалар	11,8	8,8	15,2	15,4
2. Жамия истеъмол харажатлари	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:				
озик-овқат маҳсулотлари учун	58,3	59,8	51,9	49,8
ноозик-овқат маҳсулотлари учун	31,5	26,8	31,9	33,7
хизматлар учун тўловлар	10,2	13,4	16,2	16,5

Ўзбекистонда мустақилликка қадар аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган ноозик-овқат маҳсулотларининг қатта қисми республикамизда ишлаб чиқарилмас, балки четдан келтирилар эди. Жумладан, телевизорлар, кир ювиш машиналари, электр чангюткичлар, енгил автомашиналар 100,0 % , газмолларнинг қарийб 40,0 % , барча турдаги оёқ кийим ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотларнинг 30,0 % четдан олиниб келинарди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз саноати аҳолининг сифатли мебель, гилам маҳсулотлари, енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлай олади. Мамлакатимизда телевизорлар, кондиционерлар ва экологик хавфсиз музлатгичлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Трикотаж маҳсулотлари, оёқ кийимлар тайёрлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам ишлаб чиқариш орқали юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Агар 2000 йилга қадар, ўтиш даврининг объектив шарт-шароитлари туфайли аҳолининг асосий ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва таъминоти пасайган бўлса, сўнгги ўн йилликда бу

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари //http://www.minesocionline.uz.

бородаги кўрсаткичларда барқарор ўсиш тенденцияси кузатишмоқда.

Бу жараёнда уй хўжаликлари эскирган ва ноқўлай маиший ва электротехника буюмларидан воз кечиб, янги, замонавий, сифат жиҳатидан янги замонавий маҳсулотларни харид қилмоқда (9.6-жадвал).

9.6-жадвал

Аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиши (ҳар 100 хонадонга тўғри келадиган товарлар сони)¹


Кўрсаткичлар	1991 й	2001 й	2011 й
Телевизорлар	90	88	132
Музлатгич ва музхоналар	80	86	99
Кондиционерлар	9	11	18,5
Электр чангюткичлар	29	30	37
Шахсий компьютерлар	-	0,2	12
Фотоаппарат ва видеокамералар	21	21	24
Видеомагнитофон, видеоплейер ва DVD плейерлар	1	31	64
Кир ювиш машиналари	67	69	75
Мобиль алоқа воситалари	-	18	145
Ўртача ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган автомобиллар сони, бирликда	21,9	38,9	51,5
Ҳар 100 та хонадонга тўғри келадиган автомобиллар сони, бирликда	11,9	20,1	27,1

Тадқиқот натижаларига кўра, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган буюмлар билан таъминланиш бўйича мамлакатимизда юқори даражага эришилган. Буни ҳар 100 хонадонга 132 та телевизор, 99 та совутгич, 64 та DVD плейер, 145 та мобиль телефон тўғри келишини тасдиқлайди.

1990-2010 йиллар давомида юртимизда шахсий автомобиллар сони 2,4 марта кўпайди. Шу вақт мобайнида ҳар 100 хонадонга тўғри келадиган энгил автомобиллар сони ортиб, 11,9 тадан 27,1 тага етди. Бу ҳам аҳоли фаровонлиги ва моддий салоҳияти ошиб бораётганини кўрсатади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари // <http://www.mineconomy.uz>

Аҳолининг харид қобилияти, ойлик маоши ва пенсияси ҳисобидан энг зарур истеъмол маҳсулотларининг сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари сезиларли даражада яхшиланиб бораётганини акс эттиради. Ўртача ойлик маоши харид қобилиятининг ўсиш динамикаси, минимал истеъмол савати билан кийёслганда, ҳозирги вақтда 7,2 марта ошди.



9.4-расм. Ўртача ойлик иш ҳақининг харид қобилияти (минимал истеъмол саватчасига нисбатан, марта ҳисобида)¹

Инсон тараққиёти бўйича Ўзбекистоннинг 2-миллий мақсади бошланғич ва ўрта таълим сифатини оширишдир.

Ўзбекистонда болаларни бошланғич таълим билан қамраб олиш 100,0 % ни ташкил этади. Республикада бошланғич ва ўрта таълим ташкилий ва мазмун жиҳатидан ўзаро узвий боғлиқдир. Ҳар бир умумтаълим мактаби умумий ўрта таълимнинг иккала даражасида ўқитишни олиб боради. Бу ўрта таълим мактабларини битирган ўқувчиларни тўла ҳисобга олишни таъминлайди.

Ўзбекистонда мактаб таълимидан фойдаланиш имконияти фақат унинг бепуллиги билангина эмас, балки ўз она тилида таълим олиш, шунингдек, ўқувчилар қатнашлари учун мактабларнинг етарлилиги ва қулай жойлашганлиги билан ҳам таъминланади.

Мамлакатда 9,8 мингта (шу жумладан, шаҳарларда 2100 та ва қишлоқларда 7700 та) кундузги таълим муассасаси ишлаб турибди. Умумтаълим мактабларида 4,9 миллион нафаридан кўпроқ ўқувчи

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари // <http://www.mineconomy.uz>

9.7-жадвал
Таълимнинг қўтилаётган давомийлиги (йил)¹

Мамлакатлар	1990 йил	2000 йил	2005 йил	2009 йил	2010 йил
Ўзбекистон	13,7	14,8	15,1	15,4	15,6
Ривожланган мамлакатлар	14,1	15,0	15,4	15,7	15,9
Ривожланиш даражаси ўртачадан юқори бўлган давлатлар	12,3	12,8	13,4	13,7	13,8
Ривожланиш даражаси ўртача бўлган давлатлар	9,7	10,0	10,5	10,9	11,0
Ривожланиш даражаси ўртачадан паст бўлган давлатлар	7,1	7,4	7,7	8,1	8,2

таълим олмоқда. Бу таълим муассасаларида 437,6 минг нафар ўқитувчи ишлайди. Болаларнинг барча тоифалари учун мактаб таълимидан фойдаланиш имконияти, шунингдек, махсус таълим муассасалари (ёрдамчи мактаблар) мавжудлиги билан ҳам таъминланади. Бу мактабларда жисмоний ва психологик ривожланишда орқада қолаётган болалар ўқитилади. Жисмоний нуқсонларга эга ва заиф болаларни ўқитиш ва саломатликларини тиклаш санаторий-интернат туридаги мактабларда амалга оширилади.

2009 йилдан эътиборан ўрта махсус, касб-хунар таълими мажбурий ҳисобланади, лекин умумий ўрта таълим мактабини тугаллаган ўқувчилар академик лицей ёки касб-хунар коллежида таълимни давом эттиришни ихтиёрий равишда танлаш ҳуқуқига эгадир. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўрта махсус, касб-хунар таълим бериш билан бир қаторда узлуксиз таълимнинг навбатдаги босқичларида таълимларини давом эттириш ёки эгаллаган ихтисосликлари ва касблари бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш тенг ҳуқуқини ҳам беради.

Ўрта махсус, касб-хунар тизимида 2009/2010 ўқув йилида 1368 та касб-хунар коллежи ва 139 академик лицей бўлиб, уларда 1,5 миллион нафар ўқувчи таълим олди. Мазкур тизимда 108925 ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими устаси, шу жумладан 95 нафар фан доктори ва 1185 фан номзоди ишлайди. 1998-2009 йиллар давомида тизимдаги 103,0 минг нафардан кўпроқ ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталари ўз малакаларини оширди. Улардан 1170 нафари Япония, Жанубий Корея, Германия ва бошқа давлатларда малакаларини ошириб қайтди.

Мамлакатнинг олий таълим муассасалари ҳозирги вақтда йилига танлов (тест) асосида ўртача 60 минг нафар талабани қабул қилади. 2009/2010 ўқув йилида олий таълим тизимида 286,2 минг нафар талаба, шу жумладан бакалаврият тизимида – таълимнинг 253 та йўналиши бўйича 274730 нафар ҳамда магистратура тизимида 719 ихтисослик бўйича 11492 нафар талаба таълим олди. Олий ўқув юртларида 23,1 минг нафар педагоглар, шу жумладан, 7238 нафар фан номзодлари ва 1588 нафар фан докторлари ишлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш дастурининг Ўзбекистондаги донмий вакили Фикрет Акчуранинг таъкидлашича: “Ўзбекистон Республикаси мамлакатда эришилган саводхонлик даражаси билан том маънода фахрланса арзийди. Қолбуки, саноати ривожланган барча мамлакатларда ҳам бундай юксак кўрсаткичларга эришилаётгани йўқ. Шундай экан, Ўзбекистоннинг ушбу соҳадаги бундан кейинги вазифалари янада юксаклигича қолади — таълим сифатини ошириш, таълимдан умумий фойдаланиш имкониятларини сақлаш ва аҳолини умри давомида ўқитиш ишлари яна ҳам юқори даражада амалга оширилмоғи даркор. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонга бу борада дунёда етакчи ўринни эгаллаш имконини беради”².

Аёллар ва эркакларнинг тенглигини рағбатлантириш ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш 3–миллий мақсад сифатида белгиланган. Ўзбекистонда бу йўналишда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси

¹ Имконини ривожлантириш тўғрисида маъруза. 2010 йил / Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури // <http://www.undp.uz>.

² Ўзбекистонда таълим, талаб ва таъриф мутаносиблиги // Имсон тараққиёти тўғрисида маъруза. – Т.: БМТ ривожланиш дастури, 2007/2008. – Б.5.

Президенти И.А. Каримов “Жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғлик илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий – маънавий савиясини белгилайди”, деб алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, Меҳнат кодекси, умуман 80 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ана шу мақсадга – хотин-қизларнинг барча соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган. Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб хотин-қизлар ҳуқуқлари халқаро меъёр ва ҳуқуқий стандартларга тўла мувофиқ бўлишни таъминлаш мақсадида БМТнинг Аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги, Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияларга қўшилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонига биноан хотин-қизлар қўмиталари раислари маҳаллий ҳокимият органлари таркибига киритилиб, ҳоким ўринбосарлари этиб тайинланган. Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси эса Бош вазир ўринбосаридир.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ сиёсий партиялардан парламентга номзодларини кўрсатишда аёллар учун депутатликка 30,0 % лик квота жорий этилган. Ҳозирги пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида хотин-қизлар 22,0 % ни, Сенатда эса 15,0 % ни ташкил этади.

Хотин-қизлар давлат ва жамият қурилишининг бошқа соҳаларида фаол иштирок этмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди таркибининг 20,0 % ни, Олий суднинг - 14,6 % ни, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг - 20,4 % ни, Олий ҳўжалик судининг - 15,8 % ни хотин-қизлар ташкил этади.

Аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга имтиёзли маблағлар ажратиш йўлга қўйилган. Хотин-қизлар, айниқса, кишлоқ жойларидаги аёллар ижтимоий фаолият билан шугулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига мувофиқ ҳар

йили хотин-қизларни иш билан таъминлаш давлат ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалиётга татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистонда болалар ўлимини камайтириш, оналар саломатлигини яхшилаш, турли юқумли касалликларга қарши кураш олиб бориш бўйича 4- ва 6-миллий мақсадлар ҳам муваффақиятли бажарилмоқда.

Ўзбекистон аҳолиси нисбатан юқори умр кўради. Жумладан, 2011 йил туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги 72,5 йилга етди (9.8-жадвал). Кутилаётган умр давомийлиги бўйича Ўзбекистон кўрсаткичлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кўпгина мамлакатларига қараганда юқорироқдир (9.5-расм).


Аҳоли турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган давлат мақсадли дастурлари амалга оширилиши натижасида сўнгги йилларда аҳолининг касалланиши даражаси камайиб бормоқда. Масалан, юқумли касалликлар 1995 йилга нисбатан 45,0 % га, нафас олиш органлари касалликлари – 43,5% га, тугма касалликлар – 25,0 % га, янги ўсмалар пайдо бўлиши – 24,7 % га камайди.

9.8-жадвал

Ўзбекистонда туғилиш пайтида кутилаётган ўртача умр кўриш давомийлиги (йил)

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2003 йил	2011 йил
Ҳар икки жинс	69,3	70,8	71,6	72,5
Эркаклар	66,1	68,4	69,4	69,5
Аёллар	72,4	73,2	73,8	75,7

Ўзбекистонда кейинги 20 йил мобайнида оналар ўлими 2 баробардан ҳам кўпроққа (1990 йилдаги 100 минг тирик туғилган чақалоқ ҳисобига 65,3 тадан 2010 йилда 21,0 тага), болалар ўлими эса 3 баробардан ҳам кўпроққа (1990 йилдаги 34,6 промилледан 2010 йилда 10,9промиллега) камайди. Аёллар мамлакатдаги 2386 аёллар маслаҳатхонасидан тиббий ёрдам оладилар. Ҳомиладорлар ва гинекология касаллигига чалинганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун деярли 30 минг ўринли туғруқхона муассасалари мавжуд.



9.5-расм. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида туғилган пайтда кутилаётган умр кўриш давомийлиги, (Йил)

Мамлакатда ҳар 100 минг кишига ҳисоблаганда, ижтимоий хавфи катта бўлган касалликларга чалиниш ҳолатлари, жумладан, туғма нуқсонлар билан туғилиш – 32,4 % га, юқумли касалликлар – 40,0 % га, юқори нафас органларининг ўткир инфекциялари билан оғриш – 4,2 марта камайди. Дифтерия, паратиф, полиомелит, безгак касалликларига чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100,0 % ни ташкил этди.

Мингйиллик ривожланиш мақсадларини амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири ОИТС профилактикаси ҳисобланади. Ўзбекистонда ОИТС билан курашиш бўйича муассасаларнинг умумий тармоғи ишлаб турибди. Мазкур тармоқ ОИТС билан курашиш бўйича республика маркази ва 14 та минтақавий марказ, шунингдек, республика, вилоят ва туман соғлиқни сақлаш муассасалари ҳузурда 78 та диагностика лабораториясини қамраб олган.

Инсон тараққиётининг 7-миллий мақсади экологик барқарорликни таъминлашдир. Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш, айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Орол фожияси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлишнинг яққол мисолидир.

Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 марта қисқарди, сув ҳажми 13 мартаба камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб даражада ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшashi

учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди.

Бугун Орол бўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди. Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Орол бўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистонда бу оламшумул масалага алоҳида эътибор берилгани ҳолда табиатни муҳофаза қилиш, сув ва сувдан фойдаланиш, ҳавони, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида, бошқа қатор қонунлар қабул қилинди, экологик йўналишдаги 300 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотларини бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташкил этилди.

Ривожланиш мақсадларида глобал шериклик – 8-миллий мақсад ҳисобланади. Ўзбекистон ҳозирги вақтда 120 мамлакат билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Давлатимизда 44 та чет эл мамлакатларининг элчихоналари, 10 та халқаро ташкилоти, 5 та халқаро молия ташкилоти, 3 та дипломатик мақомга эга савдо ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Ўз навбатида чет элларда Ўзбекистон Республикасининг 46 та дипломатик ва консуллик ваколатхоналари ҳамда халқаро ташкилотларда, шу жумладан, Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, БМТнинг Европа бўлими ва Женевадаги халқаро ташкилотлар қароргоҳларида доимий ваколатхоналари мавжуд.

Республика 100 дан ортиқ халқаро ташкилотларнинг аъзоси ҳисобланади. Улар орасида БМТ, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби нуфузли тузилмалар мавжуд. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва НАТО билан ҳамкорлиги ривожланиб бормоқда.

Жумладан, Жаҳон банки, шунингдек, Халқаро тиклаш ва ривожланиш банки Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган стратегиясини амалга оширди.

Бу стратегия доирасида қуйидаги масалалар ҳал этилди:

- иқтисодий ўсиш учун муҳитни яхшилаш;

- қишлоқда иқтисодий имкониятларни кенгайтириш;
- аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш;
- атроф-муҳитни бошқариш ва глобал ижтимоий неъматларни тақдим этиш.

Бугунги кунда Жаҳон банки томонидан Ўзбекистонда 10 та лойиҳа, жумладан, Фарғона вилоятида сув ресурсларини бошқариш, Бухоро ва Самарканд шаҳарларида тозалаш иншоотлари ва канализация тизимларини реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш, саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш, мактаб таълимини ривожлантириш, “Саломатлик-3” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Осиё тараққиёт банки эса мамлакат қишлоқ жойларида сув таъминотини яхшилаш лойиҳаларини молиялаштирмоқда. Ушбу банк ҳамкорлигида “Дарсликлар ва ўқув адабиётлари нашр этилиши тизимини такомиллаштириш” инновация лойиҳасининг амалга оширилиши умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан ижара тариқасида таъминлашни жорий этишга хизмат қилди.

Ўзбекистонда инсон тараққиёти миллий мақсадларига эришишда давлат мақсадли дастурларининг ишлаб чиқилиши ва изчил амалга оширилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Маълумки, 1997 йилдан бери республикада ҳар бир йил муайян, жуда муҳим ва йирик ижтимоий муаммони ҳал этишга бағишланади (9.9-жадвал).

9.9-жадвал

Ўзбекистоннинг ҳар йилги ижтимоий устуворликлари

Йиллар	Ижтимоий устуворликлар
1997	Инсон манфаатлари йили
1998	Оила йили
1999	Аёллар йили
2000	Соғлом авлод йили
2001	Оналар ва болалар йили
2002	Қарияларни кадрлаш йили
2003	Маҳалла йили
2004	Меҳр ва мурувват йили
2005	Сиҳат-саломатлик йили

2006	Ҳомийлар ва шифокорлар йили
2007	Ижтимоий ҳимоя йили
2008	Ёшлар йили
2009	Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили
2010	Баркамол авлод йили
2011	Кичик бизнес ва тадбиркорлар йили
2012	Мустаҳкам онла йили

Мазкур ижтимоий масалани ҳал этиш учун кенг қўламли давлат мақсадли дастури ишлаб чиқилади. Ушбу Давлат дастури асосида минтақавий ҳамда ҳар бир вазирлик ва идоранинг дастури ишлаб чиқилади. Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга амалда мамлакатнинг бутун аҳолиси, ҳар бир корхона, ташкилот ва муассаса сафарбар этилади.

“Ҳамма нарса инсон учун, инсон манфаатлари учун” концепциясининг изчил амалга оширилиши Ўзбекистонда инсон тарққиёти соҳасида катта муваффақиятларга эришишни таъминлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳақли равишда “Ўзбекистон тарихий мезонларга кўра қисқа муддат бўлган 15-20 йил давомида бизнинг бош мақсадимиз – дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш ва мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароити ва сифатини яратиш йўлида ғоят улкан қадам қўйди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Ва бу билан биз ҳақли равишда фахрланамиз”¹ деб уқтирди.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистоннинг Инсон тараққиёти миллий мақсадлари БМТнинг Инсон тараққиёти мақсадларидан нималар билан фарқ қилади?

2. Ўзбекистонда Инсон тараққиёти индексини қуйидаги маълумотлар асосида аниқланг: аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот 3100 АҚШ доллари (харид қобилияти паритети бўйича); туғилган пайтда кутилаётган умр давомийлиги 73 йил; таълим олишнинг ўртача давомийлиги 12 йил; кутилаётган таълим давомийлиги 14 йил.

¹ Каримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни берқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт // Халқ сўзи, 2012 йил 20 февраль.

3. Ўзбекистон аҳолиси турмуш даражасини оширишнинг минтақавий стратегиялари қайси мақсадларга эришишни кўзлайди?

4. Мамлакатнинг қайси минтақалари аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи минтақавий маҳсулот ўртача даражасига эга гуруҳга киради?

5. Кейинги 10 йил давомида мамлакат аҳолисининг жамланма даромадлари таркибида қандай ўзгаришлар рўй берди?

6. Инсон тараққиёти муаммоларини ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари қандай роль ўйнайди?

10-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ

10.1. Инсон манфаатларини таъминлашда барқарор ривожланишнинг ролли

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури билан Мингйиллик миллий мақсадларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида яқин ҳамкорлик билан биргаликда инсон тараққиётининг бошқа йўналишлари бўйича ҳам шериклик алоқаларини мустаҳкамламокда. Ўзбекистоннинг БМТ Ривожланиш дастури билан ҳамкорлигидаги 2010-2015 йилларга мўлжалланган Ҳаракат режаси бунинг амалий ифодасидир.

Аввал ҳам ана шундай, 2005-2009 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилинган эди. Унда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш режаланган эди:

- иқтисодий ривожланиш ва кам таъминланган аҳоли сонини камайтириш;
- демократик бошқарув соҳасидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш;
- атроф-муҳит ва энергетика.

БМТнинг Ривожланиш дастури Ўзбекистон Республикаси аҳолиси фаровонлигини ошириш стратегиясини ишлаб чиқишда техникавий ёрдам кўрсатди. Мамлакат ҳукумати мазкур миллий стратегияни 2007 йилнинг август ойида Ўзбекистонни 2008-2010 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий хужжати сифатида маъқуллади. БМТнинг Ривожланиш дастури мамлакат ҳукуматига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларини Ўзбекистоннинг миллий шариоитларига мослаштиришда ҳам ёрдам кўрсатди. Натижада Миллий мақсадлар кейинчалик *Аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясига* киритилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг *Ўзбекистонда Ривожланишга қўмаклашиш бўйича дастури (ЮНДАФ 2010-2015 йиллар)* қуйидаги стратегик мақсадларга эришишга қаратилган:

- иқтисодий бошқарув ва кам таъминланган аҳоли сонини камайтириш;

- атроф-муҳит ва энергетика;
- демократик бошқарув.

Ушбу йўналишлар асосида мамлакатда 2011-2015 йилларда энг муҳим стратегик вазифалар сифатида қуйидагилар белгилаб олинган:

- макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини янада диверсификация қилиш ҳисобига унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш;

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техникавий ва технологик янгилаш;

- миллий маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорларидаги рақобатбардошлигини ошириш.

Бу ўринда “барқарор иқтисодий ўсиш” ва “барқарор ривожланиш” тушунчаларини фарқлаш лозимлигини таъкидлаш керак. XX аср 60-йилларида пайдо бўлган “барқарор ривожланиш” тушунчаси атроф-муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланишга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни назарда тутлади. Фақат шундагина барча миллатларнинг келажак авлодлари учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш, айти пайтда инсониятнинг ҳаёти учун зарур бўлган сайёрамизнинг энг муҳим экологик тизимларини сақлаш ва химоя қилиш имконияти пайдо бўлади.

1972 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ташкил этилган Инсон муҳити бўйича конференция (Атроф-муҳит бўйича Стокгольм конференцияси) табиий ресурслардан эҳтиёткорлик билан фойдаланилган ҳолдагина жаҳон ҳамжамияти янада ривожланиши мумкин деган хулосага келди. Кейинчалик мазкур концепция БМТнинг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича комиссияси томонидан такомиллаштирилди. Ушбу комиссия 1987 йилда “барқарор ривожланиш” деганда “*Ҳозирги авлод эҳтиёжларини келажак авлод эҳтиёжларини хавф остига қўймасдан қондириш*” маъносида талқин этиш зарурлигини белгилаб берди.

Барқарор ривожланиш концепцияси 1992 йил июнь ойида Рио-де-Жанейрода (Бразилия) бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясида муҳокама этилиб, янада ривожлантирилди. Ушбу

конференция “*XXI аср учун кун тартиби*” деб номланган атроф муҳит ва ривожланиш бўйича декларация қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси учун барқарор ривожланиш принципи жуда муҳимдир. Мамлакатнинг барқарор ривожланиш стратегик мақсадлари қуйидагиларни қамраб олади:

- барқарор иқтисодий ўсиш шароитларида ҳар бир фуқаронинг соғлом ва самарали ҳаётини таъминлаш;

- жаҳон ҳўжалик алоқалари тизимига интеграциялашган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш;

- Орол денгизи экологик инқирози оқибатларини бартараф этиш ҳамда республиканинг бошқа минтақаларида экологик вазиятни соғломлаштириш;

- қулай атроф-муҳитни сақлаш ва яхшилаш;

- табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни келажак авлод фойдаланиши учун сақлаш.

Ўзбекистонда ривожланишга ёрдам бериш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дастури (ЮНДАФ 2010-2015 йиллар) 1-мақсади “Аҳоли, шу жумладан, унинг ночор қатламлари (иқтисодий жиҳатдан қолақ минтақалар, жумладан қишлоқ жойлари аҳолисини, хусусан аёлларни, уй бекаларини, меҳнат муҳожирлари ва улар оилаларини, болаларни, жумладан, ўсмирларни, кекса кишиларни, ОИТСга чалинган шахсларни, ногиронларни) иқтисодий фаровонлигини ошириш”га қаратилган.


Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсишининг барқарор юқори суръатларини таъминлаш кўзда тутилган. Жумладан, 2011-2015 йилларда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 1,5 маротабага, ҳарид қобилияти паритети бўйича эса (АҚШ доллари ҳисобида) – 1,6 маротабага кўпайтириш режалаштирилган. Бунинг учун ҳар йили ялпи ички маҳсулот ҳажмини 8,0%дан кўпроқ ортишни таъминлаш талаб қилинади. Айти пайтда иқтисодий ўсиш макроиқтисодий кўрсаткичлар мутаносиблиги, инфляция кўрсаткичлари паст бўлиши ва миллий валюта курси барқарорлиги ҳолатида таъминланиши керак.

Мазкур даврда фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳисобига иқтисодиётга 77,4 млрд.АҚШ доллари миқдорига тенг маблағ йўналтирилади. Бу аввалги беш йилликдагига нисбатан икки маротабадан ҳам зиёддир. 2011–2015 йилларда 13,0 млрд.АҚШ долларидан ортик чет эл инвестицияларини жалб этиш,

бу маблағлар ҳисобига 320 та йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳам режаланган.

“Ўзбекистон Республикасида 2011–2015 йилларда саноатни ривожлантириш устуворликлари тўғрисида”ги дастур асосида умумий қиймати 47,5 млрд.АҚШ долларига тенг бўлган 500 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Ушбу даврда мамлакатда автомобиллар ишлаб чиқаришни – 1,2, замонавий автобусларни – 1,3, музлаткичларни – 4, телевизорларни – 5 маротабага кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва унинг янада диверсификация қилиниши ялпи ички маҳсулот ҳажмида саноат улушини 2010 йилдаги 24,0 % дан 2015 йилда 28,0 % га етказиш имконини беради. Иқтисодиёт бошқа тармоқларини ҳам янада ривожлантириш кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 17,5 % дан 13,5 % га камайишига қарамадан аграр сектор маҳсулотларининг ҳажми 1,3 маротаба ортади (10.1-расм).



10.1-расм. Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг 2011-2015 йиллардаги ўсиши прогнозлари (иқтисодиёт тармоқларининг ялпи ички маҳсулот ҳажмидаги салмоғи, %)

Саноат сифат кўрсаткичларини яхшилаш чоралари кўрилади. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларининг янги турларини ишлаб

чиқаришни ўзлаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоралар дастури тасдиқланган. Ушбу дастурга кўра, яқин йиллар ичида мавжуд корхоналар негизида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга қаратилган 50 та лойиҳа амалга оширилади. Ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 658,0 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу маблағнинг 176,0 миллион АҚШ доллари – корхоналарнинг ўз маблағлари, 164 миллион АҚШ доллари – Ўзбекистон Тикланиш ва ривожланиш фонди маблағлари, 210 миллион АҚШ доллари – тижорат банкларининг кредитлари, 108 АҚШ миллион доллари – чет эл инвестициялари ва кредитларидир. Шунингдек импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 787,6 миллион АҚШ доллари бўлган 77 та инвестиция лойиҳаси ҳам амалга оширилади.

Кейинги йилларда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори суръатларда ортиши, давлатнинг таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига харажатлари миқдори кўпайиши Ўзбекистонда аҳолининг кам таъминланган қисми умумий даражасини 2001 йилдаги 23,6 % дан (шаҳарларда – 17,6 % ва қишлоқ жойларида – 27,1 %) 27,5 % га (шаҳарларда – 22,5 % ва қишлоқ жойларида – 30,5 %) камайитириш имконини берди¹.

Ўзбекистонда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш ҳамда ЮНДАФ 2010-2015 йиллар дастури бўйича турмуш даражасини ошириш юзасидан қуйидагилар кўзда тутилган:

1.1 – якун: аҳоли ночор қатламлари турмуш даражасини оширишга қаратилган иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқарувнинг марказий ва маҳаллий органлари салоҳиятини мустаҳкамлаш;

1.2 – якун: аҳолининг ночор қатламларини ишга жойлаштириш имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш.

1.3 – натижа: бизнес юритиш соҳасида микромолиялаштириш хизматларидан ҳамда маслаҳат-ахборот хизматларидан фойдаланишни кенгайтириш;

1.1.4 – натижа: аҳолининг асосий ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун маҳаллий органлар билан биргаликда инфратузилмаларни тиклаш.

¹ Проект страновой программы ПРООН для Узбекистана на 2010-2015 гг. (19 марта 2009 г.) // <http://www.unfpa.org>

Ўзбекистон аҳолисининг жамланма даромадлари 2015 йилга бориб камида 2,6 марта ортиши мўлжалланган. Шунингдек, иш хақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг миқдори ҳам сезиларли даражада кўпаяди.

Инсон тараққиёти концепциясида таълим унинг асосий таркибий қисмлардан бири эканлиги тасодифий эмас. Соддалаштирилган статистика таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда инсон тараққиёти индексининг қарийб 40,0 % республика таълим даражаси кўрсаткичига боғлиқ. Ўз навбатида, бунинг учдан икки қисми мамлакат катта ёшдаги аҳолисининг саводхонлик даражаси, учдан бир қисми ўқув юртига ўқишга қираётганларнинг жами коэффициенти, яъни 6–24 ёшдаги ўқиётганлар улуши билан белгиланади.

Ўзбекистон таълим даражаси бўйича дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторида туради. Ўзбекистонда таълим кўрсаткичи 0,998 ни ташкил этгани ҳолда жаҳон бўйича ушбу ўртача кўрсаткич 0,77 га тенгдир. Республика таълим кўрсаткичи бўйича Европа Иттифоқи таркибига қирадиган Мальта (0,86), Руминия (0,90), Хорватия (0,90), Марказий Американинг sanoati энг ривожланган мамлакати - Коста-Рика (0,87) ва Хитой Гонконгидан (0,88) олдинда. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон нефть ҳисобидан бойиб кетган Бахрайн ва Бруней (0,88), Қувайт (0,87), Қатар (0,86), Бирлашган Араб Амирликлари (0,71), шунингдек, иқтисодий ривожланиш соҳасида катта муваффақиятга эришган Мексика (0,86) ва Малайзиядан (0,84) олдинда. Ўзбекистон катта ёшдаги аҳоли саводхонлиги даражаси бўйича (99,3%) Италия (98,4 %), Испания, Жанубий Корея (98,0 %) ва Исроил (97,1 %) каби иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларни ортада қолдирмоқда.

2011–2015 йилларда барча умумтаълим мактабларини компьютер синфлари билан жиҳозлаш, таълим жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш белгиланган. Бундан ташқари, болалар спортининг 400 та объекти ҳамда 221 та болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши ва таъмирланиши кўзда тутилмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, энг аввало, қишлоқ жойларида касалликларни барвақт аниқлаш ва профилактика самарали тизимини кенгайтириш, санитария-эпидемиология

вазиратини соғломлаштириш, шунингдек, тор ихтисосли илмий марказларни янги диагностика ва касалликларни даволаш технологияларини жорий этиш мақсадларига йўналтирилади.

2011-2015 йилларда соғлиқни сақлашнинг 700 тадан кўпроқ муассасаси қурилиши, таъмирланиши ва жиҳозланиши кўзда тутилмоқда. Бу аввалги 5 йилликдагига нисбатан 1,8 мартаба кўпдир.

Жаҳон банки ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида Халқаро ривожланиш ассоциацияси маблағларидан “Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш” лойиҳасини амалга ошириш учун 93,0 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит ажратиш тўғрисидаги битим имзоланган. Жаҳон банкининг ушбу “Саломатлик – 3” лойиҳаси Аҳоли фаровонлигини ошириш давлат стратегияси доирасида соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янада такомиллаштиришга қаратилган.

Аҳоли, айниқса, қишлоқ жойларидаги аҳолининг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадларида соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш режаланган. Улар қуйидагиларни кўзда тутди:

1) соғлиқни сақлаш хизматлари сифатини ошириш. Бунда асосий эътибор касалхоналарда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинини ривожлантириш, клиника хизмати сифатини яхшилашга қаратилади;

2) соғлиқни сақлашни молиялаш ва бошқариш ислохотларини чуқурлаштириш. Бунда асосий эътибор соғлиқни сақлаш бирламчи бўғинини молиялаштиришни такомиллаштириш, туманлар даражасида касалхоналарда хизмат кўрсатишга ҳақ тўлаш тизимини ислоҳ этиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш тўғрисида жамоатчилик хабардорлигини ошириш тизимини яратишга қаратилади.

3) юқумли касалликлар профилактикаси ва улар билан курашишнинг институционал тизимини мустаҳкамлаш.

“Саломатлик-3” лойиҳаси асосида Жаҳон банки 100 тадан зиёд кўп тармоқли болалар касалхоналари ва туғруқхона муассасаларини замонавий тиббий асбоб–ускуналар билан жиҳозлаш, шунингдек қишлоқ врачлик пунктлари қошида дорихоналар ташкил этиш ва уларни ҳаёти учун зарур дори воситалари билан таъминлаш чораларини назарда тутди.

Шу билан биргаликда “Соглом она – соглом бола” дастури доирасида туғиш ёшидаги аёлларни ва 14 ёшгача бўлган қизларни 100,0 % тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил этиш, шундан сўнг, зарурат бўлса, уларни соғлиқни сақлаш муассасаларида соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш белгиланган.

Ўзбекистондаги демографик вазият инсон тараққиёти индекси даражасига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, туғилиш сони ортиши таълим ва соғлиқни сақлаш тизими, шунингдек, ижтимоий инфратузилмага катта таъсир этмоқда. Ушбу соҳаларда асосий ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифат стандартларини сақлаб туришга тобора кўпроқ маблағ талаб этилмоқда. Айни пайтда меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар сони ҳам ортиб бораётти.

Шунинг учун аҳолининг иш билан самарали бандлигини таъминлаш энг муҳим ижтимоий масалалардан бири ҳисобланади. Бу ҳисобга олинган ҳолда мамлакатда йилига ўртача 1 миллион янги иш ўрнилари яратиш режаланган. Иш билан бандлик давлат ва ҳудудий дастурларига мувофиқ янги иш ўрнилари қуйидагилар ҳисобига ташкил этилади:

- инвестиция дастурлари, маҳаллийлаштириш дастурлари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш тармоқ дастурларини амалга ошириш;

- вақтинча ишламаётган корхоналарни, шу жумладан, тижорат банклари балансига берилган корхоналарни тиклаш;

- кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

- касаначиликни, биринчи навбатда саноат корхоналари билан меҳнат шартномаси бўйича кооперациялашга асосланган касаначиликни ҳамда ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш;

- фермер ва деҳқон хўжаликларини, айниқса, паррандачилик, баликчилик, асаричиликка, шунингдек, мева-сабзавот ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган тузилмаларни ташкил этиш ва ривожлантириш;

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштиришни кенгайтириш ва бошқалар.

Аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолиси турмуш сифатини яхшилашда Ўзбекистонда 2009 йилдан эътиборан амалга ошириб келинаётган намунавий лойиҳалар бўйича шахсий турар жойлар

массивларини барпо этиш дастури катта роль ўйнамоқда. 2011–2015 йилларда яна 35,5 мингта шахсий турар жойлар қурилиши режаланган. Шу билан бирга мазкур турар жой массивларида замонавий муҳандислик ва транспорт инфратузилмалари, ижтимоий объектлар ҳам барпо этилади.

10.2. “Билимга асосланган иқтисодиёт” – тараққиётнинг бош омилли

Билимга асосланган иқтисодиёт саноат ривожланишидан кейинги инновацион иқтисодиётнинг олий босқичи ҳисобланади. Бунда кўпинча “билимга асосланган иқтисод” атамаси “инновацион иқтисодиёт” синоними сифатида ишлатилади. Аммо билимга асосланган иқтисодиёт – инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг олий босқичидир.

Жаҳон банки экспертларининг таърифига кўра: “Билимга асосланган иқтисодиёт – ўзининг ўсиши ва рақобатдошлигини ошириш учун билимларни яратадиган, тарқатадиган ва улардан фойдаланадиган иқтисодиётдир”¹.


Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мутахассислари томонидан билимга асосланган иқтисодиётга батафсилроқ таъриф берилган, яъни у “билимлар барча тармоқлар, барча секторлар, иқтисодий жараёнларнинг барча қатнашчиларини бойитадиган иқтисодиётдир. Айни пайтда бундай иқтисодиёт турли шакллардаги билимлардан фойдаланибгина қолмасдан, балки мазкур билимларни юқори технологияли маҳсулотлар, юқори малакали хизматлар, илмий маҳсулот ва таълим сифатида яратади”² (10.2–расм).

Билимга асосланган иқтисодиёт “*моддий иқтисодиёт*”дан “*интеллектуал иқтисодиёт*”га ўтишни назарда тутди. Бунинг моҳияти шундан иборатки, билимлар ва махсус ноёб кўникмалар барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий манбаи ва ҳал қилувчи омилга айланади. Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири Тони Блэр: “Билимга асосланган иқтисодиёт – амалда бутун иқтисодиётдир. “Янги иқтисодиёт” деган нарсанинг ўзи йўқ, гап

¹ Всемирный банк // <http://www.worldbank.org>.

² БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги викариликкаси // <http://www.unfp.org>.

шундаки, бутун иктисодиёт ахборот технологиялари асосида ўзгаради – бу иктисодий инқилобдир”¹ деб кўрсатган.



10.2-расм. Жаҳон банки экспертлари фикрича, билимларга асосланган иктисодиётнинг таркибий қисмлари

Академик В.Л. Макаровнинг фикрича, “Билимга асосланган иктисодиётда, бир томондан, олимлар томонидан қанчалик кўп билим яратилса, иккинчи томондан, одамлар бу билимларни қанчалик кўп истеъмол қилсалар, шунчалик кўп маҳсулот ҳажми ортади.... Яъни билимларни пировард истеъмолчиларга етказадиган олимларнинг ҳам, уни истеъмол қиладиган одамларнинг ҳам иши муҳимдир”².

Билимга асосланган иктисодиёт инфратузилмасига иктисодий ўсишни таъминлайдиган қуйидаги омиллар қиради:

- юксак турмуш сифатини амалга оширадиган самарали давлат институтлари;
- юқори сифатли таълим;
- самарали илм-фан;
- самарали илмий-техникавий венчур бизнеси;

¹ Buckman R.H. Building a Knowledge – Driven Organization. – McGraw – Hill, 2004.-P.132.

² Макаров В.Л. Экономика знаний: уроки для России // Вестник Российской академии наук, 2003, №5.-С.73.

- юқори сифатли инсон капитали;
- билимлар ва юқори технологияларнинг яратилиши;
- ахборот жамияти ёки билимлар жамияти.

Ҳозирги вақтда фақат АҚШ ҳамда Европа Иттифоқига аъзо айрим давлатларнинг иктисодиётини билимларига асосланган иктисодиёт деб аташ мумкин. Жаҳоннинг ушбу тараққий этган давлатлари олимлар гоёларини товарлар ва маҳсулотларга тез ва самарали айлантириш учун энг мақбул шарт-шароитларни яратди. Бевосита илмий тадқиқотлар, инсон капиталига инвестицияларнинг ортиши ва бунинг натижасида энг янги технологияларнинг ўзлаштирилиши жаҳоннинг етакчи мамлакатларига иктисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш имкониятини бермоқда.

Меҳнатни билимлар билан алмаштириш билан боғлиқ туб ўзгаришларнинг моҳияти шундан иборатки, билимлар ресурсларни қайта ишлашга жалб қилинар экан. Меҳнат эмас, балки бевосита билимлар қиймат манбаи сифатида намоён бўлади. Моҳият жиҳатидан “қийматнинг меҳнат назарияси” “билимлар томонидан яратиладиган қиймат” назарияси билан алмаштирилмоқда. Ушбу назариянинг асосчиси Т.Сакайя “биз билимлар томонидан яратилаётган қадриятлар ҳаракатлантирувчи кучга айланаётган тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқдамиз” деб таъкидлаган.

Билимларга асосланган иктисодиёт – билимлардан ўзининг ўсиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун фойдаланаётган иктисодиётдир. Бундай иктисодиётда билимлар иктисодиёт барча тармоқларини, иктисодий жараёнларнинг барча қатнашчиларини бойитиб боради. Билимларга асосланган иктисодиёт улкан ижтимоий аҳамиятга эга, у турмуш сифатини яхшилаш принципларига асосланган (10.3-расм).

Европа комиссияси экспертлари билимларни қуйидагича таснифлайди (10.4-расм):

- илмий билимлар;
- техника (технологик) билимлари;
- инновациялар;
- инсон капитали;
- малака;
- ахборот-коммуникация технологияларига оид билимлар.




10.3-расм. Билимга асосланган иқтисодиёт тизими


Инсоният бугунги кунда эга бўлган билимларнинг 90,0 % сўнги 30 йил ичида яратилган. Умуман, жаҳонда билимларни биринчи марта икки марта кўпайтириш учун 1700 йил (милодий I-XVII асрлар) керак бўлди. Билимларнинг иккинчи бор яна икки марта ортиши эса 1900 йилда содир бўлди. Билимларнинг учинчи марта яна икка каррага кўпайган санаси сифатида 1950 йил кўрсатилади (10.5-расм).

Цивилизациянинг бутун тарихи давомида тайёрланган олимлар ва муҳандисларнинг 90,0 % ҳам замондошларимиздир.

XXI аср – ахборот асри деб аталиши бежиз эмас. Ушбу мингйиллик бошига келиб ахборот ҳажми 30 марта ортди.



10.4-расм. Европа комиссиясининг билимлар таснифи



10.5-расм. Жаҳонда билимлар ҳажми кўпайиши суръатлари

Билимларга асосланган иқтисодиёт тизимида билимлардан ресурс сифатида фойдаланиш – билимларни жорий этиш, биринчи

навбатда, инновацион жараёни амалга ошириш билан боғлиқдир. Билимларни жорий этиш самараси, энг аввало, инсон фаровонлигини акс эттирадиган унинг саломатлиги, турмуш даражасининг сифати ва умр кўриш давомийлигида ўз ифодасини топади.

Ушу соҳадаги инновацияларга тиббиёт, таълим, ижтимоий-маданий ривожланиш, турар жой қурилиши, ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг янги ютуқлар тааллуқлидир. Буни қуйидаги мисолларда кўриш мумкин: энергия, меҳнат, материал сарфини тежайдиган янги технологияларнинг жорий этилиши товарлар ва хизматлар қийматини арзонлаштиради. Маркетинг ва ташкилий инновациялар аҳолининг эҳтиёжлари учун зарур товарлар ва хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради. Шу билан бирга ишлаб чиқариш соҳасидаги ва ташкилий инновациялар меҳнат жараёнини инсонпарварлаштиришга хизмат қилади, айни пайтда ходимларнинг малакасини оширади.

Товарлар ва хизматлар таннархини арзонлаштиришга хизмат қиладиган билимлардан фойдаланиш ишлаб чиқарувчиларга рақобатда стратегик устунлик беради. Натижада корхоналар ва улар ходимларининг даромадлари ортади. Пировард натижада эса бу миллий иқтисодиёт барқарор юқори суръатларда ўсишни таъминлайди. Бундан ташқари, даромадларни қайта тақсимлашга қаратилган давлат сиёсати таълим, соғлиқни сақлаш, маданият соҳаларини, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш дастурларини молиялаштиришни кўпайтиради.

Чет эл олимларининг сўнгги тадқиқотлари жаҳондаги энг йирик компанияларининг интеллектуал капитали қиймати унинг моддий ресурслари ва молиявий капиталига нисбатан ортиб бораётганидан далолат беради. Мазкур нисбат 5:1 ва 6:1 даражага яқинлашиб қолди. Бунинг ёрқин тимсолини АҚШдаги “эски” ва “янги” компаниялар иқтисодий самарадорлигида кузатиш мумкин (10.1–жадвал).

10.1–жадвал
АҚШдаги “эски” ва “янги” компанияларнинг иқтисодий самарадорлиги¹

“Эски” компаниялар	Бозор капиталлашуви даражаси, млрд. долл.	Иш билан бандлар сони, минг киши	Янги компаниялар	Бозор капиталлашуви даражаси, млрд. долл.	Иш билан бандлар сони, минг киши
“Женерал Моторс”	52,7	594,0	“Яху”	92,9	0,803
“Форд”	62,5	345,2	“Америка он лайн”	141,0	12,1
“Даймлер–Крайслер”	76,9	441,5	“Циско”	368,0	21,0
Жами	129,1	1380,7	Жами	601,9	33,9

Жадвалда акс этганидек, янги иқтисодиёт тимсоли бўлган уч компанияда иш билан банд ходимлар сони “эски” компаниялардагига қараганда 40 марта кам бўлгани ҳолда уларнинг капиталлашувининг даражаси уч марта юқоридир. Бунинг сабаби – “янги” компанияларнинг ўз ишлаб чиқаришига илмий–тадқиқот ва тажриба–конструкторлик ишланмаларини дадил жорий этиб бориш билан бир қаторда персонал “капитали”ни ҳам муттасил бойитиб боришлари – ходимлар муттасил ўқитиши, малака ошириши, инновациялар яратиш ва жорий этишга рағбатлантирилиши ва ҳоказолардадир.


Инновация (инглизча “innovations” – “киритилган янгилик”, “ихтиро” сўзидан) - фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибага асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланилишидир.

Кенг маънода инновация дейилганда янги технологиялар, маҳсулот ва хизматлар турлари сифатидаги янгиликлар, ишлаб чиқариш, молия, тижорат, маъмурий ёки бошқа хусусиятларга эга ташкилий–техникавий ва ижтимоий–иқтисодий қарорлардан

¹ Млрд ва рубжега тасвир қилинган. Прогноз развития мировой экономики до 2015 года. – М.: Институт мировой экономики и международных отношений РАН, 2010. – С.117.

самарали фойдаланиш тушунилади. Янгилик гоёсининг туғилиши, яратилиши ва оммаланишидан бошлаб фойдаланишгача бўлган вақтни инновациянинг ҳаётий цикли деб аташади. Ана шулар билан боғлиқ ишларни олиб бориш тартиби ҳисобга олинган ҳолда инновациянинг ҳаётий циклига инновация жараёни сифатида қаралади.

Инновация ўз тизимига эгадир (10.6-расм).



10.6-расм. Инновацион тизимнинг амал қилиши

Бозор иқтисодиёти шароитларида инновация фаолияти инновациялар киритишлардан иборатдир. Янгиликлар-янгиликлар бозорини, инвестициялар-капитал (инвестиция) бозорини, янгиликлар киритиш-янгиликлар киритишнинг соф рақобат бозорини яратади.

Халқаро стандартларга кўра инновация бозорда жорий этилган янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, амалий фаолиятда қўлланиладиган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён ёхуд ижтимоий хизматларга янгича ёндашув кўринишидаги инновация фаолиятининг пировард натижаси сифатида баҳоланади.

Давлат инновация сиёсати дейилганда давлат тузилмаларининг инновация жараёнларини фаоллаштириш ва улар

иқтисодий-ижтимоий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ҳолда иқтисодиёт ва умуман жамиятга таъсир кўрсатишга қаратилган мақсад ҳамда усуллар комплекси тушунилади.

Инновация стратегиясини фақат замонавий бозор механизмлари, туб инновациялар ҳамда ихтирочилар ва новаторларнинг ижодий фаоллиги, улар манфаатларини ҳимоя қиладиган уюшмалар ва ташкилотларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кўшиб олиб борган ҳолдагина самарали амалга ошириш мумкин.

Бозор муносабатларини ривожлантириш технологик рақобатни кучайтиради, сифатсиз маҳсулотларни ишлатадиган ва ишлаб чиқарадиганларни банкротликка олиб келади, илмий-техника тараққиётига таяниб иш кўрадиганларга эса асосини илмий-техникавий даромад ташкил этадиган юқори фойда келтиради.

Ҳозирги вақтда инновация сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

- миллий маҳсулот рақобатбардошлиги ортишини таъминлайдиган инновация фаоллигини кучайтириш;
- замонавий технологиялар асосини ташкил этадиган инновацияларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш;
- янги маҳсулотлар ва илғор техникавий ишланмаларга асосланган технологиялар яратиш ҳамда кейинчалик уларни моддий ишлаб чиқариш соҳасида жорий этиш учун илмий-тадқиқот ва конструкторлик лойиҳаларини молиялаштириш;
- инновация фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни рақобатбардош бозор инновация механизми самарали амал қилиши ва интеллектуал мулкни ҳимоялаш билан қўшиб олиб бориш;

• инновацияларни амалга ошириш учун ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий манфаатдорлигини ва бунинг самараси сифатида ишлаб чиқариш ва умуман иқтисодиётнинг техникавий даражасини тубдан ўзгартиришга қаратилган қонунчилик ва ахборот асосини яратиш;

• технологияларнинг халқаро ва минтақалараро трансферти, халқаро инвестициявий ҳамкорлик, миллий инновация тадбиркорлиги манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш.

Экспертлар тадқиқот ва илмий ишланмаларга сарф қилинган ҳар 1 АҚШ доллари техникага сарф қилинган 1 АҚШ долларига нисбатан саккиз карра кўп фойда келтириши ҳисоблаб чиқилган.

Миллий бойлик таркибида ҳам инсон капиталининг салмоғи ортиб бормоқда (10.2–жадвал).

10.2-жадвал

Инсон капиталининг қиймати ва унинг миллий бойликдаги салмоғи

Мамлакатлар	Инсон капиталининг қиймати, млрд.АҚШ доллари	Инсон капиталининг миллий бойликдаги салмоғи, %	Миллий инсон капиталининг жаҳон инсон капиталдаги улуғи, %
АҚШ	99,0	77,0	26,0
Россия	30,0	50,0	8,0
Хитой	25,0	77,0	7,0
Бразилия	9,0	74,0	2,0
Ҳиндистон	7,0	58,0	1,8

Ўзбек мутафаккирлари ҳам илм–фаннинг аҳамиятига юксак баҳо берган. Абу Райҳон Берунийнинг “Минералогия” асарида таъкидланишича, мамлакат фаровонлиги ундаги илм-фаннинг аҳволи, тараккий этишига ҳам боғлиқ. Унинг фикрича, инсоннинг энг катта бахти билимга эғалигидир, чунки унга ақл берилган. Бахтни ана шундай тушунишгина жамиятда тинчлик ва фаровонликка олиб келади: «Инсон ҳақиқий роҳат-фароғатга етгани сари унга етишга бўлган интилиши кучайиб боргандагина ўша фароғатни чин дилдан ҳис қилади. Инсон руҳи ўзи билмаган нарсани англаганида ҳам ана шундай ҳолат рўй беради»¹, инсоннинг энг олий бурчи эса бошқалар, айниқса, камбағалларга ғамхўрлик қилишидир.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб илм–фанга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. 1992 йил 8 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фаннинг ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ва инновация фаолияти ҳақида”ги қарори худди шундан далолат беради.

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш ва ресурсларни етказиб беришга йўналтирилган ўсиш

стратегиясидан талаб омиллари ва юқори кўшимча қийматни шакллантиришга йўналтирилган стратегияга ўтиш, фойдали инновацияларни жорий этиш ва билимлардан самаралироқ фойдаланиш учун зарур ўзгартиришларни амалга ошириш талаб қилинади. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу чоралар мамлакатнинг XXI асрда барқарор юқори иқтисодий ўсишга эришишни таъминлайди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон аҳолиси фаровонлигини ошириш стратегиясида мазкур муаммо ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Хусусан, ушбу стратегияда 2015 йилгача бўлган даврда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий саккизта омилидан учтаси бевосита билимларга асосланган иқтисодиёт принциплари билан боғлиқдир:

1. *Таълим ва кадрларни тайёрлаш.* Мўлжалланган даврда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури асосида аҳоли саводхонлигини 99,3-100,0% даражасида сақлаб туриш кўзда тутилади. Шу билан бирга компьютер саводхонлиги барча умумтаълим мактабларининг дастурларига киритиш ҳамда уларнинг 50,0 % ни 2015 йилгача Интернетдан фойдаланишларини таъминлаш энг муҳим вазифа сифатида белгиланган. Стратегияда илмий-техникавий ривожланиш эҳтиёжларини қондириш имкониятларини кенгайтириш ҳамда кадрларни иқтисодиёт турли тармоқларида талаб этилаётган ихтисосликларга тайёрлаш даражасини ошириш режаланган. Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш мақсадида янги таълим муассасалари куриш, мавжудларини реконструкция қилиш, уларни энг замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозлаш ҳам кўзда тутилган.

2. *Фан, техника ва инновацион тизимлар.* Бу йўналишда, биринчи навбатда, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари соҳасида устуворликларни аниқлаш тизимини шакллантириш, инновацияларни тижорат принципи асосида жорий этиш кўзда тутилмоқда. Илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртли ва ишлаб чиқариш ўртасида шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш, инновацион инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадларида венчур фондлари ва инвестиция компанияларини ташкил этиш ҳамда уларни бошқаришда

¹ Абу Райҳон Беруний. Феруза (Жавоҳирлар ҳақида нақл ва ҳикоятлар). – Т.: 1993. – Б.42.

¹ Экономика знаний: перспективы для Узбекистана // Экономическое обозрение, 2008, №5. - С.12-18.

кўмаклашиш, интеллектуал мулкни ишонarli химоя қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

3. *Ахборот ва коммуникация технологиялари.* Ахборот-коммуникация технологиялари секторини устувор ривожлантириш билимларга асосланган иқтисодий шаклланишини таъминлайдиган энг муҳим сектор сифатида кўрилмоқда. 2015 йилга бориб электрон шаклдаги ахборотдан барча соҳаларда (ҳукумат муассасалари, ишбилармон доиралар, умуман аҳоли) фойдаланиш йўлга қўйилиши керак. Интернетдан давлат бошқарувини такомиллаштириш (электрон ҳукумат), логистика, бизнес хизмати кўрсатиш соҳаларида фойдаланиш жиддий равишда кенгайди. Иқтисодий, шунингдек, давлат бошқаруви тизими умумий самарадорлигини оширишда Интернет технологияларидан қўлланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Билимларга асосланган иқтисодий шакллантиришда таълимнинг анъанавий функцияларини қайта кўриб чиқиш ҳам талаб этилади. Таълимни янги сифат даражасига кўтариш учун унинг янги функцияларини белгилаб олиш жуда муҳимдир. Улар қаторида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- инновацион-венчур, яъни таълим тизими томонидан яратилган инновацион маҳсулотларни хўжалик амалиётига жорий этиш;

- тадбиркорлик, яъни таълимнинг ўз илмий ва ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини бозорларда рақобатбардошлигини таъминлашга эришиш;

- карьерани таълим билан боғлаш, яъни узлуксиз таълим тизимини ривожлантирган ҳолда касб таълими даражасини ҳам ошириш.

Билимларга асосланган иқтисодий миллий инновацион тизимни шакллантириш ва ривожлантиришни ҳам назарда тутди. Х. Фриманнинг фикрича, миллий инновацион тизим – бу “фаолияти янги технологияларни яратиш, модификация қилиш ва тарқатишга йўналтирилган давлат ва хусусий секторлардаги институтлар тармоғидир”¹.

*Миллий инновацион тизим*да унсуларнинг биринчи гуруҳи инсон капитали, ахборот-коммуникация технологиялари сектори, интеллектуал мулкни химоя қилиш тизими, шунингдек умумий

тадбиркорлик муҳитини қамраб олади. Миллий инновацион тизим учун ушбу унсулар зарур, лекин етарли эмас, шунинг учун уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш талаб қилинади.

Унсуларнинг иккинчи гуруҳига инновацияларни молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари (грантлар, имтиёзли ёки кафолатли кредитлар) ташкилий воситалар (илмий-техникавий бизнес-инкубаторлари, технология боғлари, технологияни ўзлаштириш бўйича ташкилотлар) ҳамда янги маҳсулотлар, хизматлар, технологиялар, ноу-хаулар, патентлар киради.


Инновацион фаолиятнинг натижалари меҳнат унумдорлигининг ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ички ҳамда ташқи бозорлардаги рақобатбардошликлари ортишида, ресурсларнинг тежалишида, умуман иқтисодийнинг барқарор ўсишида ўз ифодасини топади (10.7-расм).

Ўзбекистонда фақат ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-газни қайта ишлаш, металлургия, машинасозлик тармоқлари, энгил ва тўқимачилик, қурилиш материаллари саноати корхоналарида инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш жаҳон бозорида рақобатбардош кўшимча 10,4 млрд. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариш, йиллик экспорт ҳажмини 6,5 млрд. долларга кўпайтириш имконини бериши ҳисоблаб чиқилган. Шунинг учун республикада фан ва тахникани ривожлантириш, инновацион фаолиятни молиялаштиришни яхшилаш, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш чоралари кўрилмоқда, иқтисодийни модернизациялаш, диверсификациялаш ҳамда маҳаллийлаштириш давлат дастурлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг рақобат устунлиги биргина унинг табиий бойликлари, мустақиллик йилларида яратилган замонавий кўп тармоқли саноатидагина эмас, балки юксак илмий-техникавий салоҳияти, мустақкам илмий базаси, юқори малакали кадрларида ҳамдир.

Ҳозирги вақтда республикада 220 тадан кўпроқ илмий-тадқиқот муассасалари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, олий ўқув юртлари, илмий-ишлаб чиқариш корхоналари, кичик инновацион марказлар фаолият олиб бормоқда. Фан соҳасида 34 мингтадан кўпроқ ходим мавжуд бўлиб, уларнинг 2721 нафари фан доктори, 9231 нафари фан номзоди, 14 мингтадан кўпроғи тадқиқотчилардир (10.8-расм).

¹ Freeman C. Innovation in Japan. 1987. – P.65.



10.7-расм. Миллий инновацион тизим

Мамлакат иқтисодийтини ривожлантиришда интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг инновацион ҳамкорлигини ташкил этиш мақсадида мамлакатда профессор-ўқитувчилар, илмий-тадқиқот институтларининг илмий ходимлари,

корхона ва ташкилотларнинг вакиллари, иқтидорли талаба ёшларидан иборат инновацион гуруҳлар ташкил этилган.



10.8-расм. Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти

Кўнгина ривожланган давлатлар тажрибаси илм-фаннинг етакчи тармоқларида тадқиқот ишларини ташкил этиш, илмий изланишларни тезкорлик билан ишлаб чиқаришга жорий этишни йўлга қўйишда олий ўқув юрлари таркибидаги илмий марказларнинг роли ниҳоятда катта эканлигидан далолат бериб турибди. Масалан, АҚШдаги энг йирик илмий марказлар олий ўқув юрлари таркибидadır. Германияда давлат тузилмаси таркибида ёки мустақил бўлган 200 тадан ортиқ илмий марказ фаолият кўрсатади. Бу мамлакатда қарор топган анъанага кўра, давлат томонидан молиялаштирилладиган тадқиқотларнинг катта қисми олий ўқув юрларида олиб борилади. Бельгияда давлат бюджетидан илмий тадқиқотлар учун ажратилаётган маблағларнинг 40,0 % дан кўпроги университетлардаги илмий марказларга йўналтирилади.

Республика олимлари, шу жумладан олий ўқув юрларининг илмий марказлари ва лабораториялари тадқиқотчилари ҳам илм-фаннинг энг замонавий ва ғоят истиқболли йўналишлари – нано-ва биотехнологиялар, замонавий ахборот технологиялари, дастурий таъминот каби соҳаларда самарали изланишлар олиб бормоқда ва қатор илмий ишланмаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш чоралари кўрмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва республика Фанлар академияси томонидан Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти – Кембриж университети билан ҳамкорликда 2012 йилда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифаси – иқтидорли талабалар, аспирант ва

ёш олимларни кимё, физика, биология, биокимё, биофизика, геология ва геодезия соҳаларида амалий инновацион илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда илмий ишланмаларни амалга оширишнинг замонавий усуллариغا ўргатишдан иборат. Марказ энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда, бу ерда Кембриж университетининг олим ва мутахассислари аниқ йўналишлардаги тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида ёш олимларни тайёрлаб боради.

Инновацияларни яратиш ва жорий этиш катта молиявий ресурсларни талаб этади. Корхоналар, ташкилотлар ва умуман давлатнинг инновацияларни молиялаштириш учун ажратаётган маблағлари мамлакатнинг технологик ривожланганлиги, жаҳон бозорларида рақобатбардошлигининг асосий кўрсаткичидир. Шунинг учун жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ялпи ички маҳсулотлари ҳажмининг 2,0 % дан 4,74 % гача қисмини сарфламоқда (10.9-расм).


Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастури лойиҳаси доирасида олиб борилган таҳлиллар Ўзбекистонда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига давлат харажатлари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 0,2 % ни ташкил этишидан далолат берапти.

Мамлакат илмий-техникавий салоҳиятини, илмий-тадқиқотлар ва ишланмалар соҳасини ривожлантириш асосан давлат томонидан молиялаштирилмоқда. Хусусан, ушбу соҳани молиялаштириш учун жалб этилган умумий маблағнинг 53,7 % Давлат бюджети ҳисобидан ажратилмоқда. Фундаментал фанни молиялаштиришнинг 89,1%, амалий тадқиқотларнинг 80,6% ҳам давлат томонидан молиялаштирилмоқда. Кейинги 5 йил давомида Ўзбекистонда фан-техника соҳасига харажатлар 31,7 % га ортган¹.

Чет эллардаги ривожланган давлатларда эса тадбиркорлик тузилмалари тадқиқотлар ва ишланмалар учун харажатларнинг асосий қисмини ўз зиммасига олади.


Мамлакатда инновацияларнинг барча турлари (технологик, маркетинг ва ташкилий) учун умумий харажатлар ҳажми ЯИМнинг 0,7 % ни ташкил этади. Бу эса илмий-тадқиқот ва тажриба-

конструкторлик ишларига сарфлардан тахминан 2,5 марта кўпдир (10.10-расм). Ушбу маблағнинг асосий қисми – 97,7 % технологик инновацияларга йўналтирилмоқда.



10.9-расм. Ривожланган мамлакатларда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг молиялаштирилиши (ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан % ҳисобида)

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш амалга ошириляпти. Технологик инновацияларга харажатлар умумий ҳажмининг 67,5 % корхоналар учун машина ва жиҳозлар харид қилишга йўналтириляпти. Янги маҳсулотлар, хизматларни яратиш, бу инновацион товарларни ишлаб чиқиш усуллари мамлакат иқтисодиётининг қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (95,8%), шунингдек таълим, маданият, фан, ва фанга хизмат кўрсатиш (56,3%) корхона ва ташкилотлари энг кўп харажат қилмоқда.



■ Ишлаб чиқариш ■ Технология □ Ташкилий □ Маркетинг

10.10-расм. Ўзбекистонда инновацияга харажатларнинг таркиби (умумий харажатларга нисбатан % ҳисобида)

¹ Основные показатели развития научно-технологического потенциала и инноваций Республики Узбекистан в 2009 году. – Т.: Госкомстат Республики Узбекистан, 2010. – С.12.

Иқтисодиёт тармоқлари инновацион фаолиятининг энг мухим кўрсаткичи – инновация маҳсулотлари ишлаб чиқарилишидир. Ўзбекистонда 2009 йилда 1660,4 миллиард сўмлик инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарилган ва бу кўрсаткич бир йилда 25,3 % га ортган. Инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришга машинасозлик ва металлга ишлов бериш, қурилиш материаллари ва ёнилғи саноати корхоналари энг катта хисса қўшмоқда. Жумладан, машинасозлик ва металлга ишлов бериш тармоқларида инновацион маҳсулотлар умумий ҳажмининг 38,8 % га, қурилиш материаллари саноатида эса 12,3 % га етган¹.

Умуман мамлакатда юқори технологияли маҳсулотлар улуши ҳам сезиларли даражада ортиб бормоқда. 2000-2009 йилларда ушбу кўрсаткич деярли икки баробарга кўпайди (10.11-расм).



10.11-расм. Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида юқори технологияли маҳсулотлар ортинининг динамикаси (% ҳисобида)

Юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда машинасозлик саноати, айниқса, автомобилсозлик корхоналари етакчилик қилмоқда. Шу билан бирга кимё-фармацевтика саноати корхоналарида ҳам ишлаб чиқариш умумий ҳажмида юқори технологияли маҳсулотлар улуши ортиб борапти.

Иқтисодиёт тармоқларига илмий ишланмалар ва замонавий технологияларни кенг жорий этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш

борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори катта аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур қарор асосида ҳар йили Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ўтказиб келинмоқда. Ушбу ярмаркада 2000-2011 йилларда 2000 дан ортик инновацион ишланма, технология ва лойиҳалар намойиш этилди. Уларнинг аксариятини ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида мамлакат корхоналарида 242,2 млрд.сўмлик янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларнинг 15,0 млн.АҚШ доллари миқдоридаги импорт ўрнини босадиган маҳсулотлардир. Шу билан бирга инновацион технология ва лойиҳалар иқтисодиёт тармоқларида 16,4 млрд.сўмлик энергия ва бошқа ресурсларни тежаш имконини берди.

10.3. Мамлакатда инсон тараққиётининг асосий йўналишлари

Инсон тараққиёти стратегик мақсадларини амалга ошириш, аҳоли турмуш даражаси ва турмуш сифатини ошириш учун миллий иқтисодиёт барқарор юқори суръатларда ўсиши таъминланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз”² деб кўрсатган. Бунга эришиш учун қуйидаги устувор вазифалар ҳал этилиши талаб этилади:

- иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш. Шу мақсадда 2012-2016-йилларда умумий қиймати 6,2 млрд.АҚШ долларига тенг бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда;

¹ Основные показатели развития научно-технологического потенциала и инноваций Республики Узбекистан в 2009 году. – Т.: Госкомстат Республики Узбекистан, 2010. – С.96.

¹ Ходжаев Я. Инновациялар – ривожланиш гарови // Халқ сўзи, 2012 йил 1 май.

² Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарашган йил бўлади // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январи.

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш;

- ноёб, қайта тикланмайдиган захиралар - нефть, газ конденсати, табиий газ ва бошқа ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, айти пайтда муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш, саноатда маҳсулот таннархини 10,0-15,0 %га пасайтириш;

- саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, бу соҳада иш берувчилар учун қўшимча имтиёзлар бериш;

- ташқи бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш;

- хизматлар ва сервис соҳасини, энг аввало, қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида жадал ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларида аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишни кенгайтириш;

- 2011-2015-йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилиши ривожланишини жадаллаштириш давлат дастури ижросини таъминлаш, айниқса телекоммуникация тармоғи кўламини кенгайтириш, уни ривожлантириш ва модернизация қилиш учун қўшимча ресурсларни жалб этиш.

Мамлакат аҳолиси фаровонлигини ошириш фақат иқтисодий ўсиш юқори суръатларига эмас, балки *иш билан самаралик бандликка*, айниқса, қишлоқ жойларидаги меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга боғлиқдир. Ўзбекистонда ишсизликнинг расмий кўрсаткичлари жуда кам – 0,5 % ни ташкил этади.

Мазкур кўрсаткичлар ишсизларни ҳисобга олиш услубиёти мукамал эмаслиги билан изоҳланади. Чунки мамлакатда фақат меҳнат органларида расмий рўйхатга олинган шахсларгина ишсиз деб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан иш билан бандликни танлаб тадқиқ қилиш натижалари ишсизлик даражаси 3,5-4,0 % ни (мавсумий ва тўла бўлмаган бандликни ҳисобга олмаган ҳолда) эканлигидан далолат беради..

Жаҳон банки маълумотларига кўра эса, Ўзбекистонда бир марталик иш билан банд бўлиш, чет элларда ишлаш учун жўнаб кетиш ва айрим бошқа иш билан бандлик ҳисобга олинмаганда ишсизлик даражаси 6,0 % га етади.

Халқаро мезонларга мувофиқ, ишсизликни ушбу даражаси ҳам у қадар катта эмас. Аммо бунда шунинг ёдда тутиш керакки, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бир қисми тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси ёки тўлиқ бўлмаган иш кунини тартибида иш билан банддир. Айрим фуқаролар мавсумий ёки вақтинчалик ишга эга. Бюджет соҳасида ва қишлоқ хўжалигида иш ҳақи даражаси нисбатан пастлиги ҳам одамларда самарасиз иш билан бандлик ҳиссини уйғотади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийни янада либераллаштириш шароитларида меҳнат бозорини тартибга солиш иқтисодий механизмлар орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- *янги самарали иш жойларини яратиш*. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда йилига 1,0 миллионга иш жойи яратилмоқда. Уларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмаларида ташкил этиляпти. Бироқ мазкур соҳадаги иш ўринлари у қадар барқарорлик хусусиятига эга эмас;

- *хизмат соҳасини*, айниқса, қишлоқ жойларида ҳамда иқтисодийнинг бир тармоқли минтақаларида жадал ривожлантириш ҳисобига оқилона тармоқ ва ҳудудий иш билан бандликни шакллантириш;

- *қишлоқ жойларидаги меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш*. Кейинги йилларда мамлакатда экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кўрилаётган кенг кўламли чораларга қарамасдан суғориладиган унумдор ерлар майдони ҳар йили қисқариб бормоқда, қишлоқ аҳолиси эса кўпаяпти. Мазкур ҳолат қишлоқ хўжалигида самарасиз иш билан бандликнинг орттишига олиб келмоқда. Шу сабабли қишлоқдаги меҳнат ресурсларни қайта тақсимлаш шароитларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, бу ерларда кичик ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш ҳисобига ҳамда иқтисодийнинг бошқа, жумладан, енгил ва озик-овқат, қурилиш материаллари саноатида янги иш жойлари яратиш жуда муҳимдир.

Иш билан самарали бандлик муаммосини ҳал этиш меҳнат бозорларидаги номутаносибликни ҳам тартибга солишга хизмат қилади. Таҳлиллар меҳнат бозорларида юқори малакали ходимларга доимий талаб мавжуд бўлгани ҳолда малакасиз иш кучи таклифи ортиқчалигидан далолат бермоқда. Хусусан, иктисодиётнинг реал сектори юқори малакали муҳандислар, менежерлар, шунингдек фермер хўжаликлари учун мутахассисларга эҳтиёж катта эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш таркибига аниқлик киритиш ҳамда уларни тайёрлаш сифатини янада ошириш ниҳоятда муҳимдир.

Ҳар йили мамлакат коллеж ва лицейларини 500 минг нафардан кўпроқ ёшлар тугаллайди. Уларни кафолатли иш билан таъминлаш мақсадида битирувчиларнинг корхоналар билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ундан сўнг ишга қабул қилиш бўйича шартномалар тузилиши йўлга қўйилмоқда.

Мамлакат ҳукумати томонидан касб–хунар коллежлари, академик лицейлар, олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш ҳамда бу таълим муассасалари битирувчилари меҳнатидан самарали фойдаланиш бўйича дастур ҳам ишлаб чиқилган. Унинг асосида минтақавий ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарда ҳудудий дастурлар тайёрланган ва амалга оширилмоқда. Мазкур дастурлар қуйидагиларга йўналтирилган:

- олий ва ўрта махсус, касб–хунар таълими битирувчилари меҳнатидан иложи борича тўлароқ фойдаланиш, шунингдек, Иш билан бандликка кўмаклашувчи бюджетдан ташқари фонд маблағларини жалб этган ҳолда қўшимча иш жойлари яратиш;

- маҳаллий таълим муассасаларини ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир минтақадаги меҳнат бозорида иш кучига амалдаги талаб ва таклифни аниқлаш;

- таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашни тезкор назорат қилиш механизминини яратиш;

- мутахассислар тайёрлашни иш берувчилар талаблари асосида йўлга қўйиш мақсадида иш берувчилар билан касб таълими муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлаш.

Иктисодиётда инновацион жараёнлар узлуксиз ривожланиб бориши кўп жиҳатдан олий таълимнинг истиқболни кўзлаб иш кўришига боғлиқдир. Университет ва институтларнинг маъмурияти бугун билимларни эгаллаётган ёшлар яна 4-6 йилдан сўнг бевосита

меҳнат фаолиятига киришишларини ҳисобга олишлари зарур. Ҳозирча эса мамлакат олий таълим тизимидаги жараёнлар инновацион иктисодиёт эҳтиёжларига тўла мос тушмайди. Давлат таълим стандартларида меҳнат бозори талаблари тўлиқ ҳисобга олинмаган.

Кадрларни тайёрлаш миллий дастурида фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашиши вазифалари белгилаб қўйилган. Лекин ана шундай шериклик алоқаларида олий таълим муассасаларининг роли ҳали талаб даражасида эмас. Олий ўқув юртларида инновацион фаолиятга мотивациялаш механизмларидан самарали фойдаланилмайди. Университет ва институтларда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ташкил этиш даражасини иктисодиётнинг амалий вазифаларга йўналтириш талаб қилинмоқда.

Инсон тараққиёти миллий мақсадларида соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим вазифалар сифатида касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш устувор йўналишлари белгиланган.

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш стратегияси тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилашга йўналтирилиши лозим. Тиббий ёрдам сифати – кўп омилли вазифадир. Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал этиш куйидагиларга боғлиқдир:

- мутахассисларнинг малакаси;

- тиббий хизмат кўрсатишда фаннинг энг янги ютуқларидан фойдаланиш;

- даволаш жараёнида замонавий асбоб-ускуналарни кенг қўллаш;
- самарали дори воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

Шу билан бирга соғлиқни сақлаш ходимларининг малака бўйича табақаланиши ҳам кузатилади. Энг малакали тиббиёт ходимлари тор ихтисослашган пойтахт, вилоят марказлари клиникалари, тез тиббий ёрдам кўрсатиш тузилмаларида тўпланган.

Тиббиёт йўналишидаги мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун фақат ўқув дастурлари ва таълим усулларини такомиллаштириб қолмасдан, балки профессор-ўқитувчилар савиясини ҳам ошириш, соғлиқни сақлаш ўрта бўғини кадрларининг узлуксиз таълими тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Инсоннинг турар жойи, ижтимоий инфратузилманинг бошқа хизматларига эҳтиёжи бирламчи ҳисобланади. Қишлоқдаги уй

хўжаликлари ҳозир ҳам ичимлик сув, газ, электр қуввати билан таъминланишда муаммоларга дуч келади. Оқибатда шохар ва кишлок аҳолиси турмуш даражаси ўртасида тенгсизлик юзага чиқади. Ушбу муаммони ҳал этиш ҳам жиддий инвестицияларни талаб қилади.

Инсон тараққиёти концепцияси – ижтимоий тараққиётга янгича истиқболли ёндашув бўлиб, унинг марказига инсоннинг ҳаёти танлов имкониятларини кенгайтириш қўйилган. Инсонни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун барча – табиий, жисмоний капитал, айниқса, инсон капитали муттасил ортиб бориши талаб қилинади. Фақат шундагина ҳар бир инсон ўз қобилиятини ривожлантириш учун энг қулай шарт–шароитга эга бўлади ва ўзининг ривожланиши имкониятлари тобора кенгайиб боради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат бевосита ана шу мақсадларга эришишга йўналтирилган.

Назорат учун саволлар

1. Барқарор ривожланиш нимани назарда тутаети?
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистонда ривожланишга кўмаклашиш бўйича дастурида (ЮНДАФ 2010-2015 йиллар) қандай мақсадлар кўзда тутилган?
3. “Билимларга асосланган иқтисодиёт” моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Миллий инновацион тизим унсурлари нимадан иборат?
5. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устувор йўналишлари нималарни кўзда тутаети?
6. Мамлакат иқтисодиёти тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишда олий таълим олдиға қандай вазифалар қўйилган?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.- Т.: «Ўзбекистон», 2010.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси // <http://www.lex.uz>.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // <http://www.lex.uz>.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси // <http://www.lex.uz>.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // <http://www.lex.uz>.
- 1.6. “Аҳолининг бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // <http://www.lex.uz>.
- 1.7. “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // <http://www.lex.uz>.
- 1.8. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // <http://www.lex.uz>.
- 1.9. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // <http://www.lex.uz>.
- 1.10. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // <http://www.lex.uz>.
- 1.11. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // <http://www.lex.uz>.
- 1.12 “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // <http://www.lex.uz>.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 2.1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5. - Т.: «Ўзбекистон», 1996.
- 2.2. Каримов И.А. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиёти пойдевори. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.
- 2.3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли / Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1999
- 2.4. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т.: «Ўзбекистон», 2005.

2.5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005.

2.6. Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодий талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. –Т.: «Ўзбекистон», 2006.

2.7. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгилашни ва ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. – Т.: «Ўзбекистон», 2007.

2.8. Каримов И.А. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир.-Т.: «Ўзбекистон», 2007.

2.9. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш - барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. –Т.: «Ўзбекистон», 2008.

2.10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: «Маънавият», 2008.

2.11. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: «Ўзбекистон», 2009.

2.12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: «Ўзбекистон», 2010.

2.13. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. -Т.: «Ўзбекистон», 2010.

2.14. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади:– Т.: «Ўзбекистон», 2011.

2.15. Каримов И.А. Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели / “Соғлом она – соғлом бола” мавзuidaги халқаро симпозиум очилишидаги нутқ // Халқ сўзи, 2011 йил 27 ноябрь.

2.16. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: «Ўзбекистон», 2012.

2.17. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь.

2.18. Каримов И.А. Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий

эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti // Халқ сўзи, 2012 йил 20 февраль.

III. Китоблар, тўпламлар, монографиялар

3.1. Q.Abdurahmonov , N.T.Shoyusupova Aholining ish bilan bandligi: O'quv-qo'llanma.-T.: TDIU, 2011.

3.2. Q .X.Abduramanov, X.Abduramanov Mehnat resurslari safarbarligi. O'quv-qo'llanma.-T.: TDIU, 2011.

3.3. Q.X.Abdurahmonov, X.X.Abduramanov. Demografiya: O'quv-qo'llanma.-T.: TDIU, 2011

3.4. Q.X.Abdurahmonov, N.T.Shoyusupova. Mehnat iqtisodiyoti: Ijtimoiy mehnat munosabatlari: Darslik. - T.: TDIU, 2011

3.5. Абдурахманов К.Х., Абдуллаев А.М., Дадабаев Ш.Х. Региональная экономика и управление. –Т.: «Фан ва технология», 2007.

3.6. Абель Э., Бернанке Б. Макроэкономика / Пер. с англ. Н.Габенова, А. Смольского; научн. ред. д.э.н., проф. Л. Симкина. — СПб.: Питер, 2008.

3.7. Абу Райҳон Беруний. Феруза (Жавохирлар ҳақида нақл ва ҳикоятлар). – Т., 1993.

3.8. Абулқосимов Ҳ.П. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар. – Т.: «Академия», 2008.

3.9. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Т.: 1983.

3.10. Артыков А.А., Зокирова Н.К., Абдурахманов О.К. Человеческий капитал в условиях реформирования и модернизации экономики. Монография. –Т.: «Фан ва технология», 2008.

3.11. Артыкова Д.А. Проблемы достижения равновесия на рынке труда в условиях углубления рыночных реформ. - Т.: ТГЭУ, 2006.

3.12. Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: «Ижтимоий фикр», 2009.

3.13. Беккер Г. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории / Пер. с англ. Сост., научн. ред., послес. Капелюшников Р.И. –М.: ГУ ВШЭ, 2003.

3.14. БМТнинг Мингйиллик ривожланиш декларацияси (БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 8 сентябрдаги 55/2 резолюцияси билан қабул қилинган // <http://www.un.org>.

3.15. Бобков В.Н., Зинин В.Г., Разумов А.А. Политика доходов и заработной платы. Доклад в рамках проекта МОТ «Преодоление бедности, содействие занятости и местное экономическое развитие в Северо-Западном федеральном округе». — М., 2004.

3.16. Бобылев С. Н., Гирусов Э. В., Перелет Р. А. Экономика устойчивого развития. Учебное пособие. -М.: Изд-во «Ступени», 2004.

3.17. Генкин Б. М. Экономика и социология труда: Учебник для ВУЗов. М., НОРМА, 2007.

3.18. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати (ўқув қўлланма). – Т.: «Академия», 2007.

3.19. Децентрализация и человеческое развитие. Доклад о человеческом развитии – 2005. – Т.: Программа развития ООН, Центр экономических исследований, 2005.

3.20. Доклад о человеческом развитии – 2006. – Т.: ПРООН, 2006.

Друкер П.Ф. Бизнес и инновации. – М.: «Вильямс», 2007.

3.21. Дугин А. Г. Структурная социология. - М., 2010.

3.22. Инсонни ривожлантириш тўғрисида маъруза. 2010 йил / Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури // <http://www.undp.uz>.

3.23. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам. – Т.: «Адолат», 2004.

3.24. Ирманов А. Человеческий капитал в Узбекистане: состояние и перспектива. –Т., 2009.

3.25. История экономических учений: Современный этап: Учебник / Под общ. ред. А. Г. Худокормова. — М.: ИНФРА-М, 2009.

3.26. Жданкин Н.А. Мотивация персонала. Измерение и анализ. Учеб.- практ. пособ. – М.: «Финпресс», 2010.

3.27. Заирова Ф. Народонаселение и региональная экономика / Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. –Т., 2009.

3.28. Здоровье для всех: основная цель нового тысячелетия для Узбекистана.

3.29. Зокирова Н., Абдурахмонов О. Инқироз: оқибатлар, бартараф этиш, меҳнат муаммолари ва янги марраларга чиқиш. –Т.: “Фан технология”, 2009.

3.30. Зокирова Н.К. Социально-трудовые отношения: международный и национальный аспекты. – Т.: «Фан», 2008.

3.31. Н.К.Зокирова, Н.Т. Шоюсупова, В.Т. Габзалилова, Г.Қ.Абдурахманова. Аҳолини иш билан бандлигини тартибга солиш: Монография.-Т.: ТДИУ,2011

3.32. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество, культура. – М.: ГУ ВШЭ, 2006.

3.33. Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. /Пер. с англ. проф. Н. Н. Любимова; под ред. д.э.н., проф. Л. П. Куракова.— М.: Гелиос АРВ, 2002.

3.34. Корчагин Ю.А. Циклы развития человеческого капитала как драйверы инновационных волн. - Воронеж: ЦИРЭ, 2010

3.35. Любецкий В.В. Мировая экономика (учебно-методический комплекс) – М.: МИ ЭМП, 2010.

3.36. Макконел К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика / Перевод с 13-го английского издания. — М.: ИНФРА-М, 1999.

3.37. Маслоу А. Г. Мотивация и личность. — СПб.: Евразия, 1999. Международная организация труда. Конвенция. Документы. Материалы. Справочное пособие. - М.: Дело-Сервис, 2007.

3.38. Мерко А.И. Социально-ответственный бизнес-взаимосвязь государственной и корпоративной политики в глобализирующемся мире. Монография. – М., 2009.

3.40. Мизес Л. Человеческая деятельность: Трактат по экономической теории / 2-е испр. изд. — Челябинск: Социум, 2005.

3.41. Миркин Б. М., Наумова Л. Г. Устойчивое развитие. Учебное пособие. - Уфа: РИЦ БашГУ, 2009.

3.42. Национальная инновационная система Узбекистана. Оценка потенциала и результативности. – Т.: Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, ПРООН в Узбекистане, 2011.

3.43. Новиков А.М. Постиндустриальное образования. – М.: «Эгвест», 2008.

3.44. Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г. Экономика труда. Учебник. – М.: «Волтерс Клувер», 2011.

3.45. Образование в Узбекистане: баланс спроса и предложения Доклад о человеческом развитии – 2007/2008. – Т.: ПРООН, 2007/2008.

3.46. Основные показатели развития научно-технического потенциала и инноваций Республики Узбекистан в 2009 году. – Т.: Госкомстат Республики Узбекистан, 2010.

3.47. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. – Т.: «Узбекистан», 2011.

3.48. Основы социальной экономики / В. А. Каменецкий, В. П. Патрикеев. – М.: «Экономика», 2010.

3.49. Петти В., Смит А., Риккардо Д., Кейнс Дж.М., Фридмен М. Сочинения / Классика экономической мысли. – М.: ЭКСМО Пресс, 2000.

3.50. Прогноз и моделирование кризисов и мировой динамики / Отв. ред. А.А. Акаев, А.В. Коротаев, Г.Г. Малинецкий. – М.: Издательство ЛКИ/URSS, 2010.

3.51. Проект страновой программы ПРООН для Узбекистана на 2010-2015 гг. (19 марта 2009 г.) // <http://www.undp.org>

3.52. Развитие страны и повышение благосостояния народа в условиях модернизации экономики. Монография. – Т.: Филиал ГОУ ВПО «РЭА имени Г.В.Плеханова» в г.Ташкенте, 2010.

3.53. Разумов А.А., Ягодкина М.А. Бедность в современной России. — М.: «Формула права», 2007.

3.54. Реальное богатство народов: пути к развитию человека / Доклад о развитии человека – 2010. 20-е юбилейное издание. – М.: «Весь Мир», 2010.

3.55. Рофе А.И., Збышко Б.Г., Ищин В.В. Рынок труда, занятость населения, экономика ресурсов для труда – М.: 2010.

3.56. Рынок труда: учебное пособие / Под общ.ред. Абдурахманова К.Х., Одегова Ю.Г. – Т.: ТФ РЭА, 2009.

3.57. Рязанцев С.В., Ткаченко М.Ф. Мировой рынок труда и международная миграция. Учебное пособие. М.: «Экономика», 2010

3.58. Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиции в человеческий капитал, партнерство в сфере образования. – М.: Книжный дом газеты «Труд», 2008.

3.59. Сажина М.А., Чибриков Г.Г. Экономическая теория. — 2-е издание, переработанное и дополненное. — Норма, 2007.

3.60. Сакайя Т. Стоимость, создаваемая знаниями, или история будущего // Новая индустриальная волна на Западе. – М.: «Академия», 1999.

3.62. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: «Эксмо», 2007.

3.63. Социально-демографические процессы в современном Узбекистане / Материалы Республиканской научно-практической конференции. – Т., 2009.

3.64. Стюарт Т.А. Интеллектуальный капитал. Новый источник богатства организаций – М.: «Поколение», 2007.

3.65. Темур тузуклари. – Т.: «Шарқ», 2005.

3.66. Труд как средство борьбы с нищетой / Доклад Директора Международной организации труда. – М., 2003.

3.67. Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги (илмий-ўқув кўлланма). – Т.: Университет, 2006.

3.68. Убайдуллаева Р.А. Демографическая ситуация Узбекистана и перспективы ее развития / Социально-демографические процессы в современном Узбекистане. – Т., 2009.

3.69. Узбекистан на пути к экономике, основанное на знаниях: обеспечение устойчивого экономического роста в XXI веке. – Т.: ЦЭИ, 2008.

3.70. Управление трудовыми ресурсами: учебник/ А. Я. Кибанов, Е. А. Митрофанова, И. А. Эсаулова ; под ред. А. Я. Кибанова. – М.: ИНФРА-М, 2010.

3.71. Фитц-енц Я. Рентабельность инвестиций в персонал: измерение человеческой ценности персонала / Пер. с англ. – М.: «Вершина», 2006.

3.72. Фуруботин Э. Г., Рихтер Р. Институты и экономическая теория: Достижения новой институциональной экономической теории / Пер. с англ. под ред. В. С. Катякало, Н. П. Дроздовой. — СПб.: Издат. дом Санкт-Петерб. гос. ун-та, 2005.

3.73. Хантов А.А., Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари. – Т.: Г.Плеханов номидаги РИАнинг Тошкент шаҳар филиали, 2010.

3.76. Хайек Ф. Индивидуализм и экономический порядок. – М.: Изобраз, 2000.

3.77. Человеческое развитие. Учебник. – Т.: ПРООН в Узбекистане, Университет мировой экономики и дипломатии, 2008.

3.78. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008.

3.79. Шаститко А. Е. Новая институциональная экономическая теория / 4-е перераб. и доп. изд. — М.: ТЕИС, 2010.

3.80. Эдвинссон Л., Мэлоун М. Интеллектуальный капитал. Определение истинной стоимости компании. —М.: «Академия», 1999.

3.81. Экономика труда: рыночные и социальные аспекты: учебно-методический комплекс для подготовки магистров. /Под общ. ред. Н.А.Волгина.- М.: Изд-во РАГС, 2010.

3.82. Экономика труда .Учебное пособие / Под ред. Абдурахманова К.Х.Одегова Ю.Г.-Т. 2010.

3.83. Экономика и социология труда. Учебник. Под ред. А.Я.Кибанова. —М.: ИНФРА-М, 2010.

3.84. Экономический рост и инновации: теория и практика модели. — Т.: Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, ПРООН, 2010.

3.85.Экономическая теория / Под ред. Е. Н. Лобачёвой. — 2-е изд.. - М.: Высшее образование, 2009.

3.86. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. —Т.: 1990.

3.87. Ядгаров Я. С. История экономических учений. - М.: Инфра-М, 2004.

3.88. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги // Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. — Т.: БМТ ривожланиш дастури, 2007/2008.

IV. Хорижий адабиётлар

4.1. Ben-Porath. The Production of Human Capital and the Life Cycle of Earnings. — N.Y.; -L, 1970.

4.2. Bowen H.R. Investment in Learning. —San Francisco etc-Jossey — Bass, 1978.

4.3. Buckman R.H. Building a Knowledge — Driven Organization. — McGraw — Hill, 2004.

4.4. Bukowitz W.R. and Williams R.L. Knowledge Management Fieldbook // Financial Times, Prentice Hall, 2000.

4.5. Carnington W.J. How Big is the Brain Drain? INF Working Paper 98/102 (Washington), 1998.

4.6. Kuznets S.S. Economic Growth of Nations: Total Output and Production Structure, Harvard University Press, Cambridge (USA), 1971.

4.7. Nordhoug O. Human Capital in Organizations: Competence, Training and Learning. — OsLo,1999.

4.8. Psacharopoulos G. Returns to Investment in Education//Policy Research Working Paper 1067. January 1993.

4.9. Fighting climate change: Human solidarity in a divided world — New York, 2007.

4.10. Solow R. Technical Change and the Aggregate Production Function // Review of Economics and statistics. 1957, V.39.

4.11. Shultz T. Investment in Human capital / Theodore Shultz. — N.Y. — London, 1971.

4.12. Shultz T. Human Capital, family planning and their effects on population growth // American Economic Review. -1994. —May.

V. Интернет сайтлари

5.1. <http://www.gov.uz> — Ўзбекистон Республикасининг давлат портали.

5.2. <http://www.minesononi.uz> — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг расмий сайти

5.3. <http://www.edu.uz> — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий сайти

5.4. <http://www.mexnat.uz> — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги сайти.

5.6. <http://www.stat.uz> — Ўзбекистон Республикаси Статистика бўйича давлат қўмитасининг сайти.

5.7.<http://www.lex.uz>— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунчилик ҳужжатлари сайти.

5.8.<http://www.ilo.org> — Халқаро меҳнат ташкилотининг сайти.

5.9.<http://www.undp.uz> — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг (ПРООН) Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси сайти.

5.10. <http://www.worldbank.org> — Жаҳон банкнинг сайти.

5.11. <http://www.eLibrary.ru> — илмий электрон кутубхона сайти

5.12. <http://www.edu.uz> — Ўзбекистон таълим сайти

5.13.<http://www.ula.uzsci.net> — Ўзбекистон Республикаси кутубхоналар ассоциациясининг сайти

5.14.<http://www.e-ilm.uz> — масофадан туриб ўқитиш тизимининг сайти

5.15. <http://www.uzsci.net> — илмий-таълим тармоғи

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3	6.7. Турар жойга эга бўлиш - турмуш даражаси ва турмуш сифатининг мезони.....	300
БИРИНЧИ ҚИСМ		7-боб. Аҳолии ижтимоий ҳимоя қилиш ва инсон тараққиёти	
ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ МЕЗОНЛАРИ		7.1. Ижтимоий ҳимоя тизимининг инсон тараққиётидаги роли.....	
1-боб. Ижтимоий ривожланиш назариялари		7.2. Кучли ижтимоий сиёсат – инсон тараққиёти “Ўзбек модели”нинг устувор йўналиши.....	
1.1. Ижтимоий ривожланиш назариясининг методологик асослари.....	9	7.3. Маҳалла – Ўзбекистон аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ноёб институти.....	
1.2. Иқтисодий ўсиш ва унинг кўрсаткичлари.....	25	УЧИНЧИ ҚИСМ	
1.3. Иқтисодий ўсиш назарияларида инсон омили ролининг эволюцияси.....	38	ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ	
2-боб. Инсон тараққиёти концепцияси		8-боб. “Ҳамма нарса инсон учун, инсон манфаатлари учун”	
2.1. Иқтисодий ўсиш ва инсон тараққиёти.....	56	8.1. Мустақилликка эришиш ва инсон тараққиёти миллий моделининг ишлаб чиқиши.....	
2.2. Инсон капитали назариясининг шаклланиши ва ривожланиши.....	67	8.2. Иқтисодийтни ислоҳ этиш ва унинг инсон тараққиётига таъсири.....	
2.3. “Халқларнинг ҳақиқий бойлиги - одамлар”.....	81	8.3. Инсон капиталига инвестициялар.....	
3-боб. Инсон тараққиёти мезонлари ва БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари		9-боб. БМТнинг минг йиллик ривожланиш мақсадлари ва уларни Ўзбекистонда амалга ошириш натижалари	
3.1. Инсон тараққиётини баҳолашнинг асосий мезонлари ва уларнинг хусусиятлари.....	101	9.1. Ўзбекистонда инсон тараққиёти бўйича миллий маърузалар.....	
3.2. Инсон тараққиёти индекси ва унинг таркибий қисмларини ҳисоблаш услубиёти.....	115	9.2. Мамлакатда инсон тараққиётининг минтақавий хусусиятлари.....	
3.3. БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари, уларнинг вазифалари ва индикаторлари.....	131	9.3. Ўзбекистонда инсон тараққиёти бўйича миллий мақсадларни амалга оширишнинг натижалари.....	
4-боб. Инсон тараққиётида иш билан бандликнинг аҳамияти		10-боб. Ўзбекистонда инсон тараққиётининг устувор йўналишлари	
4.1. Иш билан бандлик ва инсон тараққиёти ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.....	142	10.1. Инсон манфаатларини таъминлашда барқарор ривожланишнинг роли.....	
4.2. Давлатнинг иш билан бандликни тартибга солиш сиёсати.....	161	10.2. “Билимга асосланган иқтисодиёт” – тараққиётнинг бош омили.....	
4.3. Ўзбекистонда иш билан бандлик соҳасидаги тенденциялар.....	184	10.3. Мамлакатда инсон тараққиётининг асосий йўналишлари.....	
ИККИНЧИ ҚИСМ		ҲОДИСАЛАР	
ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ВА ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ		ҲОДИСАЛАР	
5-боб. Фаровонлик концепцияси ва турмуш даражаси		ҲОДИСАЛАР	
5.1. Фаровонлик концепциясининг назарий ва методологик асослари.....	206	ҲОДИСАЛАР	
5.2. Турмуш даражаси ва турмуш сифати, уларнинг кўрсаткичлари ва индикаторлари.....	214	ҲОДИСАЛАР	
5.3. Тенглик ва инсон тараққиёти.....	224	ҲОДИСАЛАР	
6-боб. Инсон тараққиёти омиллари		ҲОДИСАЛАР	
6.1. Таълим ва инсон тараққиёти.....	235	ҲОДИСАЛАР	
6.2. Саломатлик – инсон тараққиётининг ҳал қилувчи шарти.....	252	ҲОДИСАЛАР	
6.3. Демографик вазият ва унинг инсон тараққиётидаги роли.....	264	ҲОДИСАЛАР	
6.4. Ўзбекистонда аҳолининг демографик ривожланиши.....	277	ҲОДИСАЛАР	
6.5. Инсон тараққиётининг гендер омиллари.....	286	ҲОДИСАЛАР	
6.6. Атроф муҳитнинг инсон тараққиётига таъсири.....	293	ҲОДИСАЛАР	

ИНСОН ТАРАҚҚИЁТИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2012

Мухаррир: Ш.Қушербаева
Тех. муҳаррир: М.Холмухамедов
Мусаввир: Ҳ.Фуломов
Компьютерда
саҳифаловчи: Н.Ҳасанова

Нашр.лиш. АИ№149, 14.08.09. Босишга руҳсат этилди 16.01.2013.
Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоғи 30,0. Нашр босма табоғи 29,75.
Тиражи 500. Буюртма №7.

«Fan va texnologiyalar Markazining boshxonasida» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.